

Абдулла ҚОДИРИЙ

Адибни хотирига

V



Абдулла
ҚОДИРИЙ

Адибни хотиригад



**Хотира – одамларни ибратга, хулосага даъват
этади, инсониятни хатолардан асраб туради.**



1928 йилда олинган ушбу суратдаги «Турон» кутубхонаси Эски Жўва майдонидан Чорсу бозорига тушадиган Махсидўзлик кўчасида жойлашган эди. Калвак махзум шу кутубхонада Маҳкам қори билан баҳслашиб қолган эди.

Абдулла ҚОДИРИЙ

V



Адабна хотиринад

Тошкент
Info Capital Group
2017

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)6

Қ 53

Қодирий, Абдулла.

Адибни хотирлаб: Хотира роман. Абдулла Қодирий. – Т.: Info Capital Group, 2017. – 584 б.

Инсон умри узунлиги билан эмас, мазмунли ҳаёти билан баҳоланади, деган иборани кўп ишлатамиз. Қисқа умри давомида ўзидан улкан маънавий ва бебаҳо мерос қолдирган, миллат тафакқурини бирламчи вазифа, деб билган ҳамда асарлари орқали инсонларни ҳамиша уйғоқ қалб билан яшашга ундаган ижодкор – Абдулла Қодирий закоси олдида халқ ҳамиша бош эгади. Дарҳақиқат, ХХ аср биринчи чорагида миллат маънавий ҳаётида жонбозлик кўрсатган адиб мероси асрларга татигуликдир. У миллат тафакқурини ошириш йўлида «Жадид адабиёти» асосчиларидан бири бўлди, ўзбек адабиётида романчиликни бошлаб берди. Миллий адабиётнинг бугунги забардаст вакилларига маънан устозлик қилди.

Адибнинг истеъдоди-ю маҳоратига қанчалик ҳавас қилмайлик, унинг мудом қийинчиликлардан иборат болалиги-ю ўсмирлиги, касбий фаолияти ва ҳатто аянчли ўлими айнан хотираларда жонланади. У авлодлари – миллатнинг қалби уйғоқ фарзандлари хотирасида барҳаётдир.

Ушбу китоб нафақат буюк ёзувчининг авлодлари, шогирдлари хотираларидан иборат, балки у билан замондош бўлган, адиб билан бир даврда ижод қилган инсонларнинг эсдаликлари жамланмасидир.

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)6

Барча ҳуқуқлар муҳофаза қилинган. Ушбу китоб худди шундай тарзда ва шаклда кўпайтирилиши, ундан нусха олиниши ва бошқача усулда тарқатилиши, жумладан, китобнинг фотонусхаси яратилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши қатъиян ман этилади.

ISBN 978-9943-5108-0-7

© Абдулла Қодирий, «Адибни хотирлаб», 2017.

© «Info Capital Group», 2017.

ТИКЛАНГАН ҲАҚИҚАТНИНГ БАДИЙ ИНЪИКОСИ

Авалло шуни айтиш керакки, буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўта мушкул кечган ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги бор ҳақиқатни юзага чиқариш, сохталик аралаштирилмаган ҳаётий ҳақиқатни авлодларга мерос қилиб қолдиришда отага муносиб ўғил Ҳабибулла Қодирий фаолияти, хусусан, мазкур «Отамдан хотира» (Отам ҳақида) китобининг ўрни беқиёсдир.

Адабиётимиз тарихидаги улуғ адибнинг садоқатли ўғли ўз отаси ҳақида, айтиш мумкинки, юрак қони билан ёзган ягона китоб бу!

Абдулла Қодирий ижоди ва сиймоси ўзбек адабиёти тарихидаги энг юксак ва виқорли қоялардан биридир.

Абдулла ОРИПОВ

ОТА ЎҒЛИ

Яқинда «Ўткан кунлар»ни қайтадан синчиклаб ўқидим. Китобнинг сўнгги саҳифаларига келганда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шундай «жиддий адаси»нинг нимага йиғлаётганини тушунмай ҳайрон бўлиб турган ўғил-қизим олдида ўзимни ҳеч тўхтата олмай йиғлардим. Бу фақат асар қаҳрамонлари тақдирига ачиниб йиғлаш эмас эди...

Дунёда Абдулла Қодирийдек бахтиқаро ёзувчи кам бўлади. Мустабид шўро жаллодлари уни қатағон қилдилар, минг бора жабр кўрсатдилар, охири ўлдириб қутулдилар. Дунёда Абдулла Қодирийдек бахтиёр ёзувчи ҳам камдан-кам бўлади. Ҳар қандай қатағонларга, қамоққа тикилиш ва сургун бўлиш хавфига қарамай китобхонлар «Ўткан кунлар»ни ўқийвердилар, ўқийвердилар, ўқийвердилар! Бу юз минглаб оддий инсонлар, оддий ўқувчиларнинг зўравонлик тузумига қарши ўзига хос исёни эди!

Яхши отадан яхши фарзандлар, яхши адибдан эса яхши фарзандлар ва яхши асарлар қолади, деган гап бор. Чиндан ҳам шундай. Қодирий домланинг фарзандларидан бири Ҳабибулла Қодирий яхши инсон ва истеъдодли қаламкаш эди. Ҳабибулла ака билан кўп ҳамсуҳбат бўлганмиз. Оғир-вазмин, мулоҳазали, сабр-бардошли инсон эди. Сталиннинг ўзи аллақачон дўзахга кунда бўлганига қарамай, унинг «совуқ нафаси» олтмишинчи йилларда ҳам сезилиб турар, талай истеъдодли шоир ва адибларнинг ўзи «оқланиб», асари эса негадир «қоралигича» қолган эди. Шулар орасида биринчи бўлиб «Ўткан кунлар» тагин дунё юзини кўрди. Бунда талай етакчи қаламкаш ва олимлар қатори Ҳабибулла аканинг ҳам ҳиссаси бор эди. Сўнг Ҳабибулла ака «Отам ҳақида» китобини чоп эттирди. Бу китобнинг дунёга келиши ҳам асл фарзанднинг ота олдидаги бурчини адо этишига мисол бўла олади. Ҳабибулла ака атоқли адиб отасининг ижодини таҳлил қилиб ўтирмайди. Бу унинг вазифасига кирмайди ҳам. Чунки у адабиётшунос эмас, касби врач эди. Шунга қарамай, Ҳабибулла аканинг китоби тезда машҳур бўлиб кетди. Саббаби, унда эл севган адибнинг Инсон сифатидаги олами тасвирланган эди... Шу тариқа у фақат Қодирий домлагина эмас,

минглаб китобхонлар олдидаги вазифасини ҳам адо этди. Замона зайли билан ўзи ҳам турли жафоларга гирифтор бўлган Ҳабибулла ака инсоний бурчини соф виждон билан бажарди. Бу яхши отанинг яхши фарзандига хос фазилатидир.

Ўткир ҲОШИМОВ

2012 йил 23 март

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Миллий тилимизга араб тилидан ўзлашган «қадрият» сўзининг нутқимизда қўлланиши асосан мустақилликка эришганимиздан сўнг одат тусига кирди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай дейилган: «Қадрият – (қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги)». Воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан: эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва бошқалар қадрият ҳисобланади»¹. Келтирилган иқтибосда халқ яратган кўп асрлик оғзаки ижод намуналари, миллий менталитетни белгиловчи урф-одат, расм-русумлар, қолаверса, ўзбек тили ва бошқа жуда кўп эъзозли тушунчалар қайд этилмаган. Чунки уларни бирма-бир санайдиган бўлсак, саноғига етолмаймиз. Луғат тuzувчилар «Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган... маънавий бойлик» дейишганда, ана шу кўлами кенг маъноларни назарда тутишган. Ҳақиқатан ҳам, қадрияти йўқ миллат миллат бўлолмайди. Фарзандга миллат қиёфасини мерос қилиб қолдириш қадриятни сингдириш демакдир.

XX аср бошида миллий мустақилликни орзу қилган зиёлиларимизнинг бутун ҳаракати, аввало, миллатимиз яратган қадриятлар руҳини тарғиб қилишга, янги авлодни миллий қадриятларга садоқатли инсон қилиб тарбиялашга қаратилган эди. Уларнинг пешқадамларидан бири сифатида ҳеч иккиланмай Абдулла Қодирийни кўрсатиш мумкин.

Озод Шарафиддинов ҳаёти давомида «Ўткан кунлар» асари ҳақида фикр юритар эканлар: «Феодал жамиятида камбағал одамнинг бахтсиз бўлиши табиий. Абдулла Қодирийнинг буюклиги шундаки, ҳақиқий инсон бой бўлса ҳам, бу жамиятда бахтга эриша олмаслигини далиллаб берди», деган гапни кўп

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008 йил. – 207-бет.

қайтарар эдилар. Замонлар ўзгарди. «Ўткан кунлар» романининг яратилиши, ғояси ва бадиияти юзасидан эътиборга лойиқ янги-янги мулоҳазалар вужудга келди. Эндиликда устознинг фикрини инкор этмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, Абдулла Қодирий ўзбекнинг ўтмиши ҳар томонлама ҳақорат қилиниб турган собиқ тузум шароитида ўз замонининг руҳига кўри-нишдан қарши чиқмаган ҳолда миллий қадриятларимиз устидан ҳукм сурган нотўғри сиёсатнинг мутлақо асоссиз эканини исботлаган моҳир сўз санъаткори даражасидаги беназир адиб эди.

* * *

Ёзувчи ўзбек халқи қадриятларини кўз-кўз қилмаган ҳолда асарларидаги қахрамонлар ҳаётини, феъл-атворини китобхонга етказар экан, оддий турмуш тарзидаги табиий лавҳаларни кашф этишга уринган ва тасвир воситасида миллий-маънавий мерос хазинасидаги гўзал урф-одатларни марварид тизимидан иборат маржон дурдоналаридек ифодалай олган. Муҳими, Абдулла Қодирий қадимги жозибали расм-русумлар қаторида салбий унсурларни ҳам адолат юзасидан кўрсатган ва танқид қилган. Натижада ўзбекона ҳаёт унинг романларидан тортиб ҳикояларигача бутун фазилатлари ва нуқсонлари билан рўй-рост ўз ифодасини топган.

Миллатнинг энг буюк қадрияти унинг тили ҳисобланади. Миллий тил унинг кўзгуси, ташриф варақасидир. Шунинг учун бўлса керак, тил қадри унда сўзлашадиган аҳоли сонига қараб белгиланмайди. Ҳар бир миллий тил асрлар давомида аждо-лар ва авлодларнинг ижодий маҳсулидир. Абдулла Қодирий қаламига мансуб роман, ҳикоя, пьеса, мақола, тақризларда айнан ана шу фикр ўзбек тилида яратилган улкан қасрнинг пой-девори сифатида аниқ кўзга ташланади. Адиб ижодидаги бу фазилат деярли ҳамма адабиётшунослар томонидан эътироф этилган, ўрганилган. Аввало, Абдулла Қодирийнинг ўзи ўзбек тилига қандай муносабатда бўлганига диққат қилайлик. Тўғри, ёзувчининг ўзбек тилида сўздан қандай фойдаланиш маҳорати ҳақида махсус мақоласини учратмадик. Аммо турли ижодий вазиятлар муносабати билан билдирилган мулоҳазаларда Абдулла Қодирийнинг миллий тилимизни қанчалар улуғлаганига, унга ниҳоятда эҳтиётлик билан заргарона ёндашганига гувоҳ бўлдик. Абдулла Қодирий «Қизил Ўзбекистон» газетаси-

нинг 1925 йил 25 август сонидаги «Шаллақи» номли мақоласида Ғози Юнуснинг «шунғия чиқди» деб ёзган сўз бирикмасини танқид қилиб, «чиқди» сўзи ўрнига «бости»ни қўллаш керак-лигини айтади. «Шунғия чиқди» деган сўз «озчиликка айтиладир, аммо «шунғия бости» сўзи ғалабаликка дейиладир. Масалан: «шунғия чиққан эди» (битта-яримта) «палакни босди» (чиқа-чиқа кўпайиб), шунга ўхшаш «ёв келди» (уришмоқчи ёки уришиб турибдир), «ёв босди» (ёв кучайиб бости, қутулишга чора қолмади) бўладир»¹ деб, Ғози Юнус қўллаган битта сўзни алоҳида таҳлилга тортиш зарурлигини қайд этади. «Ёзишғучиларимизга» («Муштум», 1925 йил, 17-сон) мақоласида «Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзғучининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб... Мундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрун берилмаслиги лозим», – дейди жон куйдириб у. Мақолада тилга эътиборсиз адибларга қарата «қалам ўқлоғи, матбуот – кетмон бозори эмас»лиги ҳам кескин уқтирилади. Маълум бўладики, адибимиз тилга масъулият билан ёндашиш зарурлигини ёш замондошларига ҳам эринмай тушунтиришга уринган экан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор Аббос Ашрабов ёшлик хотирасида Абдулла Қодирийнинг фикрини эслайди. Бу гап 1926 йил А.Ашрабов ёзувчиникига меҳмон бўлиб борганида айтилган: «Агар романни катта бир харсанг тош деб фараз қилсак, биз унинг устига чиқиб атрофга назар ташлаймиз, мавзуга оид бўлган, киши илҳомини ҳаракатга келтирадиган сўзларни қаламга тортамыз. Шу билан бирга, бир жумлани ёзмоқчи бўлсак, унга оид бир неча сўзлар кўз олдимиздан ўтади. Улардан бирининг устида тўхтаб жумла-мизга киритамиз».²

Аббосхон, Усмонали ва Аброрхон каби ёш болаларни уйига таклиф қилиб, уларга бадиий асар тилига оид ўта муҳим гапларни айтишга эринмаган адибнинг ўзбек фарзандига она тили ҳақида фикр уйғотиши ҳақиқатан ҳам ибратлидир.

Одатда, адабиётшунослар бирор адибга баҳо беришар экан, асосий эътиборни асарларининг сонига, ҳажмига эмас, сифа-

¹ Абдулла Қодирий. «Диёри бақр». – Т.: «Янги аср авлоди», 2007. – 230-бет.

² Аббос Ашрабов. «Кўктерақда бир кун». Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1990 йил, 26 январ.

тига қаратишади. Чунки санъат асарининг қиммати унинг катта-кичиклиги билан эмас, санъаткорнинг маҳорат ўлчови билан белгиланади.

Абдулла Қодирий яратган асарларида сўздан фойдаланиш тамойиллари юзасидан билдирмоқчи бўлган фикримизни бир кичик мисол таҳлили билан давом эттирмоқчимиз. Адиб Сотти Ҳусайннинг «Ўткан кунлар» ҳақидаги мақоласига жавоб ёзар экан, 8-бандида шундай дейди: Баъзан «Мени сўзга усталигим» тўғрисида ҳазм ва қолибдан юқорироқ мадҳларга бўлинган – «Бу ҳолни тасвирига қалам ожиздир» каби узрларимни «Елгон айтади, сўзга жуда уста» деган каби талқин қилинади. Дуруст, менга қараганда тубан кишилар учун мен «Жуда ҳам сўзни қотирадиған кўринарман», бироқ «Ўзимдан ўтади, ўзим билан» деганларидек, ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълумдир».¹

Юқорида берилган матндан бир нечта муҳим хулосаларга келиш мумкин. Аввало, Сотти Ҳусайн беназир адибни бўхтон уммонига ботирган бўлса ҳам, «сўзга жуда уста» эканини тан олишга мажбурлиги ҳис этилмоқда. Иккинчидан, бадий адабиёт сўз санъати экан, Абдулла Қодирийнинг «сўзга жуда уста»лигини тан олиш – агар мантиқан фикр юритилса, мунаққид билдирган танқидий мулоҳазалар ўз-ўзидан чиппака чиқишини билдиради. Учинчидан, «менга қараганда тубан кишилар учун» сўзлари бевосита Сотти Ҳусайнга берилган баҳо сифатида аҳамиятлидир. Абдулла Қодирий гўё бошқа одамлар ҳақида тўхталмоқда. Аммо бу «тубан кишилар» орасида биринчи бўлиб Сотти Ҳусайн турибди. Ва, тўртинчидан, «Ўткан кунлар» муаллифи ўзининг оддий инсон эканлигини, инсонда эса камчиликка йўл қўйиш хусусияти табиий эканини камтарлик билан тан олмоқда ва ўз танқидчисига ён босгандек кўринмоқда.

Жаҳон миқёсида тушуниладиган насрий асарлар эндигина яратилаётган XX аср бошларида Фитрат, Авлони, Ҳамза каби адиблар ижодий тажрибани янги ўзбек прозаси намуналарини яратиш билан бошлаган эдилар. Ана шу жараён иштирокчиларидан бири сифатида Абдулла Қодирийни ҳам кўрсатиш мумкин. Фақат Абдулла Қодирийнинг мазкур масалага ёндашишида бир оз ўзига хослик сезилади. Хусусан, адибимиз, бизнингча, ўз ижодида индивидуал нутқ муаммосига халқ қад-

¹ Абдулла Қодирий. «Диёри бакр». – Т.: «Янги аср авлоди», 2007. – 384-бет.

риятларидан бирига бўлган чексиз ҳурмат нуқтаи назаридан ёндашади. Мақоламизнинг аввалги саҳифаларда келтирилган адиб мулоҳазалари фикримизга далил бўла олади, деб ўйлаймиз.

Миллий тилни миллат яшайдиган Ватансиз тасаввур қилиш мушкул. Зеро, аждодлар хотираси Ватан эрки учун кураш, унинг гўзал табиатини шарҳ этиш билан уйғунлашиб тилда ўз ифодасини топади. Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон тасаввурида Ватан инсон ҳаётидаги энг қимматли тушунчадир. Аввало, бу зиёлилар юрт ва эл ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларига эга эдилар. Чор Россиясининг бир неча ўн йиллардан буён Қўқон, Бухоро, Хоразм хонлиги ҳудудида босмачилик сиёсатини амалга оширишига нисбатан жадидларнинг ўз муносабати бор эди. Октябр тўнтаришидан сўнг ижтимоий ҳаётда ижобий ўзгаришларни кўрмаган эл фарзандлари турли сабаб ва вазиятлар баҳонаси билан ўз фикрларини айтиш имконидан фойдаландилар. Абдулла Қодирий ҳам «Ўткан кунлар» романида бу ҳаракатдан четда эмаслигини кўрсатди. Юсуфбек ҳожи Отабекка «Кипчоққа қирғин» бобида: «Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор», дейди. Фикр давомида: «Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим!», дейилади. Юсуфбек ҳожи Темур Кўрагонни, Мирзо Бобурни, Форобий, Улуғбек, Али Синони эсга олади. Айни пайтда романнинг «Хотима», «Ёзғучидан» саҳифаларида ҳам Отабек, Ёдгор ҳақида сўнги маълумот берар экан, яна Ватан мудофааси, мустақиллиги юзасидан китобхонга айтилиши лозим гаплар изҳор этилади. Улардан зийрак ўқувчи ёзувчи қалбидаги изтиробли фикрларни англаб олишга қийналмайди. «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим». Ёдгорнинг ўғилларидан бири эса бежиз босмачиларга қўшил-

маган. Буларнинг замирида, бизнингча, ёзувчининг очик, ошкора айта олмаган дард ифодаси ётибди. Абдулла Қодирий парда ортидан ўзаро чиқиша олмай она юртимизнинг душман оёғи остида топталишига йўл қўйган хонларни айблаиди. Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши эса кейинчалик юртимизда большевикларнинг ҳукм суришларига сабаб бўлди. Адиб она Ватаннинг эрксизлигидан қийин аҳволда эканлигини ифодалаш йўллариини излаган ва топган.

Она Ватанга бўлган муҳаббат «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби асарлардаги табиат манзаралари тасвирида алоҳида сезилади. Закий китобхон бу саҳифаларни ўқиганида ёзувчининг ўзи бу мисраларни ёзаётганида қанчалар яйраётганини аниқ сезади. «Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар, кўк-қизил, оқ-қора, сариқ-зангори, пушти-гўлас ва аллақанча чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнгиб аранг етишган ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадилар». Ёзувчининг маҳорати табиат манзараси билан асар қаҳрамони руҳий ҳолатини муқоёса қилишида ҳам кўринади: «Ҳов ана бир қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вижир-вижир сайраб қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, суйганининг олдига тезроқ етиш учун шошадирғандир: сайроғи ҳам суйганини кўриш шодлиғи учундир... Бахтли қалдирғоч: олган совғаси ҳам кўркунч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир». Энди адиб табиатдаги гўзал манзаралар билан Отабекнинг ташвишини қарама-қарши қўймоқда. Қаҳрамон руҳий ҳолатидаги фожиали лавҳалар баҳор фаслидаги гўзаллик заминидан янада таъсирли ифодасини топмоқда.

Ёзувчи баҳор фаслига яна бир неча марта қайтади. Мана бунисида ортиқча тафсилотларни учратмаймиз:

« – Лой эмас, – деди Офтоб оймим, – йўл жуда яхши экан – икки ёқда кўм-кўк майса, қирларда лолалар, йўлнинг жуда ҳам томоша вақти экан». Романнинг «хотима»сида ҳам хассослик ва хасислик билан ифода этилган табиат манзараси бор: «Кеча ойдин, қабристон тиб-тинч, узоғроқдан Куръон товши эшитилар эди. Икки туб чинор бутуқларида қўниб ўлтурган уч-тўртта бойкушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга сомиъ каби эдилар». Эътибор берсак, ёзувчи Ватан қадриятига содиқ қолган. Отабек, Кумуш ва

бошқа қаҳрамонлар ҳаёти Ватан бағрида кечишини таъкидлагандек туюлади бизга. Кейинги навбатда адибнинг ўзи ҳам шу Ватан тупроғига боғлиқ экани таъкидлангандек.

Ҳар бир инсонда она тилига бўлган ҳурмат, Ватанига садоқат аجدоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келадиган тарбия тизимининг қонун-қоидалари қанчалар мукаммал шаклланишига асосланади. Тарбия тизими эса ўз навбатида миллат менталитетини белгиловчи урф-одатлар, удумлар мажмуасидан ташкил топади. Мунаққид Озод Шарафиддинов «Удумлар ҳаётимизда ҳамроҳ бўлсин!» номли мақоласида: «Удум ҳам қонун. Удум ҳам мафкура. Ўзбек удумлари ёзилмаган қонунлар бўлса-да, ҳамиша яшайди ва ишлайди. Бу – абадий мафкура», – деб бежизга айтилмаган. Миллатнинг маиший ҳаёти бутунлигича удумлар, урф-одатлар заминида шаклланган. Ҳар бир ўзбек эрталабки юз-қўл ювишдан тортиб, оиласи билан саломлашишгача, нонуштадан тортиб, ухлаш олдидан яхши ният тилашгача муайян қонунларга бўйсунди. Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий қаламига мансуб фельетонлар, ҳикоялар, мақолалар, қисса ва романлар ўзбек удумлари, одатлари жамланган мажмуа сифатида баҳоланса арзийди. Ҳовлига сув сепиб супуриш, шом азонининг эшитилиши, азиз меҳмонни зиёрат қилиш, яқин одамни махсус меҳмондорчиликка чақириш, бу меҳмонни мезбон дўстлари билан навбатма-навбат чорлаш, келиннинг манглайига қўл теккизиб ўз қўлини ўпиш, ўлим талвасасида ётган келиннинг қайнотасини кўриб қўзғалмоқчи бўлиши, қулдан хонадон аёлларининг қочишмаслиги, ота-онанинг ҳам орзуси ёзилмаган қонун бўлса-да, ҳамиша яшайди ва ишлайди. Чунки улар «ҳам қонун», «ҳам мафкура»дир. Миллат ҳам ана шу қонун ва мафкура заминида тарбияланади, ҳаётини ўтказди. Айтмоқчимизки, буюк адибимиз ижодида муҳрланиб қолган кадриятларимиз, хусусан, урф-одатларимиз ҳақида фикр юритиш чексиз ҳаётий лавҳаларни таҳлилга тортишни тақозо қилади. Улар юзасидан мукаммал тўхташнинг иложи чекланганлиги сабабли айрим лавҳаларга ўрин беришни маъқул топдик.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Кумушнинг аёллик дунёсига кузатувчи дугоналари билан ўтказилган «қизлар мажлиси»ни алоҳида меҳр билан тасвирлайди.

Ёзувчи «Қизлар мажлиси» иштирокчиларини гуллар, лолалар, тўтилар, қумриларга қиёслайди. Уларга баҳо бермоқчи бўлган ҳакамнинг эси оғади. Бу ўринда сўз санъаткорининг яна бир маҳорати намоён бўлмоқда. Адиб мажлис файзини ўқувчига юқтиради. У қизлар ўтирган хонага яширинча кириб, китобхон тарафида турган ҳолда вазиятни тасвирга олади. Китобхон руҳий ҳолати билан ҳам ўзи шуғулланади: «Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул танлашда бир қарорға келолмай эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз».

Бу тасвир билан адиб бизни ҳам жозибали мажлис иштирокчисига айлантириш мақсадига эришмоқда. Айни чоғда ўзбекнинг гўзал қадриятларидан бирини шарҳлашга уринмоқда. Мажлисда қувноқ қизларнинг биттаси қўшиқчи, биттаси доира чертади, биттаси дутор чалади, биттаси ўйинга тушади. Хуллас, оддий томошабин йўқ. Бу ҳам ёзувчининг ўзбек қизларидаги фазилатларни китобхонга етказиш усули бўлса керак. Аммо адибимиз қизнинг мамнуният ва хушчақчақлик ҳукм сурган даврада ҳам Кумушни эсидан чиқармайди: «Агар биз шу кезде заршунослик учун энг шимарсак, яъни гулни гулдан ажратадурган бўлсак, бояғидек эсанкираб, мутараддид қолмаймиз, чунки Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги тўлган ой эди».

Ёзувчи қизлар мажлисини шундай тасвирлашга уринадики, китобхон романдаги бу лавҳани денгизнинг тўлқинланишидек қабул қилади. Кумушнинг ташвиши, нотаниш куёвдан хавфсираши, анҳор бўйидаги йигитни қўмсаш таъсиридаги маъюслик тўлқиннинг пасайиши бўлса, қизлар шўхлиги, «Ўртоқлар», «Ифор» куйлари, чапаклар ва рақслар тўлқиннинг авжига чиқишини англатади. Ҳар ҳолда ёзувчи ўзбек миллатида инсон ҳаётидаги ҳар бир сифат ўзгариши, айниқса, қиз боланинг турмушга чиқиши, йигитнинг уйланиши алоҳида удумлар, одатлар, маросимлар билан амалга ошишини аниқ далиллаб бера олган. Никоҳ тўйи маросимидаги энг ҳаяжонли дақиқалар «ваколат олиш» билан боғланган. Ўзбек хонадонида қизнинг турмушга чиқиши – ота ихтиёри. Аммо ота қизи тақдирини ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлгани билан турмушга чиқаётган қизнинг ўзи ҳам бўлажак турмуш ўртоғига рози эканлигини билдириши талаб қилинган. Ёзувчи анъанага содиқ қолган. Шунинг учун Кумушбибидан ваколат олишнинг қийин бўлгани, ваколатни

Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғли (амакиси)га топшириши ҳақидаги сўроқни олти, етти марта такрорлашгани алоҳида жиддий тарзда ҳикоя қилинади. Бу билан Абдулла Қодирий ҳар қандай вазиятда ҳам ўзбек қизи ўз тақдирини ўзи белгилайди, деган фикрни тасдиқламоқчидир. Мантиқий фикр юритилса, саволга тутилаётган қиз розилик бериши билан бирга норози эканини ҳам айтиши мумкин-ку, деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, романда Кумуш ва Отабекнинг оила қуриши мисолида Абдулла Қодирий совчиликдан қиз тарафнинг розилигигача, қизлар базмидан маҳр белгиланишигача, ваколат олишдан «Кумушбибининг уста қўли билан тикилган шоҳи қийиг...»гача бўлган тўй лавҳаларини мукамал тафсилотлари билан маълумот сифатида тақдим этади ва ўзбек қадриятлари шодасини қимматбаҳо марварид билан тўлдиради.

Абдулла Қодирий ижодида миллий қадриятларимиз ифодаси ҳақида фикр юритар эканмиз, «Ўткан кунлар» романидаги бир вазиятни тилга олмаслик мумкин эмас. «Ўткан кунлар» романидаги «Қувланиш» бобида Отабек Кумуш уйдан ҳайдалган пайти отини бошқаришга ҳоли келмай боши берк кўчага келиб қолади. Йўл-йўлакай учрашиб қолган уста Алим Отабек илтимос қилмаса ҳам, уни уйига олиб боради. Одамгарчиликнинг ёзилмаган қонунида мусофир кимсани оқшом кўчада қолдириш гуноҳ ҳисобланган. Уста Алим мутлақо бегона одамни уйига таклиф қилиш билан чекланмади. Отига озиқ берди, ўзини Марғилон таомилига кўра, имкон даражасида меҳмон қилди. Ҳатто меҳмон «бир оз қайғулироқ» кўрингани сабабли май қуйиб сийлади ҳам. Ёзувчи Отабекнинг уста билан дуч келиши лавҳасидан бошлаб рўй берган воқеаларни ўта синчковлик билан тасвирлайди. Ҳатто руҳий ҳолатидаги ўша изтиробли вазиятда «негадир томишга интилган кўз ёшисини куч билан тўхтатиб» қолганигача муфассал ифодалайди. Бундай мушкул пайтда тасодифан учраган косиб-уста қаҳрамонимиз учун Яратганнинг иноятига айланиши табиий эди. Уста Алим эса бу инсонни «Ўзи келган меҳмон – атойи худо» сифатида қабул қилади, унинг кўнглини овлаш учун меҳмондўст мезбон қабилида иш тутади.


Одатда икки имонли одам йўл-йўлакай учрашиб қолса, кейинчалик бу тасодиф ҳақиқий дўстликка айланади. Ҳаётда бундай яқинликнинг бардавом бўлганига мисоллар кўп. Аб-

дулла Қодирий ҳам ўз бошидан бундай вазиятларни кўп марта ўтказган бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам бўлса керак, Отабек билан уста Алимнинг «Қувланиш»дан кейинги учрашуви яқинликка айланади. Аввало Тошкентда оиласи бузилганини айтмаган қаҳрамонимиз ҳар сафар Марғилонга борганида энди уста Алимниқига қўнади. Кейинчалик рўй берган англашилмовчиликларга чек қўйишда ҳам айнан ана шу инсон ташаббусни ўз қўлига олади ва Мирзакарим қутидорниқига ўртага қўйилган киши мақомида элчи бўлиб боради. Адиб Отабекнинг тақдирида устанинг алоҳида ўринга эга бўлиб борганини ўқувчисига муттасил маълум қилиб боради. Хусусан, Кумуш фожиона вафот этганидан кейин Отабек билан уста Алим янада яқинлашади. Шундай қилиб, халқ қадриятлари роман мазмунига тамоман сингиб кетганига гувоҳ бўламиз.

Бу фазилят «Меҳробдан чаён» романида ҳам аниқ кўзга ташланади. Ўзбек халқи қадриятларининг таркибий қисмида исломий дунёқараш унсурлари кўп. Динимиздаги инсон тарбиясига оид қоидалар асрлар давомида ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган. Шулардан бири етим фарзандга бўлган муносабат. Қуръони каримда макруҳ ва ҳаром тушунчаси кўп такрорланади. Уларнинг ҳар иккаласи мусулмончиликда ўтиб бўлмайдиган тақиқ чегараси. Аммо инсон ҳаёти хавф остида қолса, макруҳ чегараси унга ҳаёт имконини беради. Ҳаром эса бундай имкониятни ҳам рад этади. Етим ҳақи ана шундай даражага эга. Яъни одам яшаб қолиши учун энг охири имкониятдан ҳам фойдаланиши мумкинлиги вазияти етим ҳақиқага тегишли бўлса, ундан фойдаланиш тақиқланади. Етим ҳақини ейишдан ортиқ жиноят исломда йўқ. Айни пайтда етимга озор етказиш ҳам ўта оғир жиноят. Унга ғамхўрлик қилиш, бошини силаш, мурувватли бўлиш тенги йўқ савобдир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбеклар ўзларининг ночор оилаларига минглаб етимларни қабул қилганликларини эслайлик. «Меҳробдан чаён»да Анвар тақдирини миллатимиз менталитетидаги ана шу қадрият фазилати белгилаган.

* * *

Мохлар ойим халқимиздаги ҳар бир эзгулик, ҳар бир берилган сўз, ваъда якуний мантиққа етказилиши лозимлигига амал қилишга ўрганган. У Анварни оиласидаги асосий аъзоларидан



бири қаторига қабул қилдим, энди бу ваъдасига вафо қилиши керак. Шу боис ҳар вақт болага «жажжи қизни» эслатиб, етим болани куёв қилиш ҳавасида эканини такрорлаб туради. Ҳатто Марғилонга бутунлай кетиш тараддудида эканида ҳам келини Нигорхонга ўзининг берган ваъдасини эслатади: «Кужявлик учун Анвардан яхшироқ йигитни тополмасиз, Раънога Худойим умр бериб бўйи етса, албатта Анварга бердиргин», – дейди. Қайд этганларимизнинг жами мазмуни миллатимиз авлод-аждодларида ҳамиша эзгулик, мурувват, етимларни қўллаб-қувватлаш фазилати қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради.

Ёзувчи бу асарида китоб мутолаа қилиш инсондаги комил инсонликка интилиш туйғусини шакллантирувчи асосий омиллардан эканига урғу берган.

Абдулла Қодирийдаги китоб мутолаасига бўлган бу муҳим ҳавас асарларидаги ҳамма комил инсонлар: Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожи, Раъно, Султонали каби кўплаб қаҳрамонларида асосий фазилат сифатида кўрсатилади. Ҳатто қаҳрамонларимиз энг нозик ва таҳликали вазиятда ҳам китобга мурожаат қилдилар. Эслайлик... Раъно ўз қарорини изҳор этишда: «Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб, хатни мухтасар қилдим», – дейди. Икки дўст Анвар ва Султонали, обдан бош қотириб Саъдий китобида бир сир борлигини англашади. Ҳақиқатан ҳам, бахтсиз маъшуқа айтмоқчи бўлган асосий гап ана шу китоб орасидан чиқади. Бу билан ёзувчи китоб инсоннинг ҳақиқий дўсти, маслаҳатгўйигина эмас, унинг ҳаётига айланишини исботлайди. Қаҳрамонларнинг ўзаро ёзган мактублари ҳам иншо санъатининг беқиёс намунаси экани фикримиз далилидир.

Абдулла Қодирий ижоди адибимизнинг ўзи даъво қилмагани ҳолда ХХ аср бошларида яшаган туғма фольклоршунос олим эканини тўлиқ тасдиқлайди. «Садойи Туркистон»дан «Иштирокиюн»гача, «Тонг» журналидан тортиб «Муштум»даги мақолаларигача, «Калвак махзумнинг хотира дафтари»дан «Тошпўлат тажанг нима дейди»гача, «Ўткан кунлар»дан «Мехробрдан чаён», «Обид кетмон»гача аввало ўзбек менталитети, халқ тили, қолаверса, халқ оғзаки ижоди билан сугорилган. Сарлавҳа қўйиш усулида адиб «Думбаси тушиб қолган эмиш», «Кула-кула ўласан», «Тарбуз қўлтукдан тушди», «Оғзингга қараб гапир», «Чуви чиқди», «Пўскаллари», «Дарди йўқ кессак, ишқи

йўқ эшшак», «Шаллақи», «Бўлсун-бўлмасун», «Анов-манов» каби ўнлаб кашфиётлар яратар экан, халқ оғзаки ижоди таъсиридаги миллий тил имкониятларига мурожаат қилган. Оммавий мақолаларми, рақибга берилган жавобларми, бадий асарларми, йўл-йўлакай билдирилган ишораларми – ҳаммасида миллий тил бойлиги, оғзаки ижод кўмагидан фойдаланилган. Ҳатто «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»даги муаллифнинг баён услубида ҳам халқ эртаклари, афсона ва ривоятларнинг хуш бўйи сезилиб туради.

Маълумки, адиб халқ кўшиқлари, мақоллари, матал ва ибораларидан фойдаланиб, бадий асар матнига уларнинг гоё ва мазмун-моҳиятини сингдирар экан, муайян мақсадни назарда тутди. Агар бир томондан ёзувчи бу амални бажаришда ўзини тарбия қилган миллат вакили эканини китобхонга таъкидламоқчи бўлса, иккинчидан, мазкур услуб ёзувчининг фикрни ифодалашда қисқаликка интилишини, образ ҳақида тасаввур ҳосил қилишга уринишини тасдиқлайди. Абдулла Қодирий мақол, матал, халқ кўшиқларидан шу қадар унумли фойдаланганки, улар роман матнига тўлиқ сингиб, уйғунлашиб кетган. Юзлаб мисоллардан бирига мурожаат қилайлик: Мирзакарим қутидор қалбаки талоқ хати таъсирида Отабекни уйдан ҳайдайди. Ҳомиднинг ёвуз нияти билан ёзилган мактуб ўта илиқ муносабатдаги тотув оилани фожиага олиб келди. Энди ана шу фожиага сабаб бўлган ҳолатни изоҳлаш керак. Ёзувчи бу вазифани катта ҳаёт тажрибасига эга Мирзакарим қутидорга юклаган кўринади.

Мирзакарим қутидор ўзининг айбини тан олиб Кумушга: «Жаҳолат келса, ақл қочадир, қизим», – деб қўяди. Шу бир мақолда ҳам ўкинч, ҳам узр, ҳам ўзининг оддий банди эканини тан олиш, ҳам ҳар бир инсонда бўлгани каби ўзини оқлаш мазмуни қисқа, аниқ ифодасини топади.

Ёзувчи кези келганда ўз мақсадини амалга ошириш учун тожик мақолига ҳам мурожаат этади. Юсуфбек ҳожи хотини Ўзбек оймнинг Отабекни Кумушдан совутиш ҳаракатларини биттагина мақол билан баҳолайди: «Зўри беҳуда миён шиканад». Оддий китобхон зеҳн солса, шу битта мақол роман мазмунида жуда муҳим бадий юклама вазифасини бажарганига амин бўлади. Аввало, Юсуфбек ҳожининг ўз замонидаги зиёли эканидан хабар топамиз. У форс тилини билади ва ўз билими-

дан фойдалана олади. Ақли ва катта турмуш тажрибаси вазиятни тўғри баҳолаш кўникмасини ҳосил қилган. Иккинчидан, Ўзбек ойим иримчи, иссиқ-совуқнинг таъсирига ишонган аёл. Учинчидан, оддий ҳаётини вазиятда Юсуфбек хожи томонидан турмуш ўртоғи ҳаракатларига берилган таъриф бутун оиланинг келажак тақдирига ҳукм чиқариш мақомига эга бўлди: «Ўринсиз чирансанг белинг синади». Яъни Ўзбек ойимнинг ўринсиз иримлари, қолаверса, ўринсиз орзу-ҳаваси оқибатда ўзининг, эрининг, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Ёдгор, қўйингчи, бутун оиланинг фожиасини бошлаб келди. Маълум бўладики, Абдулла Қодирий халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш орқали шунчаки ўз миллати қадриятларидан хабардор вакили эканини кўз-кўз қилиш учун эмас, асар моҳиятини ўқувчига сингдиришга хизмат қилувчи омилдан маҳорат билан фойдалана олган. «Меҳробдан чаён» романидаги «Хотин кишининг боши, уй ичининг оғир тоши», «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», «Олтин олмасанг, дуо ол», «Сут билан кирган, жон билан чиқар», «Ўткан кунлар»даги «Билган топиб сўзлар, билмаган – қопиб», «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса – бировга», «Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш», «Қарс икки қўлдан чиқади» каби ўнлаб мақолларнинг ҳар бири асар матнида албатта биронта муҳим вазифани бажариши билан китобхон ёдида сақланади.

Юқорида қайд қилинган мулоҳаза ва кузатувлар Абдулла Қодирийнинг бутун ижодидида, хусусан, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романида, «Обид кетмон» қиссасида халқ қадриятлари, имконияти чексиз она тилимиз, асрлар давомида миллатимиз маиший ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган расм-русумлар, урф-одатлар, ўзбек халқининг бой халқ оғзаки ижоди не қадар катта аҳамиятга эга экани тўлиқ исботини топди, деб ўйлаймиз.

* * *

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулосага қелишимиз мумкинки, Абдулла Қодирий мумтоз сўз санъаткорларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўзбек ва жаҳон маданий мероси хазинасига ҳисса қўшган буюк адибдир. У: «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», – де-

ган эди. Қувонарли жиҳат шундаки, ёзувчи тақдир томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятни шараф билан адо эта олди. Бу беназир, ҳассос инсон ўзбек халқининг энг кир ва қора кунлари бўлган кейинги хон замонларида ҳам миллат келажаги учун жонсарак фарзандлар (Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, уста Алим) бўлганидан инсониятга хабар берди.

Абдулла Қодирий бутун ижоди давомида яратган романлари, драматик асари, ҳикоялари, фелъетонлари, мактублари, илмий асарларида тарихчи, этнограф, файласуф, тилшунос, фольклоршунос, адабиётшунос олим, энг муҳими, мумтоз, гўзал сўз соҳиби сифатида ижод қилди. Қисқагина умрини ўзбек халқи миллий қадриятларини тўлиқ равишда кейинги авлодга – бизга бебаҳо мерос қилиб қолдиришга бағишлади.

Омонулла МАДАЕВ

ҲАБИБУЛЛА ҚОДИРИЙ

ОТАМДАН ХОТИРА

(Отам ҳақида)



МУАЛЛИФДАН

Бирор киши ҳақида хотира ёзганда, қалам далиллар кетидан эргашади, четга чиқа олмайди. Бу шарт хотира ёзувчини чеклаб қўйиб, уни кўп изланишга мажбур этади.

Одатда, бирор тарихий шахснинг ҳаёти ўрганилаётганда кундалик, бировлар билан ёзишма мактублари, таржимаи ҳол, архив хат-ҳужжатлари ва у шахс ҳақида ёзилмиш хотиралардан фойдаланилади, тегишли хулосалар чиқарилади. Афсуски, Қодирий ҳаётини ўрганишда (асарлари ва қисқа бир таржимаи ҳолини истисно қилганда), бунингдек ҳужжатларга жуда оз дуч келамиз. Қодирий кундалик тутиш, таржимаи ҳол ёзиш, хат-ҳужжатлар тўплаш, бировларга хат ёзишни одат қилмаганлар. Баъзи бир бор хат-ҳужжатлар эса атайин йўқотилган.

Бинобарин, мен бу хотирани ёзишда, асосан, Қодирий асарларидаги маълумотларга, жуда оз бўлса-да, қолдиқ ҳужжатларга, яқинларнинг оғзаки берган шаҳодатларига, кўпроқ у киши тарбиясида ўн тўққиз йил яшаб, ёшлиқда эшитган хотираларимга ва ўн йил маҳбусликда кўрган-кузатган воқеаларга суяндим.

Мен, албатта, асарда чуқур таҳлил ва илмий мулоҳазаларга киришмадим. Фақат фактлар баён қилиб, Қодирийнинг ҳаёти ва ижод йўлини мумкин қадар кенгроқ ёритишга ҳамда отамнинг ҳалокати сабабларини очишга ва шу орқали ўша давр нафасини китобхон кўз олдида гавдалантиришга ҳаракат қилдим.

Китобга Садриддин Айний, Ойбек, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин), Ғайратий, Миртемир, Ҳабиб Нўъмон, Баҳром Иброҳимов, Ҳамид Сулаймон, Наби Юсуфий, Мансур Афзалов, Раҳмат Мажидий, Эргаш Рустамов, Музайяна Алавия каби муҳтарам ёзувчи, олимларимиздан хотиралар, мулоҳазалар киритилди. Шу биродарларга ҳамда ушбу китоб дунёга келишига ҳисса қўшган ота қадрдонларга миннатдорлик билдиришга бурчлиман.

Китобнинг ўтган икки нашрида (1974, 1983) замон зайли билан Қодирий ва даврнинг мудҳиш қора кунлари ҳақида сўз очолмаган эдим. Вақти келиб энди шуларни сизга айтиб ўт-

моқчиман. Илгариги нашрлардан сўнг хийла вақт ўтди, яна қайта 1914–1937 йиллар матбуотини излашга, уларни бир-ма-бир варақлаб чиқишга ва архивлардан тегишли ҳужжатларни тўплашга тўғри келди. Бинобарин, асар мавзуси яна ҳам мукаммаллашди, Қодирий ҳақидаги тасаввур кенгайди. Албатта, бу хотиралар ҳамон Қодирий ҳаёти ва ижодининг тугал баёни бўла олмас. У кишини билувчилар кўмагида хотира янада мукамал бўлишидан умидвормиз.

І БОБ БОБОМ

Айтишларича, Эски Жўва маҳалласида Хўжа кўчалик Ҳожимуҳаммад бобо Тошмуҳаммад, Қодирмуҳаммад, Хайринисо исмли уч фарзанд кўрадилар. Қодирмуҳаммад бобо (у кишини Абдуқодир, Қодирбой, Қодир ота, Қодир бобо деб ҳам аташган) 1821–1822 йилларда туғилганлар. У киши саводсиз, ҳунарсиз, аммо бақувват, серғайрат, шижоатли ва дунё кўрган киши бўлиб, йигитлик чоғларида хон, беклар кўлида сарбозлик, улгайиб қолгач, Эски Жўвада бир баққоллик дўкони очиб ипак, идиш-оёқ, чой каби моллар билан савдо қиладилар ва тижорат важи билан узоқ шаҳар-мамлакатларга кўп бор сафар қиладилар.

1865 йилда Тошкент рус чоризми тарафидан истило қилингандан сўнг ҳам Қодирбобо анча йил, тахминан, 1870 йилларгача дўкондорчиликни давом эттирадилар. Сўнг қариб қолганданми ёки савдодан синганданми, дўкондорлик тижорат ишларини тарк этиб, умрларининг охиригача ҳозир истиқомат қилиб турган Самарқанд дарбозасидаги еримизда деҳқончилик, боғбончилик қилиб, афтодаҳол кун кечирадилар.

Қодир бобо тўрт марта уйланадилар. Лекин олдинги уч хотинларидан фарзанд бўлмади ёки бўлса ҳам турмайди. Шу сабабли аввалги хотинларидан ажрашадилар, баъзиси вафот этади, ниҳоят тўртинчиси Жосият бибимиздан Раҳимберди амаким дунёга келадилар (1879 й.). Бироқ Раҳимберди амакимдан сўнг туғилган ўн икки фарзанднинг ҳаммаси негадир кетма-кет нобуд бўлаверади ва бундан ниҳоят ғамгин бўлган бобомиз билан бибимиз: «Жойимизни ўзгартирсак фарзандимиз турармикин», деган умид – ирим билан тахминан 1891 – 1892 йилларда Эски Жўвадаги ҳовлиларини сотиб, Самарқанд дарбозадаги богимизга яқин бўлган мазкур тўртинчи Эшонгузар маҳалласидан қуруқ ер сотиб олиб, иморат қуришади. Шу ҳовлига кўчиб келишгач, дадам Абдулла дунёга келадилар.

Дадам «Отам ва болшевик» номли ҳикояларида¹ Қодир бобом ҳақида шундай ёзадилар:

¹ «Инқилоб» журнали, 1922 й., 7 – 8 сонлари.

«Отам 1242 ҳижрий – 1823 милодий йиллари Тошкандда туғулиб, алҳол, 99 – 100 ёшларидадир. Руслар истилоси вақтида 42 ёшида бўлуб, Тошкандни руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг биридир.

Туркистон хонларидан Шералихонни, ундан сўнг Худоёрхон, Маллахон ҳам бу орада йиллаб-ойлаб хонлиқ қилуб ўткан Муродхон, Саид Султон ва бошқа хонларни, Тошканд бекларидан (ҳокимларидан) Муҳаммад Шариф оталиқ, Салимсоқбек (бу зот Бухоро амири томонидан Тошканд беклигига қўйилган эди, Мукулмонқул томонидан ўлдирилди), Азизбек, Нормуҳаммад қушбеги, Шодмон ўроқ, Қаноат шоҳ, Мирза Аҳмад қушбеги, Маллахон (Маллахон оғаси Худоёрнинг хонлиғи вақтида Тошкандда уч йил бек бўлуб турғандир), энг охиридан Қўшдадхоҳларнинг беклигини кўруб ўтқузган. Хонлиқнинг бош нозири ва қўмондони ўрнида бўлганлардан Мукулмонқул ва Мулла Алимқулларни кўрган ва урушларида бўлган. Пискатлик Қашғор амири машхур Ёқуббекни Қашғорға кузаткан.

Шундай қилуб, қирқ йиллаб мусулмон хонлари замонини, эллик йиллаб Русия чори истибдодини ва энди беш йиллабдирки меҳнаткашлар ҳокимиятини кўради...»

* * *

Қодир бобомни эс-эс биламан, вафот этганларида олти ёшли бола эдим. «Туркистон» газетасининг 1924 йил 9 апрел сонида бобомнинг вафоти ҳақида хотира босилган бўлиб, унда жумладан шундай сатрлар бор:

«5 апрел рўзанинг биринчи куни, ёш ёзғучиларимиздан ўртоқ Жулқунбойнинг отаси Абдуқодир ота 103 ёшида сийдик тугилиш касалидан вафот этди.

Абдуқодир отанинг бутун умри меҳнат боғдорчилик билан ўткан. Вафотидан ўн беш кунлар илгари рўзғорнинг оғир ишларини қилуб юрган. Докторларнинг айтишига қарағанда, Абдуқодир отанинг қалби яна ўн йиллар умр кўрмакка шоид экан. Абдуқодир ота умр бўйи касал бўлмаган, унинг онаси 117 ёшда, акаси 106 ёшда вафот этканлар. Ўртоқ Жулқунбой Абдуқодир отанинг кейинги ўғлидир».

Бобом қариликдан этлари қочиб қолган бўлсалар ҳам, йўгон суяклари бир вақтлар диловар йигит бўлганларидан дарак берарди. Бобомнинг сочи, ўсиқ қошлари, узун соқол-муртлари

оппоқ оқариб кетган, ёноқ этлари қочиби, юзлари бир бурда бўлиб қолгани учун бурунлари сўррайиб кўринар эди.

Қиш кунлари Қодир бобом дадам қуриб берган алоҳида уйда сандалда нос искаб, ёнбошлаб ётганлари-ётган, ухлаганлари-ухлаган эди. У киши болаларнинг тўполонини ҳам ёқтирмас, агар ўйнашиб бирор вақт олдиларига кириб қолсак ёнларидаги ҳассани кўтариб, гўё ўринларидан туриб урмоқчи бўлгандай хезланиб, бизни қувиб солар эдилар.

Албатта, биз бобомнинг олдига сабабсиз кирмас эдик. Бобомнинг ёнларида рандаланмаган тахтадан ўзлари ясаб олган бир қутилари бўларди. Қутида пашмак, новвот, читранордон каби ширинликлар турар, ундан ташқари бобом чойдан бўшанган оқ, қизил, кўк (варракка қулоқ, дум, тумор қилишга боп) қоғозларни авайлаб, қути тагида тах едириб қўяр эдилар. Шунинг учун бу «тилсим» қути бизни доим ўзига тортар эди. Аммо қутига етишиш жуда қийин эди...

Ундан ташқари бобомнинг бир кичкина сурнайлари ҳам бўлар эди. Баъзан-баъзан ўтиравериш жуда зериксалар, ҳалиги сурнайни секин чалиб қўярдилар. Биз бобомнинг уйдан сурнай товушини эшитиб, югуришиб келар эдик. Бироқ киришимиз билан бобом сурнайни яшириб, гўё ҳеч нима билмаган кишидай бўлиб олар эдилар. Биз аланглаб сўрар эдик:

– Бобо, сурнайни ким чалди?

– Билмадим, мен чалмадим... – дердилар.

Умидсизланиб чиқиб кетар эдик. Чамаси, бобом бизни алдаб завқлансалар керак-да...

Қодир бобом дармонсизланиб қолган бўлсалар-да барибир, ғайратлари қўймас эди. Баъзан қутини қулфлаб, ҳасса билан аста-аста ҳовлига чиқар эдилар. Олди очик, кунгай узун отхонамизга ўтиб, болта билан саржин ёрар ва ёрилган майда ўтинларни тўрт бурчак қилиб офтобга тахлаб қўяр эдилар. Агар ёришга саржин тамом бўлиб қолса, дадамни қистай бошлар эдилар:

– Абди, ўтин тамом бўлди, бир арава саржин тушириб бер!..

Бобом боғимизда ҳам қачонлардир боғ ўртасига ўзлари ясаб олган шийпон тагидаги пахса уйда алоҳида яшар эдилар. Ҳар куни уч ёқдан уч ўғилникидан уч маҳал таом келтириб берилар эди. Бобом бунда ҳам тинч ўтирмас, зериккан чоғларида ток хомток қилар, лойдан майда гўлак очиб, ўзлари ясаган сопқонга жойлаб, аста ишком оралаб юрар, узум чўқиётган зарғалдоқ,

қорашақшақ, қарқуноқ, чумчук, чуғурчук каби қушларни кўрсалар, пойлаб туриб отар, кўпинча уриб туширар эдилар...

Дадам шундай деган эдилар: «Додам, вафотидан бирор йил бурун, бир куни мени чақириб олиб: «Абди, ойинг қариб қолди. Мени ҳолимдан хабар олмаётир. Сен, энди ҳовуз лабидаги катта теракни кесиб сот. Гулбозор¹га туш. Унда қул-чўрилар сотилади... Теракни пулига ёшроқ бир чўри хотин сотиб олиб келиб бер. Менга хизмат қилиб турар...» дедилар. Хон замонларида дарҳақиқат шу Гулбозор ўрнида қулбозор бўлган. Додам қариб, хотираси заифлашиб, у ерда ҳамон қул-чўрилар сотилади, деб ўйлар эканлар...»

Шундай бир лавҳа ёдимда: бир йили негадир жуда кеч кузда боғдан шаҳарга кўчиб тушдик. Ҳаммаёқни йиғиштириб, кўчадиган кунимиз ёмғир ёга бошлади. Ҳаммамиз, амакиларим ҳам, шошқинч ўз юқларимиз билан овора бўлиб, ёмғирда ивиб, базўр кечқурун шаҳарга кўчиб тушиб олдик. То кўчларни тушириб, бир оз саранжом топгунча қоронғи тушиб, ухлаш маҳали бўлиб қолди. Шу вақт кимнингдир эсига Қодир бобом тушдилар. Бобомнинг кўчи келтирилган, аммо ўзлари йўқ эдилар. Бибим дарҳол Қудратилла амакимни боққа югуртирдилар. Қудратилла амаким: «Додам боғдалар, негадир авзойлари бузук, мени қувиб юбордилар», деб келдилар. Бибим: «Додангники тутгандир, бир кечага ўлмас, эртага келар, кўч ташиб жонларинг қолмади, ётиб дамларингни ол», деб қўя қолдилар.

Эртаси кун дадам барвақт туриб (ёмғир кечаси билан қорга айланган эди), боққа кетдилар, ялиниб-ёлвориб, Мустақим тегирмончининг ола отига миндириб, бобомни шаҳарга келтирдилар... Бобом уйга тушгач, бошқаларга бир нима демасалар ҳам бибимни ҳассалари билан ура бошладилар. Бибим қочиб, қарғай-қарғай амакиларимнинг уйига чиқиб кетдилар.

Бобом: «Нега болаларинг «юринг, дода» демади, шаҳарга ҳаммадан аввал мени кўчириб туширмади!» – деб қаттиқ аччиқланган эканлар...

Бобом боғда, белбоғларига хазон туғиб ёстиқ ясаб, шийпондаги хазонлар орасига кириб ухлаганлар...

Шу воқеадан сўнг, айнаи қиш кунларининг бирида Ленин вафот этди. Кўчаларда ҳамманинг эшиги тепасида тагига қора тикилган қизил байроқлар бир неча кун осилиб турди, биз болалар:

¹Гулбозор ҳозирги Чорсу Жомеъ масжидининг қаршисидаги пастлик кўча.

*Эй, Ленин бобо, ўлдинг-да кетдинг,
Биз йўқсулларни қайғуга ташлаб, –*

деб, шеър ўқиб юрдик. Баҳорнинг қаттиқ ёғингарчилик пайт-ларида эса бобом вафот этдилар. Биз бел боғлаб, ҳасса таяниб, мозор бошига бордик.

ЎН ИККИ БОЛАНИ ЕРГА ҚЎЙИБ...

«Мен қайси йилда ва қайси ойда туғилганимни билмайман. Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечиргувчи бир оилада туғилуб, яқинларимнинг сўзларига қарағанда мустабид Некалайнинг тахтга ўтирган йилида туғилганман», деб ёзадилар Қодирий ўз таржимаи ҳолларида.

Тарихга муурожаат қилиб Николай подшоҳнинг тахтга ўтирган йилини билсак, Қодирийнинг туғилган йиллари 1894 йилга тўғри келади. Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки, баъзи архив ҳужжатларида, масалан, тўлдирилган анкеталарда Қодирий ўз туғилган йилларини 1895, 1896, ҳатто 1897 деб ҳам кўрсатганлар. Бу чалкашликлар, албатта, ўзлари иқрор бўлгандай, туғилган йилларини аниқ билмаганлари, Николайнинг қайси йили тахтга ўтирганлигини текшириб ўтирмаганларидан бўлса керак...

Қай бир вақт дадамдан: «Қайси ой-кунда туғилгансиз?» деб сўраганимда, у киши кулиб: «Ўрик гулида тугилганман. Тахминан ўнинчи апрелда бўлса керак», деганлари ёдимда...

Дадам Тошкент шаҳар, Бешоғоч даҳа (Тошкент шаҳри Октябр инқилобига қадар тўрт даҳага бўлиниб, улар Бешоғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳалари деб аталган), тўртинчи Эшонгузар маҳалласида туғиладилар.

Қодирий туғилган йиллар юқорида айтилганидек, Қодир бобо оиласида хийла иқтисодий танглик ҳукм сурган давр бўлади. Қодир бобо бу вақтларда етмиш ёшлардан ошиб, анча куч-қувватдан қолган, бирор ердан доимий даромадлари йўқ, тўнғич ўғиллари Раҳимберди амаким энди ўн беш ёшга кирган, қўлларидан ҳали бирор иш келмайди, боғнинг даромади эса беш жоннинг (1897 йилда кичик Қудратилла амаким туғиладилар) йиллик рўзғорига, албатта, етмайди. Бу даврлар тўғрисида дадамнинг ўзлари шундай ёзадилар:

«Бошида бой оилада туғулдимми ёки камбағал оиладами, албатта, билмадим. Аммо ёшим етти-саккизга етказ, қорним ошға тўймағанидан, устим тузукроқ кийим кўрмағанидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат саксон ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг етишидируб берадурған ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келуб, боғ мевалари офатка учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келиб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз».

* * *

Раҳимберди амакимнинг хотини Роби опоқойим дердилар: «Мулла Абдулла бола кезларидан серфикр, ўз сўзли эди. Уни ҳақсиз ранжитсалар, чидолмай, кўзларини шокоса қилиб қараб турарди-да, кўз ёшларини дув тўкиб юборарди...»

Албатта, болалиқдан қанчалик серфикр, ўз сўзли бўлмасин, у кишининг илк ёшлик чоғлари ҳамма болаларга хос ўйин-кулги, шўхлик билан кечади. Болалик, тушунмаслик орқасида баъзан «гуноҳ» қилиб, оилада танбеҳ ва «жазо» ҳам ейдилар.

Дадамнинг ўзлари бир вақт оилавий суҳбатда¹ болаларга ўт ўйнаш хавфлилигини сўзлаб, ёшлиқдаги шундай бир қилмишларини ҳикоя қилган эдилар:

«Олти-етти ёшли чоғларим эди. Авжи пишиқчилик кунларининг бирида кўчамиздаги болалар билан Ҳасанбойлар² богида ўйнаб юриб, гулхан қилишни истаб қолдик. Боғнинг бир чеккасига чўп, хашак, эски-туски латталарни йиғдик-да, гугурт чизиб гулхан қилдик ва кун иссигига қарамай, аланга теварагида «мазза қилиб» исиниб ўтирдик... Мен бу қилмишимиздан жуда хурсанд эдим. Охир, қувончим ичимга сиғмай, ёнган бир латтани қўлимдаги косов учига илдим-да:

– Машъала-а! – деб осмонга отдим...

Латта гуруллаб ёниб бориб, яқиндаги катта ўрик тагига ғарам қилиб қўйилган, икки аравадан мўлроқ барди устига тушди. Саратоннинг қизигида қурғаб ётган барди лоп этиб ёна кетди.

Биз болалар бир оз ҳайрон бўлиб бир-биримизга қараб турдик. Кейин бирдан додлаша бошладик. Ўт бир онда барди устини қоплаб олиб, зўр аланга билан ёнмоққа, ҳатто устидаги да-

¹ Бу суҳбат Масъуд укамнинг болалиқда гугурт ўйнаб, уйга ўт қўйиб юбораёзганидан чиққан эди.

² Ҳасанбой амаки боғ қўшнимиз, дадамнинг болалик ўртоғи.

рахтни ҳам куйдирмоққа бошлади. Мен қўрққанимдан ишком ичига ўтиб бекиндим ва ундан ўтни томоша қилиб турдим.

У вақтларда ўт ўчириш командаси қаёқда эди дейсан! Қўни-қўшни, эркак-аёллар қўлларига челак олиб чиқа бошладилар. Ҳеч унутмайман: Ҳасанбойнинг онаси шу чоқ уйида ўсма қўйиб ўтираркан. Бечора шошганидан бир қошига ўсма қўйибди-ю, иккинчисига улгуролмай югуриб келибди...

Ариқ қуриб қолганлиги учун қўшни ҳовуздан сув ташиб ўтга сепа бошладилар. Бироқ ўт ваҳимали тус олиб, зўрайгандан-зўраяр, юқоридаги дарахтни ҳам ёндириб, часур-чусур овоз чиқарар эди. Шу вақт яна бир қўрқинчли ҳодиса рўй берди.

Шундайки, барди тагида илонлар уяси бор экан. Улар жон сақлаш учун кетма-кет ўрмалаб чиқмоққа ва атрофга қочмоққа бошладилар. Илонларни қўрган аёллар кичқириб қочишди, эрлар эса яқин йўлагани юраксинмай сув сепишни тўхтатишди.

Илонлар саноксиз, йўгон эди. Улар бошларини баланд кўтариб, вишиллаб югуришар, ўзларига пана жой излашар эдилар. Мен қўрққанимдан бағазларга тармашиб ток устига чиқиб олдим.

Ниҳоят, илонлар қочиб битди, барди ҳам ҳайтовур бошқа зиён бермай ёниб кул бўлди, ўрик дарахтидан эса фақат косовга ўхшаб куйиб тутаётган ғўлагина қолди. Энди қўшнилари ўтни қўйиб, ёнгин сабабчисини суриштира кетдилар. Мен вақтни ганимат билиб секингина кўчага чиқдим, дадамдан қўрқиб тўғри Чорсудаги Моҳира холамнинг уйига йўл олдим...

Эртаси кун ойим мени қидира-қидира холамниқига бордилар, уришиб-тергадилар ва алдаб-сулдаб уйга келтирдилар. Дадам мени: «Келинг, келинг, Абдивой (у киши мени шундай атардилар) деб кулиб қарши олдилар, гўё ҳеч гап бўлмагандай у ёқ-бу ёқдан сўзлашдилар. Бироқ кечликни еб бўлгач, қўлимдан шартга ушладилар.

– Ҳўш, Абди, кеча нима иш қилдинг? Қаёққа бординг?

Мен йиғлаб:

– Билмабман, кечиринг, дада, – дедим...

– Шундай қилиб, бировнинг бардисиға, дарахтиға ўт қўйиб қочдим дегин?! – дедилар ва мени қўлларидан бўшатмаган ҳолда турдилар-да, айвон устунига қистириб қўйган чивикни олиб, ура кетдилар.

Дадамнинг қизиқ бир одатлари бор эди. У киши биронта-мизни урганда, ойим орага тушиб ёнимизни олсалар, дадам бизни баттароқ урар ёки бизни қўйиб ойимнинг ўзини калтаклар эдилар. Дадамнинг бу феълига тушунган ойим бечора менга ачинсалар ҳам, қўрққанидан: «Ҳа, дадаси, уринг зумрашани!» дер эдилар.

Дадам мени роса саваладилар, кейин арқон билан устунга боғладилар-да, нос искаб, чой ичгани ўтирдилар. Мен, баданларим зир-зир оғриб, устунга боғлоқлиқ тураман. Ҳамма жим. Қани, биров бир сўз айтсин-чи...

Охир, ойим ниманидир баҳона қилиб кўчага чиқиб кетдилар-да, (чамаси, ойим юбордилар, шекилли) бир вақт Ҳасанбойнинг отаси дадамни эшикдан чақириб кириб келди. У дадам билан омонлашиб сўрашгач:

– Қодир ота, мен Абдулланинг гуноҳини кечирдим, сиз ҳам кечиринг, бола-да, билмай қилган, – деди ва мени ечди...

Шу-шу, мен ўт ўйнамайдиган бўлганман...»

* * *

Қодир бобом, дарҳақиқат, баджаҳл, оилага қаттиққўл киши бўлганлар. Жосият бибим баъзан ҳасрат қилиб дердилар:

– Бобонгга чиққанимда ўн беш – ўн олти ёшда эдим, у элик ёшларда эди... Унинг меҳнати, зуғуми мени адо қилган. У шундоқ баджаҳл эдики, рўза кунлари саҳарликка ош дамлаб уйготсам, «Уйқумни буздинг!» дер, уйготмасам, «Нега уйготмадинг!» дер эди. Ёз ойларининг бирида Қурбон ҳайити келди, – деб ҳасратларини давом эттирдилар бибим. Боғ кўчамиз бошидаги масжидга тонг саҳардан карнай-сурнай, ноғора чалина бошлади, ҳамма ясаниб-тусаниб ҳайит намозга жўнарди. Аммо бобонг шундоқ вақтда мен билан замбилда тупроқ ташир эди. «Ҳайит намозга чикмайсизми?» дейишга менда ҳад қаёқда. Шу куни у намозга ҳам чикмади, кечгача ишладик. Ишдан кейин кечлик ош ҳаракатига тушдим, айвонда ўтириб сабзи тўграй бошладим. Бобонг бўлса, ювиниб келиб айвон лабида ёстикқа суяниб чой ича бошлади... Шу вақт бир сичқон айвоннинг бир бурчагидаги кавакдан чиқди-да, иккинчи бурчақдаги кавакчага кириб кетди. Буни кўриб ўтирган бобонг менга: «Худони қудрати, зап жониворларни яратганда, Жосият, бир сичқон бу кавакдан чиқиб, у кавакка кириб кетди», деди. Мен

шоша-пиша сабзи тўғраб: «Ҳа, кўрдим», дерманми? Қолдим балога. «Сен менга терс жавоб қилдинг», деб койиб кетди...

Бобом шунчалик баджаҳл, қаттиққўл бўлсалар-да, ўқиш-илмни қадрлаганлар: «Ўзимни хатим йўқ-да, бўлмаса, ҳам-мангни бармоғимда ўйнатардим», деб ўз омиликларидан ўкинганлар, болаларининг ўқишига сира тўсқинлик қилмаганлар.

У шунчалик золим, меҳнатга аёвсиз бўлса ҳам, болалар мактабга бораман, сабоқ қиламан деса, ишдан озод қиларди. Ўқишга раъйи бўлмагани учун Раҳимбердини «Одам бўлмайсан», деб койир, ҳовузга пишиб урар эди, – дер эдилар бибим.

МАКТАБДА

«Ёшим тўққиз-ўнларга боргандан сўнг мени мактабга юбордилар», деб ёзадилар дадам таржимаи ҳолларида. Аммо у киши ўқиш, билим олиш важдан акалари сингари Қодир бободан сира калтак емайдилар, койиш ҳам эшитмайдилар. Ўқишга биринчи кунданок ҳавас-эҳтирос билан киришадилар. Раҳимберди амаким (1963 йилда вафот этдилар)нинг айтишларича, дадам дастлабки саводни «Занги ота» маҳалласидаги мулла Олим домлада оладилар.

Эски усул ўқиши одатда тахтадан, яъни бир варақ қоғоз катталигидаги йўнилган тахтага (қоғоз камчиллиги ва тезда йиртилиб кетиши сабабли) сиёҳ қалам билан битилган алифбени «алиф, бе, те, се...» деб ёдлашдан бошланар, баъзи зехнсизроқ болалар эса алифбени бир йиллаб ёдлар эди. Алифбе ёдланиб бўлгач, «алҳам» сурасини «хафтияк»дан «алиф-ломга аза-ал, ҳени мимча ҳеза-ҳам, алҳам дол-пештуалҳам-ду», деб ҳижжа-лаб ёдлашар эди.

Бу тартибдаги ўқиш усули жуда қийин, мураккаб, маънолари тушунарсиз, арабча бўлгани учун зерикарли эди. Қўлга қалам ушлаш, ёзиш каби машғулотлар ўқишнинг учинчи, тўртинчи йилларидан бошланарди. Талабалар кўпинча бир-икки йиллаб тахта қўлтиқлаб юрар, зехнсизроқлари икки-уч йиллаб тахтадан чиқмас, охири ўқишни ташлаб кетар эди. Аммо дадам баъзан «мақтаниб» тахта ўқишни бир ойда тамомлаганларини, тўрт йиллик ўқув программасини бир йилда тугатганларини айтар эдилар.

Раҳимберди амакимнинг айтишларича, дадам мулла Олим ва мулла Зия домлаларда бирор йилдан ўқийдилар. Кейин, мулла Зия домла: «Ўғлим, энди сиз Юсуфхон домлага бориб ўқий қолинг», деб у кишини «Мирлар» маҳалласига йўллайди. Айтишларича, мулла Олим билан мулла Зия домлалар билими унча ўткир кишилар бўлмай, «наридан-бери» домлаликка етишган эканлар. Улар Қодирийнинг турли савол, изоҳ, талабларига жавоб топиб бера олмай, ўзларидан бирмунча муллароқ ҳисобланган мазкур домлада ўқишга юборадилар.

«Абдулла ўқишга ёшлиқдан ихлос қўйди. Қўлидан қоғоз-қалам тушмади, кичкина бўла туриб, катта-катта китобларни қўлтиқлаб юрар эди. У ёзишга шундоқ муккасидан кетган эдики, кўчада ўйнаб юриб ҳам қўшнилари эшигини қора қилиб ёза-верарди, ёнидаги ўртоғини унутарди. Унинг бу одатини кўрган қўшни хотинлар: «Бу ёмон аломат, Жосият оёи, ўғлингиз жинни бўлиб қолмаса яхши эди...» деб ачинишарди», дердилар Жосият бибим.

Эшонгузар маҳаллалик косиб Муҳсин амаки ҳикоя қилар эдилар:

«Занги ота» маҳалласида мулла Зия домлада Абдулла билан ўқирдик. Сабоғимизни билмасак, шўхлик қилсак, домламиз калтаклардилар. Аммо Абдулланинг танбеҳ ёки калтак еганини хотирламайман. У ҳамиша жиддий, ўйчан, сабоқларини вақтида тайёрлаб келиб, домладан олқиш олар эди. Дарсда ҳам, кўчада ҳам бизнинг ўйинларга сийрак қатнашар, мис сандан чиройли соат занжир ясаб бир чеккада ўтирар эди. «Буни ясаб нима қиласан, Абдулла?» деб сўрасам: «Бу ҳунар-да, ўртоқ, бир куни керак бўлиб қолиши мумкин», дерди. Бир кун унинг шундай ясаган занжирларидан бирини домламизга: «Мана, соатингизга тақарсиз, домла», деб тортиқ қилгани, домла бўлса ялтираган занжирни қўлига олиб ажабланиб: «Қўлинг гул бўлсин, ўғлим», деб дуо қилгани ёдимда...

Роби опоқойим ҳикоя қилардилар:

«Мулла Абдулла барвақт туриб сабоқ қиларди. Қудратилла ўқишга ялқовроқ, чойга базўр уйқудан турарди. Абдулла наридан-бери чойга нон бўктириб наҳорлик қиларди-да, жилдини бўйнига осиб, бемалол чой ичиб ўтирган Қудратиллага: «Қани, юр!» дерди. Қудратилла шошилмай: «Кетаверинг, ўзим бораман», дерди. «Йўк, ўқишдан кеч қоласан, тур!» дерди. Абдул-

ла Қудратиллани судраб ўрнидан турғизар, қаршилиқ қилса, урар, Қудратилла ерга ағанаб йиғлар эди. Бари бир Абдулла уни олдига солиб олиб кетарди. Дадам (Қодир бобом – Ҳ.Қ.) буни кўриб ўтираркан: «Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ, ўқиш мана бунақа бўлади», деб кулардилар...»

Турсун отин исмли дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта боғ қўшнимиз ҳикоя қиларди:

«Абдулла ўқишдан келгач, кўпинча бизникига чиқарди. «Юсуф ва Зулайҳо», «Ҳурилиқо», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Чор дарвеш», «Қиссасул анбиё», «Калила ва Димна», «Навойи», «Машраб», «Искандарнома», «Рустами дoston», «Ҳотамтой», «Жамшид» каби турли китобларни ўқиб китобхонлик қилар, айрим сўзлар маъносини китоблардан излар, мунозара қилишар эдик. У кўпинча бизнинг китоблардан фойдаланар эди».

Қодирий мана шундай иштиёқ билан ўқирканлар, оиланинг оғир иқтисодий шароити сабабли яна ўқиш жойини ўзгартиришга мажбур бўладилар. Яъни у кишини Чорсудаги давлатманд бир қўйчивон қариндошлари (Моҳира хола)никига хизматга берадилар. Моҳира холаникида дадам уй ишларига қарашадилар, дастёрлик қиладилар ва шу билан бирга мулла Ғулом исмли мактабдор домлада ўқишни давом эттирадилар. Бироқ у киши бу ерда ҳам узоқ қолмайдилар, бешинчи бор мактабни алмаштиришга тўғри келади. Бу ҳақда ўзлари шундай ёзадилар:

«Мактабда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқуб, кейин вақтларда оиламизнинг ниҳоятда қашшоқлиқ кечиргани ваҳидан ўн икки ёшимда мени бир бойға хизматчиликка бердилар. Хўжайиним ўзи савдогар киши бўлуб, ўрисча ёзув-чизув биладурган одамга муҳтож эди. Шу таъмада бўлса керак, мени ўрис мактаби (рус-тузем школа)га юборди. Мактабдан қайтиб келгандан сўнг-ра хўжайинимнинг хизматини қилуб юрганым учун мактабдан тегишлик истеъфодани ололмадим; икки йил мундоқ хизматда юруб чидай олмасдан ота-онамга ёлворуб, ўз уйимга қайтуб келдим. Ва ўз уйимдан боруб ҳалиги мактабда ўқуб юрдим». (Қодирий қисқа таржимаи ҳолларида рус-тузем мактабига қадар қайси мактаб ва домлаларда ўқиганларини ёзмайдилар – Ҳ.Қ.)

Дадамнинг бу сўнгги ўқиган мактаблари Самарқанд дарбо-за маҳалламизда, Акрам купас (купец – савдогар) номли киши-

нинг ташқи ҳовлисида бўлиб, мактаб «7-сон рус-тузем мактаби» деб аталган. Шу мактабда дадам билан бир синфда ўқиған тенгдош Акмал Акрамов (бу киши мазкур Акрам купаснинг ўғли, собиқ омонат касса ходими, ўша мактаб биноси ўрнида яшаб, 1976 йилда вафот этди) ўша ўқиш даврларини хотирлаб шундай ҳикоя қилган эди:

«Менинг отам савдо билан шуғулланарди. 1906 йил бўлса керак, бўш ётган болохонали ташқари ҳовлимизда йилига минг сўм ижара тўлаш, уй ремонтини ўзимиз қилиб бериш шарти билан ерли халқ болалари учун «Русско-туземная школа» (рус тақлидидаги бошланғич мактаб) очилди. Очилиш маросимида Тошкент генерал-губернатори Самсонов қатнашди. Мактаб очилишга очилди-ю, талаба йиғиш осон бўлмади. «Ўрис бўлиб кетади», деб кўп ота-оналар болаларини бизнинг мактабга юбормас, юборганларни «Ўғлингни ўрис қилмоқчимисан», деб койишар, айнатишар эди. Шу сабабли мактабимизда дастлабки йилларда талабалар жуда оз, борлари ҳам бири-келиб бири кетиб, тез-тез ўзгариб турар эди. Иккинчи ёқдан, маҳалладагилар «Уйидан ўрис мактаб очиб берди», деб дадамдан хафа бўлишар эди.

Мактабимиз тўрт йил муддатли бўлиб, иккитагина ўқитувчимиз бор эди. Бири Алижон исмли домла бўлиб, бу киши диний дарслар, тажвид (Қуръонни ўқиш қоидалари), форс тили ва хуснихат ўргатар эди. Иккинчиси Леонид Дмитриевич Пудовкин исмли домла эди, буниси рус тили қоидаси, сўзлаш, хуснихат ва илми ҳисоб ўргатар эди. Мактабнинг вазифаси ерли халқлардан русча ёзув-чизувни билувчи, фасих (риторик) сўзлаша олувчи, приказчик (бойлар дўконида савдо қилиш учун) ва таржимон идора ходимлари етиштириб чиқариш эди.

Абдулла иккимиз бир партада тўрт йил ўтириб, мунтазам илм олдик. У вақтларда мен Абдулланинг ёзувчиликка бўлган ҳавасини, қобилиятини пайқамаганман, балки бўлса ҳам эътибор қилмагандирман. Аммо Абдулла дарслардан илғор ва ёшлиқдан меҳнаткаш эди. У ўқишдан бўшаган ва таътил кезларида қариб қолган отаси ёнида боғ ишларига қарашар, Раҳимберди акаси билан васса бозорига тушиб, тоқи йўнишар эди. Баъзан дарс чогида у: «Буни қара, Акмал», деб ишдан қавариб қадоқ бўлиб кетган қўлларини менга кўрсатар эди.

1912 йил кўкламида фақат иккимиз биринчи бўлиб мактабни битирдик. Хадрадаги, собиқ Ҳамза театри қаршисидаги бир

бойнинг ҳовлисида, «1-сон рус-тузем мактаби»га бориб, иккимиз имтиҳон топширдик. Имтиҳон чогида генерал Самсонов иштирок этди ва имтиҳонларни аъло даражага топширганимиз учун иккимизга ҳам биттадан кумуш соат мукофот беришди...»

Акмал амаки айтганидек Қодирий оилага ёрдам мақсадида ёшлиқдан меҳнатга ўрганадилар. Буни у кишининг ўзлари ҳам таржимаи ҳолларида таъкидлаб ўтадилар:

«Акам дурадгорлик яъни тоқичилик қилур эди. Уйга келгач (яъни холасиникидан қайтгач – Х.Қ.), мактабдан бўшаган кезларимда тоқичилик ҳунарига ўргата бошлади. Икки-уч йил чама-си шу тоқичилик ва боғ ишлари билан бўлуб юрдим».

У вақтларда васса бозори (дурадгорчилик растаси) Чорсудаги эски ҳаммом (Эскинамозгоҳ ва Чуқур қишлоққа кетавериш) кўчасида бўлган. Раҳимберди амакимнинг айтишича, улар Сайдирасулҳожии исмли кишининг дўконида халфа бўлиб васса (тоқи) йўнишган.

– Мактабдан бўшагач, акам олдига бориб, тоқи йўнардим, – деб дадам бизга «мақтанар» эдилар, – акам тоқи йўнишни менга ўргатган бўлса ҳам, сусткаш эди, бир кунда етти-саккиз юз васса йўнарди. Мен тезкор эдим, кунига бир минг беш юз-бир минг олти юз васса йўнардим. Хўжайиним: «Кўз тегмасин, ўғлим», деб елкамга қоқиб қўяр, ҳар пайшанба куни кечқурун иш ҳақимни ҳисоблаб, пулимни белбоғимга туғиб берар: «Йўлда пулингни очма, тушириб қўйма, тўғри дадангнинг қўлига олиб бориб бер, дадангга салом айт!» деб тайинлаб қолар эди. Мен пулни маҳкам ушлаганимча тўғри дадамга келтириб берардим. Дадам: «Баракалла, Абди, баракалла, ҳосилинг дуруст!» деб хурсанд бўлардилар.

Рус-тузем мактабини тамомлагач, Қодирий бирмунча вақт нима иш қиларини билмай уйда қоладилар. Чунки мактаб гарчи савдо, идора ходимлари тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса ҳам, битирувчиларни ишга жойлаштириш вазифасини ўз зиммасига олмаган эди. Номсиз, насабсиз, амалсиз бир қари чолнинг ёш ўғлини бирон воситачисиз, далолатчисиз ким ҳам ўз идорасига ёки дўконига ишониб ишга олсин? Яна вассачиликка борай деса, у ҳам мавсумли, ҳамма вақт иш бўлавермайди. У киши бутун ихтиёрларини яна ёзиш-чизиш, мутолаага берадилар...

ҚОДИРИЙ – ПРИКАЗЧИК

Ишсиз-кучсиз эшикка чиқиб, уйга кириб, фақат ўқиш-ёзиш билан шуғулланган ўтлига ғаши келган, тўғрироғи, қайғурган Жосият бибим (Қодир бобом бу вақтда тўқсондан ошиб, ўғиллари истиқболини ўйламайдилар) бир кун паранжи ёпинадилар-да, Эшонгузардаги мулла Зайниддин исмли бир ҳаммаҳалламизнинг уйига чиқадилар. Мулла Зайниддин амаки (бу киши 1970 йили вафот этди) Қодирийдан қарийб йигирма ёш катта, замонасининг ўқимишли зиёлиси, обрўли, бадавлат савдо кишиси бўлган. Бибим мулла Зайниддин амакига илтимос қилдилар:

– Абдуллангиз ўқишни битириб, уйга кириб қолди. Қилар иши яккаш ўқиш, ёзиш. Бирор монандроқ ишга киритиб қўйсангиз, Худо хайрингизни берсин...

«Чорсуда, дўппибозор ҳаммоми ёнида фақат чит матолари билан савдо қилувчи боши берк раста бўларди. Бу раста «калта раста» деб аталарди. Мен шу растада Рашидхон читфуруш дўконидида приказчиклик қилар эдим, – деб ҳикоя қиладилар мулла Зайниддин амаки, – дўконим қаршисида Расулмуҳаммадбой исмли бир кишининг чит дўкони бўларди. Расулмуҳаммадбой эскичага бир оз саводли бўлса ҳам, русча билмас, шу важдан у менга: «Ўзингизга ўхшаш¹ русча ёзув-чизувни билувчи ҳалол бир хатдаст² топиб беринг», деб юрарди. Жосият онанинг илтимосидан сўнг, Расулмуҳаммад бойнинг ҳалиги сўзи ёдимга тушди. Абдуллани бошлаб бориб, унга тавсия қилдим. Бойга Абдулла маъқул тушди. Хизмат ҳақи, шарт-шароитлар ўзаро келишилиб, Абдулла ишга киришди...».

Шундай қилиб, дадам ўн саккиз ёшдан хизматга киришиб, приказчиклик қила бошлайдилар. Ишга қулайлик важданми ёки шундай қоида бўлганиданми, ҳар ҳолда, у киши Шайхонтохур даҳа, Ширинқудуқ маҳалласида яшовчи хўжайиннинг уйига бориб, ташқари меҳмонхонасида истиқомат қила бошлайдилар ва шу билан у кишининг ҳаётида катта ўзгариш рўй беради.

¹ Мулла Зайниддин амаки бир неча йиллаб (1910 йилгача) Россия шаҳарларида яшаган. Тошкентдан бориб дўкон очган, бойлар қўлида приказчиклик қилган.

² Хатдаст – мирзо, приказчик.

Биринчидан, Қодирий шаҳарнинг бир кунжидаги бечораҳол оиладан ҳар ҳолда этукли хонадонга бориб яшай бошлайдилар. Иккинчидан, хўжайин уйидаги келди-кетди, меҳмондорчилик (Расулмуҳаммадбой бирмунча инсофли, очикқўнгил, меҳмондўст; мулла, олимларни ҳурмат қилувчи, серулфат киши бўлган) ва дўкон воситаларида замонанинг кўп илғор зиёли кишилари билан танишадилар, ошналашадилар. Кундузлари дўкон очиб савдо қилиш, рус тилида хат-ҳужжатлар ёзиб, рус бойлари билан муомала қилиш, кечқурунлари ҳисоб-китоб, меҳмонларнинг хизматида бўлиш, суҳбат тинглаш, пайшанба, жума кунлари ота-онани бориб кўриш, бўш вақтларда меҳмонхонада бўлмасин, дўконда бўлмасин китоб мутолаа қилиш, ёзиш, ҳоказо...

«Биз растада Абдулла билан қарама-қарши ўтириб савдо қилар эдик, – деб мулла Зайниддин амаки ҳикоя қилардилар, Абдулла бўш қолса, китобини очиб мутолаага бериларди, то харидор келиб мол талаб қилмагунча бош кўтармас, харидорни жўнатиб яна китобга қарар эди. Биз: «Китоб ўқигани келганми-сан, савдо қилганими?...» деб ундан кулар, танбеҳ берар эдик. Унинг бу одатидан хўжайини ортиқча ранжимас эди».

Дадам билан бирга приказчилик қилган Тўлаган Тўхтаму-родов деган киши (бу киши 1969 йили вафот этди) ўша даврларни эслаб, шундай дейди:

«Абдулла ўрисча ёзиш-сўзлашга чечан эди. Шунинг учун у кўпроқ хатдастлик қилиб, дўконда ўтирарди. Мен бўлсам, кўпинча кишлоқма-қишлоқ юриб савдо қилар, насия йиғар эдим. Қиш кезлари биз бир неча ёш йигитяланглар хўжайиннинг меҳмонхонасига йиғилиб улфатчилик, дутор чалиб базм қилар эдик. Бундай кезларда Абдулла бизга қўшилмас, ўз хонасига кириб китоб ўқигани-ўқиган эди.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Баъзи адабиёт тадқиқотчилари асарларида: «Абдулла Қодирийнинг илк ижодий фаолияти 1908 – 1909 йиллардан бошланади», деб маълумот берадилар. Билмадим, улар қайси манбага асосланадилар. Менимча, бу маълумот унча тўғри эмас. Қодирий, эҳтимол, 1908 – 1909 йиллардан ижодий машқлар қила бошлагандирлар. Аммо архив-кутубхоналардан излаш натижаси шуни кўрсатадики, у кишининг илк бор матбуотда

чиқишлари 1913 – 1914 йилларга тўғри келади. Бу мулоҳазани дадамнинг ўзлари ҳам таржимаи ҳолларида бир қадар тасдиқлагандай бўладилар: «1912 йилда мануфактур билан савдо қилғувчи бир кишига йилига элик сўм баробарига приказчик бўлуб кирдим. Ва шул хўжайинда 1915 йилгача хизматда бўлдим. Шу миёналарда бозор воситаси билан татарларда чиқадирган газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлигига имон келтурдим. 1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлағач, менда шуларга гап ёзув юриш фикри уйғонди».

Кўлимдаги материалларга кўра, Қодирийнинг биринчи мақолалари 1914 йил 1 апрелда «Садойи Туркистон» газетасида, «Тошканд хабарлари» устунида «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳаси билан босилиб чиқади. Бу мақолани у кишининг илк қадами, деб ҳисоблаганимиз ва материал ҳажман кичик бўлгани учун куйида тўлиқ кўчирамиз:

«Шаҳримизнинг тараққийпарвар ағниёларидан¹ муҳтарам Йўлдош ҳожи жаноблари Бешоғоч даҳа, Эшонгузар маҳалласида хишдан бир масжид бино қилдирдилар. Мазкур масжид ёнига уч деразали ҳибзи сиҳхатга мувофиқ бир мактаб ҳам солдирдилар. Ишончли одамлар сўзига қорағанда шу совға мактабларига усули жадид ила ўқитадирған муаллим келтируб қўймоқ ниятида эмишлар. Оллоҳи таоло мазкур бой жанобларини яхши ниятларига етказиб, узун умрлар ато айлаб, давлатларини бундан ҳам зиёда қилсун.

Абдулла Қодирий»

Асосли маълумот, устоз кўрмаган ёш ёзувчи ўз илк ижодини шу тариқа кичик-кичик мақола, хабарлар ёзишдан бошлайди. Гарчи бунингдек ёзишлар зоҳирда анчайиндек кўринса ҳам, ҳар ҳолда, бу бўлажак адибга ғайрат бағишлаб, истиқболга замин ҳозирлайди.

1914 йил охирларида дадамизнинг оила ҳаётларида ўзгариш бўлади: Расулмуҳаммадбой, у кишининг ўйин-кулгисиз ҳамиша ўқув-ёзув билан шуғулланиши, иш тутиши, муомаласига икки-уч йил разм қўйиб юриб, бу бола одам бўлади, деган фикрга келади ва яқинлари билан кенгашиб: «Абдуллани ўзим

¹ Ағниё – бойлар.

куёв қиламан. Икки қизимдан хоҳлаганларини келин қилиш-син», деб орага одам қўядилар.

– Расулмухаммадбойнинг олдинма-кейин бўйи етиб турган икки қизи бор эди, – деб ҳикоя қилардилар Раҳимберди амаким, – у орага киши қўйгач: «Абдулла хўжайинига куёв бўларкан», деб шошиб қолдик. Негаки, бой ердан келин олмоқ учун бойларча тўй қилмоқ керак; бунга бизнинг қурбимиз етмас эди... Бойнинг бу олийжаноб ҳимматидан хурсандлигимизни айтиб, бироқ ўз бечоралигимизни, яъни улар кутган орзу-ҳавасли тўй қила олмаслигимизни билдирдик. Бой: «Бу ёғидан хотиржам бўлсинлар», деб бизни тинчлантирди.

Биз: «Тўнгич қиз бахтли бўлади» деб, ойинг Раҳбарнисани танладик. Абдумутал¹ акам иккимиз Шайхонтохурга фотиҳа тўйи олиб бордик. Катта зиёфат ва фотиҳадан сўнг Абдумутал акамга мовутдан, менга адрасдан ва бошқа ҳамма меҳмонларга ҳам ўзларига муносиб тўнлар кийгазилди, ҳовли юзи ола-була тўн кийганларга тўлиб кетди... Шунда Расулмухаммад бобонг мени четга имлаб олиб, қўлимга уч юз сўм пул берди ва: «Бу пулларнинг ярмини тўй келтирганда қалин пули қилиб менга берарсизлар...» деди².

ИЖОДИЙ ЎСИШ

Қодирий ижоди тез ўсади. Илк мақоладан сўнг қисқа вақт ичида хийлагина асарлар ёзадилар. Масалан, 1914–1916 йиллар мобайнида «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда», «Жинлар базми» каби қатор жиддий, бадийий жиҳатдан пишиқ, ҳатто шу кунларда ҳам севиб ўқиладиган асарларни яратадилар. Бу асарларни ёзишга илҳомлантирган омиллар хусусида тўхтаб, ўз таржимаи ҳолларида дейдилар:

1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзуб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. Яна шу йилда татарларда чиқиб турган ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзуб, ношир

¹ Қодир бобомнинг жияни.

² Ўртоқ Фатҳиддин Насриддинов Абдулла Қодирий ҳақида «Адибнинг йўли» номли (1972) илмий асар ёзиб хайрли иш қилган. Бироқ у киши маълумот берганидек, Абдулла Қодирий Расулмухаммадбойга ичкуёв бўлган эмас.

топилмағанидан ўзим нашр қилуб юбордим. Энди чин мусанниф¹ бўлдимов, деб қувонар эдим...»

«Бахтсиз куёв»² Қодирийнинг тўнғич китобчасидир. У Туркистон маишатидан олинган тўрт пардали фожиа асар бўлиб, кузатилган ғояси жиҳатидан ўша даврда ва ҳозирги кунда ҳам халқимиз орасида ҳукм суриб келаётган баъзи бидъат расм-русумлар, урф-одатлар, жумладан, никоҳ тўйларимизда олинадиган ўринсиз катта қалинлар, исрофгарчиликлар ва бундан келиб чиқадиган кўнғилсиз оқибатлар ибратли йўсинда танқид қилинади.

Бой эшигида хизматкорлик қилиб юрувчи Солиҳ номли етим бир йигит амакиси Абдураҳимнинг маслаҳати, қистови билан Файзибойнинг Раҳима исмли қизига уйланишга розилик беради. Файзибой маҳалла элликбошисининг насиҳатига қулоқ солмай: «Мен орзу-ҳавасли тўй қиламан» деб, Солиҳдан катта қалин талаб қилади. Бунга қурбсиз Солиҳ эса амакисининг тазйиқида, тўй тўхтамасин учун ноилож, судхўр Қосимбойдан олти ой муддатда қайтариш шарти билан минг сўм қарз олади ва векселга қўл қўяди. Тўй ўтгач, Солиҳ билан Раҳима бир-бири билан бахтли турмуш кечира бошлайдилар. Аммо бу бахт, мазкур қарзнинг тўлов муддати етиб, Солиҳнинг уй-жой рўзғори судхўр фойдасига мусодара қилиниши билан ниҳоясига етади. Солиҳнинг амакиси Абдураҳим камбағаллигидан, қайнота Файзибой эса орзу-ҳавасли тўй қилиб синганлигидан Солиҳга ёрдам бера олмайдилар. Солиҳ ва Раҳималар шармандалик ҳамда қашшоқликка чидай олмай, ўзларини пичоқлаб ўлдирадилар.

Бу драма асари замонасида сахна асарлари кам бўлганиданми ёки давр иллатларини яхши очиб кўрсатганиданми, ҳар ҳолда, 1915 йилдан то 1920 йилгача сахнадан тушмай, муваффақият қозониб ўйналиб келган. Буни шу йилларда газета-журналларда босилган эълон, мақола ва афишалардан кўриш мумкин.

Масалан, Миёнбузрук Солиҳовнинг 1935 йил Тошкентда босилган «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» номли китобида «Бахтсиз куёв» пьесаси афишасининг фотокопияси берилган. Афишада кўрсатилишича, «Бахтсиз куёв» драмаси 1915 йил, 14 ноябр (чоршанба) куни Колизей (ҳозирги Ўзбекистон

¹ Мусанниф – ёзувчи.

² Тошкент. 1915 йилда Туркистон генерал-губернатори канцелярияси қошидаги босмахонада араб алифбосида кўк муқовада босилган.

биржа маркази)да ўйналган. Ролларда Исомиддин Хўжа ўғли, Ғ. Зоҳирий, Л.М.О.¹лар ўйнаган.

Шунингдек, 1918 йилда «Улуғ Туркистон» газетасининг 84-сонида, 1919 йилда «Иштирокиюн» газетасининг 248 ва ана шу газетанинг 1920 йил 71-сонларида «Бахтсиз куёв» пьесасининг ўйналгани тўғрисида эълон, маълумотлар босилган.

«Жувонбоз»² асари ҳам алоҳида китобча бўлиб чиққан, лекин ҳали қайта нашр этилмаган. Бу асар ҳажман катта ҳикоя ёки кичикроқ қисса бўлса ҳам муаллиф негадир уни «рўмон» деб атаган. «Жувонбоз»даги кузатилган гоё ҳам ўша пайтларда Туркистон ўлкасида ҳукм сурган маиший бузуқликлар, бунинг натижасида келиб чиқувчи кўнгилсиз фожиаларни очиб бериш ва танқид қилишдир.

Рауфбой номли бир савдогарнинг Саъдулла деган ўғли ўқимай, илм-ҳунар олмай, фахш йўлларга кириб кетади. Отасининг савдо важи билан бошқа шаҳарга кетганидан фойдаланиб, унинг катта пул бойлигини бузуқ маишатга совуради ва ахир одам ўлдириб, Сибирга сургун бўлади.

Бу асар охирида ёзувчининг «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор» сарлавҳали икки шеъри ҳам берилган. Шеърларда муаллиф халқ орасидаги ёмон иллатларни танқид қилади, яхши йўлга даъват этади.

«Ҳеч ким билмасин» – бир пардали комедия. 1921–1922–1923 йилларда Тошкент саҳналарида ўйналган бўлса ҳам чоп қилинмаган. Бу ҳақда «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил 17 сентябр сонида Шапоқ Махзум шундай ёзади: «10 сентябрда ёзлик «Турон» саҳнасида «Ҳеч ким билмасин» (Жулқунбой асари) ўйналди...

Пьеса «Роҳат боғчаси»да (бу боғча Жанггоҳ номли роҳат боғи ёнидан Лабзак кўчасига кирилганда, ўнг томондаги ғиштин зинапоё билан чиқиб бориладиган тепалик устида эди) ҳам ўйналган. Пьесада роль ижро қилган Ҳамза номли театрнинг солиқ артисти Шокир ака Нажмиддинов шундай хотирлайди:

«Пьеса бир кўринишли бўлиб, қатнашувчилар икки кишидан иборат эди. Асар мазмуни шундай: бир хотинбоз қари дуо-

¹ Л.М.О. – аёллар ролида чиққан эркак артистларнинг исм-фамилиялари. Шу боис уларнинг номлари очик эълон қилинмаган бўлса керак.

² Тошкент. 1915 йилда Туркистон генерал-губернатори канцелярияси қошидаги босмаҳонада араб алифбосида қизил муковада босилган.

хон домла ва унинг ёш йигит-набираси бўлади. Набираси бобосидан ёлвориб пул сўрайди. Бироқ хасис бобоси пул бермайди. Ниҳоят, йигит пул олиш мақсадида бобосига шундай ҳийла ишлатади. У (йигит) холи вақтни пойлаб, паранжи ёпиниб, ёш бир қиз қиёфасида бобосининг олдига «дам солдиргани» киради... Бобоси паранжилик «қиз» ёнига ўтириб дам солиш баҳона унга муҳаббат изҳор қила бошлайди ва елкасига қўл ташлайди. Шу чоқ «қиз» бирдан юзини очиб юборади... Ҳайратга келган бобо набирасига «Тилаганингни берай, болам, бу сирни ҳеч ким билмасин, гап шу ерда қолсин», дейди.

Бу пьесада мен набира ролини, Сайфи қори Олимов (бу киши ҳам Ҳамза номли театрнинг собиқ артисти, 1900 йилда туғилган – Ҳ.К.) дуохон домла ролини ўйнаган эдик».

«Улоқда» ҳикояси ҳам 1915 йилда ёзилган. Бироқ ҳикоя биринчи бор инқилобдан сўнг, 1923 йили «Билим ўчоғи» журналида нашр қилинган. Қодирий 1936 йилда бу ҳикояни қайта нашрга тайёрларканлар, сарлавҳа тагига шундай кичкина илова ёзадилар: «Бу ҳикоя 1915 йилда ёзилган эди. Болалик давримнинг ёдгори бўлгани учун ортиқча ўзгартиришлар киритмадим (А.К.)».

«Жинлар базми» ҳикояси, дадамнинг айтишларича, 1916 йилда ёзилган. Лекин биринчи бор 1921 йилда «Шарқ чечаги» журналида босилган. Ҳикояларнинг бундай кечикиб босилишига сабаб у вақтларда журналлар йўқ, алоҳида китобча қилиб чиқариш имконсиз, газетада бостириш ҳажман иложсиз бўлганлигидандир, деб ўйлайман.

Шунга ўхшаш, Қодирийнинг ўша даврларда ёзилган асарларидан (ҳозирча бизга маълум бўлганларидан) «Тўй» сарлавҳали ҳажвий шеърини («Садойи Туркистон», 1915 йил, март), «Шодмарг» деган фельетон ҳикояни («Нажот» газетаси, 1917 йил, март) эслатиб ўтиш мумкин.

ИНҚИЛОБ ЙИЛЛАРИДА

«1915 йилда (прикашчик бўлганимнинг учинчи-тўртинчи йиллари) хўжайинимнинг иши тўхтаб, дўконига печат тушди. Шунинг билан меним прикашчиклик тақдирим ҳал қилинуб уйга қайтдим. Яна акам билан эски тоқичилик касбимга киришиб,

ҳар кимларнинг эшигида кунлик ишлаб юрдим¹. Қиш кириб дурад-горлик иши тўхталғандан кейин мадрасага ўқишга кирдим². Бир қиш мадрасада ўқуб кўклам чиққач, яна тоқичиликка кетдим. Шу ҳолда 1917 йил феврал инқилоби етди...» деб ёзадилар Қодирий.

Насриддин (Расулов) тоғам (1902–1979) ҳикоя қиладилар: «Дадам (Расулмуҳаммад бобом – Ҳ.Қ.) бўзчи эканлар. Уйлангач, қайноталари дўкон очиб берган экан... Хужрадек кичкина дўконларида чит-матолар газлаб сотилар эди. Дадам очикқўл, кўнгилчан, ҳатто баъзан бева-бечораларнинг кичкина тўй, маърака, орзу-ҳавасларини ҳам ёнларидан харжлаб, ўтказиб берар эдилар. Ўзлари унча саводли бўлмасалар ҳам, уламо-маърифатли кишиларни жуда ҳурмат қилар, уларни жума сайин уйимизга чорлаб, зиёфат-суҳбат қураб эдилар. Қишлоқи бечораҳол деҳқонларга эса кўпинча «Пулини топганда берарсан», деб насиёга мол сотар, насиёлар аксар унмай куйиб кетар эди. Шундай қилиб, унмаган насиё пулларнинг ҳисоби 1914–1915 йилларга келиб 12 минг сўмга етади, бунинг устига 1910–1912 йиллар миёнасида Шайхонтоҳурдаги ҳашаматли уйларини қуриб катта чиқимдор бўлдилар. Шу вазлардан 1915 йил бўлса керак, дадам саводдан синдилар, мол-мулкларини сотиб ва яқин кимсалардан қарз олиб, синдикатчи бойлардан вексел тўплаб, тойлаб олган мол қарзларига тўладилар ва дўконни йиғиштириб, умрлари охиригача Яланғочдаги йигирма таноб еримизда деҳқончилик қилиб кун кечирдилар. 1923 йили 54 ёшда вафот этдилар».

Гарчи мавзудан озгина четласак-да, Қудратилла амакимининг рабочига жўнаш чоғидаги бир ҳангомасини ёзиб ўтмоқчиман. У киши ҳикоя қилар эдилар (1956 йилда вафот этдилар):

«1916 йили Николай подшодан рабочи олиш тўғрисида буйруқ келди. Ҳар икки хонадондан бир одам берилиши, бора олмайдиган хонадон борадиганига маълум миқдорда пул тўлаши, яъни одам ёллаши керак эди. Мен бўйдоқ, ҳали бирор ишнинг бошини тутмаганман, Абдулла акам янги уйланган. Раҳим-

¹ Тоқичилар фақат дўконда ўтириб иш қилмас эдилар, иморат солувчиларнинг уйига бориб ҳам кунбай тоқи йўнар эдилар.

² Қодирий ўқиган мадраса Бешоғоч даҳа, «Янгимаҳалла»даги Абдулқосим мадрасаси бўлиб, Дархон маҳаллалик Усмонқори домлада араб тили сарфнаҳви ва форс тилларидан дарс олганлар.

берди акам икки-уч болалик, ўзидан ортмас, бунинг устига бўшанг, кўзи бироз ожизроқ эди. Рўзгор иши асосан Абдулла акам устида, одам ёллашга қурбимиз йўқ эди. Ойим билан дадам маслаҳатлашиб, ёшим бир-икки йил етмаса ҳам бизнинг уйдан Абдулла акам ўрнига мен мардикорга кетадиган бўлдим.

Маҳалламизнинг эллиқбоши, оқсоқоллари ва ҳукумат томонидан йўлланган вакиллар рабочига кетувчиларни аниқлаш учун бир бойнинг (номи эсимдан чиққан – Ҳ.Қ.) ташқари ҳовлисида катда ўтириб, биз маҳалла йигитларини рўйхат бўйича бирма-бир чақиришарди; ёшимизни, қайси хонадон ҳисобидан кетаётганлигимизни сўраб аниқлашарди. Биз ёшлар бўлсак, ҳовли чеккасида навбат кутиб турардик. Тешабой ўртоғим оқсоқоллар қаршисига бориб: «Биз Қудрат иккимиз ит йилимиз», деса борми. Чунки ит йилликларни «ёшсан» деб қайтаришаётган эди. Ўртоғимдан жуда аччиғландим. Негаки, оқсоқоллар мени ҳам юбормай қўйишлари мумкин эди. Мен дарҳол оқсоқоллар олдига бориб: «Тешабойнинг ўзи ит бўлса бордир, мен ит эмасман», дедим. Катда ўтирганлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди ва мени кетадиганлар рўйхатига ёзиб қўйишди...»

Бу кичик лавҳадан ҳам Қодирийнинг шу йилларда оилада тутган мавқелари ва жисмоний меҳнат қилиш сабаблари бир қадар кўриниб туради. Лекин у киши оила тебратиш учун қанчалик оғир меҳнат билан шуғулланмасинлар, барибир ўз севимли ижодий ишларидан йироқлашмайдилар. Бўш вақтларда санойи ва адабий ҳаётга жўшқин қатнашиб борадилар.

«Абдулла акам кечқурун тоқичилиқдан қайтгач, шоша-пиша овқатланиб, репетиция қилишга жўнарни ва баъзан томоша қилиб келгани мен ҳам биргалашиб борардим. Асил оқсоқолнинг болохонасида¹ артистлар йигилишиб репетиция қилишар, қандайдир пьесани саҳнага қўйишга тайёрлашар эди. Кейинчалик ўқиб етишиб профессор бўлган Абдулла Авлоний, ёзувчи Ғулом Зафарий, артист Маннон Уйғурларни ҳам ўша вақтларда шу репетиция қилувчилар орасида кўрардим», деб ҳикоя қилар эдилар Қудратилла амаким...

Инқилоб йиллари бирмунча иқтисодий танглиқда кечади. Бу танглик рўзгор тебратиш учун кўпчиликни турли касб-хунар билан шуғулланишга мажбур этади.

¹ Бу бино Чорсуда, Қўқалдош мадрасасининг қаршисида эди. Кейинчалик бу болохоналик бино «Маориф уйи» деб аталиб, унда катта-кичик театрлар ҳам қўйилиб турди.

«Николай тахтдан тушган йиллари тирикчилик анча оғир бўлган, – дер эдилар Раҳимберди амаким. – Шунда бир қиш бекорчиликда опогойинг, мен, Абдулла учовимиз кармондўзлик қилганмиз. Опогойинг, даданг чарм кармон тикишарди. Мен бозорга тушиб сотиб, рўзгор қилиб келардим...»

Дадам таржимаи ҳолларида давом этиб дейдилар:

Шу ҳолда 1917 йил феврал инқилоби етди. Некалай тахтдан йиқилгандан кейин оддий халқ милитсасига кўнгилли бўлуб ёзилдим. Шу хизматда бир ой чамаси турғанимдан сўнг Тошкент Эски шаҳрида очилган озиқ комитетига мирза бўлиб кирдим. Шу чоққача мен ўзимда бирорта сиёсий фирқага мансубият ёки яқинлик ҳис этмас эдим. Бу эрса менда асослик маълумот йўқлиғидан, яна тўғриси, саводсиз авомлиғимдан келар эди. Некалайнинг тахтдан йиқилиб ҳуррият бўлганига ҳурсандлигим, албатта, дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табиий эди... Айниқса, 1916 йил работчи олиш масаласидан кейин умуман, Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди. Феврал инқилобидан кейин «учредителный собрания» бўлар эмиш деган гап чиқди. Ўзимиздан бўлса «Турон жамияти», «Турк адам марказият», «Мухторият», «Уламо жамияти», «Шуроий ислом» деган муаммолар тўқилиб миям шишиди. Кўнгилли милитсия бўлуб юрганымда «Турон»га аззо бўлуб юрган эдим. Аммо озуқа комитетига хизматга киргач, мени «Турон» аъзолиғидан чиқарганлар эмиш, деб эшиткан эдим. «Хўп» деб юравердим.

Шу вақтларда матбуотда Русиядаги сиёсий фирқалардан социал-демократ, социал-революционер, кадет, интернационалист сўзлари сўзланиб турар эди. Айтуб ўтишим керакки, ҳалиги сиёсий исмларга газета ўқуйдирган бўлғанимдан бери таниш бўлсам ҳам, уларнинг чин маъноларига тушуна олмас эдим. Чунки бизнинг ўзбекчада ва на татарчада бу сиёсий фикрларнинг йўлларида оид ҳеч бир ўқуйдирган асар йўқ эди. Феврал инқилобидан кейин газеталарда ўртоқ Ленин исми ва «большевик» деган гаплар чиқа бошлади. Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман, социализм маслакидан тублик маълумотка эга бўлган киши йўқ, бўлса ҳам, эҳтимолки, битта-яримта бўлғандир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида, умуман, Ўзбекистон ишчи-деҳқонларидан ва бу кунги масъул ва ғайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихдаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман...»

1917 йилда Қодирий кичик бир саргузаштни бошидан кечи-
радилар:

«Инқилоб йили, кўклам кези эди. Бир кун сайлов бўлди¹, деб кулиб ҳикоя қилардилар дадам. – Эрталаб Зайниддин ака, Низомиддин ака (Зайниддин амакининг укаси – Х.Қ.), мен учовимиз Хўжа Нуриддин мазорига² сайловхонага чиқдик. Сайловга турли жамият³ кишилари қатнашар, ҳар бир жамият ўз тарафдоридан кўпроқ сайланишига ҳаракат қилар эди. Деворларга: «Фалончи домлани сайланглар, фистончи эшонни, қозини сайланглар, у андоғ одам, бу мундоғ одам», деб шиорлар осилган, ҳар бир жамият мутасаддиси сайлашга келганларни ўз томонларига даъват қилиб, баланд овоз билан ваъз этар эдилар.

Биз учовимиз деворлардаги шиорларни ўқиб-ўқиб, қайси жамият учун сайлашга иккиланиб, негадир, мазор дарбозасига, Самарқанд дарбоза кўчасига чиқдик. Дарбоза олдида турган эдик, шу вақт Чорсу томондан бир автомобил келиб, бизнинг қаршимизда тўхтади ва ундан бири ўзбек, бири ўрис чарм палто кийган икки киши тушди ва бириси яқинроқ турган Зайниддин акани ўзига чақириб, ёнидан бир даста сайлов варақалари чиқариб узатди-да: «Бу ишчи-солдатлардан вакилликка сайлаш варақаси, сайлашни хоҳлаганларга улашинглар...», деди ва автомобилга ўтириб, яна қаёққадир шошиб жўнаб кетди.

Биз ҳайрон бўлиб, яна сайловхонага қайтиб кирдик. Сайловчилар кўп, жамият мутасаддилари ҳовлиқиб юришар эди. Зайниддин ака варақаларни қўлида кўтариб турса ҳам, ҳали бирор кишига таклиф қилмаган эди. Шу вақт, чамаси, бирор хуфия етказдими, Занги ота маҳаллалик Абдулла хўжа ака ёнимизга келиб, бирдан: «Эй халойиқ, мана тўртинчилар, мана болшевиклар, бу ёққа келинглар!» деб, атрофимизга одам тўплай бошлади. Зайниддин аканинг қўлидаги варақаларни тортиб олиб, ҳаммага кўрсатди ва тушунмаган халққа: «Ур, бу кофирларни!» деб ўзи бошлаб бизни ура кетди...

¹ Менимча, бу сайлов тарихга кўра 1917 йил 2 ёки 28 март кунларидаги шаҳар шўросига сайлов бўлса керак.

² Занги ота маҳалласида, ҳозирги 85-мактаб ўрнида.

³ Масалан: юқорида Қодирий ўз таржимаи ҳолларида санаб ўтган жамиятлар ва яна ишчи-солдат жамият (партия)лари. Бу жамиятлар «биринчи», «иккинчи»... деб рақамланиб сайловчи ўзини қайси жамиятга мансуб кўрса, ўша рақамни айтган. Масалан, ишчи-солдат партияси «тўртинчи» деб аталган.

Оломон кучли эди. Уларга тушунтириб, тенг келиб бўлмас эди. Низомиддин ака иккимиз бир амаллаб оломондан қочиб, ташқарига чиқдик. Ҳайтовур, бахтимизга ташқарида Тўхтамурод акам¹ учраб қолди. Унинг муҳофазатида уйга етиб олдик... Зайниддин акани огир калтаклашган. Уни шаҳар айланиб тинчлик сақлаб юрувчи отлик аскарлар қутқазиб олганлар...»

Бу воқеани мен сўнгги вақтларда Зайниддин амакидан ҳам сўраб аниқлаган эдим. У киши тасдиқлаб кулган. «Варақа менинг қўлимда бўлгани учун бошимда калтак кўпроқ синган...», дея жавоб қилган эдилар.

* * *

Қодирий таржимаи ҳолини давом эттириб, инқилоб даврига қадар бўлган ўз савияси, тушунчаси, меҳнат фаолияти тўғрисида шундай маълумот берадилар:

«Буюк ўктабр инқилобини ҳам шу йўсин онгсиз миллат ичида қаршиладим. Ўктабр инқилобидан сўнг ўртоқ Исмоил Обидов билан танишдим. Ул инқилобдан кейин дохилия комиссарига ўринбосар тайинланган ва Эски шаҳар ўзбек ишчи-меҳнаткашларини уюштиришда раҳбарлик қилар эди. Унинг билан танишганим менга хўб фойда берди. Чунончи, болшевик ва бошқа сиёсий фирқаларнинг йўллари билан ошнолашдим ва унинг таклифига мувофиқ Эски шаҳар ишчилари орасида бел боғлаб ишлашга киришдим. Ул вақтларда Тошкентда биринчи уюшкан ишчилар бинокорлар бўлуб, агар мен зиёли ҳисоблансам, уларнинг орасида ишлай бошлаган бир зиёли фақат менгина эдим. Буни ҳозирги вақтда Марказий Ижроқўм раисининг муовини ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев яхши биладир. Исмоил Обидовга мирзо бўлуб, уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотга чақируб, тарғиботномалар ёза бошладим. Уларнинг баъзиси ўшал вақдаги «Улуғ Туркистон» газетасида ва баъзиси варақа равишида босилуб тарқатилар эди. Мундан бошқа Эски ишҳарда янги уюшдирила бошлаган касаба уюшмаларининг ҳар бирини янги очишда саркотиб тариқасида иштирок этар ва уларга қўлимдан келгани қадар раҳбарлик қилар эдим.»

1918 йилдан партия аъзоси бўлган, Тошкент шаҳар, Қаъни қишлоқ, «Қизил шарқ» колхозида яшовчи Султон ота Сиддиқов (1881 – 1970) ҳикоя қилган эдилар:

¹ Тўхтамурод ака дадамнинг холаваччаси, ўша вақтда халқ отлик милициясида ишлар экан.

«Инқилобнинг биринчи йили, фирқага янги кирган кезларим эди. У чоғларда Тошкентда гадо, қаландар, маддоҳлар кўп бўларди. Улар куни билан бозорларни тентиб, ҳазрати Ғавсил Аъзам, Баҳовиддин пирим номларини талқин қилиб, нон, пул, мева-чева йигар эдилар-да, Чорсудаги эски ҳаммом орқасидаги Ҳожибемалолнинг такиясида тўпланишиб, жами бемазаликларни қилиб ўтиришарди, на оила ғамини ер, на сиёсатни тушунар, на дунёда нима бўлаётганини билар эдилар. Эски шаҳар фирқа қўмитаси менга ана шундай бекорчи дайдиларни йўқотиш, уларни ишга ўрнатишни топширган эди...

Бир куни атайлаб мулла Абдуллани бошлаб, шу такияга кирдим. Чой чақириб, Абдулла билан сўзлашиб ўтирдим. Гадо, қаландар, маддоҳлар бири тарияк кўкнор ичар, иккинчиси наша чекар, яна бириси оғзига келганини ўтлаб хангама сўқар эдилар. Мен уларни кўрсатиб Абдуллага:

– Бу бекорчи савилларни йўқотиш керак, ишга жойлаш керак, – дедим.

– Кошки эди, – деди Абдулла, – йўқотилса, катта иш бўларди, иложи қанча?

– Ширкат очамиз, уларни ишга тортамиз, ёрдам берасан... – дедим.

Абдулла «хўп» деди, Чорсу билан Эскинамозгоҳ (ҳозирги 2-нон заводнинг атрофи) ўртасидаги жарликда Боқижон бойнинг пахта заводи (Боқижон бой инқилобдан кейин заводни ташлаб кетган – Ҳ.Қ.) бўлар эди. Ана шу заводни наматчилик ширкатига айлантирдик. Мен раис, Абдулла саркотиб бўлиб иш бошладик. Ҳар куни икковимиз Ҳожибемалолнинг такиясига тушиб, ҳалиги бекорчи гадо-қаландарларни ишга ундаймиз, ташвиқот қиламиз. Абдулла бўлса эълон ёзади, қўлида қоғоз-қалам, ишга борадиганларни рўйхат қилади...

Шундай қилиб, ширкатимиз бошида бир оз ривож топмай турса ҳам, кейинчалик жуда гуриллаб кетди. Даромади дуруст бўлгани учун бир-бирларини «тортиб» кела бошладилар. Кўп гадо, қаландар, маддоҳлар ўз «хунар»ларини тарк қилиб, ширкатда ишлаб кетдилар. Ширкатимиз янги барпо бўлган давлатимизга ҳам яхши фойда берди. Аскарларнинг отларига тўқим тайёрлаш учун намат зарур эди...

Инқилоб йилларида ходимлар оз, Абдуллага ўхшаш ўқиш, битиш, ўрисчага чечанлар ҳамма ерда етишмас эди, шу ваздан

Абдулла мен билан уч-тўрт ой бирга ишлашгач, бошқа юмушга чақириб олинди ва мен ҳам бир-икки йил шу ширкатда ишлагач, Фаргона вилоят фирқа қўмитасига ишга тайинланиб кетдим».

Қодирий таржимаи ҳолларида давом этиб дейдилар:

«1918 йилнинг бошларида Эски шаҳар озиқ комитетини бойлар қўлидан олинуб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев таъин қилунган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблигига кирдим. 1919 йилнинг аввалларида озиқ комитетининг исмидан чиқарилмоқчи бўлган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб таъин қилундим. 1920 йилда касабалар шўросига саркотиб бўлуб кирдим ва Эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақолалар ёзуб турдим. Шу кунгача Шўро идораларида қилган хизматларимни бирма-бир санаб ўлтуруш узоққа чўзиладурған бўлғанлиқдан, мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «РосТА» деворий газетасида мухбир бўлиб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник, собиқ Туркистон Марказий фирқа қўмитасининг ташвиқот бўлимидан чиқадурған «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва сотрудник бўлуб, ҳам «Муштум» журналининг муанниси ва таҳририя аъзоси бўлуб, то 1924 йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим».

Ҳақиқатан, ўша йиллардаги газеталар (айниқса, «Иштирокиюн» газетаси) кўздан кечирилса, Қодирийнинг касабачилик ишларида фаол қатнашганларини, касаба мажлислари, кўрилган масалалар, мунозаралар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида обзор тариқасида ёзган саҳифа-саҳифа (масалан: «Меҳнат кооперативи ҳақида Эски шаҳар ишчилари конференцияси», «Эски шаҳар касабалар шўросинда ўтун масаласи», «Эски шаҳарда ишчилар конференцияси» каби) мақолаларини кўриш мумкин.

Шу йилларга мансуб бўлса керак, дадам қай бир вақт меҳмонлар билан кулишиб ўтириб, шундай бир хотирани сўзлаган эдилар:

Касабачилик жуда авж қилган, кун-кунора тонготар мажлисбозлик: мен мажлисда котиблик қилар, газетага ахборот ёзар эдим... Кўнчилардан чиққан... (номи ёдимда йўқ – Х.Қ.) жуда гуруҳбоз, мажлисларни қолдирмас, узун бир нутқ сўзлаб бир-икки одамнинг «сирини фoш» қилмаса, ҳовурдан тушмас

эди. Мажлисда нима масалалар кўрилди, кимлар сўзлади, қандай қарор қабул қилинди, ҳаммасини ёд билар эди.

Баъзан мажлисда бўла олмасам, эртасига у билан суҳбатлашиб, ўтган мажлис ҳақида тўлиқ ахборот олардим... Раҳмат айтиб турмоқчи бўлсам: «Тўхта, ука, – дерди у ва портфелини очиб, бир даста қоғоз чиқариб менга узатарди-да, – шу қоғозларни ўқиб, ичидан (фалончи) кўнчини номига ёзилган гувоҳномани менга ажратиб бер-чи, тагин адаш бериб юбормай», – дерди...

ЖУЛҚУНБОЙ – МАТБУОТЧИ

Юқоридаги бобда Қодирийнинг инқилоб арафаларидан бошлаб, қарийб 1920 йилгача бўлган меҳнат фаолияти, турмуш кечинмалари тўғрисида бир қадар гапирилди. Албатта, бундан Қодирий бу йилларда ижод билан шуғулланмабди, деб бўлмас. Аксинча, у кишининг жўшқин ижоди Октябр инқилобининг биринчи йилларидан бошланади.

Бу даврларни эслаб, педагогика фанлари номзоди, математик, пенсионер Обидқори Каримов шундай ҳикоя қиладилар:

«1919 – 1920 йиллар бўлса керак, Тошкентда «РосТА»¹ газетаси чиқар эди. Сиёсий, ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу газета босмахонада йирик араб ҳарфида бир ёқлама босилиб, негадир, дўконларда сотилмас, кўча-кўй урилиш жойларга, масжид дарбозаларига ёпиштириб қўйилар, йўловчилар тўхтаб ўқиб ўтар эдилар. Абдулла Қодирий Жулқунбой шу чоғлардаёқ танилган ёзувчи, РосТАда унинг қизиқ-қизиқ мақола, фельетонлари босилиб турар эди.

Қодирийнинг танқидий, тарбиявий, сиёсий, адабий аҳамиятга эга бўлган бу мақолалари мазмундорлиги, равонлиги, ҳаётийлиги билан кўнгилга тез ўтирар, шу жиҳатдан у бошқалардан кескин ажралиб турар, халқ тарафидан севиб ўқилар эди. Мен ўша вақтларда бир намозхон, ўқитувчи йигит эдим... Тўғриси айтганда, Қодирий ёзган ана шу тиниқ, ажойиб фикр-мулоҳазалар, дастлабки чоғларда дунёқарашимнинг ўзгаришига зўр таъсир кўрсатган, десам муболаға бўлмайди.

¹ РосТА – Россия телеграф агентлиги газетаси. Бу инқилобий газета 1919 – 1920 йилларда чиққан.

Отам Каримқори руҳоний киши эдилар, «Кесакқўргон» маҳалламизнинг имоми бўлган бўлсалар ҳам тараққийпарвар, очиқ фикрли, намозга чиққанларида масжид дарбозасига ёпиштирилган РостА газетасини қўзойнак тақиб ўқир ва бошқаларга ҳам ўқиб эшиттирар эдилар. Баъзан менга: «Жулқуннинг қурғур зап тутилмаган қизиқ гапларни топиб ёзади-да, ўзи қозоқми?» дедилар ва гоҳо қариликдан намозга чиқа олмаган чоғларида, хумор қилиб сўрардилар:

– Обидқори, бугун масжидга янги газет ёпиштирибдиларми?

– Ҳа.

– Жулқунбой гап ёзибдимми?..

Мен газетанинг мазмунини баён қилиб берар эдим. У киши завқланиб тинглар эдилар...»

Қодирий Октябрғача бир ҳаваскор ёзувчи бўлиб келган бўлса, инқилобдан сўнг жасорат, сўз эркинлиги олади. Матбуот идораларида бевосита ишлай бошлайди, раҳбарлик қилади, кўнгилни кўпдан банд қилган ният-тилақларини энди аста ифодалаб, илгари айта олмаган, жасоратланмаган фикрларини матбуотда баралла сўзлай бошлайди.

«Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш қаерда, жасоратимизнинг қолған-қутқанини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилғанда, бошқа нарсалар юлинуб-юлқинган эди. Ниҳоят, фиғон ва нолаларимиз арши аълоларга етканда умидимиз қуёши истиқлол туғди. Жасорат бўғмагарларининг оёғлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тегидан келди. Истиқлолдан биз бошлиқча жасорат олдиқ, сўз эркинлиги олдиқ», деб ёзадилар Қодирий 1921 йили «Қизил байроқ» газетасида босилган «Жасорат айб эмас!» мақоласида.

Қаламкаш тожик дўстларидан бири Абдулаҳад Қаҳҳоров бир суҳбатда шундай деган эдилар: «Биз адабиётда иккита Абдулла Қодирий-Жулқунбойни биламиз: Бири машҳур романчи Абдулла Қодирий. Иккинчиси ўз замонасининг кундалик воқелигини, сиёсатини кенг афкор оммага тарқатишда, ташвиқ қилишда фаол қатнашган, «Жулқунбой» лақаби билан танилган журналчи, ҳажвчи, фелъетончи Абдулла Қодирий...»

Ҳақиқатан, Қодирий ижодида шу икки йўналиш кўрилгани учун аввал матбуотдаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтамиз.

* * *

Адабиётшунос олим Абдурахмон Саъдий 1924 йил 21 июн санали «Туркистон» газетасида босилган «Олти йил ичида» (Ўзбек шеърий адабиёти) номли мақоласида Ўзбек адабиётининг олти йиллигига яқун ясаб шундай ёзади:

«Ўзбек Қизил матбуотининг шу олти йиллик умри ичида биз ўзбек шеърий адабиётининг ҳам аҳамиятлик бир ўлчовда тараққий этиб кетганини кўрамиз... Русия ижтимоий ўзгаришидан (яъни, Октябрь ўзгаришидан – Х.Қ.) кейин шу оз фурсат ичида кўпкина шеърий кучларни қўзғотиб, тезлик билан ўсдириб юборди. Гўё Туркистонда рус ҳукмдорлигининг истибдоди билан бўғулуб ёткан шеър булоқлари бирдан очилиб, яйраб кеткандек бўлди. Ҳозир мана шу чашмалардан оққан ёш ва янги ижодларнинг Туркистонда инқилобий катта бир шеърий дарё ҳолига кириб борганлиги ўзбек шеърий адабиётини таъқиб этиб келгувчиларга маълумдир...

...Олти йиллик Қизил ўзбек матбуоти даврида ўзбек шеърий адабиёти кўпкина адиб ва шоирлар етиштирди. Булар ёш ўзбек адабиёти туғдирувчилар, ҳам шуни тараққий эттирувчилардир: Мирмулла Шермуҳаммад, Фитрат, Чўлпон, Гулом Зафарий, Хуршид, Жулқунбой (А.Қодирий), Ғози Юнус, Боту, Шокир Сулаймон, Элбек, Зехний, Ҳамза Ҳакимзода, Рафиқ каби ўртоқлар шулар жумласидандир. Яна «Иштирокиюн»да ёзғучилардан Авлоний, Тангри қўли деган имзоларни ҳам айтиб ўтиш керакдир.

Ҳикоялар ва айниқса, ҳажвий ҳикоялар ёзмокка кўб усталлик кўрсатқувчи кучлик ёш инқилобий ўзбек адиби Жулқунбой (А.Қодирий) ҳам олти йиллик даврда ўзбек шеърий адабиётининг бўёқдан кўтарилишида катта бир омил бўла олади. Бу шеърий талант «Инқилоб» журналида босилиб келган «Ўткан кунлар» деган рўмони билан ўзбек шеърий адабиёт майдонида рўмон ёзувчиликнинг биринчи қадамини босиб юборди.

Олти йиллик Қизил матбуот даврида ўзбек шеърий адабиётининг кўзга кўринадурган бир томони эса ҳажвий қисмидир. Бу давр ичида уч қалам ўзини очиқ танита олди: Жулқунбой, Ишчи, Шапоқ махзум. Булар «Иштирокиюн» газетасидан (1918

йил – Ҳ.Қ.) бошлаб ишлаб келадилар. Қаландар ҳам шуларга қўшилди. Ҳажвлар кўпроқ сиёсий ва ижтимоий мавзуларда бўлди. Бироқ Жулқунбой қаламининг умуман ҳажв бобида санъаткор ва кучлик бир қалам эканини бу жойда алоҳида қайд этиб ўтмасдан бўлмайдир...»

* * *

Неъмат Ҳаким исмли бир адабиётшунос олим ана шу йили «Туркистон» газетасининг 25 июн сонисида «Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар» мақоласида бундай ёзади:

«Энди адабий муҳокамаларга келамиз. Бу мақолаларнинг энг кўби газеталарда кичкина фелетўн равишида ёзилганлар. Бу тўғрида ёзғучи имзолар:

Боғбон, Санжар, Қаламкаш, Ғози Юнус, Шапоқ Махзум, Жулқунбой, Фитрат, А.Беги, Х.Обидов, Лутфий, Х.Бекқулов, Ҳожимуин, Тўрақул ва бошқалар.

Буларнинг қуйида исмлари ёзилганлардан бошқалари бир-иккидан ортиқ ёзмаганликларидан улар ҳақида муҳокама юргизиш туриш ҳам мумкин эмас. Орада энг кўб ёзғучилари Ғ.Юнус, Шапоқ Махзум, Жулқунбой ўртоқлардир. Бу уч ўртоқнинг ёзганлари ғоят очиқ, енгил, адабий қалам билан ёзилгандир. Умуман, Ғози Юнус билан Жулқунбойнинг қалами кўтаришга арзийдирган қаламлардандир. Лекин булар маълумотларини юқорилатсалар, тағинда яхшироқ ёзар эдилар».

Қодирий ўзлари ҳам шунча мақтовлар бўлса-да, ҳажвиётда ҳали ожиз эканликларини, юқори поғонага кўтарила олмаганликларини иқрор қиладилар: «...биз «Муштум» ёзишғувчилари орамизда ўтқир кулгу ижодчилари йўқ, ҳаммамиз ҳам ўз ҳолимизга яраша кулгу тўқуямиз. Жамият қитиғига тўғрилаб қўл юбора олмаймиз. Бунга иқрор қилмасдан чора йўқ. Бироқ яхши хуссиятимиз шундаки, ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаймиз, излашдан чарчамаймиз ва ўлтуриб қолмаймиз. Масалан, мен ўзимнинг беш-ўн кунлик «Муштум» билан бўлган яқин алоқамда бунга яхши ҳис этдим. Доимий ёзишғувчиларимизнинг ўн беш кун илгари ёзгани билан ўн беш кун кейин ёзгани орасида кўп айирма бор», дейдилар. «26-нчи йилда кулдирғувчиларимиз» мақоласи. («Муштум» 1926 йил, 24-сон, 1 январ).

Юқорида Қодирий ўз таржимаи ҳолида инқилоб аввалидан то «Муштум» журнали ташкил топгунга қадар давр ичида

қайси муассасаларда, идораларда, редакцияларда ишлагани ва ижодий адабий фаолияти ҳақида бир қадар маълумот бериб ўтдилар. Ўша давр газета-журналлари варақланса, у кишининг юқорида айтганлари тасдиқланади, матбуотда нақадар фаол қатнашганликлари, турли таҳаллусларда кўплаб жиддий, ҳажвий мақолалар, фельетонлар ёзганликлари кўринади.

Аммо «Муштум» журналидаги фаолиятини бир оз батафсил ёритиб ўтишни лозим кўрамиз. Чунки у кишининг матбуотчилик фаолиятини, адабий, бадиий қарашларини «Муштум»сиз тасаввур қилиш қийин. Ҳажвда, фельетончиликда, публицистикада Қодирий гўё «Муштум»гача бўлган давр ичида қалам чархлаган, ҳадис олган бўлсалар, «Муштум» журнали ташкил топгач, ижод булоқлари фаввора ургандек бўлади...

«Муштум» сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, адабий-танқидий, расмлик кулги (ҳажвий) журналдир. Қодирий ўзлари «Шаллақи» номли мақолаларида («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1925.08.25) шундай ёзадилар: 23-инчи йилнинг февралда, шекилли, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи¹ муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир кулги журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чақирди. (Бу вақтда Ғози газетанинг мудир эди). Биз иков ишга киришдик...».

Албатта, «Муштум» журнали ташкил бўлиб чиқа бошлаган кунлариданоқ дарҳол ривож топиб кета қолмайди. Ҳали газета-журнал ўқишга одатланмаган халқ уни дарҳол тушунмайди, қадрламайди, ҳатто бой, эшон, мутаассиб кимсалар «Муштум» ўқишни тақиқлайдилар. Биринчи вақтларда уч-беш минг нусха босилган «Муштум» ҳам сотилмай дўконларда чанг босиб ётади. Бундай ҳол «Муштум»чиларни чандон ўйлашга мажбур қилади, олдиларига жиддий, муҳим вазифа қўяди: қандай бўлмасин «Муштум» сифатини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ўқувчилар оммасини жалб қилиш лозим эди. Бироқ биринчи вақтларда «Муштум» ёзишгучилари ҳали жуда оз, борлари ҳам талабга жавоб берарли эмас эди. Бинобарин, барча қийинчи-

¹ Абдулҳай Тожиевич Тожиев (1899–1937, Тошкент) совет партия ва давлат арбоби, журналист. «Коммунист» журнали, «Туркистон» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида адабий ходим бўлиб ишлаган. Ўзбекистон КП(б) Тошкент вилоят комитети мудир, СССР Олий Советининг Миллатлар совети котиби, ЎзССР Советлари МИК раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. 20–30 йиллар ўзбек матбуотида публицистик мақолалар билан қатнашган. Шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

лик асосан икки киши – Жулқунбой билан Ғози Юнус зиммасига тушади. Улар бир томондан ўз тажриба-маҳоратларини ошириш, «Муштум»боп янги-янги асарлар яратиб, журнал-хонларни мамнун қилиш устида қайғурсалар, иккинчи ёқдан ўзгаларнинг хом материалларига ишлов бериш, тузатиш билан ҳам жиддий банд бўладилар... (Бу орада Қодирий бошқа газета-журналларга ҳам мақола ёзиб туришни унутмайдилар). Шундай қилиб, Қодирийнинг машҳур «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди», «Шарвон хола нима дейди», «Эшонларимиз», «Тошканд бойлари» каби қатор ҳажвий асарлар туркуми яратила бошлайдики, бу асарларни «Муштум»хонлар писанд қиладилар, завқ билан ўқийдилар, давомини кутадилар. Шу йўсин «Муштум» журнали «қизийди», ўқувчилар сони оша боради, нусхаси ҳам кўпаяди, халқ «Муштум»нинг чиқишини орзиқиб кутадиган бўлади.

Бунчалик сердиққат, тинимсиз ижодий меҳнат (бу орада муаллиф аллақачонлар «Ўткан кунлар» романини бошлаб қўйганлигини ҳам унутмайлик) ёш ёзувчининг соғлиғига из солмай ўтмайди. Қодирий 1923 йилда бирмунча вақт хасталаниб қоладилар. У кишининг хасталиги тўғрисида «Муштум»нинг 1923 йил, 15-сонида «Жулқунбой касал» номли шундай бир ҳазил маълумот босилади:

«Журналимизнинг бирдан-бир ёзгучиларидан ўртоқ Жулқунбой қаттиқ оғриб қолган. Докторларнинг айтишича, ўртоқ ҳафқон касалига йўлиқиб, бора-бора бу касали зўрайиб, диққина-фасга айланган эмиш.

Докторлар бу ўртоқнинг тездан тузалиб кетиши учун ошиғич чоралар кўриб, қуйидаги маслаҳатларни берадилар:

1. Ёзув-чизув ишларидан қўл йиғиб, хуш ҳаволи ёхуд кўп тунумли (тинч) ерларга саёҳатга чиқиш.

2. Ҳар кун уч марта «ноз» дорисидан еб туриш.

3. Китобларни кўп ўқимаслик. Ўқиган чоқда ҳам қизиқ рўмон, журналлардан кулгили, кўнгил очадиганларини, айниқса «Муштум»нинг 14-сонигача ёзилган эшонлар мазҳакасини ўқиб туриш.

Мана шу тартиб-чоралар кўрилса, ўртоқ Жулқунбой тездан тузалиб қолса керак, деган умиддамиз.

Шапалоқ».

Журналист, ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқин (1883 – 1965) 1924 – 1927 йилларда «Муштум» идорасида Қодирий билан бирга ишлаган. У киши Қодирийнинг ижодий фаолияти, мақола-асарларини қандай ёзиши ва маълумот тўплаш, типлар танлаш-яратиш бораларида ёзувчини бир-оз бўлса-да кузатган, Қодирийнинг ўзидан эшитган. Қуйида унинг «Жасоратли адиб» номли хотирасидан баъзи ўринларни келтирамиз:

«Ҳозирги «Муштум» журнали Абдулла Қодирий билан Ғози Юнус томонидан 1923 йил февраль ойидан ташкил топиб чиқди. Журналнинг 1-сонига бош мақола ёзган ҳам Абдулла Қодирий бўлди.

Жулқунбой билан суҳбатлашиб ўтириш бахти менга оз мурасар бўлди. Чунки менинг турган уйим шаҳарнинг бериги бурчагида бўлса, уники нариги бурчагида эди. Мен унинг билан редакцияга келган чоғида бир соат, ярим соат кўришардим ва гаплашардим. Мен 1925 – 1927 йилларда «Муштум»нинг масъул котиби эдим. У «Муштум»да босиладиган мақолалари ва асарларини ҳар доим уйда ёзар ва тайёрлар эди. Шунинг учун у билан узоқ вақт сўзлашиб ўтириш мумкин бўлмас эди.

Абдулла Қодирий ҳар нарсага танқидий назар билан қарар, хурфот, бидъатларга ғоятда қарши эди. Унинг ҳар бир сўзидан ҳажвий ифода анқиб турар эди. Ғоятда жасоратли, ўз сўзида устувор ва барқарор, ғоятда заковатли эди. Ўрни келганда юқори даражадаги кишиларни ҳам танқид қилишдан чўчимас эди. У ҳар бир типнинг ўзига яраша сўз танлай билар, ким тўғрисида ёзадиган бўлса (масалан: Калвак махзум, Тошпўлат тажанг сингари) худди ўша шахснинг ўзи бўлиб кетар эди. Бунинг учун ўша типдаги кишиларнинг бутун ички сирларидан огоҳ бўлиш керак, албатта. У катта мансабдор шахслар билан ҳам, муллалар билан ҳам, бориб турган қиморбоз, беданабоз чапанилар билан ҳам, зўр ўғрилар билан ҳам, эшонлар, муридлар, сўфийлар, дарвешлар, қаландарлар билан ҳам, кўкнори ва бангилар билан ҳам гаплашаварди.

Халқ унинг асарларини ғоятда қизиқиб ва севиб ўқир, янги асарининг босилиб чиқишини орзиқиб кутар эди. Босилиб дўконларга чиқиши билан минг-минг ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз ва татарлар навбатга тизилишар эди.

У бир мақола ёки ҳикояни ёзишга ўтирганда, ўшани ёзиб тугатмасдан ўрнидан туриб кетмас, баъзан узун кечалари ёза-

вериб, тонг оттириб юборар эди. Бу аҳволни мен унинг ўз сўзларидан англаб эдим.

Марҳум Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётида хизматлари зўр бўлиб, фавқулодда маҳоратли, жасоратли ва заковатли бир адиб эканлигига шубҳа йўқдир.

Айтилганидек, ўрганишданми (бу одат кўпчилик ёзувчиларга хос), дадам ўз мақолаларини (умуман, асарларини) уйдагина ёзар, фақат уни топшириш ва баъзан идоравий юмушлар учунгина редакцияга борар эдилар.

Боғ қўшимиз, марҳум Хадича опа ҳикоя қилардилар:

«Бола вақтимизда Абдулла акамни ҳамма «Абдулла Жулкун, Абдулла Муштум», деб атарди. Мен бу гаплар маъносига туншунмай, «Ёмон одам бўлса керак-да», деб чўчиб қўяр эдим... Боғингиз этагида кичкина жарликда қуюқ ўрик дўлاناзорларингиз бўларди. Абдулла акам шу тинч, салқин ерни текислаб, ўзларига жой қилиб олган эдилар. Иссиқ ёз кунлари улар куни билан шу жарликда ўтириб, хат битганлари-битган эди. Баъзан бизлар аста деворданми, дарахтданми мўралаб, «Хат битвотти», – деб бир-биримизга шивирлар эдик...»

Дарҳақиқат, Қодирий мақолалари, асосан, жиддий ва ҳажвий йўналишда боради. Жиддий мақолаларда кундалик ҳаётнинг турли-туман муаммолари таҳлил қилиниб, ундан тўғри, ҳаққоний хулосалар чиқарилса, ҳажвий мақолаларда меҳнаткаш омма елкасига қурт бўлиб тушиб келаётган хурофотчи чирик мулла-эшонлар, фақат ўз манфаатинигина кўзловчи мўлтони савдогарлар, исрофчи бойлар, илм-маърифатни қўйиб, фахш йўлларига кириб кетган чапани безорилар, суллоҳ, сурбет, лаганбардорлар, мансабпараст порахўр, амалга мингач, ўзини унутиб қўювчи шахслар ва ҳоказолар танқид қилинади.

Шу йўсин меҳнат қилиб, «Муштум»ни биринчи вақтларда шуҳрат қозонтиришда Қодирийнинг қанчалик ҳисса қўшганлигини ўша чоқларда босилган баъзи мақолалардаги шу қисқа-қисқа сатрлардан ҳам англаш мумкин: «Фарғона» газетасининг 1924 йил 181-сонида Лутфулла Олимий исмли журналист ўзининг «Ҳажвиёт майдонида» номли мақоласида «Муштум»нинг топган эътибори ва кўп тарқалиши Жулкунбойнинг ўткир қалами билан», деган жумлани ишлатиб ўтади.

«Фелетўнлар қироли Жулкунбой-Абдулла Қодирий кулдуриб йиғлатадир, йиғлатиб кулдурадир...» Бу сўз «Муштум»нинг

1924 йил 4-сонида босилган Қодирийнинг шарж сурати тагига ёзиб қўйилади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 116-сонида бир неча ёзувчиларга қарата ёзилган матбуот ҳазилида Қодирийга ҳам бир шарж тўқилади. «Жулқунбой, ҳаммани уриб қулоғини қилдинг кар...» деб ўтилади...

Қодирий «Муштум»да ишларканлар, фақат ўз истиқболлари, ўз асарлари қайғусинигина чекмайдилар. Умуман, «Муштум» журналининг сифатли, мазмундор, бадиий юксак ўқимишли, кулгили чин «Муштум» бўлиши учун қайғурадилар. «Муштум» ёзишгучиларига, «Муштум»хонларга мурожаат этиб, уларни ҳафсаласизликда, яъни «Муштумга кам хабар-мақола ёзишликда айблайдилар ва «Муштум»да баъзан кечадиган камчиликларни эътироф этадилар.

«Шукр, – дейдилар Қодирий, «Муштум»ни иккинчи ёши билан табрик ҳам унга бирмунча панд ва насихат» номли мақолаларида, – кўбчиликнинг қарғиш баракасида бу кун сиз шум «Муштум» бир ёшингизни тўлғузиб, иккинчи ёшга ўрмалай кетдингиз. «Ёмонга ўлум йўқ» дейдилар, бу тўғри эмиш. Азизларнинг садағаси кетайлик!

Баъдаз муборакбод, фақир «Муштум» адамиздан сўрайман-ким, башарти ўзингизнинг-ку исми шарифингиз ёмонлиққа йиртилиб, дуойи хайр ўрнига қарғиш, буғдой экиб какра¹ ўрубдирсиз. Бас, вазифангиз ёмонлиқ, кўнгил оғритиш, риюясизлик², тумшуққа тушуруб, манглайдан ғурра чиқариш бўлгандан кейин, бул вазифаи шарам-шараққосни «муллаларникидек» қилиб адо қилдингизми ва қилганингизга имонингиз комилми?»

Албатта, бизнинг кирсиз, олмоққа арзон, емоққа маза бўлган бўрсилдоқ сўзимизга (ўзингиз таннти бўлганлигингиз учун) бўйнингизни эгарсиз, деган умиддамиз. Тузук, сиз ўзингизнинг бир мириси кам бир йиллик умрингизда анчагина ваҳмалик картинкалар кўрсатиб, кўб бемаъниларикининг елка қичиғини қондирдингиз ва ўзини қоп-қора, кўнглини сип-сиё, яъни кўмир бозоридан лап-кадор қилдингиз. Шундай, биз бундай хизматларингизга қойил!

Аммо латтачайнарликка қолиб Хўжаали – Алихўжа, икки ўн беш – бир ўттиз бўлиб, чуқурга тушуб қолган чоқларингиз, қичиғини тимискилашга мажбур бўлган замонларингиз ҳам бўлди.

¹ Какра – ғалла экинларининг орасида ўсадиган тахир ўсимлик.

² Риоя – ҳурмат.

Тузук, сиз айтарсизки, маним ёнимда туратурган «Тарсак» бўлмади, «Шапалоқ» келмади, ҳатто ўзинг ҳам бир неча вақт тарвақайлаб юрдинг, деб.

Яхши, ман тарвақайлаган бўлсам, турмушининг оғирлигидан ва ўзимнинг аёлмандлигимдан тарвақайлагандирман; аммо Самарқанддаги «Тарсак» билан Фарғонадаги «Шапалоқ» ўз вазифасини билиб, тушуниб адо қилмас экан, уларга бизнинг сўзимиз шулгина:

Бу кундан кўра ўлганинг яхши, икки юзинг қаро бўлсун; «Муштум» дадангни уволи тутсин!

Бу ергача бўлган борди-келдимиз фақат сиз «Муштум»нинг «сўз» ёғингизда бўлди. Аммо расм жиҳатингизга келганда тишимизни тишимизга қўйишга мажбурмиз. Каррикатура турмушининг ичкарасига лўнда бўлуб кириб ўлтуролмас экан, ундан-бундан, устидан ғажиб-ялмаб юрар экан... нима деймиз, энди, ўзингиз айткандек, айб на дўлда, на тегирмонда¹. Фақат пешонамининг шўрлиғида деймизми? Бўлмаса ўзимизнинг жунбошлардан² «ўшанақалар» етишкунча эмас, онадан туғуб, ўсуб, ўқуб, ўрганиб бўлғунча «дим!» ўйнаймизда³, энди!

«Муштум» дада! Иккинчи йилга қараб асби тозининг⁴ бошини қўяр экансиз, тўғридан-тўғри лўли маҳалласига қараб эмас, пасқам, қинғир-қийишқ кўчалардаги жиннихоналарга ҳам марҳамат қилингиз!

«Муштум»га кўмаклашиш тилагида бўлган:

Ҳо – о – о – ов, элдаги оғалар,
Менга томон қаранглар!

Элларингиз ичида қиттағина еридан бузулган мохов, кишан лозим бўлган тентак ачиған қаймоқ, сасиған эт, таги йўқ челақ, бўри баковул, тулки ясовул, алоҳозалқиёс⁵ кўрсаларингиз тўрт

¹ Тегирмоннинг тез ёки секин айланишига қараб дўли ҳам кўтарилади ёки пастга туширилади, бу иборада уннинг сифатсиз чиқиши унда ҳам, бунда ҳам эмас, буғдойда демоқчи.

² Жунбош ўша вақтда Тошкентда чиқадиган газета-журналларнинг расоми австриялик Иоахим Тулля эди, у сочсиз бўлгани учун муаллиф шундан киноя қияпти.

³ «Дим» ўйнамоқ – ким биринчи гапирса ёки ҳаракат қилса ютқишиқ ўшанда бўлади (болалар ўйини).

⁴ Асби този – учқур от.

⁵ Алоҳозалқиёс – шунга ўхшаш.

энлик носвой қоғозифа битиб, «Муштум»га юборингизлар! деб
«Муштум» қайғусини еб

Абу-Думбул».

«Муштум», 1924 йил, 18-сон.

Қодирий юқоридаги мақолаларида «Муштум» сифати-ни яхшилаш мақсадида ёзишғучи ва ўқувчиларни тез-тез хабар-мақолалар ёзиб туришга ундасалар, кўмак сўрасалар, қуйидаги «Дўстларга узрим» мақолаларида матбуотчи, ёзувчи, «Муштум»хонлар олдига бошқача талаб қўядилар. Яъни улар шу кунгача «Муштум»ни ўқиб келадилар-ку, лекин биронталари журналнинг марғуб-номарғуб жиҳатларини текшириб танқид, тақриз ёзмайдилар, танбеҳ қилмайдилар...

«Муштум» бу кун ўзининг 25-сонини тўлдириб байрам қиладир, – дейдилар Қодирий. – Бу байрамда ўзимнинг ҳам иштироким бўлгани учун... узрсиз безрайгали уялдим, тўғриси. Яъни узр айтмакчиман.

Узрим гуноҳимдан (?) хунук чиқса, яна узрим бор!

Биз, Шўролар ҳукуматининг баракасида «Муштум» деган бир кулгу журналга эга бўлдиқ. Ҳа, эга бўлдиқ... тушунибми, ёхуд «бўлганлар» қаторидами?..

«Кулгу журнал» от қўюб, «Муштум»ни чиқариб келган бўламиз. Чиндан ҳам кулгуми эди, ёхуд унинг ўзидан ҳам кулганлар бўлдими?

Кундалик матбуотимиз бир эмас, ушлаб, тўртлаб бор. Уларнинг анчайин ҳавойи мавзулардан баҳслар очуб, гуллар сочуб ҳовлиқишлари ҳам йўқ эмас. Иккинчи томонда «Муштум»ман, деб мушт кўтариб чиққан журналимиз бу кун йигирма бешинчи сонини тўлдириб, «юбилей» нўмири билан байрам қиладир, қадаҳ кўтарадир... Ҳой, тентак, ким санга юбилей қилишга ҳақ берди? деб агар унга савол берсак, эҳтимолки, ҳеч кимдан ҳам туртки емаймиз. Нега десангиз, шу йигирма беш сон «Муштум»нинг бирортасига кундалик матбуотимизда танқид ва ё тақриз йўллуқ бир гап ёзилдими? «Бунинг тузук, унинг чакки деган йўл-йўруқ кўрсатилдими, «Фарғона»да, «Зарафшон»да, «Туркистон»да? Ҳеч!

Бунга қандай маъно бериш керак, кундалик матбуотимизнинг ҳамоқати деймизми, мағрурияти деймизми, нима ахир? Лекин бу «Муштум» учун ҳақоратдир, анулар учун разолатдир, жаҳолатдир.

Биз «Муштум»ни йўлга сола олурлиқ кишимиз бор чиқар, деб хомхаёлда юрган эканмиз... ҳақиқатда эса манзил узок, роҳила оз эмиш...

Ҳой ўртоқ! Яхши онглаки, матбуот дунёсида кулгандан кулуш қонуни ҳали ҳам бор. Иштони йўқ тиззаси йиртиқдан кулган бўлса-да ажаб эмас... Ўзинг ҳам кулгучининг масъулияти тўғрисида ҳеч бир назария ўқуған эмасдирсан!

Бу кунда кулгулук ҳажвийётнинг чин эгаси йўқлигидан фойдаланиб, «Сув йўғида таяммум, эшагига яраша тушови» деганларидек марди майдон сифатида икир-чикирлар ёзиб «арзимаса-да, арзитарсиз» умидида келаман. Келасидаги кулгулук боғимизнинг булбули эмас зағизғони, гули эмас тикони бўлмоғимни-да иқрор этаман. Гул ёғочида бошлаб чечак эмас тиканак ўсадириким, энг ози шу ҳолни кузатиб ажзимни иқрор қилишқа мажбурман. Биноан алайҳи, сўзим қўпол, муомалам дағал, латифам аччиғ, мутоябам хунук; кулдуриб йиғлатиш, ачитмай тўқуниш хунарлари манда йўқ. Шу хунарсизлигим орқасида холис пандларимдан, кирсиз тўқунишларимдан ҳаёлий натижалар, шайтоний мақсадлар чиқаришга тиришкучи фаттойи кафшлар оз эмаслар. Лекин ман ўшандай шумшук махдумлардан сатқи хафалик қиламан. Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилинғандир. Қаро ниятлиқ киши мохов бўлғай.

Узрим шул: тиласанг йиғла, тиласанг кул!

Жулқунбой (А.Қ.)

Ёдингизда бўлса, Қодирий юқорида «... панд ва насиҳат» мақолаларининг бир ўрнида: «ўзинг ҳам бир неча вақт тарвақайлаб юрдинг», жумласини қўшиб ўтадилар. Бу гап тагида кичкина бир тарих бор.

Шундайки, «Муштум» ташкил топиб, 8-сони чикқач, «Туркистон» газетасининг маҳаррири Абдулхай Тожи ишдан кетади. У кетгач, «Муштум» штатида ўзгариш ясалиб, Қодирий ҳам ишдан кетадилар. Ғози Юнус «Муштум» муҳаррири бўлиб ишда қолади. Қодирий бу ишдан кетиш сабабини юқорида «турмуш оғирлигидан, аёлмандлигимдан» деб кўрсатсалар ҳам, менимча, бунда «Ўткан кунлар» романини ёзиб тугаллаш ташвиши бўлган бўлса керак. Бироқ, шундай бўлса-да, Қодирий «Муштум»дан бутунлай узилиб кетмайдилар. «Калвак

махзум...», «Тошпўлат тажанг...» каби қиссалари ва баъзан буюрилган мақолаларни ёзиб, журналда четдан бўлса-да фаол қатнашиб турадилар.

«Муштум» журналининг илғор етакчилари (адабий-бадий жихатлардан) биринчи даврда асосан икки киши: Ғози Юнус ва Абдулла Қодирий – Жулқунбойлар бўлгани маълум. Аммо улар кулги журналининг маънан ва бадийиятан қандай шакл-мазмунда бўлиши масаласида икки турли фикр қарашда бўладилар.

Ғози Юнус кулги журнали ҳам кундалик матбуотнинг бир тури, ҳаётда нимани кўрилса, сезилса, уни ўшандай кўрсатиб ёзиш керак, яъни нарсалар, воқеалар қайд қилинса, ўша нарса ёки кимсага тўғридан-тўғри хитоб қилинса, муносабат билдирилса, таъсир этилса – бас, бадийлик, санъаткорлик, гўзаллик булар иккинчи даражадаги гаплар, деб қарайди.

Қодирий эса бу масалага аксинча қарайдилар: кулги журналида ҳаётда учрайдиган камчилик-етишмовчиликларни расман ифодалаб қўяқолмай, унга кулги «тўни» ҳам кийгизиш, назокат ишлатиш, бадий тус бериш керак. Яъни ҳам кузатилган ғоя, муддао, сиёсат сақлансин, ҳам ўқувчи кулсин, ҳордиқ чиқарсин. Шундагина отилган ўқ мўлжалга тўғри тегати ва фойдаси, таъсири анавинга қараганда кучли бўлади, дейдилар.

Албатта, Қодирий тутган бу йўл дуруст. Ҳақиқий сатирачилик қонуниятига мувофиқ. Лекин бундай кулги мақола асарни барча ҳам ўринлатавермайди. Ўринлай олмагач эса, баъзилар ҳақиқатдан юз ўтирадилар...

Бундан ташқари, Қодирий, айниқса, «Муштум»га четдан иштирокчи бўлганларидан сўнг, журналда яна кўп бошқа хатоликлар, камчиликлар рўй бера бошлайди. Қодирий куйнадилар, ачинадилар ва юқорида «Дўстларга узрим» мақола-сида айтганларидек, бирон кимса тарафидан танқид-тақриз қилиниб, «Муштум»нинг тўғри йўлга солинишини кутадилар ва ниҳоят, бундай мунаққид чиқавермагач, бу ишга ўзлари қўл урадилар ва бир кун «Қизил Ўзбекистон» («Туркистон» газетаси 1925 йилдан «Қизил Ўзбекистон» аталади) газетасига «Муштум» номли катта бир мақола ёзиб, «Муштум»ни танқид қиладилар (1925 й., 193-сон).

«Муштум» отини эшитканда муштуминг қичийдир, аччиғинг қистайдир, энсанг қотадир, – дейдилар Қодирий «Муштум»

мақоласида, – чунки «Муштум»дан бизнинг кутканимиз чин «Муштум»лиқ эди. Икки йилдирки мавзуъ бир:

«Эшонининг тасбиҳлари носвой қовоқ,
Домла поччам саллалари узун чўзоқ!»

Кўб кутдик: «Э, эшонингни тасбиҳи билан домла поччангни салласи қурсин-а!» – дейтурган одамни... Ҳеч қаердан садо чиқа-бермагач, яна кутиб ўлтуришга сабр чидамай, бу чидамсизлик-ка яна «Муштум»нинг ўзи қитиқ солди. Яъни «Муштум» кейинги вақтларда йўл йўқотиш устига мажнунона ҳужумга ҳам киришди: унарга ҳам мушт, унмаска ҳам мушт! «Кетма-кет тушиб турган бу думбул мушларингиз кимга, мушт егучилар кимлар, отаси ва ўзининг касби нима?» деб сўрамоқчи ва шу баҳонада «Муштум»нинг ўзини ҳам бир кўздан кечириб чиқмоқчи бўлдиқ.

Устига қарайсиз: «Муштум» сиёсий, ижтимоий... ойда икки добқир чиқатурған расмлик кулки журнал!» Ичкарига қараймиз: сиёсатда на сатира унсури ва на ижтимоиётда юмор таъми! Очиқдан-очиқ қоровул чақириш ва «тут, мани!»

Биз «Муштум»нинг «кулки» деб аталишидан сатира маъноси-ни оламиз, аммо «Муштум»-чи, кулки деб аталиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон.

Ёзғучилиқда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони, фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас санъаткорона, яъни шундоқ сўзки, айтмакчи бўлган фикрингни ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин! Фикр-кулки пардасидами ифода қилинмоқчи ёки жиддий равишда-ми, бу албатта, вивескага* қараб бўладир. Мана шу шароитни бажарилиб, бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларга ўтишка ҳақ олган бўласан. Аммо бизнинг «Муштум»да бу биринчи галда кузатиладирган шароитни топиш қийин. «Муштум» ҳаммадан илгари танпарастлик қайғусида. Тузсиз ва мазасиз ошлар билан бўлса ҳам, қорнини тўлдириб қаппайтирмоқчи; саккиз саҳифасини саксонга еткузмакчи... Журналнинг чин эгаси бўлган деҳқонда тил йўқки, «Маъносиз ғовлаған палак мени қон йиғлатадир!» деб айтса...

Қисқартириш йўқ, мулоҳаза йўқ, кулки ранги бериш йўқ. Пайтавақош нима ёзган бўлса, бас! Мисол учун фақат «Муштум»нинг кейинги 13-нчи сонидағи мақола ва хабарларгагина бир кўз

* Вивеска – мундарижа.

ташлайлик: Оқпадарнинг бош мақоласи башарти муқаддимадаги «чалакам-чатти...» билан хотимадаги «Рад бўлинг, фалакимизга тушкан шунғиялар!» кулига ҳисобланса, «Муштум»нинг ўз таъбирича, «Нима десангиз ҳам ихтиёр сизда!» Иккинчи мақолада ўртоқ Пайтавақош муқаддима қилиб: «Муштум»да фазилати ёзилмаган ҳеч бир жонлиқ-жонсиз нарса қолмади, дейдир ва бу ифтихор афт дасмоясизлик узридан сўнг «ноилож, шаҳарларимизнинг фазилатини ёзмоқчи бўлим», деб тўқсон тўққузинчи мартаба сайралиб ўтилган чор байтни ўқуйдир. Бу эрса «Муштум»нинг энг маънодор ва серкулки мақолаларининг бири бўлгани учун ҳаволани муҳаррир ўртоққа қиламиз...

Олтинчи ҳам еттинчи бетлардаги «Дуои салом» ва «Ягона қулуб» мақолаларининг ўрни бирор бетдан эмас, энг кўпи ўн беш сатр бўлади... Ўн биринчи бетдаги «Эси жойида экан» ҳикоясининг асло босилиш лаёқати йўқдир. Асарнинг эгаси бўлган Тегишқоқ хафа бўлса ҳам, унга айтамиз: «Муштум»ни аямасангиз ҳам, бир оз ёзғучилиқ исмини ҳурмат қилингиз! Башарти ўзингизнинг ҳам эсингиз жойида бўлса, иқрор этасиз: шу ҳикоянгиздаги қаҳрамонингизнинг нухаси Ўзбекистонда топиладирми, йўқми? Агар шу ҳолни «онаси туққанда ўлган», десангиз, бизни маъзур кўрингиз!

Энди «Муштум»нинг тилига тўхталсақ:

1. Тилсизлик (дудуқлик ёки соқовлик);
2. Бўғоз қисирлик (дағаллик);
3. Услугасизлик;
4. Сўзда иқтисодсизлик ва бошқа сиз-сизликлар яна унинг хусусиятларидан бўлиб чиқади...

Даъво жуда қуруқ бўлмасин десангиз шу қўлимиздаги 13-нчи сон «Муштум»нинг 2-бетидаги «Ўттибозликлар» бош мақола-сидан олиб бир-иккита мисол кўрсатайлик: «Ерли халқ билан ёврополиқлар ўртасида бўлган ва онгсиз қисмини фақат ерли халқ боғдорлари ташкил қилган янги шаҳар ижроқўми, баладия идораси қандай қилиб текширилса, бу идора ерли халқдан кулиб тургандек кўриладир» (2-нчи устун, 25-нчи йўл). Бу илмий жумладаги тилга мен билан ўртоқ Оқпадар тушунмасак, ишчи-деҳқоннинг тушунishi жуда мушкул ва бу – тил тузатиш эмас, бузиш! Яна биттаси: «Рад бўлинг, фалакимизга тушкан шунғиялар!» (3-нчи бет, 14-нчи йўл). Бу жумла эса маълумотсизлик устига яна тил билмасликдир:

- 1) «фалак» эмас – «палак»дир;
- 2) шунғия палакка тушмайдир, балки палакнинг илдизидан кўкариб чиқадыр;
- 3) ўртоқ Оқпадар ўйлаган палакка тушадурған нарса шакар қуртидир. Қисқаси: ўзбекчада чиқмоқ билан тушмоқ маъноси бир эмас...

Услугисизлик тўғрисида гапуриб ўлтурмай, шунигина айта-миз: услуб деган нарса тил билишка боғлиқ бўлган ва ҳар бир ёзғучининг тилининг характери каби бўлиб танилган бир хусусиятдир. Демокчимизки, ёзишга малака ҳосил қилинғач, услуб ҳам ўз-ўзидан туғиладыр. Сўзда иқтисодсизлик ҳақида юқорида бир мартаба ёзиб ўтдик. Аммо бу ўринда тамом қаноат билан шуни айта оламиз: йигирма тўрт бет «Муштум» кулкисини саккиз бетка келтириш асл сиз кўзлаган мундарижа ва тўлалиққа зарар бермаганидек қуйидағича иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари ҳам бўлур:

- 1) қоғознинг уч ҳиссаси иқтисод;
- 2) наборшиқлар ўринсиз хизматдан озод;
- 3) ўзларига ҳам ҳафтада уч кун сайл ва тўртинчиси ҳам энг каттакони халқни зериктирмаслик.

...Умуман, биз «Муштум»нинг расм қисмига юзакироқ қараб ўтдик. Чунки маънони суратдан эмас, сийратдан олиниши машҳур бир мезондир. Ундан сўнг ўз ҳаётимизнинг лавҳаларига чин либос кийдиргучи ўз кишимиз, ўз сураткашимиз йўқ, бу йўқлик ҳам тилни тишлатадыр.

Жулқунбой»

Албатта, Ғози Юнус ҳам бу танқидни ўқиб, тинч ўтирмайди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Танқидми, тош отиш?» номли бир жавоб мақоласи ёзади (1925 й. 17 июль). Шу йўсин, юқорида айтилганидек икки орада мунозара бошланади. Баҳс доираси кенгайиб кетади. «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Шаллақи» (А.Қ. 1925 й. 25 июл), «Шаллақи ким?» (Ғ.Ю. 1925 й. 28 июл), «Ўжар кўр» (А.Қ. 1925 й. 6 август) мақолалари босилади. Жумладан, Ғози Юнус Қодирийни шахсиятпарастликда, тадрижчиликда, кўрқоқликда айблайди, яъни Ғози Юнус: халқ ичидаги мутаассибликка, эшон-домла имомлар ва бидъатга қарши матбуотда очиқ курашга чиқиш керак, сен бундай чиқишдан кўрқяпсан, дейди. Қодирий Ғози Юнус қўйган «айб»ларнинг

барчасига далиллар билан жавоб қиладилар ва: «Ҳозир, дин ва таассибнинг энг кучли бир даврида уларга қарши очиқ курашга чиқиш, авом орасида дин пешволарини баралла қоралаш, эътиқодларини оёғости қилиш, бу, оқиллар иши эмас, ҳамма нарса тадрижий йўл билан, аста-секин тушунтириш билан бормоғи керак», дейдилар ҳамда сўзларининг исботи ўлароқ, «Шаллақи» номли мақолаларида шундай бир мисолни келтирадилар:

«Бултур, Масковдаги собиқ Бухоро билим юртида ўртоқ Сталин отиға «Қулуб» очилатурған бўлиб, расми кушодга ҳалиги ўртоқ билан Калинин бобой таклиф қилинған эдилар. Мажлиска Масков ўқувчиларимизнинг кўплари иштирок қилиб, ўртоқ Калинин раислик этди ва ярим соатлик насиҳатомуз нутқда: «Московга маърифат истаб келган сиз мазлум Шарқнинг деҳқон болалари, биринчи галда билим олмоққа, ундан сўнг шу олган билимингизни ўзингиз туғилиб ўскан ердаги онгсиз, мазлум, динда мутаассиб ишчи-деҳқонларингизга силлиқлик билан юқтиришга ҳаракат қилинғиз. Русия шароитидан тамоман бошқа бўлган бир муҳитда жуда нозик масъулиятни ўргатувчи қаҳрамонлар эканингизни унутмангиз!» деди.

Бу улуғ раҳбар Шарққа келмай туриб мундаги таассиб билан ғойибона ҳисоблашар, биз шогирдларига энг маъқул ва ҳассос васиятини сўзлар эди».

Бу баҳс, ниҳоят, «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида муҳокама қилиниб, «Ҳолисона хато тўғрисида бир неча сўз» номли мақолада Қодирийнинг мунозарада ҳақ эканлиги эълон қилинади (1925 й. 29 окт.).

МОСКВАДА

Неъмат Ҳаким аввал учратганимиз мақоласининг охирида «маълумотларини юқорилатсалар...» деган иборани ишлатади. Дарҳақиқат, Қодирий бу камчиликларини инкор этмайдилар.

Қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвага кетиб, Валерий Брюсов номидаги СССР Давлат журналистлар институтида ўқийдилар¹. У киши ўзининг ўқишга кетиш боиси ва муддаоси тўғрисида таржимаи ҳолининг бир ўрнида шундай ёзадилар:

¹ Дадам 1922 йилда ҳам Москвада бўлганлар.

«Ўқтабр кундан-кунга ўсди. Унинг ўсиши баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсди. Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпа гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим ва 1924-нчи йилда хизматимдан жавоб олиб, Масковга ўқишга кетдим. Мақсадим уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди...»

Қодирийнинг Москвага жўнаш сабаблари бундан равшан кўриниб туради. Аммо ёзувчининг матбуотда авжи «қайнаб» турган чоғида тўсатдан Москвага кетиб қолиши газет-журнал-хонларда бирмунча тушунмовчилик ва миш-мишлар туғдирди. Биз буни ўша чоқда босилган қуйидаги мақоладан бир қадар англаймиз:

ЖУЛҚУНБОЙ ТЎҒРИСИДА

Шаҳардаги баъзи бир оғзи сасиған ўра, ичи кўмир куйдира турган қўра ўртоқлар Жулқунбой тўғрисида куракда турмаған ёлфонларни тўқубдирлар. Шундоққи, гўё, Жулқунбой ҳукумат томонидан (нима учун?) тўрт йилга ҳукм қилиниб, Туркистон тупроғидан ҳайдалибдир. Шунинг ила жониға теккан акалар Жулқунбойдан қутулибдирлар! Ачиған оғиздан сасиған сўз! Ҳолбуки, Жулқунбой ҳукм қилиниб эмас, ўз ихтиёрича, ўқиш учун бир неча вақтга Масковга кеткан эди. Яъни сизга ўхшаған акаларнинг миясида яхшилаб ёнғоқ чақишға ҳозирлик кўрмак учун; наинки сургун бўлуб ва ёки бошқа йўсунда!

Ҳой оғзи ириб, ичи чириб, қулоғидан кар, кўзидан басир, бетидан пес бўлғанлар! Битта қўчқорнинг боши кеткунча, нечта тузоғ узарлар ўчоққа кириб чиқадирлар. Бу важҳидан хотиржамъ бўлинсун. Жулқунбой тўғрисида «ол кетти» қилиб виждонига куйдирги чиқғанларға «Мушум»нинг айтатурган сўзи шул ва лекин яна раъий ўзлариникидир.

Мушум» 1924 йил, 8-сон.

Ўша йилларда Москвага кўпгина ўзбек зиёлилари, раҳбар ходимлар ўқишга, билим оширишга борганлар.

Улар орасида ўша вақтда «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Муштум» журналларида муҳаррирлик қилган Комилжон Алимов ҳам бўлган. Комилжон Алимов дадам билан бирга ўқиб, аввал ёнма-ён, кейин бир хужра (квартира)да¹ яшаган. Алимовнинг рафиқаси Хайри Ҳакимова ўша йилларда Москвада бўлган чоғларини хотирлаб шундай ҳикоя қилади:

«Ёз ойлари эди. Турмуш ўртоғим Комилжон Москвага ўқишга борадиган бўлди-да, мени ҳам бирга ола кетди. Москвада биз кўп қаватли зўр бир бинода яшадик. Бинонинг биринчи қавати узун коридор, икки томони қатор хужраҳоналар эди. Шу хужралардан бирида биз турардик, ёнимиздаги хужрада эса Жулқунбой яшардилар.

Мен Жулқунбойни авваллари кўрмаган, эшитмаган эдим. Гарчи ёнма-ён турсак ҳам, бошида бир неча кун мен у кишидан, умуман, эркаклардан қочиб, кўринмай юрдим. Кейин ўртоғим мени эркаклардан қочмасликка буюрди. Шундан сўнг уйимизга Акмал Икромов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулхай Тожиев, Муҳиддинқори Ёқубов (булар ҳам Москвага ўқишга боришган), Жулқунбой ва бошқа шу каби тошкентликлар баъзан йиғилишиб, ош қилишиб, суҳбатлашиб кетадиган бўлишди.

Жулқунбой вазмин, тортинчоқ, бўш вақтларида доим хужраларида ёзиб-чизиб ўтирар эдилар. Бир кун мен нимадир иш билан хужраларига кирсам, у киши кир ювар эдилар... Эркак кишининг кир ювиши менга жуда ғалати туюлди ва ачиниб, ўртоғим орқали айттириб, кирларини юиб берадиган, хоналарини тозалаб қўядиган бўлдим ва кейин-кейин овқатларни ҳам пишириб, бирга таомланадиган бўлдик.

Биз Тошкентдан қозон-товок, мош, гуруч ғамлаб ола кетган эдик. Жулқунбой кўпинча: «Мошкичири қилинг, келинойи», деб илтимос қилар эдилар...»

Дадамнинг институтда тинглаган лекцияларидан ёзиб олган иккита ўн икки варақли, кўк муқовали тўла конспект дафтари (бу дафтарлар устида ҳеч қандай ёзув йўқ эди, баҳарҳол, мен институтда тинглаган лекциялар бўлса керак, деб ўйлайман) 1945 йилгача менда сақланиб келган эди. Конспектнинг бири сиёҳда чиройли русча ҳуснихатда, иккинчиси сиёҳ қаламда араб алифбосида ўзбекча ёзилган эди. Бу конспектларни

¹ Москвада Қодирий яшаган адрес: Новолесная кўчаси, 2-уй. Туркистон Совет Социалистик Республикасининг маориф уйи, 17-хона.

мен ўз вақтида қизиқиб неча қайта ўқиб чиққан эдим. Ундан тахминан шу мазмунлар хотирамда қолган:

Русча ёзилган конспектда дунё адабиётидаги баъзи оқимлар ҳақида баҳс боради. Масалан, реализм, идеализм, романтизм, футуризм каби оқимлар; уларнинг қузатган ғоялари, қонуниятлари ва бу оқимларга мансуб кўзга кўринган ёзувчилар қисқа-қисқа баён қилиб ўтилади...

Ўзбекча ёзилган конспектда эса фалсафага оид маълумотлар, масалан, диалектика, мантиқ, кулдан жуз (индукция), жуздан кул (дедукция) қонунлари ва шунингдек, диққат, туйғу, ҳаёлот, мушоҳада каби масалалар.

Конспектда индукция ва дедукция қонунлари ҳақида шундай содда бир мисол келтириб ўтилгани ёдимда: «Қарга ўлади. Қарга қушлар туркумига киради. Демак, қушларнинг ҳаммаси ҳам ўлади» (бу – индукция – мантиқ илмида жузый фикрлардан умумий ҳулосалар чиқаришда қўлланиладиган муҳокама усули – Ҳ.Қ.). Конспектда келтирилган бу мисол, аксинча, яна қайтарилади: «Қушлар ўлади. Қарга қушлар туркумига киради. Демак, қарга ҳам ўлади» (бу – дедукция – умумий ҳулосалардан жузый ҳулосалар чиқариш усули – Ҳ.Қ.).

Қодирий Москвада билим оларкан, ижодий ишларини ҳам тўхтатмайдилар. «Муштум» ва шунингдек бошқа ўзбек газеталарига тез-тез мақолалар, фельетонлар ёзиб турадилар. У кишининг 1924–1925 йилларда «Муштум» журналида давомли босилиб турган «Масков хатлари» туркуми ва «Миллий ашулачимиз Муҳиддинқори Италиядан ўқуб қайтдим» каби фельетон, мақолалари шулар жумласидандир.

«Бу кун Туркистондан газеталар олдим, – деб ёзадилар Қодирий «Масков хатларида». – Қўлтуғимда «Фарғона», «Зарафшон» ҳам «Туркистон» газеталари; йўл бўйича ўқиб бораман.

«Туркистон» кўз кўриб, қўл тутқудек (Ўратепанинг суфра-сидек дейишга оғзим бормайди) байналхалқ катта бир газета бўлибдир. (Мундаги «байналхалқ» истилоҳини «байналмилал» деб тушуномғингизни ўтинаман. Меҳробдаги домла имом поччани беҳаловат қилган Афанди ўзининг жавобида «Ҳикматини орқамдагидан сўра», деган экан. Унга ўхшаш сиз ҳам бу истилоҳнинг ҳикматини эгасидан сўрангиз!)

«Туркистоннинг 327-нчи сонини ағдариш-тўнтариш қилар эканман, кўзим Элбек ўртоқнинг «Текинхўрларға» деган шеърига тушиди. Шоир бу ўринда жуда ҳам тўлиб-тошиб текинхўрларға хитоб қиладир:

Талаб олмоқ сизларга кўбдан қолма одатдир;
Аммо талаб егувчи бизда ёлғиз бир итдир.
Кимки талаб теп-текин еса билгил ҳаромдир;
Ҳаромнида егувчи яна ёлғиз бир итдир...

Элбекнинг ёлқинлиқ бу хитобига қарши талағувчи тилидан шундай жавоб берилса бўладир:

Сўксанг сўкгил, урсанг ургил, ёлғиз санинг итингман;
Кирлик танинга кирган бўрдоқидек битингман.
Ҳаром танга ҳаром бит, аватига чавати;
Қичинмангиз, сапчиманг, тинчроқ туринг бир сўрай!» ...¹

«Муштум» 1924 йил, 10-сон.

Элас-элас хотиримда, 1924 йилнинг кузаги бўлса керак, ҳали боғдан шаҳар ҳовлимизга кўчиб тушмаган, Роби опогойим янги фарзанд кўрган чоқлар эди. Москвадан дадамдан бир хат олдик. Хат мазмуни бибим, оймилар оғзида кейинчалик ҳам сўзланиб, такрорланиб юргани учун ундан шу ўринлар ёдимда сақланган:

«Ойи (хат Жосият бибимга қарата ёзилган – Х.Қ.), хатингизда «Ўлиб қоламан, тезроқ кел», дебсиз... Кўрқманг, ўлмайсиз. Чунки ҳали сиздан катта Убайда, Бувма, Рокия холаларим ҳаётлар. Навбат олдин каттага, кейин кичикка...» деб ёзадилар дадам сўз ўйини қилиб ва бибимнинг кўнглини кўтарадилар. Хатда яна шу сўзлар айтилади: «Бу томонларда картошка яхши битар экан. Бозордан бир дона картошка сотиб олдим, уч ярим қадоқ келди... Тунов куни ўзимга норин ясадим, еб, тоғорани гуппак қилиб чалдим...

Янгамизга янги меҳмон ато қилибди. Чақалоқнинг номи бир лўмбоз гувала – «Эркин» бўлсин...». Дадам хатда Назифа ва Ойкумуш (Раҳимберди амакимнинг тўнғич қизи) опаларим-

¹ Бу ерда текинхўрлар, таловчилар, деб босмачилар, катта ер эгалари: мулкдор, савдогар бойлар, ўғрилар, давлат мулкани суиистеъмом қилувчилар кўзда тутилади.

нинг қандай ўқишаётгани тўғрисида қизиқиб сўрайдилар ва уларни интернатдан қайтариб олмасликларини таъкидлайдилар¹.

Дадамнинг ҳазиломуз ёзган бу хатлари кейинчалик қариндошлар орасида кичкина бир гинахонлик ҳам туғдиради. Бу хат мазмуни узунқулоқ бўлиб Жосият бибимнинг опалари Убайда, Бувма, Рокия холаларга ҳам бориб етади-да, бир кун уч опа-сингил бир меҳмондорчиликда учрашиб қолганда, Рокия биби Жосият бибим билан кучоқлашиб кўришиб дейдилар:

– Жосият синглим-э, ўзингни анча олдириб қўйибсан, соғ-мисан?...

– Ҳа, нафасим тез-тез сиқадиган бўлиб қолди, опа, – жавоб қиладилар Жосият бибим.

Шунда Убайда биби пичинг қиладилар:

– Нафаси сиқса ҳам, Жосият ҳали ўлмайти, Рокия, – дейдилар, – чунки ўлиш навбати аввал менга, Бувмага, сенга, кейин Жосиятга... Ўғли Абдулла ёзиб юборибди...

1925 йилнинг январида дадам қисқа муддатда қишки таътилга Тошкентга келиб кетдилар, июнь ойида эса ёзги таътилга келдилар. У киши бизга кўп кийим-кечак, совға-саломлар келтирдилар. Бу келтирилган нарсалардан бир жигар ранг мовут костюм ва бир «мавзер» соат айниқса эътиборга сазовордир. Костюмни дадам узоқ вақт кийиб юрдилар, кейин уни мен ҳам кийдим. Соат эса ҳозир Тошкентдаги Навоий номли адабиёт музейида сақланади.

Дадам дердилар:

«Бу соат, костюмларни ўқишнинг биринчи йилини яхши битирганим учун мукофотга олганман. Институт раҳбарлари чақиришиб: «Сиз костюм ва соат билан мукофотландингиз, ма-

¹ 1923 – 1924 йилларда бўлса керак, Тошкентда биринчи намуна иш мактаби (ётиб ўқийдиган мактаб-интернат) очилади. Унга меҳнаткашлар боласи қабул қилиниб, пулсиз кийим, овқат, ётоқ билан таъмин этилади; ўрта таълим берилиб, турли ҳунар ўргатилади. Бироқ интернат биринчи йилларда тез ривож топмайди. Халқ болаларни интернатга юбормайди.

Шунда ўша вақтнинг зиёлилари бошқаларга ибрат бўлиш учун ўз болаларини интернатга биринчи галда берадилар. Дадам ҳам Назифа ва Ойкумуш опаларимни, Ғулом Зафарий эса Сиддиқа исмли қизини интернатга юбордилар. Мен опамларнинг бу мактабга қатнашини яхши хотирлайман. Баъзан-баъзан уларга эргашиб борардим. Раҳимберди амаким эса унда ошпазлик қилардилар. Интернат Бешоғочда, бадийий санъат мактаби ўрнида эди.

газиндан танлаб олинг, пулини институт тўлайди», дейишди. Мен шуларни танладим...»

Бироқ дадам шу келганча Москвага ўқишга қайтиб бормадилар. Баъзи дўстлар ўқишга қайтмасликка, матбуотда биргалашиб ишлашга ундайдилар. Бу тўғрида ўзлари шундай ёзадилар:

«1925–1926-нчи йилнинг таҳсилига Масковга бораман деб тайёрланган вақтимда Алимов (Комилжон – Ҳ.Қ) мени олиб қолди. Алимовнинг мени олиб қолишининг сабаби шуки, ул маним қандай киши эканлигимни яхши билар эди, чунки бултур мен унинг билан Масковда олти ой бир ҳужрада яшаганман ва манинг қандай йигит эканимни ул яхши синаган эди. Биринчи ноябрдан бўлса керак, «Муштум» журнаliga киришганман...»

Дадамнинг ўқишга қайтмаганлари, менимча, фақат Алимовнинг қистовидагина бўлмай, балки бунда уй-рўзғор қийинчиликлари ҳам бир қадар сабаб бўлган бўлса керак. Чунки катта бир оилани доимий даромадсиз бир неча йиллаб тебратиш, албатта, қийин.

Шу йил бўлса керак, ёз ойларида Қодирийнинг «Хантининг адаси» номли болаларга ёзилган китобчаси босилиб чиқади. Китобча араб алифбосида, кичкина брошюра бўлиб, оппоқ ва рақларига ҳам, муқова устларига ҳам қуён, бўри, тулки, хўроз каби жонивор ва машиналарнинг расмлари солинган эди¹.

Китобчага «Хантининг адаси» деб ном қўйилиш сабаби: бир-икки ёшли Адиба синглим шу чоқларда жуда севимли бўлган, уни дадам негадир «Ханти» деб севар эдилар...

МУШКУЛ КУНЛАР

Жулқунбой билан Ғози Юнус орасида бўлиб ўтган ўзаро мунозарадан сўнг кўп вақт ўтмай матбуотда яна бир мунозара бошланади. Натижа Қодирий бошига кўнгилсиз воқеани солади. Бу воқеани мен яхши хотирлайман.

... Эрта баҳор эди. Бир кун кечки пайт шаҳар маҳалламиз чойхонаси олдида ўйнардим. Дадам чойхонада улфатлари билан ўтирарди. Шаҳар томондан икки киши келиб чойхона

¹ Қодирийнинг бу китобчадан бир неча нусхани боққа олиб келганларини ва китобча номини ҳижжалаб ўқиганимни хотирлайман. Китобча нусхаси архивлардан топилмади.

қаршисида тўхтади. Келувчиларнинг бириси қисқа қора чарм пальтоли татар, иккинчиси узун шинелли рус солдат эди. Улар чойхўрлардан нимадир сўрадилар. Дадам жавоб қилиб ўринларидан турдилар ва улар билан биргалашиб уйимизга кетдилар. Уларнинг кетидан мен ҳам эргашидим. Меҳмонлар дадамнинг ёзув хонасига кириб бириси сандал устидаги ёзув қоғозларни, токчадаги китобларни титкилаб кўра бошлади. Дадам бўлса, уларнинг баъзи сўроқларига жавоб қилиб бир чеккада жим турардилар. Нариги уйда ўтирган бибим нимадандир шубҳалангандай, «меҳмонлар» олдига кирмаса ҳам уй эшиги олдига дам-бадам келиб қайтар, «Ким келди?» деб мендан сўрарди. Мен қувониб: «Дадамнинг ўртоқлари», дердим.

Бир вақт улар сандал устидаги қоғозларни йиғиштириб олдилар-да, ховлига чиқдилар. Дадам ҳам ўроғлиқ кўрпа-ёстиқ кўтариб кетиндан чиқдилар. Бибимни чақириб: «Ойи, мен учтўрт кунга бир жойга бориб келаман, ташвишланманг», дедилар ва кўчага чиқдилар.

Дадам кетидан бибим негадир йиғлаб ўзини ерга ташлаб юборди. Кейин англасам, дадам ҳибс этилган эканлар...

... 1926 йилнинг бошларида «Муштум» журналида Қодирийнинг «Йигинди гаплар» номли бир мақоласи босилади ва бу мақола ўз даврида аҳиллар орасида бирмунча гап-сўз, мулоҳазаларга сабаб бўлади. (Бу мақола тўғрисида ҳозирги кунда ҳам баъзи кексалар ва улардан эшитган ёшлар қош-кўз қўйиб сўзлаб юришади.) Биз бу мақоланинг таҳлил-тафсилидан олдин, тўлиқ ҳолда уни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.

«Ўқуғучилар билан дардлашмаганимга қарийб бир ярим ой бўлди.

Қайси бурчакда ухлаб қолдинг, деб сўрама, жиян.

Бу ўлкада нима кўп экан, ухлайдиган бурчак ва унда ўмпайиб, тўмпайиб ухлағучи менга ўхшаш овсарлар! Мен сенга айтсам ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, маданияти, иқтисоди, шалтай-балтайи, хуллас, барчаси ҳам ухлайди. Аммо ўчоқбошини¹ холи топқан олақарғалар² бўлса, хўбам билган номаъқулчилигини қилаяпти! Қилаверсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб олар-ов, оғайни! Ишқилиб, ўл-

¹ Ўчоқбоши – ҳукумат.

² Олақарға – келгинди.

масдан баҳорга чиқиб олсак бўпти... «Ўпса нетар, ювса кетар», деган экан ота-бобо.

Мен шу дунёдаги одамзоднинг куйди-пиштисини темиртакда қийнаб ўлдурсам дейман:

Ерлилашдириш! Ўзбеклашдириш! Фалончининг виждонига куйдирги чиққанми?? Ўлиб бўлдик-ку!! (тўнғиз қўпсанг, йўқ дедимми!) Ярам янгиланди! Кўрчипқонимни кимнинг олдида ёрай?! (Бувингни олдида ёр!) Маҳалладан мунчаси ишсиз, фалончаси оч!! (Оч бўлса, кафанини ҳозирла!)

Кўчага чиқсанг, кўринган кишидан эшитадирган сўзинг шу. Қулоғингга пахта тикмасанг, бошқа иложинг йўқ!

Вой ўша куйди-пиштини йиғиб, териб Эгам чақирсин!

Ҳали-ку бу оғзаки ғишғиша. Аммо кечаги кун газетда Охунбобоевдек битта саркорингдан¹ ҳам феълим айнай ёзди. Ҳаммадан ҳам буники қизиқ.

Маданглик² маориф ходимчилари қурултойида маъруза ўқиб нима дейди, денг:

«Жумҳуриятимизда ҳар 200 мурассаъ³ чақирим ерга ёхуд ҳар 4909 одамга битта мактаб бор. Ёки ўқиш ёшида бўлган болаларнинг ҳар (эмас хўтук) 979 тасига бир мактаб тўғри келадир!⁴

Ана бу мияси ачимаганнинг гапига қаранг энди! Худога шукр, қорнинг тўқ, қайғунг йўқ, бас, тинчкина фаройизхонлик⁵ қилмасдан оқсоқоллигингни қилаверсанг бўлмайдими, уста Йўлдош!

Тузик, чақирим-пақиримингга маним ҳам қаршилигим йўқ. Раҳматлик бўбой: «Саккиз чақирим⁶ бир тош бўлади, бир тошни яхши отинг бўлса, бир соатда босасан», деб айтар эди. Икки юз чақириминг... ҳисобнинг калласи минан 24 тош бўлса, ҳалигидек, отинг чаман⁷ бўлмаса, бир қўниб эртасига туш чоғида аранг етиб борасан. Уловинг эшак бўлса-ку ниятни сафарга қилиб рўзангни баҳузур еявер!⁸ Гап қаерда эди, ҳали... ҳа, айткандек ҳар

¹ Саркор раҳбар.

² Маданглик – маданий.

³ Мурассаъ – қийматли тошлар билан безалган, маърузачининг сўзида бу сўз мурабба (квадрат) деб берилган.

⁴ Ушбу маъруза «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1926 йил 4 феврал, 29-сонида босилган.

⁵ Фаройизхонлик – ҳисобчилик.

⁶ Чақирим – 1,06 километрга тенг узунлик ўлчови.

⁷ Чаман от – қирчанғи, секин юрадиган от ёки эшак.

⁸ Маълумки, сафардаги одам рўза тутмайди, рўзангни очавер, барибир етиб боролмайсан, демоқчи.

беш минг одамга битта мактаб ёхуд 979 тагина уйида энасини зериктирган гўдакка биттагина эрмак тўғрисида эди.

Шу замонадаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан. Бир минг болага битта мактаб бўлса нима-ю, ўн минггига битта тўғри келса, сен билан менга нима ҳасрат! Башарти муддао мирзабошиларни¹ кўпайтириб идораларни ерлилаштириш бўлса азбаройи Ленин ва Маркс узаткан оёғингни йиғма!² Кўча чиқсанг ҳар қадамда битта мирзабоши, ҳасратидан чанг бурқийди. Иш йўқ, куч йўқ, ўн тўққизта ерлилашкан идорадан ҳафта ўтмай чиртинг-пиртинг қоғозини олибдир. Ростини айтсам «Кул ўлмас, ризқи камимас» мақолини унча-мунча одам тўқиб ташламаган. Дарҳақиқат, ҳар беш минггига битта мактаб бўлса ҳам бечоралар йиғлаб, сиқтаб, яғирига кул сепиб бир кунини кўраяпти. Бунинг устига кун сайин таппа-таппа келиб турган бешик-белик ва қадр ҳурматлик меҳмонларга ҳам сиррини бергани маълум эмас³. Энди бир минггига битта мактаб тушкан ҳар беш мингнинг хўтуқлари ҳам бир кунини кўриб кетар, деб ўйлаймиз. Битта-яримтанинг ўчоғига косов бўлар ёки отбоқарми, ахлат қоқарми, иш қилиб бир бало бўлар-ку! Бас, менга қолса мундоғ майда гапларнинг қайғусини чекиш ҳеч арзимайдир.

Энсамни қотирган гапларнинг яна биттаси анови кун бўлиб кечкан маданглик маориф ходимчиларининг қурултойидир. Тўғриси айтканда, зиёнлиларни фойдалиқ қилиш масаласидир. Лекин ашаддий қаҳқаҳамга мужиб бўлган гап ҳам шуниси. Ўртоқ Акмалча Чўлпонбойнинг:

Зиёлимассен зиёнли ҳезлардан,
Упа-элик олудаси қизлардан –
Охунд бобо ўғли каби эр керак
Боёнлардан олинғуси ер керак!

деган шеъри билан зиёнлиларнинг афтига туфургани ҳолда яна нима учундир имони сусайиб «Ҳезлар тавба-тазарруъ қилса фирқанинг кучоғи уларга очиқ!» деб қўядир.⁴ Дарҳақиқат, ҳез-

¹ Мирзабоши хизматкор, малай.

² Оёқ йиғмаслик йўлдан, ниятдан қайтмаслик.

³ Бу ерда чет эллардан ва марказдан келаётган меҳмонлар назарда тутиляпти.

⁴ 1926 ва 1927 йилларда Тошкентда Ўзбекистон маданият ва маориф ходимларининг қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойда болшевикларнинг мамлакатда ўтказаяётган бир неча хил кампанияларидан бири зиёлилар масаласи кўрилади. Унда зиёлилар иккига: пролетар ва эски зиёлилар гуруҳига бў-

лардан биттаси тавба қилиб, истиғфор¹ айтса, Акмал жиндек бу тавбага ишонадими, йўқми, ҳозирча унинг ичига кириб чиққан махлуқ йўқ. Бироқ бунга ишонар экан Акмалинга айтадирган икки оғиз гапим бор:

Сенга мисол бериш учун Шайхи Саъдийнинг² ҳикматига ва ё Калиланинг Димнасига³ мурожаат қилиб ўлтирмайман. Мисолни худда нақ мутакаллимдан⁴ эшит:

Мен ҳар куни Худоға тўққиз мартаба осий⁵ бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоеён бўлганидек, истиғфорим ҳадсиз ва лекин исёнсиз қолган соатимга жуда оз учрайман! Бас, онглағилким эй Акмал! Тавбага бўйин буккан банда, бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво-расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага эн бўла оладир, деган гапни ҳеч бир китобда учратолмадим. Айтмакчиманки тавбаси бошини есин, сен бўлсанг, ишингдан қолма, отингни чуқ, де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси ғовғадир!

Шу оралардаги муҳум ҳангамаларнинг яна биттаси «Миллий қўшиннинг фирқа конференцияси», деб арз қилсам, эҳтимолки, ҳеч кимнинг кўнглига оғир келмас. Нафсиламир, қилай деса иши, ётай деса оғриғи йўқ йигитларимизни башарти мувофиқ кўрилса ва газармаларингиз бўш бўлиб кўнгилларига гап келмаса қўллариға милтиқ топилмаганда ҳам битта-битта кетмандаста бериб қўруқчиликка қабул қилиш чакки бўлмас, деб хаёл қолурмиз. Яна рағйи ўзлариникидир.

Ер ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистонда бошқа ислоҳотлар ҳам ясалар эмиш, деб эшитдим. Дарҳақиқат, мамла-

линади. Эскиларга миллатчи, пантуркчи ёрлиқлари осилиб, уларга қарши қаттиқ сиёсий ҳужум бошланади. Махсус қарорлар қабул қилиниб, эскилар санъат, адабиёт, матбуот ишларидан, айниқса, раҳбарлик лавозимларидан четлаштирилади, баъзилари таъқиб остига олинади (архивларда бу икки қурултойга оид материаллар жуда кўп). Қурултойни Акмал Икромов маъруза қилиб очади, бу маъруза «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1926 йил 21 январ, 18-сонида босилган.

¹ Истиғфор – тавба қилмоқ, кечирим сўраш.

² Шайх Саъдий Шерозий (1203/1210-1292) – форс шоири.

³ «Калила ва Димна» – шаҳзодаларга таълим-тарбия берувчи, панд-насихат услубида ёзилган ҳиндларнинг «Панчатантра» китоби. Бу ерда гўё А.Икромов шаҳзодадек назарда тутиляпти.

⁴ Мутакаллим – сўзловчи, нотик, ўзимдан.

⁵ Осий – исён, Оллоҳнинг амрини бажаришдан бош тортиш, диндан қайтиш, муртадлиқ.

катда ислоҳотка муҳтож масалалар кўбдир. Масалан, катталарга ақл ва басират¹ ислоҳоти, муҳаррирларга тил ва маъно, шоирларга илҳом ва услуб (маъно бўлмаса ҳам майли), ёшларга ахлоқ ва кийим, хотинларга жабру зулм, домлаларга дин ва салла, «Муштум» ёзишгучиларига фақат шахсларнинг ёқасига ёпиша беришлик ва бошқа мавзулар тўғрисида ўйлаб ҳам қарамаслик ва ҳоказо ислоҳотларга ниҳоят даражада эҳтиёж кўбдир.

Овсар.

«Муштум» 1926 й., 2 (27)-сон, 2–3-бетлар, 25 фев.

Қодирий, бу мақола босилгач, Ўзбекистон жиноят қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддаси билан қораланадилар.

Биз бу кўнгилсизликдан хафа эдик... Маҳалламиздаги Акбархўжа амаки, Ғулом Зафарий ва ишхонадан Ғози Юнус каби ёр-дўстлар тез-тез уйимиздан хабар олиб, дадамнинг яқин кунларда қайтиб келишини айтиб, бибимни юпатиб, кўнгил кўтариб кетар эдилар.

Орадан, чамаси, икки ҳафта вақт ўтгач, бир кун Акбархўжа ака шундай хабар топиб келди. «Дадамг очлик эълон қилган эмиш...» Бунинг сабабини сўзлаб ўтирмай, дадамнинг очлик эълон қилиш тўғрисида турма бошлиғига ёзган архив-аризасини қуйида кўчирамиз:

(Ариза русча ёзилгани учун таржима қилинди.)

«Мен 8 мартда ҳибсга олинганман. Шу чоққача сўроққа чақирилмадим. Нима айб қилганимни билмайман ва ўзимда бирон айб сезмайман. Менинг ишим кимнинг қўлидалигини аниқлашингизни ва сўроққа чақирилишимни сўрайман. Йўқса, 24 мартдан очлик эълон қиламан.

А.Қодиров. 1926 йил 22 март».

Терговчининг сустигиданми ёки ариза эътиборсиз қолдирилганиданми, бошқа бирон кузатилган мақсад юзасиданми, ҳар ҳолда, талаб қондирилмайди, шекилли, дадам 24 мартдан очлик эълон қиладилар.

Акбархўжа амаки ва Ғулом Зафарийлар: «Абдулла таом қабул қилмаётган эмиш», деб кун сайин хабар келтирар эдилар. Бибим, айниқса, қайғулар, кўзёши қиларди. Тергов ходимла-

¹ Басират – кўриш; кўзни очиш.

ри: «Балки, у сизнинг сўзингизни тинглар, айтинг, таом қабул қилсин», деб Акбархўжа амакимни дадам ёнига киритадилар... Барибир, дадам гарчи очликдан ҳолсизланиб қолсалар ҳам, ўз сўзларида қатъий турадилар. Очлик ўнинчи кунга етгач, ҳам-мани ташвишга сола бошлайди. Охири, тергов идорасининг вакили Агидулин шундай қарор чиқаради (қарор қисқартириб олинди):

«Тошкент шаҳар. 1926 йил. 3 апрел.

72 п.ч. 105 УК моддаларига биноан ҳибсда ўтирувчи Абдулла Қодиров бугун ўн кундирки, очлик эълон қилиб ётади ва таом қабул қилмайди. Унинг оғир аҳволини ҳисобга олиб қарор қилинади: А.Қодировни Тошкент турмасига кўчириб, касалхонада даволансин. Таом қабул қилмаса, сунъий овқатлантирилсин».

Дадам Тошкент турмасига кўчириладилар. Докторларнинг насиҳати, «Ишингизни тезлатишга кафилмиз», деб ваъда беришлари натижасида, дадам ниҳоят, ўн тўртинчи куни докторлар назоратида таом қабул қила бошладилар ва тергов ишлари тез кунда тамомланиб, иш судга оширилади.

Ёдимда, дадам суд бўлишини кутардилар. Бибим, мен, Акбархўжа амаким билан ҳафта сайин дадамни кўргани турмага борар эдик. Дадам билан бир-ярим соат сўзлашиб, таом бериб қайтар эдик. Дадам ҳар гал оппоқ, озода кўйлак-кийимда семирган, хурсанд ҳолда кўринар эдилар.

Бир гал шундай бўлган эди: турма дарбозаси олдида киришга вақт кутиб ўтирардик. Қаёқдандир бир киши келиб Акбархўжа амаки билан ва паранжида ўтирган бибим билан сўрашди. (Бу кишининг исми Раҳматулла. Кейинчалик бир неча бор бизникига меҳмон бўлиб келганда билганман. У тошкентлик, дадамдан анча ёши катта, касби савдогарчилик эди.) Раҳматулла амаки ҳам савдо важдан бўлса керак, қамоқда, дадам билан бир хонада турар экан. Негадир, бу кишига кундузи ишга бориб келишга рухсат этилган, шу чоқ у юмушдан қайтиб ётоғига кириб кетаётган экан... Раҳматулла амаки бибимга деди:

«Балки, сизлар ҳали бунда яна бир-икки соат вақт кутиб қоларсизлар. Унгача Ҳабибулла мен билан дадасининг олдига кириб ўтира қолсин. Сизлар киргач, қайтар...»

Бибим рози бўлдилар. Раҳматулла амаки мени етаклаб, дарбозани тақиллатиб ичкарига кирди. Дарбозабон мени кўриб Раҳматулла амакига нимадир сўзлаб, эътироз қилгандай бўлди. Ўртада бир оз «дипломатик» гаплар бўлгач, дарбозабон елкамга қоқиб рухсат берди. Шундай «дипломатик» муаммолар билан яна икки дарбозабондан ўтгач, узун тор қоронғи йўлакдан бориб, ўнг томондаги эшикни очиб бир хонага кирдик. Оппоқ кўйлак кийган дадам каравотда ким биландир сўзлашиб ўтирар эдилар. Кўришдик...

Дадам ўтирган уй кенг, тахта полли, қўш деразали, оқланган, озода, ёруғ: ҳар кишига алоҳида каравот, устларига чойшаб тўшалган эди. Дадам ва бошқа ўтирганлар мен билан «суҳбат»лашишди, кимдир чой дамлаб келди, яна биров деворга осиглиқ корзинка-саватдан ширин оқ нон, сариёғ ва мева-чева олиб қўйди... «Меҳмондорчилик»дан сўнг дадамнинг каравотига ётиб ухладим. Кейин дадам мени уйғотиб ташқарига чиқдик. Бибим, Акбархўжа амаки, дадамлар анча сўзлашиб ўтиргач, уйга қайтдик.

Ниҳоят, суд кунлари яқинлашди. Дадам Ўзбекистон Олий Судида судлангани Самарқандга (у вақтларда марказ Самарқандда эди) жўнаб кетдилар. Дадам кулиб ҳикоя қилардилар:

«Самарқандга судлангани поездда бир ўзбек милиционери муҳофазасида борардим. Купеда ётиб, уйқум келмай тунда китоб ўқирдим. Ёнимда мудраб-мудраб кетаётган милиционер бир вақт менга: «Мулла ака, жуда уйқу босяпти. Жиндак ухлаб олсам, қочиб кетмайсиз-а?» деди. «Йўқ, бемалол, бемалол», дедим мен. Самарқандга етгунча ухлаб кетди. Қуролини олиб қўймасинлар деб, уни муҳофаза қилиб бордим».

... Қарийб уч ойлик сўроқ-терговлардан сўнг Ўзбекистон Олий Суди Қодирийни судлайди. Судда Қодирий ўзини ҳимоя қилиб, қўйидаги узрнамо маърузаларини ўқийдилар:

«Мен 1926-нчи йилнинг 10-нчи январидан 10-нчи февралигача отпусқага кетуб дам олуб юрганимда бу «Йигинди гаплар» ном мақолани ёзганман. Отпусқадан қайтқандан сўнгра 14–15-нчи числада навбатдаги чиқатурган «Муштум» журналининг сони учун материаллар тайёрлаганимда уларнинг ичида бу мақолани ҳам қўшуб масъул муҳаррир Комил Алимовга¹ олуб

¹ Комил Алимов, Ғози Юнус, Санжар Сиддик, Мирмуҳсин Шермухамедов, Зиё Саидий, Хуршид – Шамсиддин Шарафиддинов, Султонхўжа Қосимхўжаевлар ҳақидаги маълумотлар учинчи жилднинг охирига илова қилинди.

борғанман. Масъул мухәррир Комил Алимов ҳалиги «Йиғинди гаплар» ном мақоласини маним кўлумдан олуб, ўзининг кабинетида баланд овоз билан ўқуб берди. Ул мақолани ўқуб берган вақтда унинг кабинетидида ўртоқ Ғози Юнус, Санжар, Шермухамедов ва қонтўршиқ Халучев бор эди. Масъул мухәррир Алимов мақолани ўқуған вақтда баъзи жойларини хато ўқуғани учун мен тузатиб турдим. Кейин ўқуб тамом қилгандан сўнг «Хўб, бостирайлик», деди, ҳам «Яхши кетди» деб қўшимча қилди ва мен бостирғанман, чунки Алимов ижозат бермаган ҳолда табиий мақоланинг материали йиртқилануб ташланса керак эди.

Мақолани масъул мухәррир Алимовга кўрсатмасдан илгари Зиё Саидийга ҳам ўқуб берган, худда бошлаганимда ҳодисанинг тепасига Хуршид ҳам кириб қолди. Мен ўқуб бергандан сўнг «Кўб яхши кетди» деб мақтаб юборди. Бу онглашилмовчиликдан илгари расмият, яъни идорага келган мақолаларни босдириш ёки босдирмаслик тўғрисида мухәррир резолютсия солмас эди. Ўшанинг учун бу мақола резолютсиясиз бостирилған. Расмият фақат журналнинг 28-нчи сонидан бошланди.

Бу мақола фақат кулгу тариқасида ёзилған, ҳеч бир ҳукуматка ёки сиёсатка тегадирған жойи йўқ. Мақола босилуб журнал тарқалгандан сўнгра беш кунча ўткандан сўнгра Алимов Самарқанддан қайтуб келди ва мени ўзининг олдиға чақиртириб, «Нимага бостирдинг, мен ижозат бермаган эдим», деди. Ман «Сен ижозат бердинг, ман бостирдим», деб жанжаллашдик. Мақолани Алимовнинг кабинетидида ўқуғанда Зиё Саидий йўқ эди, ҳам кирган эмас, шахсий адоватка кетуб, бор эдим деб гапирадир.

Бу гувоҳларнинг мундоғ гапириши фақат шахсий адоватдан иборат, чунки бирон вақт жонларига теккан бўлсам керак, аммо қай тариқада уларга гап тегдирганимни айта олмайман. Гувоҳ Зиё Саидийни оғзаки танқид қилар эдим. Матбуотда танқид қилганим йўқ. Қисқаси, умуман, Зиё Саидий ва бошқалар манга қарши бўлғанлари учун ёлғондан гувоҳлик берадирлар.

«Йиғинди гаплар» мақоласининг маъниси келган-кеткан гаплар деган сўздир ҳам фақат кулги тариқасида ёзилғандир. Ҳақиқатда кулги ёзилғанлиғини исбот қилмоқ учун қуйидаги изоҳотни беруб кетишни лозим топаман: кулгуликнинг бошланиш тарихи жуда эскидир. Кулгулик инсонлар бирга туғилған, унинг бошқа хусусиятлари, яъни камолот ва руҳий

ҳолатлари ила ёндошдир. Шунингдек, биз ўзбекларнинг кулгулигимиз ҳам ўз тарихини эскидан бошлайдир. Аммо янги инқилобий кулгулигимиз ўз тарихини буюк Ўктабрдан сўнг ёзди. Мунда, албатга, дунё маданияти интибоҳининг ва янги шўролар маданиятининг кулгуликка багишлаган ҳадялари, янги қўшимчалари орқалиқ кенг қанот ёйган ҳолатда кўринадир. Яъни бу кун бошқа масалалар ўз доираларини кенгайтириб, улғайганда сарбасталанганларидек¹, кулгулик ҳам ўзига ҳуқуқни катта олган. Бу кунги музҳикани² ўртоқлик кулгулиги, музҳикаси маъноси билан онгланмайдир.

Юқорида деганимиздек, бизнинг янги музҳикамиз жуда ёш, унинг туғилиши ҳам Ўктабрнинг юмишларидан бўлди, десак янглишмаймиз, чунки Ўктабргача бўлган ўн йил ичида жадидлик байроғи остида чиққан матбуотка назар ташланса, кулгу рангидаги парчага жуда оз учрашилади ёки сира учрашилмайдир. Демак, бизга янги давр кулгулигини бошлаб бергучи, бизга ўхшаш хом кишиларни бу йўлга тортқучи улуг Ўктабрдир. Унинг шу ёшлиғи ва камчилиги бўлиши ҳам табиийдир.

Ҳар бир нарсани туғилиш тарихига назар ташланиб кўриладирким, ул ибтидоий даврида, албатта, бир эҳтиёж орқалиқ дунёга келса ҳам, аммо бошда ғояга тегишлик даражада хизмат қилолмайдир. Шунга ўхшаш кулгулик ҳам туғилишда шахсий хангама йўлинигина ўтаб, такомил қоидаси бўйинча бу кунги ҳолатка келган. Ғарбдаги маъноси билан эмас, бизнинг Шарқ учун ўрта аср – қуруни вуста даврини хотирлатқан хон замонлари музҳикасига бу кунги кулгуликни таққос килуб кўрсак, шубҳасиз ер бирлан кўкча фарқ кўраимиз.

Бунинг учун, албатта, таажжубнинг жойи йўқ, биз хонлар замонида эмас, меҳнаткашлар даврида яшаймиз.

Мисол учун эски замон кулгулигини бу кунги музҳика билан тенглаштириб қарайлик: масалан, хон замонларида хонга ёки шунинг каби катта мансаблик бекка ҳазил тўқиш мумкин эмас, аммо қуйи мансаблик қози, ўнбоши³, чўғол⁴ ва шулар сингари кичик маъмурларга муқаллид ва мутояба қилиш мумкин эди. Бунга мисол учун тарихдан излансак кўраимиз: ўткан

¹ Сарбаста – мустаҳкам.

² Музҳика – кулдириш.

³ Ўнбоши – ўн беш аскарнинг бошлиғи.

⁴ Чўғол – бақувват, кучли хизматкор.

асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги тахт жанжаллари ва ички иғтишошдан¹ қочиб, амир Абдулрахмонхон Туркистонга сиғинадир. Мунда бир неча вақт қолуб, тошкантлик Калпараш исмлиқ ўз замонасида машҳур бир қизиқ билан танишиб қоладир ва унинг ҳазилига, тақлидига мафтун бўладир. Абдулрахмонхон бир неча замондан кейин Афғонистон тахтига ўлтуриб, тошкантлик бояғи Калпарашни ўз ёнига чақирадир. Калпараш ижобат этиб Кобилга борғач, хон воситаси билан ундаги мансабдор ва аён билан танишадир. Хоннинг ишорати билан анжумани олийлардан аёнга ҳазил тўқуб, уларга муқаллид бўла бошлайдир.

Хон билан бўлган бир мажлисда хоннинг рухсати ила Калпараш олдин бекларга бирма-бир ҳазил ва тақлид қилуб чиққан. Кайфи келиб хурсанд бўлган хон «Менга ҳам муқаллид бўл, ҳазил тўқи!» деб Калпарашга буюрадир. Калпараш буйруқ бўлгандан сўнгра хоннинг ўзига муқаллид бўладир: хон каби тахтда ўлтуриб, чилим сўрайдир. Пояси² чилимни яхши тайёрламагани учун ғазабланиб, уни ўн дарра уришга буюрадир. Бу тақлидни Калпараш шундай адо қиладириким, кўргучилар худда хоннинг ўзини айни ҳолатда кўрадиқлар. Аммо хон ўзининг қилиғидан орланадир ва шу ҳолатда Калпарашни жаллодга топшируб, ўлдиртирадир.

Бу мисолдан муддао шундаким, бу кунги музҳика ўзининг эски сиқик доирасидан чиқғандек, бу кун ишчи-деҳқон бошлуқлари ҳам уларнинг, яъни ишчи-деҳқонларнинг ўз ораларидан чиққан ўз оғаларидирлар. Ҳозирги кулгулик ҳам қанот қуйруқланиб бу кунги бир Калпараш мазкур ўз ҳукуматининг арбобидан бир оғиз сўз ҳазил ва мутояба тўқий оладир, деб биламан.

Юқорида айтилди: кулгулик кишилар билан бирга туғилиб, улар билан бирга камолотка эриша борғуси, деб. Албатта, кулгулик бошланишда тор, сиқик доирада бўлганлиғида шубҳа йўқ. Масалан, маданиятда ибтидоий бўлган халқларнинг кулгусини оддий ҳазилдан, вазият музҳикасидан юқорида кўриб бўлмайдир. Инсонлар бир оз ўсиб, орада синфлар туғилгандан сўнгра, кулгулик бир мунча ўскан, яъни бир синф иккинчи синфдан, бой камбағалдан, мурид эшондан кулиб бошлаган. «Ошқовоқ-

¹ Иғтишош – бетинч.

² Поя – чилим тайёрлаб чектирадиган хизматкор.

ни қайнатиб, ёғини олған авлиё» ёки «Эшонимнинг тасбиҳлари носвой қовоқ», каби синфий ҳажвлар шу жумладандир.

Кулги майдонида кейинги янгилик сажия¹ музҳикасидир. Яъни кулгуликнинг учунчи пояси сажиявий кулгусидир. Биз бунинг мисолларини маним «Тошпўлат тажанг», «Калвак махзум», «Овсарлар» ва «Ўткан кунлар» рўмонимдан «Ўзбек ойим» ҳам бошқаларда кўрамиз. Бизнинг янги адабиётимизда характерли нарсалар оз, балки йўқ даражасида бўлганлиқдан бунинг учун мисолни ўз асарларимдан олдимки, бунда мени маъзур кўрсинлар.

Албатта, кулгуни кейинги мактабнинггина қолипиға солиб юрғазиб бўлмайди. Сажия кулгусида ҳам нариги унсурлардан бир мунча қўшилмай чораси йўқ. Инсон деган сўздан, умуман дунёдаги кишилар онгланганидек, ул сажияда ва ҳолати руҳияда ҳам бир-бирисидан жуда узоқлаша олмайди. Биз юқорида музҳикадаги уч давр таърифини қилган эдик. Ҳам шу уч давр бир-бирисининг устига келиб ўлтурган деймиз. Масалан, наъма² дунёга янги чиқишида бир хил товуш берган ва бу кун камолга эришуб, чин наъмалик ҳолини олған: уни ҳамма оҳангини қўшуб бирга чалинмаса, бир хил товуш билан кулолнинг ясағанлари шуштагидан ортиқча камолотни беролмайди. Демак, нима бўлганда ҳам, ҳозирги кулгуликда ҳар ҳолда юқорида мазкур уч поянинг бирликда бўлиши мажбурий бўлуб тушадир.

Ички маънавий томондан кулгуликда уч турлик унсур ҳам бор: 1-мутояба (шарж маъносида), 2-юмор (ҳажв), 3-сатира (ибрат). Шу уч турлик кулгуликни ифода қилишда ёрдамчи (воситачи) хизматини ўтагучи унсурлар эрса: ҳазил, киноя, муболаға, тасфир, ташбия³, тамсил⁴, истиора⁵, татоққул⁶, тажохул⁷, халқ мақоллари ва таъбирлари ва шунга ўхшаш гаплар.

Маним 27-нчи сон «Муштум» журналидаги «Йиғинди гаплар» сарлавҳалик кулги мақолам ҳам шу асосларга солинуб, ёзилган сажиявий чин кулги эди. Мазкур мақоладаги мақсадим кулги мезони билан ҳарфат жадидга⁸ олинганда қуйидаги

¹ Сажия – характер.

² Наъма – мусиқа.

³ Ташбия – ўхшатиш, маъжоз.

⁴ Тамсил – мисол келтириш.

⁵ Истиора – бадийий ўхшатма.

⁶ Татоққул – кўчиб ўтиш.

⁷ Тажохул – билиб-билмасликка олиш.

⁸ Ҳарфат жадид – янги алифбо.

мазмунлар ҳар кимга, ҳар бир гўдакка ошкора бўладир: мақоланинг биринчи устун 4-нчи йўлидаги «Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, шалтай-балтайи... илах ухлайди» жумласи фақат муболаға мақомида қўлланган бир гапдир. Мундан бошқа маънолар чиқариш хаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлган ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Ўқтабр инқилобиғача бўлган ҳоли билан Ўқтабрдан кейинги тўққуз йил ичидаги интибоҳини¹ (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, хулоса, ҳар бир жабҳада) чақиштириб кўрса ўзини тамоман бошқа бир оламда ҳис этадир. Бас, мундаги жумла муболаға орқалиқ ишчи-деҳқонни қитиқлаш, яъни уни яна ҳам юқори томонга қараб судраш мақсадида келтирилган; бу жумла зоҳирий тузилишдан муболаға кулги, ички маънодан қитиқлаш. Турмушдан мисол келтирилганда масалан: Тошпўлат аканинг бир ўғли бор. Тошпўлат ака ўғлининг ишга ихлосини, ўз ишида муваффақиятини яхши биладир. Лекин, шундоғ бўлса ҳам ўғлини «Сен ялқовсан, одам бўлмайсан!» деб камситадир. Бу камситиш, яъни пўписа камситилғучининг чиндан ҳам ялқов ва ғафлатда эканини кўрсатмайдир, балки унинг яна ҳам излатишга ва ўз нуқсонини қидириб тағин ҳам юқориланишга хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчоқ бошини холи топқан олақарғалар бўлса, хўбам билган номаъқулчилигини қилаяпти!» жумласидирки, мазмуни ҳаммага ҳам яширин эмас: Чор ва сармоя ҳукуматининг Ўзбекистонда қолган ва қўй терисига бурканиб эски хўжалиқни димоғидан чиқаролмаган жониворлари ҳамон шўро идораларида ҳукм сурадилар. Албатта, улар қўлларидан келганича ишчи-деҳқон иқтисодига ва шу восита орқалиқ унинг маъориф ва маданиятига зарба беришга тиришадилар. Ҳам зарарлиқда шулар қаторидан қолишмайдирган, фақат ўз шахсий роҳати йўлида элни эмиб, қайғусиз, ғоясиз, эчкининг оти Абдиқарим бўлуб, етмаса иғвогарлик билан кун кечиргучи ўзимизнинг баъзи устолпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги «Қилаверсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб олар-ов, оғайни! Ишқилуб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсамиз бўпти...» Бу ердаги эга – ишчи, деҳқондир ва чиқиладирган баҳор уларнинг юксалиб чин социализмга етишмақларидир.

¹ Интибоҳ – уйғониш.

Яъни ишчи-деҳқонларимиз иқтисодан юксалиб, маърифатан юқорилашсалар, ўшандай зарарлик мустамлакачи ва бошқа унсурлардан қутилурулар, қатрон қилиб уларни йўқотурулар, юварлар, деган маънода.

«Ерлилашдириш, ўзбеклашдириш илах»¹. – Бизда бир хил кишилар бор, яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдирулар, аммо оғизда кўча саситиб, ҳасратлануб юрийдирлар. Мазкур жумлалар ўшандай ишсиз, фақат ҳасратгагина таянган унсурлардан киноядир. Масалан: «Ерлилашдиришдан ҳеч бир натижа чиқмади, фалон иш билан мундай ҳолатка тушдим, ҳасратингни кимга айтасан», деб юргучи олифталарга ҳамма вақт учрашиладир. Овсар бўлса уларга «Бибингни олдида ҳасрат қил, ҳезлар!» деб заҳарханда қиладир. Юқорида зикр қилинганидек, мақсадлари фақат мансабдан, кайфу сафодан иборат бўлган унсурлар бизда ҳали қуритилган эмаслар ва бунга газета бетларидаги хабар ва шикоятлар жонли шоҳиддир ва шулар қаторида ҳалигидек қуруқ ҳасратчилар ҳам йўқ эмаслар. Аммо буларнинг қаршисида жони билан, тани билан ишчи-деҳқон саодатига қурбон бўлуб бош тикканлар ҳам кўб, жумладан ўртоқ Охунбобоев бунинг тимсоли мужассамидир. Ул ҳар қачон ҳар ерда камчилик ва нуқсонларимиздан сўзлаб, бунинг учун чоралар, тадбирлар излашка ҳам ишчи-деҳқон саодати йўлидаги тўсиқ-ғовларни олиб ташламоқ учун барчани кўмакка чақирадир.

Биринчи устуннинг 25-нчи йўлидан бошлаб иккинчи устуннинг 4-нчи йўлиғача бўлган ўртоқ Охунбобоев тўғрисидаги гаплар ёлғиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, фақат кўча саситиб, оғзаки ғиш-ғиша қилуб юрган анави ҳасратчилар қаршисида ўртоқ Охунбобоев активний равишда мажлис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир. «Ҳали-ку бу оғзаки ғиш-ғиша, аммо кечаги кун газетада... илах» (5-нчи йўл, биринчи устун) муқаддимаси шуни ифодалайдир.

Иккинчи устун 5-нчи йўллардаги: «Шукр, қорнинг тўқ, қайғинг йўқ, бас тинчкина оқсоқоллигингни қилаверсанг бўлмайдими?» жумласи шахсий ҳазил бўлиши баробарида юқорида зикр қилинган қорни тўқ, бошқа қайғиси йўқ унсурлардан замзамадир. Яъни айтилмоқчиким: Эй Охунбобоев! Нега сен анавиларга ўхшамайсан! Қайғирасан, изланасан, билган ва

¹ Илах – ... гача.

хис эткан нуқсонларингни очик айтасан, ўртоқлашасан, сен ҳам ўшалардек қорнингни силаб ётсанг бўлмайдами? Аммо бу жумладан анави танпараастларга онглатилмоқчи бўлинган, айтилмак исталинган маъно бундайдир: Эй абдулҳақлар¹ ва эй тан бандалари, ўртоқ Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш қорним тўқ, қайғим йўқ деб тинчкина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънони қуйидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши ҳам таъкидлайдир).

Иккинчи устун 7-нчи йўлдан бошлаб 13-нчи йўлнинг охиригача бўлган «Тузук, чақирим-пақиримингга маним ҳам қаршилиғим йўқ...» жумласи эса ўртоқ оқсоқолнинг мазкур маърузасини дарҳақиқат, илтифот этишка лойиқ бир цифр эканини, бизнинг тўқис маъориф – маданиятга эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб онглатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17-нчи йўлдан бошлаб «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан, бир минг болаға битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болаға битта тўғри келса нима қайғи?» жумласи билан яна юқорида айтканимча, ўртоқ оқсоқолнинг чиндан ишчи-деҳқон маъорифи ва бошқаси учун ғамхўр ва бош оғритканини кўрсатмакчи ва шу гуноҳи, яъни мазлум халқ маъориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаққатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман.² Бундоғ киноялик мадҳ аксар халқ орасида истеъмол қилинадир. Масалан, тиришқоқ ва жонқуяр бўлган кишига иккинчи биров ўзини овсарликка солиб «Қўй, нима керак сенга мунча ташвишни! Шукр бир кунинг бўлса ўтиб турибдир; беш кунлик дунёда сен ҳам тинчкина юрсанг-чи!» дейдилар.

Иккинчи устун 20-нчи йўлдан бошлаб 3-нчи устуннинг бешинчи йўлигача бўлган «Муддао мирзабошиларни кўпайтириб, идораларни ерлилашдириш бўлса... илах» кулгулари ёлғиз ўртоқ Охунбобоевнигина эмас, балки бошқа ўртоқлар диққатини ҳам ерлилашдириш ва маданий маъориф ишларига жалб қилиш учун қўлланилгандир.

Маълумки, бизда икки хил зиёлилар бор: 1) Эски, яъни Ўк-табргача бўлган зиёлилар. 2) Янги Шўро зиёлилари. Такрорга ҳожат йўқ: инқилобгача бўлган ва Ўктабрдан кейинги зиёли-

¹ Абдулҳақ – Аллоҳнинг қули.

² Шилталамоқ – айбга, жавобга тортмоқ.

ларни етишдирган омиллар ва шароит ҳаммага маълум. Шунинг учун мен уларни таҳлилига киришмай, мазкур «Муштум» сонидаги зиёлилар ҳақида бўлган кулгулигим устида гапирман:

Учунчи устун 15-нчи йўлдан бошлаб то 35-нчи йўлгача бўлган гаплар мазкур икки хил зиёлиларни текширув мақсадида ёзилгандир. Масалан: «Ўртоқ Акмал Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёнлиларнинг афтига тупургани ҳолда яна нима учундир, «Ҳезлар тавба қилса уларга фирқанинг қучоғи очиқ!» деб қўядир. Дарҳақиқат, ҳезлар тавба қилса ўртоқ Акмал бу тавбага ишонадими, йўқми аммо унга айтадирган гапим бор...». Бу жумлалар зиёлиларни фирқа кўзида тавба қилган бўлуб кўринуб риёкорлик қилмасинлар, тавбаларга қуруқ сўз беришдан иборат бўлмасин мақсадида айтилган. Мундаги ҳарфан кузатилган муддао эрса мундоғ: Эй зиёлилар! Сизлардан баъзи бирларингизнинг яқин мозийдаги камбағаллар ҳукуматига берган зарарларингиз майдонда, бунинг учун меҳнаткашлар афтларингизга туфласалар ҳақлидирлар. Меҳнаткашларнинг қучоғи бизга очиқ экан деб риё билан меҳнаткашлар ишига аралаша кўрмангиз, чунки меҳнаткашнинг ақли-ҳуши бошида, яқин ўткан кунларингиз унинг кўз оқида. Эй ўртоқ Акмал, агар улардан биртаси мазкур риёкор мунофиқлик ҳолатида ишка аралашадирган бўлса, сен бунга ҳозир бўл, эҳтиёт тур! Аммо тавба тўғрисида сенга айтадирган сўзим бор: «Мен ҳар куни Худога тўққуз мартаба осий бўлуб ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман». Яъни бу гапдан мурод, уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавбадан бўлмасин. Бу кунги фирқа олдида қилинадирган тавба тамоман янги, чин маънодаги тавба бўлсин, ҳар куни тўққуз мартаба истиғфор айтиб ўн саккиз мартаба қайтадирган тавбадан меҳнаткашларга фойда йўқ.

«Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир». Бу жумла билан ўша оддий маънода бўлган тавбани инкор қилинадир, яъни тавба қулликдир, бўйин эгиш бандалиқдир, банда эса ҳақиқатка тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу ҳолдаги тавба тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишдир. Тавба, қуллик бу дунёда қилиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин. Ўзинг бир

ҳақиқатка қонмай туруб ва ўзингнинг хатойингга тушунмай туруб фақат ожиздан қилинган тавба тавба эмас; ҳам ўзингни, ҳам ўзгани алдашдир, расволикдир.

«Ўз бутунлиғини сақлай олмаган бошқага енг бўлолмайдир». Бу жумла юқорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорлайдир. Яъни шахсий бутунлиқ, мустақил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиғи бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қилабилиш кучи тополмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ ва чин ағзо бўлолмаслар. Чунки аксар мунофиқлиқ ва майдалиқ ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғандир.

Мени маъюблар¹ курсисига ўтқизган «Йиғинди гаплар» мақоласининг асли кузаткани ва ёзғучисининг мақсади юқорида мазкур шарҳлардан иборатдир. Бундан бошқа маънолар чиқариб, турлик ихтимолларга бориб қайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кеткан эканлар, бу эса кулгуликнинг, айниқса адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир. Шуни ҳам айтиб ўтишни, ёдларинғизга солишни лозим топаманки, кулги мақоладаги мустаор имзо мақоланинг ҳаракатини аксар вақт ўз тарафига буруб юритадир, яъни музҳика ёзғучининг мустаор шахсига лойиқ гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадир. Мақоланинг имзоси Овсар қўйилган, демак, ундаги кўб таъбир, ифодалар овсарона, далиёнадир.² Тентакни тентак тинглайдир, деғанларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётка яқин турған кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладир. Масалан, маним кулгуликда ишлатадирган неча турлик мустаор имзо³, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак махзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзғучининг шахсини тамоман кўролмайсиз, фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз: Калвак махзумни ўқинг: кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаған холис бир маҳалла имомини кўрасиз.

¹ Маъюб – айбдор.

² Дали – тентак, девона.

³ Мустаор – яширин таҳаллус.

Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилик ва фаҳшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанни кўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўқинг ва текширинг, ҳоказо.

Одил судлардан сўрайманким, мен айбланган мақолани, маним устимда турлик шубҳалар туғдирган кулгуликни шу юқорида саналган мезонларга солиб текширилса ва ҳукм берилса экан. Кулгуликда улар айткандек ёмон ният билан яширилган ҳеч бир маъно йўқ. Ҳарна ёзилгани бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-деҳқон манфаати кузатилиб айтилган, ҳукумат кишиларига бўлган гаплар, ўртоқлик ҳазили, шахсий мазохар¹, мунда бошқа гаплар, маънолар бўлса юқорида бир даража теъдод² қилуб ўтдим. Шоҳидлардан Олий Судга мен қораланғучи – қора курсида ўлтурғучининг фақат шахсий адоват орқасида бу ҳолга тушганим яхши онглашилди деб биламан. Шундоғ бўлса ҳам, яна бир даража шоҳидларнинг ўз сўзларидан хулоса ясаб адолатлик судларнинг хотирларига тушуриб ўтаман.

1. Гувоҳлардан ўртоқ Левченконинг сўзига қараганда Ўрта Осиёда сиёсий жиҳатдан юқори ўринни ушлаган ГПУ³ 27-нчи соннинг дунёга чиқарилишига рухсат берган, яъни ГПУнинг рухсат беришидан шу маъно онглашиладирким, маним мазкур сондаги «Йиғинди гаплар» мақолам судларга илмий ва адабий йўлда шарҳлаб берганимдек зарарсиз, нафсониятчилар айткан маънода эмасдир, ҳам шундоғ бўлиши табиий. Йўқса ҳар бир нуқтани эринмай текшириш билан машҳур бўлган сиёсий идора 27-нчи сон «Муштум»нинг дунёга чиқарилишига йўл қўймас ва рухсат бермас эди. Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг, билмадим, қандогдир тарозуларига солиб, зарарлик топишлари эрса ғаразғўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир.

2. Хуршид Шараф маълумки, олган таълимоти бўйинча мени қораламоқчи бўлади. Лекин ўрисларнинг «Бигизни қопда... алх» деган мақолларидек, унинг маним устимда бўлган туҳматлари, бўҳтонлари ўзининг берган жавоблари орасида «манаман» деб қопнинг қорнини ёруб чиқиб турди. Хуршиди тобон деганимиз ўзини жинниликка-тентакликка солиб қара-

¹ Мазохар – ҳазил.

² Теъдод – санаш, ҳисоблаш.

³ ГПУ – Государственное Политическое Управление.

ди. Аммо адолатлик судларнинг тўғри текширишлари ҳақиқатни оча боруб ёлгон шохидни ўбдан довдиратди, алвон ранга киргизди. Мен унинг довдир шаҳодатининг ҳамма нуқталари устида тўхтамайман. Чунки улар муфассал равишда суднинг забтномасига¹ киритилгандир. Аммо шунигина айтиб қўяманким, Хуршид дейдир: «Мирмуҳсин – мен «Бон-бон» деган манзумасини² «Босилмасин» деган эдим» деб айтди. Бу гап билан Хуршид ўртоқ Мирмуҳсиннинг бир ваколатини содиқона адо этмоқчи эди. Бироқ таассуфки, муваффақиятлик чиқмади. Хуршид ўзининг бошқа шаҳодатлари каби – «Мирмуҳсин «Босилмасин» деб резолютсия қўйганда мен қараб турган эдим» деса, эҳтимолки, маним устимга оғир юкни қўюб эгасига содиқ қолган бўлур эди.

3. Зиё Саиднинг ҳақиқатка тескари шаҳодати тўғриси унинг коммунистлик виждонига ҳавола қиламан. Аммо бир неча нуқталари устида тўхтаб олишга мажбурман: «Мухаррирининг хонасига кируб Комил билан Жулқунбойнинг жанжаллари устидан чиқдим», дейдир. «Орада Санжар билан Ғози Юнус ҳам бор эди», дейдир. «Ундан сўнг матбаага тушуб архивни ахтариб юрсам «Бон-бон» манзумаси чиқди, қарасам «Босилмасин. М.» деб имзо қўйилган экан, лекин ўзим Хуршиднинг «Баҳри қадам» мақоласини олиш учун борган эдим», дейдир. Шундан кейин «Бон-бон»ни папкамга солуб идорага олиб бордим, ундан сўнг терговга топширдик», дейдир. Зиё Саиднинг бу сўзи нимани онглатадир? Унинг бу сўзидан шу келиб чиқадиким, ул «Баҳри қадам» мақоласини олиш учун бормаган, балки менга 116-нчи статяни бердириш нияти билан борган. Чунки, қонунан лозим эдики, архивни қараганда ёнига холис кишиларни чақируб текшириш ва акт қилиш. Мана бу томондан ҳам маним устимга ишланган сохтагарлик ўз огзи билан айтуб турадир. Янада Зиё Саиднинг кеча берган жавоби ичидаги – «Муштум»да босилиши мувофиқ кўрилганлиги резолютсия қўйилмаган мақолалар ҳам бўлар эди, – деган сўзи ҳам одил судлар учун шоёни диққатдир.

4. Энди облитнинг саркотиби ўртоқ Милков устида тўхтаман. Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса «эҳ» дейдирган йигит эмасман. Муқаддимадаги сўзимда айтдим: Мен ўша кун мат-

¹ Забтнома – протокол.

² Манзума – шеъринг асар.

баага тушганимда ёлгиз «Йиғинди гаплар»дагина эмас, балки бошқа материалларда ҳам облитнинг штампаси йўқ эди. Энди бугун ҳайрон қоламан, бундаги штампалар қаёқдан келди ёки бунда ҳам маним устимга бир юк ортмоқчи эдиларми? Ўртоқнинг дабба жавобидан маълум бўладирким, бу орада ҳам бир найранг қурмоқчи бўлганга, ишни чалкаштируб, маним бошимни қотириб, довдиратмоқчига ўхшайдилар. Дарҳақиқат, гап шундай бўлмаса, облит деган масъул бир ўринда ўлтурувчи ўфил боланинг жавобига қаранг: эмиш фирқа ўргани бўлгани учун «Муштум»нинг материаллари текширилмасдан устига штамп босилиб берилар экан. Бу ҳолда журнални облитнинг рухсатисиз чиқарабериш лозим бўлмасмиди? Ҳар бир саҳифа материалга штамп босишнинг нима ҳожати ва карточка ёзишнинг қандай зарурати бор эди? Бу масала жуда муаммо. Тузук, облитнинг рухсати, яъни штампаси бўлиши маним учун зарарлик эмас, лекин ўзим матбаада материални кўрган чоғимда штамп йўқ эди.

* * *

Мен қайси йилда ва қайси ойда тугилганимни билмайман. Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечиргучи бир оилада туғилуб, яқинларимнинг сўзларига қараганда, мустабид Некалайнинг тахтка ўлтурган йилда туғилганман. Бошида бой оилада туғилдимми ёки камбағал оиладами, албатта, билмадим. Аммо ёшим 7-8 га етгач, қорним ошқа тўймағанидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин богнинг ёзда етиштируб берадирган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келуб, боғ мевалари офатка учраб қолса, биз ҳам очликқа дуч келуб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз. Ёшим тўққуз-ўнларга боргандан сўнг мени мактабга юбордилар. Мактабда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқуб, кейинги вақтларда оиламизнинг ниҳоятда қашшоқлик кечиргани важҳидан ўн икки ёшимда мени бир бойга хизматчиликка бердилар. Хўжайиним ўзи савдогар киши бўлуб, ўрисча ёзув-чизув биладурган одамга муҳтож эди. Шу тамаъда бўлса керак, мени ўрис мактабига (русско-туземная школа) юборди. Мактабдан қайтиб келгандан сўнгра хўжайинимнинг хизматини қилуб юганим учун мактабдан тегишлик истеъфодани ололмадим; икки йил мундоғ хизматда

юруб, чидай олмасдан отам-онамга ёлворуб, ўз уйимга қайтуб келдим. Ва ўз уйимдан боруб ҳалиги мактабда ўқуб юрдим. Акам дурадгорлик, яъни тоқичилик қилур эди. Уйга келгач, мактабдан бўшаган кезларимда тоқичилик хунарига ўргата бошлади. Икки-уч йил чамаси шу тоқичилик ва боғ ишлари билан бўлуб юрдим. 1912-нчи йилда мануфактур билан савдо қилғувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига прикашчик бўлуб кирдим. Ва шул хўжайинда 1915-нчи йилгача хизматда бўлдим. Шу миёналарда бозор воситаси билан татарлардан чиқадирган газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлигига имон келтурдим. 1913-нчи йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзуб юриш фикри уйғонди.

Идорадагилар билан танишлигим бўлмагани учунми ёки ёзган гапларим маъносиз бўлгани учунми, кўпинча «Идорадан жавоб» билан мени мамнун қилар эдилар. 1913-нчи йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куяв» деган театр китобини ёзуб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915-нчи йилда). Яна шу йилда татарларда чиқиб турган ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзуб, ношир топилмаганидан, ўзим нашр қилуб юбордим. Энди чин мусанниф¹ бўлдим-ов, деб қувонар эдим.

1915-нчи йилда (прикашчик бўлганимнинг учунчи-тўртинчи йиллари) хўжайинимнинг иши тўхтаб, дўконига печат тушди. Шунинг билан маним прикашчилик тақдирим ҳал қилинуб, уйга қайтдим. Яна акам билан эски тоқичилик касбимга киришиб, ҳар кимларнинг эшигида кунлик ишлаб юрдим. Киш кириб, дурадгорлик иши тўхталгандан кейин мадрасага ўқушга кирдим. Бир киш мадрасада ўқуб, кўклам чиққач, яна тоқичиликка кетдим. Шу ҳолда 1917-нчи йил феврал инқилоби етди. Некалай тахтдан йиқилгандан кейин оддий халқ милитсиясига кўнгилли бўлуб ёзилдим. Шу хизматда бир ой чамаси турганимдан сўнг, Тошкент Эски шаҳарида очилган «Озиқ комитети»га мирза бўлиб кирдим. Шу чоққача мен ўзимда бирорта сиёсий фирқага мансубият ёки яқинлик ҳис этмас эдим. Бу эрса менда асослик маълумот йўқлигидан, яна тўғриси саводсиз авомлигимдан келар эди. Некалайнинг тахтдан йиқилиб хуррият бўлганига хурсандлигим, албатта, дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табиий

¹ Мусанниф – ёзувчи.

эди. Айниқса 1916-нчи йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибодда нафрат менда ҳам кучлик эди. Феврал инқилобидан кейин «учредительный собрания» бўлар эмиш, деган гап чиқди. Ўзимиздан бўлса «Турон жамияти», «Турк адам марказият», «Мухторият», «Уламо жамияти», «Шўрои ислом» деган муаммолар туғулиб, миям шишди. Кўнгилли милитсия бўлуб юрганимда «Турон»га аъзо бўлуб юрган эдим. Аммо «Озуқа комитети»га хизматка киргач, мени «Турон» аъзолиғидан чиқарганлар эмиш, деб эшиткан эдим. «Хўб» дедим ҳам юра бердим.

Шу вақтларда матбуотда Русиядаги сиёсий фирқалардан «социал-демўкрат», «социал-револуционер», «кадет», «интернационалист» сўзлари сўзланиб турар эди. Айтиб ўтишим керакки, ҳалиги сиёсий исмларга газета ўқуйдирган бўлганимдан бери таниш бўлсам ҳам уларнинг чин маъноларига тушуна олмас эдим. Чунки бизнинг ўзбекчада ва на татарчада бу сиёсий фирқаларнинг йўлларига оид ҳеч бир ўқуйдирган асар йўқ эди. Феврал инқилобидан кейин газеталарда ўртоқ Ленин исми ва «большевик» деган гаплар чиқа бошлади. Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман социализм маслакидан тублик маълумотка эга бўлган киши йўқ бўлса ҳам эҳтимолки, битта-яримта бўлгандир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-деҳқонларидан ва бу кунги масъул ва гайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман: яъни мен ҳам ул вақтларда большевикларга бир онғсиз ишчи ёки деҳқон ва бир мутаассиб мулла ёхуд имомдан ортиқ баҳо бера олмас эдим. Буюк Ўктябр инқилобини ҳам шу йўсун онғсиз миллат ичида қаршиладим. Ўктябр инқилобидан сўнг ўртоқ Исмоил Обидов билан танишдим. Ул инқилобдан кейин доҳилия комиссарига ўринбосар тайинланган ва Эски шаҳар ўзбек ишчи-меҳнаткашларини уюштиришда раҳбарлик қилар эди. Унинг илан танишганим менга қўб фойда берди, чунончи: большевик ва бошқа сиёсий фирқаларнинг йўллари билан ошнолашдим ва унинг таклифига мувофиқ Эски шаҳар ишчилари орасида бел боғлаб ишлашқа киришдим. Ул вақтларда Тошкандда биринчи уюшкан ишчилар – бинокорлар бўлиб, агар мен зиёли ҳисоблансам, уларнинг орасида ишлай бошлаган бир зиёли фақат менгина эдим.

Буни ҳозирги вақтда Марказий Ижроқўм раисининг муовини ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев яхши биладир. Исмоил Обидовга¹ мирза бўлуб, уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотка чақириб, тарғибномалар ёза бошладим. Уларнинг баъзиси ўшал вақтдаги «Улуғ Туркистон» газетасида ва баъзиси варақа равишда босилуб, тарқатилар эди. Мундан бошқа Эски шаҳарда янги уюшдирила бошлаган касаба союзларининг ҳар бирини янги очишда саркотиб тариқасида иштирок этар ва уларга қўлимдан келгани қадар раҳбарлик қилар эдим.

1918-нчи йилнинг бошларида «Эски шаҳар озиқ комитети»ни бойлар қўлидан олинуб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев таъйин қилинган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблиғига кирдим. 1919-нчи йилнинг аввалларида «Озиқ комитети» исмидан чиқарилмоқчи бўлган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлуб таъйинландим. 1920-нчи йилда касабалар шўросиға саркотиб бўлуб кирдим ва Эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақолалар ёзуб турдим. Шу кунгача шўро идораларида қилган хизматларимни бирма-бир санаб ўлтуриш узоққа чўзиладирган бўлганлиқдан, мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «Рўста» деворий газетасида мухбир бўлуб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник, собиқ Туркистон марказий фирқа қўмитасининг ташвиқот бўлимидан чиқадирган «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва сотрудник бўлуб, ҳам «Муштум» журналининг муанниси ва таҳририят аъзоси бўлуб, то 1924-нчи йилгача меҳнаткашлар манфаатиға холис ишлаб келдим. Шу ўткан етти йил орасида шўролар ҳукумати ва фирқадан бир оғиз танбия² олмадим. Хулоса, бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит бўлса, маним хизматларим матбуот билан равшандир. Ва хизматим инқилобий «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳар бир аъзосиға маълумдир. Ишчи-деҳқонлар ёзган асарларимни сўйиниб ўқуйдилар ва мени ёзғучилар қаториға киргиздилар ва ҳамон ўқурлар ва унутмаслар. Чунки мен

¹ Ислом Обидий – татар инқилобчиси (1881, Гунча – 1937, Москва). 1905 йилда Тошкентга келган. 1906 йилда «Тараққий» газетасида муҳаррирлик қилган. 1918 йилда Туркистон АССР комиссари бўлиб ишлаган. 1920–1937-йилларда Тошкент ва Москвада яшаган. 1937 йилда ҳибсга олиниб, отувга ҳукм қилинган.

² Танбия – огоҳлантириш.

уларнинг ўз ичларидан чиққан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгучи, бунинг устига Улуғ Ўктябр инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишкан бир ходимлари эдим. Мени бойлар, эшонлар, уламолар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сирларини очқучи душманлари эдимки, буларни ҳам сўзлаб ўлтурушка ҳожат йўқ, ҳақиқат майдонда.

Шу хизматларимни, албатта, осонлиқ билан майдонга қўй-мадим. 1917-нчи йил билан 1923-нчи йил ораларини хотирингизга олингиз. Мамлакатда рўзғор бузғунлиғи, босмачилиқ, очлиқ ва бошқа хароботлар.

Ишчилар ҳукуматига хизмат қилишда оилам билан оғир, фожиъ, очлиқ кунларини кечирришга тўғри келди. Оладирған маошим менга қарашлиқ тарбиямдаги етти-саккиз жоннинг озиғиға етмас эди. Лекин озодлиқ йўлида ҳар қандай оғирлиққа ҳам чидаб, муқаддас хизматимни ҳамиша давом этдира бердим. Бас, шу ҳолда мантиқ қолипига солиб муҳокама қилинсин, меҳнаткашларнинг заиф ва ҳар бир жиҳатдан нуқсонлик бўлган кунларида улар ёнида собит қолуб, бу кун меҳнаткашнинг гуллай бошлаған даврида тескаричилик кўчасига кирсинми? Бойлар, уламолар, чўнтакчи хоин ва ўғрилар, умуман, Ўзбекистон тескаричиларига қарши матбуот майдонида жиҳоди акбар эълон қилуб, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлашдирған бир киши шўролар ҳукуматининг айна гуллаған кезида зиёнли деб топилсинми?

Балки мени фирқасизликда айблагучилар, ўзинг меҳнаткаш, деҳқоннинг дардига шунчалик яқин бўла туриб нега фирқага кирмадинг, дегучилар ҳам бўлур. Бу ҳақли гап, дарҳақиқат, мен мунда айбликман, чунки маним табиъатимда фардликка¹ яқин бир хусусият бор эди. Фирқанинғ интизомига бўйсунма олмаслиғимдан қўрқар эдим. Аммо ўзим гоё ва иш эътибори билан чин коммунист эдим.

Ўктябр кундан-кунга ўсти. Унинг ўсиши баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсти. Юқорида ҳам айтиб ўтдим. Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидағи чала-чулпа гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлиғим ўзимга қаттиқ ҳис этила

¹ Фардлик – ёлғизлик.

бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924-нчи йилда хизматимдан жавоб олуб, Масковга ўқушга кетдим. Мақсадим, уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди. Масковдан 1925-нчи йилнинг июн ойида ёзги таътилга Тошкантга қайтдим. 1925–26-нчи йилнинг таҳсиллиги Масковга бораман, деб тайёрланган вақтимда Алимов мени олиб қолди. Алимовнинг мени олиб қолишининг сабаби шўлки, ул маним қандай киши эканлигимни яхши билар эди. Чунки бултур мен унинг билан Масковда олти ой бир ҳужрада яшаганман ва маним қандай йигит эканимни ул яхши синаган эди. Биринчи ноябрда бўлса керак, «Муштум» хизматига киришканман ва тўрт ой ишлаганимда мени тамом ҳайратда қўйган маълум арзиманган гап билан қамоққа олиндим.

Қисқача таржимаи ҳолимни баён этиб, сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиман: мақолани зарарсиз ва журналга мувофиқ топиб босишга рухсат бергучи Комилнинг ўзи эди. Бу кун ўз лавзидан қайтуб виждони олдида қиб-қизил ажива бўлгучи, мени қоралагучи ва устимга бошқа бўҳтонларни тақигучи ҳам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлган ҳақсиз ҳужумлар, онглашилмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили ҳам шубҳасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди...

Сўзимнинг охирида ўзимнинг асли ғоя ва маслагим билан ҳам ҳозиримни қисқача таништириб қўяйин: мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадирган жазоингиздан қўрқуб эмас, балки виждоним, имоним тазйиқи остида сўзлайман. Лекин бу озодликдаги чин курашчилар лавзсиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасидан бахт куткучи майда кишилар бўлолмаслар, аммо ўртоқ Лениннинг соғлом, улуғ, ғазовотсиз¹, гидирсиз йўлига томон холис ниятда бел боғлагучи қаҳрамонларгина бўлурлар. Маним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб Марксдан илҳомландим.

Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: гарчи мен турлик бўҳтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам онглашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқланмайдирган бўлуб қораландим. Лоақал

¹ Ғазовот - уруш; босқинчилик.

уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлган жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонлик йигитка бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўркунч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман.»

Суд уч кун (1926 йил 15, 16, 17 июн) давом этиб, охири Қодирий устидан икки йил қамокқа ҳукм чиқарилади. Бироқ суд ҳукм чиқаради-ку, ўзи (Олий Суд) шу куниёқ Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетига Қодирийни озод қилиб юбориш тўғрисида илтимоснома (ходатайство) ёзади. Марказий Ижроия Комитети Президиуми шу куниёқ (17 июн) мажлис чақириб, шундай қарор чиқаради:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси
Марказий Ижроия Комитетининг Президиум мажлиси
1926 йил июн, Самарқанд шаҳри.

Мажлисга (опросом) Президиум аъзолари: Охунбобоев, Биксон, Ғозиев, Волик, Иванов, Қосимхўжаев, Раҳимий, Строгонов, Челогозов, Ўзбекистон Олий Судидан Қосимов ўртоқлар иштирок этдилар.

Қосимхўжаев раислик, Раҳимий котиблик қилди.

Эшитилди: Ўзбекистон ССР Олий Суди шу йил 15-16 июнда суд қилиниб, икки йилга озодликдан маҳрум этилган Абдулла Қодирий қамок муддатини ўтамай, озод қилиб юборилишини сўрайди.

Қарор қилинди: Ўзбекистон Олий Судининг илтимоси қондирилсин. Икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Абдулла Қодирий қамок муддатини ўтамай, озод қилинсин.

Раис: Қосимхўжаев.

Котиб: Раҳимий».

Шундай қилиб, Абдулла Қодирий 1926 йилнинг 18 июнида эркинликка чиқадилар. 20 июнда Акбархўжа амаки билан Самарқанддан келадилар.

Ёдимда, биз боғда яшардик. Ҳовлида юрсам, кимдир «Абдулла ака келдилар!» деб қичқирди. Кўчага югуриб чиқдим. Дадам ва Акбархўжа амакилар эшик олдида извошдан тушар эдилар... Уйимиз севинчга тўлди. Бир неча кун уйимиздан меҳмонлар аримади. Кўп кун ўтмай дадам мулла Зайниддин амаки билан Қирғизистонга Арашон (Иссиқ ота) курортига жўнаб кетдилар.

Кейинги чоқларда мулла Зайниддин амаки¹ билан суҳбатлашиб билишимча, Қодирийнинг озод қилиб ҳибсдан тез чиқариб юборилишларига Охунбобоевнинг ўзи ҳам бош қўшган. «Жулқунбой ҳазил қилган, таҳсил кўрмаганман, ўқишим керак, жавобгар қилманглар уни», дейди. Бу сўзларни гарчи «биров» гапирса ҳам, менимча, ишончли гап кўринади. Чунки, Охунбобоев арбоб эди. Арбоб кибирсиз, адоватсиз, гина-қудратсиз, ҳасадсиз, ҳар бир ишга (гарчи ўз шахсига тегишли бўлса ҳам) ҳаққоний баҳо берувчи одил кимса бўлмоқлиги қадимлардан айтиб келинади. Зеро бу сифат-хислатлар арбобни янада улугвор, халқ эътиборига сазовор қилади. Ахир, Охунбобоев отанинг халқ тарафидан ҳамиша севилиб келиши ҳам шундан эмасми? Ота, дарҳақиқат: «Мени танқид қилдинг», деб Қодирийга гина-адоват сақламайди. Улар, баъзи хотираларимда ёзганимдек, сўнгги чоқларга қадар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўладилар.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Қодирийнинг баъзи асарлари (айниқса фельетонлари) Ғарб услубида, яъни мураккаб-истеҳзо, истиора, киноя, чистон йўсинида ёзилган. Шунинг учун ёзувчининг мақсадини дарҳол тушуниб етиш ўқувчига қийинроқ кўчади. Ғози Юнус ҳам «Танқидми, тош отиш» мақоласида Жулқунбойга: «Санинг қайси бир ёзганларингга ишчи-деҳқон тушунадир?» деб киноя, муболага қилади. Қодирийнинг ўзлари, юқорида бу эътирозга:

«Баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кеткан эканлар, бу кулгуликнинг, айниқса, адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир», деб изоҳ бердилар. Бу ўринда Қодирийнинг Сотти Ҳусайнга жавоб мақолаларидаги шу сўзлар ҳам диққатга сазовор: «...Чойхонада ўлтирган таниш бир деҳқон, мулла ака, шу Кумуш бибини хўб

¹ Мулла Зайниддин амаки 1970-йилда тўқсон ёшлардан ошиб вафот этди. Бу киши ҳақида юқорида сўз бўлди.

ёзгансиз-ку, бироқ, бу, баъзи ерида гапини худди чови аралаш ушлайсиз-да, тушуниб олгунча энка-тенкамиз чиқади-да!»...

Бу келтирмалардан муддао шундаки, Қодирий кулгулик приёмларида ўз даври ўқувчилари савиясидан анча илгарилаб кетганлар ва шу боисдан баъзи кулги асарлари ўқувчиларда (хатто баъзи ҳозирги кун ўқувчиларида ҳам) тушунмовчиликлар ва турлича маъно-мулоҳазалар туғдириб келади.

* * *

Қодирий «Муштум» журналида асосан уч-тўрт йилгина ишлайдилар, иштирок этадилар. Аммо шу кичик бир давр ичида амалий ва назарий жиҳатдан «Муштум» тарихида ўчмас из қолдирдилар. Албатта, бундай сўзларни айтиш балки менга мувофиқ эмасдир. Лекин айтсам-да, айтмасам-да, ҳақиқат шундай. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Мақолалари ўзига хос, мазмундор, пишиқ, юксак даражада бадий ва сермахсул. Етти ухлаб-да тушга кирмаган, тасаввур этилмаган гўзал, равон жумлалар, иборалар, сўзлар, ўхшатишлар ва яна аллақанча ибрат, чистон, киноя, мутоябалар у киши қалами тагидан гўё қайнарбулоқ каби тўхтовсиз, осон чиқаверар ва тезликда қоғозга тушаверар эди.

Дадам жисмоний меҳнатда ҳам, ақлий ишда ҳам ва хатто, айтганимдек, ёзишда ҳам жуда тезкор эдилар. У кишининг яшаш шиорлари шу эди: доим ишлаш, интилиш, нимадир янгилик кашф қилиш, жамият билан баробар қадам ташлаш, ўтириб қолмаслик... *«Кундан-кунга замон ўзгарадир, ишлар янгарадир. Матбуот саҳифаси ва адабиёт саҳифаларигагина, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига чурук-чориқ, латта-путта ёзганлар раҳмсиз суратда супурилиб, аксар кунлари жувоз ҳайдашга қоладир»*, дейдилар Қодирий сусткаш, тебранмас, ортда қолган қалам-кашларни «Ўжар кўр» мақолаларида танқид қилиб.

Бир хотира ёдимга тушиб кетди: 1930 йилларнинг бошлари, коллективлаштириш ва қулоқ қилиш кампанияларининг авжи қизғин давлари эди. Самарқанд дарбоза маҳалламиз фаоллари иккига бўлиниб, гуруҳбозлик бошланиб кетди. Бир гуруҳи ҳақиқатчилар, иккинчи гуруҳи эса Самарқанд дарбоза мавзеининг «катта»лари бўлиб олиб, безорилик, беданабозлик, порахўрлик, жамоат мулкани талон-торож қилиш, атроф колхоз

аъзолари ўртасида игво тарқатиш, колхозларни бузиш билан шуғулланувчилар...

Албатта, Қодирий бу ишларга аралашмас, уларнинг бундай хатти-ҳаракатини орқаваротдан эшитиб ранжир эдилар. Ниҳоят, «катта»лар (улар ўқимаган, ҳатто саводсиз, билимсиз кишилар эди) ўз жиноятларини хаспўшлаш учун ҳалиги ҳақиқатчилар устидан тухмат уюштирадилар. Бироқ, барибир, иш чаппасига айланади, «катта»ларнинг сир-жиноятлари очилади. 1935 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Олий Судиининг Сайёр хайъати Самарқанд дарбоза маҳалласининг чойхонасида уларни очиқ суд қилди ва ҳаммалари қилмишларига яраша жазо олдилар. Шундан сўнг Қодирий ҳалиги ҳақиқатчиларнинг илтимоси билан «Қизил Ўзбекистон» газетасига «катта»лар ҳақида «Қўрққан олдин мушт кўтарар» номли кичкина бир фельетон ёзадилар...

Ёз эди. Бир кун кечки пайт ош дамладик-да, Раҳимберди амакимни таомга таклиф қилдик. (Дадам, тансиқроқ овқат пиширилганда амакимни, албатта, таомга таклиф қилар эдилар.) Таом чогида амаким дедилар:

- Фалончини¹ газетага ёзибсан, укалари айтишяпти...
- Нима дейишяпти, номаъқул эмишми? – дедилар дадам.
- Маъқулми, йўқми... ҳар ҳолда, бир ернинг одамимиз-да... кўнгилларига олган кўринишади...

– Мен уларни газетага суддан кейин ёздим. Бундан уларнинг гуноҳи огирлашмайди ҳам, енгиллашмайди ҳам. Фақат ўзгаларга бир ибрат бўлди, холос, – дедилар ош ошаб дадам, – асли ўзи бу жиноятчиларни уч-тўрт йил бурун танқид қилиш, газетага ёзиш керак эди. Бир ернинг одамимиз деб, айбини яшириб ўзи катта хато қилганмиз, ака.

– Нима хато?

– Шайх Саъдий айтади: чуқурликдан сизиб чиққан сувни бир тош билан бекитиш мумкин. Бироқ сен бекитмадинг, вақт ўтди, сизган сувдан аста кўл ҳосил бўлди. Уни энди бир тош эмас, фил билан ҳам бекита олмайсан... Шунга ўхшаш, агар хатоларини вақтида кўрсатиб танқид қилинганда эди, улар бу қадар жиноятлар содир қилмас, жамоат мулки ҳам соврилмас, ўзлари ҳам балки зарарсиз қутулган бўлар эдилар...

Албатта, танқиднинг ҳам ўз қонун-қоидаси, назарияси, хиллари, турлари ва шарт-шароитлари бор. Қодирий танқид-

¹ Бу киши вафот этиб кетган бўлса ҳам номини (умуман, ўша жиноятчиларнинг номларини) очиқ кўрсатишни мувофиқ кўрмадик.

чилик хусусида кўп асарлар ёзганлар, фикр-мулоҳазалар юритганлар. Чунончи, у киши дейдилар:

«Адабиёт дунёсида икки турлик танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузаткан нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам, аммо кўпинча авомга мажҳулроқ бўлиб ўтади. Айтиш мумкинки, жиддий танқид баҳс қилинган масаланинг ўз аҳлига, яъни юқори табақа зиёлиларга махсус кабир. Ундан сўнг жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчакига кириб юриш учун ҳам таназзул¹ этолмайди. Бу жиҳат билан қаралса-да, у оммавийлик хусусиятидан йироқдир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлган (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўладир. Чунки кулки танқид-турмуш бўлиб учқучи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизғанч² манфур, музир³ ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгулик унсури авомнинг маҳбуби, тағин тўғриси, унинг ўз ижодидир.

Бир миллатнинг ҳар бир соҳада туткан мавқеъи маданиятидаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвиётдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгулик даҳоси аксар ўшал қавмнинг интибоҳ тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес ва Россияда – Гоголлар каби. Чунки даҳоларни етиштиргучи бош омил бузуқ шароит эди.

Бизнинг кулгулигимизнинг ўз олдиға бирмунча тарихи бўлса ҳам, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чин негизини ҳали сола олган эмас. Зеро, Ўктабр ижтимоий инқилобининг туртуғи бизни интибоҳ кўчасига томон уйқусиратти. Онадан туғма турлик соҳаларда иш кўра бошладиқ. Шунинг учун-да, биз бу кунги ҳажвиётимизда кескинлик кўролмаймиз.

«Машраб» ва «Муштум» каби кулки мажмуаларимиз ҳажвиётда унча чуқурлаша олмайдилар. Бироқ шуни айтиш керакким, улар бу асоснинг кетмонини чопқучи ва истиқбол ҳажвқашларининг ундовчисидирлар... »

¹Таназзул – тушмоқ; кирмоқ.

²Қизғанч – аянчли.

³Музир – зарарли.

Қодирий юқоридаги мақолаларида гўё ҳажвиёт тарихи, танқидчилик назарияси, даҳолари, ўзбек ҳажвиётининг аҳволи, ютуқ-камчиликлари, тараққиёт умидлари тўғрилигида фикр юритсалар, қуйидаги мақолаларида эса ҳажвчилик сирлари, танқидчилик шартлари, кулги йўллари хусусларида сўзлаб, қаламкашларга ўғит берадилар, ўз асарларидан мисол келтириб таҳлил қиладилар, ёзишғучиларни «Муштум»да янада фаолроқ қатнашиб туришга даъват этадилар:

«Муштум» ўзининг ёзишғучиларининг самимиятини, дардини яхши биладир, – дейдилар Қодирий. – Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса биз подачини қўлида калтаги билан кўрмас эдик.

Биз бу ўринда шу самимий йўлдошларимизга, қўлдошларимизга бир-икки оғиз гап сотмоқчи бўламиз: сиз бир муҳитда яшайсиз, яъни қишлоқда, шаҳарда ёки кўйда¹. Шу ўзингиз яшаган муҳитда, шубҳасиз, дағаллик бор, қўполлик бор, қинғирлик бор, қийишқлик бор. Шу аносири арбаъдан² қайси бўлса-бўлсин мутаоқиба³ сизнинг ижтимоий руҳингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйғотмай қўймайдир. Албатта, шу вақт «Муштум»ни жўплаб қўлингизга қалам оласиз. Аммо шу қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир; шошмаслик керак. «Шошкан қиз эрга ёлчимас» мақолини балки эшитканингиз бордир. Ўн карра ўлчаб, бир мартаба кесмак яхши.

1. Сиз олган мавзуну ижтимоий ва сиёсий манфаати;

2. Қош қўйиб, эвазига кўз чиқармайсизми;

3. Масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми... Бу жиҳатдан қаноатингиз том бўлса, энди навбат қаламникидир...

«Ёзишғучиларимизга» мақоласи.
«Муштум», 1925 йил, 17-сон.

ТАХАЛЛУСЛАР

Тахаллус бу кўпинча ёзувчи-журналистларга хосдир. Уни халқ тўқиб қўймайди, ёзувчининг ўзи танлаб олади. Тахаллус

¹ Қўй – кўча.

² Аносири арбаъ – тўрт унсур: ер, сув, ҳаво, ўт. Бу ерда: олдинги жумлада санаб ўтилган сифатлар назарда тутиляпти.

³ Мутаоқиба – кетма-кет.

икки хил: очик (яъни халққа маълум) ва яширин (мустаор та-халлус) бўлиши мумкин. Тахаллус билан ёзиш, айниқса, муста-ор имзо ишлатиш нега керак бўлган, сабаби нима?

Қодирий таржимаи ҳолларида: *«Мени бойлар, эшонлар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сир-ларини очувчи душманлари эдим...»* деб ёзадилар... 1923 йили «Туркистон» газетасида босилган «Хусусий мактублардан» номли ҳажвий мақолаларида шундай дейдилар:

«Каминалари хусусий кабинетларида ўлтуриб, янгигина поч-талон томонидан топширилган дўст-душман мактубларини ўқиб, гоҳ кулар эдилар, гоҳ йиғлар эдилар. Мана дўст-душман мактубларидан бир неча нусха:

«Оғзингга қораб юр! Кечаги газетада мен ҳақимда алжиган-нингни бу галча бола-чақанг ҳурматига кечирдим. Йўқса, битта каллакесарга заказ берилган эди... (имзо)»

Жавоб:

– Ўзим ҳам жондан тўйиб юрибман...

Жулқунбой».

«Муштум» журналининг у пайтлардаги вазифаси хийла му-раккаб, ўзига хос нозик бўлган. Журнал асосан омма орасидаги салбий унсурлар билан курашмоғи керак эди. Улар ҳали кучли, осонлик билан таслим бўлмас, ўз «душманлари» муштумчи-ларга ҳар қадамда шикаст беришдан тоймас, ҳатто «Муштум» ўқувчиларига ҳам ҳужум қилиб, тинч қўймас эдилар.

Асомиддин тоғамдан эшитган шундай бир ҳолни эслайман: Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида таниқли бир фатвочи домла бўларди¹. Шу домлани Қодирий 1924 йили «Муштум»да Калвак махзум тилидан нозик ҳажв қилиб ўтади...

Мақола босилиб чиққач, домланинг ўзи бир нарса демаса ҳам ўғли бизнинг эшикка келиб, «Отамни нега танқид қилдин-гиз», деб даъво қилади...

«Муштум»нинг 1924 йил 23-сонида «Истинжо латталар»² ҳам «Муштум»га қарши қўзғалди» номли имзосиз мақолада шундай дейилади:

«Тошканднинг эски, хасис, мурдор бойларидан машҳур Беш-бола бойлар бор-ку... Улар жуда ҳозир чулдираб юрубдирлар. Уларнинг қиладирған иши йўқми, билмадим, кимнинг қўлида

¹ Бу кишининг исмини очик айтиш мувофиқ кўрилмади.

² Истинжо. Ҳожатхона... У чоғларда «Муштум» муаллифлари баъзан шун-дай «пардасиз» сўзларни ҳам ишлатганлар.

«Муштум» журнали кўрсалар, қутурған итдак кўзлари чақнаб, муштлаша кетар эканлар. Яқинда Бешбола бойлардан Исмоилбой Абдулкарим ўғли дегани «Муштум» ўқувчи бир комсомолни сўкиб-сўкиб, ҳаттоки коммунистларнинг ҳам гўрига ғиш қалаб сўкибдир. У киши «Муштум»нинг бойлар билан курашишига қарши эмишлар. Яқинда «Муштум» ўқуғани учун бир коммунистни уч кишилашиб бўғиб турганларида бир неча ўруслар билиб қолиб, аранг ҳалиги бечорани қутулдируб олганлар; бўлмаса қараб туруб ўртоқнинг жойи жаҳаннамда бўлган экан.

Почча! Сизни деб бошқалар ўлиб кетмасунлар, тағин!

Муштум: Нимани? Бу мазорнинг ҳалими эмас. Ҳозирғи замоннинг аталаси Бешбола бойларнинг тишини синдирадир. Жудаям у аҳмоқлар чучварани хомида санамасинлар».

1925 йилнинг 27 ноябрь сонида «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Газетачи» имзоси билан босилган «Мухбирлар устида» номли мақолада бундай дейилади:

«Сўнг вақтларда мухбирлар устида ҳужумлар, дўқлар, ҳатто уларга суд ва ҳукмлар давом этмоқдадир. Русияда бўлса, уч-тўрт йилдан бери қизғин суратда мухбирларга ҳужум авж олиб, ўлдиришлар ҳам бўлиб туради. Бизда бўлса, мухбирлар ҳаракатининг кучайган сўнгги икки йил ичиндадир. Бу икки йил ичинда кўп мухбирларга таҳдидлар, қўрқитишлар, ҳатто суд қилиб ҳукм қилдиришлар бўлиб ўтди. Бу ҳол мухбирлик вазифасини қандай оғир ва масъулиятлик эканини кўрсатадир. Бу қийин бир вазифани тўғри адо қилмовчиларга ҳам шўролар ҳукуматининг тегишли жазо қонуни бордир. Бироқ бизнинг Ўзбекистонда мухбирларни мудофаа иши жуда суст, уларни биргина газета идорасидан ташқари мудофаачиси йўқ. Бу ҳол бизнинг энг катта камчиликларимиздан бири ҳисобланади. Мухбирлар ичида лаёқатсиз ва ўзининг шахсий душманлиги учун бошқаларнинг оёғидан тортувчи мухбирлар ҳам йўқ эмас, бор...»

Юқорида келтирилган мисол-ибратлар ёзувчи, журналист, мухбирларнинг ўз даврида қандай мушкулот, таҳлика остида ишлаганларини, душманларга қарши қай вазиятда кураш олиб борганларини яна бир бор кўрсатади. Бинобарин, «Муштум» ўз ёзишғучиларини эҳтиётлаш борасида тадбирлар ҳам кўради. Масалан, «Ёзишғучиларимизга қўлланма» номли бир мақолада (1924 йил, 11-сон) бундай дейилади:

«Бугундан кейин «Муштум»га ёзувчилар қуйидаги қоидаларни асос тутсинлар:

1. Ёзган нарсаларини ойнаксиз ўқишга мумкин бўлсин.

2. Мақолага асло жиддий имзо қўйилмасин, лекин исм, фамилияси, адреси мақола ёзилган қоғознинг остига ёзилсин. Алоҳида қоғозга ёзишнинг эҳтиёжи йўқдир.

3. Ёзилган ҳар бир нарса тўғри ва шахсиятдан холи бўлиб, сувдан чиққан келиндек тиниқ бўлсин.

4. Агар бирор кишининг ёзган нарсасида қитти шахсият иси келса, у нарсани бошдан уч қатла айлантириб ерга урушга «Муштум» идораси ҳақлидир. Бундай бўлганда меҳнатингиз зоеъ бўлур.

5. Адрес: «Туркистон» газетаси бошқармасида «Муштум» идораси, деб кўрсатилсин, алоҳида шахслар отига ёзилмасин.

Бу қонунга итоат қилмовчилар «Муштум» идорасининг мажбурий қарорига итоат қилмаган ҳисобланиб, ишлари илгари босмайдир. Бундай бўлгандан кейин қилинган шикоятларни «Муштум» идораси қабул қилмайди».

Бу юқоридаги маълумотлардан мустаор имзо ишлатишнинг нега зарур бўлганлиги маълум бўлган бўлса керак. Энди Қодирийнинг ўзига хос таҳаллуслари борасида озгина сўз юритамиз.

У кишига хос таҳаллуслар ҳақида бирон ерда рўйхат ёки фалон таҳаллус фалончиниқи, деган маълумот қолмаган. Бинобарин, таҳаллусларни белгилашда, аниқлашда қуйидаги шарт-асосларга таянилди: бир қисми менга ёшлиқдан таниш, бир қисмини ўша давр матбуотчиларидан сўраб (бундай сўраб билиш ҳам унча ишончли эмас, чунки мустаор таҳаллус шу қадар махфий тутилганки, уни ҳатто редакция ходимлари ҳам билвермаган, фақат муаллиф, муҳаррир ва таҳрир қилувчигина билган бўлиши мумкин) ва баъзиларини ўша давр матбуотини синчиклаб ўқилганда Қодирий ўзлари ёки бошқа муаллиф ёзган мақолаларда, маълум таҳаллуснинг ўша кишиники эканлигига шама қилингани сезилиб туради. Бундан ҳам ишончлироқ аниқлашнинг мезони эса бу Қодирийнинг ўзларига хос ёзиш услубларидир: фикрлар қуюқ, теран, жумлалар равон, мухтасар, ортиқча гап-сўз йўқ, мақсад аниқ, ўқувчи асло зерикмайди, гўё кўнгилдагини топиб ёзилгандай завқ беради, ҳоказо...

Баъзан шундай ҳолат ҳам бўлади: Мақолада Андижонда кечмиш бир воқеа тасвирланади. Услубан бу мақола Қодирийникига ўхшаш кетади. Уни шу ҳолда Қодирийники деб бўла-

дими? Йўқ, бўлмайди. Бу мақола андижонлик бирон ёзувчи, мухбир тарафидан ёзиб юборилган бўлиб, уни Қодирий таҳрир қилган, тузатган бўлишлари мумкин. Шу боисдан унда Қодирий услуби бордек сезилади, холос. Чунки Қодирий мақола уюштириш учун Андижонга махсус бориб келишларига ишонгимиз келмайди (агар махсус топшириқ бўлмаган бўлса). У кишига мақола ёзиш, уюштириш учун Тошкент шаҳри воқеалари етиб ортарди... Ундан ташқари бегона мақоланинг қандай бўлмасин, бирон-бир жиҳат билан Қодирийники эмаслиги ҳар ҳолда сезилиб туради.

Шундай қилиб, сўнгги текширишларимиз натижасида, ҳозирча Абдулла Қодирийнинг қуйидаги таҳаллусларини аниқлагандек бўламиз: А.Қодир, Абудумбул, Бемаза махзум, Гўзиматчи, Думбул, Думбулниса, Думбулбой ўғли, Думбул девона, Домладумбул, Жиянингиз Муштум, Жиян, Жўра Алимов, Жулқунбой, Жу – бой, Ж. – й., Ж. – Қ., Ж., Жулқунбой Совринбой ўғли, Йўловчи, Калвак махзум жияни, Калвак махзум Шоший, Муштум, Мулла Жулқунбой, Мирза Жулқун, Мулла Эшонбой, Мухбир, Овсар, Совринбой, Совринбой ўғли, Чичора, Шаккок, Шилғай.

Бу исм ва таҳаллуслар ичида энг машҳурлари, яъни халқ орасида очиқ ва кенг тарқалганлари: Абдулла Қодирий, Қодирий, Жулқун, Жулқунбой, Абдулла Жулқун, Муштум, Абдулла Муштумлардир.

Биз юқорида «ҳозирча» деб ўтдик. Чунки Тошкент архив кутубхоналарида сақланиб келаётган ўша даврга оид газета-журнал тўпламларининг барчаси ҳам тўлиқ эмас. Баъзи сон ва мақолалар (барака топкур олимларимизнинг кўчириб олишга вақтлари етмай) йиртиб олинган, йўқотилган, баъзилари эса умуман тўплаб, тикилмаган. Шу боисдан Қодирийнинг кичик асарларини ва таҳаллусларини тўлиқ аниқлаш учун ҳали кўп излашга тўғри келади.

КАЛВАК МАХЗУМ...

Ўз вақтида «Муштум»хонларни яхшигина кулдирган Қодирий асарларидан бири «Калвак махзумнинг хотира дафтари-дан» ҳажвий қиссасидир. Бу асар 1923 – 1926 йиллар мобайнида «Муштум» журналида, «Муштум»нинг борди-келдиси» рубрикаси остида 21 та сонда давомли босилган.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатда бу асар тўғрисида шундай деган эди:

Мен «Калвак махзум...»ни биринчи бор ўқиганимда «ҳажвиётда шундай приёмлар ҳам бор экан-да», деб ҳайратланган эдим...

Дарҳақиқат, «Калвак махзум...» ҳажвиячиликда янгилик бўлган қаҳрамоннинг ўзига хос муллаёна тили, турмуш ҳақиқатидан йироқ содда фикрлари ҳажвнинг асл омили, кулгининг айни боиси бўлиб хизмат қилади.

«Менинг кулгуликда ишлатадиган неча турлик мустаор имзо, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак махзум, Тошнўлат, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўрмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз. Калвак махзумда кўндан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаған холис бир маҳалла имомини кўрасиз», деб ёзадилар Қодирий таржимаи ҳолларида.

Албатта, бундай услубда ҳажв ёзиш хийла қийин ва масъулиятли. Ёзувчи бу усулдаги асарга ўзидан бирор оғиз сўз қўшишга ҳақсиз, у (ёзувчи) артист қабилида бошдан-оёқ ролга кириши шарт.

Асар бошдан-оёқ қаҳрамон Калвак махзум тилидан таржимаи ҳол саргузашт тарзида ҳикоя қилинади. У жиддий равишда эскирган домлалар тили ва талаффузида одоб билан ўз ота-онасининг қандай «улуғ зотлар» бўлганини, отасининг Тошкент музофотида тутган «беқиёс» обрўсини, илми урфонини, ўзининг ана шундай зотлардан дунёга барқ уриб келганини, ниҳоятда авайланиб тарбия топганини, мадрасада «зўр» муваффақият билан ўқиганини, уйланишини ва кўрган-кечирганларини эринмай ҳикоя қилиб, ўзининг алмисоқдан қолган содда фикр-ақидалари билан ўқувчиларни кулдириб бораверади.

У инқилобдан сўнг ўз теварагида бўлаётган кўп янгиликларга, ўзгаришларга ҳайрон қолади, ақли етмай ёқасини ушлайди. Дин-шариат ишларининг сусайиб бораётганлигидан, ўзидек «олим»лар эътиборсиз қолаётганидан, «замона охир» бўлганидан кўзёш қилади. Баъзан эса амалдор, савдогар ва баъзи бошқа тоифа киши уларнинг нолайиқ ишларини соддадиллик билан «фалончилар бағоят савоб ва пухта иш қилмоқда-

лар», деб холисона мақтайди ва бу билан уларнинг сир-асрорларини очиб, ўқувчини кулдиради. Ҳоказо...

«Калвак махзумнинг хотира дафтарида» қиссаси Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида 1993 йил тўлиқ босилган. Бинобарин, қисса мазмунини тафсиллаб ўтирмай, муаллифни бу асарни яратишга илҳомлантирган сабаб ва тим-сол (прототип)лар тўғрисида бир оз тўхтаб ўтмоқчиман.

Бу асарни ёзишга ёзувчини ундаган сабаб, асосан, биргина: инқилобгача ва инқилобдан сўнг ҳам халқимиз орасида мутаассиблик кучли бўлгани, бунда асосий ролни ана шу Калвак махзумлар ўйнагани ҳаммага аён. Демак, ҳажвчи бунда, асосан, махзумларнинг асл башарасини очиб, уларни омма наздида эътиборсизлантиришни, шу йўсин халқни зўр бир занжирдан озод этишни мақсад қилиб олган ва шу баҳонада муаллиф Калвак тилидан йўлакай жамиятдаги нуқсонларни танқид қилиб ўтмоқчи бўлган...

Ўқувчиларимизда, албатта, «Калвак махзум ҳақиқий шахсми?» деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, ҳақиқий шахс. Бундай Калваклар тарихда кўп ўтган ва уларни авом халқ «Етук олим, табаррук инсон», деб улуғлаганлар.

Маҳалламизда мулла Исоқ домла бўларди. Ўзи маҳалламизнинг имоми, дадамдан йигирма ёшлар катта, ўрта бўйли, қотмадан келган, чувак мош-гуруч соқолли, бирмунча ҳусндор, тез-тез сўзловчи, Бухоро мадрасаларида йигирма йиллаб ўқиб, хатм қилиб қайтган киши эди. (Бу киши 1940 йилларда вафот этди.) У дадам билан жуда «қалин», баъзан-баъзан бизни кига такаллуфсиз кириб келарди-да, дунё воқиот-сиёсатларидан «сухбатлашиб» хабардор бўлиб кетар эди. Унинг гаплари тутал-тутал, баъзи юритган мулоҳаза-фикрларидан кулмай илож йўқ эди. Дадам у киши билан сухбатлашганда мунозарага киришмас, фақат сомеъ бўлиб, қисқа-қисқа жавоб бериб, кулиб ўтирар эдилар. Шу важдан бўлса керак баъзилар уни «Калвак домла, Шалҳақ домла», деб аташарди. Масалан, Жосият бибим, меҳмонгами ва ёки бошқа бирон сабаб билан кўчага чиқиб қайтсалар, дердилар: «Йўлда нафасим сиқиб жуда чарчадим, Калвак домла эшиги олдида ўтириб бир дам оволдим...» ёки «фалончини Калвак домла эшиги олдида учратдим...» ва ҳоказо...

1931–1932-йиллар, иссиқ ёз ойи эди. Бир кун мен кечки пайт гулзоримизга сув сепар эдим, эшиқдан ўша мулла Исоқ домла кириб келиб, дадамни сўради. Дадам ичкари ҳовлида нима биландир банд эдилар, кириб чақирдим ва то дадам чиққунларича стул келтириб домлани шийпонга ўтқаздим ва сув сепишни давом эттирдим. Домла менинг ишимга разм солиб ўтириб, савол берди:

– Шу гулзорингизнинг хушбўй ҳиди қанчалик йироққа етиб бораркин, ўғлим?

Мен домланинг саволига дафъатан тушунмай, иккиланиб тўхтадим.

– Бу гулларнинг ҳиди нарисидан билан кўчангиз ҳаддига етиб боради, – деди домла, саволига ўзи жавоб бериб ва қўшиб қўйди, – аммо жаннатдаги гулларнинг хушбўй ҳидлари уч йиллик пиёда масофага етиб борар экан...

* * *

Жосият бибим 1936 йил ёзида 75 ёшида вафот этдилар. Шунда, кўпчилик жамоа билан фотиҳа ўқигани келган мулла Исоқ домла эшиқ олдида одам кутиб турган Асомиддин тоғамни ўз ёнига чақириб дейди (дадам билан мен баъзи сабабларга кўра маъракада қатнашолмаганмиз. Бу тўғрида кейинроқ сўз бўлар):

– Бу фотиҳага келаётган кишиларни рўйхатга оляпсизми, иним?

– Йўқ, тақсир, рўйхат нима ҳожат? – дейди тоғам.

– Ахир, сиз фотиҳага келганларнинг ҳаммасини ёдингизда тута олмайсиз-да. Рўйхат тузиб қўйсангиз, мулла Абдулла келгач, топширасиз. У киши фотиҳага кимлар келган-келмаганидан хабардор бўладилар...

* * *

Шу йилнинг қишида ҳайит бўлади-да, бибимни эслаш маросимига мулла Исоқ домла йигирма-ўттиз чоғлик маҳалла кишиларини бошлаб бизникига фотиҳа ўқишга келди. Ҳаммалари дастурхон теварагига қатор тиз чўқдилар.

Дадам ҳам пойгакда ўтирдилар. Мен бўлсам, пилик самовор қўйилган токча ёнига (Қуръон ўқилгач, меҳмонларга чой қуйиб узатишга ҳозирланиб) стулга ўтирдим. Фотиҳа тортилиб, Исоқ

домла Қуръондан узун бир сурани ўқишга бошлади (яъни, бундай узун сурани ўқишдан мақсад уй эгасининг кўнглига «Домла наридан-бери Қуръон ўқиб кетди», деган фикр келмасин учун...). Сура узун, ҳадеганда тамом бўлавермас, ҳамма сукутда, бу ёқда мен ёшликка бориб, негадир кулиб юборай-юборай дердим.

Шу вақт домла, суранинг яримларига келганда сезиб қолди шекилли, бирдан тиловатдан тўхтади ва менга қараб: «Ерга ўтир, болам, усталда ўтириб Қуръон ўқиш, тинглаш гуноҳ бўлади», деди. Мен дарҳол ерга тиз чўкиб ўтирдим. Бироқ энди домла суранинг қаерига келиб тўхтаганини унутиб қўйган эди. Ҳарчанд ўйласа ҳам эслай олмас, унинг тиловат қилиб тугатишини ҳамма одоб билан кутиб, жим ўтирар эди. Домла ниҳоят гарангсираб, дадамга мурожаат қилди:

– Мулла Абдулла, луқма солиб юборинг, қаерда тўхтаб эдим?..

Мен ортиқ чидаб тура олмадим. Қўлим билан оғзимни бекитган ҳолда уйдан югуриб чиқиб кетдим...

Назаримда муаллиф Калвак қиссасига прототип қилиб, гўё шу каби домлаларни олган, уларда кўрган салбий хислатларни ва ўз ижодий тўқималарини унда мужассамлаштирган...

1936 йил ёзида «Калвак махзум...» хотиралари тўпланиб (буни дадамнинг ўзлари уйимиздаги эски «Муштум» журналларидан қирқиб олиб тўплаган эдилар) ўзбек ва рус тилларида алоҳида китоб қилиб нашр этишга тайёрланган эди. Шу муносабат билан Қодирий Калвак ҳаётига бир хотима ёзган ва тўпламни шарқшунос олим Поливановга¹ русчага таржима қилиш учун топширган эдилар. Ёдимда, шунда мен таржима тўғрисида дадамларга деган эдим:

– Дада, «Калвак махзум...» русчага қанчалик яхши таржима қилинмасин, барибир, кулгу қўзғатувчи муллаёна сўз-ибораларни ифодалаб бўлмас, шу жиҳатдан асарнинг бир сифати камайса керак?..

– Гапинг тўғри, – деган эдилар дадам, – лекин буни ифодалаш бир жиҳатдан таржимонга ҳам боғлиқ. Русларда ҳам бизники каби хос «муллалар» тили бор. Поливанов бизнинг тилни яхши билади. У балки бу томонини ҳам дуруст чиқара олар...

¹ Поливанов Евгений Дмитриевич (1891. Смоленск ш. – 1938) совет туркшунос – тилшуноси ва адабиётшуноси. Шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

Бироқ бу тўплам икки тилда ҳам чиқиб улгурмади, мазкур хотима-қўлёзма эса йўқолиб кетди. Мен бу қўлёзмани профессор Поливановга бериб юборилмасидан олдин ўқиб чиққан эдим. У ўн икки варақли дафтарга араб алифбосида сиёҳ қалам билан ёзилган бўлиб, мазмуни шундай эди:

«Калвак махзум кўп вақтга қадар иш топа олмай рўзғор ва- жидан қийин аҳволда қолади. Ниҳоят, бир неча дўст ва яқинлар воситасида Тошқўрғон қишлоғига имомликка (аввалги имом ўл- ган бўлади) даъват олади. Калвак ижобат этиб, умрида биринчи бор сафарга отланади. Хотини билан видолашар экан, «пешона экан» деб кўзёши қилишади, рози-ризалик тилашади ва қишлоқ- дан юборилган эшакка миниб (матнда ёзилишича, «харсувор бў- либ») Тошқўрғонга жўнайди.

Калвак йўлда эшак юрмай азият чекканларини, ундан йиқи- либ тортган азобларини ва ахир қишлоқ аҳли кўмагида базўр Тошқўрғонга етиб борганини ҳикоя қилади.

Қишлоқда уни бир неча савобталаб чоллар қарши олиб масжид- га кўндирадилар. Ўтириб фотиҳа ўқишгач, Калвак масжид эгаси- нинг руҳига Қуръон ўқийди... Шу вақт «ўрисча» кийиниб, соч қўйган ёш бир йигит (кейинчалик маълум бўлишича, қишлоқ комсомолла- ридан бири) масжидга кириб келиб: «Ҳа, шаҳардагиларнинг мия- сини чиритиб бўлиб, энди қишлоқдагиларнинг миясини чиритган- ни келдингизми?!» деб Калвак домлага хитоб қилади. Домла жуда лоҳас тартади, ўзидек «олим»ларнинг, ҳатто қишлоқдек ерларда ҳам хор бўлганидан бениҳоя афсус чекади. Йигит кетгач, чоллар: «Ёш-да, тақсир», деб уни юпатган бўлишади. Калвакка ётиб ту- риш учун масжид ёнидаги тобутхонани жой қилиб бермоқчи бўла- дилар. Бироқ Калвак тобутхонада ётишга юраксинмай, бир бой- нинг меҳмонхонасига жойлашади. Имомлик, дуохонлик, азайим- хонлик, иссиқ-совуқчилик «хунар»ларини йўлга қўйиб юборади...

Бу вақтларда қулоқларни тугатиш кампанияси авж олган, қишлоқ теварагида босмачи қолдиқлари изғиб юрган пайт бўла- ди. Бир кун Калвак бой меҳмонхонасида ухлаб ётаркан, тун яр- мида чўчиб уйғонади. Атрофда кетма-кет милтиқ отилар ва «ушла-ушла» овозлари эшитилар эди. Калвак домла бу даҳшат- дан жуда қўрқиб, саросимага тушади, ҳатто тили калима ай- тишга келмай қолади. Маълум бўлишича, воқеа шундай чиқади:

Бир неча босмачилар қишлоқдан маълумот олгани тунда бойникига келган, бундан хабар топган ҳукумат отряди эса бой қўрғонини қуршаган бўлади. Ниҳоят, отишувлардан сўнг халқ

қўрғонга бостириб кириб, босмачиларни тутиб олади. Калвак ҳам босмачилар қаторида ялангоёқ, ички кўйлак-лозимда ҳайдалиб, қишлоқ шўросига олиб борилади. Сўроқ-текширувдан сўнг Калвак оқланади. Калвак босмачиларни дуойи бад қилиб, бундай нотинч қишлоқда яшайдан воз кечади... «Калвак тоғам яна Тошканд шаҳрида эски бекорчилар. Энди имоматчилик топилмаса, бирон қоровулчилик хизматига ҳам розидирлар», дейдилар муаллиф хотима охирида.

ТОШПЎЛАТ ТАЖАНГ...

Китобхонлар эътиборига сазовор бўлган Қодирий асарларидан яна бири «Тошпўлат тажанг нима дейди» ҳажвиясидир. Бу асар ҳам 1924–1927 йиллар орасида «Муштум» журнали ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида давомли босилган.

«Тошпўлат тажанг...» ҳам «Калвак махзум» каби қахрамон тилидан ёзилган бўлса ҳам мавзу эътибори билан тамоман ўзгачадир. Бу асар услубан на қисса, очеркка ва на ҳикоя, новеллага ўхшайди. У чапанилар ҳаётидан ёзилган қандайдир ўзига хос кулги хангома.

Тошпўлат, ёзувчининг ўз таъбирича, «Ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғирлик ва фаҳшият денгизида сузиб, тажангланган холис бир чапанидир». У саводсиз, тарбиясиз, меҳнатга бўйни ёр бермаган; одам ўлдиришдан тортиб ҳамма ёмонликларни қилиб юрган қиморбоз, беданабоз, ичкиликбоз, нашаванд бир шахс.

Иккинчи ёқдан, Тошпўлатда чапаниларга хос мардлик ва камбағалпарварлик сезилади. У қандайдир ҳақиқат излагандай бўлади. Ўзининг тутал содда фикрлари ва холисона ҳақ гаплари билан жамиятдаги баъзи шахсларнинг ноҳўя ҳаракатларини, қилмишларини очиб беради ва ўқувчини кулдира боради. (Бу асар ҳам Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида 1993 йили тўлиқ босилган.)

30-йилларгача Тошпўлат каби шахслар, айниқса, кўп бўлган. Халқ орасида ўзларича гўё бир табақа ташкил этган. Улар эрта-кеч ишсиз-кучсиз, чойхона такияларда ўтирар, қимор-бедана ўйнар, ичкилик ичиб, банг чекар, ўрни келса ўғирлик қилар, ёшларга салбий таъсир кўрсатар эди. Чапаниларнинг кийиниш, юриш-туриш, гап-сўзлари ўзига хос, бир кўришдан уларни пайқаш қийин эмас эди.

Бинобарин, муаллиф бундай прототипларни излашга, тип яратишга қийналмаган. Шоир Тошқин шаҳодат бергандек, ёзувчи бундайлар билан жуда кўп суҳбатлашган, дўстлашган. Мен дадамнинг бундай «улфат, дўст»ларидан бир нечасини биламан.

1930-йилга қадар дадамнинг бизнинг мавзелик Полвон исмли бир «дўст»и бўлар эди. У ёз кунлари баъзан-баъзан бизникига «яримта»ни кўтариб келарди-да, дадам билан «чин кўнгилдан суҳбатлашиб» қайтар эди. Полвон зўр гавдали, қоратан, қора бурма мўйлабли, наша чекканиданми кўзлари уккининг кўзларидек қизил, дўпписининг бир чеккасини қайириб кийган, бедана ушлаган чап елкаси бир оз пастга эгилган, боғичли узун оқ сурп ятак кўйлак кийган, қўша-қўша қийиқ белбоғига ярим газлик пичоқ осган, ялангтўш, ялангоёқ киши эди. У гапни худди Тошпўлат каби узук-узук, чертиб-чертиб сўзлар эди. Дадам у билан суҳбатда чапанича сўзламас, содда қисқа-қисқа жавоб қилиб, кулиб ўтирар, фақат гап кўзгаш учун бўлса керак, ҳар замонда бир сўз қотиб, ҳазил қилиб қўяр эдилар.

Бир вақт мен уларнинг суҳбатини тинглаб ўтириб, Полвоннинг шу ҳикоясидан даҳшатга келганим ёдимда:

– Шу дегин, Жулқун ука, ҳамма ёқни қиморга бой бериб, жуда қуриб юрган вақтим эди. Бир кун бошим қотиб кўчада бораётсам ёнимдан бойвачча кийинган ёш бир йигит ўтиб қолди. «Тўхта», дедим, «Сен бойваччани ёнингдаги пулингни бир санаб кўрай-чи, қанча экан», дедим ичимда. Секин орқасидан тушиб, хилватга борганда уни сўйдим... Чандон ёнини қидираманки, қани пул чиқса?! Чўнтагидан атиги уч та¹ чиқибди. Пичоғимни қон қилганимга арзимабди-я, Жулқун. Кейин билсам, бойвачча йигитинг уч кунлик куёв экан, ҳаҳ-ҳаҳ!²

Ёзувчининг бундай кишилар билан суҳбатлашиб ўтириш сабаби маълум... Албатта, кулиб тинглаб ўтирса-да, бу хил кишилардан ичида қаттиқ нафратланардилар. (У кишининг умри шундайлар билан матбуотда курашиб ўтди.)

Маҳалламизда Салим ўғри, Зокир ўғри, Насир ўғри, Бадир ўғри каби дадамнинг бир гуруҳ «улфат»лари бўларди. Буларнинг баъзилари гўё у-бу иш билан машғулдек кўринсалар

¹ Уч та – уч танга, олтмиш тийин.

² Бу киши, 1931 йилда бўлса керак, қонхўрлиги учун судланиб, отишга ҳукм қилинган.

ҳам, асл «касб»лари қимор ўйнаш, ўғрилиқ қилиш эди. Улар «касб»ларини жилла махфий ҳам тутмас, уялмас, аксинча, ўзларини мағрур сезар эдилар.

Баъзан Салим дадамни чақириб келарди:

– Кичкина зиёфатимиз бор, шўрва пишиб қолди, улфатлар чақирешяпти, Абдулла ака.

– Зиёфат «солма»ми, «босма»ми¹, – деб кулиб сўрардилар дадам.

– Солма, солма, – хахолаб куларди у.

Дадам кийиниб чиқиб кетардилар...

1968 йилнинг қиши эди, «Тошпўлат...» ҳангомасига доир шундай қизиқ бир учрашув бўлган:

Бир кун мен Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонасида навбатчи бўлдим-да, беморлардан ҳол сўраб, кечки пайт бўлмаларни айланиб юрдим. Дард чекиб ётган беморларга докторнинг икки оғиз ширин сўзи ёки енгил мутоябаси ҳам зўр эм ҳисобланади... Бўлмалардан бирига кириб, аҳвол сўраб, бир бемор танишим билан «икки оғиз» кулишиб чиқарканман, эшик ёнидаги каравотда нотаниш бир бемор менга:

– Доктор, тўхтаг! – деди.

Мен тўхтадим. Бемор мени ўз ёнига ўтиришга ишора қилди. Ўтирдим. У оғир касалга ўхшамас, етмиш-етмиш беш ёшли, юзлари чечак изли, тилла тишли, озғин, бўйдор киши эди.

– Анави киши билан суҳбатингиздан пайқадим... – деди бемор менга, – сиз Жулқунбойнинг ўғлимисиз?

– Ҳа, амак, – дедим.

Бемор негадир бир оз хаёл суриб қолди ва бош чайқаб ўзича кулиб кўйди. Мен унинг қандайдир жиддий гапи борлигини пайқадим ва «Хўш?» дегандай унга қарадим. Бемор қўлларини каравот четларига тираб, бир оз кучлангандай бўлди ва яна деди:

– Отангиз бир вақт газетада мени роса боплаганлар-да...

Мен ҳайрон бўлдим:

– Қандай?

– 1924–1925 йилларда мен молияда налогбоши инспектор бўлиб ишлаганман... Шунда отангиз: «Халққа ноҳақ солиқ сол-

¹ Солма – халфана (солиқ солиб) зиёфат уюштириш, босма – мол ўғирлаб (босқинчилик қилиб), сўйиб, улфатчилик қилиш.

динг!» деб, «Тошпўлат тажанг...»да мени танқид қилган эдилар...

Бу сўздан (ўқиганлар балки хотирлар) мен дарҳол «Тошпўлат...»даги «қийиқ қоғоз, беш сўм налог ва тегирмончилик» хангомаларини хотирладим. Беморнинг барча сифат ва исм-фамилияси ҳам худди «Тошпўлат...»да тасвирланган каби эди... Негадир мен бир оз ўнғайсизланиб жим қолдим. Бемор қўшиб қўйди:

– Сиз у вақтларда ёш бўлгансиз, балки буни ўқимагандирсиз?

– Ўқиганман, хотирлайман, – дедим ва сўрадим: – Ўша танқид ҳақликми эди ёки?..

– Ҳақли эди...

– Балки дадамдан ҳалигача ранжиб юрарсиз?

– Йўғ-э, ўшанда ўзимиз чиндан ҳам «давр келди», деб қулочни кенг ёзиб юборган эдик-да... Энди, орадан қарийб эллик йил ўтди, у воқеалар бир хотира бўлиб қолди.

– Кечирасиз, – дедим мен енгил тортиб: ўша танқиддан кейин сиз бирор маъмурий жазога тортилдингизми, йўқми?

– Жазога-ку тортилмадим. Аммо танқиддан кейин Тошкентдан кўчиб кетишга, узоқ йиллар бошқа шаҳарда яшашга тўғри келди.

– Нега?

– Негаки, халқ ўртасида кулгига қолиб, бир оз иснод орттирдик-да...

II БОБ

«ПОМИР ТОҒЛАРИДАЙ ПАЙДО БЎЛДИ...» «ҚАЛАМИ ТУҒМА ЭДИ...»

Қодирий ижоди фақат мақолачилик, ҳикоячилик, ҳажвиячилик, сахна асарлари билан чекланиб қолмайди. У киши бир вақт ичида катта-катта тарихий қатламларни акс эттирувчи йирик асарлар – романчилик устида ҳам иш олиб бордилар.

* * *

Қодирийнинг рус шарқшунос олимларидан ҳам ошна-дўстлари кўп эди. Масалан, мен билганларим: профессор Поливанов, Юдахин, Бертельслар... Мен бу олимлардан иккисининг бизни кига келганини хотирласам ҳам (бу тўғрида сўнгроқда сўз бўлур) Бертельс домланинг ташрифини эслолмайман. Бироқ домланинг бир гапидан унинг ҳам бизнинг уйда бўлганлигини, дадам билан ошначилик қилганлигини идрок этаман.

1944 йилнинг охирлари бўлса керак, САГУ қошида қайтадан шарқ факультети очилди¹ ва мен ҳам форс тилидан бир оз хабардорлигим учун пухтароқ ўрганиш мақсадида шу факультетнинг форс бўлимига ўқишга кирдим (атиги ярим йил ўқидим).

Ўқишимиз кечки; унда Муталлибов, Андреев, Бертельс домлалар форс тилидан дарс беришар эди. Менинг форсий ўқитувчим Андреев домла эди. Бертельс² домла тўла гавдали, чўзиқроқ оқ юзли, қирра бурун, мош-гуруч соқол-муртли, оҳиста сўзловчи, салобатли киши эди.

Бир кун дарсдан сўнг курсдош дўстим Рустам Комилов иккимиз Бертельс домлани кузатиб қўймоқчи бўлиб, инқилоб хиёбонидан биргалашиб кета бошладик. (У киши Рустам Ко-

¹ Бу факультет САГУнинг янги ташкил топган йилларида очилган бўлса ҳам кейинчалик негадир ёпилади.

² Е.Э.Бертельс (1890–1957) – совет шарқшунос олими. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси ва шунингдек, бир неча чет эл Фанлар академиясининг ҳам фахрий аъзоси. Шарқ адабиётини чуқур билувчи, кўплаб илмий китоблар муаллифи. Тошкентда кўп вақт яшаган, САГУда дарс берган, ўзбек, тожик, озарбайжон, турк, форс, араб, инглиз, немис ва шунингдек, кўп тилларни комил билувчи мутахассис эди.

миловнинг форсий ўқитувчиси эди.) Бертельс домла биз билан ўзбек тилида салмоқлаб сўзлашиб борарди. Рустам Комилов Бертельс домлага мени танитди... У киши дадам ҳақида сўз очмай, мендан фақат шуни сўради:

– Ҳозир ҳам ўша, Самарқанд дарбозасидаги боғларингизда турасизларми?

Мен тасдиқ жавобини бердим ва кўнглимдан «бу киши бизнинг уйда бўлган экан-да», деган фикр кечди...

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов ёзади:

«Профессор Евгений Эдуардович Бертельс менинг устозим, номзодлик ишимда илмий раҳбарим эди. Иш юзасидан маслаҳатлар олгани Москвага, унинг уйига тез-тез бориб турардим. Бир гал, 1954 йилнинг куз ойлари эди, устоз уйига бордим-да, суҳбатлашиб ўтирдим. Гап айланиб Абдулла Қодирий устида тўхтади. Мен Қодирий тўғрисида устоз фикрини билмоқ учун бир неча саволлар бердим.

«Мен Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини 1925–1926 йилларда Тошкентдалигимда ўқиганман. У улуг романчи, – деди устоз ва ўрnidан туриб, жавондаги китоблар орасини тимирскилаб иккита китоб олди ва жойига ўтираркан, менга узатди. Китоблар, иккиси ҳам менга таниш, ислоҳ этилган араб алифбосида босилган «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг биринчи босмаси эди. Китобларнинг кўп саҳифаларида ҳошиясига устоз қўли билан баъзи ўзбекча сўзларнинг русча маънолари ва қандайдир бошқа бир хил изоҳ-ишоралар ёзилган эди (бу китоблар ҳозир ҳам унинг кутубхонасида сақланади). Устоз сўзида давом этиб:

– Эрон, турк, араб ёзувчиларининг ҳам кўпгина романлари бор. Лекин уларники услуб жиҳатидан инглиз, француз, немис романчилик мактабларидан унча фарқ қилмайди (яъни уларда тақлидчилик бор). Абдулла Қодирий ҳам кўпгина романчилик мактабларидан истифодаланган, уларни чуқур ўрганган бўлиши мумкин. Аммо унда тақлидчилик кўринмайди. Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди, – деди»¹.

¹ Бу сўнги сўзлар «Совет Ўзбекистони» газетасида (1967 йил 2 июн сони) ва «Гулистон» журналида (1974 йил, 4-сон) босилган.

Эргаш Рустамов давом этиб дейди:

«Бир вақт мен Москвада, Максим Горький номидаги Дунё адабиёти институтида қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов билан тасодифан учрашиб қолдим (тахминан вафотидан бирор йил бурун эди, шекилли). Уни «Москва» меҳмонхонасига кузатиб, суҳбатлашиб бордим. Суҳбатимиз, табиий, адабиёт устида эди; гап Абдулла Қодирийга бориб тақалди...

«Абдулла Қодирий – Жулқунбой юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда гўё текис сахрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан, киши... Гарчи Жулқунбой 20-йиллар бошида матбуотда газетачи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам, унинг романларида газетачилик, журналчилик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили равон, ширали, мусиқий, менимча, ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли, – деди Аvezов ва илова қилиб қўйди, – масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз...»¹

Немис адабиётшуноси Ниотатун ёзади: «Абдулла Қодирий... бугунги кунда ўз мамлакатада ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотган Ўрта Осиё адабиётининг ўша йиллардаги тўлқинли тараққиёти бошида турган эди»².

«Дадил қадам», «Небед доғ» каби романлар муаллифи атоқли туркман ёзувчиси Берди Кербобоев «Шухрат ёр бўлсин» мақоласида³ шундай ёзади:

«... Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар», «Қозоқ қизи», ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ини ўқиб, шулардан ибрат олмасам, «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлардим».

«Қисмат» (тўрт томлик) романининг муаллифи туркман ёзувчиси Хидир Деряев эса «Говун говундан сув ичар» («Кўнгил кўнгилдан сув ичар») мақоласида⁴ шу жумлани ишлатиб ўтади:

¹ Ўша газета.

² Ўша газета.

³ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил 12 ноябр.

⁴ «Эдебият ва сўнгат» газетаси, 1962 йил 21 ноябр.

«Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом багишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи туғилди. Катта ният билан «Қисмат» романим устида иш бошладим».

Тоҷик ёзувчиси Жалол Икромий ёзади:

«Абдулла Қодирий ўзининг ғоят сиқик, аммо чуқур лирика билан йўгрилган жумлалари билан китобхонни мафтун қилади. Унинг асарларидаги ҳар бир детал ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиғ жилонанади».

Абдулла Қаҳҳор ёзади:

«Абдулла Қодирий... анчайин бир ёзувчи эмас, янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир. Унинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, бир талай ҳажвий асарлари халқ орасида ғоят машҳур бўлиб, ҳар бир ўзбек оиласига, ҳатто саводхон одам бўлмаган оилаларга ҳам кириб борган эди».¹

Абдулла Қаҳҳорнинг бу сўзлари менга шундай бир хотирани эслатади:

Ҳозир биз яшаб турган Самарқанд дарбоза маҳалламизда 30-йилларгача Турсун хола исмли (бу аёл тўгрисида юқорида сўз бўлди) бир бог қўшнимиз бўларди. Ўзи сатангнамо, эскичага анча ўқимишли, шу сабабли уни «Турсун отин» деб ҳам аташарди. Турсун отин Қодирий асарларини севиб ўқирди. Бунга баъзан уйларида кирганимда кўзойнак тақиб «Ўткан кунлар»ни ёки араб алифбосидаги журналларни ўқиб ўтиришидан пайқар эдим.

Турсун отиннинг эри ҳам анча ўқимишли, маърифатли, бадавлат киши; уни хусусий ғишт хумдони бўлгани учун «Қодир хумдончи» деб аташар эди. Қодир хумдончи юмшоқ, табиатан индамас киши эди. Шундан бўлса керак уни «Қодир ўлик» деб ҳам аташарди.

Баъзан Турсун отин қўшничилик қилиб бизникига чиқиб ўтирарди-да, Жосият бибимга дерди:

– Жосият ойи, хўп ўғил туққансиз-да, Абдулланинг ёзганларини ўқиб-ўқиб тўймайман, худди менинг кўнглимдагилар-

¹ Ўша журнал.

ни ёзган. Барака топкурингиз бунақа сўзларни қаёқдан ўйлаб топади-а? Отаси-ку, оми... Қарқуноқдан булбул, деб шуни айтадилар-да...

Турсун отиннинг бундай мақтови Жосият бибимга жилла ҳам ёқмас эди. Турсун отин кетгач, «Ўғлимни кўзлаяпти, кўзинг қурғур», дердилар ва дарҳол ойимга исириқ тутатиб юборишни буюрардилар...

Қодирийнинг «Ўзбек реалистик прозасининг асосчиси» деган шарафга эга бўлиш сири, менимча, аввало, у кишининг қобилият-истеъдодига, кейин тинимсиз мутолаа, машқ қилганлигида, ёшлиқдан рус тилини ўрганиб, шарқ мумтоз адабиёти қатори Европа реалистик адабиёти билан ҳам кенг таниша борганлигидадир. «Мен Оврупо адабиётини кўп мутолаа қилдим. Гёте, Шиллер, Лев Толстой, Чехов асарларини чуқур ўргандим», деган эканлар дадам кекса адабиётшуносларимиздан Субутой Долимовга бир суҳбатда.

Ёзувчининг бу сўнгги ўқиш-ўрганиш манбалари, у кишининг ўз реалистик прозасини – романчилигини яратишга майл-ҳавас уйғотдимикин, деган мулоҳазани туғдиради. Зеро, муаллифнинг «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришқа ўзимизда мажбурият ҳис этамиз»¹, деб ёзишлари бу мулоҳазани тасдиқлагандай бўлади...

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бир неча асрлаб афсона адабиёт билан сўғорилиб келган Ўрта Осиё китобхонларига тўсиндан Европа реалистикасини тавсиф қилиш, албатта, унга мос тушмас эди. Чунки ҳали бунга ўрганмаган халқ бундай асарларни қабул қилмаслиги мумкин эди. Шунинг учун ёзувчи ўзбек реалистик романчилигини яратишда китобхонларимизнинг ўша даврдаги онг-савиясини, тушунчасини ҳисобга олишга ҳаракат қилади. Ҳаётий, халққа яқин жозибадор воқеалар ўйлаб топади, чуқур, мураккаб, китобхонни зериктирадиган фикриборалардан қочади; равон, ўйноқи, халқ тилини киритишга интилади. Менимча, ёзувчининг муваффақият қозониш сирларидан бири ҳам худди шунда.

¹ «Ўткан кунлар»дан.

Реалистик адабиёт турк, эрон, араб (Қодирий бу уч тилни ҳам яхши билар эдилар), ҳинд каби шарқ мамлакатларида ҳам озми-кўпми эскидан мавжуд. Қодирий ўз асарларини яратишда бирмунча ўзига хос бўлган бу шарқ реалистикасини ҳам синчиклаб ўрганадилар, тегишли истифодалар оладилар. Масалан, у киши Жўржи Зайдон¹ асарларини севиб ўқийдилар ва ҳатто Жўржи Зайдонни «Мени роман ёзишга ҳаваслантирган устоз», деб улуғлайдилар.

Бир вақт менга адабиётчи мухлислардан бири: «Дадангиз нима учун тарихий мавзуларда кўпроқ асар ёзди?» деб савол берган эди... Менимча, ёзувчи қайси соҳани чуқур билса, ўша соҳадан мавзу танлайди, ёзган асари ҳам жонли чиқади. Шунингдек, Қодирий ҳам билган соҳаларини ёзгандирлар.

Ёзувчи ҳаётни билмай туриб, ёзувчи бўла олмайди. Қодирий биринчи романини ёзиб бўлганда йигирма беш ёшларда бўлганлар. Гарчи истеъдодли бўлса ҳам дурустроқ мунтазам билим ололмаган бир йигит бу ёшида ҳаётдан ҳали нимани ҳам чуқурроқ билсин, айниқса, инқилоб бошларида ўз тарихидан ўзга нимани ҳам кенг қўламда ёзиб ёритсин эди...

Баъзилар: «Дадангизнинг қўлга қалам олишига оилангиздан ва ёки яқинларингиздан бирон маърифатли кимсанинг таъсири бўлмадимикин...» деб мулоҳаза айтадилар. Баъзи кексалар эса: «Жулқунбойнинг қалами тугма эди...» деб муболаға қиладилар. У кезларда оиламизда ёки яқинларимизда бирон соҳиби илм ва ёки соҳиби қалам бўлмаган десак, балки, янглишмасман. Шу билан бирга Қодирий туғма талант эгаси бўлиб, ўз асарларини ҳеч маҳал қўлга қалам олган кундан бошлаб яратмаганлар. Таржимаи ҳолларида «Идорадагилар² билан танишлигим бўлмагани учунми ёки ёзган гапларим маъносизлиги учунми, кўпинча, «Идорадан жавоб»³ билан мени мамнун қилар эдилар...» деб ёзишларидан у кишининг биринчи даврларда хийла машаққатлар чекканлиги ва кейин-кейин қалам эгаси бўлганлиги кўриниб туради.

¹ Жўржи Зайдон – Миср фузалоларидан (1861 – 1914). У «Армануса», «Қарбало ёнғини», «Ўн еттинчи рамазон», «Абумуслум Хуросоний», «Усмонли инқилоб», «Фарғона келини» каби йигирмадан ортиқ тарихий, фалсафий, этнографик романлар туркумининг муаллифидир.

² Идора – редакция маъносида.

³ У вақтларда редакцияга келган мақолалар босилмай қолса, газетада ёки журналларда «Идорадан жавоб» сарлавҳаси билан мақола эгаларига «фалон сабабга биноан мақолангиз босилмайди», деб эълон қилинади.

Лекин шундай бўлса-да, баъзиларда кўрилгандек «фавкуллодда» хос хислат Қодирийда ҳам бир қадар бор бўлишлигини айтиб ўтмоқ лозим. Бир оилавий суҳбатда қандайдир муносабати келиб дадам шундай деган эдилар:

«Баъзан кишилар бирон масала тўғрисида мендан маслаҳат ёки изоҳ сўраб қолишади. Менда эса сўралган масала ҳақида маълумот йўқ ёки бўлса ҳам, дарҳол ўйлаб эпақали бир жавоб қилишга ҳозир эмасман. Бунинг устига жавоб кутувчининг тикилиб қараб туриши мени яна ҳам шошириб, фикримни чувалатиб қўяди... Шу ҳолатда бирдан ихтиёрсиз равишда бир сўз айтиб юбораман...»

Жавобга қийналаётганимни сезиб турган қаршимдаги шахс эса ажаблангандай менга қарайди. Чунки жавобим негадир кутилмаганда ўринли, маъноли бўлиб чиқади...

– Ҳайронман, – деган эдилар дадам яна бир оилавий суҳбатда, – баъзан кечаси уйқумда қулоқларим тагида қандайдир машқ чалингандай бўлади. Машқ баъзан ҳазин, баъзан шўх, баъзан қарсақ базм бўлаётгандай эшитилади. Нимадир мени қитиқлагандай, кулдиргандай бўлади-да, уйғониб кетаман. Атрофимда ҳеч нарса йўқ, яна кўз юмаман. Яна шу машқ, шу базм эшитилади. Уйқум қочиб, чироқ ёқиб ишга ўтираман...

Жосият бибим ва Раҳимберди амакимлардан эшитишимча, бибимнинг отаси Азиз сўфидан (Азиз сўфи Чорсу маҳаллалик, ёш йигит чоқларида Тошкент ҳокими Азизбек қўлида сарбоз бўлган, кейинчалик кексайиб қолгач, масжидда муаззинлик қилган) саккиз қиз ва бир ўғил дунёга келади. Фарзандларнинг кўпчилиги ота-онадан ёш етим қоладилар ва бир-бирларини қўллаб-қўлтиқлаб, ҳаммалари ҳам уйлик-жойлик, бола-чақалик бўлиб кетадилар¹.

Шуниси эътиборга сазоворки, бу опа-сингилларнинг (мен булардан Рокия, Убайда, Бувма ходаларни яхши эсламан) ҳаммаси ҳам товусдек келишган, баланд бўйли, бири доя, иккинчиси чевар, яна бириси ҳофиз отин дегандек, ақл-идрокли, ишбилармон, сўзга чечан, зиёфат-мажлисларда бир уй хотинни ўз оғизларига қаратиб ўтирувчи, унча-мунча эркакларга сўз бермагувчи табаррук оналар бўлганлар.

¹ Фарзандлар: Зубайда, Моҳира, Убайда, Рокия, Хосият, Бувма, Рузвон, Жосият (қизларининг энг кичиги) бибилар ва Исломоҳожо (бу киши энг сўнги ягона ўғил фарзанд бўлиб, ёш йигитлик чоғида ҳажга кетиб, ўша ерда уйли-жойли, бола-чақали бўлиб қолиб кетади).

Қай бир вақт Жосият бибим ва Раҳимберди амакимларнинг «Қўшоқбойникига бордим», «Қўшоқбойни кўрдим, салом айтди», деган сўзларини эшитганим эс-эс ёдимда. Бувма холанинг ўғли Мурод амакининг (бу киши саксон ёшлардан ошиб, 1975 йилда вафот этди) айтишларича, Қўшоқбой ака (шоир Мискин) бизга қариндош, яъни Хосият холанинг ўғли экан.

– Шоир Мискин бизга холавачча эди, – дейдилар Мурод амаки, – уни «Қўшоқ домла», «Қўшоқ баққол» дейишарди. Ўзи Девонбеги маҳаллалик, ўртабўй, қорача юзли, қора соч-соқолли, келишган киши эди. Қўшоқ домланинг Баланд масжидда бир баққоллик дўкони бўлиб, озиқ-овқат ва ем, беда сотарди. Кейинги вақтларда Кўкалдош мадрасаси ёнидаги майизбозордан бир мева дўкони очган эди. Биз ёшлик пайтларимизда Қўшоқ аканинг уйига тез-тез борардик, дўконларига кириб савдо-сотикларига ёрдамлашардик. Қўшоқ домла дўконига доим муллалар йиғилишиб, суҳбат куриб ўтиришарди. Кўпинча улар масала таллашиб, баъзан уришиб ҳам кетишарди...

Шоир Мискин¹ даставвал эҳтимол ёш Қодирийга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатган, шеъриятга ҳавас уйғотган бўлиши мумкин. Ахир Қодирийнинг илк ижод чоғларида шеърлар машқ қилгани маълум-ку.

Раҳбар ойим дер эдилар:

Сен қўлимдалигингда (1918–1919 йиллар Х.Қ.) шоир Камий домла бизникига тез-тез келиб турарди. Камий домла кексайганроқ киши эди. У баъзан аданг билан, баъзан ўзича аста кириб келарди. Домла эшиқдан кўриниши билан уйдагилар «Ана, Абдулланинг ўртоғи келяпти», деб кулишар эди. Камий домла меҳмон бўлиб, аданг билан суҳбатлашиб, китобхонлик қилиб қайтар эди. Аданг уни жуда ҳурмат қиларди².

¹ Мискин (1880–1937) Тошкентда туғилади ва мадрасада таҳсил кўради. Кўпроқ ишқий шеър, ғазаллар ёзади. Унинг 50 дан ортиқ шеърлари ҳамон ашула қилиб айтилади. Мискин шеърлари баёзларда ва газеталарда кўплаб босилган.

² Шоир Камий (Каримбек Шарифбек ўғли 1866–1923) Тошкентда чопонфуруш оиласида дунёга келади. У новчароқ, қотма, мош-гуруч чўққи соқоли, яхши кийинувчи, нозик табиат киши бўлган. Камий ёшлиқда умрини адабиётга бағишлаб, лирик шоир бўлиб етишади. Муқимий, Фуркат, Завқийлар билан яқин алоқада бўлади. Шеърлари инқилобгача баёз (шеърий тўплам)ларда ва инқилобдан сўнг, баъзи газета ва журналларда босилиб туради. Шоирнинг бола-чақаси бўлмаган. Бегларбеги (Тошкент) мадрасасида бир хужрада фақирона умр кечирган.

«ЎТКАН КУНЛАР»

«Ўктабр инқилобига қадар бизнинг халқ турмушдан йироқ афсоналарнигина ўқиб кифояланар эди. Шу афсоналар ўрнини босарли бирон каттароқ реалистик асар яратишга ният қилган эдим. Қувониб айтаманки, ниятимда янглишмадим. «Ўткан кунлар» романим ўзбек оиласига чуқур сингиб кирди, китобхонларни анави афсоналарни ўқишдан халос этаёзди», деган эканлар Қодирий Субутой Долимовга ўша суҳбатда¹.

Романнинг мавзуи тўғрисида Қодирий ўзлари шундай ёзди:

«Мозийга қайтиб иш қўриш хайрлик дейдилар. Шунга кўра, мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик қора кунлари бўлган кейинги хон замонларидан белгуладим».

«Ўткан кунлар» романи қайси йили ёзила бошлагани ҳақида на муаллифдан, на бошқадан бирон маълумот эшитганман ва ўқиганман. Лекин шундай бир фактлар бу масалани бир қадар аниқлашга ёрдам беради.

«Ўткан кунлар»нинг айрим боблари 1923–1924 йилларда «Инқилоб» журналида босилиб турган. Масалан: «Отбек Юсуфбекхожи ўғли», «Хон қизига лойиқ бир йигит», «Бек ошиқ», «Марғилон ҳавоси ёқмади», «Киройи куёвинг шундог бўлса», «Мажбурият», «Чақимчилик» каби боблар. Босилган боблар муқаддимасида² сўз боши («Ёзғучидан») берилиб, тагига «Тошканд, 1920 йил» деб тарих қўйилган. Бундан англашиладики, романга сўзбоши 1920 йилда ёзилган.

Романнинг 1925 йил чиққан 1-бўлими сўнггида эса муаллиф ўқувчиларга бир «Узрнома»ни илова қилдилар:

«Рўмон, деб сизга тақдим қилинган бу нарса дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлаган эди; беш йиллаб босила олмай ётди. Ниҳоят бу кун босилиш муяссар бўлганида ҳам турлик зарабаларга учради; имлоси уч-тўртта имлочиларимиз тамонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиҳларимизнинг мусоҳалалари орқасида техника жиҳати кўз қўриб, қулоқ эшитмаган бир йўсинда чиқди. Буларнинг сабаби бо-

¹ Бу суҳбат 1931 йилнинг ёзида Нодир Назаровнинг кичик Қозировот (Қоziрабoт) мавзесидаги боғида меҳмондорчилик чоғида бўлган эди. (С.Д.)

² «Инқилоб» журнали, 1923 йил, 9–10-сонлар (икки сон бир қилиб босилган).

силиш чоғида ўзимнинг ҳозир бўла олмаганлиғим бўлди. Аммо бу ўринда ўзимнинг жаҳолатим тўғрисида айтиб туришни лозим кўрмайман-да, фақат ўқуғучиларнинг афуларини сўрайман.

Рўмоннинг иккинчи бўлимини бундай хатолардан соф бўлишига ваъда бера олмасам-да, аммо босилиш тақдири ношир қўлида бўлганлигини билдириб қўяман.

Абдулла

Демак, «Ўткан кунлар»ни яратиш фикри муаллифда гарчи кўпдан тугилган бўлса ҳам, ёзишга 1917–1918 йиллардан, яъни йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардан киришганлари тахмин қилинади.

Шуниси ҳам эътиборлики, романнинг журнал босмаларини китоб босмасига солиштириб қаралса, баъзи таҳририй тузатишлардан қатъи назар, шундай бир факт кўзга ташланади: журналда босилган боблар номланмай фақат рақамланган; китобдагиси эса ҳар бир бобга ном қўйилган... Бундан кўринадики, биринчи роман бирданига ҳозирги ҳолга келган эмас.

Ҳар қандай асар узоқ изланиш маҳсулидир. Мавзу танлаш, уни синчиклаб ўрганиш, воқеалар топиш, маълум тартибга солиш, қаҳрамонлар яратиш, зарурат бўлса манба ва жойлар билан танишиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Агар бу ижодий жараёнларни батафсил ёзилса, ўзи қизиқ бир қисса асар бўлиб чиқиши мумкин. Афсуски, Қодирий ижодига боғлиқ бўлган бундай жараёнлар жуда оз ўрганилган.

1932–1936 йиллар миёнасида Самарқанд Давлат университетининг тил-адабиёт факультетида ўқиган Ёқуб Алиев исмли боғ кўшнимиз бўларди. Ўзи мендан беш-олти ёш катта, унча-мунча шеър, ҳикоялар ҳам машқ қилиб юрар эди (1938 йили вафот этди). Ёқуб Алиев ёзги таътилда Тошкентга қайтарди-да, дадам билан суҳбатлашиш иштиёқида баъзан бизникига ҳашарга чиқар, биргалашиб боғ ишларига қарашар ва иш чоғи дадамга адабиётга оид турли саволлар берар, дадам эса унинг саволларига эринмай жавоб қайтарар эди. Шундай суҳбатларнинг бирида дадам «Ўткан кунлар» романининг ёзилиш тарихини қуйидагича ҳикоя қилган эдилар:

«Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларининг шоҳиди бўлган отам ёшлигимда қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб берарди. Бу хотиралар менда

тарихга қизиқиш уйғотди. Сўнгра ўша даврларимиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чиқдим. Қўлим қаламга хийла келиб қолгач, менда ана шу ўтмишимиздан ғарб романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш ҳисси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишни, қоғозга туширишни тасаввур қила олмасдим. Узоқ вақт ўйлаб, излаб юрдим.

Кунларнинг бирида боғимизга отамни кўргани эшак миниб шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. У отамнинг эски қадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан беш-ўн ёш кичик кўринар эди. Улар суҳбат қиларкан, қулоқлари огирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшитиб олмас эди. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуйиб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: «Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?» Уларнинг суҳбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо ёшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерда кўп йиллаб истиқомат қилган, Андижонда ҳам уйланиб, бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келган экан.

Меҳмоннинг ана шу соддагина тарихи менга чувалган ипнинг учини топиб бергандай, ёзмоқчи бўлган китобимнинг шаклини чизиб бергандай бўлди. Шу асосда бошимда воқеани аста-секин кенгайтира, ривожлантира бошладим. Беш-олти ойлаб хаёл суришим натижасида романим ҳозирги шаклига келди ва қўлимга қалам олдим...»

Қодирий романни ёзишга ҳозирлик кўрганда фақат огзаки эшитган, китоблардан ўқиган манбалар билан чекланиб қолмайдилар, албатта. У киши асар воқелигини, ҳаётийлигини ошириш, тўғри тасаввур бериш мақсадида маълумот тўплаш учун Фарғона водийсига воқеа кечувчи жойларни ўрганиш учун бир неча бор сафар ҳам қилдилар.

«Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни неча мартаба кўрган эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман», деб ёзган

эдилар Қодирий 1935 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Ёзувчи ўз иши тўғрисида» номли мақолаларида.

– Менинг Фарғона шаҳарларига материал йиғиш учун сафар қилган чоғларим жуда хавфли йиллар, Фарғонада босмачиликнинг авжи кучайган пайтлари эди, – деб ҳикоя қилардилар баъзан оилавий суҳбатларимизда, – бир гал Фарғонага борганимда, чойхонада чой ичиб ўтирсам, тўсатдан милтиқлар отилиб, чойхонани отлиқ босмачилар келиб ўради. Чойхўрларнинг баъзиси қочиб улгурса ҳам, кўпчилиги, жумладан, мен ҳам қуршовда қолдик. Чамаси, босмачилар чойхоначининг кўпроқ пули борлиги тўғрисида хабар топган эканми, тўғри бориб ён-верини тинтишди, бор-йўқ пулини олиб жўнаб кетишди.

Дадамнинг бу гапларини «Улуғ Туркистон» газетаси, 1917 йил, 47-сонининг 4-бетида эълон қилинган ушбу хабар ҳам тасдиқлаб ўтади.

«Хўқанд атрофинда таловчилар

А.Қодирий афандининг ёзувина кўра Хўқанд уязина тобе «Султон қишлоқ» ном қишлоқда 70–80 нафар таловчилар фирқаси пайдо бўлуб, шул тепадаги қишлоқларни босуб, хароб қилуб юрийлар экан. Шўлуқ босмачилар тарафидан «Найман» қишлоғининг қозиси мулла Одил жанобларининг-да юрти талануб, ўзи ўтирилган. 4-нчи декабрда мазкур босмачилар бирла қишлоқ халқлари орасинда кун бўйинча отиш бўлуб, босмачилар 10-11 нафар ўлик қолдириб қочқанлар.»

Қодирий Фарғона шаҳарларига бориб, нималар қилган ва қандай материаллар тўплашни кўзда тутганлар? У кишининг турли вақтларда, ўрни келганда айтган сўзларига кўра, мен шуни англадимки, муаллиф шаҳар, қишлоқлар кезиб кўп яшаган, ўша даврни кўрган, эшитган шахсларни излаганлар, улар билан суҳбатлашганлар ва асардаги ҳар бир ҳаракат ўринларини аниқлаган, мўлжаллаганлар.

Мен Марғилон кўчаларида юриб, карвонсарой, эски Ўрда ўринларини белгиладим. Мирзакарим қутидор, уста Олим, Ҳомид, Содиклар уйини тахминладим ва «Хўжа маъоз»да бир кеча тунадим, – дердилар дадам, баъзан ҳушлари келганда, бизнинг роман ҳақидаги майда-чуйда эзма саволларимизга жавоб бериб. – «Хўжа маъоз»да ёлғиз тунадим. Масжид айвонида узоқ ўтирдим. Ҳаммаёқ қоронғи; одам деган гап йўқ... Бора-бора уйку босди. Ухлаб олмоқчи бўлдим. Бироқ ётиб кўз юма олма-

дим. Чунки туновчилар келтирганми, масжидда қандала кўп экан, чақавериб безор қилди. Ховлига тушуб ётай десам, турли хашаротлардан хавф қилардим... Ниҳоят, тобутхонага кириб ётдим...

Қодирий асарни ишончли тасвирлашга қанчалик эътибор берганлари ҳақида «Ёзувчи ўз иши тўғрисида» номли мақола-ларида яна шундай мисол келтирадилар:

«Ўткан кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўтатуриб, намозиом маҳалида, доғ қилинаётган зиғир ёғнинг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойига шу кичкина детални киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда...»

Муаллиф китобхон ишончини оширмақ учун асарни шундай хотима билан тугаллайдилар:

«Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғриси суриштириб билдим. Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғил қолибдир. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дедилар».

СИЗ ОЙИ ЭМАССИЗ-КУ?

«Ўткан кунлар» ёзиб тугатилган пайтларда етти ёшда эдим. Шундай бўлса-да, романнинг ёзилиш жараёни, умуман, оиламизга, дадам ҳаётига доир баъзи илк хотира-кечинмалар, воқеа, манзаралар ёдимда сақланиб колган.

Дадам ўрта бўй, кенг елка, қорадан келган эдилар. Юзлари тўгаракка мойил, узун тимқора сочлари силлиқ таралган, кенг пешона, қора ясси қош, қисикроқ зулукдек қора жозибали кўзлари ҳамиша узоқни кўргандек ўйчан, бурун қанотлари бир оз керилган, қисқа қора мўйлабли, лаблари юпқа-қалин оралиғида, пастки жағлари сезилар-сезилмас кенг-ўсиқ, ияклари чўққидан келган эди. Сўл юзлари билан ияklarининг ўнг томонида уч тийинлик чақадек билинар-билинемас ямоқ (пендинка ярасининг изи) бор; юз, пешона ва бурун устларида сийрак бўлса-да, қора сепкил доғлари кўринар; ўнг қулоқларида эса,

«зирақ тақиш учун» бўлса керак чақалоқликда тешилган тешик ўрни бор эди. Биз ёшлиқдан сўрар эдик:

– Ада, нега қулогингиз тешилган, сиз оёи эмассиз-ку?..

У киши бир турли ранж ва кескин оҳангда бибимга ишора қилиб, дердилар:

– Ана, онангдан (бибимни «она» дердик) сўра-чи, нега қулоғимни тешиб кулгу қилди экан?!

Бибим Ўзбек ойимга ўхшаш табиатли эмасми, айбини сира бўйнига олишни билмас, аксинча, баланд келар эдилар:

– Нега тешмайин! Дадангни ўн икки болани ерга қўйиб топганман, қулоғини ердан тешиб олганман, – дердилар ва ўкси-ниб қўярдилар, – агар ҳамма болаларим турганда, бир маҳалла бўлар эди...

Дадам замонавий кийинардилар. Лекин кўпинча қора ёки мошранг бахмал дўппи, қиш кезларида эса узун беқасам ёки чит тўн, сувсар телпак, маҳси-калишларини қўймас эдилар.

У киши ёлғиз чоғларида ҳамиша ўйчан, гўё зўр бир ташвиши бору қайғу чеккандай, хаёл сургандай кўринар эдилар. Даданинг бу сиймо-сифатларига ёзувчи Ойбекнинг қуйидаги хотирасини ҳам қўшсак, у киши тўғрисидаги тасаввуримиз янада тўлиқроқ бўлур дейман:

«Абдулла Қодирий ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва бахмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишидан деҳқонларга ўхшаган, тимқора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринар эди.

Сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринар, чунки ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, огзига келган ҳар бир сўзни айтавермас, секин ва худди ўзига халал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди».

Шоир Миртемир хотирлайди:

«Абдулла Қодирий жаҳон билгич, жаҳон камтар, хушсуҳбат ва бор-йўғи бутун сажияси сиймосидан аён, бир гаплик, ўзига ишонган, забардаст қаламкаш эди. Оддий кийинар эди, бутун адабиётимиз учун куюнар эди...»

Дадам кўча-кўйда аста ёлғиз борсалар, қўлларини орқадан энглари ичига тикиб олардилар-да, тўн учларини шалвиратиб,

бошларини ўнг томонга мойил, ҳам тутиб, кўзларини ердаги бир нуқтага тиккан ҳолда ўйланиб кетаверардилар. Мен эзмаланиб:

- Нега ерга қараб юрасиз-а, ада? – деб сўрардим.
- Пул қидираман... – деб кулардилар.

Дадамнинг бундай юришлари, албатта, бежиз эмас эди. У киши юрганда, чамаси, бирон ижодий ҳаёл билан банд бўлар, ҳатто йўлдаги баъзи бировлар билан учрашув у кишига халал берар эди. Шундан бўлса керак, доим овлоқ йўллардан юрар, сайр этар эдилар. Масалан, боғимиздан Чорсуга тушмоқчи бўлсалар, кенг, текис тошйўл Самарқанд дарбоза кўчаси қолиб, «Ўткан кунлар»да тасвирланган паст-баланд, жар-жилғалик Чақир, Сузукота, Чуқурқишлоқ, Эскинамозгоҳ маҳалла-гузарлари орқали бозорга борар эдилар. Бу йўллар ўзининг табиий манзараси, тарихийлиги билан ҳам, чамаси, ёзувчига илҳом бахш этса керак-да...

Дадам трамвайга ҳам сийрак тушардилар, узундан-узоқ ма-софаларни қадамлаб босардилар. Албатта, у кишининг бу ода-ти менга ёқмасди, бундай пайтларда ҳамроҳ бўлишдан безил-лардим...

– Чорсу бозорга пиёда тушиш-ку, майли, бу ёқларда трам-вай, машина йўқ... Тайёр трамвай турганда Янгишаҳарда пи-ёда юришингиз нимаси, ада?! – дердим ранжиб.

– Ўрганиш-да, – деб кулардилар. – Тиқилинчда юргандан кўра, оёқнинг чигили ёзилади...

Ижод чоғида у киши асабий, одамови, ҳатто ташқарида-ги товушни ҳам ёқтирмас эдилар. Бундай пайтларда биз халал бермасликка тиришар, койишидан кўрқиб, аста оёқ босар эдик. Агар зарурат туғилиб, фикрларини бўлишга тўғри кел-са, дарҳол жавоб қилмас, ишни маълум нуқтага етказгач, бош кўтарар эдилар:

– Нима дединг?

Сўз такрорлангач, «ҳа» ё «йўқ», деб қисқа жавоб бериб, яна ишга берилар эдилар. Ташқари кишиларни эса мумкин қадар қабул қилмасликка тиришар эдилар.

Баъзан, гарчи «Мени сўраб келгувчиларга, дадам йўқлар, дегин!» деб пишиқлаб қўйган бўлсалар ҳам, мен шартни бузиб кўяр, эшик тақиллатиб келувчининг «Дадангиз бормилар?» са-

волига, шошиб «Ҳа, борлар», деб қўяр эдим... Келувчини кузат-гач, мени койир эдилар.

– Нега борлар, дединг?!

Бундай кезларда, агар кайфлари дурустлигини сезсам, бўш келмасдим:

– Ўзингиз ёлгон сўзлашга ўрганма, дейсиз-ку... Бор кишини йўқ дейишга тилим бормади-да, – дердим...

Албатта, дадамнинг юқоридаги жиддий, қатъий ҳолатлари иш-ижодга берилган кезларида вақт ва фикрни қизғангандан бўлар эди. Ижоддан йироқлашиб, дам олган вақтларида бутунлай бошқача, оилада, дўстлар орасида бўлмасин, жуда хуштаъб, серкулги, ҳазилманд бўлар эдилар.

У киши ижод билан асосан қиш кунларида шуғулланар эдилар. Ёз ойларида эса ёзмас (албатта, хизмат ёки зарурат юзасидан ёзилган баъзи мақолалар-асарлар бу одатдан мустасно), боғ ишларига қараш, деҳқончилик қилиш, дам олиш, саёҳатга чиқиш, дўстлар мулоқотида бўлиш, янги асарга режалар тузиш, материаллар тўплаш билан шуғулланар эдилар.

Дадамнинг дўстлари билан бир суҳбатда: «Мен ёзда ёза олмайман. Иссиқда миям «қайнаб» кетади...» деганлари ёдимда.

ШАҲАР ҲОВЛИМИЗ, ҚОДИРИЙ ИЖОДХОНАДА

Шаҳар ҳовлимиз бирор таноб ерни ишғол қилиб, икки қисмга бўлинган эди: бир қисмда Раҳимберди ва Қудратилла амакиларим туришар, иккинчи қисмида биз яшар эдик. Аммо кўча эшигимиз битта эди. Бизнинг ҳовлимиз яна уч қисмга, яъни: ташқари (меҳмонхона), ўрта (биз яшайдиган), ичкари (молхона, ўтинхона)ларга бўлинар эди. Яшайдиган ҳовлимиз ўртасида бир туп олма, бир туп нок ўсар, ҳовли тевараги эса ошхона, омборхона, бобом ва бибимлар хонаси, болалар хонаси ва дадамнинг ижодхонаси каби бинолар билан ўралган эди. Уйларимиз эскича, синч деворли, лой томли, тахта-полсиз қурилган эди.

Куз келиб, шаҳарга кўчиб тушиш вақти етганда, шаҳар ҳовлининг ўзига яраша тайёргарлик ишлари бошланарди. Масалан: қўклам ёмғири билан тизза баравар ўсиб, ёзи билан қовжираб ётган том ўтларини, тўқай каби ҳовли бетини босиб

кетган бурганларни ўриш, тозалаш, том ва девор рехтларини тузатиш, суваш, оқлаш, ҳоказо.

Шундай кезларда қўшнилариимизда яхши бир одат бўларди: то кўчиб тушиб жойлашиб олгунча, олдинроқ келган ёки шаҳарда қолган қўшнилар бир-бирига меҳрибонлик қилиб, овқат пишириб чиқаришар эди.

Қўшнилар бирин-сирин даладан кўчиб тушадилар, ёзи билан мусичалар кукулашиб ётган ҳовлиларга файз киради, куз ҳавоси қишга алмашиб, ёмғир кетидан изғирин, изғирин сўнгидан қор дегандек шаҳар ҳаёти бошланади, дадам ниҳоят уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб, ижодхонага кирадилар, аста-секин ёзув-чизувга қарайдилар...

Иқлимнинг ўзгаришиданми, ўша кезларда негадир қиш жуда қаттиқ келарди. Қор шу қадар кўп ёғардики, томдан кураб туширилган қорлар ҳовли ва тор кўчалариимизни тўлдириб юборарди, томни кураб қор уюмлари устига бемалол сакраб тушаверардик...

Шундай чирсиллаган қиш кезларида дадам иссиқ сандалда ўтириб «Ўткан кунлар»ни ёзадилар...

Дадамнинг ижодхоналари ўн икки ёгочли, оқланган, кунгай, алоҳида тинч уй бўлиб, эшик, дераза, шифт (тоқи)лари оч-ҳаворангга бўялган, токчаларига хитойи кўра, лаган, самовар, чойнак, гулдор патнислар қатор-қатор қўйилган; коса, пиёла, тақсимчалар қават-қават терилган; тахмонларга хонатлас кўрпа, кўрпача, парёстиклар тахланган; узун деворга гилам қоқилган; ерга тўшалган бўйра устидан катта гулдор гилам ёзилган уй эди.

Сандал устида даста-даста узун-камбар ёзув қоғозлари (дадам ўрганишданми, қоғоз таҳчиллигиданми, негадир, кўпинча шундай камбар қоғозга ёзардилар), учлаб тайёрланган ўнлаб сиёҳ қаламлар, пачкалаб «Эпоха» папириси ёки тамаки, гугурт, кулдон турар эди. Қоғоз тагига қўйиб ёзиш учун эса қора, қалин муқовали катта журнал-дафтар бўларди.

Дадам сафарга, саёҳатга, сайилга борсалар, шу дафтар ичига қоғоз-қалам солиб ола кетардилар. Дафтар ичида, негадир тартиб билан рақамланган жуда кўп юпқа қоғоз бўларди. Бу қоғозларни биз «хитой қоғоз» деб атардик. Қачон мен варрак ясагим келса, шу қоғоздан бир-иккитасини тилаб олардим.

Дадам ижодхоналарини озода, тартибли бўлишини хоҳлар, ҳатто токчада ўринсиз ёки қийшиқ турган буюм ҳам у кишига халал бергандек, ғашига теккандек туюлар эди. Масалан, бир гал ижод чоғида қандайдир иш билан хоналарига кирганимда «Ҳов анови токчада қийшиқ турган чойнакни тўғрилаб қўй», деб менга буюрганлари ёдимда...

Дадамнинг ижодий ишлари сандалга ўтирган кундан бошлаб, дарҳол силлиқ «юришиб» кетавермас эди, албатта. Ёзи билан ёзмай қаламдан чиқиб қолган қўл бирдан ўз изига тушмай, ёзувчини бир неча кун қийнар эди. Сандалга тирсакланиб, қўлларида қалам, ўйланиб ўтириб-ўтириб, биринчи кун ярим қоғоз ёзсалар-ёзар, бўлмаса йўқ, ўринларидан туриб кетар ва ҳовлига чиқиб юмуш қилиб юрган ойимга «Қўл қаламдан чиқиб қолибди», деб кулар эдилар. Аммо ўзларини зўрлаб ёзув курсига қайта-қайта ўтираверар, иккинчи кун яна ярим қоғоз, учинчи кун бир қоғоз, сўнгги кунларда икки-уч қоғоз... шу тарика аста иш юришиб кетарди.

У киши иш чоғида гўё ташқаридаги бирор шарпага қулоқ солгандай, чақнаган ўткир кўзларини узоқ бир нуқтага тикиб, бутун кучини фикрлашга йўналтирган каби жиддий, ўйчан ва ўқтин-ўқтин қуйилиб келган фикр тўлқинларини тезроқ қоғозга тушириб қолиш учун шошилар эдилар. У киши шу қадар тез ва шахт билан ёзардиларки, ёзиш суръати стенограф тезлигида эди десам, балки муболаға бўлмас. Қаламнинг қоғоз узра юришини, «тўқ-тўқ» нуқта уришларини эшик очиқ бўлса, қўшни хонадан ёки очиқ дераза орқали ҳовлидан бемалол эшитиш мумкин эди.

Бундай шиддат билан ишлаш бир-икки абзац ёки баъзан бир-икки қоғоз тўлгунча тўхтовсиз давом этар, сўнг гўё кучли курашдан чарчаган каби бир неча дақиқа ўйланиб дам олар, чекар, аччиқ-аччиқ чой ичар, курси устидаги мева-чевалардан тотинар ва хаёл суриб яна ёзувга киришар эдилар.

Баъзан мен дадам билан жуда сўзлашгим келиб қолса, секин эшикни очиб мўралардим. У киши менга эътиборсиз ёзаверардилар, мен бўлсам қараб тураверардим. Ниҳоят, ёзувни бир ерга етказардилар-да:

- Ҳўш, нега келдинг? – деб сўрардилар.
- Ўзим...

– Кел, ўтир, – деб чақирардилар. Сандал устидаги апелсин, олма, қора майиз, ёнғоқ мағизларидан едириб, бир оз «суҳбат»лашардилар-да, чиқариб юборар ёки «Муштум» журналинни бериб, жим томоша қилиб ўтиришни буюрар эдилар.

У киши баракали ижод қилган кунлари иш охирида ёзган қоғозларини санаб кўриб, «Бугун ҳосил дуруст», деб кулиб қўярдилар.

Бу гаплар дадам ижод жараёнининг бир томони. Аммо дадам ҳар бир асарни қандай ишларди, режа тузармиди, қайта-қайта бузиб, тузатиб кўчирармиди, воқеа, образларни қандай яратарди? Бу каби масалалар менга бир оз қоронғу. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, қуйидаги маълумотларни айтиб ўтмоқчиман (албатта, улғайиб кейинроқ кузатишим бўйича).

Мен дадам олдида ҳеч маҳал режа ёки шунга ўхшаш бирор дастур кўрмаганман ва ўқимаганман. Чамаси, у киши ҳамма план-режаларни ипидан-игнасиғача мияда обдан пишитиб олардилар. Асарни қайта ишлаш, кўчириб ёзиш масалаларига келганда, араб алифбосида (ҳамма асарлари ҳам шу алифбода ёзилган) хушхат қилиб бир йўла ёзар, баъзан-баъзан бирор бетда бир-икки сўз ўчирилиб, устига тузатиб ёзиб қўйилишини ҳисобга олмаганда, бу ёзувга иккинчи қайта қалам урмас, тузатмас эдилар. Агар фикр ёки воқеага бошқача йўналиш бериш тақозо этиб, ўчириладиган сўз бир абзац ва ундан ортиқ бўлса, кўчириб ўтиришга эринганданми, йўлакай ўша тузатиладиган ерни қирқиб ташлаб (бундай ҳоллар аҳён-аҳёнда бўларди), давомига қоғоз улаб ёзиб кетаверардилар. (Дадамнинг ёзишидаги бу хусусиятларини ҳозирда ҳам сақланиб қолган баъзи қўлёзмаларидан кўриш мумкин). Асар тугагач эса, уни бир йўла қайта ўқиб чиқардиларда, баъзи ерларини тузатиб, ўша асл нусханинг ўзини босмага топшириб юбораверар, ўзларида нусха олиб қолмас эдилар¹.

Эҳтимол, ёзувчининг шундай пишиқ, гўзал жумлаларни бир йўла ёза олиши баъзиларни ўйлатиб қўяр. Бу муболаға

¹ Дадам фақат учта катта асарларининг қўлёзмасинигина бировларга нусха кўчиртириб, аслини ўзларида олиб қолган эдилар, холос.

1963 йили илмий ходим Шерали Турдиев, ЎзССР ФА ахбороти бешинчи тўпламида «Абдулла Қодирийнинг янги топилган ҳикоялари ҳақида» деган мақоласида «Абдулла Қодирий котиб сақлаган экан», деб хабар бериб, котиблик даъво қилувчидан ёзиб олинган баъзи «маълумотлар»ни эълон қилган эди. Бу маълумотлар сохта; Қодирий ҳеч қачон котиб сақлаган эмас.

эмас, ҳақиқат. Дадамнинг бундай бир йўла ёзиш қобилият-истеъдодини эсимни танигандан биламан, қайта-қайта таҳрир қилганини кўрмаганман.

«Меҳробдан чаён» романининг қўлёзмасидан нусха кўчиришда иштирок қилган олим Ҳамид Сулаймон ўз хотирасида («Кино» журнали, 1966 йил, 11-сон) шундай ёзади:

«Романни Абдулла Қодирий машинка босадиган оқ қоғозга (бу роман шундай қоғозда ёзилган эди – Ҳ.Қ.) қалам билан ёзган эди. Қўлёзмада чизиб ўчирилган, янгидан ёзилган сўзлар оз эдию, Абдулла аканинг хати йирик, равшан, дона-дона, хати муллои услубида эди».

Раҳимберди амаким ҳикоя қилган эдилар:

Бир вақт (1916 – 1917 йиллар – Ҳ.Қ.) тўрт-беш ёшли Насиба исмли қизим қизамиқдан ўлиб қолди-да, уйларимиз азага келган хотинларга тўлиб кетиб, Абдулла иккимиз меҳмонхонага чиқиб ётдик... Эрталаб Абдулла барвақт уйғониб, чироқ ёқиб, қоғоз-қалам келтирди, кўрпасига ўралиб ёстиғига ёнбошлаб нималарнидир ёза бошлади. Менинг ҳам уйқум ўчган эди. Лекин вақт эрта бўлгани учун ўрнимдан турмай Абдулланинг ёзишига разм солиб ётдим. Абдулла ёзавериб-ёзавериб, бир неча қоғозларни тўлдириб ташлади ва ахир ёзувни битириб бўлгач, менга, «Ана энди, ака, бу ёзганларни яхши-ёмонга ажратамиз», деди ва ёзувини қайтадан ўқиб чиқиб, қарийб ярмини ўчириб-чизиб ташлади.

Мен унинг ишига қараб ётиб, дедим: «Ёзганинг нимаси-ю, ўчириб ташлаганинг нимаси?» Абдулла: «Сиз тушунмайсиз, ака», деди...

Бу лавҳадан: Қодирий ҳам дастлаб ўз асарларини қайта-қайта ишлаган ва талай йиллаб машқ, ҳадис олиш натижасида бир йўла ёзиш қобилиятига эришган, деб ўйлайман.

ҲОРДИҚ ЧОҒЛАРИДА

Дадамнинг ижодий иш кун тартиблари (тахминан) шундай эди: барвақт туриб ишлар, нонушта қилиб, биз болалар билан суҳбатлашиб, бир оз дам олгач, яна уч-тўрт соат ўтириб ишлар эдилар. Бу орада вақти-вақти билан беш-ўн минутдан «кичик танаффус» қилиб олардилар. Ҳовлига чиқиб, у-бу юмушларга қарашар, тўнлари устидан белни боғлаб ўтин ёрар, «пўшт-

пўшт!»¹ деб томга чиқиб қор кураб ёки нариги уйда сандалда ўтирган қулоғи оғир Қодир бобом билан қаттиқ-қаттиқ сўзлашар, ёки ташқари ҳовлимизда ўйнаётган болаларга қўшилиб ошиқ ўйнардилар. Баъзан менга варрак ясаб учириб ҳам берардилар ёки ноғора чалаётган бўлсам, ёнимга ўтириб ноғора чалишар эдилар (дадам жуда яхши ноғора чалардилар), «Болалигимда рўзада сахарликка ноғора чалиб, маҳалламиздаги ҳамма ноғорачиларни ютиб чиқардим», деб кулиб мақтанардилар².

Пешиндан кейин «катта танаффус» қилардилар ва кечликни еб, бир-икки соат оилавий суҳбат қуриб ўтиргач, яна ўн бир-ўн иккиларгача ёзар, кечалари ёнларига чироқ, гугурт, қоғоз, қалам, папирос қўйиб ётар, тунда туриб ишлаган пайтларида эрталаб уйқудан кечроқ уйғонардилар. Баъзан эса уй ишлари ёки идоравий юмушлар билан шуғулланиб, бир неча кунлаб ёзувга ўтирмай кетар ёки китоб мутолаасига берилар эдилар.

Дадамнинг бундай вақтларда ҳордиқ чиқариш учун ўқийдиган китоблари, кейин эслашимча, Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Умар Хайём, Ҳофиз, Мирзо Бедил шеърлари, Гиёсиллуғат, Қомус ва Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» асарлари эди. Баъзан мутолаа қилгилари келса, менга токчадаги номлари тахига ёзилган китобларни кўрсатиб буюрардилар:

– «Мснўй»ни менга олиб бер!

«Мснўй» – юқорида айтилган Румий асари. Арабча талаффузда китоб номи «Маснавий» ўқилса ҳам, «Мснўй» ёзилади. Мен буни талаффуз билан ўқишни билмай, ҳарфан «Мснўй» ўқирдим.

Баъзан дадам русча китоблар ҳам мутолаа қилиб ўтирардилар. У вақтларда рус тилини билмаганимдан у кишининг қандай русча китоблар ўқиганини билмайман. Бироқ шундай лавҳалар ёдимда:

Дадам бир кун чой вақти қандайдир русча китоб ўқиб ўтирдилар-да, ўзларича бирдан кулиб юбордилар. Кимдир: «Нега куласиз, қандай қизиқ жойи чиқди?» деб сўради. У киши китобдан шундай кулгили жойини айтиб бердилар: «Бир киши

¹ «Пўшт-пўшт» дейишдан мақсад, ҳовлиларда юрган қўшни хотин-қизлар ўзларини четга олишсин, ёт эрақдан қочишсин учун...

² Рўза ойида болалар, ҳатто катталар ҳам ҳар кун тун ярида томга чиқиб, ноғора чалар, ҳаммани сахарликка уйғотар, эвазига ҳайит-арафа куни қўшнилardan пул ва кийим-кечак йиғиб олар эдилар.

бемор бўлиб, ҳолсизланиб каравотда ётади. Ёш-ёш болалари эса уй ўртасида овқатланиб ўтирадилар (чамаси, беморнинг хотини ё ўлган, ёки уйда йўқ бўлади). Болаларнинг бири отасига: «Дада, ош иссиқ!» деб шикоят қилади. Отаси ётган кўйи «маслаҳат» беради: «Совуқ сув қўша қол...»

Яна бир кун у киши русча китоб ўқиб ўтириб, кулиб юбориб, шундай кулгини айтиб берган эдилар:

«Содда бир хизматкор киши хўжайини билан қишлоқдан Петербургга келади-да, қайтиб боргач, ўзига ўхшаш хизматкор бир дўсти билан Петербург таассуротлари ҳақида ўртоқлашади. Дўсти сўрайди: «Питерда сенга энг ёққани нима бўлди?» Хизматкор жавоб қилади: «Этик мойлайдиганлар олдидан ўтиб борганда, бурунга бир ҳид урилади, а? Ана ўша...»

Ёш йигит чоғларим эди. Ёз кунларининг бирида кечки пайт ойим ош дамлар, дадам ишдан сўнг болохона уйимиз деразасига суяниб ўтириб ҳордиқ чиқарар, Мирзо Бедил куллиётини ўқиб, баъзи байтларининг маъносини менга шарҳлаб ўтирар эдилар. (Шу чоғларда мен форс тилини ўрганар эдим.)

*Ба авжи кибриё каз паҳлавий ажзаст рах он жо,
Сари мўи гар он жо ҳам шави бишкан кулоҳ он жо.*

Мазмуни: қанчалик улуғ зот бўлсанг ҳам, камтарликни қўйма, агар озгина бош эгиб камтар бўлиб юрсанг, ишинг доимо жойида бўлади.

Мен у кишига дедим:

– Бедил шеърларини фалсафий, тушуниш қийин, дейишадди...

– Ҳа, Бедилнинг ҳар бир шеърида чуқур фалсафий маъно ётади, уни ҳамма форсийхонлар ҳам осон тушуна олмайдилар. Бедил шеърларини шарҳловчи махсус бедилшунослар, бедилхонлар бўлган ва бор, – дедилар, сўнг аста давом этдилар: – Унинг тўрт юз йил бурун айтган баъзи фалсафий қарашлари ҳозирги замон фалсафасига ҳам жуда мос келади. Масалан, Бедил дейди: «Ҳаёт аввал жамодот (тош-тупроқ)да пайдо бўлди, бироқ унда ривож топмади. Сўнг набототда ривожлана бошлади, лекин унда ҳам яхши ривожланмади. Кейин ҳайвонотда яхши ривож топди, аммо унда ҳам юксала олмади. Ниҳоят одамзотда юксак тараққиётини топди. Бинобарин, инсон ўзининг

кимлигини, жамодот, наботот, ҳайвонотдан фарқ қилишини, буюклигини, Ҳазрати Инсон эканлигини унутмаслиги керак».

Дадамнинг бу сўзлари теран мазмунли эканлигини англасам ҳам, у чоғларда бундай масалалар хусусида мустақил фикр айтишга иқтидорсиз эдим. Шундай бўлса-да, шу саволни бердим (у чоғларда бундай саволни беришга ҳақли эдим):

– Инсон буюклиги нимада?

– Нимада бўлар эди, – дедилар, гўё «шуни ҳам билмайсанми», дегандек оҳангда ва лаганда ош кўтариб кирган ойимни кўриб китобни четга қўйдилар, – қиёфаси, онги, қобилияти, инсонгарчилигида-да...

Ҳаммамиз ошга ўтирдик. Сўзсизгина овқатлана бошладик. Дадам юқоридаги суҳбат таъсириданми, ўйчан овқатланар эдилар, тўсатдан ниманидир хотирлагандек бўлдилар:

– Албатта, – дедилар, – юқоридаги сифатлардан ташқари инсонда яна бир сифат – мардлик, ботирлик фазилати ҳам бўлмоғи керак. Бусиз комил инсонийлик бўлмайди...

Ўйлаб қаралса, дарҳақиқат, одамийликни мардликсиз, жасоратсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

«Катта танаффус» чоғида у киши баъзан ухлаб олар ёки кўча сайрига чиқар эдилар.

Кўчамиз базўр арава сиғарли тор, узун айлана бўлиб, пастак-пастак томлари бир-бирига ёндашган (томларининг ҳаммаси деярли бир-бирига қўшилган, биз болалар кўкламда варрак учирганда маҳалланинг бу бурчидан чиқиб, нариги бурчидан тушаверардик), унда ўттизга яқин хонадон яшардик. Қўшниларимиз ҳаммаси содда, оқкўнгил, дадам ва Қудратилла амакимдан бошқаси саводсиз (янги очилган мактабларда ўқиётган ёш болалар бундан мустасно), муқим бир ишсиз, фақирона кун кўрувчи кишилар эди. Улар аравакаш, ёғочфуруш, саржинчи, ошпаз, мошфуруш, товоқфуруш, беданавоз, боғбон, масжид сўфиси, кўпчилиги косиб-ямоқчи эди. Раҳимберди амаким бўлса, қиш бекорчилигида қуртлоқи туршакларни қоплаб сотиб олиб келиб, ивитиб, данагини ситиб, чақиб, мағзини бозорда сотар эдилар. Уйларида доим тоғора-тоғора туршак ивитилган, данак чиқариб ўтиришар эди. Кўчамизда давлат корхонасида ёки идорасида ишлагувчи фақат дадам ва Қудратилла амакимлар эди (Қудратилла амаким Чорсудаги катта бир магазинда касирлик қилар эдилар).

Хотин-қизлар уй-рўзғор ишидан ортсалар, сақич чайнаб, дўппи, қийиқ, тўн тикишар, тивит ва пахтадан ип йигириб со-тишар, ораларида эса кинначи, фолбин, тикувчи (Роби опоқо-йим), дастурхончи ва биргина Ҳамро отин деган мактабдор отинойилари (отинойи кўчамиз ўғил-қизларини йиғиб, эскича ўқитар эди. Жумладан, мен ҳам бир неча кун шу Ҳамро отинда ўқиганман) ҳам бор эди.

Кўчамиз болаларининг, ҳатто уйланган йигитларнинг ҳам қиш бекорчиликда қиладиган «иш»лари ит, хўроз, қўчқор уриштириш, ошиқ ўйнаш, чана учиш, баҳорда варрак учириш (катта ёшли йигитлар қуроқ учириб, думига фонар ёки кучук боласини боғлаб чиқаришар, итнинг вангиллашига завқланиб қийқиришар эди), тўп, чиллак ўйнаш, кураш тушиш, чилдир-ма, ноғора чалиб базм қилиш бўларди.

Дадам кўчамиз бошидаги Машрабхўжа, Диёр ака деган ко-сибларнинг дўконига (улар уч-тўрт киши ҳалфа бўлиб иш қи-лишар эди) кириб, узоқ суҳбатлашиб ўтирардилар. Диёр ака-нинг яхши овози бор эди. У маҳсига сўзан уриб, ип тортиб, «Гу-лёрахон-Гулёра» ашуласини чўзиб хиргойи қилар ёки «Боққан-ман-боққанман» деган қандайдир бир ашуласини айтиб ҳам-мани кулдиар эди.

Дадам кўпинча ҳордиқ чиқаргани маҳалламиз чойхонаси-га ҳам кирар эдилар. Чойхонада бекорчилар кўп, ҳамма «дунё» янгиликлари, ошхўрлик, беданавозлик, ашулахонлик, аския шунда бўлар эди. Дадам чойхонага кириши билан ҳазилманд-лар «Мана, сўз ўғриси ҳам келди», деб гап қотишарди. Бу гап тагида, албатта, жон бор: дадам чойхонада кам сўзлаб, кўп гап тинглардилар. У кишининг бу одатидан чойхўрлар «аччиқла-нишар» ва ҳалигидек замзама қилишар эди. Кейин фаҳмла-шимча, дадам чойхонада фақат ҳордиқ олмай, турли тоифа кишилардан тил, сўз, иборалар ҳам ўрганар эканлар.

Аъзамхўжа амаки (бу кишини Аъзампучуқ деб ҳам аташар-ди, 1977 йилда вафот этди) жуда муқаллидчи эди. У чойхонада, гап-гаштакларда қизиқчилик қилиб, улфатларини кулдиар-ди. Қўлида асо, бошида дастшў (цилиндр ўрнида), папирос ту-татиб ўртадаги стулда гўё оврупо сиёсатдонларидай, жиддий, виқор билан оёқ чалиштириб ўтириб олардилар-да, ёнидан га-зета чиқариб (газетани тескари ушлаб), ўқий бошларди. Унинг шу ўтириш вазиятининг ўзи бир кулгили бўларди ва бирдан гўё

газетадан қандайдир жуда ёмон хабар ўқигандай бош чайқаб хафаланиб кетарди ва яна бир оз ўқиб бориб, бирдан қаҳ-қаҳ уриб «Вой аҳмоғ-а!» деб, кимдандир кулиб қўярди. У муқаллидлик қилганда юзига шундай ҳолат олардики, кузатувчилар қотиб кулмай иложлари йўқ эди.

Нишонбой амаки (бу киши косиб эди, бир кўзи йўқлигидан кўр Нишон, деб аташарди) эса «Ракканг гум, ракканг гум», деб муқом қилиб, ўйинга тушар, ҳаммани кулдираб эди.

Маҳаллада, дадамнинг юқорида номлари зикр қилинганлардан ташқари, Акбархўжа, Сулаймонхўжа, Пўлат оқсоқол, Ғани оқсоқол, Ғулом Зафарий, Абдуваҳоб, Пўлатхон ака, Қудратилла (амаким), Ваҳоб қассоб каби ўша даврнинг зиёлилари ҳисобланган бир гуруҳ улфатлари бўлар, улар билан қиш кезлари ҳафта сайин гап-тўкма ейишар эди. Бу дилтортар улфатчилик ҳам табиий муаллифга яхши ижодий ҳордиқ берарди. Гап бериш навбати бизга келганда дадам курси устидаги ёзилган қогозлардан бир дастасини олиб, меҳмонхонага чиқардилар-да, меҳмонларга ўқиб берар, улар жим ўтириб қулоқ солишар эди.

Тошкентда 20-йилларнинг охиригача ҳам мазорот кўп, балки шаҳарда уч юзлаб қабристон бор эди, десам муболага бўлмас. Масалан, бизнинг маҳалланинг икки четида ярим чақирим-ярим чақирим йироқликда иккита катта-катта Хўжа Нуриддин ва Хўжааъламбардор (бу қабристон у вақтларда шаҳарнинг чеккаси ҳисобланиб, яқин атрофида қиш кезлари хонадон яшамас эди) қабристонлари бор эди. Бу қабристонларнинг киравериш қисмида ва теварагида неча юз йилларни кўриб, зўрайиб кетган баҳайбат қайрағочлар ҳамиша кўрқинч солиб турарди. Шундай бўлса ҳам баҳор кезлари қабристонлар усти гулларга бурканиб кетарди. Дадам кўпинча баҳор кезлари ана шу Хўжааъламбардор қабристонига ёлғиз бориб, негадир узоқ-узоқ ўтириб қайтардилар. Ҳатто бундай ҳолларни гоҳо мен тунларда ҳам сезардим.

Унутмайман, бир гал дадам кечки пайт мазкур қабристонга мени ҳам бирга олиб бордилар. Пойгакдаги бир қабр устига ўтирдилар-да, менга лолақизғалдоқ, чучмўма теришни буюриб, қўлларидаги бир ўтқи ўйнаб, чуқур ўйга толдилар. Атрофда ҳеч кимса йўқ, мен гул териб дадам олдига тахлайман, у киши эса ўз хаёли билан банд... Бора-бора аста қоронги ҳам

туша бошлади, мен ҳам гул теришдан зерикдим. Бироқ дадам ҳамон хаёл сурардилар. Ниҳоят, негадир менинг кўнглимга бир кўрқув тушди-да, дадам елкасига суяниб йиғлаб юбордим. Шундагина турдилар...

Ана шу қабристон чеккасида дадамнинг ҳаммаҳалласи ва мактабдош ўртоғи Муҳсин амаки (бу киши 1974 йилда вафот этди) яшарди. Муҳсин ака дадамни эслаб, шундай ҳикоя қилди:

«Абдулла, чамаси, «Ўткан кунлар»ни ёзиб юрарди. Боққа кўчиб чиққан чоғларимиз эди. Бир кун мазор рўпарасидаги эшигимиз олдида иш қилаётсам, Абдулла қаёқдандир келиб мен билан кўришди ва уйдан пўстакми, кўрпачами чиқариб беришни сўради. Мен ажабланиб, кўрпача чиқариб бердим. У қўлтиқлаб қабристон ичига қараб кетди-да, салқин бир ерга кўрпачани тўшаб, ўтириб-ўтириб, бир нарса ёздими, йўқми билмадим, бир вақт қайтиб чиқди ва кўрпачани топшириб, хайрлашиб, индамай йўлига кета бошлади. Мен унинг нега бундай юришини унча-мунча фаҳмласам ҳам жўрттага:

– Шошма, Абдулла! – дедим. У тўхтади. – Мазорда ўтириб нима иш қилдинг?

Абдулла йўлида парвосиз кетаркан, кулди:

– Ўликлар билан гаплашдим!..»

Қизиқ... Негадир мен доим бу мазорот лавҳаларини ўйласам, романдаги кўрқинчли «Хўжамаъоз»ни ва ғамгин Кумуш қабрини эслайман.

БОҒДА

Апрел ойидан кунлар илиб, шаҳар ҳовлимиз гўё торлик қила бошлагандай бўларди. Киши билан завқланиб чиққан кўнгил аллақандай қитиқланиб кенгликка, далага томон ошиқа бошларди. Бир неча ойлаб қунт билан ўтирган дадам ҳам ёзишни сусайтириб, аста бог ишлари ҳаракатига тушар, кетмон дастасига қора қумғонни илиб, елкага қўндираддилар-да, рўмолга нон, қанд, қуруқ чой, пиёла тугиб, сигир етаклаб кун сайин боққа қатнай бошлар эдилар. Мен у кишига ҳамроҳ бўлардим.

Богимиз шаҳар ҳовлимиздан икки-икки ярим чақирим нарида, Тошкентнинг собиқ ўн икки дарбозасидан бири Самарқанд дарбозаси яқинида жойлашган бўлиб, еримиз этаги-

дан боболаримиз бир вақтлар пахса уриб ясаган шаҳар қўрғони ўтар эди. Бу қўрғон «Ўткан кунлар»да яхши тасвирланган. Унинг айрим қолдиқларини мен яхши эслаيمان ва ҳозир ҳам баъзи иморатлар сақланиб келмоқда.

Богимиз текислик ерда эмас, терак бўйи чуқурликдан оқувчи Чақар ариғи ва Бўзсувларнинг қўшилиш ерида, жар-жилғалар бўйида жойлашган; шунинг учун манзараси гўзал, томоша қилса, баҳридил очиладиган, ҳордиқ чиқадиган жойдир.

У вақтларда боғ қўшниларимиз биз каби қишлолда қолмас, ҳаммалари шаҳарга кўчиб тушар эдилар. Шунинг учун биз чиққанда тор кўчалар, боғлар хувиллаб ётар, аммо ўт-ўлан ва мева гулларига беланган боғ, булбуллар навоси, чумчуқ ва яна аллақандай қушлар садоси, ариқ сувининг майин шилдираши, ҳовуз бақаларининг тинимсиз, ҳатто қулоқларни битирувчи сайроғи билан тўлиб-тошгандай туюларди. Ҳаммадан ҳовуз бўйида очилиб ётган атиргул, қирқоғайни, гулсафсарларни; ишком ичидаги чучмўма, лолақизғалдоқларни, узун-узун бўйли тўқ пуштиранг гулли саримсоқ ўтларни; ток тагидан момақалдирокда бодраб чиққан кўзиқорин, ариқ лабидаги хушбўй ялпиз, гунафшаларни айтмайсизми...

Богда иш қайнарди. Ҳовуз лабидаги тол пояларини кесиш, буташи, сихлаши, чириб қолган ишкомларни бузиб, ўрнига янги поя қадаш, эгиб ишком қилиш, тоқларни очиш, бардиларни йиғиштириб бир чеккага ғарам қилиш, ариқ тозалаш, ер чопиб экинга жой ҳозирлаш, уйнинг бузилган-ёрилган ерларини тузатиш, суваши, ҳовли юзини ўт-хаслардан тозалаб, кўчиб чиқишга ҳозирлаш, тол пўстлогидан чипта қилиб ток соларга тайёргарлик кўриши ва ҳоказо...

Бу ишларда, албатта, амакиларим ҳам ёрдамлашишарди... Менинг қиладиган ишим: қўйин тўлдириб довучча териши; турли гул, кўзиқорин йиғиши, шаҳардан ола чиққан варрагимни учириши ва «ажина кавуш» тўқиши бўларди. «Ажина кавуш» нима дерсиз? Бу пичан ўтдан бармоққа ўраб тўқиладиган кичкина «кавуш». Биз болалар бу «кавуш»чани ўт ичига қўйиб кетилса, кечаси «ажиналар келиб» кияди ва бизга пул ташлаб кетади, деб ўйлардик... Аммо афсуски, «кавуш»имизни ажиналар сира олиб кетмас; биз бўлсак тўқишимизни қўймас эдик. Баъзан дадам иш қила туриб, ўт орасида ўтирган мендан сўраб қўярдилар:

– Нима қивоссан, Ҳабибулла?!

- Ажинага кавуш тўқивомман.
- Пул ташлаб кетвоттими?
- Йўқ, – дердим хўрсиниб.
- Нега ташламадийкин, а?

Мен нима дейишни билмай жим қолардим.

– Тўқиган «кавуш»ларинг ажинага ёқмаса керак ёки оёғига тўғри келмаса керак-да. Бўлмаса, албатта, ташлаб кетарди...

Мен дадамнинг ҳазилларига чиндан ишонардим. Жинлар оёғининг катта-кичиклигини сўрагим келар эди-ю, лекин «Эзма бўлма!» деб койиб беришларидан чўчирдим...

Дадам, амакиларим ишлаб-ишлаб чарчашғач, тепа лабидан қазилган ўчоққа қора кумфонни илиб чой қайнатишарди ва ичиб дам олишарди. Баъзан эса, боғларида ишлагани келган қўшнилари, «Ҳорма, бор бўл!» қилиб чиқишарди-да, биргалашиб чой ичишар, қизғин суҳбат қуришар эди.

Бу «ҳорма, бор бўл»чилардан иккитаси, айниқса, мени қизиқтирар, тўғриси, бир оз кўрқувга ҳам солар эди. Улар ака-ука, бир-бирларига ўхшаш, қоп-қора, мош-гуруч соч-соқолли, эллик-олтмиш ёшли кишилар бўлиб, бирисини Абдулла мағзум, иккинчисини Ҳамро мағзум деб аташарди. Буларнинг на хотини, на бола-чақаси, на уруғ-аймоғи бор; биздан икки боғ нарида, Бўзсув лабида, тепадан ўйиб ясалган ғорда яшар эдилар. Қандай даҳшат, бўри-тулкилар уяси бўлган чет бир жойда қишин-ёзин ғорда яшаш! Ахир, бу ерлар қишдагина эмас, ёзда ҳам кўрқинчли... Улар мардикорлик, ҳаммоллик қилишар, тепа ва жарларда ўсган ўтлардан супурги боғлаб, сотиб тирикчилик ўтказишар эди.

Икковлари ҳам дадамга дўст; қиши билан соғинишганиданми, боққа боришимиз билан улар ҳол сўрагани чиқишар, баъзан дадамни ўз уйларига чойга таклиф ҳам этишар эди. «Уй»лари қоқ ер, қаро шифт, ертўла ҳатто эшиксиз... Билмадим, эллик-олтмиш йил умрларини қоронғи, зах бу ғорда қандай ўтказишди экан... Дадам чой ичиб, уларни тинглаб ўтирардилар. Ҳамро мағзум, ҳатто суҳбат чоғи ҳам осмонда бирор зағча кўриб қолса:

– Қозоққа қув! – деб чақириб қўярди.

Дадамнинг айтишларича, Ҳамро мағзум бир вақтлар бир зағча боққан, отини «Қозоққа қув» қўйган. Ўрганган зағча бир кун учади-да, бадар кетади... Шу-шу, у зағча кўрса, меники эмасмикин, деб чақириб қўяди...

Абдулла мағзум шинаванда, босиқ, бамаъни киши эди. У сўзлаб-сўзлаб:

– Ана шу ерларнинг ҳаммаси бизники бўлган, мулла Абдулла, ноинсофлар тегирмон, хумдон қураман, – деб олиб қўйишган. Ўзимиз ертўлада ўтиб борамиз, деб қўярди.

Айтишларича, уларнинг келиб чиқиши қуллардан. Оталари хонлар замонида қайсидир Тошкент бегининг қули бўлган. Руслар келиб, қулчилик (крепостнойлик) бекор қилинган, мазкур бек ўзининг содиқ қулини озод этади ва ана шу жар-жилғали ерларни унга инъом қилади. Қулдан икки фарзанд Абдулла ва Ҳамро мағзумлар қолади ва ерлар буларга мерос ўтади. Бироқ хужжатсизликданми ёки бўлса ҳам йўқолганлигиданми, кейинроқ мазкур ерларга бошқа кишилар эга чиқади; ёш, бўш-баёв мағзумлар эса кичкина жойда, назардан йироқда, кимсасиз, гариб-фақирликда, ҳатто «қул фарзанди» бўлганлари учун уйланомай ўтадилар...

Бу юқоридаги кичкина тарих Қодирийнинг ўсиб-унган, ўраб олган муҳитидан бир лавҳа. Лавҳани эслаб, баъзан шундай ҳаёлларга толаман: гўё «Ўткан кунлар»даги олижаноб Юсуфбек ҳожи ўз қули Ҳасаналини озод қилган-у, ерининг бир қисмини ҳам унга инъом этган. Ҳасаналидан эса мазкур икки фарзанд мағзумлар қолган... Демак, Юсуфбек ҳожилар бизга боғ қўшни... Иккинчи ёқдан, дадамнинг (гарчи кулиб бўлса-да) «Кумуш Эски Жўвада хотин-қизлар клуби ўрнидаги қабристонга дафн этилган...» дейишларидан гўё шаҳар қўшни ҳам бўлган эканлар-да...

Албатта, бу менинг хаёлим, тасаввурим. Эҳтимол, романдаги ҳолатлар, қаҳрамонлар сира ҳам мен ўйлагандай эмасдир. Аммо шуниси аниқки, муаллиф асарларини кўпгина шахслар, воқеалар ва ўринларини ўз яшаган муҳитидан, маҳалласидан танлаган.

Бог юмушларидан тоқсолар майда ва нозик иш ҳисобланади. Уни бир киши қила олмайди, камида икки-уч киши керак бўлади. Бириси тоқнинг пуштасида туриб, тоқ қўндоқларини кесиб, бир-бирига аймашиб-чирмашиб ўсиб кетган мўрт новда, шўраларни аста авайлаб синдирмай ажратиб ёзиб, ишком устига расамадлаб олиб туради, икки киши эса ишком ичида туриб, новдаларни бағазларга боғлаб боради. Бу иш боғбонга жуда «алам»ли, битта шўра синса, бир бош узум кетди, деяверинг...

Токсолар чоғида бутун оиламиз билан боққа кўчиб чиқардик. Ҳашар қилардик. Бундай вақтларда дадам жуда асабий, сержаҳл бўлардилар. Чунки биз у киши олиб бериб турган новдаларини эҳтиётсиз, палапартиш боғлаб, кўпинча синдириб қўяр ёки шўраларни тўкиб юборар эдик...

Аммо иш шунчалик майда, зерикарли бўлса-да, унинг ўзига хос гашти бор. Ҳаммамизга бирор вазифа юкланган, бекор туриш йўқ. Иш қила-қила чарчагач, ўтлар орасига ёнбошлаб, пешинлик қиламиз. Ойим бўлса, қизиқ бир «таом» тайёрлардилар, ариқдаги шилдираб оқиб турган мусаффо сувдан бир сополтовоқни тўлдириб олардилар-да, устига ёввойи пиёз баргларидан, бир-иккита қуритилган қизил гармдоридадан майдалаб тўғрар ва туз қўшар эдилар. Биз бу хушхўр «таом» («аччиқ-чучук»)ни талашиб ер, кўпинча келтирилган нонимиз етишмай қолар эди...

Кечқурун ғира-ширада шаҳарга қайтамиз... Боғдан шаҳар ҳовлимизга уч тур йўл бор. Аммо масофа жиҳатдан энг яқини жинкўча. У ўз номи билан кўрқинчли, кенглиги қарийб бир қулоч, эгри-бугри, ҳатто баъзи ўринларда майдондан ҳам ошилади, тевараги бўм-бўш ҳувиллаган боғлар. Хусусан, «Эшакка тескари минган амаки»нинг боги (бу киши бир вақт ўғрилиқ қилиб тутилган. Халқ эски одат бўйича унинг юзига қоракуя суркаб, эшакка тескари миндириб, бозорларни айлантриб сазо берган. Шу-шу бу ном у кишига лақаб бўлиб қолган) деворсиз чакалакзор эди. Бу йўлдан, айниқса, қоронғида юриш кўрқинчли эди. Дадам ҳар сафар ана шу жинкўчадан йўл бошлардилар...

«Хавф-хатарли» бу кўчадан аста сигир ҳайдаб орқада борарканман, беихтиёр дадамнинг «Жинлар базми» ҳикоясини эслайман (бу ҳикояни у пайтларда ўзим ўқимаган бўлсам ҳам уйда ўқиганлардан эшитганман). Чунки худди ўша Қодир бобом ҳикоя қилган боғда поя-ток ишлаб ва ўша «жинларга йўлиққан» бог майдонлардан тунда ўтиб борардик-да... Бир кун йўлда аста сўрадим:

- Ада, Қодир бобомлар шу жойда жинларни кўрганмилар?.. У киши бир оз жавобсиз жим бордилар.
- Йўқ... Жин бўлмаган гап, – дедилар.

Бир куни дадам билан бибим орасида шундай суҳбат бўлиб ўтган эди: 20-йилларда Самарқанд дарбоза боғимизда Холмат савзифуруш деган қўшнимиз бўларди. Ўзи ёши қайтган, тўла-

дан келган, юмшоқ, сахийтабиат киши эди. Холмат амаки ҳар куни эрталаб отланиб бозорга кетарди-да, кечқурун қайтганда кўчада хоммопиш ўйнаб ўтирган биз болаларга хуржунидан бодрингми, кичик-кичик ҳандалакми ёки қуртми олиб улашиб ўтарди. Шунинг учун биз болалар Холмат амакини жуда севар эдик. Бир кун: «Холмат амаки касалга чалиниб, оёқ-қўлсиз бўлиб, тилдан қолибди», деган гап тарқалиб қолди ва учтўрт кундан кейин у вафот этди. Холмат амаки вафотидан сўнг ваҳимали миш-миш тарқалди: гўё эмиш, амаки тун ярмида меҳмондан қайтиб келар экан. Сузукотадан ўтиб, Чақир ариғи кўпригига (бу кўприк бир терак бўйи келадиган жарлик устига қурилган, атрофида хонадон яшамас эди) яқинлашиб қолганда бир оқ эчки қаёқдандир пайдо бўлган эмиш ва маъраб Холмат амакининг олдига келган эмиш. Холмат амаки: «Жонивор адашиб қолибди-да, олиб кета қолай, бўри-мўри еб кетмасин, эрталаб хабар қилсак, эгаси уйдан олиб кетар», дебди ва эчкини тиззасига ўнгариб олибди. Холмат амаки бир-икки юз одим босиб кўприкка яқинлашганда ўзида бир қандайдир огирлик сезиб, терлаб кетаверибди ва орқасига қарасамиш, ҳалиги тиззасидаги эчкининг танаси ўн беш-йигирма метр орқага чўзилиб ерга судралиб келаётганмиш... Амаки қўрқиб кетиб эчкини тиззасидан улоқтириб ташлабди, эчки эса дарҳол амаки олдига ўтиб, кўприк устида олов бўлиб ёна бошлаганмиш. Амаки қўрқиб, от устида ҳушидан кетибди, ўрганган от эса уни тўғри уйга олиб келган ва кишнаб, уй эгаларини огоҳлантирганмиш. Шу-шу амаки ҳушига келмай вафот этганмиш...

Бу даҳшатни Жосият бибим таом чоғида дадамга ҳикоя қилдилар ва «Бечорани жин чалибди-да, ўзи ўша кўприк усти нопок жой», деб қўйдилар. Дадам бибимнинг ҳикоясини эри-нибгина тинглаб ўтирдилар-да, кулимсиб сўрадилар:

- Холмат ака ўлими олдидан бирон васият қилибдими?
- Йўқ, тил бўлса қилади-да, бечора.
- Кўчадан келибди-ю, бир сўз айта олмай вафот қилибди, денг?
- Ҳа.

– Аввало, эчкини тунда ушлаб олиш осон эмас, ойи. Кейин, Холмат ака тунда ёлғиз қайтган бўлса, уйга келиб, бир сўз демай, тилсиз вафот этган бўлса, у ҳолда кўприк устида жин бўлиб кўринган, олов бўлиб ёнган эчкини ким кўрибди-ю, ким айтибди?..

Бибим бу саволга нима деб жавоб айтишни билмай жимиб қолдилар. Дадам илжайиб жавоб кутиб ўтирдилар.

– Нега куласан? – дедилар бибим аччиғланиб. – Мен қаёқдан билай, одамлар айтганини айтдим-да!

– Одамлар айтса ҳам ўзингиз ўйлаб кўришингиз керак-да, ойи, елимласа ёпишмайдиган гап...

– Бўлди, бўлди, тавба қилдим, сенга гапириб ўтирган мен аҳмоқ, қилдан қийиқ ахтарасан! – дедилар бибим ва нос отиб четга қараб олдилар. Дадам кула-кула ўрниларидан турдилар.

Май ойи ўрталарида ё охирларида боққа кўчиб чиқар эдик... У вақтларда машина қаёқда дейсиз: кўчаларда ҳатто извош ҳам сийрак кўринар, уни ҳавасланиб томоша қилар эдик. Юк ташиш ишлари ўша ота-бободан қолган икки-икки ярим газ баланд гилдиракли бесўнақай аравада бажарилар, у ҳам сероб эмас, аравакашлар «Бугун фурсатим йўқ, эрта, индин», деб галга солишар, оёқ тирашар, димоғ қилишар эди. Юкингизни кўзлаган ерингизга етказиб олгунча аравакашга сифориш қилавериб эсингиз кетарди.

Кези келиб айтиб ўтай: бундай араваларда юришнинг ўзига хос «гашти» ҳам бор. Қишда белгача лой, ёзда тизза баравар билқ-билқ тупроқли кўчалар, шох-шаббадан омонатгина ясалган кўприклар, юрагингизни ҳовучлаб ўтасиз... Баъзи отлар бундай «бақувват» кўприклардан ўтишга қўрқиб, сирт бериб, туриб олади, аравакаш жаҳл билан қаттиқ қамчиласа, аравани кўтариб қочади: унда аравадагиларнинг шўри қуриди, деяверинг... Бундан ташқари, гилдиракнинг чуқурдан чуқурга «шилқ-шилқ» ташавериб ичак багрингизни узишини, ундек эланган тупроқдан чанг, дудбурон кўтарилишини айтмайсизми?.. Манзилга етгунча нақ чанг босиб, танимас ҳолга келасиз...

Шу ваддан ҳамда оралиқ масофа яқинлигидан кўп нарсаларни жинкўча орқали қўлда ташир, фақат оғир, қўпол юкларни бир арава қилиб келтирар эдик. Раҳимберди амакимлар-ку, сира арава кира қилишмас, ҳамма юкни, ҳатто кўрпа, тўшак, сандиқларни ҳам орқалаб ташишар эди.

Маълумки, одатда ҳар бир бог ёки даланинг чеккасида қўрғон ажратилиб эшик қурилган, қулф-калитли бўлади. Аммо бизнинг бог ундай эмас, қўрғонсиз эди. Богнинг кўча қисми Қодир бобом ва дадамлар тарафидан қурилган учта қатор пахса айвон ва эшик-деразасиз ҳужралардан иборат бўлиб, унда уч

ака-ука амакилар қатор яшар эдик. Жосият бибим қай бир вақт Қодир бобомга:

– Биз ҳам қўрғон ажратсак бўлар эди, чол! – дейдилар. Шунда бобом бибимни койиб берадилар:

– Боққа кўчиб чиқиш нима-ку, қўрғонга қамалиб ўтириш бачимаъни?! Ундан кўра кўчиб чиқма, шаҳарингда ётавер!..

Ҳовли ўртасида катта ҳовуз, ҳовуз четларида жуда зўрайиб кетган тол дарахтлари ўсар, ҳовли бетига тангадек офтоб тушмас, салқин эди. Боғнинг ичкари қисми паст-баланд бўлиб, унда узумнинг жуда кўп навлари, шунингдек, олма, нок, беҳи, шафтоли, гилос, олча, тоғолча, олхўри, дўлана, тут, ёнғоқ оғочлари ўсар, қулупнай ва резавор экинлар экилар эди. Булар ёзи билан галма-гал пишиб етилар ва дастурхонимизни безар эди...

Боғимизнинг шундай нашъалик, фаровон бўлишиданми, ёзда дадам саёҳатга ҳам сийрак борар, вақтни уйда дам олиш, экин-тикинларга қараш, ён-веримиздаги қўшнилар билан мулоқотда бўлиш, гузарга чиқиб чойхўрлик қилиш, қариндош-уруғларникига қовун-полиз, боғ сайлига бориш, бозорга тушиш, баъзан нащриёт-босамахона томонларга кириш билан ўтказар эдилар.

Дадам одатда эрта баҳорда кўкат ўтлардан кўпроқ турли тамолар тайёрлатар эдилар. Исмалоқ ёки жағжағ ўтдан (у ўтларни ўзлари биз болалар билан қоп кўтариб, тепа-жарлардан териб келардилар) тандир сомса ёки варақи, серялпиз қатиқланган мошхўрда, резавор кўкатлардан қайнатма шўрва, ҳоказо...

Ҳордиқ чоғларида баъзан (ўз таъбирларича) мавиз ҳам истеъмол қилар эдилар... Мавизни ўзлари қора майиздан, пишиқчилик чогида эса узумдан тайёрлардилар. Ҳовуз лабига жой солардилар-да, шўрва, кабоб пишириб, мавиз ичиб ётардилар. Мавизни ёлғиз ичмас, оиламиз, амакиларим билан баҳам кўрар, турли ҳазил-мутойибалар тўқир эдилар.

Қудратилла амаким дадамдан уч ёш кичик, жуссаси ҳам чоғроқ, бўйчан, юзи чўзиққа мойил, бир-ярим қора сепкилли киши эдилар. У киши содда, кўнгли тоза, серзавқ, улфати, яхши дутор-танбур чалувчи, баъзан ҳушлари келганда, гарчи овозлари бўлмаса-да, ўзлари чалган куйга жўр бўлиб, хиргойи қилувчи эдилар. «Ажам», «Насрулло», «Чўли ироқ», «Қаландар», «Муножот», «Ироқ», «Роҳат», «Наво» каби куйларни жуда нозик ижро этар эдилар. Дадам бу куйларни берилиб тинглар,

енгил, ўйноқи куйларни эса негадир унча ёқтирмагандай бўлар эдилар. (Мен буни у кишининг эътиборсиз тинглашларидан сезардим.)

Бир гал шундай ўтиришда Қудратилла амаким толга суяниб, оёқларини чалиштириб, дуторни қўлга олдилар-да, дадамдан сўрадилар:

– Қандай куйни чалай, ака?

– Чалавер... – дедилар дадам ҳафсаласиз оҳангда ва ёстиқни тортиб ёнбошладилар.

– «Тўрғай»ни чалайми?

– Майли.

Акам (биз Қудратилла амакимни шундай атардик) дуторларини созлаб куйни бошладилар. У киши чалганда ўз машқларига ўзлари сел бўлган каби бошларини қуйи солиб ўтирар, дадам эса узоқ хаёлга толиб тинглар эдилар.

«Тўрғай» куйи шўх ҳам, мунгли ҳам эмас, ёқимли, кўнгилнинг аллақайси ерини қитиқловчи эди. Акам куйни чалиб-чалиб ҳоригандай бўлдилар-да, сўрадилар:

– Қалай, ака, ёқдими?

– Ёқди, – дедилар дадам хаёлдан бош қўтариб ва кулдилар, – лекин ҳали хомсан, Қудрат.

– Хўш?

– Дуторингнинг қулоғига тўрғай келиб қўнмаяпти...

– Ҳаҳ-ҳаҳ! – кулдилар акам ва теварак осмонга алангладилар, – яқин орада турғай йўқ чоғи, ака, бўлмаса келиб қўнарди-я.

Уларнинг суҳбатидан англашимча, гўё бир вақт зўр бир созанда ўтган эмиш. У «Тўрғай» куйини чалганда тўрғай аста-аста учиб пастга тушар ва дутор қулоғига қўниб, куйга жўр бўла бошлар экан...

Мен бу лавҳани баъзан эсласам, шундай тасаввур туғилади: ё романдаги «Наво куйи» боби бу лавҳага тасодифан ўхшаш кетади, ё бу лавҳа шаклан ўзгартирилиб, оиламиздан (ҳовуз лабидан) романга («Чуқур қишлоқ»қа) кўчирилган ва ё бу лавҳа шаклан «Наво куйи»нинг ёзилишига туртки бўлган...

Бир ёғимизда Мирза қассоб деган камбағал қўшнимиз бўлар эди. Ўзи дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, новча, озгин. У бир вақтлар қассоблик қилган бўлса ҳам сўнгги пайтларда савдогарларнинг йироқ қишлоқ-шаҳарлардан харид этган мол-қўйларини пиёда ҳайдаб келтириб берар, яъни «ҳайдов-

чи»лик қилар эди. Шунинг учун у ишга кетса, бир неча кунлаб кўринмас, қайтгач эса, то яна жўнагунча фақат ичар, кайф-сафо қилар эди...

Мирза амаки саводсиз, аммо гапга чечан, салмоқлаб сўзловчи, чапанитабиат киши эди. Ичиб олгач, зўр бериб домла-имомларни сўкар, «Ана шу, домла-имомларингга қолган кунимга лаънат», дер эди. У баъзан кечки пайт девордан дадамни чақирар эди:

– Жулқун, Жулқун!

– Ҳов!

– Ҳадеб уйда ётаверасанми, бу ёққа туш!

Дадам девор тагига борардилар.

– Нима гап, Мирзака?

– Гапни айланторма, бу ёққа туш дедимми, туш!

Дадам кулиб девор раҳнасидан ошиб тушардилар. Икков ишқомга киришарди. Мирзака ток пуштасида қатор турган икки-уч шиша мусалласни кўрсатиб, дерди:

– Манави жониворларни қара, ука, сен билан менга интизор, ҳаҳ-ҳаҳ!..

Ғўра узумдан ҳуруш қилиб ичиша бошларди.

Дадам Мирзакани гапга солар, у шаҳар, қишлоқ кезиб кўрган-кечирганларини сўзлар эди. Бир гал у қўй ҳайдаб темир йўлдан ўтаётганда поезд келиб қолиб, қўйларининг ҳуркиб тўрт томонга қочиб кетганини, куни билан қўй излаб сарсон бўлганини сўзлаган, иккинчи бир вақт эса шундай ҳикоя қилиб дадамни кулдирган эди:

«Тунов кун, елкамга арқон ташлаб ишдан ҳориб келаётсам, Калвак домланг мени тутиб: «Сен ундоқсан-мундоқсан, ундоқ бўл-мундоқ бўл», деб амримаъриф қилиб қолди. «Ўзинг кимсан-у, насиҳатинг нима бўларди», дедим энсам қотиб. Қарасам калваклиги тутиб, миямни қоқадиган. Арқонимни кўтариб, «Қани ўтиб қол-чи, обрўйинг борида!» дедим. Домланг кўрқиб «Хўп-хўп» деди, ура жўнаб қолди, ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ! Қара, ўғлинг ҳам куляпти...»

Назаримда, Мирза амакининг шунингдек тутал, дангал, чапани феъл-сажияси қисман бўлса-да, Тошпўлат ва «Ўтқан кунлар»даги Мутал полвон тасвирларида мужассам топгандек.

Иккинчи ёнимизда Мирсобир бойвачча деган кўшнимиз бор эди. Боглари бизниқидан катта, уйлари болохонали, томи тунукали қўрғон ажратилган. Мирсобир бойвачча дадамдан

уч-тўрт ёш катта, оқиш тўғаракка мойил юзли, кичкина қора мўйлабли, ихчам шоҳи салла ўраб, чивиқ ипак тўн ва амиркон маҳси-кавиш кийиб юрувчи чиройли киши эди. Чорсу бозор растасида унинг чит-мато дўкони бор, отаси Мирюсуфбойни зўр қўйчивон савдогар дейишарди...

Мирсобир бойвачча ўз даврининг кўзга кўринган боёнларидан, ейиш-ичиш, кийиш, юриш-туриш – ҳаммаси бойваччалардек. Тагида тухумдек семиз, кумуш эгар-жабдуқли, ўйноқи қоратўриқ от, унча-мунча билан сўзлашишга энса ёр бермас, уйда бўлмасин, кўчада бўлмасин кулиш йўқ, муомала доим чарсиллаган...

У икки хотинли эди. Кечқурун от ўйнатиб боғ кўчамизда кўриниши билан наинки унинг уйдагилар, ҳатто қўни-қўшнилар ҳам «Бирон жанжал чиқармаса эди», деб зириллаб туришар эди. Хоммопиш ўйнаб ўтирган биз болалар-ку, уй-уйимизга зинғиллашардик... У уйга келгач, аввал чилим сўрар эди. Чилим яхши солинган бўлса, хўп, йўқса жанжал «Чилимни пишитмабсан, сувини янгиламапсан»дан бошланарди, чилим жонивор томга улоқтирилар эди. Кайфи баланд бўлган чоғларда гоҳ у, гоҳ бу хотинини тутиб урар ёки ўгай укаси Мирҳидоятни кесакбўрон қилиб, кўчага ҳайдар эди. Жанжал жуда авж олиб кетганида Қудратилла акам чиқиб «бости-бости» қилар, бошидан совуқ сув қуйиб, ухлатиб чиқар эдилар... Эрталаб то уни дўконга жўнатгунча, уйдагиларнинг эси кетарди.

Мирсобир бойвачча ҳар йили ёзда, авжи пишиқчиликда гап берар эди. Гапга фақат боёнлар Азиз бойвачча, Тўлаган бойвачча, Ислом бойвачча каби Тошкентнинг манаман деган пулдорлари келар, куни билан норинхўрлик, ҳофизлик, машқ, аскиябозлик... Кўча эшигимиз олди извошга тўлиб, биз болаларнинг ҳам эрмагимиз кўпайиб қолар эди. Бойлар ичида жисман энг салобатлиси Азиз бойвачча (дадам бу кишини «Тошпўлат тажанг...»да ҳажв-танқид қилганлар); у жуда семиз, қўшотли извошга бир ўзи базўр сиғиб ўтирар эди...

Дадам, билмадим, гапхўрларнинг сўз-сухбати ёқмаганиданми, гарчи таклиф қилинсалар ҳам, уларнинг зиёфатида кам иштирок этардилар.

Мирсобир бойваччанинг ички дунёси (кўпхотинлилиги ва хотинларга золимлиги) «Ўткан кунлар»даги Ҳомид сажиясига ўхшаб кетса ҳам, ташқи сиймоси (хусн, кийиниш ва кўча боши-

дан от ўйнатиб келиши), мен тасаввур қилган Отабекни эслатади...

Биз ҳамма қўшнилар бир-биримизга оқибатли, гўё бир оила аъзоларидек иноқ турар эдик.

Еримиз этагидан Чақир ариғи билан Бўзсувнинг қўшилиш ерида, жарликда Усмонбой деганнинг тошли тегирмони, гуруч оқлайдиган обжувози ва сув билан юрадиган содда «пахтаотар» машинаси бўларди. Бу ерлар ўзининг табиий манзараси, доим гувиллаб оқиб турган сув шалоласи билан жуда нашъали бўлиб, дадам ана шу тегирмонга ҳам тушиб вақт ўтказар, чўмилар, балиқ овлар, Усмонбой, Мустақим ака (бойнинг ўгли) ва Жалил тегирмончилар билан гурунглашар эдилар.

Усмонбой анча кексайиб қолган, озгин, нуроний юз, оппоқ соч-соқолли, оғир, мулойим табиатли, оқ салла ўраб, чивик беқасам тўн кийиб, ола отга миниб юрар эди. У бирмунча ўқи-мишли бўлса керак, биз тушганда, кўзойнак тақиб, доим газета ўқиб ўтирар, тегирмон ҳақиға тушган танга, чақа пулларни менга санашни буюриб, ўзи дарҳол дадам билан саёҳат тўғри-ларида суҳбатга киришар эди.

Усмонбойнинг ўзига хос ҳаёт тажрибаси, тушунчаси бор эди, у аксар ёшларга бирмунча бамаъни панд-насихатлар ҳам берар эди. Бир кун дадам билан суҳбатда унинг шундай дегани ёдимда:

– Мен шу ёшгача кўп ишларни кўрдим, қилдим. Қилмишимнинг бирисидан наф, иккинчисидан панд едим... Энди, насихатимга қулоқ сол-да, сен умрингни зое кетказиб, панд еган ишимни қайтарма, нафига амал қил, – дерди ва кўрган-кечирганларидан сўзлаб кетарди.

У сўзлаб-сўзлаб, баъзан узоқ фикрга толиб, сукутда қоларди-да, бирдан ўзича:

– Йўқ, тўғри келмайди! – деб юборар эди.

Мен дадамдан:

– У нима дегани, нима тўғри келмайди? – деб сўрардим.

Дадам қўл силкиб қўя қоларди. Кейинчалик, ўйлаб пайқашимча, чамаси, Усмонбой ўзининг бундан буён ҳаётининг узоққа чўзилмаслигини, яқин кунларда бу дов-дастгоҳ, бойликларга ҳукумат тарафидан чек қўйилишини сезганлиги ва бундан қутулиш йўлларини ўйлаб-ўйлаб бирон эпакали фикр топа олмаганидан ҳалиги сўзни айтиб юборар экан... Дарҳақиқат,

1930 йилга етмаёк, Усмонбой тегирмон, пойкўф, пахта машиналарини ташлаб кетишга мажбур бўлди...

Усмонбойнинг юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзи, қиёфаси қисман бўлса-да, Юсуфбек хожи образида акс этгандай...

ЧОРСУ БОЗОРИДА

Дадам мени негадир ёшлигимдан бирга олиб юришни хуш кўрардилар. Масалан, саёхатга, боғ сайлларига, бозор-ўчарга, босмахонага ҳам бирга олиб кетаверардилар. Балки бу мени ҳаёт билан таништириш, жамиятга ўргатиш, яхшилардан ибрат олиш учун бўлгандир.

Бола чоғларим эди. Куз кунларининг бирида дадам билан жинкўча орқали уйга қайтдик. Кўча кимсасиз, хазонлар тўкилган, боғ эгалари бирин-сирин шаҳарга кўчиб кета бошлаган чоғ эди. Катта бир ёнғоқ дарахти тагидан ўтарканмиз, анчагина мева тўкилиб ётганини кўрдим. Югуриб бориб ёнғоқларни тера бошладим ва чўнтаklarимни тўлдириб нарироқда мени кутиб турган дадамнинг олдиларига бордим.

У киши:

– Қани ёнғоқларни ол-чи, – дедилар.

Мен ажабланиб ёнғоқларни чиқариб қўлларига тўқдим. У киши ёнғоқлардан уч донасини ажратиб менга бердилар. Қолганини девордан ёнғоқ эгасининг боғига ташлаб юбордилар ва индамай йўлларига кетавердилар. Мен кейинда чопа-чопа борарканман, дадамнинг бу ишларидан ҳайрон бўлиб сўрадим:

– Ёнғоқларни нега ташлаб юбордингиз, ада?

– Бировники, – дедилар ва негадир менга тикилиб қараб кўйдилар...

Ёз кунлари дадам кўпинча дўппи ёки оқ қалпоқ, оқ кўйлак-шим ва туфли кийиб, белига ингичка камар тақиб олар ва кун қизиғида тез-тез йўл босар эдилар. Бозорга етгунча у кишининг йўлакай кўниб ўтадиган кўнгил тортар маълум жойлари, дўстлари бўлар эди.

Самарқанд дарвоза гузарига чиқамиз...

«...Қўргон бўйлаб бир оз илгарига юрсак, олти газ юксакликда, беш газ кенгликда, икки ёни саккиз газлик қўргон девори билан ўралган, кунботарга қаратиб қурилган Самарқанд дарвозаси ёнига бориб тўхтармиз...» дейдилар Қодирий «Ўткан кунлар»да. Бу тарихий дарвозани дадам кўрмаганлар, кўрганлар-

дан (масалан, Қодир бобомдан) эшитган, билган ва тасвирлаганлар. Хон замонлари вақтида Самарқанд дарбоза ўрни фақат шаҳар дарбозаси вазифасинигина ўтаганми ёки обод манзилгоҳ бўлганми? Буниси менга қоронғу. Аммо шуниси аниқки, бу гузаргоҳ 1920-йиллар охиригача жуда обод эди¹.

Гузарда катта-катта баҳайбат тут, тол дарахтлари ўсиб ётар, учта чойхона, иккита магазин, хусусий баққоллик, қассоблик дўконлари ва новвойхона, сартарошхона, косибхона, ҳашаматли қурилган мачит бор эди. Гузар, айниқса, қовун пишиги кезларида жуда жонланар, кечга томон кўчаларга сув сепилиб-супурилиб, чойхоналар чойхўрларга лик тўлар, дарахтларга чиройли тўрвақовоқларда илинган беданалар тинимсиз сайрар, ҳофизлар ликоп чертиб хониш қилар, самоварчилар чой ташиб чарчар, катта-катта мис, жез чилимлар дам-бадам қўлдан-қўлга ўтиб, кашандаларга кайф бағишлар эди. Баъзан жума кунлари гузар ўртасига дор қурилиб, ўйин кўрсатилар эди. Шунинг учун «Юр, Самарқанд дарбозасига дор келибди, фалончи самоварчининг самовари жуда обод бўлибди, чойхўрлик қилиб қайтамиз», деб йироқлардан баланд пошна этик кийиб, оқ яктаги устидан қават-қават қийиқ боғлаб, қўлида беданаси, ёнига пичоқ осиб, яғрин ташлаб келувчи йигит-яланг шинавандалар ва ёш болалар кўп бўлар эди...

Самарқанд дарвоза гузарининг ёз кунларида обод бўлиш сабабларидан бири шундаки, бунда катта қовун бозори бўлар эди. Тошкентнинг теварак кишлоқларидан деҳқонлар ўз қовун, тарвуз, хандалак, бодрингларини шу гузарга келтириб, сотиб қайтишарди.

Четан араваларга қовун ортган деҳқонлар кечқурундан бошлаб келиб, кўча бетларига араваларини қатор тизар, отларини чиқариб арава шотисига боғларлар-да, олдига беда солиб, ўзлари чойхонага чиқиб ёки арава тагига кириб ухлар ва барвақт туриб, шаҳардан чиққан харидорлар билан савдо бошлар эдилар. Қовун улгуржи аравалаб сотилар эди.

Бизнинг боғ гузардан қарийб ярим чақирим четроқда. Эрталаб бозор шу қадар шовқин-сурон бўлардики, даллолларнинг «Бор барака!» деб қичқиришидан барвақт уйғонардик ва «қуйма қовун»² олгани бозорга чиқардик.

¹ Ҳозир бу тарихий жойга «Самарқанд чойхонаси» бино этилган.

² Қуйма – қовун деҳқонлар четан ичидагидан ташқари, арава олдига бир нечта пачоқ, уринган қовунларни қўйиб келишар ва болаларга текинга ёки арзон баҳога бериб юборишар эди.

Чорраҳа, кенг кўча бетларига беш-олти юзлаб қовун ортилган аравалар тизилган: оқ, ананас, босволди, чўгири, кўкча, қирқма қовунлар дейсизми, хушбўй ҳандалак, қўзивой, чиннивой, олапўчоқ, қора тарвузлар дейсизми, кўзингиз қамашади. Даллоллар харидор билан сотувчи деҳқоннинг қўлини бир-бирига қовуштириб, узиб туширгудай қаттиқ силтайдилар, «Бор барака» қиладилар. Ниҳоят, қўл огриғига чидай олмаган томон «Барака», деб юборади. Сўнг даллол харидор пулини санаб сотувчига узатади ва «иш битиргани учун» икки томондан «хизмат ҳақи» олиб, навбатдаги «хизмат»га шошади.

Шу йўсин аравалардаги қовунлар соат ўн-ўн бирларгача сотилиб битади; уни аксар пўрашандалар шаҳарга олиб тушиб чаканалаб сотишар ёки бир неча киши шерик бўлиб, бир аравасини уйга тушириб, бўлиб олишар эди.

Шундай бир хотира ёдимда: бир кун эрталаб дадам билан бозор қилгани гузарга чиқдик. Бозор тугаб, кўчалар бўшаб қолган эди. Чойхона яқинида бир ёш деҳқон сотилмаган қовунини шаҳарга олиб бориш учун аравасини эриниб қўшмоқда эди.

– Ака, араванинг шотисини кўтариб тулинг, отни қўшиб олай, – деди у ўтиб бораётган бир йигитга илтимос қилиб.

Йигит бир қўлида халтаси, деҳқон кўмагида арава шотисини баланд кўтариб турди, деҳқон отини ечиб келтиргани арава ёнига ўтди. Шу чоқ аравадаги юк оғирлик қилдими ёки йигит бўшроқ ушлаб турган эканми, ҳар ҳолда, шоти унинг қўлидан чиқиб, арава лайлак бўлиб кетди, четандаги қовунлар ерга тўкилиб бир нечаси ёрилди... Молини сота олмай хафа бўлиб турган бечора деҳқон бола йиғлаб юборди. Йигит хижолат чекиб: «Кечир, ука, қўлимдан чиқиб кетди», деб ундан узр сўради. Бир неча ўткинчилар қовунларни аравага қайта ортишга кўмаклаша бошлади.

Деҳқон бола индамай юм-юм йиғлаб, отини аравага қўшар эди. Боланинг ҳолини кузатиб турган дадам ачиндилар шекилли, қаршидаги баққол амакини чақириб:

– Ғофир ака, шу боланинг қовунини менга холис баҳолаб беринг, – дедилар.

Қовуннинг савдоси пишди. Аравани бошлаб уйга келдик. Қовунларни эшик олдига туширдик. Мен беш-олти қўшнилardan чақириб чиқдим. Қовунларни баравар бўлиб, чек ташлаб олдик. Дадам деҳқоннинг пулини санаб бергач, кулиб дедилар:

– Қалай, хурсандмисан, ука?

– Раҳмат, ака, – деди деҳқон илжайиб ва жўнаб кетди.

Гузардагиларнинг ҳаммаси дадамга таниш. Чойхўрлар бир пиёла чойга таклиф қилишади. Дадам вақтлари бемалол бўлса, улар қўлидан бир пиёла чой ичадилар, битта-яримта дилтортар билан маҳалла янгиликлари тўғрисида сўзлашадилар, ҳазил-мутойиба қилишади.

Чорсу томон йўл оламиз...

Йўлакай, баъзан Мирлар маҳалласининг чойхонасига қўниб, Шоҳаким, Илҳом Одилий,¹ Муҳаммадрасул домла каби улфатлари билан бир чойнак чой ичиб, ҳангомалашиб ўтадилар.

Шоҳаким самоворчи гапдон, чапани, аскиячи киши эди. У доим самоворда янги-янги, тутилмаган гап, ҳангомалардан йигиб ўтирар, дадам кирди дегунча чой қуйиб, ош тайёр бўлса, таклиф қилиб, янгиликлардан сўзлаб, ҳамманинг ичагини узар эди.

Илҳом Одилий инқилобга қадар ҳам ўқитувчилик қилган (рус-гузем мактабида) кекса педагог (1936 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвонини олган), сўзамол, ташкилотчи, шу чойхона қаршисидаги «Учқун» мактаби қурилиши ташаббускори (бу мактаб 1924 йилда Октябр инқилобидан сўнг Тошкентда биринчи махсус қурилган мактабдир. У вақтларда мактаблар бойлар ҳовлисида, масжид ва мадрасаларда бўларди) ҳамда шу мактабнинг мудури эди. Илҳом домла дадам билан дўст, ҳазилкаш, бизникига тез-тез келиб турарди. У ўқишга хуши йўқ, дарсини билмайдиган қолоқ талабалар тўғрисида сўзласа «эгов» (яъни умрнинг эгови), деб дадамга «шикоят» қиларди. Домла она тили, адабиёт, жуғрофия ва ижтимоиёт фанларидан дарс берарди.

Муҳаммадрасул домла, бу киши ҳам эски маорифчи, қозилик, муфтилик, фароизхонлик (ҳисоб ва ер ўлчаш илми) қилган; тил, адабиёт, жуғрофия фанларидан дарс берган; «Раҳбари форси» (форс тили грамматикаси), «Мабдаил қироат» (бошланғич

¹ Илҳом Одилий – (1888 йил, Тошкент – 1942 йил, 5 май Углич шаҳри) ўз даврининг донгдор муаллими. Эски ва рус-гузем мактабларида ўқиб, муаллимлик қилган. Инқилобдан сўнг «Форобий», «Учқун», «Нодира», «Ҳамза» жумхурият касабачилик мактабларида ва енгил саноат техникумида география ва она тилидан дарс берган. 1937 йилда ҳибсга олиниб шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

ўқув китоби) номли ўқув китоблари ёзган олим, педагог эди. Домла сўнги пайтларда «Учқун» мактабида дарс берди. Муҳаммадрасул домла анча кексайиб қолган, бўйчан, қора соқолли, тажангтабиат, дидига ёққан киши билангина сўзлашувчи киши эди. Домла ҳақида шундай кулгили бир гап бор:

Муҳаммадрасул домла бир куни чойхонада ёлғиз ўтириб чой ичаркан, Фозил қори исми ўқитувчи, бу киши ҳам «Учқун» ходими, бир кўзи кўр, Муҳаммадрасул домладан ёшроқ эди, чойхонага кириб келади-да, домлага тегажоглик қилиш учун жўрттага унинг ёнига аста бориб ўтиради. Муҳаммадрасул домла Фозил қорини ёқтирмагандай ер тагидан қия боқиб қарайди-да, энсаси қотиб, чойнагини кўтариб нариги томонга ўтиб, индамай чойини ичаверади. Фозил қори яна сўзсизгина келиб домланинг ёнига ўтиради. Домла яна жойини ўзгартиради, қори ака яна унинг кетидан... Муҳаммадрасул домла ниҳоят чидолмай тажангланиб кетади: «Фозил қори, менга тинчгина чой ичирасизми, йўқми?!» дейди. Фозил қори кулиб: «Домла, сизни ёқтираман, шунинг учун ёнингизда ўтиргим келди», дейди. «Бу гапингиз-ку, маъқул-а, Фозил қори, – дейди домла тутақиб, – аммо мен ҳам сизни ёқтиришим керак-да, ахир!..»

Шу-шу тенгқурлари унга: «Фозил қоракани кўриб турибсизми, домла», деб тегажоглик қиладиган бўлишган...

Бу айтилган шахслар Мирлар маҳалласида яшар эди.

Чорсуга тушамиз...

Чорсуга тушаверишда ўнг қўл муюлишда дадамнинг Холмат мошиначи, Қодир қори сартарош каби ошналари бўларди. Улар ёнма-ён дўкон очиб, бири тикувчилик, иккинчиси сартарошлик қилишар эди. Шу билан бирга, Холмат мошиначи яхши танбур чалар, Қодир қори сартарош эса зўр ҳофиз ашулачи эди. Шу ваддан улар дўконида доим турли-турли санъат кишилари-нинг тўпланиб, гурунглашиб, соз чалишиб ўтирганини кўраддим.

Чорсуда, ҳозирги «Чорсу» меҳонхонасининг ўрнида, бирор терак бўйи чуқурликда катта булоқ бўларди. Булоқ доим биқирлаб қайнаб ётар, уни «Ҳазрати Уккоша булоғи» деб аташар эди. Булоқ тевараги гишт-цемент билан ишланган. Усти катта уй қилиб ёпилган, булоқ олдидан оқиб ўтувчи «Чорсу суви» бўйлари текисланиб, тозаланиб қўйилган эди. Ёз кун-

лари узоқ-яқиндан келувчилар шу булоққа тушиб, ором олар эдилар. Биз ҳам кўпинча бу булоққа тушиб ўтар эдик.

Чорсудан то Эски Жўва яқинигача «Чорсу бозори» аталиб, деярли ҳамма бозор-кўчалар усти тунука том (тим) билан қопланган¹, қишин-ёзин қуёш тушмас эди. Бунда: атторлик, совунгарлик, чархчилик, пичоқчилик, темирчилик, мисгарлик, бешикчилик, дугчилик, тароқчилик, кулолчилик, чегачилик, заргарлик, саррофлик, саррожлик, саҳҳоблик, баззозлик, читфурушлик, тикувчилик, чопондўзлик, дўппидўзлик, маҳсидўзлик, кавушдўзлик, ромсозлик, тақачилик, гилам, намат, бўйра, носвой, тамаки, гул, кўчат ҳамда қандолат, гуруч, бугдой, мош, майиз, ҳўл мева, сабзавот, қассоблик, аллоплик каби қатор-қатор раста бозорлари бўлар эди.

Кўчаларда ош, нон, кабоб, балиқ, сомса, манти, лағмон, калла гўшти, ҳасип, нўхатшўрак, бодрок, ҳолва, обакидандон сотилиб, эгалари ўз таомларини баралла мақтагани-мақтаган. Саққолар² елкаларида мешда сув, қўлларида заранг коса ушлаб, «Оби худойи!» деб бақириб чанқаганларга сув тутар эди. Кўр қориларнинг хониши, жанда кийган қаландарларнинг талқини, исириқ тутатиб юрувчи гадоларнинг дуоси ҳалиги лаззатли таомлар мақтовига жўр бўлар эди. Ундан ташқари қаландархонада Хадрада, трамвай парки қаршисидаги кўприк ёнида вақти-вақти билан кураш бўлиб турар эди.

Дадам ромсозликка кириб, Ҳасанбой ўртогининг дўконида бир оз сўзлашиб, чой ичиб ўтирар ёки Кўкалдош мадрасасининг ортидаги қиямалик кўчада болохонада ўтирувчи Бўйрачи ҳожи исмли дўстининг олдига чиқиб суҳбат қурардилар.

Бўйрачи ҳожи анча кексайиб қолган, ўрта бўй, озгиндан келган, чувак соқол, ингичка товушли, серҳаракат киши эди. У шу болохонада доим бўйра, мўнди, манак (сопол кўзачалар) сақлар, бирор кимса ўлса, шу кишидан ҳалиги буюмларни олиб кетишар эди. (Одатан шу мўнди, манаклардан сув қуйиб мурдани ювилар эди). Ҳожи ака жуда сахий, оққўнгил киши, ҳалиги буюмларни бева-бечораларга пулсиз ҳам бериб юбораверар эди.

Бўйрачи ҳожи доим аллакимларнинг ташвишини чекиб юрувчи, ўзи унча илмли бўлмаса ҳам, олим-уламоларни севув-

¹ Бу тунука томлар 1928–1929 йилларда очиб ташланди.

² Сувчи, мешкобчи.

чи киши эди. У дадамни ўтқизиб чой узатар, шаҳар уламолари орасида бўлиб ўтган сўнги воқеалардан «ахборот» берарди. Масалан: фалон мулланинг узоқ хасталиқдан сўнг вафот этгани, марҳумнинг «илми дарё» олим киши бўлганлиги ва шунингдек, қайсидир ерда илмий-диний мунозара бўлиб ўтганини, унда қайси олим ғолиб чиққани, ўзи уйида ҳозир нечта девона сақлаб боқаётгани (бу киши савоб учун қаровсиз, ётоқсиз девоналарни уйига келтириб боқар, парвариш қилар эди) ва девоналарнинг қизиқ-қизиқ қилиқлари тўғрисида сўзлаб, дадамни кулдирад эди.

«Кўпдан бери майдонимга бир уй қурсам, деб ният қилиб юрардим, – деб ҳикоя қилган эди бир гал Бўйрачи ҳожи. – Уста мардикор солиб иш бошладим. Бинонинг таг ғиштани териб, ишни синч қадашга тақаб, усталар уйларига кетди. Мен ичкари ҳовлига кириб ётдим. Эрталаб туриб қарасам, кеча терилган ғиштарнинг ҳаммаси кўчириб олиниб, яна эски ўрнига тахлаб қўйилибди... Билсам, меҳмонхонамда ётиб юрган девоналардан бири бу ишни туни билан бажо келтириб қўйган экан. Девона-да. Ғиштни бошқатдан тердик».

Бўйрачи ҳожи бу воқеани кулибгина парвосиз сўзлар, юзида на аччиғланиш, на девонадан ранжиш аломатлари сезилар эди.

Бўйрачи ҳожининг тус ва табиатида, менимча, озгина бўлса-да, Ҳасанали образига ўхшашлик бор эди.

Совунбозор қаторида дадамнинг Ҳожи сартарош исми дўсти бор эди. Унинг сартарошхонаси кенгина, унда икки-уч киши ишлар эди. Ҳожи сартарош эллик-олтмиш ёшларда, баланд бўй, бароқ қош, қора соқол, салмоқлаб сўзловчи, кўпни кўрган, дунё кезган киши эди. У ўзининг неча бор ҳажга борганини, Афғон, Эрон, Турк мамлакатларини эшақда йўл босиб, саёҳат қилганини, йўлда қароқчи ва бадавийлар қўлига тушиб чеккан азобларини, эшаги гоҳ юрмай, гоҳ калтак зарбидан қочиб, уни қидириб сарсон бўлганини ҳикоя қилар эди.

Ҳожи сартарош, билмадим, шоиртабиат бўлганиданми ёки унинг ҳалигидек саргузашт ҳикояларини тинглаганими, ҳар ҳолда, унинг дўконида кўпинча шоир, ёзувчилар тўпланишиб, суҳбат қуриб ўтиришганини кўрардим. Масалан, унда шоир Тавалло, Хислат ва Ғози Юнусларни кўрганман.

Дадам соч-соқол олингач, гоҳо ҳозирги «Чорсу» метро-сининг ўрнида бўлган мисгарликка ўтар эдилар. Мисгарлик-ка кираверишда дадамнинг Абдуғаффор ҳожи исмли ошнаси бўлиб, у мисгар бозорининг оқсоқоли эди. Абдуғаффор ҳожи ҳам эллик-олтмиш ёшларда, Сартарош ҳожи каби баланд бўй, қора қош, чапанитабиат, жаҳонгашта, етти марта ҳаж қилиб, бошидан кўп саргузаштларни кечирган киши эди.¹ У ҳам сўн-гги чоқларда бизникига бир неча бор келган ва бир бор шундай саргузаштни ҳикоя қилиб бергани ёдимда:

«Бир гал дегин, Абдулла, ҳаж қилгач, Сартарош ҳожи, Ҳожи қассоб учовимиз Ҳиндистон орқали Тошкентга қайтишни орзулаб қолдик... Ҳинд денгизида неча кун сузиб, Мамбай (Бомбей – Ҳ.Қ.) шаҳрига келдик. Шаҳарни обдан томоша қилдик. Ўйин-кулгига берилиб дегин, бир вақт қарасак, ҳеч вақомиз қолмапти. Йўлкирага ҳам пулимиз йўқ. Бошимиз қотди. Кўчама-кўча юриб, тиланчилик қила бошладик... Молнинг катта-катта суяқларини тешиб, ип ўтказиб, тош боғлаб, шақилдоқ ясаб олганмиз:

*Пулинг бўлса беравер!
Ё ҳиндилар, ё олло!*

деб учовимиз баравар хониш қиламиз, шақилдоқларни чаламиз. Шу, дегин, орқамиздан бир-икки юз бола эргашиб юради. Аммо тушумнинг мазаси йўқ. Қани иш юришса-чи. Бу орада шеригимиз Ҳожи қассоб қора безгак бўлиб қолди. Бу қасали қурғур ёмон бўларкан, ҳаш-паш дегунча бечора ўлиб қолди. Ана ундан кейин ҳолимизга маймун йиғлашини кўравер. Ишимиз жуда мушкуллашди. Раҳматлининг жасадини Мамбай қўчаларида олдимизга қўйиб, йиглаб тиланиб ўтирамиз. Ўткинчи ҳиндлар мурдага қараб, «Маит, маит?»² деб сўрашади, ачиниб пул ташлаб ўтишади. Икки-уч кун шу хил тилангач, мурда иссиқдан ҳидлана бошлади. Кўмишга мажбур бўлдик. Шундай қилиб дегин, бирмунча пул жамгашиб, базўр Тошкентга етиб келганмиз...»

¹ Бу киши кўпинча ҳаж бадалликка борган. Баъзи боёнлар ҳаж қилишни истасалар ҳам қариликлари ёки хасталиклари сабабли бора олмай, савоб учун пул бериб, бошқа бировни ёллаб юборганлар. Ана шу ёлланиб борувчини «ҳожи бадаллик» деб аталади.

² Маит – майит, ўлик, мурда.

Дадам баъзан Турон кутубхонасига кириб китоб олар, газета кўрар, Эски Жўвадаги босмахонага кириб чиқар, саҳҳобликка ўтиб, эски китобфурушлар билан сўзлашар, китоб кўрар ва янги китоблар буюрар, кейин ширмой, пашмак ёки шунга ўхшаш тансиқроқ бир таом олардилар-да, табиат музейи ёки Пуштиҳаммом кўчасига кириб, унда яшовчи семиз бир кишини кўрар, суҳбатлашар эдилар. Бу киши етмиш ёшларда бўлиб, исми Раҳматулло домла эди.

Раҳматулло домла замонасининг зўр олими, асли андижонлик, дадамнинг айтишларича, унинг илмини ҳурмат қилган бир киши ўз ҳовлисини ҳадя қилган, бироқ фарзандсиз эди. У жуда сўзамол, қўнғироқдек овозли, камтар, ёқимли киши эди. Касаллиги учунми, ортиқча юрмас, доим шерми, айиқми терисида ўтирар, икки ёнида уюм-уюм китоб, орқа деворида араб ёзувли дунё харитаси осиглиқ турар эди. Улар сўзлашаркан, мен харитага боқиб, тутилиб-тутилиб шу сўзларни ўқир эдим: «Баҳри муҳити Кабир», «Баҳри муҳити Атлосий», «Баҳри муҳити Ҳиндий», «Баҳри муҳити Мунжамид».

Дадам Раҳматулло домла билан суҳбатлашганда ҳеч мунозарага киришмасдилар, фақат сўнгги ўқиган китоблари ва улардан олган ўз таассуротларини, асарнинг марғуб, номарғуб томонларини мулоҳаза тарзида сўзлардилар. У дадамнинг фикрларига ё қўшилар, ё эътироз билдириб, узоқ сўзлаб кетар, агар масала жугрофия ўринларга алоқадор бўлса, ёнидаги узун таёғи ёки ҳассаси билан девордаги харитага мурожаат қилар эди...

Бу кишининг дадам билан яқин муносабати ўн йиллаб давом этгани ва суҳбатларини кўп марталаб тинглаганим учун баъзи ўринлари ёдимда қолган. Бир гал шу мазмунда суҳбат бўлган эди.

Дадам қандайдир бир китоб ўқиганларини ва ундаги баъзи фикрларга қўшилмаганларини сўзлаб, дедилар:

– Китоб эгаси мискинларга ёрдам этиш, хайр-эҳсон кўрса-тиш ва бундан олинадиган руҳий ҳузур ва фазилатлар тўғрисида кенг маъруза юритади. Менимча, олим мискинларга эҳсон беришдан кўра уларнинг дунёда бўлмаслиги чоралари тўғрисида баҳс юритса, тўғрироқ бўлар эди.

– Сиз ҳам, у ҳам бу масалада ҳақлисизлар. Фақат фарқ шундаки, бу фикрни сиз йигирманчи асрда айтаётирсиз, у эса ўнинчи асрда ёзган... Ундан ташқари, китоб муаллифи катта

қулдор фарзанди бўлган. Сизнинг фикрингизни олға суришдан балки у қўрққан ёки хоҳламаган...

Раҳматулло домланинг бундай чуқур, тиниқ фикр юритишларидан у кишини мутаассиб мулла ёки диний бир олим деб бўлмас эди. Уни мадрасаларда мударрислик қилган, халқни маърифатга ундаган шахс, дейишади.

Дадамнинг Оллоқул ака исмли бозорларда қаландарлик қилувчи яна бир таниши бўларди. Оллоқул ака ўрта ёш, норғул, чиройли киши бўлиб, бошида кулоҳ, эғнида қаландар кийими (жанда), ялангоёқ, бўйнига елкасидан ўтказиб качкул осган, бозорма-бозор юриб қўнғироқдек товуш билан нақшбанд сўфиёна шеър ўқир ва халқдан овқат, кийим, пул йиғиб оларди. У дадам билан кўпинча бозорда кўришиб қолар ва қалин дўстлардек сўрашар эди.

Оллоқул ака, чамаси «Чуқур қишлоқ» маҳалласида турарди. Бир кун у шу ерда сув бўйидаги чойхонада (бу чойхона гиёҳвандлар чойхонаси деб аталарди) дадамни меҳмон қилгани, ёқимли овоз билан эскича бир шеър ўқиб бергани ва дадам шеърни ёзиб олганлари ёдимда. Дадам бу киши тўғрисида сўзлаб, «Оллоқул ака бозорда наът ўқиб, майиз йиғади-да, уйда мусаллас солиб ичади», деб кулардилар...

ЎХШАБ КЕТАДИ

Сўнгги бобларда ёзувчининг ташқи кўча ҳаёти ва баъзи таниш-билишлари хусусида қисман сўз бўлди. Тарихан бу маълумотларнинг аксари «Ўткан кунлар»нинг ёзилиш даврига тўғри келади. Бинобарин, ёзувчи баъзи кечинма, лавҳа, шахслардан, эҳтимол, ҳисса олгандир, асарда материал сифатида фойдалангандир. Энди романнинг баъзи типлари ва менга аниқроқ туюлган прототиплари тўғрисида бир оз тўхталиб ўтаман.

1934–1936 йилларда Медрабфак (медицина ишчилар факультети)да ўқиб юрган чоғларимда, бир куни тил-адабиёт ўқитувчиси Одил Шокиров дарс пайти «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларига тўхталиб: «Отабек, Кумуш, Анвар, Раънолар идеаллаштирилган типлар...» деган мулоҳазани айтди.

Бу мулоҳаза менга эришроқ туюлди. Келиб дадамга сўзладим... У киши кулдилар ва менинг жиддий жавоб кутаётганимни сезиб, батафсил жавоб қилдилар:

«Халқ орасида бундай типлар жуда кўп... Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам асардаги каби айнан деб бўлмайди. Шахс асардаги қахрамонга қанчалик ўхшаб кетмасин, барибир, унда қандайдир бир камчилик, нуқсон бўлади. Баъзан китобхон асарни берилиб ўқийди-да, ундаги қахрамонни ўз атрофидан излаб кўради, айнан ўхшашини топа олмагач, умидсизланади, идеаллаштирилган типлар, деб хулоса чиқаради. Ёзувчи эса кўплаб шахсларда кўрган-кузатган типлардан ўзига керагини танлаб олади, умумлаштиради, бирон қахрамонда мужассамлаштиради. Бироқ бунинг шартлари бор: типлар ясама, сунъий бўлмаслиги, халқ орасида биров бўлмаса, бировда кўрилган, табиий, мантиққа тўғри келадиган, китобхонни ишонтирадиган бўлиши шарт».

Ёзувчининг сўзи ҳақдек кўринади. Дарҳақиқат, асарларида воқеалар гўё ўтмишдай ишончли тасвирланади, шахслар, типлар худди чиндай гавдалантирилади. Буни биз ёзувчи Иззат Султоннинг шу ҳикоясидан ҳам пайқашимиз мумкин:

«1929 – 1930 йиллар бўлса керак, ёзувчиликка ҳаваскор ёш кезларим эди. Бир куни ҳозирги Лойиҳа институтининг биносида ёш ёзувчиларнинг Қодирий билан учрашуви бўлди. Қодирийга турли саволлар берилди. У киши саволларга жавоб қайтариб, ўз тажрибаларидан сўзлаб бердилар. Мен Қодирийдан: «Ўткан кунлар» романингиз воқеий асарми?» деб сўрадим. «Йўқ, дедилар у киши, романдаги беш-ўн фоиз айрим тарихий воқеалар, шахсларгина воқеий. Қолганлари ёзувчининг маҳорати...»

Бу жавоб менинг «Ўткан кунлар»га бўлган эътиқодимни жуда сусайтирди. Тўғриси, шундай деб жавоб берганлари учун хафа ҳам бўлдим. Чунки ўша чоққача мен «Ўткан кунлар»ни воқеий асар деб юрардим...»

Баъзан «Ўткан кунлар»ни ўқиган яқин таниш-билишлар менга: «Отангиз Ўзбек ойим образини менинг бибимдан олганлар, худди Ўзбек ойимга ўхшар эдилар», дейишади ва Офтоб ойим, Кумушбиби, Юсуфбек хожи образлари ҳақида ҳам шунга ўхшаш «даъво»ни қилишади. Менимча, бу гапларнинг ҳаммаси ҳам ҳақ: Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Кумушбиби, Юсуфбек хожи каби ажойиб шахслар юқорида айтилганидек, халқимиз орасида ҳисобсиз, ёзувчи ўз қахрамонлари намунасини, табиий, шулардан олган. Бироқ ёзувчи, хусусан, мезонга ким-

ларни олган эди, деган масалага келганда, бир вақт, романдаги айрим типлар ҳақида суҳбат бўлганда, дадамнинг:

«Ўзбек ойим – бу Жосият бибинг, Офтоб ойим – Хоним бибинг, Кумуш эса – Ойкумуш опанг», деб кулганларини хотирлайман.

Гарчи Қодирий бу сўзларни кулиб айтган бўлсалар ҳам ўйлаб туриб, бунга ишонгим келади. Чунки Қодирий ишора қилган шахслар, назаримда, худди роман қаҳрамонларига ўхшар эди.

Жосият бибим думбултабиатли, гапдон, шахтсўз, бир уй хотинни ўз оғзига қаратиб ўтирувчи, унча-мунчани писанд қилмовчи, оми бўлса ҳам, доноликда ҳатто дадамдан ўзини юқори тутувчи, қизиқ феълли аёл эдилар. У баъзи қайноналардек келинларини ўз панжасида тутмас, ҳаммаларини ўз ихтиёрига қўйган, ғийбат ва оила икир-чикирларига аралашмас, агар эр-хотин ўртасида келишмовчилик рўй берса, фақат келинлари ёнини олар, «Хотинга золимлик қилма! деб ўгилларини койир ва шунга яраша келинлар, қўшниллар, қариндош-уруғлар тарафидан «Жосият она» деб иззат-ҳурмат кўрган табаррук она эдилар.

Бибим ҳамма тўйларга ҳам «Кавушим кўчада қолган эмас», деб боравермас, борсалар ҳам тўй, албатта, у кишининг раъйига қараб жўнаштирилар эди. Шундай бир ҳол ёдимда: бир вақт бибим Гулистон маҳалласига Рокия опалариникига меҳмон бўлиб борсалар, иттифоқо, уларнинг ён қўшнисиникида қандайдир тўй бўлаётган экан. Тўй эгасининг хотини Жосият бибим олдига чиқиб, эрининг мумсуклигидан, орзу-ҳавасли тўй қила олмаётганидан (эрлар кўпинча хотинлар тўйини камситиб ўтказадилар) арз қилиб йиғлайди. Бибимнинг раҳми келиб: «Юр, эринг билан ўзим бир гаплашиб қўяй», дейдилар ва чодир орқасидан бориб, ҳалиги хотиннинг эрига хотинларни камситмоқчи бўлганлигини юзига солиб, шундай «юқори»дан гап қиладиларки, бечора, содда эркак ҳайратга келади ва «Бу аёл ким ўзи?» деб ён-веридагилардан аста сўрайди. «Абдулла Муштумнинг онаси» дейишгач, тагин «Муштум»га урилиб кетмай, деб хавфга тушади ва хотинининг тилак-орзуларини бажо келтиради... Бу воқеани бибимнинг ўзлари сўзлаб, хотинларни кулдириб ўтирар эдилар.

1924 йил эрта баҳорда Қодир бобом вафот этдилар. Қудратилла амаким «Вой отам»лаб йиглаб, бобом ўлиги тепасига ҳадеб кираверадилар. Бибим бўлса, Қудратилла амакимдан аччиғланиб: «Бир юз тўрт ёшга кириб ўлган отанга намунча йиглайверасан, бор, ўзим сенга бошқа ота топиб бераман!» дейдилар ва бошқа йиғловчиларни кулдириб юборадилар...

Бибим буғдойранг, қуралайкўз, чўзиққа мойил келишган юзли, баланд, мутаносиб қоматли эдилар. У киши тўй, меҳмонга борсалар, қорами, кўкми дакана устидан дока рўмол ўрар, кўзларига сурма қўяр, эгниларига хонатлас кўйлак, устидан мурсак, оёққа амиркон маҳси-кавуш кияр эдилар. Мовзин қоматларига бу кийимлар шундай ярашиб тушар эдики, чиндан Ўзбек оймига айланар эдилар. Бундай пайтларда дадам бибимга секингина кулиб: «Ҳа, ойи, ясаниб олибсиз, яна лозиманда чиқиб қолдимиз?» деб қўярдилар. Дадам бибимга юмшоқ сўзлар, ҳалигидек «юқоридан» гапларга эса кулибгина ўтирар эдилар.

Хоним бибим оймнинг онаси, ўрта бўй, чиройли оқ юзли, юмшоқтабиат, майин сўзли, мулоҳазали аёл эдилар. (1941 йили олтмиш етти ёшда вафот этдилар). Улар баъзан бизникига меҳмон бўлиб келсалар, уйимиз гўё тўлиб кетгандай бўларди. Дадам бибимни жуда ҳурмат қилар, «ойи» деб атар эдилар. Бибим дадам олдида негадир уялиб ўтирардилар ва баъзан майин кулиб дердилар: «Шайхонтоҳурдан сизларникига юра-юра неча-неча эшикларни босиб ўтдим, лекин биронтасига ҳам бурилмадим, тўғри сизнинг эшикка келиб кирдим. Негаки, бунда менинг бир томирим жоним бор-да...»

Ойкумуш опам қўнғироқдек товушли, ақл-идрок ва ҳуснда ҳақиқатан Кумушни эслатувчи эди. (1929 йили вафот этди.) Дадамнинг ҳикоя қилишларича, гўё Қодир бобом бир вақтлар қозоқ овулига қимизхўрликка бориб, Ойкумуш исмли сулув бир қозоқ келинчаги қўлидан қимиз ичган ва бу исмни севиб, набираларига қўйган эмишлар. Дадам эса мазкур Кумуш исмини ана шундан олган эканлар.

«Қодирий аёллар образини, хусусан, ўз оиласидан, яқинларидан олган, ўрганган», деб мулоҳаза юритишнинг яна бир сабаби шундаки, у чоғларда аёллар ичкарида яшар, ҳамма аёлларни ҳам кўриш, кузатиш имконсиз эди.

Эшонгузар маҳалламизда мулла Алижон исмли дадамнинг домласи бўларди. Алижон домла дадамдан ўн беш ёшлар катта, 1910 – 1916 йилларда рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилган, дадамга дарс берган, кейинчалик эса дўстлашиб қолган киши эди. Дадам бу кишини ҳам устоз, ҳам етук инсон, деб ниҳоятда ҳурмат қилардилар. Агар дадам ўз умрида биргина кишини ҳурмат қилган, деб фараз қилсак (албатта, ота-она бундан мустасно), ўша шахс шу Алижон домла, дейилса, муболаға бўлмас...

«Илгарилари муллалар ўттиз йиллаб ўқиб, мадрасани базўр хатм қилардилар. Лекин Алижон домла Бухоро мадрасаларидан бирини беш йилда тамомлаб қайтган. Билагонлиги учун уни мадрасадагилар «Алича» деб аташган. Домланинг яхши хислати шундаки, у оқкўнгил, кибрсиз, тамагир эмас, сабр-қаноатли, камтар, мутолааси зўр олим, дер эдилар дадам.

Алижон домла 1964 йили саксон беш ёшларда вафот этдилар. Домла менга ҳам форс тилидан дарс берганлари важдан мен ҳам у кишини яхши биламан. Домла оқ-сарикдан келган, озгин, соқол-муртли, кичик бошига оқ симоби салла, телпак ёки чорқирра мошранг духоба дўппи, узун пешмат камзули устидан тўн, оёқларига маҳси-кавуш кийиб юрувчи, тик қомат, нуруний чеҳра киши эдилар.

Домланинг ички дунёси ҳам нурга тўлган каби эди. Гапни ўйлаб, босиқ, содда, ёқимли сўзлардилар. Сўзларида мантиқсиз ортиқча иборалар мутлақо бўлмас, тингловчи гўё ҳузурланар, яна-яна тингласам, дер эди. Бундай оталар гарчи кўплаб учраса-да, негадир, айниқса, бу кишини мен Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ўхшатаман. Муаллиф, албатта, Юсуфбекни сиёсий бир арбоб, маълум табақанинг вакили қилиб тасвирлайди. Алижон домлада гарчи бу томонлар кўринмаса-да, ҳар ҳолда, бошқа жиҳатлари менимча, руҳан ва жисмонан Юсуфбек ҳожига тимсолдекдир.

«ЎТКАН КУНЛАР» КИТОБХОНЛАР ҚЎЛИДА

Бобом вафотидан сўнг эди. Шаҳар ҳовлида яшар эдик. Бир кун уйимизда шундай воқеа рўй берди: ойим, одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирладилар-да, эрта туриб ёзаётган дадамни чойга чақиргани кириб кетдилар. Биз дас-

турхон теварагида дадамнинг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойм негадир индамай чиқдилар-да, ўтириб бизга чой қуйиб бера бошладилар.

– Абдуллани чақирдингми, Раҳбар? – Дадам чиқавермагач, оймдан сўрадилар бибим.

– Йўқ.

– Нега?

– Ўғлингиз йиғлаб ўтирибдилар, – дедилар ойм.

Бибим бечора сакраб ўрниларидан туриб, дадамнинг уйига йўл олдилар. Кап-катта кишининг йиғлашидан ҳайратга келиб, мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у киши юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб, тўхтовсиз ёзар эдилар. Бибим дадамнинг бу ҳолига бир оз қараб турдилар-да, бир нарсани тушундилар, шекилли, индамай мени бошлаб орқага қайтдилар ва ўтириб чой ича бошладилар. Мен бибимдан сўрадим:

– Она, дадам нега йиғлаяптилар?..

– Даданг жинни бўлиб қолибди... – жавоб қилдилар бибим ва бошқа сўз айтмадилар.

Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севикли қаҳрамони Кумушбибининг ўлими пайтини тасвишлаб, изтироб чекаётган эканлар...

Акбархўжа амаки¹ сўнгги пайтларда менга шундай ҳикоя қилган эди:

«Биз «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини босилмасданок, қўлёзмадан ўқиб чиққанмиз. Уни Абдулланинг ўзи пеш ёзганини пеш ўқиб берар эди. Пўлат оқсоқолнинг уйда гап ер эдик, бир гал Абдулла, одатича, сўнгги ёзган қоғозларини кўтариб, негадир кечикиброқ кириб келди. У кириши биланок биз романнинг давомини тинглашга чоғландик. Абдулла кулиб: «Олдин норинни еб олайлик», деди. Биз: «Йўқ. Бўпи (Ваҳоб қассобни шундай аташарди – Х.Қ.) энди норин қоргани туриб кетди. Норин келгунча эшитамиз», дедик.

Абдулла кўпчиликнинг раъйини қайтармай, ўқишга тушди. Ўқигани «Ўткан кунлар»нинг охириг икки боби эди. Биз диққат билан эшитмоқда эдик, бора-бора ҳаяжонга тушдик, Кумушнинг фожиали ўлимига етганда ўзимизни тутиб туролмай йиғлаб юбордик. Абдулла ўқиб битирди. Бироқ ҳеч биримиз

¹ Бу кишининг номи юқорида тилга олинди. 1964 йили тўқсон икки ёшида вафот этди.

сўзлашга мажол йўқ, худди мотам тутгандай хомуш ўтирардик. Ниҳоят Абдулла: «Айтмадимми, олдин норинни еб олайлик, деб. Ўзим ҳам бир неча кун нохуш юрдим», деди.

Шу кун норинга ҳам иштаҳа бўлмай уй-уйимизга тарқалдик.

Ўрни келиб, муаллифнинг шу айтган сўзини ҳам эслатиб ўтай: «Ёзганинг агар ўзингни йиглатмаса-кулдирмаса, ўзгани ҳам йиглатмас-кулдирмас...»

Таниқли тожик ёзувчиси Жалол Икромий ҳикоя қилган эди: «Мен 1930-йиллар бошида Тошкентдаги тожик билим юртида ўқир, бир қозоқ курсдошим билан бир ётоқда турар эдим. Шунда биринчи бор «Ўткан кунлар»ни ўқидим. Уни кеча-кундуз берилиб ўқирканман, қозоқ дўстим: «Бу китобни мунча ўқий-верасан», деб ажабланарди. Мен эса «Тўхта, сен ҳам ўқийсан», деб китобдан бош кўтармасдим. Ниҳоят, романни битирдим ва қозоқ дўстимга тавсия қилдим. У аввалига китобни тилар-тиламас ўқий бошлади ва кейинига менга ўхшаб, берилиб кетди.

Бир кун ётоқда дарс тайёрлаб ўтирардим, дўстим эса «Ўткан кунлар»нинг охириги варақларини ўқирди. Бирдан у сакраб ўрнидан турди ва бориб печкани очди-да, қўлидаги «Ўткан кунлар»ни ёниб турган ўтга ташлади... Мен ҳайратланиб: «Ҳай, сенга нима бўлди!» дедим. У ҳўнграб: «Кумуш ўлди!» деди... Чала куйган китобни аранг печкадан олиб ўчирдим...»

Дадам «Ўткан кунлар» романини ёзиб битиргач, қўлёзмани «Ўзбекистон Давлат нашриёти»га чоп этишга топширадилар. Нашриётчилар асарни яхши қабул қилишади: қўлма-қўл ўқиб чиқишади. Бироқ бир мулоҳаза тугилади: асарни таҳрирга бериш лозимми, йўқми? Агар лозим бўлса, бу вазифани муҳаррирликни кимга топширса бўлади? Чунки ўша даврда, балки ҳозирда ҳам равон таълифда чиройли услубда ва ёрқин ифодада дадамдан устунроқ киши бўлмаган, десам муболаға бўлмас. Бинобарин, асарни ҳар кимга ҳам топширса бўлмас.

Ўйлашиб, муҳаррирликни Фитратга таклиф қилмоқчи бўлишади. Чунки Фитрат зўр адабиётшунос, тилшунос олим бўлиш билан бир қаторда яхши ёзувчи ҳам эди. Бироқ Фитрат домла рози бўлмайди: «Хўп, Жулқунбой асарига қалам уриб, бузуб бергин, десанглар, марҳамат, таҳрир қилай», дейди... (Бу гапни «Нега асарларингизда муҳаррирлар исми қўйилмаган, одатда, китобларда ёзилади-ку?» деб сўраганимда, у кишининг ўзлари бир турли фаҳр билан айтган эдилар.)

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти-нинг илмий ходими марҳум Абдулла Носиров (Носихий) шундай ҳикоя қилади:

«Мен 1920-1930 йиллар мобайнида «Маҳсидўзлик» маҳалласидаги «Турон» кутубхонасида мудир бўлиб ишлаган вақтларимда Абдулла ака тез-тез келиб, мендан китоб олиб турар эдилар. Шу йўсин у киши билан танишиб қолган эдим. Бир куни Абдулла акам менга келиб: «Маҳсум (бу кишини шундай аташади – Ҳ.К.), вақтингиз бўлса, китобимни кўчириб берсангиз, қўлёзмани олиб қолиб, нашриётга нусха топширсам», деб илтимос қилдилар. Мен «Ўткан кунлар»нинг айрим парчаларини журналда ўқиган эдим. Мамнунлик билан илтимосни қабул қилиб, нусха кўчириб бердим. Абдулла акадан олган қалам ҳақиға ўша вақтда энди расм бўлган радиола сотиб олганман...»

Шоир Ғайратий 1924–1925 йиллар миёнасида Эски Жўва маҳалласидаги биринчи босмахонада ишлаган... У «Ўткан кунлар»нинг нашр этилишини шундай ҳикоя қилган эди:

«Мен у чоғларда босмахонада мусахҳиҳлик қилардим. «Ўткан кунлар»нинг I–II бўлимларини нашр қилишда иштирок этганман. Романнинг қўлёзмаси «Турон» кутубхонасида ишловчи Абдулла Носировнинг равшан дастхати билан пешма-пеш қўлимизга келиб тушарди. Абдулла акамнинг ўзлари ҳам матбаага тез-тез келиб, босмага ёрдамлашиб турар эдилар¹.

Шундай бир ҳол ёдимда: романнинг I бўлими босмага ҳозирланиб, ҳатто бирмунча нусха чоп ҳам қилинган эди. Бўлим бошлигимиз Аҳмедов бир кун, тўсиндан «Романни босиш тўхтатилсин», деб қолди. Биз ҳайрон бўлдик. Абдулла акам шу кезларда Фарғонадами, Москвадами эканлар, китобдан сигнал нусха олиб, ўқиб кўриб, дарҳол босмахона мудирини Бекқуловга телеграмма юборибдилар: «Романнинг I бўлимини босиш мен боргунча тўхтатиб турилсин. Муҳим хатоликка йўл кўйилган». Уч-тўрт кундан сўнг Абдулла акам келдилар. Маълум бўлишича, романнинг «Кутилмаган бахт» боби охиридаги Отабек, Қумушларнинг қандай бир-бирлари билан кўришиб қолганлари

¹ Дадам Москвада 1924 йил августдан 1925 йил июнгача ўқишда бўлганлар. Шунда ҳам бир гал, қиш чоғида Тошкентга келиб-кетганларини хотирлайман, ўқиш пайтида ҳам китоб нашри муносабати билан Тошкентга бир неча бор келиб-кетган бўлишлари мумкин. Чунки бошқа хотиранавислар ҳам Қодирийнинг роман босилишида бевосита қатнашганларини тасдиқлайдилар.

ҳақидаги изоҳ-тафсилот қўлёзмаси кимнингдир айби билан йўқолиб, китобдан тушиб қолган экан. Абдулла акам йўқолган ерни тиклаб берганларидан сўнг ишимиз юришиб кетди.

1925 йилнинг ёзларида бўлса керак, босмахонадан бўшаб, ўқитувчилик ва «Муштум» журналида штатсиз мухбирлик қилиб юрдим, – деб хотирасини давом эттиради Ғайратий, – чамаси, Абдулла акам «Ўткан кунлар»нинг охирги бўлимини битириб, «Муштум»даги ўртоқларга ўқишга берган эканларми, ҳар ҳолда, бир кун идорадаги баъзилар Кумуш қабрига битилган шеър ҳақида Абдулла акага эътироз билдиришди. Абдулла ака олдинги ҳолатда қабр тошига Фузулийдан шу байтни кўчирган эканлар:

*Ҳамроҳим эдинг бу йўлда эй моҳ,
Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ...*

Улар бу байтни ўзгартиришни, ўз асарларига ўз шеърлари бўлишини маслаҳат беришди. Маслаҳат Абдулла акага маъқул тушди шекилли, кўп кун ўтмай:

*Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лозазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.*

шеърини ёзиб келдилар».

Шундай қилиб, «Ўткан кунлар»нинг 1925 йил I бўлими охирида Қодирийнинг ўқувчиларга «Узр»номаларида айтилганидек бундай катта китобни чоп этишга босмахонанинг имкониётсизлиги ҳамда имло муаммолари туфайли китоб осонлик билан дунёга келмайди, романнинг I бўлими 1925 йилда (I бўлим тuzатилиб, 1926 йилда қайта босилган), II бўлими 1925 йилда, III бўлими 1926 йилда алоҳида-алоҳида китоб бўлиб араб алифбосида босилиб чиқади.

Шуни ҳам айтишга бурчлиманки, ҳар уч китобнинг ҳам муқоваси устида алоҳида-алоҳида биттадан ўзига хос рангли расм берилган бўлиб, романнинг бутун руҳини ўзида акс эттирувчи бу расмларни «Муштум» журналининг ўша вақтдаги машҳур рассоми Туля чизган...

Албатта, ҳали адабиётга чанқоқ бир пайтда «Ўткан кунлар» китобхонлар томонидан бирмунча шов-шув, мамнуният билан

кутиб олинади. Ҳатто романни ўқийвериб, ёдлаб олувчилар ҳам бўлади. Буни ўша даврдаги газета, журналларда қайта-қайта босилган эълонлардан, турли мақола-мулоҳазалардан ва ҳозир ҳам баъзи мухлислар оғзида юрувчи қизиқ-қизиқ гаплардан сезиш мумкин. Масалан, роман янги босилиб чиққан пайтлари тарқалган шундай бир миш-мишни фолклорчи олим Мансур Афзалов айтиб берган эди:

«Гўё, эмиш, Қодир бобо жуда кексайиб, фақир яшар, боғбонлик қилиб оиласини базўр боқар экан. Ўғли Абдулла эса доим ўқув-ёзув билан машғул бўлиб, боғ юмушларига оз қарашар экан. Қодир бобо баъзан ранжиб: «Ҳадеб ёзаверасан-ёзаверасан, ўғлим... Бундан нима фойда?.. Менга ҳам қараш-да, қариб қолдим, турмуш оғир...» деса, Абдулла: «Хўп-хўп, дада, озгина ёзувим қолди-да, шуни битирай, кейин қарашаман», деркан. Қодир бобо индамай бошини чайқаб, боққа кириб кетар экан.

Бир кун Қодир бобо уйида ётса, кимдир чақириб келибди. Бобо чиқибди. Бир таниш аравакаш бир арава юк билан эшикда турар эмиш. У Қодир бобого: «Бу юкларни Абдулла ўғлингиз бериб юборди», дебди ва аравадаги қоп-қоп ун, буғдой, гуручларни ва қўйни тушириб кетибди. Қодир бобо буларни кўриб хайрон бўлибди: «Ёпирай, Абдулла бунча нарсани қаёқдан олди экан, ишқилиб, ҳалолдан топдимикан?» деб ўйлаб, то ўғли келгунча ташвишланиб ўтирибди. Кечқурун Абдулла ота-онасига, болаларига кийим-кечак, совға-саломлар кўтариб келибди. Қодир бобо совғаларга қарамай, дарҳол ўғлини сўроқ-тергов қилишга бошлабди: «Хўш, Абдулла, бу нарсаларни қаёқдан олдинг?» «Хукумат берди, дада!» жавоб қилибди. Қодир бобо қувониб, «Ҳа-ҳа, шунақа дегин, баракалла, барака топ, ўғлим. Бўлмаса, ёзувингни қўйма, бунда гап кўп экан!» дебди...»

Бу ҳикоя, албатта, ҳақиқатдан бирмунча йироқ, ҳар ҳолда, уйдагилардан эшитилмаган ҳақиқат бўлса ҳам Қодирнинг бошқа бирон дастлабки асарига мансуб, «Ўткан кунлар»га тааллуқсиз гапдир. Чунки «Ўткан кунлар» босилиб чиққан пайтда, юқорида айтилгандай, Қодир бобом дунёда йўқ эдилар. Шундай бўлса-да, бу «миш-миш»нинг бир қиймати шундаки, романнинг босилиб чиқиши бир эртакка айланган...

Роман янги босилиб чиққач (10000 нусха), дўконларда кўп турмай тез кунда сотилиб кетади. Талаб кўп бўлганиданми, кетма-кет қайта нашр ҳам этилади. Фурсатдан фойдаланиб,

баъзан қўлдан-қўлга сотиш ҳоллари бўлганлигини ҳам ҳикоя қилишади. Мен ёшлигим учун бу томонларини унча билмайман. Аммо шундай бир ҳолни хотирлайман:

Дадамнинг Чорсудаги катта холаси Моҳира холанинг Алимат исмли (биз у кишини Алимат тоға дердик) зўр қўйчивон бир ўғли бўлиб, у инқилобдан анча аввал савдо важи билан Ғулжа шаҳрига бориб, ўша ерда бола-чақа орттириб, турғун бўлиб қолади (у оқиш танли, соч-соқоллари оқариб, анча кексайиб қолган киши эди). Ана шу Алимат тоға баъзи йиллари Ғулжадан Тошкентга қўй ҳайдаб келтириб сотар, қариндош-уруғларни кўрар, бозор-ўчар қилар ва яна қайтиб кетар эди.

1928 йилнинг кеч кузаги эди, шекилли, биз шаҳар ҳовлига кўчиб тушган эдик, шу Алимат тоға Тошкентга охириги марта келди (шу келишидан кўп ой ўтмай, у кишининг вафот этганини эшитдик. Айтишларича, қароқчилар томонидан фожиали ўлдирилган) ва бизникига бир кеч меҳмон бўлди: бибим, Алимат тоға, дадам сандалда сўзлашиб ўтиришди. Шунда Алимат тоға дадамга шундай дегани эсимда:

– Сизга ғулжаликлардан кўпдан-кўп салом, мулла Абдулла. Улар сиздан юз дона «Ўткан кунлар» бериб юборишни илтимос қилишди. Ҳар бир китобингизга бир қўй ёки қўй баҳосида пул оласиз...

– Китобимни ҳукуматга сотганман, – дедилар узр айтиб дадам, – бунча китоб менда ҳам, дўконларда ҳам, ҳатто босмаҳонада ҳам қолмаган, тоға. Агар ўзингизга бир-икки дона сўрасангиз, топилар...

«Ўткан кунлар»ни мен ўн ёшимда (1928 йили) ўқиганман. У, гарчи тўлиқ тушуна олган бўлмасам-да, ҳаётимда биринчи ўқиган китобим. Китобни ўқиш вақтим шундай кўнгилсиз тарихга тўғри келган:

Бог кўчамизнинг охирида, Бўзсув яқинида Йўлдош гаранг деган бир қўшнимиз бўларди. Ўзи қирқ-эллик ёшларда, фирқа аъзоси, қулоғи оғир бўлишига қарамай гапдон, Чорсудаги ов дўконида мудир бўлиб ишлар эди. Йўлдош амаки баъзан бизникига кириб, дадам билан гурунглашиб ўтирар, дадам ҳам бозорга тушганда гоҳо унинг дўконига кириб, сўзлашиб ўтар эдилар.

Ёз ойлари, «Ўткан кунлар»ни қизиқиб ўқиб юрган чоғларим эди. Бир кун эрталаб уйғониб, Йўлдош амакининг ўлдирил-

ганини эшитдим... Йўлдош амакини биров тун ярмида чақириб келади. У кўйлақчан «Ким?» деб чиқиб дарбозани очади. Очиши ҳамон чақирувчи кимса унинг кўксига пичоқ солади ва қочади. Хавотирланиб кетма-кет чиққан хотини эса эрини ўлим талвасасида кўради ва сўнгги икки оғиз сўзини эштади, холос: «Маҳмуд, Маҳмуд...» Маҳмуд уларнинг девор қўшниси, уни ҳамма Маҳмуд ўғри деб атар эди. Йўлдош амакининг ўлдирилишини қандайдир ўзаро хусусматдан, дейишади...

Дадам шу куни марҳумнинг жанозасига қатнашдилар. Та-содиф, шу воқеа куни мен «Ўткан кунлар»дан «Душанба кун кечаси» бобини ўқидим. Бир ёқдан Йўлдош амаки фожиаси, иккинчи ёқдан «Душанба куни...» даҳшати бир бўлиб, мени қаттиқ изтиробга солган экан, шекилли, шу кун тунда «Ол, Маҳмуд ўғри келяпти! Йўлдош амакига пичоқ солди! Мутални бўғди! Содикни ўлдирди!» деб алаҳдайверибман. Ойим-дадамларга уйку бермабман. Дадам: «Нега китобни ўқишга бердинг, ўлганникига чиқардинг!» деб ойимни койиб чиқдилар. «Кўрқма-кўрқма», деб мени ўз ёнларига олиб ётдилар. Эрталаб турсам, лабларимга учуқ тошган, китобим қўйган еримда йўк эди... Уни анча вақтгача йўқотиб, ўқий олмай юрдим...

1929 йилнинг ўрталарида «Шарқ ҳақиқати» газетасинининг бир неча сонларида Сотти Ҳусайннинг «Ўткан кунлар» ҳақида ёзган ўн бешлаб танқидий мақолалари босилиб чиқди, ахллар ўртасида бирмунча шов-шувга сабаб бўлди. Ёдимда, ўшанда маҳалламизнинг бир неча ёш йигитлари кўчада газета ўқиб ўтириб, менга «Ҳабибулланинг дадасини Сотти Ҳусайн роса тузлаяпти-ку», деб қочириқ қилишгани ва менинг аччиғланганим...

Кўшни Сузук ота маҳаллалик ёзувчи Ҳабиб Нўмон шундай ҳикоя қилади:

«Ўткан кунлар»ни ўқиб, Абдулла аканинг суҳбатини эшитишга муштоқ вақтларим, Сотти Ҳусайннинг «Ўткан кунлар» ҳақида танқидий мақолалари босилиб турган вақтлар эди. Бир куни қўшнимиз Усмон ака (Усмон Муҳаммаджонов бизга боғ кўшни, дадам билан тенгдош, болаликдан ўртоқ, савдо ходими, пенсионер, 1979 йилда вафот этди – Х.Қ.) билан Чўпонотага далага боратуриб, боғлари ёнидан ўтдик-да, Усмон ака «Юр, бир Абдуллани кўриб ўтайлик», деди. Мен бу таклифни мамнун қабул қилдим. Боғларига кирдик. Абдулла ака юмуш

қилиб юрар эканлар, бизни қаршилаб янги солинган чиройли шийпонларига ўтқиздилар, чой-нон қилдилар. Бирмунча сўзлашиб ўтирдик. Усмон ака Абдулла акага ҳазил қилди:

– Бу, Абдулла, дейман, «Ўткан кунлар»ингни Сотти Ҳусайн газетада роса боплаяпти-ку?..

– Ҳа, танқидчи ёмонламай мақтасинми? – дедилар кулиб Абдулла ака.

– Сен индамайсан... жавоб қилмайсан ҳам?..

– Қани, у айтадиганини айтиб бўлсин-чи, бир гап қилармиз.

– Нима қиласан, китобингни тузатасанми?

– Тушунмайсан, Усмон, – дедилар Абдулла ака кулиб, – танқидчи ёзаверади... Масалан, мана шу шийпонни олайлик: бунимен ўз дид-таъбимга мувофиқ қурганман. Энди биров келса-да: «Эй Абдулла, менга шийпонинг маъқул тушмади, манавиндай қуришинг керак эди», деса, «Хўп», деб бузиб, қайтадан қуришим керакми?..

Усмон ака Абдулла аканинг жавобига қарши бир нарса дея олмади. Жавоб менга маъқул тушди.

Сотти Ҳусайннинг танқидлари қанчалик ҳақ-ноҳақ бўлганини қизиққан адабиётчиларимизнинг текширишларига ҳавола қиламиз. Бизга кераклиси шуки, кейинчалик билишимча, Сотти Ҳусайн бу мақолалари билан ёзувчини мунозарага чақирмоқчи бўлади. Бироқ негадир Қодирий мунозарага киришмай, юқорида Усмон ака айтгандай, сукут сақлайдилар. Фақат Сотти Ҳусайннинг танқидий мақолалари босилиб бўлгач, унга «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар» номли кичкина бир жавоб ёзадилар, холос. (Бу жавоб мақолани тўртинчи жилдга киритдик).

Сотти Ҳусайннинг мазкур мақолалари 1930 йилда «Ўткан кунлар» номи билан лотин алифбосида алоҳида китоб бўлиб чиқди. Бир кун мен бу китобни келтириб дадамга кўрсатдим ва ранжиб, дедим:

– Бу қандай гап, ада, китобингизнинг танқидини бир китоб қилиб чиқаришибди?..

Дадам кулдилар:

– Бу яхши, китобнинг қадри ошади.

Чорсу бозорида куни билан одамлар қайнар, тилаганингизнинг «хаммаси» топилар эди. Бозорнинг бир чеккасида ёймачи саҳҳоблар араб, форс, турк ва эски ўзбек китобларини сотиб ўтиришар эди.

1932 ёки 1933 йилнинг ёзи эди. Бир кун дадам билан бозорга тушдик-да (мен бу ёшларда кўпроқ харид қилинган молларни кўтаришиб келиш учун бирга бозорга тушар эдим), дадам одатларича бориб, мазкур ёймачи саҳҳоблар олдидаги китобларни кўздан кечира бошладилар. Иттифоқо, китоблар орасида уч бўлими бир муқоваланган араб алифболи «Ўткан кунлар» ҳам турарди, уни дадам олиб у ёқ-бу ёғини текширдилар. Китоб бутун, лекин муқоваси анча уринган эди. Дадам сотувчи чолдан сўрадилар:

– Бу китобингиз неча пул?

– Йигирма сўм.

– Ўн сўм берай?

– Йўқ, бўлмайти, ука, – чол ёқмагандай, китобни олиб жойига қўйди ва мақтаб кетди: – Бу китобни биласизми, ука, «Ўткан кунлар» дейдилар. Отабек, Кумушбибиларни эшитганмисиз? Ўқисангиз, йигирма эмас, қирқ сўм берасиз. Ками йўқ. Пулингиз ёнингизда кетади...

Дадам бу мақтовлардан ўнғайсизланиб кулдилар ва чолнинг қатъийлигини сезиб бўлса керак ортиқ савдолашмай китобни айтганига сотиб олдилар. Чунки уйда «Ўткан кунлар»дан бир нусха бўлса ҳам, у киши «Яна бир нусхани эҳтиётдан олиб қўйиш керак», деб юрардилар...

Китобни қўлтиқлаб саҳҳобликдан ўттиз-қирқ қадам йироқлашиб эдик, чамаси биронтаси танитганми, ҳалиги китобфуруш чол: «Жулқунбой ака! Жулқунбой ака!» деб ортимиздан етиб келди ва қўлини кўксига қўйиб дадамдан узр сўрай бошлади: – Кечирасиз, Жулқунбой ака, танимабман, одобсизлик қилибман, пулингизни олинг, сиздан олиш уят...

Дадам гўё гуноҳ қилгандай, кечирим сўровчи чолга ўнғайсизланиб кулиб турдилар, узатилган пулни қайтариб, дедилар:

– Нега пулимни қайтариб беряпсиз?

– Сиздан пул олиш уят...

– Пул олиш сизга уят бўлса, – дедилар дадам кулиб, – текинга китоб олиш менга ҳам уят... Ахир китобни сиз текин олмагандирсиз-ку? Мен рози. Мана, шу баҳонада танишиб ҳам олдик. Энди яхши китобларни сақлаб қўяверинг...

– Хўп-хўп, жоним билан, жоним билан. Тасодифни қаранг-а, ўзим сиз билан бир кўришмоқчи эдим...

– Албатта, албатта, кўп кўришамиз ҳали, – дедилар дадам ва хайрлашдилар.

Дарҳақиқат, шу тасодифдан кейин бу киши (Исахон ота) дадам билан ошналашиб олди, нодир китоблар топса, бизга келтирадиган бўлди...

1933–1934 йилларда бўлса керак, дадам бир кун:

– «Ўткан кунлар»ни кино қилишмоқчи... – деб қолдилар.

Мен сўрадим:

– Отабек ролини ким ўйнаркин?

– Ҳали маълум эмас, – дедилар у киши ва қўшиб қўйдилар, – артист бўлганимда эди, Отабек ролини ўзим ўйнардим...

– Нега?

– Негаки, Отабек характери мендан яхши билувчи йўқ...

Эшонгузар маҳалламизга қўшни Маъдалихон маҳалласида турувчи, кекса журналист Нодир Назаров шундай дейди:

«Бир вақт, сизникига борганимда (бу киши бизникига бир неча бор келганини хотирлайман – Ҳ.Қ.), Абдулла акамдан «Ўткан кунлар»ни фильм қилиниши тўғрисида сўраган эдим. Шунда у киши: «Ҳа, шундай гаплар бор, агар фильмнинг олиниши амалга ошадиган бўлса, ролларга мувофиқ кишиларни мўлжаллаб, киностудиядаги ўртоқлар билан келишиб қўйганман. Отабек ролини ўзим ўйнасаммикин, а?» деб кулган эдилар».

Бу суҳбатлардан муаллиф ўз асарини, қаҳрамонларини нақадар эъзоз-эҳтиёт этганлиги, уни пала-партиш фильмга олинишидан чўчиганлиги кўринади.

1936 йилда мен уй қурмоқчи бўлиб, бир қўқонлик кекса устани ишга таклиф қилдим. Уста менга деди: «Юмушингизга бораман, мулла, аммо бир шарт билан: «Отабек» деган китобни менга ўқиб берсангиз...» Мен рози бўлдим. Уста қизиқ табиатли киши эди. Яхши кўрган кишисини «Келинг, Отабек!» деб чақирар эди.

ХАТЛАР, НАШРЛАР, ТАРЖИМАЛАР

Роман нашридан кейин уйимизга турли томонлардан хатлар ёғилиб кела бошлади. Ёшлигимда келган хатларни ўқимаганман, улар сақланиб ҳам қолмаган. Аммо сўнгилари сақла-

ниб келади. Хатлар содда, самимий мулоҳаза, эътироз тарзида ёзилган. Масалан, бир хатда романни мактаб келиб, охирида кизишиб: «Отабек номард йигит экан... Номард бўлмаса, қотил Зайнабга нега пичоқ солиб юбормади?!» деб муаллифга «айб» қўйилади. Иккинчисида: «Сиз ҳурматли ёзувчимиз томонидан ёзилган «Ўткан кунлар» романингизни «служба» қилиб юрган вақтимда ўқиб чиқдим ва бошқа жангчи ўртоқларимга ҳикоя қилиб бердим. Рус ўртоқларим шу романингизни ўз она тилларига таржима қилинмаганига афсусландилар», дейилади (Қодирий вафотидан кейинги хатларнинг ҳам аксариси у кишини ҳаёт билиб, муаллифга қарата ёзилган). Яна бир хатда: «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларини бир неча марталаб ўқиган бўлишимизга қарамай, яна ушбу китобларга беихтиёр қўлимиз чўзилаверади», дейилади.

«Ўткан кунлар» ёзувчи Л.Бать ва В.Смирновалар тарафидан таржима қилиниб, 1958 йилда рус тилида ҳам чоп этилди ва хатлар келиши яна кўпайди. Кейинги хатлардан бирисини гарчи ёшлик табиати сезилиб турса-да, ҳиммат ҳис билан ёзилгани ва эътиборга сазовор бўлгани учун қуйида тўлиқ кўчирамиз (хат Львов шаҳар, Славацкий кўча маркази, 6/3 «А» уйда яшовчи Неломняше фамилияли бир китобхон қиздан келган):

«Мана, қўлимда «Ўткан кунларнинг сўнгги саҳифаси... Уни икки кун ўқидим. Тасвирланмиш воқеанинг «иштирокчиси» бўлдим.

Абдулла Қодирий! Биласизми, китобингизнинг сеvimли қаҳрамонлари билан жудолашиш менга нақадар оғир! Воқеа ўтмишдир, шундай эса-да, у менинг юрагимда сира-сира унутилмас таассурот қолдирди ва ишонтира оламанки, бу таассурот ҳамма китобхонларда ҳам бирдайдир... Шу кунгача менга номингиз таниш эмасди. Энди «Ўткан кунлар»нинг ҳар бир сатрини, умуман, асарларингизнинг ҳаммасини қайта-қайта ўқишга тайёрман.

Китобингизнинг муқаддимасида ўзингизнинг ҳали тажрибасизлигингизни айтиб узр сўрайсиз, камтарлик қиласиз... Эҳтимол, Сиз йигирманчи йилларда ўз истеъдодингиз кучига ишонмай қарагандирсиз. Бироқ унинг ўша пайтлардаёқ кучлигини китобингиздан сезасан, қадрлайсан киши. Мен ёзувчига биринчи мактуб ёзишим.

Бинобарин, эҳтимол, кўнглимдагини ифодадай олмасман. Лекин Сиз ёзувчисиз, мени тушунасиз. Мен Сиз яратган қахрамонларни Сиз севган каби (бунга ишончим комил. Чунки ҳар бир етук, чиройли образ муаллифнинг қахрамонга бўлган муносабатидан келиб чиқади) севиб қолдим. Ахир, Отабекни севмаслик мумкинми? Отабек каби ажойиб йигитлар ҳозирги кунимизда ҳам кўп-кўп бўлишини истардим. Кумуш ва унинг ота-оналари-чи? Жуда яхши тасвирланган. Аммо у ерда ҳукм сурган баъзи одатлар менга жуда қизик, ғалати туюлди. Отабекнинг ота-онаси томонидан, иккинчи уйланишига мажбур этилиш ерларини ўқирканман, чиндан-да аччиғландим, ғазабландим. Ахир бу зўрлик, адолатсизлик! Охир, бу зўрлик оқибати нима билан тугади?! Бундай ҳам бемаъни қонун-одатлар бўларкан-ку. Отабек тақдири шундай фожиа билан тугаши жуда оғир, қайғули, аламли. Менга ёқиб тушгани яна шулки, Сиз ўтган асрнинг 50 – 60 йилларини, умуман, тарихий воқеаларни, Тошкентни жуда яхши тасвирлайсиз. Мен 1941 йили ўша ерда туғилганман. Бироқ уят қилсангизда, айтай: у ерларнинг тарихини сира билмайман. Тарихий воқеалар, макр, фитна, иғволар, Отабек ва Кумуш ўрталаридаги соф муҳаббат – булар ҳаммаси романнинг асосий мағиз-мазмуни. Мен ана шу мазмунни, дарҳақиқат, воқе тарих, кечмиши қахрамонлар деб чин дилдан ишонгим келади. Киши ҳамма кўрган-билган, инсон яратган нарсаларга ишонгиси, кўнгил қўйгиси келади. Бироқ шундай ҳам бўларканки, баъзан кўнгил қўйиб янглишаркансан. Бундай кезларда ҳамма нарсадан кўнгилсизланиб, умидсизланиб кетасан киши. Албатта, ҳаёт тўғрисида менинг тушунчам ҳали оз, аммо мутолаам етарли. Шу сўнггисига суяниб, кечирасиз, ўзимни ҳар томонлама тўла тасаввурли, ҳаёт муаммоларини билувчи ҳисоблайман. Менда қайта-қайта савол тугилади: нега ҳаёт айнан китобда тасвирланган каби бўлмайди? Баъзан шундай кунлар бўладики, яшаш жуда оғир, умидсиз туюлади. Шундай чоғларда, бирдан-бир овунчоғим китоб деб биламан ва унга муккамдан кетаман... Мен шодман, бахтлиман, қахрамонлар билан қўлма-қўл бораман, улар билан бирга яшайман, севаман, қайғураман, гўё асарга қандайдир янгилик қўшилгандай, уни тўлдиргандай бўламан... Ниҳоят, бу берилиб ўқиш замирида қандайдир бир ҳақиқат очилгандай бўлади-да, йўқ, дейман, бояги умидсизликларимдан қайтган-

дай, ҳаётга яна муҳаббат қўйгандай бўламан эса-да, унга қувончим ҳар ҳолда тўлиқмасдай, қани энди, воқеалар китобдаги каби бирдан ўзгарса-да, ўзгача тус олса..

Мен энди Сизнинг ҳамма асарларингизни ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки улар менга фақат қувонч, севги бағишлайдилар. Қизиқ, энди Сиз «Ҳозирги кунлар»ни қандай тасвирларкансиз-а? Ўйлайманки, буниси ундан ҳам маҳоратлироқ бўлса керак. Негаки, «Ўткан кунлар»дан кейин хийла вақт кечган.

Вақтингиз етишса, жавоб қиларсиз, деб умид этаман. Ушбу хатни ёзишга Сиз ва Сизнинг китобингиз мажбур қилди. Кўпдан-кўп раҳмат. Билсангиз эди, менинг севгилим Отабек ҳақида яна бирон асар ёзиб беришингизни қандай истайман...

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан Люда. 1961 йил, 20 август»

«Ўткан кунлар» 1933 йилда Боку шаҳрида лотин алифбосида, 1958 йилда Тошкентда қайта нашр қилинди. Шунингдек, у чет элда ҳам ўзбек тилида араб алифбосида қайта нашр этилади. Бу қайта нашр тўғрисида китобга ноширлик қилган Жўра қори Бўтақўз шундай ҳикоя қилади:

«Мен асли Андижоннинг Дардох қишлоғиданман. Катта бувим ақидаларга жуда берилган аёл эди. 1934 – 1935 йиллар бўлса керак, у Ҳаж қилишга отланиб, беш ёшлик мени ҳам ўзи билан ола кетган. Шу йўсин чет элларда қолиб кетиб, унда савод чиқардим, хусусий мутолаа қилдим. Ўрта Шарқ мамлакатларида яшаб, кўпинча тижорат билан шуғулландим, адабиётга қизиқиб, у ерлардаги ватандошларга ҳамиша ўз мамлакатимизни тарғиб этиб юрдим. 1969 йилда Ватанга қайтдим.

Чет элларда қарийб уч миллион ўзбек бор. Мен шу ўзбеклар орасида яшаб, шу ҳақиқатни кўрдимки, улар учун у мамлакатларда ўз тилларида ўқитадиган бирорта мактаб ва на ўзбекча китоб, газета чоп этилганини ёки радио-телевидение дастури-ни учратдим. Битта-яримта чиқарилган журналлар эса ўзбек тилини ривожлантириш учун эмас, аксинча, тил тозалигини, туйғусини бузиш, ўзбек халқини қолоқ фикрда сақлаш учун чиқарилгандир. Улар Ўзбекистон маданиятидан ҳам етарли баҳраманд эмаслар. Баъзи ўзбеклар ўз адабиётимизни шахсий кутубхоналарида сақласалар ҳам, бироқ уни ўзгаларга фойдаланишга беришга ишонмайдилар, тўғрироғи, «Тараққийпи-

санд китоб тарқатувчи» деб айбланишдан чўчийдилар. Натижада у ерларда ўзбек тили, адабиёти аста бузилиб, унутилиб бораётгани сезилади...

Мен у ерларда унутилиб бораётган ўзбек тилимизни сақлаб қолиш, шу баҳонада ўзбек адабиёти, маданияти билан уларни таништириш мақсадида, аввало, уларга ҳамиша ўзаро ўзбекча хат ёзишни тарғиб қилдим ва ўзбекча китоблар босиб тарқатишни жазм этдим. Қайси китобни нашр этишни ўйлаб, ўқувчиларни қизиқтириш учун бадий жихатдан етук, ҳаётгий, тили равон, тоза, прогрессив асар деб танилган «Ўткан кунлар» романини биринчи галда қайта нашр этиб, ватандошлар орасида тарқатишни мақсад қилиб кўйдим.

Романнинг II ва III қисмларини Қарачи (Покистон) шаҳрида ўзим ношир бўлиб, минг нусхада бостирдим. Босиш харажатларини ўз ёнимдан сарфладим. Чунки у ерлардаги боён ўзбеклар ўз тилимизда диний китоблар босишга ёрдам қилсалар ҳам, бунингдай халқ кўзини очувчи замонавий асарларни чоп этишни хоҳламас, хоҳласалар ҳам ўша ер ҳокимиятидан чўчир, ишончларини йўқотишни, алоқаларини бузишни истамас эдилар. Романни турли мамлакатларга олиб бориб, ўқишни билганларга (ҳатто пулсиз) тарқатдим, билмаганларга эса баъзан ўргатишга ҳам тўғри келди.

Романнинг биринчи қисмини қайта нашр қила олмадим. Чунки уни Покистон, Эрон, Туркия кутубхоналаридан излаб топа олмадим. Хусусий кутубхонада бор битта-яримта ватандош эса ишонмаганданми ёки юқорида айтилганидек, кўрқув-андиша важданми, ҳар ҳолда, вақтинча бўлса-да, биринчи қисмини бериб туришга рози бўлмади».

Бу қайта нашрнинг ҳар иккала қисми ҳам ҳажми, безатилиш ва муқоваси устидаги расмлар жихатидан биринчи нашрга айнан ўхшаш. Сарварагига «Ўткан кунлар», ўзбеклар турмишидан тарихий рўмон, Абдулла Қодирий II (ёки) III қисм, учинчи босмаси, Бўтакўз нашриёти, Қарачи, 1958 (ёки) 1961 йили, деган сўзлар ёзилган. Сарварақ орқасига шу сўзларнинг инглизча таржимаси берилган.

Романнинг турли тилларга таржимаси тўғрисида бир неча сўз: маълумотларга кўра, «Ўткан кунлар» рус, украин, литва, татар, озарбайжон, қозоқ, тожик, туркман, уйғур, қорақалпоқ ва немис тилларига таржима қилинган.

БЎЛАШ – БЎЛАШ. ШИФО ИСТАБ

Агар эсласангиз, Акбархўжа исмли кишини бир неча бор тилга олиб ўтган эдим. Бу киши бизнинг «Эшонгузар» маҳал-лалик, дадамдан чамаси ўн беш ёшлар катта, ҳамулфат, эски-дан саводи бор, мулланамо, савдогар киши бўлиб, баъзилар уни жўги дейишар эди. Пиёнбозорда ойна билан савдо қилувчи дўкони бўларди. Шу киши бошқа улфатларга қараганда, нега-дир дадамга ўзини яқин тутарди. Айниқса, 1926 йилда дадам қамалиб, уйимизда йўл-йўриқ кўрсатувчи кимса бўлмаган кез-ларда у киши гўё меҳрибончилик қилиб, ҳолимиздан хабар ол-ган, тергов-суд идораларига, бошқа ёр-дўстлардан кўра кўпроқ қатнаган бўлиб кўринади.

Ўшанда Янги Иқтисодий Сиёсат (эркин-хусусий савдо-нинг охирги йили бўлган, шекилли, айтишларича, Акбархўжа ака Москвага бориб, ойна келтириб сотишни ихтиёр қилади. Табиийки, бунинг учун катта миқдорда нақд пул керак, бун-ча пул эса ўзида йўқ бўлади. У боён ёр-дўстларидан икки, уч, ҳатто беш минглаб қарз кўтариб (жами йигирма беш минг сўм) Москвага жўнайди. Шунда Акбархўжа ака «Ўткан кунлар» учун икки минг сўмдан зиёдроқ қалам ҳақи олганликларини билиб, дадамдан ҳам икки минг сўм қарз сўрайди. Дадам йўқ дея олмай, сўралган пулни берадилар. Акбархўжа ака Москвага бориб, икки вагон ойна харид қилади ва харид моллар Тош-кентга етиб келгунча НЭП муддати тугаб, гўё ойналар ҳукумат тарафидан мусодара қилиниб, у Тошкентга қуруқ қайтиб ке-лади ва қарзларини қайтаролмай, танг аҳволда қолади. Унга қарз берган савдогарлар, боён кишиларнинг (мен кўпларини танир эдим) йўқотган пуллари давлатларини озайтирмас эди. Аммо қалам ҳақига кун кўрувчи Қодирий кабилар учун икки минг катта йўқотиш эди. Қодирий бу пуллар билан янги би-нолар қурмоқчи, боғини обод қилмоқчи, лойтом, чаккахона уйларидан қутулмоқчи эдилар. Барибир, дадам қийналсалар ҳам ниятлари йўлида тиним билмадилар. Бирон ерда боғланиб ишламаслик, уста-мардикор юмушлари, «Меҳробдан чаён»ни ёзиш ташвишлари ёзувчини анча чарчатган эди... Бир куни да-дам оймнинг тилло тақинчоқларини рўмолчага тутиб сотгани олиб кетдилар...

Жосият бибим Акбархўжа аканинг қилмишлари ва дадамнинг пул важидан қийналиб юришларидан оз бўлса-да, хабардор эдилар. Бир кун, таом чоғи эди, шекилли, дадамга:

– Акбархўжа жилла бўлмаса пулингни ярим-ёртисини берса бўлар эди, болам, – деб қолдилар.

– Э, ойи, – дедилар дадам ўша пул масаласини эслаб ўтиришни ҳам истамагандай, – сўрашни фойдаси йўқ, бўлмаганга бир бўлишдик – бўлишдик-да...

Дадамнинг амакиси Тош бобонинг ўғли Одил ота дадамдан йигирма ёшлар чамаси катта эди. Унинг Эски Жўвада, «Эшонгузар» маҳалламизда ва Самарқанд дарвозада ҳовлилари бўлиб, кейинги вақтларда кўпроқ «Эшонгузар»да яшар эди. Одил отани Эски Жўвада баққоллик қилгани учун Одил баққол деб ҳам аташарди. Одил ота бизникига тез-тез келиб кетар эди. Бир куни шаҳар ҳовлимизда бибим билан сўзлашиб ўтирарканлар, дадамнинг харажатдан қийналганларини айтиб бибим Акбархўжадан ҳасрат қила кетдилар...

– Э-е, она, (у киши бибимни шундай атардилар), – деди Одил ота, оғзидаги носини намат тагига тупуриб. – Акбархўжа эшоннинг найранги қирқ эшакка юк бўлади. Бир ўзи юз шайтонга дарс берадиган одам у. Абдулла у билан ошначилик қилиб, бир тушди тушди-да. Эшон элик йил кейин келадиган фойдани олдиндан кўриб иш қилади... Унинг вагон-пагон, ойна-пойна деган гапларига ҳам ишонгим келмайди...

Мен у чоқларда ёш бўлганимдан Одил отанинг сўзларини эътиборсиз эшитган, аҳамият бермаган эканман. Буни кейинчалик тушундим.

Бизнинг хилхона Эски Жўвада, ҳозирги хотин-қизлар клуби ўрнидаги (дадамнинг айтишларича, Кумушбиби дафн этилган) қабристонда бўлган. Қодир бобо Эски Жўвадаги шаҳар ҳовлимизни сотиб Эшонгузарга кўчиб келгач, масофа узоқлигидан дадам Эшонгузар маҳалласи ёнидаги Хўжа Аламбардор қабристонидан янги хилхона учун 1918 йилда маҳалладош улфатлари билан шерикчилик ер сотиб олиб, бўлашиб, қабристонга қўшадилар.

Раҳимберди амаким дер эдилар: «Даданг хилхонани икки тиллога сотиб олди ва барча қариндош-уруғларимизнинг дафн қилиниши мумкин эканлигини эълон этди».

* * *

Дадам энди ўша 1926 йилдаги «Йиғинди гаплар» мақоласи ва эски зиёлилар хусусида ҳукумат қабул қилган қарорлар ту-файли бирон идора (редакция)га боғланиб ишлашдан воз кечадилар. Фақат муносабати келса, ўқув китоблари, қишлоқ хўжалик рисолачалари таржима қиладилар, таҳрир, луғат тузиш каби ишлар билан, асосан эса, қиларга кўнгиллаб қўйилган, лекин бажаришга фурсатлари етмаган ишларни амалга ошириш, уй-хўжалик, деҳқончилик, боғдорчилик, қиш кезларида эса аста «Меҳробдан чаён» романини ёзиш билан шуғулланадилар.

Уч ака-уканинг рўзғори, шаҳар ҳовлилари гарчи аввалдан алоҳида бўлса ҳам, богимиз ўртада эди. 1926 йилнинг ёзида боғ ҳам бўлиниб олинди.

Қудратилла амаким бирмунча йўлини топган, ўзига дуруст, аммо Раҳимберди амаким муқим ишнинг бошини тутмаган, беғам, дунёни сел олса тўпиғига чиқмайдиган киши эдилар. Шунинг учун боғнинг ҳамма иморатли ва ҳосилдор ерларини у кишига ёрдам тариқасида берилди. Қудратилла амакимга ҳам текис узумзор ер тегиб, иморат қуриб чиқиб кетдилар. Бизга эса энг пойгақдан ўнқир-чўнқир, тепалик, ўпқонзор, биносиз, ҳосилсиз ерлар тегди.

Бизнинг улушимизнинг шарқида, еримизга ёпишган, уч танобдан мўлроқ паст-баланд ташландиқ ер бор эди. Бу ернинг тепалик қисми кундуз куни ҳам юришга қўрқинчли чакалак, қайрағочзор, қуйи қисми тошлоқ, чимзор, доим сув тошиб ётадиган изза ер бўлиб, деворсиз, ихотасиз, катта кўчага қўшилиб ётар эди. Изза ернинг ўртасидан кўндаланг кетган, баландлиги бир ярим, узунлиги икки юз метрдан ортиқ келадиган тепалиқдан бир ариқ ўтиб, ерни иккига бўлар эди.

Бу жойлар Мирлар маҳалласининг вақф ерлари бўлиб, ҳеч ким қарамас, фойдаланмас, унда истаган киши мол боқиб юрар эди.

1926 йили дадам ана шу ерни Мирлар маҳалласидан олти юз сўмга сотиб олиб, еримизга қўшдилар. Мирлар маҳалласининг оқсоқоллари эса қайрағочларни кесдилар ва биздан олган пулни қўшиб, ўз маҳаллаларига, «Учқун» мактаби қаршисига, чойхона ёнига катта бир клуб солиб олдилар.

Ер сотиб олингач, дадамнинг ҳамма куч, ғайрат, эътиборлари, қиш кунларидан бошқа вақтларда, фақат ана шу ерларни

обод қилишга қаратилди. Кесилган жуда кўп қайрағочларнинг тўнкасини қазиб ер очиш, изза ерларни қуриштириш, тошини тегиштириш, чимзорни бузиш, тупроғини аравалаб, замбиллаб ташиб чуқурликларни тўлдириб текислаш, ариқни тахта тарнов орқали бир чеккадан ўтказиш, ерни маълум тартибга келтириб, тегиштириш девор олдириш, янги қўчатлар ўтказиб, мевазорлар, узумзорлар, гулзорлар барпо қилиш, ҳоказо...

Албатта, бу ишлар бир неча йил давомида бунёд қилинди. Ҳамма ишда дадамнинг ўзлари бош, режа кўрсатар, маслаҳат берар, уста-мардикорлар билан баробар меҳнат қилар эдилар. У киши қоп-қорайиб кетган, бошларида оқ қалпоқ, устларида оқ камзул, кетмонни урганлари-урган, тепа бузиб, замбилгал-тақда тупроқ ташиганлари-ташиган эди. (Мен уста-мардикорларга чой-овқат ташийвериб зерикардим.) Дадам куни билан шундай қаттиқ ишлардилар-да, кечқурун ювиниб, кийинардилар, кечлик тайёр бўлгунча аста қўлларини орқаларига қилиб, иш тепасига борардилар, куни билан қилган меҳнатларини кўздан кечириб, томоша қилардилар. Гўё у киши бугун бир асар яратганлар-ку, энди ўзлари ўқиб ҳузурланаётгандай...

* * *

Дадам, 1923 йилдаги хасталиқдан сўнг, докторлар маслаҳати билан бўлса керак уч-тўрт йилгача, ҳар ёз бир бор саёҳатга қимизхўрликка чиқиб келишни одат қилган эдилар. Шу саёҳатлардан иккитасида мен ҳамроҳ бўлганман.

Ёдимда, биринчи гал, Қодир бобом вафот этган йили қулупнай пишиғи кезида, бибим, опам тўртовимиз Чимкентга бордик. «Қўчқорота» булоқ суви яқинидаги бировнинг сайхон бедазор боғида, катта-катта садақайрағочлар тагидаги супа устига оқ чодир тикиб, дам олдик. Дадам ҳар кун эрталаб қўлсават (корзинка) кўтариб бозорга тушиб, нонуштага иссиқ нон, тухум, қаймоқ, бир-икки чирпит қимиз олиб келар, пешинлик ва кечликка эса керосинкада гўшт қайнатар, кабоб пиширар ва эртадан-кечгача сув, чой ўрнига ҳам қимиз ичардик. Турар еримиздан бир оз нарироқда бутазор орасидаги мусаффо сувли кичкина булоқ қўлда дадам чўмилар эдилар.

Ёдимда, дадам бир гал мен билан бирга бориб, шу қўлда чўмила бошладилар. Мен қўл лабида томоша қилиб ўтирдим. Шу вақт бутазор орасидан тўсатдан катта бир чўчка чиқиб қолди.

Мен кўрқиб «Ада, бўрдоқи келяпти!» деб бақириб юбордим. Дадам кулиб, кўлдан чиқиб, уни ҳайдаб юбордилар ва шу-шу «Бўрдоқи келяпти!» деб мени масхара қиладиган бўлдилар...

Иккинчи гал ҳам Чимкентга 1927 йилнинг эрта ёзида дадам, Элбек¹, унинг рафиқаси Муборак опа ва ўғли Улуғбек бешов бордик. Бир бева кампирнинг боғдек катта ҳовлисида кўндик. Боғ ўртасига қатор иккита катта кат қўйиб, чодир тутиб, бирга ош-таом пишириб, шунда дам олдик.

Муборак опа ёш, нозиктабиат аёл эди. Касалвандлигиданми, у таом ҳам тайёрламас, кир ҳам ювмас, эри билан тез-тез аччиғлашиб турар, дадам эса улар ўртасида «қозилик» қилар эдилар.

Дадам баъзан уй эгасининг жомашўйини олиб, самоварда сув иситиб, чўнқайиб ўтириб кир ювар, ёнларига қўйиб қўйган косадаги қимиздан дам-бадам ичиб, мени ҳам ичишга қистар эдилар.

У ерда беш-ўн кун дам олгач, дадам иккимиз (Элбеклар, негадир тезда Тошкентга жўнаб кетишди) извош кира қилиб, Сайрам сайрига жўнадик. Сайрамда икки-уч кун турдик, янги очилган интернатда меҳмон бўлдик ва Юсуф Сарёмийнинг² уйига бориб, дадам шоирнинг авлодлари ва маҳалла кексалари билан суҳбатлашдилар.

Чимкентдан қайтгач, дадам яна боғ ишларига уннаб кетдилар. Усталар чақириб, ўзлари чизиб берган режа бўйича янги олган пастлик еримизга катта бир шийпон қуришни бошлаб юбордилар. Ёдимда, шу шийпон тагига гишт терилаётганда Юдахин³ фамилияли бир рус киши дадамни сўраб келди ва рус

¹ Элбек (Машрик Юнусов) (1893 й. Тошкент вилояти, Хумсон қишлоғи, – 1938 й). – ўзбек шоири, тилшуноси, публицисти, танқидчи; дастлабки шеър ва ҳикоялари «Эл байроғи», «Турон», «Турк сўзи», «Улуғ Туркистон», «Иштирокион» газеталарида ва журналларда чоп этилган, кўплаб шеърый китоблар муаллифи. Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ёзган, шахсга сиғиниш даврининг қурбони.

² Юсуф Сарёмий (отасининг исми Мулла Абдушукур) – тахминан 1840 йилда Чимкентнинг Сайрам қишлоғида туғилиб, 1912 йили шунда вафот этади. Юсуф Сарёмий Чимкент ва Бухоро мадрасаларида ўқийди. Лирик, ҳажвий, диний (мистик) шеърлар ёзади. Сарёмийнинг шеърлари инқилобгача баёзларда нашр этилган. Вафотидан сўнг 1914 йилда шоир Тавалло томонидан «Баёзи Мавлавий Юсуф Сарёмий» номи билан унинг асарлари тўпланиб, нашр қилинган.

³ Юдахин Константин Кузмич (1890. – Орск. 1975. – Фрунзе) совет тилшуноси, шарқшуноси.

бўлишига қарамай у ҳамма уста-мардикорлар билан «хорма, бор бўл!» қилиб ўзбек тилида сўрашиб чиқди.

Юдахин шарқшунос, шу йилларда биринчи ўзбекча-русча лугат тузар ва шу муносабат билан дадамлардан баъзи бир маслаҳатлар олгани бизникига келган экан. Буни шундай яхши хотирлайманки, у сўри тагига кўрпачага оёқ узатиб ўтириб, чой ичаркан, портфелидан бир даста қоғоз чиқариб дадамга кўрсатган эди. Қоғозларда қатор қилиб араб алифбосида ўзбекча ва русча сўзлар ёзилган эди. Шунда бу рус кишининг ўзбекча сўзлай олишидан ва араб алифбосида ёза билишидан ажабланган эдим.

Юдахиннинг 15000 сўзлик лугати 1927 йилда босилиб чиқди. Китобда баъзи ўзбекча сўзларнинг жумлаларда қандай ишлатилиши «Ўткан кунлар» романидан ва бошқа бир неча ўзбек асарларидан мисоллар олиб кўрсатилган.

ТАНҚИДМИ, ТАҲҚИР?

Қодирийни ишдан четлатиб, фақат иқтисодий зарба билан чекланиб қоямадилар. Унга қарши матбуотда тез-тез ҳақсиз, ўринсиз ҳужумлар, ҳақоратомуз танқидий мақолалар уюштириб, ёзувчи қалбини тирнаб, жароҳатлаб ҳам турдилар. Мана, қўлимда Нуртой (Ғ.Ғ) имзоси билан босилган «Муштум»ни варақлар экан» мақоласи («Муштум», 1928 й., 8-сон). Унда мақола эгаси «Муштум» журналининг биринчи сонидан бошлаб, беш йиллик фаолиятига гўё яқун ясайди.

Қуйида биз мақоладан Қодирийга тегишли ўринларни мухтарам ўқувчиларга ҳавола қиламиз, токи ўзлари ҳукм-хулоса чиқарсинлар.

«МУШТУМ»НИ ВАРАҚЛАР ЭКАН...

Ё мухтарам ўқувчилар!

Лаб-лунжингизни йиғиштиргайсизким, бу нарсадан кулиш баса мушкулдир (бу жумла кўполроқ бўлса ҳам Қодирий услубига ўхшатма эканлиги кўриниб турибди. Фарқ шундаки, Қодирий аввал юзлаб ҳажвлар ёзиб, ўқувчиларни кулдириб, кейин муқаддимада баъзан бу каби жумлани кўққисидан ишла-тиш ҳуқуқига эришгандилар).

Кеча рафиқа билан андак айтишиб қолиб, ўзимга бир гўшанишиндан қувонч қидирар, бир оз бўлса ҳам шикаста кўнгилни «юпатмасмикин» дегандек қилиб «Муштум»нинг эски номерларини варақлар эдим.

Яна бош бармоқни оғизга ҳавола қилиб, ҳўллаб 1923 йилги «Муштум»нинг февралда чиққан биринчи сонини астагина очдиқ. Биринчи сўз «Муштум» таърифидида – Жулқунбойники. Бунда «Мушт» сиёсатда подшоҳ, иқтисодда «авлиё» эмишким, унинг аҳамияти куллияси маҳалла ижтимоиётидан дарак қилинади. «Қовун деб экканимиз шунғия, олтинқўнғуз деб мақтаганлари қора қўнғуз эканким, бурунни ўрашқа мажбур бўлдиқ», деб пешонага шилт этиб уриб қўяди. Сўз «афандилар» билан тугалиб, «бир муштипурзўр бўлса, у ҳам пролетар мушти» экани эътироф қилинади.

2-сондаги «Саломнома»ни ўқудиқ. Унда: «Халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин, элли-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган Туркистон бойларига салом!» дейди Думбулниса. Биз халқ қайғусин, тарбиясин шулардан куткан мижғилнисаларга ҳам қалампирли салом, дедик...»

(Худди шундай. Муаллиф Абдулла Қодирий – Думбулниса «элик-олтмиш қўй бериб, саккиз кунлаб тўй қилган» исрофчи бой-савдогарларни мактаблар очишда, ёшларга яхши таълим беришда ёш давлатимизга ёрдам этишга даъват қилади. Бу болада кулишга ҳеч ўрин йўқ. – Ҳ.Қ.)

«Мана, қўлимизда 4-сон.

Бош мақола Жулқунбойнинг «Наҳс босқан экан»и. Миллатнинг буюк адиби «ўз» истиқболидан ваҳимадор бўлиб, Октябрнинг муваффақиятини кўрмайди. «Етар садаға, кўнглим айнаб кўз олдим қоронғиланди», дейди. Кўпчиликни ҳўтук ва ҳўкизга мисол қилади. Биз ўз аптини сувда кўргандир, «наҳс босқан экан» фол очтиргандир, дедик.»

Муаллиф давом этиб: «Балки бунга «ўша вақтдаги муҳит шуни талаб қилар эди» дегувчилар бўлар» дейди ва бу билан ҳақсиз танқидини андаваламакчи бўлиб жавобан: «Биз ҳамёза аралаш «Шундаймикин-а!» деймиз», дейди.

«Қўлимизда 10-сон. Биринчи мақола: «Замонанинг зайли». «Муштум» имзоси билан бунда... «Бир вақтлар ўз борлигини кўрсата олган ўзбек миллати», деб «Ўткан кунлар»нинг нашъасидан бурун тортилади.

Энди Жулкунбой тарафидан яратилиб ўз вақтида ва ўз аҳллари ўртасида мужиби ташаккур бўлиб қабул қилинган, раста, бозор, гап ва тўкмаларда қайта-қайта ўқилиб, ўзига бир туркум «олий табақалар»ни жалб қилган икки вужуд Калвак махзум ва Тошпўлат тажангларга жиртак айтмоқчимиз.» (Мунаққиднинг юқорида иқроор бўлишича-ку, Калвак ва Тошпўлат асарлари халқ ташаккурига сазовор бўлган ва халқ тарафидан раста, бозор, гап, тўкмаларда қайта-қайта ўқилган. Билмадим, шу ҳолда мунаққид кимга жиртак айтмоқчи: Калвакками, Тошпўлатгами, Жулкунбойгами ё севиб ўқиган халққами ва ё ўзигами? – Ҳ.Қ.).

«Калвак махзум «Шодиқул»¹ таъбирича, XIX аср Ўрта Осиё феодаллари даврининг мажмалағ бир типи. У дар қатори ёрон хоки туроб кетиши лозим бўлса ҳам, ёзувчи уни тиргизади ва XX аср иккинчи чорагига қадам қўйиш арафасида турган ва социализм жамиятининг асоси қурулмоқда бўлган бирдан-бир ишчи-деҳқон мамлакатининг турли сиёсий ва ижтимоий муассасаларида «контроллик» қилиш вазифасини топширади. Шунинг билан бирга шўро хизматчиларига «насихат» қилиб, шўро идораларини «роҳи ростка» йўллатмоқчи бўлади.»

(Мунаққид «кашф этган» бу гумон назарияни ҳеч бир ўқувчи кўнглига келтирмаган ва ёзувчининг ўзи ҳам буни асло хаёл қилмаган бўлса керак. Калвак махзумга ўхшаш мадраса ҳаёти билан заҳарланган кимсалар совет даврида ҳам жуда кўп эди. Чунки, мадраса таълими совет давридагина тугатилди. Қодирийнинг ўзи ҳам ўша мадрасаларда ўқидилар, кўрдилар. «У фалон асрнинг одами эди», дейиш ҳам нотўғри. Бизнингча, гап қандай йўл билан бўлмасин, мақсадни ўқувчиларга ишонарли қилиб бера билишда – Ҳ.Қ.).

Тошпўлат тажанг олти йиллик Шўро даврида саводини чиқара олмай кўча-кўйларда сандирақлаб юрган лўтти бир чапан. Унинг Калвак махзумдан айирмаси сўзининг китобий бўлмай, самовор тили бўлгани. Биз буларга сўз бермадик. Чунки, «эзмалик ҳам эбида» дейдирлар. Керак қилар эканлар, марҳаматларини дариг тутмай ичкарига қарасинлар. Унда чакка тириштиришга арзиғундай гаплар топилмаса, Тошпўлат тажангнинг ҳақ-хурмати.

¹ Зиё Саид.

Инсон жавҳари – тарбия. (Нуртойнинг бу гапига қоқиндиқ бўлса арзийди – Ҳ.Қ.) Ғози билан Жулқунбойлар «Муштум»ни монополия қилиб, меҳнаткашларни ёт руҳда тарбия қилдилар. Монополиянинг маъноси шулки, бир йиллик «Муштум» бошдан-оёқ шу икки азаматнинг хосаки қаламлари билан чиқди... Агар, қандай қилайлик, ёзғувчилар йўқ эди, десалар; Бали, бошқармадан берган жавобларингиз¹ қалбаки экан-да? деймиз.»

Мунаққиднинг мақоласи охиридаги ушбу сўзларини кўчирамиз: «Ўқувчилар! Авфингизни сўраб, ижозатингиз билан яна бир мартаба сизларнинг назари диққатингизни 26-йил, 27-сон «Муштум»нинг муқовасидаги расмга йўллатмакчимиз. Бунда Йўлдошбой акамни «орқа-олдинга қара, эҳтиёт бўл!» дегандай қилиб расми туширилган. Лекин бир варақ очинг, «Овсар» миянинг (Жулқунбойнинг) прўлетар матбуотини булгатганини, гўнгалагига тош солиб валий-неъматларига оёқлиқ хизматини бажармакчи бўлганини ўқийсиз-да, уч йиллик умрингизга воасаф ўқиб «тарих-тарих» дейсиз ва эснаб қўясиз».

(Бу сўзлар Қодирийни очикдан-очик таҳқирлашдан ўзга гап эмас. «Йигинди гаплар» мақоласи ва унга тааллуқли гаплар тегишли ташкилотлар тарафидан 1926 йилнинг июнь ойигача текширилиб, тегишли хулоса-ҳукмлар чиқарилиб, тиниб-тинчиб кетган ва ҳатто кўпчилик мақолани ўқиганлар, эшитганлар унутиб ҳам юборгандирлар. Шу ҳолда, орадан роса икки йил ўтгач (бу давр ичида Қодирий тинчгина уйида ўтириб бир роман «Меҳробдан чаён»ни ёзиб битирадилар), бу мақолани ёзишга, ўтган ишни кўзгаб, халққа эслатиб қўйишга мунаққидни нима мажбур қилди экан? Ҳуқумат-ку, масалан, Йўлдошбой акалари, албатта, «Шу масалани яна бир кўзгаб қўй», деб ваколат бермаган бўлса керак ёки Қодирий яна бошқа бирор жиддий мақола ёзган эмасларки, эскисини эслатиш лозим бўлган бўлса... Қодирий Мирза Нуртойнинг бу мақоласини ўз вақтида, албатта, ўқиган бўлсалар керак. Лекин, газета-журналларни чандон варақлар эканмиз, Қодирийнинг жавобини ёки ўқувчиларнинг акс садосини ҳеч қаерда учратмадик. Демак, у киши мақолага жавоб ёзишни арзитамаганлар Ҳ.Қ.).

¹ Авваллари бошқарма (редакция)га келган хат-мақолалар бирор сабаб билан босилмай қолса, «Бошқармадан жавоб» сарлавҳаси остида «Мақолангиз фалон сабабга биноан босилмади» деб жавоб берилар эди.

«Муштум» журналининг сўнги ҳоли тўғрисида Абдулла Қаҳҳор ҳам «Ким нимадан завқ олади?» номли мақоласида («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1929 й, 5 апрел, 78-сон) бундай ёзади:

«Муштум» чиқа бошлагандан бери «ҳаммабоп» ва «ҳаммабоп бўлмаган» икки даврни кечирди. Кейингиси, шубҳасиз, унинг ҳозирги даври.

Жўралар ўртасида шундай фикр бор: нима учун «Муштум» «ҳаммабоп» бўлган вақтда вужуди кулги эди-ю, ҳозир ҳеч кимни кулдиролмайди? Нима учун унга илгари кўб киши қатнашар эди-да, ҳозир имзолар кам кўринадир?

Рост, «ҳаммабоп»лиқ вақтида ҳаммани кулдирар эди. Шунинг учун ҳам биз уни «ҳаммабоп» деймиз. Энди яқинроқдан қарайлик-чи, нима деб кимларни кулдирар эди. Шундай кулгилардан маҳрум бўлган собиқ «Муштум»хонларга нега ҳозиргиси маъқул бўлсин!

«Ҳаммабоп бўлмаган» ҳозирги «Муштум» бекорчиларни кулдирмайди. У энди кимдан кулишини билади. Ҳозирча «Муштум»да 4-5 гина эмас, юзлаб кишилар қатнашади, ўзимиз учун ҳўб яхши. Шунинг учун бошқаларга тузсиз...

Шундай қилиб, шакл ва мавзудаги шу эргашишимиз соясида кулги адабиётимиз янгиликдан маҳрум бўлиб қотиб қолди. Шакл яратишдан ожиз келганимизда ҳам мавзуни янгилаш мумкин эди. Гўё бизда ўз ичимиздан куладиган жойимиз йўқ!..»

Биз бу очиқ-ойдин ёзилган фикрларга изоҳ, тафсилот бериб ўтирмаймиз.

1930 йил эди шекилли, дадам ёз кунларининг бирида шийпон рўпарасида кўча эшик устини ёпиш учун ғишт териб устун ясар, мен ва Обид акам (Раҳимберди амакимнинг ўғли, мендан икки ёш катта) лой, ғишт олиб бериб турар эдик. Кечки пайт велосипед миниб бир йигит келди. Мен уни шу кун биринчи танишим эди. У йигирма беш ёшларда, буғдойрангдан келган, келишган, норғул гавдали йигит бўлиб, оқ кийинган, бошида тус дўппи эди. У дилкаш кўринарди.

Мен стул келтириб бердим. Дадам у билан суҳбатлашиб, ишни давом эттиравердилар. Уларнинг бу суҳбатидан хотирамда шу қолган: шу кезлари у йигит ўқитувчилик ҳам қилар экан, шекилли, ўз ўқувчилик машаққатларидан сўзлаб, бола-

ларга қорнинг қандай ҳосил бўлиши, қор учқунларининг турларини тушунтириш қийин бўлганлигини сўзлаб берган эди.

У йигитнинг миниб келган велосипеди қандайдир янгича ҳашамли, никелланган, олдида чироғи бор эди. Дадам велосипедга ишора қилиб: «Жуда бошқачасини топибсан-ку...» дедилар. У жавобан: «Поччам Ригадан келтириб берди», деди. Сўнг, у дадамнинг «Қўй, кийиминг расво бўлади», дейишларига қарамай, «Менинг ҳам қўлим тегсин», деб бир қўллаб дадамга гишт олиб бериб турди.

Бу ташрифдан сўнг шу йил кузак чоғлари бўлса керак ўша йигит яна бир бор бизникига келганини хотирлайман. У келганда шийпон тагида бир неча кекса, табаррук меҳмонлар ўтиришар эди. У йигит эса пойгақда, суҳбатга аралашмай, одоб сақлаб ўтирди, мен келтирган чой, таомларни қўлимдан олиб, хизмат қилиб турди. Мен кейинчалик билсам, юқорида келтирилган мақолани бизникига келиб-кетиб юрган ўша йигит ёзган экан.

Одатда, бир киши бировни хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма (айниқса, ҳақсиз) танқид қилса, ҳақоратласа, орага қандайдир совуқлик тушгани ҳис этилади. Бундай ҳолларда бу икки шахснинг бир-бирларидан бир оз йироқлашиб юрганлари маъқул кўрилади. Лекин мен у чоқларда мақоладан хабарсиз бўлсам-да, ўша кун у йигитнинг юзида озгина бўлса-да уялиш, шамгунлик, ўнгайсизлик ҳолатларини сезмадим. Гўё орада ҳеч нарса бўлмагандек, у дадам билан лобар сўзлашиб ўтираверди. Дадам ҳам гўё ҳеч нарса бўлмагандай юмшоқ, одатдагидек муомала билан уни кузатдилар. Бундан шу маънолар англашилиши мумкин: олижаноблик, улугворлик, андишалилик, шафқатлилик, йигитлик ва ҳоказолар...

III БОБ «МЕХРОБДАН ЧАЁН»

1926 йилнинг кузидан Қодирий иккинчи романи «Меҳробдан чаён»ни ёзишга тутиндилар.

Бу асар ҳам тарихий. У баъзи тарихий шахслар, халқ, ҳаёт, давр жиҳатидан олиб қаралганда, гўё «Ўткан кунлар»нинг давомидек кўринса ҳам (масалан, «Ўткан кунлар»да Худоёрхоннинг тахтга янги ўтирган даврлари тасвирланса, «Меҳробдан чаён»да унинг охири хонлик ҳаёти ифода этилади), бироқ мавзу, мазмун, воқеаларнинг ривожланиши жиҳатидан бутунлай фарқ қилади.

Агар иккала асарни ўқиб, фикран муқояса қилинса, шундай бир тасаввур туғилади: «Ўткан кунлар»да узоқ бир тарих аста, бир текисда мақсаддан-мақсадга кўчиб, мароқли тасвирлангани кўрилади. «Меҳробдан чаён»да эса ундай эмас, воқеалар мураккаб, гўё ёзувчи ўртадаги кичкина бир воқеани баён қилмоқчидек бўлган-у, лекин бу воқеа китобхонга тўлароқ тушунарли бўлсин учун атрофлича тафсилотларга киришган ва кутилмаганда бир роман ҳосил бўлиб қолгани каби...

Мен Қодирий асарларини қайта-қайта ўқирканман, китобдаги воқеаларнинг чиндан-да бўлган-бўлмаганлиги тўғрисида у кишига турли-турли саволлар бераверар эдим. Бироқ у киши кулиб, «Бу масалаларни кейинроқ адабиёт домланг тушунтириб беради...» деб қўя қолар эдилар. Бундай пайтларда ойим менга ора кирар, дадамнинг менсимагандек бу хил жавобидан аччиғланар эдилар: «Китобни сиз ёзинг-да, маъносини домласи айтиб берсинми?».

Дадам кулардилар, эринибгина жавоб қилардилар. Аммо у кишининг бундай муомаласи ёш бола кезларимда эди. Кейин-кейин тушунчам кенгайиб, чуқурлашиб борган сайин мен билан жиддий суҳбатлашадиган бўлдилар. Бир кун дадамдан сўрадим: «Сизга «Меҳробдан чаён»даги воқеаларни, дарҳақиқат, романнинг хотимасида ёзганингиздек Қодир бобом айтиб берганмилар?»

Албатта, бу саволим содда. Аммо у вақтда мен учун жиддий ҳисобланар эди.

«Фарғона водийсини чор аскарлари Тошкентдан ўн йилча кейин истило қилгач, – деб гап бошладилар дадам, – Фарғонанинг бу сўнги ўн йил мустақиллик даври Фарғона халқи учун энг оғир, қора кунлар бўлган. Хон авлодлари ва бузғунчи беклар тахт-мерос, мансаб таллашиб, ўзаро шу қадар тез-тез урушганлар, қон тўққанларки, баъзан ҳафта-ой сайин тахт ўзгариши бўлиб турган. Бу ой хоннинг бир ўғли ёки авлоди ўз ёнига одам тўплаб, уруш қилиб, бир-бирларини чошиб ўлдириб, тахтга минса, келаси ойда иккинчиси шундай бош кўтарган... Улар кошки тахтга миниб тинчисалар. Олдинги хоннинг насл-насабини, яқинларини, сарой ходимларини, ҳатто бешиқдаги болаларини қиличдан ўтказганлар. Бу ўзаро уруш, талашлар шу қадар авж олганки, оқибатда бу ёқдан чор аскарлари Фарғона шаҳарларига бирин-кетин бостириб кириб борадилар, бироқ бу билан хонларнинг ишлари йўқ. Улар ўзаро урушиб, бир-бирларини қириш, бир кун бўлса-да, юртга хонлик қилиш билан овора... Билмадим, агар чор аскарлари келиб уларни тинчитмаганда жоҳил хон-беклар бир-бирларининг этларини ермиди... Шундай безовта ҳаётдан тўйиб, жон сақлаш, тинчроқ яшаш мақсадида, руслардан сиёсий бошпана сўраб, Тошкентга қочиб келганлар кўп бўлган. Улар бунда ижарага уй олиб ёки жой харид қилиб яшаганлар. Дадам (Қодир бобом – Х.Қ.) улар билан улфатлашиб, Қўқон можароларини, Анвар кабилар ҳикоясини кўплаб эшитган...»

Дадам ана шундай умумий бир тарзда жавоб айтиб, Қодир бободан, хусусан, романга доир қандай воқеалар тинглаганини сўзламаган, эҳтимол, сўзлашни хоҳламаган эдилар. Аммо кейинчалик романга тааллуқли шундай бир тарихни эшитганим бор.

Қудратилла амаким ҳам тарих ва адабиётга қизиқувчи киши бўлганлар (1956 йилда вафот этдилар). У киши бобомдан шу лавҳани эшитганларини кейинчалик менга айтиб берган эдилар:

Худоёрхон ҳарам ҳовлисига мисдан катта бир ҳовуз ясатмоқчи бўлади. Қўшбош исмли (лақаб бўлса керак) кекса бир мисгар устани чақириб, унга мис ҳовуз яшашни буюради. Мисгар буйруқни бир шарт билан қабул қилади: «Қариб қолдим, бу оғир ишни бир ўзим бажара олмайман, бир ўғлим бор, ўзи мендек зўр уста, унга ҳам ҳарамга кириб, мен билан бирга

ишлашга рухсат этсангиз», дейди. Худоёрхон рухсат беради, ота-бола бир неча кун ҳарамга кириб ишлаб, мис ҳовузни битказадилар. Гап шундаки, бу фурсат ичида Қўшбош мистарнинг ўгли ҳарам канизакларидан бири билан севишиб, алоқа боғлайди. Тил бириктириб, бир кун пайт топиб, улар Тошкентга қочиб келадилар ва Эски Жўва маҳалласида истиқомат қилиб, уйли-жойли, бола-чақали бўладилар. Чор аскарлари Қўқонни олгач, ўз шаҳарларига кўчиб кетадилар...

«У хўп чаққон йигит эди-да, хоннинг канизини олиб қочибди-я, оббо баччағар-эй, хоҳ-хоҳ», дер эканлар Қодир бобом.

Қудратилла амаким бобомдан эшитган бу ҳикояни Қодирий эшитмаган бўлишлари мумкинми? Мулоҳаза этиб шу сингари кичик-кичик лавҳалар ёзувчининг иккинчи тарихий романи яратишига туртки бўлмадимикин, дейман. Аммо қай бир вақт дадамнинг: «Ўткан кунлар»га материал тўплаганимда, баъзан қўлимга қизиқ тарихий материаллар тушса ҳам, давр ё бошқа жиҳатдан унинг «Ўткан кунлар»га тўғри келмаслигини сезардим. Шундай бўлса-да, уларни алоҳида йиғиб бордим. Шу йўсин Худоёр ҳаётига доир анчагина маълумотлар тўпланиб, «Ўткан кунлар»ни битирган чоғларимда ўрнини «Меҳробдан чаён» ташвиши эгаллаган эди», деган сўзларини ҳам эшитганим бор.

Юқоридаги мулоҳаза-фикрлар муаллифнинг навбатдаги романини ёзишга мойилланганига оид гаплардир. 1926 йили Қодирий «Меҳробдан чаён»ни ёзишга жазм қилгач, гарчи «Ўткан кунлар» муносабати билан аввал бир неча марта борган бўлсалар ҳам Қўқонга яна махсус сафарлар қиладилар. Бу сафарлар романининг яратилишида катта хизмат қилгани ва муаллиф ҳақида бирмунча тасаввур бергани вайдан муфассалроқ тўхталиб ўтамыз.

«1925 – 1926 йиллар бўлса керак, ҳар ҳолда, ҳали Тошкентга келмаган чоғларим эди, – деб ҳикоя қилади ёзувчи Абдулла Қаҳҳор Қодирийнинг Қўқонга борганини хотирлаб, – шаҳар зиёлилари орасида «Жулқунбой келибди», деган гап тарқалди. Мен ўша чоққача Қодирийни асарлари орқали танир эдим. Айнқса, «Ўткан кунлар» романи шу вақтларда Фарғонада донг чиқарган, қўлма-қўл ўқилар эди. Кўпчиликнинг «Бизнинг уйга қўнинг» таклифини рад этиб, у киши «Менга мана шу жомеъ масжидининг бир ҳужрасига жой қилиб бера қолинглар», деб илтимос қилдилар.

Жомеъ бу вақтларда бузилиб, хароб ҳолга келган эди. Бир неча чол усталар бир хужрани тузатиб, жой қилиб беришди. Шуниси ажабки, ҳалиги чол усталар саводсиз, Қодирийнинг асарини ўқимаган кишилар. Шундай бўлса ҳам улар Қодирийни танийдилар, эҳтиром қиладилар. Улар «Ўткан кунлар»ни бировларга ўқитиб тинглаган, билган, Қодирийни таниганлар...

Қодирий хужрада бир неча кун турди. Шунда мен у кишини икки-уч бор кўрдим, кузатдим. Ёдимда, бир марта кўрганимда у киши хон ўрдасини кўздан кечирарди, эшик тепасига, пештоқларига ҳал билан битилган ёзувларни ўқиб, дафтарга кўчириб олар эди. У вақтларда мен Қодирийнинг бу ташрифдан мақсадини билмаган эдим. Кейин билдимки, ўша ташриф «Меҳробдан чаён»га материал тўплаш учун экан.

Бу кичик хотирадан муддаом, Қодирийни Фарғонада нақадар ҳурмат қилишларини, севишларини айтишдир...»

Қодирий аввал Қўқонга борганларида шаҳар билан юзагина танишган бўлсалар (чунки «Ўткан кунлар» учун Қўқонни синчиклаб кўришнинг ҳожати йўқ эди), бу гал уни батафсил ўрганадилар, турли табақа кишилар билан учрашадилар, суҳбатлашадилар, асарни бойитадиган, ишонарли қиладиган қимматли материаллар топадилар. Масалан, Худоёрхоннинг ҳарами ҳаёти ҳақидаги маълумотларга тўхтаб ўтайлик.

«Ҳарам тўғрисидаги маълумотимизнинг аксариси бу кунда ҳам ҳаёт бўлган шу Розия оймидан (Худоёрхоннинг севиқли хотинларидан бири – Х.Қ.) олинди. Ҳозир тўқсон ёшларга еткан бу кампир ўзининг кучлик хотираси билан бизга қимматли маълумотлар берди. Ҳануз сақланиб келган баъзи хусусиятлари билан бизни таажжубка солди. Муҳтарам Розия оймга ва икки орада воситачи бўлиб, устимга миннат қўйган қўқонлик дўстим Босит Қодирийга ташаккур ва раҳматлар айтишқа бурчлиман», деб ёзадилар Қодирий романда.

Агар шу юқоридаги изоҳ асосида текширув ўтказиб, мулоҳаза юргизилса, муаллифнинг қандай синчковлик билан материал излагани, машаққатлар чеккани тўғрисида бирмунча тасаввур ҳосил бўлади.

Мен мавриди келмаганданми, баҳарҳол, отамдан «Меҳробдан чаён»га материал излаш-йиғиш бораларида ортиқча хотира эшитмаганман. Фақат, қай бир вақт: «Розия оймни излаб, Қўқон четидаги бир қишлоққа бордим. У тўқсон ёшларда, лекин ҳали тетик, гап-сўзлари, муомалалари ҳамон эскича, хоним оймлар каби юқоридан... Розия оймнинг сигири бор

экан, совқотмасин, деб устига махсус тўқим тикиб ёпиб қўйибди», деб кулганлари ёдимда.

Қодирий ҳақида хотира ёзишни ният қилиб юрарканман, бир куни танишлардан бири: «Тошкентда, Чўпонота маҳалла, Боғобод кўча, 93-уйда Розия ойимнинг Кимёхон Ҳайдарова исмли қизи яшар эмиш, дадангизнинг Розия ойим олдига борганлари, суҳбатлашганлари тўғрисида анча маълумот билар эмиш, хабар тўғри бўлса, у аёл билан сўзлашиб кўринг, балки яхши маълумотлар оларсиз», деб қолди.

Бу хабардан сўнг (1966 йил) Чўпонота мавзеига чиқиб бордим. Кимёхон ойини топиб, у билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Кимёхон ойининг сўзлари ишончли ҳақиқат чиқиб, бир мунча қимматли маълумотлар олдим.

Маълумки, Қодирий «Меҳробдан чаён»да Розия ойим тўғрисида: «...Розия ойим, гарчи ўткан йиллардагина хонга никоҳланган бўлса ҳам ўзининг хаёлий ҳусни билан «Саййид»нинг илтифотини жалб этиб, ҳарамда биринчи мавқеъга минган хонимдир. Хизматига тўрт каниз ва икки қул ҳадя қилинган бу ойим асли кошғарлиқ бўлган Охунжонбой деганнинг қизидир. Розия ойим қизлиқ чоғида Қўқон бойларидан Жонбобо отлиғ бир кишига тегиб, бир бола туққандан кейин эри ўладир. Бундан сўнг қўқонлиқ Миён Фазл Ваҳҳоб ҳазратка эрга чиқади, Гулшанбонуға ўхшаш хуфиялар «Саййид»нинг қулоғига етकिрган бўлсалар керак, бир кун хон тўсиндан арава юбориб, Розия хонимни «меҳмонга» чақиради...

Хоннинг ҳукмига қарши Миён Фазл Ваҳҳоб нима ҳам қила олсин?! Розия хоним хон ҳарамида бир кеча қўниб, эртаси уйига қайтади. Ул уйига қайтиб келганда, Миён Фазл Ваҳҳоб Розия хонимнинг қўлига талоқ хати топшириб, етти арава мол билан ўрдага жўнатадир... Миён Фазл Ваҳҳоб бу ишни қўрққанидан қилганми ёки хонга аччиғ тариқасидами, ҳар ҳолда буниси ҳатто Розия ойимнинг ўзига ҳам қоронғидир», деб ёзадилар.

1875 йилларда руслар келиб, Қўқон хонлиги тугатилгач, Худоёрхон Петербургга кетади ва ундан ҳажга ўтиб, ўша ёқда вафот этади. Қўқонда қолган Розия ойим эса, кейинроқ собиқ сарой аъёнларидан бири бўлган Ҳайдар саркор деган кишига (тўртинчи марта никоҳланиши) эрга тегади. Ҳайдар саркорнинг аввалги хотинидан ёш бир қизча қолган бўлиб, уни Розия ойим тарбиялайди. Ўша қизча ана шу биз танишган Кимёхон экан. Яъни Кимёхонга Розия ойим ўтай она ҳисобланади.

Кимёхон ойи саксон ёшларда бўлса ҳам хотираси кучли. Ойининг бир ўғли, бир қизи бўлиб, ўғли Тошкентда чет тиллар институтида ўқитувчилик қилар, шу сабабли у Қўқондан Тошкентга кўчиб келган экан...

«Мен, – деб ҳикоя қилади Кимёхон ойи, – ўз онамни эслай олмайман. Розия ойбам кўлларида тарбияландим, турмушга чиқдим. Икки фарзанд кўргач, ёшгина тул қолиб, бошқа эр қилмадим. Умримни шу икки болаю Розия ойбам билан ўтказдим... Ойбамнинг яқин хеш-ақраболари кам, борлари ҳам ўла-ўла, сўнгги чокларда меъдан бошқа яқин кимсалари қолмаган эди. У киши 96 ёшда ўз қўлимда вафот этдилар...»

Кимёхон ойи Қодирийнинг Розия ойим билан бўлган учрашувларини эслаб, шундай ҳикоя қилади:

«Ойбам ўлмасларидан уч-тўрт йил бурун эди, шекилли, қорадан келган, қора бахмал дўппи кийган бир киши (кейин билсам Жулқунбой) Галабаққол маҳалласидаги уйимизга бир неча бор (ёлғизми, ҳамроҳ биланми ёдимда йўқ) бордилар¹, ойбам билан суҳбатлашиб қайтдилар. Хотирамда, бир гал у киши ойбам билан сўзлашгани эшигимизга келдилар, ойбам бўлса Ингичкадаги боғимизда эдилар, мен у кишини қизим Саъдихон билан Ингичкага йўлладим... Жулқунбой биринчи гал келганларида салом-алиқдан сўнг, баланд овоз билан сўз бошлаганлари эсимда (чунки ойбамнинг кулоқлари бир оз оғирлашиб қолган эди). «Ойи, мен сизни Тошкентда кўп қидирдим. Кейин дарагингизни билиб бу ёққа келдим»², дедилар у киши. «Хуш келибсиз, болам. Ким бўласиз, қандай юмушда келдингиз?» дедилар ойбам. «Мени Охунбобоев юбордилар... Касбим китоб битиш. Худоёрхон тўғрисида бир китоб битсам, деган ниятим бор. Хон тўғрисида сиз билан пича суҳбатлашсам, баъзи нарсаларни сўраб билсам, деган тилакда зиёратингизга келдим», дедилар Жулқунбой, кейин: «Агар китоб ўринласа, сизга ҳам нафи бўлар», деб қўшиб қўйдилар.

¹ Қодирий Розия ойим олдига Босит Қодирий ҳамроҳлигида борганлари аниқ.

² Кимёхон ойининг айтишича, Худоёрхоннинг Муҳаммадаминбек, Фансуруллобек (Оғача ойимнинг ўғли), Ибняминбек деган ўғиллари ва Мирсаидхон исмли невараси руслар даврида Тошкентда яшаганлар. Розия ойим эса буларникига тез-тез келиб турган. Шу сабабли Қодирий Розия ойимни ёки мазкур ўғилларни Тошкентдан излаган бўлсалар керак.

Кимёхон ойининг сўзлари ишонарли кўринса-да, юқоридаги икки жумла бизни бир оз шубҳага солди: «Мени Охунбобоев юбордилар...» ва иккинчиси, «Сизга ҳам нафи бўлар» жумлалари... Аммо Қодирий баъзи эҳтимол ва мулоҳазалар юзасидан бу сўзларни айтган бўлишлари мумкин.

Розия ойим, ҳар нима бўлганда ҳам кимсан Худоёрхоннинг хотини, баланддимоғ аёл. Агар «Мени Охунбобоев юбордилар» жумласини қўшиб қўйилмаса (Охунбобоевнинг ўша вақтларда-ёқ ўзбек элига таниқли арбоб эканлиги маълум), Розия ойим Қодирийни назари илмай, сўзлашмай қўйиши ҳам эҳтимол. Иккинчи жумла ҳам албатта, бекор сўзланмаган. Орага бирон манфаат солиб қўйилса, Розия ойим қизиқиб, кўпроқ, кенгроқ маълумот-тафсилотлар бериши мумкин эди.

Дарҳақиқат, Розия ойимнинг қимматли маълумотлар бергани китобхонларга маълум. Кимёхон оёи тафсилотда давом этиб, деди:

«Ойбамлар Жулқунбой ёзмоқчи бўлган китобни кутдилар. Бироқ, афсуски, китобни кўролмай йигирма тўққизинчи йил эди, шекилли, вафот этдилар. Ойбамга йигирма ушатар куни кимдир «Меҳробдан чаён»ни келтириб, хотинларга кўрсатди, ундан ойбамга тааллуқли ерларини ўқиб тинглашди...»

Кимёхон оёи Розия ойим билан 30-40 йиллаб бирга яшаган, кўп тарихларни ундан эшитган, билган, биргалашиб юриб кўрган. Кимёхон оёи давом этиб, деди:

«Ойбам Хонбувамга¹ чиққанларида 24-25 ёшларда, жуда гўзал, дилбар, таманно ва шаддод эканлар. Улар (Ойбам) Ўрмонбек (Худоёрхоннинг валиаҳд ўғли) ва канизлар билан бахмал сириб парда тутилган махсус шоҳона араваларда боғ-дала сайиллари-га чиқар, Урганч боғидаги кемали ҳовузда чўмилар, от миниб чопар, ов қилар эканлар. Ойбамни, йиқилмасин, деб бир-икки жўра атлас билан отга боғлаб-танғиб қўйишар экан. Шу сабабли Хонбувам ойбамни севиб «Қиморвоз» деб атар эканлар...»

Розия хонимнинг иккинчи эри Миён Фазл Ваҳҳоб Худоёрхоннинг пири экан. Вақтики, Худоёр маълум йўллар билан Розияни ундан тортиб олгач, Миён Фазл Ваҳҳоб тарки дунё қилиб (чамаси, Розияни жуда севган), Қўқондан чиқиб кетади. Ўш тоғига бориб, Жаннат ариқ яқинидан ўзига гор қазиб, шунда

¹ Худоёрни шундай аташар экан.

яшай бошлайди, овқат ҳам емайди ва орадан бир неча кун ўтгач, Миён Фазл Ваҳҳоб маҳрами Абдулбоқига дейди:

– Абдулбоқи, оғзимни бир ҳидлаб кўринг-чи, қандайдир ҳид келади?

Абдулбоқи ҳидлаб кўради:

– Тақсир, оғзингиздан кабоб ҳиди келяпти...

Миён Фазл Ваҳҳоб ғорда яшашининг қирқинчи кунларида вафот этади ва шу ғорга дафн этилади.

Кимёхон оёи бу лавҳани сўзлаб:

«Ёш қиз пайтларимда ойбам билан йўлимиз тушиб, Ўшдаги ўша ғорга бир-икки бор кириб ўтган, Миён Фазл Ваҳҳобнинг қабрини ойбам зиёрат қилиб қайтган эдилар», дейди.

Маълумки, ўзаро тахт талаш урушларининг сўнгги йилида Абдурахмон офтобачи (Мусулмонқулнинг ўғли) бошлиқ қипчоқ беклари ғолиб келади. Худоёрхон тахтини ташлаб, саксон арава хазина-дафиналар билан руслар томонига Хўжандга қочиб ўтади. Юзлаб ҳарам ходимлари, хонимлари эса турли жойларга яширинадилар. Қипчоқ беклари шаҳарда хунрезлик қилдилар, ҳарам хонимларини қидирадилар...

Шундай саросима, бошбошдоқли чоқда Миролимбек деган киши ўз уйдаги ертўлада Розия ойимни тўрт ой яшириб сақлайди. Бебош беклар эса уни излайдилар. «Розияни топиб бер», деб Розиянинг отаси ва Ҳайдар саркорнинг тоғаси бўлмиш Охунжонбойни қаттиқ азоблайдилар, бошидан қайноқ сув қуядилар...

Кимёхон оёи сўзи охирида:

«Дадам билан ойбамнинг никоҳ қоғозлари менда хитойи кўра ичида сақланиб келарди. У қоғоз уруш йилларида болалар қўлига тушиб ўчоқда ёқилиб кетди, дейди ва таажжубланиб кулади: Ҳайронман, бу хотиралар ёдимда қандай сақланиб қолган...»¹

ОБРАЗЛАР ҚАЁҚДАН ОЛИНДИ

Юқоридаги маълумотлар асарнинг бир томонига, яъни тарихийлигига тааллуқли гаплардир. Аммо асарнинг иккинчи энг масъулиятли томони бор: воқеалар, конфликтлар, қаҳрамонлар, типлар, характерлар яратиш ва уларни асарнинг умумий руҳига, йўналишига усталик билан сингдириб бориш... Бу

¹ Кимёхон оёи 1968 йилда вафот этган.

жихатлар, албатта, жуда мураккаб, ёзувчининг маҳоратига, истеъдодига, ҳассослигига боғлиқ нарсалардир. Шундай бўлса-да, кўнгилга бир фикр келади: Солиҳ Маҳдум ва Раънолар-ку, ҳаётда айнан бўлмаса-да, тез-тез учрайди, аммо Анвар ва мулла Абдурахмон сингари мураккаб, бир-бирига зид образлар қаёқдан олинди экан? Бу автор фантазиясимикан ёки булар ҳам турмушда кўрилган аччиқ-чучук кечинмалармикан?..

Мен бу образ қаҳрамонлар тўғрисида Қодирийдан бирон фикр, изоҳ эшитмаганман. Лекин қисман бўлса ҳам мулла Абдурахмон ҳаётига, образига ўхшаб кетувчи шундай нозик бир тарихни ғира-шира хотирлайман.

Жосият бибим баъзан меҳмондорчиликларда «фалончининг онаси»лиги билан фахрланиб мақтанар эдилар:

«Абдулла «Меҳробдан чаён»да Тўлаганни хўп сирини очган... Бухоройи шарифга бориб ўқигани борми, баччалик қилгани борми, имомлик қилгани, хутба ўқигани борми, ҳаммасини китобга битиб, шарманда қилган...»

Бибимнинг томдан тараша тушгандек бу сўзлари, мулла Тўлаганни ёмонлашлари, албатта, бежиз эмас, гап тагида нозик сир ётади.

Шаҳодат хола деган бир боғ қўшнимиз бўлар, ўзи Жосият бибимга тенгдош, қалин ўртоқ эди. Ана шу Шаҳодат холанинг Тўлаган отли бир укаси бўлиб, у дадам билан ёшлиқда жуда дўст экан. Тўлаган ёз кунлари Шаҳодат опасиникида бўлар, дадам билан боғларда ўйнар, суҳбатлашар, китобхонлик қилар экан. Тўлаган эски мактабни тугатгач, Бухорога мадраса ўқишига кетади. Дадам эса саксон беш-тўқсон ёшлардаги камбагал отага қарам бўлгани вазидан ўқишга бора олмайди. Тўлаган Бухорода ўн йиллаб қолиб ўқийди. Унинг қандай ўқиётгани, ношойиста ишлари узунқулоқ орқали Тошкентга эшитилиб туради. Ниҳоят, инқилоб йилларида у ўқишни хатм этиб, «мулла Тўлаган» бўлиб Тошкентга қайтади ва қайсидир маҳаллада имомлик қилиб, қавмларга намоз, хутба ўқиб, амри-маъруф бошлайди.

Мулла Тўлаган Бухородан қайтганда, уни дадам қандай қаршилаганлари, албатта, қоронғу. Лекин мулла Тўлаганнинг бизникига дўстлар қатори бирон марта ҳам ташриф қилмаганидан, дадамнинг уни сира тилга олмаганларидан, икки дўст-

нинг ўн йилдан сўнгги учрашувлари илиқ бўлмаганлигини фарз қилиш мумкин ва шундай бўлиши ҳам табиий эди.

Мулла Тўлаган Бухородан дин ҳомийси бўлиб қайтади, имомлик қилиб, халқни диндорликка даъват этади. Қодирий эса бу муддат ичида қайноқ матбуотчи бўлиб етишади: ёзган мақола, ҳажвия, ҳикояларида дин ҳомийларини аёвсиз фош этади, танқид қилади ва кун сайин ном чиқаради. Табиий, бундан мулла Тўлаганнинг нафси олиниб, ғайирлиги кела бошламаганмикан?..

Жосият бибимнинг шу сўзларини хотирлайман: «Мулла Тўлаган Абдуллани динсиз, ўрис деб гап тарқатди. Мана, охир ўзи ким бўлди?»

Бибимизнинг бу сўзларидан мулла Тўлаган бир маҳаллар Қодирийга қарши иғво ҳам қўзгатгандек кўринади... Шу йўсин икки дўст ораларидаги иноқлик аста-секин совуқликка, бора-бора сабабини англаш қийин бўлган ҳасад-рақобатга айланади. Мадраса кўрмаган бир кимса кун сайин матбуотда донг чиқариб обрў қозонса-да, ўн йиллаб мадрасада ўқиб келган шундай катта мулла маҳаллада имом бўлиб юрсин!..

Чамаси, мулла Тўлаган имоматлик билан бир ерга боролмаслигини ниҳоят, тушунади. Кутилмаганда унда бир ўзгариш рўй беради. У тўсатдан имомликни йиғиштириб, салла-чопонни қўяди; динни инкор этиб, қандай йўллар биландир сал вақтдаёқ мавқе орттириб, турли хизматларда ишлай бошлайди...

Ким билсин, мулла Тўлаган, эҳтимол, бу ўзгаришни онгли равишда қилгандир... Аммо ўн йиллаб мадрасада ўқиган, имомлик қилган бир шахсдаги ўзгаришни, чамаси, Қодирий ва Қодирий кабилар фақат мансаб-манфаатпарастлик деб билдилар, ундан куладилар. Шунгами ё бошқагами шама қилиб, Қодирий 1923 йили «Муштум» журналининг 17-сонида Қалвак махзум тилидан шундай замзама ишлатиб ўтадилар:

«Гузарим¹ исполковнининг² ёнида тушкан эди, шу чоқда гажирнай³ от қўшилган резинка арава келиб бўсағада тўхтади. Аравадан иккита арманинамо пирсиён башара йигитлар тушиб эрдилар, фақир улуғларимиздан бўлмағай деб тавозуғ қилдим. Бировининг кўзи оғриган бўлса керак, ойнак тополмай

¹ Гузарим – йўлим.

² Исполковнининг – исполкомнинг, демоқчи.

³ Гажирнай – казённий сўзининг бузилган шакли.

калпогини бурнининг устига кийибдир. Бу ким, деб сўраган эрдим, «садирнишин»¹ дедилар. Аммо иккинчисини биринчи кўришдаёқ таниб олдим. Агар янглишмасам, бу киши ман билан бир жанозада учрашқан ва ўзи аллақайси маҳалланинг имоми эди, яъни фақир билан ҳамкасб одам. Эшитишимга қараганда, илми ҳам фақирнинг илмига ета-қўпа бўлса керак. Бечоранинг толиги ёрлиқ қилиб, имомати устига исполковнига қойилмақом ҳам бўлубдир...

Ҳар кимарсада толиғ бўлсун, ҳеч кимарса фақирдек биргина имоматдан ҳам қувланиб, кўча-қўйларда бесару сомон бўлмасун!..»

Эс-эс хотирлайман. Етти-саккиз ёшли чоқларим эди шекли, боғ кўчамизда кечки пайт болалар билан тупроқ йигиб, хоммопиш ўйнар эдим. Бир қўш отли извош хоммопишимизни босиб ўтиб, Шаҳодат холалар эшигида тўхтади. Ундан оврупоча кийинган, телпақдек соч қўйиб, кўзойнак таққан биров паранжисиз аёл билан тушиб, ичкарига кириб кетди.

У вақтларда бизнинг боғ кўчаларга извош кириши, фасон кийинган кишиларнинг, паранжи ташлаган аёлларнинг келиши воқеа эди. Ҳамма қўшнилар «Шаҳодат холаникига ким келибди?» деб анг-танг бўлишди. Биз хоммопишни қўйиб, извошга овора бўлиб кетдик ва шу ташриф куними ё эртасигами, баҳарҳол, бибим таом чоғи хафаланиб дадамга дедилар:

– Шаҳодатникига чиқсам, мулла Тўлаган келган экан, танимади, саломимга алик ҳам олмади, одам ҳам мундоғ кеккаяркан-ку, мартаба тегса... Боғимнинг сархил мевасини еган эди...

Дадам бибимга ҳазиломуз кулдилар:

– Танимаган бўлса эҳтимол, қариб қолдингиз, ойи...

Бу лавҳани хотирлаб шундай фикрга бораман: орадаги вазиятдан хабарсиз бибим чамаси оққўнгиллик билан Шаҳодат холаникига чиқиб, кўз ўнгида ўсган мулла Тўлаган билан сўрашмоқчи бўлган, мулла Тўлаган эса бибимга ҳалигидек қўрслик қилиб, чамаси унинг дилини ёмон оғритган ва бу билан бибимга ўзини ёмон кўрсатиб қўйган. Бибимнинг юқоридаги каби уни баралла ёмонлаши ҳам шундан сўнг бошланган кўринади... Иккинчи ёқдан, бу беодобона, очиқдан-очиқ қилинган қўрслик, қўполлик ҳам дадамга, балки таъсир этмаганмикан?.. Бу айтмишларим менинггина билган-сезганларим...

¹ Садирнишин – раис лавозимидаги, деган маънода.

Албатта, бу мулла Абдурахмон тимсолига тааллуқли бир мулоҳаза. Дадам бу ҳақда менга ҳам ҳеч нима айтмаганлар, бибимга сўзлаган бўлишлари ҳам гумон. Лекин бу тўғриларда эҳтимол, у киши Акбархўжа амакига бирон нарса дегандирлар. Мен Акбархўжа амакидан сўнгги вақтларда мазкур тимсолнинг ўхшашлиги тўғрисида бир неча бор эшитганман. Бибим ҳам буни бошда шу кишидан англаган кўринади. Чунки улар ҳамсуҳбат эди...

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов «XV аср ўзбек адабиётини бошқа шарқий адабиётлар билан қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари» мавзусида докторлик диссертацияси юзасидан ёзган авторефератида шундай бир маълумотни келтириб ўтади:

«Алишер Навоий билан ҳамаср бўлган озарбайжон шоири Сайид Имомиддин Насимий ўз замонасидаги мутаассиб руҳонийларга қарата махфий, қақшатқич бир ҳажвий шеър ёзди. Давлат, идора ишларини ўз қўлларида тутган руҳонийлар бу шеърнинг муаллифини била олмай қаҳрланиб-ғазабланиб юрадилар.

Кунларнинг бирида руҳонийлар Насимийнинг мазкур шеърини ёш бир йигит хушоҳангда ўқиб турганини сезиб қоладилар ва «Шеърни сен ёзгансан», деб уни тутадилар, ўлимга ҳукм этадилар... Мазкур йигит эса Насимийнинг яқин дўсти, шеърни Насимийдан ёзиб олган бўлади. У ўз дўстига хиёнат қилишни хоҳламай, ўлимга мардона бош эгади... Бироқ бу хабарни эшитган Насимий ўз шеъри учун дўстининг ҳалок бўлишини истамайди, қози маҳкамасига бориб: «Мазкур шеърни мен ёзганман», деб иқроқ бўлади, дўстини ўлимдан озод этади.

Ҳалаб руҳонийлари Насимийнинг терисини шилиб ўлдиришга фатво беришади ва дарҳақиқат, 1417 йилда шоир Сайид Имомиддин Насимий териси товонидан бошигача шилиниб, ваҳшийларча ўлдирилади.

Эргаш Рустамов дейди:

«Меҳробдан чаён»да Худоёр томонидан Султонали мирзонинг Анвар гуноҳи учун ўлдирилмоқчи бўлиши, бунга қарши ўз дўстини қутқазмоқ учун Анварнинг хонга бориб таслим бўлиши воқеалари шу шоир Насимий фожиасини эслатади... Эҳтимол, бу ўхшашлик тасодиғийдир. Эҳтимол, Қодирий Насимий фожиасини тарихдан билгандир, ундан илҳомлангандир».

Шуни ҳам унутмаслик керакки, роман ёзилган вақтда бизда хотин-қизлар озодлиги учун кураш, паранжи ташлаш кампанияси қизғин борар эди. Раъно образи (ҳатто, умуман, асарнинг яратилишида ана шу кампания қисман бўлса-да, муаллифга ўз таъсирини кўрсатмаганмикин?

ТУШ

Қодирий Худоёр салтанатини, даврини тасвирлашга киришарканлар, фақат юқоридаги каби айрим воқеа, отзаки хабарлар билангина чекланиб қолмайдилар. «Ўткан кунлар»даги каби бу роман учун ҳам ўша даврга оид турли тарихий адабиётларни синчиклаб ўқиб-ўрганадилар (албатта, бу фикрлар ёзувчининг ўз сўзидан олиб айтилаётир, бу тўғрида қуйида сўз бўлур) ва йиғилган маълумотларни фикран умумлаштириб, уни маълум бир тартибга ҳам солиб чиқадилар, гўё романнинг умумий шакл-мазмунини ҳам тайёрдай бўлади. Аммо у кишини бир нарса анча вақт ўйлатади, излатади, қийнайди.

«Меҳробдан чаён»ни ёзишга тайёрландим. Ҳамма нарса тахт: романнинг шакли, қахрамонлари, воқеалари, асарнинг қандай хотималаниши кўз олдимдан давра олиб ўтиб туради. Аммо ишни қаердан, нимадан бошлаш, даврага қандай кириб бориш масаласи мени ўйлатар, қийнар эди, деган эдилар дадам бир вақт, оилавий ўтиришда туш тўғрисида суҳбат бўлганда, Бир кун туш кўрдим. Гўё, Маҳдум домла гўшт, пиёз кўтариб масжиддан чиқиб келар ва узоқдан мени ўзига имлаб, қўлидагиларни кўрсатар эди. Уйғониб кетдим. Ажабланиб, хаёл суриб ётдим ва бирдан қувониб кетдим. Чунки ишнинг учи топилган, романнинг қандай, қаердан бошланиши аниқланган эди...»

Шоир Ғайратий ҳикоя қилган эди: 1930–1932-йиллар миёнасида бўлса керак, Абдулла акам биз ёш ёзувчи-журналистлар билан бир неча бор адабий учрашувда бўлиб, ўз ижодий тажрибаларидан сўзлаб берган эдилар. Учрашувлардан бирида (бу учрашув ёз кунлари, Ленин кўчасидаги нашриёт биносида бўлган эди, шекилли) у киши аста сўзлаб ўтириб, шу фикрни айтганлари ёдимда:

«Сўнгги йилларда ёш ёзувчиларимизнинг кўпайиб бориши мени қувонтиради. Лекин айримларнинг асарларини ўқиб шундай нуқсонларни сезаман: асарга масъулиятсиз қарашлик, кичик

фикр-воқеаларни ҳаддан ортиқ шишириб юборишлик, асарининг бошдан-охирини аввалдан ўйлаб, белгилаб олмаслик, ҳоказо... Бу нуқсонлар асар қийматини туширади, уни зерикарли қиладди. Агар ёзувчи асарни бошдан-охир яхши ўйлаб олса, ёзиш осон кўчади. Масалан, мен «Меҳробдан чаён»га маълумотлар тўплаб бўлганимдан кейин асар шаклини бир йилдан кўп ўйлаб юрдим. Маълум фикрга келиб олгач, романни қарийб бир йилда ёзиб битирдим».

«Меҳробдан чаён» ёзилган чоғларда мен тўққиз-ўн ёшли эдим. Бу роман ҳам «Эшонгузар» маҳалласида, ўша ховли, ўша уй, ўша сандалда ўтириб, икки қиш (муаллиф юқорида «қарийб бир йилда битирдим», деб фақат ижод қилган ойларнигина ҳисобга олган бўлсалар керак) ёзилган. Бу ўринда, мавзудан сал четроқ чиқсак-да, бир кулгили хотирани сўзлаб ўтмоқчиман:

Беш-олти ёшли пайтларим, қиш, рўза ойлари эди. Дадам эртаю кеч сандалда қадалиб, «Ўткан кунлар»ни ёзардилар. Мен дадамнинг бундай ўтириш маъносига тушунмас, аксинча, «Нега у ҳадеб ўтираверади, ёзаверади-а?» деб ажабланар, аччиғланар эдим... Бир кун кечқурун одатимча оймидан: «Ифторликка нишолда олиб келайми?» деб сўрадим. «Керак эмас, пул йўқ», дедилар ойм.

Мен «пулсиз ҳам берар» деб умид қилдимми ёки жуда нишолда егим келганиданми, секингина пиёлани кўтариб, кўча бошига чиқдим... Ҳамманинг ҳавасини келтириб нишолда сотиб ўтирган Маликхўжа амаки кўлимдан пиёлани олиб: «Пули қани?» деди. «Йўқ» дедим. «Бор, пул олиб чиқ!» деди ва пиёлани қуруқ қайтариб берди. Мен кўпчилик ичида изза бўлиб уйга қайтдим ва йиғлаб, оймни «койиб» кетдим:

«Нишолда бермади!.. Адам ҳам нишолда қилиб сотса бўлмайдими? Ҳадеб ёзаверадими!..»

Аммо «Меҳробдан чаён» ёзилган вақтда дадамнинг кимлигини бирмунча англари, меҳнатини билар, асарларини унча-мунча ўқиб тушунар, у билан фахрланар эдим. У киши мутасил уйда ўтирар, гоҳо бир-ярим келган ёр-дўст меҳмонлар, ариза ёздирувчилар алаҳситмасалар, уйда ҳеч ким у кишига ҳалал бермас эди. У кишининг кун тартиблари: ёзиш, ёзиш... Ёзишдан чарчаган вақтларда мутолаа қилиш, уй юмушларига қарашиш, кўча бошидаги уста дўконига, чойхонага чиқиш, бозор айланиш эди.

«Хўжа Нуриддин» қабристони ёнида Шораҳим ота деган кекса бир киши яшарди. Унинг ҳеч кими йўқ, касб-корсиз, жуда фақир, қилар иши эртаю кеч гупиллатиб наша чекиш эди. Уни ҳамма «Шораҳим банги» деб атар, билмадим, у қандай манбага яшар эди. Биз, болалар, унинг эшигидан ўтганда «Шораҳим баанге-а!» деб қичқириб қочар эдик. У орқамиздан «Ҳа-айт!» деб пўписа қилиб қоларди.

Таом пишгач, ойм: «Бор, адангни айтиб кел!» дердилар. Мен дадамни излаб, баъзан ана шу Шораҳим отанинг уйдан топардим. Унинг уйи қанақа дейсиз, қоқ ер, қора шифт, чалдивор, олов ёқилаверганидан ичи мўридек қорайиб кетган, бир бурчагига увада кўрпа-ёстиклар тўшалган, холос. Ўзи эса мош-гуруч мажнунона соч-соқолли, ранги таг-тагидан сарғайиб, қовоқлари салқиган, қизил укки кўзлари ўкрайган, кўксов табиат киши эди. Дадам уй ўртасидаги гулхан ёнида чой ичиб, у билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар...

Мен бу Шораҳим отанинг ҳаётини, гулхан ёнида дадамнинг чой ичиб ўтиришларини ҳамон эсласам, «Меҳробдан чаён»даги «Ғариб кўнгли»ни, Анварнинг: «...Мен шундай қоронғу уйда, гулхан ёнида ўтиришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман. Бу ўлтуришнинг шоирона, дарвешона бир нашъаси бор», деган сўзларини хотирлайман. Шораҳим отанинг қиёфаси эса «Ўткан кунлар»даги «Кўркунчли бир кеча»ни, ундаги девона тусини эслатади.

1927 йилнинг қиш олди эди, чоғи, дадам «Меҳробдан чаён»ни авжи ёза туриб, тўсатдан Кўқон сафарига жўнаб қолдилар ва беш-ўн кун айланиб келиб, яна ишни давом эттирдилар. Шунда бир кун мулла Алижон домла одатларича бизга меҳмон бўлиб келдилар-да, суҳбат чоғи дадамдан сўрадилар:

– Кўқонга борибсиз, деб эшитдим?..

– Ҳа, домла, романнинг баъзи ўринларини аниқлаш зарур бўлди, бормасам, иш юришмайдиган, бирров бориб қайтдим.

Бу вақтларда ҳам дадам маҳалламиздаги мазкур улфатлари билан гап-гаштак ердилар, ёзаётган «Меҳробдан чаён»дан меҳмондорлик пайтларида парчалар ўқиб берардилар. Хотиримда, бир қиш гап берганимизда, у киши романдан «Баримта» бобини (чамаси, роман тугалланиш арафасида экан-да) олиб чиқиб меҳмонларга ўқиб берган эдилар, дадамнинг огзидан майин эшитилган ўша жарчининг хабари, Раҳимнинг ғзаби,

уч дўстнинг қўл олишиб қилган аҳди, дўкон ёнидаги каллапаз-нинг зўр бериб ёгли ҳасипини мақташи, қаландарлар талқини лавҳалари қулоқларим тагида ҳамон такрорлангандай, дадам-нинг овозлари эшитилгандай бўлади...

РОМАН БОСИЛИБ ЧИҚҚАНДАН СЎНГ

1928 йилнинг қиш чиқишида (15 феврал) дадам романни ёзиб тугатдилар. Романнинг битганини мен шундан хотирлайманки, у киши энди ўйланиб ўтириб ёзишни қўйиб, кун сайин нусха кўчиришга бошлаган эдилар... Кўчириш бир неча кун давом этиб, охир зерикдилар шекилли, бир кун (эрта баҳор эди) дадам ўша вақтнинг ёш зиёли, адабиёт ҳаваскорларидан бўлган Ҳамид Сулаймон, Раҳмат Азизхўжаев, Мансур Ризқий, Фазлиддин Ҳошимов, Ҳоди Жалолларни (Гулбек)¹ уйимизга чорлаб келдилар. Меҳмонхонага ўтказиб, ўртага бир неча хонтахта қўйдилар ва қўлёзманинг нусха кўчирилмаган бобларини уларга кўчиришга бўлиб бердилар. Хотиримда, шунда ҳашарчилардан қай бири, чамаси чизиксиз қоғозга тўғри ёзолмас экан чоғи, озгина кўчиргач, секингина кетиб қолган, дадам ҳам нусха кўчириш билан машғул эдилар, ўз хоналаридан чиқиб қийшиқ ёзилган хатни кўриб, «Уддалай олмабди-да...», деб кулган эдилар. Ҳашарчилар бир кунми, икки кунми нусха кўчиришди. Иш охирлагач, ош дамлаб, уларни кузатдик ва дадам қўлёзмани ўзларида қолдириб, нусхани нашриётга топширдилар...

Шу кезларда, юқорида айтганимиздек, эски зиёлилардан фойдаланилмасин, деган зарарли ғоя ҳукм суриб, Қодирий матбуот-нашриёт ишларидан йироқда юрардилар. Шунданми ва ё бошқа боисданми, ҳар ҳолда, қўлёзма нашриётга топширилса-да, у тезликда босмага туширила қолмайди. Романнинг бадий томонига бир нарса дейилмаса ҳам: «Роман, сиёсий жиҳатдан балки ҳозирги давр талабига жавоб бера олмасмикин?» деган иккиланиш, дудмаллик билан асарни нашрга тайёрлашни бир неча ойлаб тўхтатиб қўйилади. Ниҳоят, дадам ўзлари қўлёзмани кўтариб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов олдига чиққач ва у киши асарни ўқиб кўриб, устига «Босилсин!» деб имзо чеккач, романни нашрга тайёрлаш ишлари юришиб кетади.

¹ Булар кейинчалик олим, педагог, ёзувчи, босмахона ходими бўлиб етишдилар.

1929 йилнинг февралида газета-журналларда «Меҳробдан чаён»нинг тез кунда босмадан чиқиши тўғрисида эълонлар чиқа бошлади. Бу эълонлар негадир топишмоқ тарзида ёзилган. Масалан:

«МЕХРОБДАН ЧАЁН»

Газет эмас, журнал эмас, кино эмас, нима бу?

Яқин кунда маълум бўлади».

(«Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1929 йил, 3 феврал.)

«МЕХРОБДАН ЧАЁН» нима?

Кутиб туринг, яқинда биласиз».

(«Озод Бухоро» газетаси, 1929 йил, 8 феврал.)

Шундай қилиб, 1929 йилнинг март ойида роман Самарқанд шаҳрида босмадан чиқади (7000 нусха). Бир кун дадам шаҳар ҳовлимизга бир даста китоб кўтариб келдилар ва ёр-дўстларга, қўшниларга улашдилар. Китобнинг биринчи нашри араб алифбосида, қалинроқ қоғоз муқовада эди. Муқова устига меҳроб сурати солиниб, ўртасида саллали хунук бир мулла-имомнинг башараси чизилган, таг қисмида эса чаённинг расми...

Реалистик адабиётга ҳали чанқоқ китобхонларимиз бу иккинчи романни ҳам яхши кутиб олишди: буниси ҳам биринчиси каби дўконларда кўп турмай, тез кунда сотилиб битди; қўлма-қўл ўқила бошлади; ҳатто уйимизга йироқ-ёвуқдан китоб сўраб келиш ҳоллари ҳам бўлди ва шу сабабдан бўлса керак шу йилнинг ўзида роман иккинчи қайта нашр этилди.

Роман чиқиши биланоқ, бирор ой ўтмай, «Шарқ ҳақиқати» газетасида (1929 йил 1–2 апрел сонларида) Миёнбузрук Солиҳовнинг «Меҳробдан чаён» сарлавҳали танқидий мақоласи босилади. Мақолани мен таҳлил қилиб ўтирмайман, қизиқувчилар ўзлари ўқиб кўрарлар. Фақат шуни айтиб ўтайки, менимча, мақолада шошқалоқлик, фикрларда хомлик сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам газета мақоланинг тагига шундай илова берган: «Бу мақола ўқувчиларимиз билан фикр олишув тарзида босилди». Газетанинг сонларини варақларкансиз, мақолага жавобан на роман муаллифининг, на бошқаларнинг мунозарага қўшилганини топа оласиз. Гўё мақола елдек келган-у, селдек кетган.

Аксинча, Шайхонтоҳурдаги Ленин номли иккинчи босқич мактабнинг шоирнамо тил-адабиёт ўқитувчиси Муродхўжа

домла «Мехробдан чаён»нинг босилиб чиқиши муносабати билан Жулқунбойга бағишлаб шеър-мадҳия ёзади. Бу мадҳиянинг шеъриятда қанчалик қиммати бор-йўқлигидан қатъи назар, уни китобхонлар оммасига қанчалик манзур бўлганлигини кўрсатувчи бир факт сифатида қуйида кўчирамиз:

*Олинг, чиқди бу кун Жулқуннинг ёзган фикри иншоси,
Деса мумкин ани баҳри адамнинг дурри яктоси.
Асарнинг исмини гўё «Мехробдан чаён» қўйган,
Битиб чиқмасдан аввал тутди оламни аллоси.
Кўзим ўнгида турган жилва бирла айрилмас,
Баён этганда Раъно васфида ул кўзи шаҳлоси.
Ўқиб чиққан замон шеъри Раъно бирла Анварнинг,
Ажаб маҳв айлади алфак у гулшаннинг тамошоси.
Кўнгилда қайғуни маҳв этгали меҳроби афсонанг,
Шароб илқиндан тотмоққа гўё сиркоси.
Бошимда бир турли қайғу бор эди, хотирим ранжур,
Тамоман бир йўли йўқ; этди, афсонанг аллоси.
Кел энди, хизмат айлаб тут қалам илгингга, эй Жулқун,
Кўнгилда бор эрса гар шеър этмоғлиқ таманноси.
Агар фурсат топилса, ушбу шеърни жамъ қилғайдим,
Халойиқнинг бошимда бор эрур бе суд савдоси.*

(«Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1930 йил, 80-сон).

Роман чиққач, уни уйимизда ҳар ким ўзича севиб ўқирди. Жосият бибим «Бахмалбофда фақир бир оила», «Танийсанми шу жажжи қизни?» бобларини ўқитиб эшитар эканлар, кўзёш қилар эдилар. Хоним бибим «Хон кўнгил очмоқчи», «Қизиклар» бобларини менга ўқитиб кулар эдилар. Ойкумуш опам «Дўстлик каромати» бобини ўқиб, негадир зўр бериб тунқотарни қарғар эди. Менга энг маъқули эса «Кўркунч бир жасорат» боби ва Нигорхоним образи эди. Чунки Нигорхонимнинг ташқи қиёфаси, оғир, майин табиати, муомаласи, бор йўқдек уйда юриши худди ойимга ўхшаб кетарди...

Бир вақт меҳмондорликда мулла Алижон домла билан дадам ўрталарида шундай суҳбат бўлган эди:

– Менга, айниқса, Сафар бўзчингиз ёқди, Абдулла... У, нафсиламр содда, покиза, хоксор яратилган инсон...

– Махдум домлага нима дейсиз? – деб кулдилар норин тўғраб ўтирган дадам.

– У, воқеан ҳозирда ҳам учрайдиган муллаларимиздан бир вакил. Унинг марғуб, номарғуб томонлари ҳақ. Лекин қурғурнинг номарғуб сифат-хислатлари ўтача... Зиқналик ҳам эви билан-да!..

– Пасткашликни қаранг, домла, Махдум домланинг фикрича, қовоқ сомсага ёғни кам солиш керак эмиш, негаки, ёғ қоқнинг таъмини бузар эмиш... – дедилар дадам ва қотиб кулдилар.

Дадамнинг бундай кайфланиб кулишларидан, хурсанд бўлишларидан сезилардики, у киши ўзи яратган образ-характерларга ўзи ҳам қойил, ўзи ёзиб, ўзи завқланади. Баъзан у кишининг ўз асарларини ўзлари ўқиб кулиб ўтирган пайтлари ҳам бўларди...

Бир кун кечки пайт шаҳар ҳовли эшигимиз тақиллади. Чиқиб очдим. Кўчада тўн кийган, мўйлабли, ёшроқ, оқ юзли нотаниш бир йигит турарди. «Дадангиз бормилар?» деб сўради у. «Борлар», дедим. «Чақиринг», деб илтимос қилди йигит. Бир вақт дадам у йигитни эшикдан кузатиб, қўлларида ярақлаган бир маҳси кўтариб кириб келдилар. Ойим маҳсини кўриб, сўрадилар:

– Ҳа, маҳси буюрганмидингиз?

– Йўқ, – дедилар дадам маҳсини қўйиб мамнун бир вазиятда, – бир гуруҳ косиблар тўкмада «Меҳробдан чаён»ни ўқишибди ва раҳматнома тариқасида ҳаммалари бу маҳсини тикиб, совга қилишибди.

Кодирий романнинг «Қирқ қизлар» бобида ҳарамдаги санъаткор, созанда, раққоса, хонанда қизларни тасвирлаб келиб: «Улар ҳануз ҳам шаҳарнинг машҳур хотинлари бўлган Нусрат ҳофиз, Ботирбоши хола, Тилло ҳофиз, Тожи ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Хон оғача, Мисоқ оғача, Улуғ ўюнчи, Шоҳбачча, Ражабхон, Тош ҳофиз ва ҳатто марғилонлиқ Зебихонлардан ўюнга, созга, ашулага таълим олиб келарлар ва шунинг учун ҳар бирлари ўз хунарларида яхши санъаткор бўлган эдилар», деб ёзадилар.

Бир кун суҳбатда юқорида номлари зикр қилинган мазкур хотинларни эслаб, дадамдан сўрадим:

– Бу санъаткор аёллар бўлган аёлларми, ада?

– Ҳа, бўлган.

– Уларни қаердан билдингиз?

– Розия ойимдан...

Дадамдан яна сўрадим:

– «Хон кўнгил очмоқчи» бобида «Сарбозча» куйи чалинганини ёзасиз... Бу куйнинг оҳанги қандай?..

У киши кулиб, «Шаҳаншоҳим» шеърини «Сарбозча» куйига солиб айтиб бердилар ва:

– Бу куй жуда кўхна, Навоий ўйлаб чиқарган, – деб қўйдилар.

– Навоий музика чалишни билганми?

– Ҳа, у яхши танбур чертган. Уйни қоронғилатиб ёлғиз ўзи ўтираркан-да, куй-мақом ижод қиларкан...

Дадамнинг Иноғомжон исмли бир ошналари бўларди. Ўзи Ўзгант маҳаллалик. Кўктерақда катта боғи бор, зўр соҳибкор, эскича саводхон, адабиёт, китобхонликка унча-мунча қизиқувчи эди. У бизга тез-тез келиб, боғ ишларимизга қарашиб, маслаҳатлар бериб турар эди. Келганда ишдан сўнг, ё чой-таом асноси дадам билан суҳбатлашиб, баъзан кўзойнак тақиб, асарларини ўқиб ўтирар эди. Бир гал у курсидаги янги ёзиб битирилган, ҳали нашрга топширилмаган «Обид кетмон» қиссасидан бир неча варагини олиб ўқиб ўтирди-да, қисса охиридаги шеър унга ёқиб қолди, шекилли, дадамга деди:

– Шу шеърингизни кўчириб олай, Кўктерақдаги ошналаримга ўқиб бераман?..

– Қўйинг, – дедилар ёқинқирамагандай дадам, – олдин босилиб чиқсин...

Ҳалиги чол кетгач, дадамга дедим:

– Нега шеърни кўчириб олишга рухсат этмадингиз? Балки, отанинг кўнгли олинди ми?

У киши қўл силкидилар:

– Яхши эмас, босилиб чиқмаган асардан бировга нусха бериш... Бир вақт нусха бериб пушаймон бўлганман...

– Нега?

– «Меҳробдан чаён»ни ёзиб юрганимда, биттаси уйга меҳмон бўлиб келди. Мен меҳмонга «Ҳаёт шамъи» бобидаги шеърларни ўқиб бердим. Шеърлар унга маъқул тушиб, кўчириб олди. Бир кун кўрсам, ўша шеърларим мазкур меҳмоннинг имзоси билан босилиб чиқибди. Шеърларни бошқатдан ёзишга тўғри келди...

1935 йилда «Мехробдан чаён» иккинчи қайта нашр этилди. Бу нашр лотин алифбосида, муқовасининг ич томонларига бир неча тасвирий расмлар берилиб, 7100 нусхада чиқди. Шу йилнинг ўзида асар Саидризо Ализода таржимасида тожик тилида ҳам чоп этилди. Ализода роман таржимаси жараёнида муаллифдан маслаҳатлар олгани Душанбедан бизникига келиб ҳам кетди. Кейин, бир кун Тожикистон Давлат нашриётиданми ёки Ализодаданми, почта орқали бир неча нусха «Ғаждум аз мехроб» олдик. Мен қизиқиб, уни дарҳол ўқиб чиқдим¹. Шунда дадам мендан сўраган эдилар:

– Қалай, таржима сенга ёқдими?

– Ёқди... Аслига жуда яқин, – дедим.

– Форс-тожик тили ёқимли, кўп ибора, урф-одат жиҳатларидан бизга жуда яқин, шунинг учун таржима равон, чиройли чиқади, – дедилар у киши.

1935 – 1936 йилларда Лидия Соцердотова «Мехробдан чаён»ни русчага таржима қилди. Таржиманинг айрим боблари эса «Литературный Узбекистан» журналининг 1936 йил сонларида босилиб ҳам турди. 1936 йилнинг охирларида Л.Соцердотова таржимани тамомлаб, қўлёзмани Қодирийга бир йўла ўқитиб олди ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига муҳокамага топширди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, бир кун, иттифоқо, сўрадим:

– Ада, роман муҳокама қилиндими, рус ёзувчиларига маъқул тушдими?..

– Маъқул тушди... Фақат китобнинг бир ерига эътироз билдиришди...

– Қайси ерига?

– «Амир Умархоннинг канизи» бобига... Баъзи рус тарихчилари «Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонга бостириб келиши фақат бир каниз мақсадидагина эмас эди. Насруллохон бунда иқтисодий манфаатларни ҳам кўзда тутган эди», деб фикр айтаётир...

– Улар фикрига сиз қандай қарайсиз?

– Балки фикрлари тўғридир. Мен романга материал тўплаганимда масаланинг бу томонини тарихдан чуқурроқ ўрганмаган эдим...

¹ Мен бу вақтларда форс-тожик тилини ўрганган эдим.

Лекин ўша вақтда «Меҳробдан чаён» рус тилида нашр этилмади... 1961 йили рус ёзувчилари Л.Бать ва В.Смирновалар томонидан қайта таржима этилди ва шунингдек, бу асар, ҳозирча, менинг аниқлашимча, уйғур, литва, озарбайжон, туркман тилларига ҳам таржима қилинган.

САЁХАТ

«Меҳробдан чаён» битгач, 1928 йилда Қодирий татар олими Абдулла Шуносийнинг уч бўлимдан иборат ўрта мактаблар учун ёзилган «Физика курси» ўқув китобини таржима қиладилар. Бу таржима тўғрисида 1928 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида (140-сон) «Абдулла Қодирий Абдулла Шуносийнинг «Физика китоби»ни таржима қилмоқда, тез кунда босилиб чиқади», деган хабар ҳам берилади. Ёдимда, шу муносабат билан шу йил ёзда Абдулла Шуносий бизнинг боққа келган, таржима тўғрисида дадамга маслаҳат бериб, бир кеча ётиб кетган эди.

«Физика курси» китоби, чамаси, жуда зарур экан, шекилли, шу йил китоб таржима этиб тугатилади ва араб алифбосида уч бўлимдан иборат алоҳида-алоҳида китоб қилиб босмадан ҳам чиқарилади. Лекин китобда шу нарса эътиборни жалб этардики, унда таржимоннинг имзоси йўқ. Бунинг сабабини кейинчалик дадамдан сўраганимда, «Имзо чекишни эп кўрмадим», деб жавоб қилган эдилар.

Қодирий яна шу йили француз ёзувчиси Фердинанд Дюшеннинг татар ёзувчиси Зариф Баширий томонидан ўзбекчага таржима этилган «Тамилла» ва «Қамар» романларини таҳрир қиладилар.

Маълумки, 1924 – 1930 йиллар миёнасида Самарқанд шаҳри Ўзбекистон жумҳуриятининг пойтахти бўлган. Бинобарин, аynиқса, бу йилларда Қодирий иш юзасидан Самарқандга тез-тез бориб турганлар. Шоир Баҳром Иброҳимов (Йўқсил, 1908 – 1978) Қодирийнинг Самарқанд сафарини хотирлаб шундай ҳикоя қилади:

«Мен 1928 – 1932 йилларда «Аланга»¹ журналида масъул котиб бўлиб ишлаган пайтларимда ўша даврнинг илғор зиёлилари, ёзувчи-шоирлари билан яқиндан танишиб, уларнинг мажлисларида, суҳбатларида, мушоираларида иштирок қил-

¹ Бу журнал 1928–1932 йиллар миёнасида Самарқандда чиққан.

ганман, таниш-билишлар орттирганман. Тошкентлик ёзувчилар эса (жумладан, Абдулла акам ҳам) Самарқандга келсалар, кўпинча менинг уйимда қўнар эдилар.

Мен Бибиҳоним мадрасаси яқинидаги «Биринчи май» маҳалласида Шарифжон Ражабий исмли хўжандлик дўстим билан болохоналик уйда ижарада турар эдик. Абдулла акамнинг кўпинча бизнинг уйда қўнишларининг сабаби шунда эдики, уйимиз шаҳар ўртасида, тинч, озода, биз икки дўст бўйдоқ, эрта кетиб, кеч қайтар эдик. Абдулла акам бўлса, ўз уйларидек унда дам олар, хоҳлаган ерларига борар, одатланганларидан бўлса керак доимо узун энсиз қоғозга сиёҳ қалам билан ёза-ёза ижод қилар эдилар.

Самарқандда Маъруф Расулий¹ номли ўқимишли, адабиёт ҳомийси, ўзига тўқ, ўрта ёш бир киши бор эди. Унинг Чорраҳадан пастроқда, Дахбед қишлоғига борадиган кўчада каттакон обод бир боғи бор эди. Ўша давр мунавварлари² кўпинча шу боғда йиғилишар, зиёфат-мажлислар, адабий кечалар ўтказишар эди. Йиғилишда Чўлпон, Садриддин Айний, Абдулла ака, Абдулла Алавий, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Шокир Сулаймон, Элбек, Санжар Сиддиқ каби кўп қаламкашларни, адабиётчиларни ва мухлисларни кўриш мумкин эди.

Ёдимда, шу боғдаги бир йиғинда кексароқ бир киши (исми ёдимда қолмаган) Абдулла акам билан суҳбатлашиб ўтириб, «Ўткан кунлар»даги Мирзакарим қутидор образига тўхталиб, «Қайси ота ўз қизи устига кундош олиб беришга рози бўлади?» деб эътироз билдирди. Абдулла ака жавоб қилиб, у кишини қаноатлантирдилар.

1929 йил бўлса керак, ёз кунлари эди. Бир кеч эшигимиз тақиллади. Чиксам, Абдулла акам, Элбек, Ғози Юнус ва яна бир-икки киши йўлтовур кийинишган, кулиб туришар эди. Мен улар билан бирин-бирин кўриша бошладим ва охир Ғози Юнусга қўл чўздим. У (қизиқчи эди) кўришмай, қўлимни қайтариб, нарироқда турган извошга ишора қилиб жиддий деди:

– Аввал извошчининг пулини тўла, кейин сен билан кўришаман!..

Ҳаммалари кулиб юборишди. Мен дарров масалага тушуниб, уларни ичкарига олдим ва извошчини рози қилиб жўнат-

¹ Бу киши тўғрисида «Самарқанд тарихи» китобида (II жилд) маълумот бор.

² Мунаввар – зиёли.

дим. Билсам, улар бир ярим ой бурун Тошкентдан саёҳатга чиқишиб, Қўқон, Фаргона, Андижон, Ўш ва қишлоқларни кеза-кеза охирги пуллари билан Самарқандга кириб келишган, бундан баъзи бирлари гонорар олишмоқчи экан...

Мен дадамнинг бу саёҳатларини хотирлайман ва у кишининг баъзи айтган сўзларидан саёҳатдан кузатган мақсадларини ҳам тахминлайман. Саёҳатдан мақсадлари, диёр кезиш, дам олиш ва шу баҳонада «Амир Умархоннинг канизи» романига материал йиғиш эди. Ғози Юнус эса ўзбек халқ оғзаки латифаларини тўплаб, китоб қилмоқчи эди.

Дадам шу сафар тўғрисида ҳикоя қилиб: «Қайси шаҳар ёки қишлоққа бормайлик, чойхонада, меҳмонда Ғозака дарров халқ билан афанди айтиша бошлар, янги учраган латифаларни секин ёзиб олар эди, агар аския айтишиб енгилиб қолса, «Биз меҳмонмиз, меҳмонни сийлашларингиз керак-да», деб ҳамма-ни кулдирар эди», деганлари хотирамда.

Ғози Юнус табиатан жуда хушчақчақ, бир дақиқа ҳам қизиқчиликни қўймайдиган, оққўнгил, дадам билан сансираб сўзлашувчи киши эди. У шундай сафарлар самарасида иккита катта – катта жузь бўладиган «Мулла Насриддин латифалари»-ни тўлаган, қўлёмасини 1936 йили таҳрир учун дадамга келтирган, ундан баъзи ўринларни мен ўқиган эдим.

ШИЙПОН

1930–1931 йилларга келиб, янги боғ-ободончилик ишларимиз деярли тугаб, маълум тартибга тушиб қолган эди. Ташландиқ ерлар ўрнида узумзор, олмазор, шафтолизор, олчазорлар тартиб берилган; девор таги ва ариқ бўйларига қатор-қатор терак, тол, кўксултон каби оғочлар ўтказилган; қовун, тарвуз, жўхори, картошка ва резавор экиладиган жойлар алоҳида, катта гулзор ва бедазорлар алоҳида.

Шунингдек ичин-ташин икки қаватли оқ тунукавонли бинолар (бу бинолар усталар қўли билан қурилган бўлса ҳам), донхона, ошхона, ўтинхона, молхона каби ёрдамчи уйларни биз болалар ёрдамида дадамнинг ўзлари қурган (у киши ғишт териш, сувоқ қилиш, бино ёпиш ишларини ҳам яхши билар эдилар), ҳатто мўрчагача қуриб битқазилиб, боғимиз гўзал-

лашган эди. Айниқса, пастки боғимиз ўртасида қурилган шийпонимиз бу гўзалликка манба каби эди.

Шийпон шаҳарнинг зўр усталари қўли билан пишиқ ғиштдан қурилган, икки қаватли, таги қишда иссиқ, ёзда салқин, қўш дераза, эшикли катта уй, усти ўнта ғиштин устунлардан ишланган «қирқ улфат» сиғадиган шийпон, томи эса кубба шаклда чорқирра қилиб оқ тунука билан ёпилган. Устунларнинг ҳаммаси ганчдан бир хилда ўйма нақшланган. (Дадам «Бундай устунлар андозасини Ленинградда кўриб келганман», дер эдилар...) Шифт фанерларига ва эшик ромларига бир текис оч ҳаворанг сир-бўёқ берилган. Шийпон ёнларига гилос, шафтоли, олма ўтқазилган. Улар шийпонга салқин солиб туради.

Шийпоннинг олд қисми ярим таноб ер, тартиб билан пол ва йўлкаларга ажратилган гулзор, унда турли-туман гуллар очилиб, тевааракка хушбўй таратиб туради. Гулзор ўртасида каттакон керосин фонар ўрнатилган бўлиб, кечқурун ёқилгач, гулзорни жилолантириб юборади.

Гоҳо Жосият бибим «сиёсат» ишларига ҳам аралашиб қўяр эдилар. Шийпон-гулзоримизнинг авжи яшнаб, донғи кетган чоғлар эди, бибим бир кун дедилар:

– Абдулла, сен ҳам мундоқ Охунбобой, Акмалхон (Акмал Икромов), Мирпайзилла (Файзулла Хўжаев)ларни шийпонингга чақириб меҳмон қилсанг бўлмайдимми?..

– Бўлади, – дедилар дадам кулиб, – чақирсам келишади...

– Бўлмаса нега чақирмайсан, болам?

– Улар менга ўртоқ эмаслар-да, ойи. Ўртоқлар чақирилмаса ҳам ўзлари келаверишади. Катталарни махсус чақиритдан мақсад бўлиши керак: бирон мушкулни осон қилиш, обрў ортириш, мартаба тамаъ этиш... Мени катталар битқазиб берадиган мушкул ишим йўқ: обрў, мартабага ҳам муҳтож эмасман...

– Ўжарсан, ўғлим, ўжарсан... сен ҳам мундоқ каттаконларга ёқадиган гапларни топиб ёзсанг-ку, мунақа қийналиб ўтирмас эдик...

Шийпон, айниқса, ўттизинчи йиллар ўрталарида ўз чиройи, хушманзараси билан шаҳарда «Жулқунбойнинг шийпони», «Абдулла Қодирийнинг боги» деб ном чиқаради, ажойиб боғимизни томоша қилиш учун келувчилар кўпаяди (мен, ҳатто ҳозир ҳам ўзга шаҳарларда бўлганимда «Ажойиб шийпонингиз бор эмиш», дегувчиларни учратаман). Шийпоннинг бунчалик

ном чиқариш сабаби, менимча, дид билан қурилгани, бунингдек боғ, биноларнинг у пайтларда оз бўлишидир. Шуниси ҳам борки, бу шийпон фақат кўркам бўлиб қолмай, ўз замонида кўпгина санъаткорлар маскани ҳам бўлган.

Мен, Обид акам ҳар кун кечки пайт шийпон теварагини, гулзорларни сув сепиб, супурар, баъзи кунлар эса меҳмонларга жой ҳозирлар эдик. «Жулқунбойнинг шийпонига», деб адабиёт муҳиблари, ошна-оғайни санъаткор созандалар, ашулачилар келишар, лоларанг гиламлар тўшалган шийпонда тизилиб ўтириб, тонготар улфатчилик қилишар эди.

Қўлпон, Фитрат, Элбек, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Абдулла Алавий, Шокир Сулаймон, Санжар Сиддик, Қажум Рамазон, Вадуд Маҳмуд, Усмон Носир, Ойбек сингари кўплаб қаламкашлар ва мухлисларнинг шийпондаги турли масалалардаги жиддий тортишувлари, боғни кўтаргудек ҳангомалари ҳали-ҳали қулоғим тагида, кўз олдимда туради.

Санъаткорларнинг кўпи ўша вақтларда радио комитетининг ашула ва чолғу ансамблида ишлашар, бизникига бирор манфаат юзасидан эмас, холисона санъат ишқи билан йиғилишар эди. Санъаткорлардан мен шу инсонларни хотирлайман: Мулла Тўйчи Ҳофиз (бу киши анча кексайиб қолган, ашула кечасига сийрак қатнашар эди), Юнус Ражабий (бу киши ҳам кечага сийрак қатнашар, най ва дутор чалар эди), Қодир қори ака (сартарошлик қилар, яхши ашула айтар эди), Шобарот домла (анча кексайиб қолган, ашулага қўшилар эди), Шожалил ҳофиз (ашула айтар эди), Носир дуторчи (танбур ҳам чалар, ашулага қўшилар эди), Набихўжа ака (гуруч дўкониде ишлар, яхши танбур чалар ва ашулага қўшилар эди), Имом ака (дутор ва най чалар эди, бу сўнгги уч санъаткор ака-ука эдилар), Юсуф қизик (бу кишининг бизникига бир марта келганини хотирлайман), Холмат мошиначи (тикувчилик қилар, танбур чалиб, ашулага қўшилар эди), Абдусоат дуторчи.

Абдусоат дуторчи жиккакдан келган, ўрта ёшли, қизик, дали-ғули табиатли эди. Бир гал унинг дадам билан шундай «суҳбат» қилгани ёдимда.

1931–1932 йиллар бўлса керак бир кун кечки пайт Абдусоат дуторчи қизил гилофли дуторини қўлтиқлаб кириб келди. Дадам уни қаршилаб, шийпонга ўтқиздилар. Ундан-бундан

сўзлашиб, ҳазил-мутойиба қилиб ўтиришди. Абдусоат дуторчи ташриф сабабига кўчиб, деди:

– Сенга келишдан мақсадим, бир ариза ёздириш, Абдулла.

– Хўп, қандай ариза? – сўрадилар дадам.

– Биласанки, ўн йилдан буён радиода хизмат қиламан. Ёз, менинг ўн йиллик тўйимни қилиб беришсин¹.

Дадам ўйланиб, бош чайқаб кулдилар.

– Нега куласан?! – Абдусоат дуторчи тажангланди, – ёзиш ёқмади дейман-а?

Дадам яна кулдилар:

– Ёзиш эмас, Абдусоат ака, бундай талабни қўйишингиз менга ёқмади, уят...

– Нимаси уят?

– Одатда, бундай талабни тўй эгаси қилмайди, уят бўлади. Агар хизматингиз тақдирлашга сазовор бўлса, бу масалани иш-хонангиз кўтариши, сиз эса бир чеккада камтар туришингиз керак. Сизнинг бу талабингиз болаларнинг «Дада, мени қачон тўй қиласиз?» деб қистаганидай бўлиб чиқади, – дедилар дадам ва қотиб кулдилар.

Абдусоат дуторчи дадамнинг сўзини ийламади:

– Бунақа олифта гапларингни менга қилма, уларни туртмасанг бўлмайди, ёз дедимми, ёз!.. Мен унгача секин бир машқ қилиб бераман, – деди ва дуторини ғилофидан чиқариб созлай бошлади.

Мен қогоз, сиёҳ келтириб бердим. Дадам чордана қуриб ўлтириб тиззаларида ариза ёзишга тутиндилар. Абдусоат дуторчи эса, чордана қуриб букчайиб ўтириб олиб, бошини иргита-ирғита қандайдир узоқ ва ҳазин куйни чала бошлади...

1930 йилга келиб, шаҳар ҳовлимиз ортикчаллик қила бошлади. Чунки бир томонда энди лой томли чаккаҳона уйларида туришдан тунука томли бинода яшаш қулай бўлса, (шаҳар ҳовлимизда, айниқса, эрта баҳорда чакка ўтиб безор қиларди) иккинчи томондан, 1930–1931 йилларгача боғда қўшниларидан ҳеч ким қишлолда қолмас, бинобарин, янги биноларни қиши билан қаровсиз қолдириб кетиш хавфли эди. Шу важдан, шаҳарга кўчиб тушгач, дадам хавфланиб бўлса керак, қишда баъзан мени ёнларига олиб хувиллаган боққа келардилар-да, шийпон қорларини курар, кўчага йўл очиб, пастки иссиқ уйда

¹ У вақтларда ташкилотларда шундай расм бор эди.

чироқ ёқиб тунда ижод қилардилар. («Меҳробдан чаён»нинг сўнгги боблари шу шийпонда ёзилган.) Мен эса у кишининг ёнларида ўтириб дарс тайёрлар, китоб ўқир, расм чизар эдим. Примусда чой қайнатиб ичиб, шунда тунардик-да, эрталабки чойга шаҳар ҳовлига етиб борар эдик.

Шундан кейин шаҳар ҳовлини сотдик. Биринчи йил боғда икки хонадон – Ҳасанбой амаки билан бизлар қишладик. Орадан икки-уч йил ўтгач, деярли ҳамма қўшниларимиз шаҳарга кўчиб тушмайдиган бўлишди...

ҚОДИРИЙ ШИРКАТ АЪЗОСИ

1926–1931 йиллар кампанияларга янада бой, қизгин давр бўлди. Ерларни умумлаштириш, колхоз-совхозлар тузиш, катта ер эгаларини синф сифатида тугатиш, Шўро сайловига ҳақли-ҳақсизлик, ширкатлар тузиш, паранжи ташлаш, саводсизликни битириш, ҳоказо...

1926–1927 йилларда барча республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ер ислоҳоти ўтказилди. Катта ер эгаларининг ерлари олиниб, ерсиз, чоракор деҳқонларга бўлиб берилди. Ҳукумат тарафидан махсус тузилган комиссиялар қишлоқ, кентларга чиқиб, кўрсатилган низом бўйича иш кўрар, адолат билан иш олиб борар эди. Бироқ, табиийки, баъзан тушунмовчиликлар ёки чигал масалалар содир бўлиб қолар (масалан, ер бўлингандан низом бўйича маълум бир қисми эгасида қолдириллар, ер эгаси эса, «Менинг беш фарзандим бор, демак, бешта ҳовли-жой берасизлар» деб даъво қилар, бундай ҳолларда ер эгасига тегишли юқори идораларга ариза ёзиб мурожаат қилишга ҳам ҳақли эдилар.)

У вақтларда ариза ёзиб берувчи ўзбек адвокатлар йўқ, бўлса ҳам санокли, бунинг устига ёзилган аризанинг мазмуни унинг ижобий натижаланиши учун катта аҳамиятга эга эди. Нима ҳам бўлади-да, дадам бир-икки яқинларига ариза ёзиб берадилар, ёзган аризалари ижобий ҳал бўлади. Шу-шу, «Жулқунбой ёзган ариза яхши ўринларкан» деб уйимиздан ариза ёздирувчилар аримай қолди. Ёдимда, дадам шу кезларда «Меҳробдан чаён» романи устида тинмай ишлар, ҳеч бир идорада хизмат қилмас, кўпинча одамлар эшикдан чақириб келиб, дадам билан сўз-

лашар, нималарнидир маслаҳатлашар, баъзиларини дадам ўз ижодхоналарига бошлаб кириб, ариза ёзиб берар эдилар.

Бир куни Насриддин тоғам бизникига бир кишини бошлаб келдилар. Бу одам кекса ёшли бўлиб, барра телпаги, йўл-йўл, узун пахтали тўнидан ўзбекка менгзаса ҳам, юз тузилиши ва тилидан қозоқ кишига ўхшаб кетарди. Дадам у кишини ижодхоналарига бошлаб кириб, чой-нон қилдилар ва эски танишлари каби сўзлаша кетдилар.

Бу киши Тошкент атрофида (Байтқўрғонми, Ҳасанбойми тарафларда бўлса керак) яшар, ўз даврининг катта ер эгаларидан – чорвадорларидан эди. Унинг Расулмуҳаммад бобом (ойимнинг отаси) билан савдо ишларида муомаладор ва ҳатто борди-келди қилганликларини, шу вайдан дадам билан ҳам танишлигини (дадам 1915 йилгача Расулмуҳаммад бобомнинг қўлларида приказчик бўлиб ишлаганлар) англадим. Ер ислоҳоти бошлангач, бу киши ўз ерининг бировларга бўлиб берилишини истамай, «зўр» бир адвокат топиб ариза ёздиргани шаҳарга тушади. Насриддин тоғам эса, менинг поччам ариза ёзувчи зўр адвокат бўлган» деб бизникига бошлаб келадилар. Дадам билан қозоқ кишининг ораларида тахминан шундай савол-жавоб бўлганлиги эс-эс ёдимда:

– Ерингиз қанча, оқсоқол? – деб сўрадилар дадам.

– Икки юз эллик таноб.

– Шунча ерни бировга бермай, ўзингизда қолдирмоқчимисиз?

– Ҳа, отамдан қолган-да.

Дадам куладилар:

– Ҳозир ер отасидан қолганми, ўзи сотиб олганми, бу билан ҳукуматнинг иши йўқ. Давлат жойи катталарнинг ерини камбағал, чоракор деҳқонларга кесиб бериб, ҳаммани бир текис ерли қилмоқчи. Агар «Менинг фарзандаларим кўп, ўзимга ер қолдиришлар» десангиз, бунинг йўли бошқа, – дедилар.

Бу маслаҳат қозоқ кишига маъқул тушди, шекилли, болаларининг номини бирма-бир айта бошлади. Шуниси ёдимдаки, қозоқ киши «Абдулла» дейишга йили келмай, дадамга «Абделде» деб мурожаат қилар эди. Мен анча вақтгача «Абделде» деб дадамни масхара қилиб юрдим ўшанда.

Дадам аризанавислик «хунар»ини тўрт-беш ой давом эттиргач, бу хунар ижодларига халал бераётганлигини сездилар,

шекилли, (тўғриси, дадам иш ёки ҳавас учун эмас, оилада моддий ёрдам бўлсин учун шундай қилар эдилар), бир куни фанер тахтачага араб ҳарфида сиёҳ қалам билан катта-катта қилиб «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди» деб эълон ёзиб, кўча эшигимиз тепасига миҳлаб қўйдилар. Шундан сўнг уйимизга аризачилар келмайдиган бўлишди. Ёдимда, ўшанда кўчамиздан болалар баланд овоз билан «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди!» деб қичқириб ўтишарди. Бир куни қарасам, дўл-ёмғирлар эълоннинг ёзувларини ювиб кетибди, тахтачанинг ўзи эса ерга тушиб ётибди. Мен эълонни ажи-бужи қилиб, ўзимча қайтадан ёздим ва жойига қоқиб қўйдим. Дадам мен ёзган эълонни ўқиб, кулдилар ва уни бутунлай олиб ташладилар.

Шу йиллардан аста дон, гўшт ва бошқа озиқ-овқатларнинг тақчиллиги бошланди. Нонни забор (заборная книжка – жон бошига алоҳида-алоҳида берилган дафтарча) билан маълум бириктилган дўконлардан берилар, дафтарчадан тегишли ой-кунларнинг талони қирқиб олинар эди.

Шу йиллар бўлса керак, Ўзбекистон жумҳуриятининг пахта режаси тўлмадимми ёки тўлган бўлса ҳам, давлатимизнинг пахтага бўлган эҳтиёжи тақозо этдимми, ҳар ҳолда, хонадонларга пахта солиғи солинди. Ҳар бир хонадон қоплаб қўйган кўрпаларидан иккитасининг астар-аврасини шилиб, пахтасини давлатга топшириши керак эди...

Дадам «Ўткан кунлар» романини ёзиш чоғида материал тўплашга Фарғонага борганларида Марғилондан анча саккиз тепкилик қора хонатлас келтирган эдилар. Ундан икки кийимлигини ойим билан Жосият бибим қўйлак қилиб кийишган, қолганини эса беш-олтита катта кўрпа қилишган эди. Бу кўрпалардан иккитасини сўкиб, дадам ўз қўллари билан маҳаллага чиқариб топширдилар. Бўшаб қолган аврасидан эса Ойкумуш ва Назифа опаларимга қўйлак тикиб беришди (ўша кўрпалардан бири ҳозир ҳам бизда сақланади). Шунда ойим бир нарса демасалар ҳам, Жосият бибим эътироз билдирдилар:

– Нима бало, ҳукумат шу кўрпаларни пахтасига зориқиб қолибдимми, Абдулла!

– Зорми, йўқми, бу сиёсатчилик, ойи. Бунга қарши, «Йўқ, бермайман», деб бўлмайди. Зарур бўлганки, солиқ солганлар...

– Жуда бўлмаса, сендан олмасалар бўларди.

– Бўлмайди, ойи. Энди, бой-ашрафлардан солиқни олмай-диган ё камайтириб оладиган замонлар ўтаб кетган...

Шундай бир ҳодиса ҳам ёдимда: 1930 йил бўлса керак, киш кезлари эди. «Ўқчи» маҳаллалик қайсидир пахтачи бой қулоқ бўлишидан қўрқибми ёки пахталарини давлатга топшириш алам қилибми, босиб қўйган қанор-қанор пахталарини эр-хотин тун билан уйлари орқасидаги Чақир анҳорига чиқариб ағдариб оқизишган эди. Эртаси билан одамлар жар бўйларига тушиб илиниб қолган пахталарни йиғиб юришган. Биз болалар бўлсак, бу хангомани роса томоша қилган эдик.

Қулоқ – бу ери катта, киши кучидан фойдаланган қишлоқ бойи. Бундай бойлар озми-кўпми, деярли барча халқларда бўлган. Бироқ Сталин ҳокимияти «Киши кучидан фойдаланиш – жиноят» деб, бу табақа хўжалиklarини шафқатсиз қирди. Уларни бутун оилалари билан ўзга жойларга, қишлоқларга, дала-даштларга сургун қилди, сувсиз ёки ботқоқлик ерларни обод қилишга мажбур этди. Иқлим-шароитга кўникмаган, ҳатто энг оддий яшаш шароити билан таъминланмаган кўпчилик халқ шу йўсин қирилди, ҳалок бўлди.

Албатта, бировни қулоққа, ҳақсизликка тортиш осон ҳал қилинмас эди. Аввал маълум белги – шартлар бўйича номзод қилинар, умуммаҳалла мажлисида овозга қўйилар, сўнг қарор чиқарилар эди. Аммо баъзи маҳалла-қишлоқларда тушунмаган, «ишбилармон» ҳовлиқмалар ёки ғаразчилар ҳам чиқиб қолар, улар ўз ғаразлари йўлида фурсатдан фойдаланмоқчи бўлар эдилар. Масалан, бизнинг маҳаллада ҳам «Жулкунбой бойиб кетди, уни ҳам қулоқ қилиш керак», дегувчилар, юқори идораларга «халис» қоғоз кўтариб чиқувчилар бўлди. Бироқ раҳбар идоралар «даъвогар» гапига қулоқ солишмади. «Жулкунбойни қулоқ қилиб бўлмайди», деб бош чайқаб кулишди...

Лекин ўша вақтларда шундай акс ҳолатларни ҳам кўрганманки, бу ҳол мени ўйлатади. Қулоқ бўлгач, бу нарса фақат қишлоқ деҳқонига тааллуқли бўлмоғи керак эди. Бироқ бу кампания шаҳарлик «қўл учида» кун кўрувчиларга ҳам тегишли бўлиб кетди.

Биздан уч-тўрт боғ нарида Соли сабзифуруш деган кекса-роқ киши яшарди. У бой эмас, атиги ярим гектар келар-келмас боғи бор, «касби» сабзифурушлик. Деҳқонлардан қоп-қоп сабзи сотиб олиб, Чорсудаги Жомеъ масжиди рўпарасида, гу-

руч бозор ёнида пастликда кўча юзига тўкиб сотар эди. Қачон кўрсам, қўлида шайнли тарозу, «Бир-бир!», «Икки-икки!», «Уч-уч!» деб санокдан адашиб кетмаслик учун кичқириб турар эди. Албатта, мен сабзи олиб сотиб бойиб кетган одамни кўрган эмасман.

Шу одамни ҳам қулоқ қилиб, Тошкентдан сургун қилишди.

«Соли акани куёви бориб кўриб келибди, жуда узоқда, бир дашти биёбонда ишлар эмиш. Турадиган ерида тиккайган да-рахт йўқ», ертўла қазиб шунда ётишар, овқатларининг ҳам ма-заси йўқ эмиш, деб қўшни хотинлар сўзлашар эди.

Бу одам ўша ёқда вафот этиб кетди.

* * *

Жосият бибимнинг опаси Убайда бибининг Соли исмли куёви бўлар эди. Ўзи Чорсуга яқин Сирли масжидда турар, касби совунгарлик. Чорсуда совунбозорда (Дехқонлар уйи ёки Такия қаршисида) бир одам сиғарли кичкина дўкончада совун сотар эди. Соли амакини «Соли совунгар», дейишар, дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, озғин, новча, бир кўзи кўр бўлгани учун Кўрсоли деб ҳам аташар эди.

Баъзан Жосият бибим билан Соли амакимнинг уйига меҳ-мон бўлиб борардим. Уйлари эски, бостирмалик, бир ҳолатда эди. Мен ҳовлиларининг бир чеккасига қурилган катта дош-қозонда биқирлатиб қайнатиб совун пишираётганларини ва пишгандан сўнг, кичик-кичик сопол пиёлаларга қуйиб, оф-тобда қуритиб, шабадада қотираётганларини томоша қилар эдим.

Шу кишини ҳам қулоқ қилишди. Бир кун Соли амаки бизни-кига келиб, дадам билан маслаҳат қилди. Дадам:

– Ҳозир жуда қизгин, нозик вақт, орага тушиб бўлмайдими. Яхшиси, бир-икки ҳафта ўзингизни панага олиб юра туринг, шов-шув сал пасайгач, бир маслаҳати чиқиб қолар, – дедилар.

Соли амаки бирмунча вақт қочиб, кишиларга кўринмай, яқинларининг уйда ётиб юрди. У киши бизнинг уйда ҳам би-рор ҳафта яшади. Соли амаки шу йўсин қулоқликдан қутулиб қолди, чоғи...

Қодирий 1930 – 1931 йилларда ҳам ижодий ишдан кўра боғ-дорлик, деҳқончилик билан кўпроқ шуғулландилар.

Лекин у киши жамоат ишларидан ажралиб қолмадилар. Колхозлар энди ташкил топаётган бу даврда шаҳар аҳолиси ва завод, фабрика, корхоналарни сабзавот ҳамда мева билан таъминлаш учун шаҳар теварагидан каттароқ ерли боғдор деҳқонларни тўплаб (мажбурий эмас), сабзавот ширкатлар тузилган эди. Биз ҳам ана шундай ширкатлардан бирига аъзо эдик. Бундан ташқари, дадам ширкатнинг идора аъзоси ва котиби ҳам эдилар.

Бизнинг ширкат Чўпонота, Қатортол ва Самарқанд дарбоза мавзелари боғдор-деҳқонларидан ташкил топиб, давлатга картошка, сабзи, пиёз, карам, помидор ва олма, узум, ўрик, шафтоли (бу сўнгилари кўпинча қуритилган ҳолда) топширилар, эвазига пул, саноат ҳамда озиқ-овқат моллари олинар эди. Ширкат идораси Самарқанд дарбоза маҳалламизда ҳозирги «Самарқанд» чойхонаси ўрнидаги бир бойнинг болохонасида эди.

1931–1932 йиллар бўлса керак, шийпонимиз қаршисидаги гулзорни бузиб картошка экдик. Гулзорни бузишда дадамнинг бошқа бир андишалари бор эди: йил сайин гоҳ у, гоҳ бу етишмовчиликлар билан қийналиб яшаб турган халқ олдида гулзорга оро бериб, меҳмон кутиб ўтиришни дадам ўзларига эп кўрмадилар... Картошкани ҳиммат билан парвариш қилдилар, яхши ҳосил берди. Кузақда бир қисмини ширкатга топширдик. Қопланган картошкаларни қизил алвонлар тақилган араваларга ортиб, қизил карвон қилиб, Товуқ бозор (ҳозирги Дизел станцияси бекати)даги, Тоштрам депоси ишчиларига олиб бордик. Ҳар бир аравада бир хўжаликнинг етиштирган ҳосили бўлиб, бизнинг картошка ҳам бир арава тўла, қоплар устига эса мен ўтириб олган эдим. Тоштрам раҳбари, ишчилари бизни кутиб олиб, ошхонада меҳмон қилдилар ва қоғозларга ўраб ширинликлар, совғалар беришди.

Колхозлаштириш, ширкат тузиш даврларида фаол иштирок этган, кўхна ташкилотчи, Самарқанд дарбоза маҳалламизда яшовчи Шоусмон Шоқосимов (бу киши 1975 йили 90 ёшларида вафот этди) ўша вақтларни эслаб, шундай ҳикоя қилган эди:

«Самарқанд дарбозасидаги ширкатимиз «Баракат» деб аталар эди. Ширкат раиси Маҳмудбек исмли киши, мен ширкат ҳамда янги тузилган колхозлар тафтиш комиссиясининг раиси, Абдулла Жулкун котиб эди. Мен қанчалик ташкилотчи

бўлмай, барибир саводсиз эдим. Ширкат, колхоз ишларида Абдулла Жулқун билан кўпинча маслаҳатлашар эдим. У мен фалончиман, деб ўзини юқори тутмас эди. Ҳаммамизга баробар, маслаҳатини, хизматини аямас эди. Баъзи масалаларда «раисман» деб сўзимизни ўтказмоқчи бўлсак, у хатомизни тушунтирарди, ўз сўзини исбот қиларди.

– Яна бир гал, – деб эслаб ўтган эдилар Шоусмон ака, – Чўпонота мавзеидан ўнлаб ер-мулки кўп деҳқонларни қулоқ қилиш рўйхатиغا олдик ва уларни умуммаҳалла мажлисида овозга қўймоқчи бўлдик. Шунда бир кун Абдулла Жулқун келиб комиссияга шундай арз қилди:

– Ҳурматли комиссия аъзолари, сизлардан бир илтимосим бор.

– Қандай илтимос, марҳамат, – дедик.

– Рўйхатингиздаги Усмонхон домла қулоқ қилинмаса...

– Нега, унинг ери катта, мулки кўп, киши кучидан фойдаланган, биласанми?..

– Биламан, – деди кулиб, Абдулла, – аввало, ер-мулк унга отасидан мерос қолган. Кейин ўзи беозор, кўп йиллаб мударрислик қилган, сиз-бизга илм-одоб берган олим киши. Мадрасалар ёпилгандан буён қўлида кетмон, боғида доим меҳнат қилиб келади. Баъзан, каттакон боғини улгурмаган чокларда, битта-яримта одам ёллаган бўлса бордир...

Бир оз бўшашиб ўйланиб қолдик.

– Нима қилиш керак, шунча катта ер-мулки билан уни қўйиб қўявериш керакми, сенингча? – дедик.

– Йўқ, менимча, унинг ортиқча ер-мулкини давлат ихтиёрига олинса-ю, ўзини қулоқ қилинмаса, илмини, маърифат йўлида элга қилган хизматини ҳисобга олинса, иш адолатли бўларди...

Биз Абдулланинг фикрига қўшилдик, уни рўйхатдан ўчирдик...»

IV БОБ

ЯНГИ АСАР ТАРАДДУДИ ҚОНҚУСГА ҚИМИЗХЎРЛИККА

Дадамнинг Сулаймонхўжа домла исмли яқин бир дўстлари бор эди. Сулаймонхўжа домла 60 ёшлардан ошиб, ҳассага сунган, оппоқ юз, соқол қўйган, тўладан келган, нуроний киши эди. У майин, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай босиқ, бамаъни сўзлагувчи, китоб мутолаасига ўч, дадам билан доим китоб алоқа қилувчи, шарқ тарихи, адабиётини яхши биладиган ва шу билан бирга ёгочга нозик ўйма гул солишда ягона наққош уста¹ эди.

Сулаймонхўжа домла қўшни Сузукота маҳалласида турарди.

1932 йилнинг баҳори эди, шекилли, Сулаймонхўжа домла бир куни бизникига дадамини чақириб келди. Мен эшик очиб «Йўқлар», дедим.

– Бўлмаса, дадангга шу гапни айтиб қўй, ўғлим, – деди Сулаймонхўжа домла, – бугун мен Файзулла Хўжаев олдига бир иш билан чиққан эдим, қайтишимда у киши сизларга яқин туришимни билиб, «Абдулла Қодирийга айтинг, менга бир келиб учрашсинлар, муҳим гап бор», деб илтимос қилдилар. Даданг албатта, борсин...

– Хўп, – деб мен домлани кузатдим ва у кишининг Файзулла Хўжаев олдига нима учун чиққанлигини ҳам англадим. Чунки шундан бир неча кун муқаддам Сулаймонхўжа домла бизникига келиб, ўзининг қариб қолганини, ўз хунарини ёшларга ўргатиб қолдириш нияти борлигини, шу сабабли шогирдлар етиштириб чиқарадиган бирор устахона очиб беришларини илтимос қилиб, дадамга бир ариза ёздириб кетган эди.

Билсам, домла шу аризани ўз қўли билан топширгани Файзулла Хўжаев олдига чиққан экан...

Ўшанда Файзулла Хўжаев билан Сулаймонхўжа домла ўрталарида Қодирий ҳақида шундай гап бўлганини кейинчалик

¹ Шу касби важдан бу кишининг расми алҳол Тошкент санъат музейида сақланади.

эшитган эдим. (Домла ўз ҳунарини кўрсатиш учун Файзулла Хўжаев олдига бир портсигар ясаб чиққан экан). Файзулла Хўжаев домлани яхши қабул қилиб, арзини тинглаб, аризаси устига «Талаби қондирилсин», деган мазмунда имзо чекаркан, Сулаймонхўжа домладан сўрайди:

– Аризани ким ёзди, тақсир? Абдулла Қодирий эмасми?

– Ҳа, – дейди, ҳайрон бўлиб Сулаймонхўжа домла ва сўрайди: – Буни қаёқдан билдингиз?

– Қўлидан, – дейди Файзулла ва домладан ҳалиги илтимосни қилади...

Мен Сулаймонхўжа домланинг омонат гапини дадамга топширдим. У киши эшитиб, ўйланиб қолдилар. Орадан бир неча вақт ўтгач, бир кун оилавий ўлтиришда дадамдан Файзулла Хўжаевнинг мазкур таклифи тўғрисида кимдир-биримиз сўрадик.

Дадам у билан учрашганларини айтдилар. Ўшанда Файзулла Хўжаев дадам билан турмуш, ижоди, деҳқончилик, боғдорчилик ишлари ҳақида қизиқиб сўзлашиб ўтирибди-да, шундай дебди:

– Адабиётимизда ҳали қишлоқ колхоз ҳаётига доир бирор йирик асар ёзилмаган, ваҳоланки, рус ёзувчилари яратишган... Бундай мавзудаги бадий асарлар қишлоқ турмушини, хўжалигини юксалтириш тўғрисидаги тадбирларимизга зўр кўмак беради. Сиз деҳқончилик илмини яхши биласиз. Шу мавзуда ҳам бирор каттароқ асар яратмайсизми?.. Кечирасиз, бир маслаҳат...

– Эшон ака (Файзулла Хўжаевни шундай деб ҳам аташган), сиз маслаҳат солаётган масалаларни бажарса бўлади... Мени бошқа нарса қизиқтиради, тўғриси, ўксинтиради...

– Масалан?

– Мана беш-олти йилдирки, матбуотдан йироқлашиб юрман, тўғрироғи, йироқлаштириб қўйдинглар. «Ҳолинг қандай, нима қияпсан, тирикчилигингни қанақа ўтказяпсан, нимага муҳтожсан?» деб сўрамадинглар, хотирламадинглар, нега бугун тўсатдан йўқлаб қолдинглар?..

Файзулла Хўжаев дафъатан жавоб топа олмагандай бир оз кийналиб туради:

– Гапингизга тушуниб турибман, ўртоқ Қодирий, – дейди у, – биз кичик одамлармиз, барча масалаларни ҳам ўзимиз ҳал қила олмаймиз...

Қодирий бу сўзлар билан ўзларининг беш йиллик тортган алам, гина-кудуратларини тўкиб соладилар...

Қодирий бундай асар ёзишга дарров рағбат кўрсатмайдилар, «Ўйлаб кўрай-чи», деб хайрлашиб чиқадилар. Чунки Қодирийнинг сўзича, қўйилган масала осон иш эмас, муаллиф ижодида қишлоқ хўжалик ҳаёти янги соҳа эди.

Қодирийнинг Файзулла Хўжаев ҳузурига чақирилиши, албатта, тасодиф эмас эди. 1932 йил 23 апрелда ВКП(б) Марказий Комитети «Адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида» қарор қабул қилган ва бу қарорда юқоридаги каби кўп масалалар кўзда тутилган эди...

1932 – 1936 йиллар миёнасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлган, Алишер Навоий номли адабиёт музейида илмий ходим бўлиб ишлаган кекса журналист ва олим Раҳмат Мажидий шундай ҳикоя қилади:

«Марказий Комитетнинг мазкур қароридан сўнг РАПП, ЎЗАПП, ТАПП¹ каби номлар билан аталувчи турли-туман ёзувчилар уюшмаси тугатилди. Республикамизда ягона Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тузилиб, ижод аҳлини уюшма аъзолигига қабул қилиш ва бошқа турли ташкилий ишлар бошланиб кетди. Шунда Қодирий ҳам даъват этилиб, уюшма аъзолигига қабул қилинди».

– 1932–1934 йилларда мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкилот комитетининг масъул котиби эдим, – деб хотирлайди ёзувчи Назир Сафаров, – бир кун, ташкилот Комитетининг умумий мажлисини белгиладик-да, Раҳмат билан извошда Абдулла акани уюшма аъзолигига ва ташкилий ишларга тортиш мақсадида мажлисга таклиф қилгани боғларига чиқиб бордик. Кўклам эди. Абдулла ака боғда юмуш қилиб юрарканлар. Сўзлашиб ўтириб, у кишига муддаомизни айтдик, биргаликда мажлисга олиб келдик, раёсатга сайладик. Абдулла аканинг нутқи йўқ эди. Шундай бўлса-да, биз мажлисда у кишига сўз бердик. У киши уялиб, қизариб, нутқ сўзлай олмади. «Бунчалик ҳурмат қилиб минбарга чиқарганингизга раҳмат! Обдираб қолдим. Сўзлай олмайман. Менинг сўзларимни ёзган асарларимда ўқирсиз», деб жойларига ўтирдилар.

¹ РАПП – Россия пролетар ёзувчилар уюшмаси, ЎЗПП – Ўзбекистон пролетар уюшмаси, ТАПП Тошкент пролетар ёзувчилар уюшмаси.

«1932 йилнинг май ойида Москвада Бутуниттифоқ ёзувчилар Комитетининг кенгайтирилган ташкилий мажлиси чақирилди, – деб хотирасини давом эттиради Раҳмат Мажидий. – Бу мажлисга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ташкилий Комитетининг ҳамма аъзолари: Қодирий, Умаржон Исмоилий, Ойдин Собирова, Садриддин Айний ва бошқалар қатнашдик. Мажлисга Совет Иттифоқининг кўзга кўринган деярли ҳамма ёзувчилари, журналистлари тўпландилар. Мажлисида ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари А.А.Жданов ва ВКП(б) Марказий Комитетининг Ташкилий бўлим бошлиғи Шчербаков ўртоқлар иштирок этдилар.

Мажлисида Совет адабиёти ва санъатини қайта ташкил қилиш ва унинг туб ғоявий мазмуни, йўналиши, истиқболи тўғрисида кенг муҳокама юритилди. Ёзувчилар музокарага чиқди. Муҳим-муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Мажлистан сўнг, Тошкентга қайтдик. Абдулла акам билан поездда бир купеда суҳбатлашиб кетдик. Абдулла акам мажлистан яхши таассурот билан қайтган эдилар. У киши сўз орасида: «Мен эски зиёлиларни матбуотдан четлатиб қўйиш фақат биздагина рўй берди, деб ўйлаб юрар эдим. Ваҳоланки, бундай четлаштиришлар бутун Иттифоқ бўйича бўлган экан-да...» дедилар».

Шундай қилиб мазкур тарихий қарор совет ёзувчиларининг ҳаёти ва адабий фаолиятида зўр ўзгариш ясади. Уларнинг моддий, маънавий ҳаётига раҳнамолик қилиш, ижодий шароит, имтиёзлар яратиб бериш каби кўп тадбир ва ғамхўрликлар бошланди.

* * *

1932 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1933 ва 1934 йилнинг биринчи ярмигача, айниқса, 1933 йил оғир йил бўлди. Нон, озиқ-овқат йўқ, бор бўлганда ҳам, заборная карточка билан жон бошига икки юз граммдан тўрт юз граммгача нон (болаларга уч юз грамм, ишловчи оила бошлиғига тўрт юз грамм), у ҳам фақат ишловчи одамларга... Бошқа озиқ маҳсулотлари ҳам берилиши карточкада кўрсатилган бўлса-да, масалан, пахта мойи, гўшт, қанд, совун, уларни ҳеч ким кўрмас ё базадан умуман берилмас, ё берилса ҳам, дўконга етиб келгунча йўлакай йўқ бўлиб кетар эди. Баъзан гўшт-ёғ дўконга етиб келса,

халқнинг шўри эди. Зўравонлар силласи қуриган халқни бо-
сиб-янчиб навбатсиз олар, навбатдаги эзилган хотин-қизлар-
нинг фарёдидан кўнгиллар эзилар эди. Шунинг учун халқ нон-
дан бошқасига умид ҳам боғламас эди. Демак, халқнинг бир-
дан-бир умиди – нон. Нон ҳам қандай денг: арпа-жавдар ун-
ларидан пиширилган қоп-қора, қўлга ёпишадиган нордон нон.
Унинг икки юз граммини дўкондан шундоқ оласизу оғзингизга
соласиз. Бояги нон нордон эмасми, иштахангизни яна қўзгаб
юборади. Бироқ эртасига яна шу вақтгача сабр қилишга маж-
бурсиз...

Бизда қимматчилик ва қаҳатчилик деган сўзлар бор: қим-
матчиликда бозорда озиқ-овқат бор, лекин уни сотиб олиб
ейишга ақча йўқ. Қаҳатчиликда эса халқда ақча бор, лекин на
бозорда, на уйларда озиқ-овқат йўқ (демак, ҳосил бўлмаган
ёки озиқ-овқат келтириладиган йўллар бирон сабаб билан бе-
килган).

Жосият бибим ҳикоя қилар эдилар: қай бир йиллар, хон
замонларида бўлса керак, Тошкентда қаҳатчилик бўлган экан.
Халқ ҳатто сомон сувоқларини кўчириб ичидан донини ажра-
тиб еган экан. Шунда халқ:

*Олтин-кумуш тош экан,
Арпа уни ош экан, –*

деб ўз олтин-кумуш бойликларини Жанггоҳга келтириб ташла-
ган эканлар.

У чоқларда мен ўн беш ёшли эдим. Бинобарин, 1933 йил-
да бўлган очлик қимматчиликми ё қаҳатчиликми эди, тафовут
қила олмайман. Аммо шу нарсани биламанки, ҳар ҳолда, кадр-
сиз бўлса ҳам пул бўлса, бозордан озиқ-овқат топиш, қорин
тўйғазиш мумкин эди. Яна мени шу нарса ажаблантирадики,
очликдан ўлиш фақат Тошкентдагина эмас, қозоқлар орасида
ҳам кўп эди.

Чорсу бозорига тушганимда кўрар эдим: Кўкалдош мад-
расасининг тагида очлар қатор тизилиб ётар эди. Баъзилари
иҳрар, баъзилар қўл чўзиб, ўткинчилардан садақа сўрар эди-
лар. Ўткинчиларнинг ўзлари оч-ку, нима берсинлар... Ётган
очларнинг етмиш-саксон фоизи қозоқлар эди. Чамаси улар
Тошкент теварагининг қозоқлари, «Тошкентга тушсам, тирик
қоларман», деб охирги куч-мадорлари билан бу ерга етиб ке-

лар эдилар-да, бир неча кун ётиб шунда ўлар эдилар. Эрталаб махсус шаҳар аравалари келиб ўликларни йиғиб олиб бориб «Мусофирлар мозори»га, ҳозирги «Ўзбекистон миллий боғи» орқасидаги жар бўйига кўмар эдилар.

1934–1935 йилларда ТошМИ қошидаги медицина ишчилар факультети (медрабфак)да ўқиб юрганимда (бу тайёрлов курси Тошкент Медицина институтига талабалар етиштириб берар эди) бизнинг гурӯҳда Аринғазов фамилияли бир қозоқ киши ҳам ўқирди. У ёш жиҳатдан гуруҳимизнинг энг улуғи бўлиб, соч қўйган, тўладан келган, барваста, анча ўқимишли, араб ёзуви-ни билувчи, сиёсатдан хабардор киши эди. У чамаси Тошкент теварагида яшар, бола-чақали кўринар эди.

Аринғазов энг охирги столда мен билан ўтирар, кимнинг ўғли эканлигимни билар, баъзан жиддий суҳбатлашиб ўтирар эди. У «Муштум» журналининг янги чиқа бошлаган даврларини, Қодирийнинг Ғози Юнус билан бўлган 1925 йилдаги баҳс-мунозараларини ўқиганлигини айтиб кулар эди. Бир куни мен Аринғазовга ўтган йиллардаги очликни ва унда кўп қозоқ-ўзбек халқларининг нобуд бўлганлигини ва кўрган-кечирганларимни айтиб бердим. У оғир тортган каби бўлди. «Ҳикоям»ни эшитгиси келмагандай стол устидаги ўқув китобини варақлай бошлади-да, тўсатдан тўнғиллади: «Очликдан қозоқ халқининг қирқ фоизи қирилиб битди!..» Мен сўрадим: «Нега, дон бўлмадим?» Аринғазов бу мавзуда мен билан сўзлашгиси келмагандан яна китоб варақлай бошлади ва «Кел, қўй, ука, деди, бундай сиёсий масалаларни текширмоқ учун сен-бизлар ёшлик қиламиз... Ўртоқ Сталин бизнинг дохиймиз. У нима буюрса, биз шуни бажарамиз...» гапни кесди у.

Кейинчалик хабардор кимсалардан сўрадим. Айтишларича, барча ерда бўлгани каби Қозоғистонда ҳам колхоз қурилишида шарт-шароит ҳисобга олинмаган. Лекин ўша вақтдаги тарихчилар бу масалани сукут билан ўтказдилар ёки силаб-сийпаб кўрсатдилар. «Қозоғистон шароитида колхозни бундай равишда қуриб бўлмайди», деган раҳбарларни «Сен аксилинқи-лобчисан!» деб отиб ташлаганлар. Шу боис чорва қуриган, дон экилмай қолган, очлик бошланган, омборлардаги захира буғдой-донларни очларга тарқатиш қатъиян ман этилган. Баъзи юраги ачиб омборларни очларга очиб берган туман ва вилоят раҳбарларини эса «сенлар ўртоқ Сталиннинг буйруғини буз-

динлар», деб отиб ташлаганлар. Натижада оч халқ судралиб-эмаклаб келиб қулфлоглик, соқчилар назоратида турган дон омборлари ёнида жон бера бошлаган.

Халқ огир ҳаёт кечирар эди. Ўйин-кулги, орзу-ҳавас деган гаплар йўқ. Ҳамма бир нарсани ўйлар эди: бугун қандай қилиб қорин тўйғазсам экан? Ҳатто «ортиқча» бўлиб қолган ёш болаларини Ўрда сувига улоқтирган ота-оналарни, кўчага ҳайдаб қўйилган қари ота-оналарни, уларни ташлаб қочиб кетган болаларини ва бир бурда нон учун бир-бирларини ўлдирганларни ҳам кўрганмиз.

Биз боғимиз, деҳқончилигимиз, сигир-бузоғимиз борлиги учун бирмунча дуруст яшар эдик. Бунинг устига шу йил (1933) биз тақсимот дўконига ёзувчи, профессор, санъаткор, инженер каби мутахассислар учун очилган махсус дўконга аъзо қилинган эдик. Дўконимиз Пушкин кўчасида, Тельман паркига бурилишдаги бир қўра ичида эди. Мен мактабдан бўшаган чоғларимда доим дўконга қатнар эдим. Дадам эса кўпинча «Обид кетмон» қиссасини ёзиш, русча-ўзбекча луғат тузиш (П ҳарфини) ва бог ишлари билан банд эдилар ва баъзан мен билан қоп орқалашиб тушиб «Чуқур қишлоқ»даги ўртоқлари Маҳмуд сариқнинг тегирмонида жўхори тортиб чиқар эдилар.

Ойим бечора эрталабдан-кечгача таом тайёрлар: жўхори унидан хамир қилиб, ичига қовоқ қўшиб тандирда зоғора нон ёпар ва кунига бир-икки марта суюқми-қуюқми таом пиширар, мол боқар, сигир соғар эдилар. Балки, айтарсиз: «Бунча таомлар кимларга тайёрланади?» деб. Дадам Рашид ака деган бир кекса кишини Қудратилла исмли ёш ўғли билан кўчадан етаклаб келиб: «Бу киши эски танишим, бечора, қийналиб боласи билан кўчада қолибди, яхши кунлар келгунча бизда яшаб турсинлар», деб шийпонимизга ўтказиб қўйган эдилар. Етти жонли бир қўшнимиз очликдан ёппасига шабкўр бўлиб уйга кириб қолган эдилар ва яна катта амакимнинг аҳволи ҳам унча яхши эмас эди. Ана шу жонларнинг ҳаммасини баҳоли қудрат таом билан таъминлаш керак эди... Дадамнинг ўзлари ҳам тинимсиз ишлаганлариданми ё бошқа бир руҳий ҳолатданми, овқатни яхши есалар ҳам, озиб-чўнкаб кетган эдилар.

Шу ўринда Шайх Саъдийнинг «Гулистони Саъдий» китобидан бир ҳикоят ёдимга тушиб кетди. Саъдий ҳикоя қилади:

«Фалон шаҳарга, фалон исмли дўстимнинг мулоқотига борган (шаҳар ва дўсти номларини унутдим – Ҳ.Қ.) эдим. Иттифоқо, у шаҳарда очлик ҳукм сураётган экан. Шаҳар халқи озиб-тўзиб кетган, ҳар лаҳзада бир ўлим рўй бериб турар экан... Дўстим эса бадавлат турар, емак-ичмаги зиёда эди. Лекин шунга қарамай, дўстим озиб кетган, ранги таг-тагидан сарғайиб кетган эди. Мен ажабланиб дўстимдан сўрадим:

– Халқ-ку, йўқликдан, очликдан ҳалок бўляпти, сенинг мол-дунёйинг бор, емоқ-ичмоғинг яхши, шу ҳолда нега озиб-сарғайиб кетдинг, дўстим?..

Дўстим жавоб қилди:

– Менинг озишим, сарғайишим очликдан эмас, халқим бошига тушган бу оғир кулфат-ғамдандир...»

* * *

Масъуд укам қиш кезлари сандалда биз билан ўтирарди-да, уйқуси келса, секин орқасига ётиб ухлай бошларди ва тўсатдан уйғониб, ётган қўйи ойимга дер эди:

– Ойи, ойи, бўлка нон топсанглар, менга олиб қўйинглар, эрталаб ейман...

Биз кулар эдик. Чунки у зоғора нонни нон ҳисобламас, дарҳақиқат, зоғора тезда кўнгилга тегади.

* * *

1932 йил баҳоридан мен бел, оёқ оғриғи бўлиб қолдим. Доктор, табибларнинг дори-дармони наф беравермагач, пишиқчилик кезларида дадам мени «Ҳаво ўзгартирсин, қимиз ичсин», деб Тошкент чеккасидаги «Қонқус» қишлоғига (Зангиота яқинида), Камолхон домла исмли яқин дўстларининг даласига ташлаб келдилар.

Камолхон домла бизнинг шаҳар ҳовлимизга ҳаммаҳалла, дадамдан ўн беш ёшлар катта, баланд бўйли, чўзиқ оқ юзли, хийла ўқимишли, закитаъб, тадбиркор, салобат-шижоатли, нуфузли, рус тилини яхши билувчи киши эди. У киши инқилоб йилларида комиссарлик қилган ва САГУ янги ташкил этилган кезларда шарқ факультетида бир-икки йил дарс ҳам берган. Камолхон домланинг иккита шаҳар ҳовлиси (иккиси ҳам Эшонгузар маҳалласида) ва иккита боғ-даласи (бири Қатор-

тол мавзеида) бўлар, унда болалари, келин-кеват, неваралари яшар эди.

Домланинг Қонқусдаги ери катта бўлса ҳам, кўп қисми деҳқончиликка яроқсиз, сувсиз, фақат озгинаси обод қилиниб, унда баҳаво бир кўрғон, ташқарисида эса теварагига тол экилган катта ҳовуз, бир неча ишком узум ва анжир, олма каби мевазори, қовун-тарвуз полизи, соғин бия, сигир ва бешта қўйи бор эди. У киши бу ерда хотини билан турар ва уларнинг бир хизматкори бўлиб, ўзлари ҳам доим боғ ичида ғимирлаб, ишлаб юрар эди.

Камолхон домла жуда майин сўзли бўлиб, дадамни сенсирар эди. Дадам суҳбат чоғида домлага кўпинча ҳазил-мутойиба қилиб сўзлардилар. Домланинг «касби» ва «хислат»лари ҳам кўп эди: намозда имомликка ҳам ўтаверар, боғбонлик ва диний илмлардан маъруза ҳам ўқийверар, қишлоқ аҳолисига томир кўриб, табиблик ҳам қилаверар, боғига дам олгани рус меҳмонлари келса (домланинг кекса рус олимларидан, докторлардан ошналари кўп эди), улар билан илмий мунозара ҳам қилаверар, қишлоқ аҳлига тасбеҳ ўғириб, дуо ўқиб, дам ҳам уриб қўяверар, ўрни келса, ичкилик ҳам ичаверар ва ора-чора кўкнори эзиб ичиб, қора дори ҳам еб турар эдилар...

Мен домланинг уйида «эрка ўғил» бўлиб яшардим. Домла менга табиблик қилиб, ҳар куни қандайдир ўсимлик илдизини (томир дори) дамлаб ичирар, кув пишиб, куни билан қимиз ичишга қистар ва профессор Фитратнинг араб алифбосидаги «Ўзбек адабиёти намуналари» китобидан ҳар кун оз-оз ўқитиб, дарс берар эди.

Дадам ҳар жума куни эрталаб барвақт кун қизиб кетмасдан мени кўргани келар, кечгача домла билан суҳбатлашиб, кечки пайт баъзан мен билан Қонқусда янги ташкил этилган совхозни айланар ва шанба куни эрталаб уйга қайтар эдилар.

Шу кунларда дадам «Ўткан кунлар»ни қайта нашрга тайёрлар эдилар. У киши бир-икки гал мени кўргани борганларида, ҳовуз лабида супада дам олиб ётиб, рюкзакда ола чиққан романни ўзларича ўқир, баъзи жойларини тузатар ва гоҳо романнинг баъзи ўринларини ўзгартириш-ўзгартирмаслик тўғрilarида домла билан маслаҳатлашиб ҳам олар эдилар. Бир гал дадам сўрадилар:

– Камолхон ака, «Мусулмонқул истибдодига хотима» бўлимидаги Юсуфбек ҳожининг анови гаплари тураверсинми ё қолдирайми, замонни кўриб турибсиз...

Камолхон домла бир оз ўйланиб турди-да қўл силкиб:

– Тураверсин, – деди.

Мен домланинг даласида бир ярим ой чамаси туриб, тузалиб уйга қайтдим.

Домланинг тадбиркорлик, ҳаммабоплик хислатлари «Обид кетмон» қиссасидаги Хатиб домла образида қисман ўрин олгандек.

Қодирий шу кезлардан бошлаб қишлоқ, колхоз ҳаётидан ёзмоқчи бўлган ўз асарларига замин ҳозирлай бошлаган каби кўринадилар. У киши ҳар гал Қонқусга келарканлар, йўлакай неча-неча қишлоқ, колхозларга кўниб ўтардилар. Буни мен у кишининг Камолхон домла билан қилган суҳбатлари мазмунидан пайқардим. Бир гал дадам Қонқусдан шаҳарга қайта туриб, қайсидир бир қишлоқдами, колхоздами кўнганларини, унда чойхонада бир гуруҳ колхоз зараркунандалари устидан суд олиб борилаётганлигини ҳикоя қилиб, кулиб шундай деган эдилар:

«Судловчи порахўрликда айбланувчи колхоз раисига: «Сиз фалончи қулоқнинг уйида бўлгансиз, зиёфатини егансиз, иқрормисиз?» деб савол беради. Айбдор: «Иқрорман», зиёфатини еганман, еган зиёфатни емадим десам, кўр бўламан...» деб жавоб қилади. Тингловчилар айбдорнинг содда жавобидан хахолаб кулишади...»

АЛЕКСЕЙ ТОЛСТОЙ – МЕҲМОНИМИЗ

1933 йил эди, шекилли. Иссиқ баҳор ойлари, шийпон қаршисига экилган эртаги картошкаларни кун қизигида дадам билан бароб қилар, ариқ ичларини тутиб кетган палакларни пуштага олиб ётқизиб, картошка бўғзини тупроқ билан кўмар эдик. Кўча эшиги очилиб, икки киши кириб келди. Уларнинг бириси менга таниш, дадамнинг эски ошналаридан Исмоил Обидов исмли киши бўлиб, иккинчисини биринчи кўришим эди.

Исмоил Обидов (бу киши тўғрисида юқорида дадам ўз таржимаи ҳолларида бир қадар эслатиб ўтдилар) қозон тата-

ри, дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, новча-қотмадан келган, чуқур кўзли, бошида шапка, пенсне таққан, мош-гуруч соқол-муртли, оқ кўйлаги устидан сириб камар таққан, қўлтиғида мудом бир эски портфел, узун, эгри муштугини тутатиб юргани-юрган эди.

Дадамнинг айтишларича, бу киши кўҳна коммунист-инқилобчи, 1904–1906 йилларда Тошкентда чиққан «Тараққий» газетасининг асосчиси ва муҳаррири бўлган, шунинг учун бўлса керак, уни «Тараққий» лақаби билан ҳам аташарди. Инқилобдан сўнг турли юқори раҳбарлик ўринларида ишлаган, кейинчалик шахсий пенсияга чиққан.

Исмоил Обидов бизникига тез-тез келиб турар, дадам билан суҳбатлашиб қайтар, суҳбат мунозаралари аксар сиёсий, адабий мавзуларда бўлар эди. У, сезишимча, русчага чечан, дадамни «Абдулла» дерди. Чамаси, «Тараққий»нинг салмоқлаб сўзлаши маъқул тушарди, шекилли, дадам у кишидан вақтларини аямас эдилар.

Келувчиларнинг иккинчиси эллик ёшларда, баланд, тўла қоматли, оқиш чўзиқроқ юзли, кичкина қорача соқол-муртли, оқ кўйлаги устидан пўта белбоғ боғлаган, хром этикли эди. Бу киши қиёфаси ва сўзлашидан русга ўхшар эди.

Дадам ишни қўйиб, меҳмонларни қарши олдилар. Чама-си, рус кишини биринчи кўришлари эди. Бегона киши билан кўришгандай қўл олишдилар. Рус киши, менимча, очик чехра, ҳаракатчан, шахтсўз, хуштаъб, тез эл бўлувчи кўринар эди. У дадамнинг оқ қалпоқ, ич кўйлак иштонда, яланг оёқ, терлаб-пишган ҳолатларини аста кузатиб нимадир деб кулди.

Дадам меҳмонларни шийпон таги уйга олиб кирдилар. Уй ташқарига қараганда салқин эди. Шаҳардан пиёда иссиқланиб чиққан меҳмонлар стол теварагига ўтириб, ором олгандай бўлишди ва дарҳол суҳбат бошланиб кетди. Мен орада қандай суҳбат борганини, буларнинг ташриф сабабини, ҳали русча тушунмаганим учун била олмасам-да, дадамнинг жиддий, ўйчан муомалада бўлишларидан бу киши анчайин кимса эмаслигини сездим. Дадам бир оз сўзлашиб ўтиргач, менга таом тайёр бўлса, келтиришни буюрдилар.

Шу кун тушликка мошхўрда қилган эдик. Ойим қатиқ, райхон, мурч солиб тўрт коса ош сузиб бердилар. Косаларни келтириб қўярканман, дадам гўё «меҳмонларга дурустроқ таом

тайёрламадик» дегандай узрнамо нимадир дедилар. Рус меҳмон узрга аҳамиятсиз қўл силкиб, бундай таомни биринчи кўришими, аста бир қошиқ татиб кўрди ва маъқул тушди шекли, кулимсираб иштаҳа билан ича бошлади.

Таом чоги суҳбат давом этди. Дадам рус асарларини ўз она тилларидек тез ўқир, катта-катта китобларни икки-уч кунда ўқиб тушираверар, имло-иншолари ҳам яхши эди. Бироқ ҳадис олмаганлариданми, назаримда, рус тилида унча тез, силлиқ гаплаша олмас, баъзи мураккаб ибора-фикрларни сўзлашга қийналиб, ўйланиб тўхтардилар. Шу сабабли у киши суҳбатда, ёнларида бирор русча яхши сўзловчи бўлса, баъзи фикрларини ўз она тилларида ифодалаб таржима эттирар эдилар. Бу гал ҳам шундай бўлди: дадам меҳмоннинг саволига жавобанми, ҳар ҳолда шундай бир мазмунни сўзлаганлари ва Исмоил Обидов таржима этгани эсимда:

«Бизнинг шеърятимиз неча юз йиллардирки шаклланган, ўзининг хос услуби, жаранги, лирикаси, анъанаси билан жаҳон адабиётидан тегишли ўринни олган. Аммо, насрий реал адабиётимиз ҳали бешиқда. Буни биз ғарбдан ўргана бошладик...

Исмоил Обидов таржима этганда рус киши бу фикрга қўшилгандай бош ирғаб диққат билан тинглаб ўтирди. Меҳмонлар бир-икки соат ўтириб қайтишди. Улар кетгач, мен дадамдан сўрадим:

– Ада, бу киши ким?

– Рус ёзувчиси Алексей Толстой Москвадан юмуш билан келган экан... Мен билан танишишни истабди...

* * *

Шу ташрифдан бирор ой кейинми, ҳар ҳолда, хусайни узумлар ҳали ғўра чоғи эди, бир кун дадам:

– Эртага бизга Алексей Толстой хотини билан меҳмон бўлиб келади, – дедилар ва оймга меҳмоннинг беш-олтита роман муаллифи эканлигини айтиб, баъзи маслаҳатларни бердилар. Масалан: қаерга жой ҳозирлаш, нима таомлар тайёрлаш, меҳмонларни қандай кутиб олиш, ҳоказо...

Эртасига пешиндан кейинроқ меҳмонлар келишди. Алексей Толстой деярли аввалги кийимда, рафиқаси Толстойга қараганда анча ёш (дадамнинг айтишларича, Толстойнинг биринчи рафиқаси вафот этган, бу иккинчиси экан), ўрта бўй, оқ тўгарак юзли, узун, енгсиз, қўш этак кўйлакли; ёзувчининг котиби (баҳарҳол, менга шундай тушунтиришди) бўйчан, яхши

кийинган ёш йигит ва Исмоил Обидов. (Исмоил Обидовнинг Алексей Толстой билан ҳар вақт бирга юришидан улар эскидан дўст бўлсалар керак, деб ўйлайман.)

Алексей Толстой ойим билан тавозеланиб кўришаркан, исм-фамилиясини айтиб нимадир деди. Ойим «тушунмадим» дегандай бош чайқадилар. Исмоил Обидов: «Меҳмон сихатлигингизни сўраяпти», деди. Ойим «Раҳмат!» дегач, Толстой дадамга жиддий қараб, яна нимадир деди ва ҳаммалари кулишди. Кейин дадамдан билсам, Толстой ойимни рус ёки татар аёлига ўхшатган ва у билан русча сўзлашмоқчи бўлган... Дарҳақиқат, Алексей Толстой ақида қилганича, ойим оқ-сарик тусли аёл эди...

Меҳмонлар стол-стулда ўтирмай, шарқча, ерда ўтиришни хошлашди. Зиёфат бошланди. Мен хизмат қилиб, чой, кабоб, манти киритиб турдим. Пиширилган кабоблар меҳмонларга маъқул тушди шекилли, бир гал кирганимда Алексей Толстой мени тўхтатиб сўради (албатта, таржимон орқали):

– Исминг нима?

– Ҳабибулла.

У исмининг маъносини дадамдан сўраб, сўроқда давом этди:

– Кабобларни ким пиширяпти?

– Мен.

– Жуда мазали, раҳмат! Нечанчи синфда ўқийсан?

– Еттинчида.

– О-ҳо, жигит бўлиб қолибсан-ку! – деди кулиб Алексей Толстой ва дадамга қараб, мен ҳақимда нималарнидир сўзлаша бошлади. Кейин дадамдан билсам, у ўзининг ҳам мендек бир ўғли борлигини, агар рухсат этсалар, мени ўзи билан бирга Москвага олиб кетишини, ўғлига ўртоқ қилиб бирга тарбиялашни, ўқитишни айтган экан...

Зиёфат қизғин давом этаркан, бир гал улар олдида кирганимда, дадам Умар Хайём рубоийларидан ўқиб, ўз тилларига таржима этар, Исмоил Обидов эса уни меҳмонларга тушунтириб берар эди. Ўша ўқилган рубоийларнинг баъзилари қулогимга чалиниб, мазмуни ёдимда қолгани учун куйидаги икки мисрани Хайём рубоийларидан кейинчалик излаб топдим:

*Май биҳур, музҳаб бисўз, оташ андар, Каъба зан
Соқини бутхона бошу, мардум озори макун¹*

¹ Мен бу мисраларни дадам оғизларидан эшитганимча таржима қиламан: «Майини ич, масжидига ўт қўй, алангасига Қуръонни ҳам ташлаб ёндир (ўз

Орадан бирмунча ўтиб, шеърхонлик суҳбат давом қилар эди, Гулом Зафарий нотаниш бир рус киши билан кириб келди. Нотаниш киши ўрта бўй, ўрта ёш, кўзойнакли, ҳарбий кийим ва этиқда эди. Айтишларича, бу киши ҳам москвалик шоирми, драматургми экан¹ (афсуски, бу кишининг исм-фамилияси хотирамда сақланмаган). Булар келгач, зиёфат янада қизигандай, суҳбат авжига мингандай бўлди. Лекин улар келгандан сўнг кўп ўтмай, Алексей Толстойнинг рафиқаси ва котиби негадир жўнаб кетишди. Ёдимда, шунда Толстойнинг рафиқаси биз билан хайрлашаркан, менга бир неча ток новдаларидан узиб беришни илтимос қилди ва уни зонтик ўрнида бошига тутиб жўнаб кетдилар.

Улар кетишгач, қизғин мунозара яна анча давом этди. Мунозара, айниқса, Алексей Толстой билан кейинги рус меҳмони ораларида борди, чоғи... Дадамнинг айтишларича, улар, чамаси қандайдир бир адабий оқим, назариями тўғрисида келиша олмас эканлар...

* * *

1933 йилнинг кеч кузаги эди, шекилли, дадам, бир-икки ой босим ўтириб, «Русча-ўзбекча тўла сўзлик лугат»нинг «П» ҳарфини туздилар. Ёдимда, у киши сандалда ўтириб, атрофларига ўнлаб рус, ўзбек, араб, турк луғатларини ёзиб қўйиб, алфавит бўйича китоблардан янги сўз излар ва топиб ёзгач, лугатлардан унга яна маъно қидирар эдилар. Ниҳоят, жадал ишлаб у киши ўн бир минг сўзли «П» ҳарфини шу йилми ёки 1934 йилнинг бошларидами тугатиб, нашриётга топширдилар. Луғат 1934 йил ёзида лотин алифбосида босилиб чиқди. Бироқ лугат ҳақи олишга келганда шундай англашмовчиликлар рўй берди:

Шундайки, «П» ҳарфини тузишнинг бошида Абдулла Саидов номли киши Ўзбекистон Давлат нашриётидан шартнома тузиб олади. Бироқ Саидов беш юзга яқин сўз луғат тузгач, қолмиши-

мусулмон динингни инкор этиб), бутхонага кириб ибодат қил. (Буларнинг ҳаммаси кечирилиши мумкин, демоқчи) Аммо бировнинг дилини оғритма. (Бу кечирилмайди, демоқчи)

Баъзи шарқшунос олимларимизнинг сўнги текширувларича, юқоридаги шеър Хайёмники эмас эмиш. Гўё Хайёмдан сўнг баъзи шоирлар, шунингдек кўпгина шеърларни тўқиб, унинг рубойларига қўшиб юборган эмишлар...

¹ Дарвоқе, шу йилларда Москвадан Ўзбекистонга кўп ёзувчилар келишган, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жумҳурият ҳаётини ўрганиб юришар эди.

ни уддалай олмайди, чамаси, нашриёт лугатни давом эттиришни Қодирийга таклиф қилади. Дадам нашриёт билан қайтадан шартнома тузиб ўтирмай, Саидовнинг сўзига ишониб, лугатни қабул қилиб оладилар ва ўз вақтида битказиб берадилар.

Орадан маълум муддат ўтгач, дадам ҳақ олгани нашриётга борадилар. Бироқ ҳисобчи «Ҳақни шартнома тузган Саидов олиб кетган...» дейди. Қодирий ҳайрон қоладилар. Бу кўнгилсизликни биз оиладагилар сезган эдик. Бирмунча вақт ўтиб, бир кун ойимми, кимдир бу тўғрида сўз уриниб дадамдан сўрадик. Дадам сўзлашни тиламагандай ҳафсаласиз қўл силтаб, «Ундириб бермоқчи бўлишган эди, хоҳламадим», дедилар. Биз «Нега?» деб сўрадик.

Саидовнинг уйига борсам, бечораҳол, уч-тўртта майда болалари бор экан. Шуларга қараб туриб, кечиб юбордим, дедилар».¹

«ОБИД КЕТМОН»

«Обид кетмон» 1932–1934 йилларда ижод этилган қисса ёки уни ҳажм ва қисман мавзу жиҳатидан роман дейилса ҳам бўлур. Уни ёзувчи елкасида рюкзак қишлоқма-қишлоқ, яланг оёқ юриб, далаларни кезиб, қўлида кетмон, пахта чопиқларида қатнашиб, бободехқонлар билан суҳбатлашиб ёзган.

Бу қисса совет замони, воқелигини акс эттирувчи асар. Шу билан у ўзбек совет адабиёти тарихида колхоз-қишлоқ ҳаётидан олиб ёзилган тўнгич улкан асар ҳамдир. Албатта, Қодирий деҳқончилик илмидан хабардор бўлсалар ҳам бу ҳали жуда оз эди. У киши асарни ёзишга жазм қилиб, маълум тўхтамга келиб олгач, ишни қишлоқма-қишлоқ, колхозма-колхоз кезишдан, деҳқонлар билан дардлашиб, дала ҳаётини чуқурроқ ўрганишдан бошлайдилар. Бу даврларни эслаб Раҳмат Мажидий² 1967 йили «Фан ва турмуш» журнали 7-сониде босилган «Ажойиб инсон» мақоласида шундай ёзган эди:

¹ Бу тўғрида 1934 йил 11 августда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Қодирийнинг «Луғат пудратчилиги ва қуруқ расмият» деган мақолалари босилган.

² Менимча, бу суҳбат 1932 йилда бўлган ёки «Обид кетмон» қиссаси бу суҳбатдан олдин ёзила бошлаган бўлса керак. Чунки қиссанинг айрим боблари 1932 йилда «Шўро адабиёти» журналида босилган (бу тўғрида сўнгроқда сўз бўлур).

«1933 йил эди...¹ Республика ҳукумати ўзбек адабиётида проза жанрини ривожлантириш мақсадида прозада ёзилган энг яхши асарлар учун танлов эълон қилган эди. Шу муносабат билан мен бошқа ёзувчилар қатори марҳум ёзувчимиз Абдулла ака билан ҳам алоҳида суҳбатлашдим. У кишини конкурсда қатнашишга тарғиб қилиб, бу хусусда қандай ёрдам зарур бўлса, уюшмамиз томонидан муҳайё қилинишини айтдим.

Абдулла ака бу яхши ташаббусдан хабари борлигини ва ўзи ҳам бирон асар ёзиб қатнашажагини гапирди. Аммо ёрдам ҳақида ҳеч нима демади. Мен бу тўғрида унга яна бир бор эслатдим.

– Ёрдамга ҳожат йўқ. Лекин, чамамда, бирон жиддийроқ асар ёзиш учун эл-юрт орасида кўпроқ бўлиш керакми, дейман. Шаҳар, қишлоқларимизни бир айланиб, деҳқон халқ билан суҳбатлашилса, жуда яхши бўлар эди, – деди Абдулла ака ўйчан.

Мен бу гапни маъқуладим, қанча муддатга ижодий командировка зарур бўлса, берилишини айтдим. Шунда Абдулла ака, табассум билан:

– Гап командировкада эмас, йўқ. Эгар-жабдуғи соз бир отинг бўлса, истаган жойга бориб, истаган жойда қўниб, одамлар билан суҳбат қилсанг, унинг йўли бошқа, – деди.

Бирмунча вақтдан сўнг Тошкент вилоятининг турли кент ва қишлоқларида Абдулла аканинг ўзига хос саёҳати хабарларини эшитиб турдик. Жойларда унинг ким эканлигини биров билган, биров билмаган. Шу саёҳат натижасида ёзувчининг «Обид кетмон» асари юзага келди».

Ёдимда, 1932 ва 1933 йил ёз ойларида дадам кўпинча вақтларини Тошкент теварагидаги қишлоқ-колхозларда айланиб ўтказдилар. У киши эрталаб барвақт турардилар-да, сафарга отланар, кўк рюкзакни орқалаб йўлга тушар эдилар. Рюкзакда адёл, ёстиқча, пахтали тўн, сандал-кавуш, қоғоз-қалам, бир неча пачка папирос (у киши фақат «Эпоха» папиросини чекар

¹ Раҳмат Маждий (1906 – Хива – 1983, Тошкент) – партия ходими. 20-30 йиллар матбаачилигининг фаол қатнашчиси, адабиётшунос, танқидчи. «Совет адабиёти», «Гулистон» журналларига муҳаррирлик қилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси (1934 й). Сўнгги вақтларда Р.Маждий Қўлёмалар институтида ишлаб илмий ишлар билан шуғулланади. Шахсга сиғиниш даврининг жабрланувчиси.

эдилар), гугурт бўлар эди. Ойим «Чой ичиб кетмайсизми?» десалар, «Йўқ, кун қизиғига қоламан, салқинда йўл босиб олай, йўлда чойхонада нонушта қиларман», дер эдилар. Шу кетганча ҳафталаб уйга келмас, қайтгач, беш-ўн кун зарур уй-боғ ишларига қараб, яна жўнаб кетар эдилар.

Мен бу сафарларда дадам билан бирга юрмаган эсам-да, қайси ерларда кўпроқ бўлганларини, кимлар билан учрашиб, нима ишлар қилганларини ўзларидан ва ўзгалардан бир қадар эшитганим бор. Қодирий асосан ўзларига тажриба ўрганиш манбаи қилиб, негадир, Тошкент шимолидаги Кўктерак қишлоғини ва унинг теварагидаги колхозларни танлаб оладилар. У ерларга бир неча бор яёв чиқиб, бир неча кунлаб турадилар, қишлоқ-колхозлар билан танишадилар... Қодирий ана шу сафар даврларида кўктераклик Иноғомжон исмли кекса соҳибкор билан танишадилар ва у билан то умрларининг охиригача борди-келдиларини узмайдилар.

Иноғом ота сўнгги вақтларда (бу киши 1971 йили 86 ёшида вафот этди) мен билан ҳам отақадрдон дўст бўлиб қолган эди. У киши дадам билан танишишини эслаб, шундай ҳикоя қилган эди:

«Мен Жулқунбой номини аввалдан эшитиб, Отабек, Кумушбиби китобларини ўқиган бўлсам ҳам ўзларини кўрмаган эдим. «Кўктеракка Жулқунбой келибди», деб эшитдим. Бир кун гузарга чиқсам, чойхона ёнидаги ҳовуз-супада зиёфат катта. Колхозимизнинг раиси, буғалтири, ҳосилоти, селсовети, қўйинг-чи, ҳамма раҳбарлари ўтирардилар. Сўраб билсам, улар орасида Жулқунбой ҳам бор эмиш. Узоқдан назар солдим, соч қўйган, қора киши эканлар...

Шу кун кечки пайт боғимда юмуш қилиб юрсам, танишлардан бириси кириб: «Эшигингизда Жулқунбой сизни чақираётир», деди. Ажабланиб, нима юмушлари борлигини ўйлаб югуриб чикдим. Кўришиб, сўрашиб, уйга таклиф қилдим. Абдулла акам (отанинг ёши катта бўлса-да, дадамни шундай атарди – Х.Қ.) ортиқча такаллуфсиз кириб меҳмон бўлдилар, суҳбатлашдилар. Билсам, у киши, ҳалиги улуғлардан: «Мени бирон деҳқончилик-боғдорчилик илмини дуруст биладиган кексароқ киши билан таништиринглар, суҳбатлашсам», деб илтимос қилибдилар. Раҳбарлар ўйлашиб мени маъқул кўришибди ва таништиргани одам қўшиб йўллашибди. Абдулла акам

шу куни бизникада қолдилар. Сухбатлашиб ётдик. Сўз орасида у киши дедилар: «Колхоз раҳбарингиз маишатни жуда дўст тутадиган кишилар экан. Қарасам, иш бу ёқда қолиб, зиёфатдан бўшамайдиганман. Секингина ўзимни четга ола қолдим...» Бу сўзлардан мен қувондим, у кишига муҳаббатим ошди. Шу-шу дадангиз ҳар Кўктеракка келганларида тўғри бизникига қўнадиган бўлдилар...»

Иноғом ота қорачадан келган, паст бўйли, жиккак, мошгучуруч чувак соқолли, кўнгли очик, қизиқ табиатли, гапдон, ўтган-кетганлардан сўзлаб, ҳамсуҳбатларини кулдириб ўтирувчи, қўшхотинили киши эди. Иноғом отанинг қўли теккан нарса кўкаради, шунинг учун у киши гоҳо, «Кўлимга етти ёшимдан тоққайчи олганман», деб мақтаниб ҳам қўяр эди. Дадам бу киши тўғрисида шундай ҳикоя қилар эдилар:

«Иноғом ота зўр соҳибкор, меҳнаткаш, қўли гул киши. Мен ҳам ўзимни боғбонман, деб юрарканман... Унинг богига кириб хайрон қолдим. Ишқомлари кенг-кенг, поя ўрнига баланд-баланд қилиб йўғон-йўғон устунлар қадалган. Ҳосили шу қадар кўпки, гўё атонга осилгандек ғуж-ғуж. Узум узмоқчи бўлса, худди нарвонга чиққандек бағазларга оёқ қўйиб ишқом устида юраверади. Узум узар вақтида от-арава бемалол ишқом ичига кирaveraди, арава устида туриб узум узилар ва аравага пай уриб шаҳарга жўнатилаверади...» Қодирий Кўктеракка борган чоқларида Иноғом отани «киши кучидан фойдаланган» деб шўрога ҳақсиз қилишган, жамоат ишларидан четлатиб қўйишган бўлади. Қодирий ота билан танишиб, аҳволдан хабардор бўлгач, унинг тўрт-беш танобгина ери борлигини, ерини асосан ўз қўл кучи билан обод қилганини ва шўрога ҳақсиз этилиши асоссизлигини сезадилар. Отага ёрдам қилмоқчи бўлиб, ариза ёзадилар-да, бир кун у кишини бошлаб Охунбобоев олдига чиқадилар...

Олдин Қодирий ўзлари ҳузурига кириб, Охунбобоевни Иноғом отанинг аҳволотидан хабардор қиладилар, кейин отани чақиртирадилар. Охунбобоев сўрашиб, у кишини ўтиришга таклиф этади ва кулиб дейди:

– Ҳа, сизни шўрога ҳақсиз қилиб қўйишдимиз?

– Шундоқ, ота.

– Киши кучидан фойдалангансиз-да, бўлмаса, ерингиз катта эмас экан.

– Мен киши кучидан фойдаланган эмасман, тақсир, – дейди жавоб қилиб Иноғом ота, – менинг бир эмас, иккита бақувват-бақувват хотиним бор. Ана шуларнинг куч-ёрдамида богимни обод қилганман...

Отанинг гапидан Охунбобоев хахолаб кулади ва аризага ижобий жавоб қилади.

Қодирийнинг Кўктерақда нималар қилганини хотирлаб, Иноғом ота бундай дейди:

«Абдулла акамлар Кўктерақда олдин бир неча вақт гузарда, колхоз идорасида ивирсиб, раис, ҳосилот, бугалтир, ҳисобчилар билан сўзлашиб юрдилар. Кейин, гоҳ ўзлари, гоҳ менинг ҳамроҳлигимда бригадама-бригада айланиб юриб иш бошида бўлдилар, аъзолар билан суҳбатлашдилар, колхоз ери билан танишдилар. Шундай бир кулги ёдимда: бир кун тушки пайт Абдулла акамлар билан айланиб бир бригадага бордик. Аъзолар пахта чопиқ қилишарди. У киши улар тепасига бориб, «ҳорма-бор бўл» қилиб, ишга разм солиб турдилар, чопиқнинг қоида-усулини сўрадилар. Кейин, бир кетмончига «Қани, сиз кетмонни бериб, дам олинг-чи, бир ўзимни синаб кўрай», дедилар ва кетмонни олиб чопиқ қила кетдилар.

Чопиқчилар Абдулла акамнинг бу ишқивозликларидан кулишди, йироқ-яқиндан кўз ташлаб томоша қилишди. Абдулла акам анча ергача чопиқни давом эттириб бордилар; кейин, бригадир, кетмон эгасига имлагач, у кулиб кетмонни олди. Шу кун бригада билан бирга ўтириб тушлик қилдик. Чопиқчилар орасида қизиқчиरोқ бир йигит бор эди. Ҳалиги тушмагур, таом чоғида Абдулла акамга шундай аския қилди: «Жулқунбой акамлар жуда чиройлик чопиқ қилар эканлар... Лекин акамларнинг кетмон ташлашларида нормани бажариш қийин...» Ҳамма хахолаб юборди. Абдулла акамнинг ўзлари ҳам роса яйраб кулдилар...

Шундай қилиб, Абдулла акамлар бизнинг «Ўткин»¹ колхозимиз билан эринмай танишдилар: колхоз кишилари ҳам у кишининг кимлигини, нима юмушда келганларини билиб олишди ва колхозимиз раисининг нобоплигидан нолиб Абдулла акамга жуда кўп аъзолар арз қила бошлади. Абдулла акам, раисга тил тегизишдан бир оз истиҳола қилиб юрдилар; ҳатто менга: «Қизиқ иш бўлди-ку, яхши ниятда келиб, туз берганни

¹ Асли ўзи – Уткин, кейинчалик Собир Раҳимов колхозси.

тузлуғига тупуриш...» деб маслаҳат солдилар. Мен: «Ёзинг, савобга қоласиз...», дедим. Хуллас, Абдулла акам кўпчиликнинг илтимосини ерда қолдиришмай, «Ўзи хон, кўланкаси майдон», деб газетага бир мақола фельетон ёздилар¹ ва шундан сўнг ўша нобоп раисдан халос бўлдик...

Фикримча, Қодирий материалларни йиғиб келиб дарҳол ўтириб ёзавермайдилар, чамаси. Бизда ҳали колхоз ҳаётидан бирор катта асар йўқ пайтда, муаллиф, эҳтимол қўшни халқ ёзувчилари асарлари билан танишиб чиққанлар, ўрнак олгандирлар. Масалан, мен Қодирий столи устида Шолоховнинг «Очилган кўриқ» асари (русчаси)ни кўрар эдим.

Бу ишга жиддий ёндашиб мавзуга оид бадиий асарлар ёки бевосита қишлоқ деҳқонларининг ҳаётигина эмас, бу соҳада ҳукумат олиб бораётган чора-тадбирлар ҳақида чоп этилган қарор ва йўриқномалар билан танишадилар, ўрганадилар. Мисол учун адиб Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлигининг нашри бўлган «1931-нчи йилда пахта ҳосили учун қатъий курашни ташкил қилиш керак» (1931 йил, А.Х.Анастасов) номли каттагина билан танишиб, уни ўзбек тилига ўтирадилар.

«Обид кетмон» ҳозир яшаб турган Самарқанд дарбоза уйимизда ёзилган. Юқорида мен Қодирийнинг асосан қиш кезларида ижодий иш билан шуғулланиш одатларини айтиб ўтиб эдим. Лекин, «Обид кетмон»ни зарурат тақозо этиб, тарки одат қилиб, иссиқ ёз кунларида ҳам қўним ўтириб ёздилар. Дадам яна ўша сандалда тирсақланиб ўтириб хаёл сурганлари сурган, қоғоз қоралаб кечани кундузга, кундузни кечага улаб ёзганлари-ёзган... Уйимизда тинчлик. Ҳар бир ҳаракатда эҳтиётлик...

Бир хотира ёдимда: ёз кунларининг бири эди. Дадам уйда ўтириб «Обид кетмон»ни ёзар эдилар. Эрталаб соат ўн-ўн бирларда шийпонимиз қаршисидаги олмазорда юмуш қилиб юрсам, кўча дарбозаси очилиб, ўн чокли киши кетма-кет кириб келишди. Улар яхши кийинган йигитлар эди. Фақат олдинда кирган бириси қирқ беш-эллик ёшларда бўлиб, қорача, барвастадан келган, қиррабурун, қора узун бурама мўйлабли, бошида попукли қалин қийиқ қалпоқ, кўйлаги устидан энли камар таққан, этикли киши эди. Бу киши тўғри менга қараб келди. Салом бердим. У алик олиб кимлигимни сўради ва деди:

– Дадангиз бормилар?

¹ Бу фельетон 1933 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Йўловчи» имзо-си билан босилган эди.

– Йўқ, – дедим дадамнинг гаплари бўйича.

Сўрагувчи афсуслангандай бош қимирлатди ва бир оз боғимизни айланиб, шийпонни томоша қилиб хайрлашаркан, мендан сўради:

– Қаерда ўқийсиз?

– Медрабфакда.

– Ҳа-а, бўлмаса, менинг қизим Мунирани танирсиз, у ҳам шунда ўқийди?

– Танийман, Мунираҳон рус гуруҳида ўқийдилар¹, – дедим ва бу кишини дарҳол танидим.

– Боракалло... Унга ўқишда ёрдам қилиб тулинг, дадангизга салом айтинг.

Мен бош ирғатдим. Меҳмонлар дарвозадан чиқишаркан, йигитлардан бири кейинда қолиб менга деди:

– Ўзингиз ҳам танигандирсиз, бу киши Молия Халқ Комиссари Турсунхўжаев² бўладилар. Дадангизга айтиб қўярсиз... Кеча Чўпонотага боғ сайлига чиққан эдик, тунаб, бугун йўлакай дадангизни зиёрат қилиб ўтишни истаб эдик.

Дадамнинг ҳордиқ чиқариш учун севган эрмакларидан бири олти-етти ёшли Масъуд укам билан ўйнашиш эди. У киши ёза-ёза чарчагач, ҳовлига чиқиб, боғда ўйнаб юрган Масъудни секин чақириб гапга солар, тутал-тутал гапларига кулар, кейин қўлидан ушлаб ўйнаша бошлардилар-да, уни йиғлатиб, қипялангоч ечинтириб қўйиб юборар эдилар. Масъуд «Кийимимни бер!» деб сўқар, юқори ҳовлига чиқиб, уйни кесакбўрон қила бошлар эди. Ниҳоят, ойим орага тушиб, дадамини койиб, Масъуднинг кийимни олиб берардилар. Дадам кула-кула ижодхонага кириб кетар эдилар.

«Обид кетмон»ни мен бир неча бор қўлёзмадан ўқиб чиққанман. Қодирий ёзарканлар, кўпинча мен сандалнинг иккинчи ёғида жим ўтириб дарс тайёрлардим-да, зериккан пайтларимда у кишининг қалами тагидан чиққан араб алифбосидаги ёзувни курсидан олиб пешма-пеш ўқиб борар, баъзан ҳатто

¹ Мунира Турсунхўжаева – ўзбек олималаридан. Тиббиёт фанлари доктори, профессор ва жамоатчи (1976 йилда вафот этди.)

² Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев (1891–1938) – давлат ва жамоат арбоби. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг намоёндаларидан бири. Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРнинг давлат ва ҳукумат лавозимларида ишлаган. Шўро ҳукуматига қарши сиёсий фаолияти учун бир неча марта қamoққа олинган. Шахсга сизиниш даврининг қурбони бўлган.

дадам ёзаётган қоғознинг тўлишини кутиб ўтирар эдим. Менинг бундай ўқиб боришим дадамга сира малол келмас, фақат у киши ҳар замонда «Дарсингни тайёрламайсанми?» деб қўярдилар, холос.

Ёзувчи ўз асарига қанчалик ишонч, муҳаббат билан қарамасин, ҳар ҳолда у асари ҳақида бошқанинг фикрини билгиси келади ва менингча, бунга ҳатто ошиқади ҳам. Бинобарин, дадам гарчи менинг фикримни сўрамасалар-да, асарни курсидан олиб ўқирканман, баъзан қизиқроқ жойлари келганда, «Маъкулми?» дегандай менга қараб қўяр, тусимдан бирор маъно англамоқчидай кўринар эдилар.

Баъзан эса, қоғозларни кўтариб чиқиб, эрталабки чой вақтида ёки кечликдан сўнг оилавий ўтиришда ҳаммамизга ўқиб берардилар. Масалан, бир кун эрталаб «Обид кетмон» бобидан мулла Обиднинг деҳқончиликдаги муваффақиятларини тасвирловчи шундай парчани олиб чиқиб, кулиб ўқиб берганлари ёдимда:

«Обид кетмон картошка экибди: ҳар биттаси замбаракнинг ўқи; шолғом экибди: ҳар бири сават кўтарганда бошга қўядиган чамбарак; лавлаги экибди: сизга ёлғон, Худога чин, ҳар бири эшакнинг хўтугидек!.. Буларни жойлаш учун Холмирза аканинг ўчоғи ҳам бўш қолмай, яна ярмиси ортиб қолибди... «Илгари омборингни тайёрлаб, ундан кейин деҳқончилик қилмайсанми, хотинталоқ!..» деб қишлоқда шов-шув қўпади».

Асардаги прототип (тимсол)лар масаласига келганда, муаллиф бу тўғрида менга чандон бирор фикр айтмаганлар. Лекин, асарга материал тўплаб юрган пайтларимиди ёки ёзаётган кезларимиди, ҳар ҳолда қай бир вақт мулла Обид ҳақида дадамдан шундай бир ҳикояни эшитганим бор:

«(Қайсидир) қишлоққа бордик...¹ Обид кетмон бизни яхши кутиб олди. Текислаган тепаси ўрнига яхши боғ қилган, тепанинг ўртасидан озгина кунгира жой қолдириб, устига баҳаво бир шийпон қурган экан. Шийпонда ўтириб дам олдик. Обид кетмоннинг моллари ҳам кўп; ҳар бир молига хос ном қўйган экан. Обид кетмон «Ўнан, ғўнан!» деб чақирса, бир қўйи маъраб келар, «Дўнан, дўнан!» деса яна бир тойи кишнаб, югуриб келар экан...»

¹ Балки Тиктепа қишлоғигадир?..

Бу гапнинг исботи ўлароқ Қодирийнинг ўзлари ҳам «Ёзувчи ўз иши тўғрисида» мақоласида¹ шу сўзларни айтиб ўтадилар:

«Ёзувчининг ўзидан қўшиши (русча айтганда «вымысел») адабий асарда катта роль ўйнайди. Лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асарининг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади. Масалан, мен колхозларда юрганимда ҳақиқатан ҳам Обид кетмоннинг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим».

Бу лавҳадан кўринадики, ҳар ҳолда, асардаги ҳамма қаҳрамонлар ҳам ўйлаб топилмаган, баъзи бирлари айнан бўлмаса ҳам воқе, турмушда кўрилган қаҳрамонлардир.

Эшонгузар маҳалламизда Юнус ака исмли оққўнғил, хоки-сортаб, фақир бир қўшнимиз бўларди. Унинг Солиҳа исмли хотини, Манзура исмли биргина қизи бўлиб, эрта-кеч ироқи дўппи тикишар, тивит йигиришар, рўзгорга кўмаклашар эдилар. Юнус аканинг ўзи кексайиброқ қолганданми, бирор ерда ишламас, кўпинча танчанинг бир ёғини обод қилиб ётгани-ётган, «Ҳабо-ҳабо» деб мен билан «улфатчилик» қилгани-қилган эди. Бу киши ўттизинчи йилларнинг бошида вафот этди.

Юнус амаки жилла ҳам танбал эмас, тирикчилик тақозоси билан ивирсиб, у-бу иш ҳам қиларди. Қиш кезлари ёғочдан қоркурак чопиб бозорга тушириб сотар, янги шаҳар кўчаларини айланиб ҳар кимларнинг қорини курар, ўтинини ёрар, савағичдан чиройли-чиройли қафаслар ясаб, саъва тутиб сотар, тўрқовоқ тўқиб, сайратма бедана боқар; ёз кунлари эса сават тўқир, шерикчилик қулупнай экар, ҳар кимларнинг дарахтини кесар, саржин қилар, тахта тилар, томсувоқ ва ҳоказо ишлар билан шуғулланиб юрарди. Шу сабабдан, музболтадан тортиб ойболта, лўлаболта, аррадан тортиб катта арра, олчин тўқмоқ, чўкич, теша, кетмон, бел, белча, болға, пона, искана, поракаш, ўроқ, андава, газчўп, чилчўп, эгов, қўйинг-чи, «дунёдаги жами» асбоб-ускуналар, темир-терсақлар унинг уйдан топилар эди. Кимки бирон юмушга, асбобга муҳтож бўлиб қолса, бу кишининг эшигини тақиллатиб келар, ҳазиллашиб «Юнус фаранг!» деб чақирарди эди.

Юнус амаки сажия жиҳатдан бўлмаса ҳам иш тутиш, ҳаёт кечириш жиҳатларидан баъзи ўринда Берди татар образига жуда ўхшаб кетади гўё, Берди татар ҳаётининг маълум қисмига Юнус

¹ «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1935 йил 14 март.

амаки ҳаётидан ямоқ олиб солингандай туйилади менга. Худди шунга ўхшаш ҳолат асардаги Мирвали банги тасвирида ҳам учрайди... Самарқанд дарбозада Икромхўжа амаки деган кексайиб қолган йироқроқ қўшнимиз бўларди. Уни тенгқурлари Икром сатанг деб ҳам аташарди. Ўзи жиккак, қотмадан келган, айтганларидек сатанг кийинувчи, чапани табиат, чакказарб, тажанг киши эди. У мудом дарбоза гузаримиздаги чойхонада қолиб кетгани-кетган, ёз кунлари чаккасида атиргул, бир қўлида бедана, иккинчисида чой қайтариб ичиб ўтиргани-ўтирган, ёнида эса чиройли ярақлаган жез чилим, ўқтин-ўқтин гупиллатиб тамаки, наша чеккани-чеккан, нос отгани-отган эди. Чойхўрлар ҳам, ўтган-кетганлар ҳам унга ошна-таниш; унинг тилини қичитиш учун ҳамма гап қотгани-қотган... Икром амаки кўп йиллар чойхоначилик қилган, шу боисдан унинг ўз таъбирича, онаси чойхонада тукқан. У хушига ёқмаган киши билан сўзлашмас, доим тажанглангани-тажангланган, чўпдан ҳам, хасдан ҳам аччиғланиб сўкинаверадиган, лекин сўкиши ҳеч кимга оғир тушмайдиган, аксинча, кулги қўзғатадиган киши эди. У ҳамма нарсадан хабардор, бугун маҳаллада ким-ким билан уришди, кимнинг кимда ўчи бор, кимнинг чўнтагида қанча пули бор, ким нимага муҳтож, кимникида тўй, кимникида аза, қимор кимникида ўйналади – ҳамма-ҳаммасидан хабардор эди.

Икром амаки дадам билан жуда иноқ эди. Дадам қачон чойхонага чиқсалар тўғри шу кишининг ёнига бориб ўтирар, унинг гапларига кула-кула бирга чойхўрлик қилар эдилар. Бир гал у кишининг дадам билан шундай «ширин» суҳбатлашганини эшитганман. Дадам ундан сўрадилар:

– Икромхўжа ака, дейман, қачон кўрсам, чойхонадасиз... Отин ойимнинг олдиларига ҳам кирасизми, ўзи?..

Икромхўжа амаки четга қараб чирт этиб туфлади:

– Мен ҳали ҳез очганим йўқ, хотинлар олдига кириб, пачакилашиб ўтиришга...

Дадам унинг жавобидан қотиб-қотиб кулдилар. Бундан аччиқланган Икром амаки эса баттароқ тажангланди:

– Кул-а, Жулкун, кул! Ҳе, кулгини чиқаргани уйи курсин!..

Мен ҳар вақт «Обид кетмон»дан Мирвали банги образини ўқисам, кўз олдимга шу марҳум қўшнимиз Икромхўжа амакини келтираман; унинг сиймоси, чойхонада тажангланиб ўтириши ёдимга тушади. Бироқ Икромхўжа амакидаги тарқоқ, «эгри-бугри» сажиялар Мирвали бангида маълум бир қолипга, ўлчовга солинган каби, холос...

Юқорида Қодирий: «Мен колхозда юрганимда ҳақиқатан ҳам Обид кетмоннинг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим», дейдилар. Шунингдек ўрни келиб, муаллифнинг ўзини ҳам, қисман бўлса-да, Обид кетмонга тимсол қилиб кўрсак бўлмасмикин?.. Ахир у киши ҳам кўп вақтларини пешона боғлаб қуёшда ер чопиш, тепа бузиб замбилғалтакда тупроқ ташиш, ер очиш, деҳқончилик қилиш билан кечирганлар, ширкат аъзоси ва унинг раҳбарларидан бири бўлганлар-ку...

1932 йилнинг кузи (ноябр)дан бошлаб 1934 йил охиригача «Обид кетмон»нинг пеш ёзилгани пеш «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналида¹ мунтазам босила бошлади ва шу билан бир вақтда асар пешма-пеш русчага таржима қилиниб (таржимон Л.Соцердотова) «Литературный Узбекистан» журналида ҳам чиқа бошлади. Асарнинг баъзи боблари эса «Берди татар», «Бир кулки ва бир тулки» номлари билан алоҳида-алоҳида китобча шаклида ҳам нашр этилди.

Ўрни келиб шундай бир далилни айтиб ўтай: ўқиганлар балки хотирлар, асарда «Қуёш билан ҳам курашаман», деган бир боб бор. Бу боб китобдан жой олишига қараганда 1934 йилда ёзилган бўлиши керак. Чунки у асарнинг охирироғида; асар эса 1934 йили тугалланган. Бироқ бу боб «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналида 1932 йили 20 июлда босилган. Демак, бу бобни муаллиф олдин ёзиб қўйганлар...

Мен Қодирийнинг матбуотда босилган ҳамма асарларини эътибор билан кузатиб борганим учун бу олдин-кетинлик фарқига бордим ва бир кун у кишидан шу ҳақда сўрадим.

– Ҳа, тўғри пайқагансан, – дедилар дадам жавоб бериб, – шунча асар ёзиб, фақат шу бобнигина олдиндан ёзиб, кейин китобга киритганман.

Ёзувчиликда умуман бундай ҳоллар тажриба қилинмайди.

1935 йилнинг бошларида «Обид кетмон» алоҳида китоб бўлиб босмадан чиқди. Бу ҳақда «Ўзбекистон совет адабиёти» журнали 1935 йил февраль сонидан эълон тариқасида шундай изоҳ бериб ўтади: «Журналимизнинг ўтган сонларида босилиб чиққан «Обид кетмон» Ўзбекистон Давлат нашриётида босилиб чиққани учун унинг давомини босишдан тўхтатдик». Ва шу йил китобнинг русча таржимаси ҳам алоҳида китоб бўлиб чиқди. Қодирий бу икки тилдаги китоблардан бир неча нусха келтириб ўз ёр-дўстларига улашдилар.

¹ Бу журнал 1935 йилдан «Ўзбекистон совет адабиёти», кейинчалик эса «Шарқ юлдузи» номи билан чиқа бошлади.

Маълумки, янги асар чиққач, унинг яхши-ёмонлиги тўғрисида китобхонларда дарҳол фикрлар ҳам туғилади. Қодирий қўлидан тарихий романлар ўқишга ўрганган халқ «Обид кетмон»ни ўқиб турлича талқин қила бошлади. Улар муаллифнинг ўзига бир нарса дея олишмаса ҳам, баъзилар менга: «Отангизнинг бу китоблари, албатта, анавилардек эмас», деб эътироз билдира бошлади. Бу эътирозларга мен баъзан қўшилар, баъзан аччиғланар ва дадамга сўзлар эдим. Дадам эса кулиб қўяр, «Қўявер», деб қўл силкир эдилар. Бир куни шу тўғрида жиддий сўз бориб, дедилар: «Тушунмайсан... Одамлар «Ёзувчи қўлига қаламини олса бас, қойил қилаверади», деб ўйлашади. Бу хато. Ҳаёт чексиз, унинг ҳамма томонини бир инсон ўрганиб етолмайди. Ёзувчи ҳам инсон, у ҳам ҳаётнинг ҳамма томонини бирдек билавермайди. Фақат у ҳаётнинг бир соҳасинигина қизиқиб дурустроқ ўрганган бўлиши ва шу соҳадан дурустроқ ёза олиши мумкин. Рус ёзувчиларида шундай тахминий бўлиниш бор: бир ёзувчи фақат тарихий, иккинчиси сиёсий-инқилобий, учинчиси завод-фабрика қурилиши ҳаёти, тўртинчиси қишлоқ, колхоз турмуши, бешинчиси шаҳар маданият, илм-маърифат соҳаларидан, яна бириси болалар дунёсидан мавзу танлаб ёзади. Ҳаммалари ҳам ўз соҳаларида моҳирлар... Шунингдек, менинг учун янги бу мавзу жилла ўхшалмаган ва баъзиларга ёқмаган бўлса, бордир...»

Баъзи дўстлар «Обид кетмон»ни ўқиб, ҳазиломуз, дадамнинг Жулқунбой лақаби ёнига «Кетмонбой» лақабини ҳам қўшиб аташа бошлади. Шунда, яна мен аччиғландим... Дадам яна кулиб: «Бу яхши, кетмон – меҳнат рамзи», дедилар. Дарҳақиқат, асарда меҳнат шавқи табиий тасвирланади. Журналист Ваҳоб Рўзиметов шундай деган эди: «Мен китобдан мулла Обиднинг фавқуллодда кетмон билан тепа бузган бобини ўқисам, завқланиб кучга тўлиб кетаман, кетмон олиб тепа бузгим келади...»

ОХУНБОБОВ БИЛАН УЧРАШУВ

1934 йил, баҳор эди. Бир кун дадамни бир рус киши йўқлаб келди. У Ман фамилияли рассом бўлиб, рассомлар уюшмасидан дадамнинг суратини чизиш учун келган экан. Дадам ҳар куни бир неча соат маълум ҳолатда тек ўтиришлари, рассом эса у кишига қараб сурат чизиши керак эди. Дадам бу кезларда

хам кўп ишлардилар. Кунига бир-икки соатдан ортиқ ўтира олмасликларини айтиб, таклифни қабул қилдилар.

Рассом ҳар куни маълум вақтда келиб, у кишининг суратини чизар ва иш чогида икковлари қизгин суҳбатлашар, мунозара қилишар эди. Рассом ўрта ёш, баланд бўйли, серқош, узун бурун, ўсиқ сариқ сочли киши эди. У бир куни чой ичиб ўтириб дадамга шахмат ўйнашни таклиф қилди. У киши билмайман, деб бош чайқадилар (дадам шахмат ўйнамасдилар, «Юриш қоидаларини билсам ҳам ўйнагим келмайди, вақтни олади», дердилар). Бора-бора дадам рассомнинг кун сайин пиёда узок йўл босиб қатнашига ачиндилар шекилли, унга иши битгунча шийпонда яшашни таклиф этдилар. Ман рассомлик хонасини кўчириб келиб, ёзи билан бизнинг боғда турди ва шунда дадамнинг суратидан ташқари яна бир неча расмлар чизди (масалан, фото расмига қараб, мойбўёқда Садриддин Айнийнинг ҳам катта суратини чизган эди). Дадам, чамаси, ўрганишиб қолганлариданми, дам олиш чоғларида доим у билан сўзлашиб ўтирар ва менга унинг ош-таомидан хабар олиб туришни тайинлар эдилар.

Рассом Ман бир неча хомаки суратларни бизнинг уйда қолдириб, шу йил кузақда кўчиб кетди ва мен уни бошқа кўрмадим. Дадамнинг Ман чизган расмлари «Обид кетмон»нинг титул бетида босилди.

* * *

Шу йиллари дадам «Обид кетмон»ни ёзиш билан бир вақтда, янги ташкил қилинган «Ёзувчилар боғи»ни обод қилиш ишларига ҳам ёзи билан раҳбарлик қилдилар. Буни қўлимдаги ушбу хат ҳам тасдиқлагандек бўлади.

«Ўртоқ Сафаров! Сиз менга «Молия ҳамда боғ мудирлиги учун бир ёш мутахассис топиш керак», деган эдингиз. Мана шу хат билан борғучи ўртоқ Тавалло (шоир)ни хизматга олсангиз, жуда ҳам ишларимиз жойида кетар эди. Бундан ташқари, ўзи уюшмага ариза берган, эҳтимол қабул қилинган. Ўртоқ Мажидий ва бошқалар уни танийдилар. Ҳурмат билан Абдулла Қодирий. 1933 й. 4 апрел».

Раҳмат Мажидий шундай ҳикоя қилади (1967 йил, «Фан ва турмуш» журнали, 7-сон, ўша мақола):

«...Ўзбекистон партия Марказкоми ва ҳукумати Тошкент шаҳри чеккасидаги Инжиқобод деган жойда ёзувчилар учун боғ ажратиб берди. Боғни обод қилиш, уни ёзувчилар дам оладиган ва ижодий иш қиладиган илҳомбахш гўшага айлантириш зарур эди. Мен Тошкентнинг Самарқанд дарбоза томонида Абдулла аканинг нашъали боғи борлигини ва уни ёзувчи ўз қўли билан меҳр қўйиб обод қилганини эшитган эдим. Шу эсимга тушиб, мазкур боғни қандай обод қилиш хусусида Абдулла акадан маслаҳат сўрадим. Икковлон биргалашиб Инжиқободга жўнадик.

Боғ яхши жойда, аммо қаровсиз ҳолда эди.

«Боғ жуда яхши, ишни ҳозирданоқ бошлайвериш керак. Лекин катта иморат қуриш кўп вақт талаб қилади. Шу боисдан, менимча, ишни битта шийпон қуриб, атрофини гулзор қилишдан бошлаган маъқул», дедилар.

Абдулла ака тез кунда бир миришкор боғбон топиб келдилар. Иноғом ота исмли бу кекса шоиртабиат киши экан. У боғни ҳам, ёзувчиларни ҳам ёқтириб, шу ерда истиқомат қиладиган бўлиб қолди.

Абдулла ака боққа тез-тез келиб турса-да, ёзувчилар даврасига кам қатнашар, ҳар доим боғбон ота билан дарахтзорлар оралаб, алланарсаларнинг маслаҳатини қилиб юрганини кўрардик. Бундай кезларда у ўзининг ташқи қиёфаси, уст-боши ва характери билан ҳамсуҳбат боғбон отадан кам фарқ қилар эди. Улуғ адиб, ажойиб инсоннинг бу қадар оддийлиги ва камтарлиги, одамларга нисбатан ғамхўрлиги ҳаммамизнинг қалбимизда ҳурмат ва эҳтиром уйғотади».

* * *

Ўша йили ёзда, Ҳамза номли театрда драматург Комил Яшиннинг «Тор-мор» пьесаси премьераси ўйналадиган бўлиб, дадамга «Сиз ҳам тушиб кўринг, мулоҳаза айтарсиз», деб чипта беришади. Кечликдан сўнг, дадам мени театрга бирга олиб кетдилар. Томоша «Акмал Икромов» («Абдулла Қодирий») боғида «Мирмуҳсин» театрида (у вақтда ёзлик Ҳамза театри шундай аталар эди) ўйналарди. Биз ўйин бошланишидан ўн беш-йигирма минут олдинроқ бориб иккинчи қатор ўртасидан жой олдик. Тасодифки биздан олди қаторда Йўлдош Охунбобоев ва Зиё Саидий (Ҳамза театрининг директори), Анқабой (танқид-

чи)лар ўтиришар эди. Охунбобоев дадамни сезиб ўтирилиб сўрашди:

– Дехқонбува, саломатмисиз, келган эканлар-да?

– Ҳа, тушган эдик, ота...

Охунбобоев орқасига ўтирилиб сўзлашиб ўтиришни ноқулай сизди, шекилли, дадамни ёнига чақириб олди. Охунбобоев хушқомат, чўзиқ юзли, қорамтир қош, қисқа мошгуруч соқол-муртли, чуст дўппи, жужун кител ва этик кийган эди. У дадамга деди:

– «Обид кетмон»ингизни журналда ўқиб боряпман, мулла Абдулла, менга маъқул...

– Раҳмат.

– Айтгандай, анча бўлди, Маргилон борганда ҳамшаҳар эски дўстлар билан кўришган эдим (ота номини унутдим – Х.Қ.), кекса бир киши «Абдулла Қодирийни кўриб турасизми, салом айтинг!» деб эди. У «Ўткан кунлар»ингизни эрта-кеч ўқир эмиш...

– Раҳмат, ота! Соғ бўлсин...

Томоша бошланди. «Охунбобоев келибди!» деб хабар тарқалди, шекилли, танаффус пайтларида саҳна яқинига икки томондан аста-секин томошабинлар келиб, йироқдан Отани кузатиб кета бошлашди...

МАКСИМ ГОРЬКИЙ ҲУЗУРИДА

1934 йил ёзида Москвада Бутуниттифоқ ёзувчиларнинг биринчи съездини чақириб ва съезд кунлари Иттифоқ халқлари адабиётининг кўргазмасини ташкил қилиш белгиланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам бошқа жумхуриятлар қатори съездга қизгин тайёргарлик кўрар, кўргазма ташкил қилиш учун китоблар тўплар, Қодирийга эса халқ ичидан кўплаб эски ўзбек мумтоз китобларини сотиб олиш вазифаси юклатилган эди. Ёдимда, шунда дадам бир неча марта бундай қўлёзма, тошбосма, михбосма китобларни кўтариб келиб стол устига йиғдилар, кейин уларни қаергадир олиб бориб топширдилар ва ёз кунларининг бирида съездга қатнашиш учун Москвага жўнаб кетдилар...

Драматург Зиннат Фатхуллин ўша даврни хотирлаб шундай ҳикоя қилади:

«Кўрғазмага китоблар сотиб олишни Абдулла акамга топширилганининг сабаби шундаки, уюшмада эски шарқ асарларини Абдулла акадан кўра яхшироқ билувчи ва олинадиган китобларни тўғри кадрловчи, баҳоловчи йўқ эди. Мен бу ишда Абдулла акага ёрдамчи (ғазначи) этиб тайинланган эдим. Абдулла ака мен билан бозорга тушиб, эски ёймачи китобфурушлар олдига ўтириб олиб, китоб кўрар, улардан манзилини олиб, маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар кимларнинг уйида уйилиб ётган эски китобларни кўздан кечириб танлар ва китоб маъқул тушса, савдолашар эдилар. Абдулла акани ҳамма ерда танишар, китоб бор ерларга уйма-уй бошлаб юришар ва ҳатто меҳмон ҳам қилишар эди.

Шундай қилиб, биз икки-уч юз нусха эски ўзбек китобларини сотиб олдик ва съезд кунларига ўн-ўн беш кун қолганда уюшма раиси Раҳмат Мажидийнинг маслаҳати билан Абдулла ака иккимиз кўрғазмани тайёрлаш учун китобларни юклаб Москвага вақтлироқ жўнадик.

Москвага бориб билсак, биз анча кечикибмиз. Горький номли боғда ташкил қилинган кўрғазмага аллақачон ҳамма жумҳурият вакиллари биздан олдин келиб яхши жойларни эгаллаб олишиб, бизга кимса бормас чет бир бурчакдан кичкина жой қолдиришган экан. Биз жуда бўшашиб тушдик. Икков маслаҳатлашиб, дурустроқ жой талаб қилгани Иттифок Ёзувчилар уюшмасига (Воровский кўчасига) бордик ва съезд кўрғазма ишларига мутасадди этиб тайинланган раҳбар (фамилиясини унутганман) олдига кириб, тилагимизни айтдик. У киши гапимизга ортиқ аҳамият бермай, «Жойни ўзгартира олмаймиз», деб қўя қолди. Умидсизланиб уюшмадан чиқдик. Абдулла ака: «Бўлди, кўрғазмани ўша кўрсатган ерларига бўлганича очавериш керак», дедилар. Аммо шу онда бошимга Максим Горький ҳузурига кирсак қандоқ бўларкин, деган фикр келиб қолди-ю, ниятимни Абдулла акамга айтдим. Бу фикр аввалда у кишига маъқул тушмагандай кўринди. «Шу арзимас иш билан у кишининг олдига кириш унча маъқул бўлмас», дедилар. Кейин ўйлаб кўриб биргалашиб киришга рози бўлдилар. Горькийнинг қабул кунини кутиб, икки кун оралатиб уюшмага бордик, навбат кутиб икки-уч кишидан сўнг унинг ҳузурига кирдик.

Горький очиқ чехра билан саломлашиб, бизга ўтиришга жой кўрсатди. У расмдаги каби озғин, баланд қадди бироз букил-

ган, мошгуруч қисқа соқол ва мўйлабли, вазмин, ҳаракатчан киши эди. Русча сўзлашга чечанроқ бўлганим учун гапни мен бошладим. Тошкентдан келганимизни айтиб, ўзимизни танитдим. Горький, чамаси, Абдулла акани исм-фамилияси билан танимас экан. Жулқунбой тахаллусларини эшитгач, кулиб ўрнидан турди, стол устидан узун бўйини чўзиб Абдулла акам билан кўл олишиб кўришди. Улар орасида шундай сўз бўлди. Горький деди:

– Жулқунбой исмингизни эшитганман, сиз яхши сатирачи ва романчисиз, танишганим учун хурсандман. – Абдулла ака бош ирғитиб жим ўтирдилар. Горький бир оз тўхталиб олиб давом этди:

– Афсус, асарингиз русчага таржима қилинмаган, ўқимаганман. Ҳозир бирон каттароқ асар ёзаяпсизми?

– Ёзаяпман.

– Қандай мавзуда, кечирасиз?

– Қишлоқ-колхоз ҳаётидан, «Обид кетмон» номли қисса.

– Жуда яхши, мен худди шунинг учун бу саволни бериб эдим. Хурсандман. Адабиётимиз шу каби мавзудаги асарларга камбағал, кўпроқ ёзиш лозим. Асарларингизни рус тилида ўқишни орзу қиламан. Таржима масаласида, умуман, ижодингизда, ҳаётингизда бирон монелик туғилса, хат ёзинг, ёрдамга тайёрмиз...

– Раҳмат, – деди у киши.

Горькийнинг бу меҳрибон сўзларидан Абдулла аканинг мамнун бўлганликлари юзларидан сезилиб турар эди. Биз асосий мақсадга кўчиб, илтимосимизни баён қилдик. Горький мақсадга тушуниб, ўйланиб қолди ва сўради:

– Кўргазмага қандай китоблар келтирдингиз?

Абдулла ака бир неча ўзбек классик ёзувчи-шоирларининг номини айтдилар. Булар орасида, албатта, Навоий исми ҳам бор эди.

Горький сўради:

– Навоийнинг қандай асарларини келтирдингиз?

Абдулла ака жавоб қилиб, келтирилган китоблар орасида машҳур хаттотлар қўли билан битилган ягона нодир нусхалар борлигини, уларни ҳеч қандай қиммат билан тенглаштириб бўлмаслигини айтдилар. Шундан сўнг Горький ҳалиги биз биринчи учрашган раҳбарни чақирди ва бизга истаган еримиздан кўргазмага жой ажратиб беришни буюрди. Раҳбар бизни машинага ўтқизиб олиб бориб, РСФСР халқлари адабиёти кўргаз-

маси ёнидан жой кўрсатди. Съезд бошланишига икки-уч кун қолганда, менинг тезликда қайтишим тўғрисида Тошкентдан телеграмма бориб қолди ва мен съездга қатнашмай, Тошкентга қайтдим. Абдулла ака эса Москвада қолдилар».

Хотиримда, дадам съезддан қайтгач, мен Алексей Толстой ва Максим Горькийларни кўрган-кўрмаганликларини сўрадим. У киши дедилар:

– Алексей Толстой билан банкетда бирга ўтирдик. Бечора жуда хафа. Ўша бизга меҳмон бўлиб келган хотини хасталаниб вафот этибди... Горький раёсатда ўтирди, нутқ сўзлади, банкетда қадах кўтарди, лекин ичмади. У касал...

СЎФИЗОДА, ОЙБЕК, САДРИДДИН АЙНИЙ

1935 йилнинг қиш кунлари эди. Бир кеч шоир Сўфизода¹, Ойбек ва яна кимдир (ёдимда йўқ) бир киши бизнинг уйга меҳмон бўлиб келишди².

Сўфизода ўрта бўй, қорачадан келган, тўла кулча юзли, оқ оралаган қисқа соқол-муртли, бошида фарғонача дўппи, эғнидаги узун кулранг сирма пахталик камзули устидан қийиқ боғлаб, қора сатин қавиқ тўн кийган, кавуш-маҳсили, қадди бирмунча чўккан киши эди. У майин, камтартабиат, камгап, босиқ сўзли, кулимсираб сўзловчи шахс эди.

Ойбек эса галстук тақиб, европача кийинган, ўсиқ силлик қора сочларини чуст дўппи билан бостирган, ўттиз ёшларда, барваста қоматли, оқ тўла юзли, ўткир қора қийиқ кўзли, очиқ чеҳра, чиройли йигит эди. У ҳам босиқ, майин табиатли, ҳар бир сўзни ўйлаб, кулимсиб сўзловчи, ўтиришида ёшликка хос бир ғурур намоён эди.

Бу икки зот ҳам бизникида, менимча, биринчи бор бўлишлари эди. Улар шу кун сандалда алламаҳалгача суҳбатлашиб

¹ Сўфизода Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли (1869, Наманганнинг Чуст туманида туғилган – 1937). Ўзбекистон халқ шоири, Ваҳший тахаллуси билан ҳажвия ва ғазаллар ёзган. Кавказ, Туркия, Арабистон, Ҳиндистон мамлакатларида яшаб ижод этган. Афғонистонда Маориф вазири ўринбосари лавозимида ишлаган. 1918 йилда Туркистонга қайтиб, мамлакатни қайта қуришнинг турли жабҳаларида ишлайди. Шахсга сизгиниш даврининг қурбони.

² 1935 йил 29 январда Тошкентда Муҳаммадшариф Сўфизоданинг 60 ёшга тўлганини нишонлаб юбилей ўтказилади. Шоир балки шу муносабат билан Намангандан келганда бизникига ташриф қилганми...

ўтиришди, эртасига наҳорликдан сўнг жўнаб кетишди. Мен уларга хизмат қилиб турсам-да, ёнларида ўтира олмаганим учун ажиб суҳбатларини тинглай олмаганман.

«Сўфизода ўткир ҳажвчи шоир, бир вақт ҳазил қилиб, менинг ҳажвчилигимни ҳам ҳажв қилган¹. У жаҳонгашта, кўп тилларни билади ва сўзлаша олади; форс тилларида ҳам шеърлар ёзади. Бир вақтлар у Афғонистонда вазир муовини ҳам бўлган», дердилар дадам баъзан Сўфизода тўғрисида сўз борганда.

Дадам зиёли кишиларни, айниқса, ўз халқидан ўқиб етишадиган ёшларни кўриб жуда қувонар, уларни ниҳоятда ҳурмат қилар эдилар. «Фалончи ўнинчи синфни тамомлаган, дорилфунунни битирган», деган сўзларни у киши шу қадар фахр-ғурур билан айтардиларки, гўё ўқишни биров эмас, ўзлари таҳсил қилгандай... Бу, албатта, кўпчилик халқимизнинг саводсиз бўлганидан ниҳоятда қуёнганликлари ва эндиликда эса уларга маърифат эшиклари кенг очилганлигидан ўзларида йўқ қувонганликлари аломати бўлса керак.

Шунингдек, дадам Ойбек билан ҳам фахрланардилар. «Ойбек Ленинградда ўқиган, САГУни тамомлаган, қобилиятли, покиза олим. У ёш бўла туриб дорилфунунда дарс беради, бунинг устига шоир ҳам», дердилар ҳавасланиб.

Дадам Ойбеклар уйида бир неча бор меҳмон бўлганликларини айтардилар. «Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносирова ҳам кимёгар олима, дорилфунунда дарс беради, дорилфунун талабаларига кимё дарслиги китобини ёзган. Лекин у, «Мен олимаман», деб сира кибрланмайди, ўзини камтар тутати, эрини ҳурмат қилади», дердилар дадам.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг фаҳрга сазовор кимсалиги ҳаммага аён. У, дадам айтганларидек, адабиётда фақат шоиргина бўлиб қолмади. Кейинчалик атоқли адиб даражасига кўтарилдики, бу ҳақиқат ҳам кўз ўнгимизда.

* * *

Ойбек Қодирий ҳақида «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли бир китобча² ва «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сарлавҳа-

¹ Сўфизода Қодирийга «Йиғинди гаплар» танқидий мақоласи муносабати билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 112-сонида «Ваҳшат» таҳаллусида «Маданий вакилларга туҳфамиз», деб шеърини норозилик билдирган эди.

² Китобча ЎзССР Фанлар Комитети нашриётида 1935 йилда чоп қилинган.

ли бир мақола¹ (мақола катта, фақат унинг бир қисми Қодирийга бағишланган) ёзган. Бу икки асарида Ойбек Қодирийнинг ижодини ва қисман ҳаётини, шахсини текширади, баён қилади. Ўттиз йил оралатиб ёзилган бу икки асарни ўқиб муқојаса қилинса, ёзувчи Ойбекнинг Қодирий асарлари хусусидаги мулоҳазалари ва умуман, адабий, назарий қарашлари нақадар чуқурлашганини, кенг доирага кўтарилганини яққол кўриш мумкин.

* * *

Дадамнинг кичик насрий асарларини йиғиш, тўплаш, нашр этиш муносабати билан менга хийла архив, кутубхоналарда бўлишга, йигирманчи, ўттизинчи йиллар ўзбек матбуотини эринмай кўздан кечиришга, у кишининг деярли ҳамма майда асарлари билан танишиб чиқишга тўғри келди. Бу кўҳна матбуотни синчиклаб ўрганилганда, дадамнинг кўпгина мақолаларида Садриддин Айний тилга олиб ўтилганлиги кўрилади. Масалан, бир мақолада «Айний, «Бухоро жаллодлари»ни ёзди», дейилса, иккинчисида «Айний матбуотда кам кўриняпти», деб ўпка, ўртоқлик ҳазили қилинади, ҳоказо...

Шунингдек Айний домла ҳам «Одина» асарида:

*Кеча-кундуз ишлаган
Нон дебон тош тишлаган
Охир исён бошлаган,
Мардикорлар қулмиди?
Ё эгаси улмиди. –*

деган шеърни ёзиб, шеър тагига «Шу тўрт банд шеър Абдулла Қодирий – Жулқунбойнинг «Меҳробдан чаён» отли романининг «Қирқ қизлар» бобида «Назми» таҳаллуси билан ёзилган шеърига шакл жиҳатдан ўхшатмадир», деб илова бериб ўтади².

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Самарқанддаги собиқ муҳбири пенсионер Салим Каримов бир учрашувда шундай деган эди:

«Айний домла билан мен яқин эдим. Уйларига баъзан бориб, суҳбатлашиб турардим. Домла Қодирийни кўп тилга олар,

¹ Бу мақола 1966 йилда «Дружба народов» журналининг август сониди ва «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1 октябр сониди босилган.

² Садриддин Айний. Асарлар, 4-том, 67-бет. Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965 йил.

«Жулқунбой «Одина»ни кўриб яхши маслаҳатлар берган эди», деб ёдлар эдилар...»

«Одина»ни ёзиб, Жулқунбойга топширдим, деган экан Айний ҳикоя қилиб Салим Каримовга, у ўқиб: «Асарингиз яхши, домла, бироқ, озгина ўт бериш керак¹, ўқишли бўлади», деб маслаҳат берди.

Бу келтирмалардан демоқчиманки, Қодирий ва Айнийлар ўртасидаги таниш-билишлик, ўзаро ижодий қизиқиш, ҳамкорлик муносабатлари хийла эскидан, инқилобдан ҳам аввалроқ бошлангандек кўринади...

* * *

Дадамнинг яна бир ҳамкасб дўстлари Ғулом Зафарий эди. У йўғон, баланд гавдали, чўзиқ, чўтир юзли, қиш кезларида узун олача қавиқ тўн кийиб юрувчи, хокисор, очиқ табиатли, мулојим сўзловчи, дадамдан беш-ўн ёш катта киши эди. Ғулом Зафарий асли қўқонлик, Тошкентга қачон кўчиб келгани менга номаълум. Унинг Эшонгузар маҳалламизда боғча ҳовлиси бўлиб, бизга ҳаммаҳалла, дадамга ҳам улфат-гапхўр эди.

Ғулом Зафарийнинг онаси (биз уни «Қўқонлик ойи» деб атар эдик) эса Жосият бибим билан тенгдош, ўртоқ, борди-келдилари қуюқ эди. «Қўқонлик ойи» ҳам жуда мулојим, хушмуомала, ширин суҳбат, Қўқон ҳаётини, хонлар замонини яхши билувчи, уни бизга ҳикоя қилиб ўтирувчи аёл эди.

Ғулом Зафарий ўзбек театри асосчиларидан бири эди². У «Ҳалима», «Чин Темир ботир», «Эрк болалари», «Мақтанчоқ киши» ва шунингдек, кўпгина катта-кичик сахна асарларини яратган ва шу билан бирга унинг «Гўзал ёзғичлар» тўплами, «Инқилоб», «Билим ўчоғи», «Маориф» журналларида адабий ходим бўлиб ишлаганини, адабиёт тарихига, театр санъати-га оид анчагина мақолалар ёзганини ва 1925–1926 йилларда «Учқун» мактабида дарс берганини эс-эс хотирлайман. Сўнги пайтларда у Тошкент тарих музейида илмий ходим бўлиб ишлар эди.

¹ Яъни асарга муҳаббат аралаштириш керак, демоқчи.

² Ғулом Зафарий (1899–1944) – ўзбек совет шоири ва драматурги, маданият арбоби. Дастлабки шеърлари «Инқилоб», «Маориф ва маданият», «Учқун», «Билим ўчоғи» каби журналларда босилган. 20–30 йилларда машҳур бўлган «Ҳалима» музыкали драматининг муаллифи. Ғ.Зафарий, шунингдек, болаларга атаб бир неча сахна асарлари ёзган. Шахса сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

Ғулом Зафарийнинг, айниқса, «Ҳалима» драмаси йигирманчи ва ўттизинчи йиллар бошида сахнадан тушмай, шуҳрат қозонган, томошабинларни ўзига мафтун этган асар эди. Бу асар ўз жозибаси, ғояси билан бутун бир ўзбек бўғинига таъсир кўрсатган десам, балки муболага бўлмас¹...

Ғулом Зафарий баъзан-баъзан бизникига меҳмон бўлиб келарди-да, дадам билан адабий-илмий мунозаралар, турмуш уринишларидан суҳбатлар қуриб, узоқ ўтириб қайтар эди. Бу суҳбатлар мароқли, беозор, ҳузурбахш, гўзал бўлар эди.

1932 йил бўлса керак, қиш кезлари эди. Ғулом Зафарий бир кун бизникига меҳмон бўлиб келди-да, дадам билан сандалда сўзлашиб ўтиришди. Мен чой қуйиб, суҳбатларига қулоқ солдим:

«Яқинда Самарқандга бориб эдим, – деди Ғулом Зафарий. Кўриб ўтай, деб Айний домланикига кирдим. Домла уйда экан, хурсанд қабул қилди. Чой-нон, дегандай анча гаплашиб ўтирдик. Домланинг қизи лаганда ош олиб чиқди, таомдан сўнг хўшлашиб чиқдим... Кейин Фитратнинг уйида бўлдим. Сўзлашиб ўтириб, гап уриниб, Фитратга «Айнийникида бўлдим, суҳбатлашдик, ош дамлаб кузатди», дедим. Фитрат лоқайд бош чайқаб: «Ёлғон айтасан, у ош дамлаб меҳмон кутмайди», деди. «Нега?» дедим. «Мен уникида бўлганман, синаганман», деди. Мени ёлғончи қилди, хафа бўлдим...»

Дадам кулиб, Зафарий ҳикоясини тинглаб ўтирдилар.

«Фитратнинг Айний домла тўғрисидаги фикри нотўғри, дедилар дадам ниҳоят ва Айний билан бўлган ўз мулоқотларини сўзлаб кетдилар: – Ўтган йили иш билан Самарқандга бориб Шокир Сулаймоннинг уйида қўндим (бу вақтлар Шокир Сулаймон ЎзДУда адабиётдан дарс берган – Ҳ.Қ.) ва бир кун газета идорасидан чиқиб кела туриб Айний домла билан тасодиф келиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Домла мени шу кун кечқурун ўз уйига меҳмонга таклиф қилди. Мен ваъда бердим. Кечқурун озгина дам олгач, Шокир билан меҳмонга бордик.

¹ «Ҳалима» драмасининг қисқа мазмуни: Ҳалима исмли бир ёш қиз камбағал косибнинг ўғли Неъмат билан севишади. Қари бир бой эса қатта қалин эвазига Ҳалимани зўрлаб хотинликка олмоқчи бўлади. Неъмат ишқ жудолигидан хасталаниб ётади. Бойга сотилган табиб Неъматни даволамоқчи бўлиб заҳарлаб ўлдиради. Бу хабарни эшитган Ҳалима эса никоҳ кечаси ўзини осиб ўлдиради. Бу драматизм сахнада жуда ҳаяжонли ашула ва музыка билан берилади. Саҳна иккига бўлинган, бир қисмида карнай-сурнай, Ҳалиманинг никоҳи бўлмоқда, иккинчи қисмида эса Неъмат заҳарланиб жон бермоқда, бечора ота-она йиғлаб, аза тутмоқда...

Айний бизни шу қадар яхши кутдики, асти қўяверасиз. Бундай куюқ зиёфатни мен кам кўрганман. Қазии-қартаю, қирқ йиллик вионолар... Домланинг ўзи ҳам жуда очилиб ўтирди. Зиёфат охирлаб, домла бизни кузатаркан, босмадан янги чиққан «Дохунда» романидан бир-бир китоб устига ёзиб тақдим этди!... Домланинг бу қадар тўкин зиёфатидан завқланган Шокир кўчага чиққач, ёқасини ушлади... Бунда демоқчиманки, Айний домла ёқтирган кишига дастурхонини аямайди.

Ғулом Зафарий кетгач, мен қизиқиб дадамдан сўрадим:

– Ада, нега Айний сизни бунчалик ҳурматлади?

Дадам жилмайиб, ҳазиломуз мақтанчоқлик билан дедилар:

– Чунки биз романчиликда устозмиз-да...»

1935 йилнинг қиш чиқиши, ерда онда-сонда қор бор, ёмғир эрувгарчилик эди. Бир кун кечки пайт Садриддин Айний, Шокир Сулаймон ва Ғулом Зафарийлар бизникига меҳмон бўлиб келишди².

Айний кенг елка, йўғон, барваста гавдали, тўла юзли, оқ оралаган соқол-муртли, бошида қулоқчин, сирма пахталик устидан чакмонга ўхшаш узун кулранг тўн кийган, оёғида кўн этик эди. У киши йўғон овозда сўзлар эди. Шокир Сулаймон дурқун қоматли, европача кийинган, соч қўйиб, кўзойнак таққан, дадамдан ёшроқ киши эди (мен унинг биргина «Қотил» номли катта ҳикоясини ўқиганман).

Айний домла кафшандозда ечиниб уйга кираркан, мен у кишининг этигини тортишга кўмаклашдим. Домла исмимни сўраб, раҳмат айтди ва дадамга деди:

– Мулла Абдулла, бу дейман, жойларингиз жуда қизиқ, паст-баланд?

Дадам кулиб, негадир жавоб қилмадилар. Бу сўздан мен Айнийнинг бизникига биринчи бор келишини англадим. Сандалга ўтиришди.

Айний домла шу кун жуда хушчақчақ суҳбатлашиб ўтирди. Уларнинг бу суҳбатидан қулоғимга шу ўринлари чалинган эди (чамаси бу суҳбат Ҳамза номли театр юбилеи таассуротидан

¹ С.Айнийнинг бу биринчи нашр этилган романи алҳол менда сақланади. У 1931 йили араб алифбосида тожик тилида босилган. Китоб устига сиёҳ қалам билан араб ҳарфида шу сўзлар ёзилган: «Ўртоқ Абдулла Қодирийга, ёзувчи томонидан арзимас ёдгорлик. 1931 й. 18 июл. Самарқанд, Айний».

² Шу кунларда «Ҳамза» театрининг ўн беш йиллик юбилеи бўлган, шу муносабат билан Айний ва Шокир Сулаймонлар Самарқанддан келишган ва юбилейдан сўнг бизникига ташриф буюришган эди.

келиб чиқди). Инқилобдан олдинги йилларда бўлса керак дўппи бозордаги «Турон» театрида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг¹ «Падаркуш»² пьесасини сахнага қўйишмоқчи бўлади. Бироқ артистлар йўқ, айниқса, аёллар роли мушкул... Эрақ артистларнинг борлари ҳам пьесадаги қовоқхоначи пирсиён ва бузуқ хотин ролларида чиқишга унамайдилар. «Пирсиён бўлмаман», «Бузуқ хотинга муқаллидлик қилмайман», деб тайсаллайдилар... Ниҳоят, зўрлаб аллақайси бир чойфурушни пирсиён ролида ва яна кимдир бир кишини бузуқ хотин ролида чиқарадилар... Пирсиён ролида чиққан чойфуруш бечора эса, кейин ўла-ўлгунча «пирсиён» лақаби билан аталиб кетади...

Айний домла яна шу кун Бухоро хотираларидан қайси бир ҳолвачи танишининг саргузаштини сўзлаб ҳаммани кулдириб ўтирди. Домланинг одатларидан бири шу эканки, у киши тўлқинланиб, ҳаяжонланиб сўзлаган чоғида қўлларини кўп ҳаракатлантиради экан...

Зиёфат чоғи таом олдидан мен дастшўй ва обдаста олиб кириб меҳмонларнинг қўлига сув қуя бошладим. Айний домла қўл юшиб, мендан сўради:

– Қаерда ўқийсиз, мулла Ҳабибулло?

– Медрабфақда.

У киши сўзимга тушунмагандай дадамга қаради ва изоҳ олиб менга деди:

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий (1875, Самарқанд – 1919, Қарши) – Туркистонда жадид ҳаракати раҳбарларидан бири, ёзувчи, журналист ва маърифатпарвар. Мадрасада ўқигач, қозилик, муфтилик билан машғул бўлган. Арабистон, Миср, Туркия, Россияга саёҳат қилган. Мактаб учун дарсликлар, ислом ва географияга оид китоблар муаллифи. Ноширлик билан шугулланиб, «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналларини нашр этган. Ўша давр сиёсий партияларининг курашларида фаол қатнашган. 1919 йилда Шаҳрисабзда Бухоро амири амалдорлари томонидаи ҳибсга олинди, болшевикларнинг жосуси деб айбланади ва Қарши шаҳрида қатл этилади. 30-йилларгача Қарши шаҳри Бехбудий номи билан аталиб келинади. Унинг машҳур «Падаркуш» (1912) пьесаси Туркистоннинг барча шаҳарларида театр труппалари томонидан сахналаштирилган.

² «Падаркуш» пьесасининг мазмуни шундай: бир қари бойнинг ўқимаган ўғли киморбоз, безориларга қўшилиб доим қовоқхона, фоҳишахоналарда маишат қилиб кун ўтказди. Кунларнинг бирида у безори шериклари билан тунда келиб отасининг пул сандиғини болта билан бузиб очди ва пулларни олиб турганда отаси билиб қолиб ўғрибошига ташланади. Ўғли эса отасини болта билан чопиб қочди ва сўнг полиция томонидан қўлга олинади.

– Ҳа, ҳа, доктор бўлмоқчиман денг, боракалло, – домла дадамга қаради, – ўғлингизни ҳам ўз соҳангизга тортмабсиз, мулла Абдулла?

Дадам кулимсираб, ўйланиб жавоб қилдилар:

– Олдин доктор бўлиб олсин-чи, домла... Бизнинг соҳа, биласиз, маҳсус билим талаб этмайди... Истеъдод, интилиш бўлса бас... Кейин, қўйинг, бизники сержанжал...

«СЎЗИ ЎЗИМИЗНИКИ». «ЎҚИШ-ЎРГАНИШ». ҚОДИРИЙ ҚОЗОН ШАҲРИДА

1935 йилнинг бошларида Қодирий «Шубҳа» ҳикоясини ёздилар. Ҳикоя катта, бирор жуздан ортиқ, гоёси колхоз қурилиши зараркунандаларига қарши кураш... Воқеа колхозда кечади: колхоз хўжалик мудирини Зухуровнинг уйига шаҳардан эски коммунист дўсти Тўйчибоев меҳмон бўлиб келади. У Зухуровникида бир неча кун дам олади, қўргон ташқарисида ҳовуз лабида ётиб китоб ўқийди, чўмилади... ва ўзининг ўтқир идроки, фавқулудда жасорати билан колхоз зараркунандачиларини фош қилишда ёрдам беради.

Мен бу асарни ўқисам, негадир ҳаминиша Камолхон домланинг Қонқусдаги далақўргонини, катта ҳовуз лабидаги супани, дадамнинг унда китоб ўқиб ётганларини ва ҳовузда чўмилганларини эслайман. Ҳикоя воқеалари гўё ҳовуз лабида ва кенг далада кечгандай туюлади.

Бир вақт Абдулла Қаҳҳор уйида бўлганимда ҳикоя қилган эди:

«1935 йилда мен «Совет адабиёти» журналида масъул котиб бўлиб ишлар эдим. Бир куни Абдулла ака журналга ҳикояни бостириш учун келтирдилар. Ўқидик. Ҳикоя яхши ёзилган эди. Бироқ унинг номи бизга унча ёпишиб тушмади. Номи «Коммунист» эди. Номини ўзгартириш кераклигини у кишига айтишга эса истиҳола қилар, журъатланолмас эдик. Охир, кимдир, эътирозимизни мулоҳаза тариқасида айтди. Фикримиз маъқул тушиб, ҳикояга «Шубҳа» деб ном қўйдилар¹...

* * *

¹ Бу ҳикоя 1935 йилда «Ўздавнашр» тарафидан алоҳида китобча этиб босилган.

Қодирийнинг аввалда театр ишларига қизиққани, саҳна асарлари ёзиб фаол қатнашгани маълум. 1934–1935 йилларга келиб Қодирий бу фаолиятни яна тиклагандай бўладилар. Ҳамза театрида адабий ҳамкорлик қила бошлайдилар. Шунинг билан миёнасида у киши «Ҳамза портфелида» номли бир пьеса ёза бошлаганлари ёдимда. Бу асар энди уч-тўрт қоғоз ёзилган бўлиб, мен уни сандал устидан олиб ўқиган эдим.

Пьесада иштирок қилувчилар кўп эмас, беш-олти шахс бўлиб, улардан бирининг исмими, лақабими Қал эди. Асарнинг хотирамда эс-эс қолган мазмунидан Қалнинг муғамбир, айёр, тадбиркор, кулдирувчи бир шахс эканлиги сезилар эди. Менимча, бу асар қандайдир комедия ёки фожиавий бўлиши керак эди.

1935 йилнинг кузида Қодирий Гоголнинг «Уйланиш» асарини таржима қиладилар ва таржима ўша йили Ҳамза номли театр саҳнасида ўйналади. Бу тўғрида газеталарда «Уйланиш»нинг саҳнага қўйилажаги, ўйналгани ва таржиманинг яхши чиққани тўғрисида кўплаб эълон ва мақолалар босилди.

Ҳамза театрида режиссёр бўлиб ишлаган Шариф Қаюмов ҳикоя қилган эди:

«Абдулла ака таржима қилган «Уйланиш» пьесаси менинг биринчи режиссёрлик ишимдир. Абдулла акам таржимани битириб келтирдилар. Чўлпон (ўша чоғларда бизда адабий эмакдош эди), театр директори Зиё Саидий ва кўпчилик артистлар таржимани муҳокама қилишга тўпландик. Абдулла акам камтар эдилар. Асарни ўқишга таклиф қиларканлар, «Унча-мунча таржимада кечган камчилик хатоларни йўлакай бамаслаҳат тузатиб борамиз-да», деб қўйдилар. Биз таржимани «Ўзингиз ўқинг», дедик. У киши бош чайқаб: «Йўқ, сизлар ўқингиз, артистсизлар, оҳангини ўрнига қўясизлар», дедилар... Асарни мен ўқидим...»

«Таржима жонли чиққан эди, – деб хотирани давом эттиради, муҳокамада қатнашган ва рол ижро этган, Ҳамза театрининг кекса артисти Жўра Тожиев, – ўқиш бошдан-оёқ кулги билан кечди. Албатта, «Уйланиш» ўткир асар, аммо таржимаси ҳам маҳорат билан қилинган, аслидаги кулги қўзғатувчи ҳар бир сўзга ўзимиздан худди ўхшаш иборалар қидириб топилган эди. Масалан: «Русларда шундай исмлар борки, эшитган замонинг наузанбилло ўқиб ёқангни ушлайсан, атрофингга тупу-

расан... Дунёда шундай махлуқлар борки, чоти айри-ю, боши юмалоқ. Одамларга ҳазил-мазах, эски маҳси, эски увада, шода бут, қотма, хода ютган ҳаромзода, мошоважўр, чулчит», каби иборалар хотирамда ҳамон сақланиб қолган. Бу кулги ибораларнинг бир қиммати шундаки, ўқимишли олимга ҳам, беданавоз чапанига ҳам бирдек мос тушади. Шунинг учун шу икки табақа ҳам театримизнинг қайта-қайта томошабинлари бўлган эди.

Бир кун Шариф Қаюмов эринмай санабди, сахна давомида томошабин 369 марта кулибди. Охунбобоев ҳам томошамизга тез-тез келиб турар эди. У «Уйланиш»ни икки-уч бор келиб кўрган ва бир гал шу сўзни айтган эди: «Кийими русларники-ку, сўзи ўзимизники...»

– Таржимада баъзи шахсларнинг исм-фамилияси ҳам таржима қилинган эди. Масалан: Кавшқайтараров (Жевакин), Гилдиракбосганов (Подколёсин), Қуймоқов (Яичников), – деб хотирлайди, театрнинг кекса суфлёри Тиллахўжа Исматхўжаев. – Гогол, албатта бу исмларни кулги учун атайлаб танлаб олган. Бинобарин, Абдулла ака ҳам кулдириш учун юқоридаги каби баъзи исмларни ўзбекчага айнан таржима қилган эдилар. Бироқ исмлар таржима қилинмаслиги ҳисобга олиниб, ўзича қолдирилди. Аммо асар ўша чоғларда, Андижон театрида исмлари ҳам таржима қилинган ҳолда ўйналди.

Ўша йили ёзда дадам Фарғона, Андижон, Наманган томонларга сафар қилиб, бирор ой юриб қайтдилар. Бу сафарлардан мақсад: мазкур шаҳар, қишлоқ, колхозлар билан танишиб, бирор асар яратиш ва ёзмоқчи бўлган «Амир Умархоннинг канизи» романига маълумот тўплаш эди.

Қодирий бу сафар натижасида, шу йил «Ғирвонли Маллабой ака» номли катта бир очерк ёздилар. Очерк Наманган яқинидаги Ғирвон қишлоқлик, ўша вақтларда (1930 йиллар) пахтачиликда зўр муваффақиятларга эришиб донг чиқарган Маллабой Боқибоев ҳаётига, фаолиятига бағишланади. (Бу очерк 1936 йилда «Нишондорлар» альманахида босилиб чиқди.)

* * *

Дадам қўлимда бирор китоб кўрсалар, «Қани», деб олиб кўрар, ёқса «дуруст» дегандай бош иргаб, қайтариб берар, ҳатто китобни илгари ўқиганлари учун ундан баъзи қизиқ эпизод-

ларни кулиб айтиб ҳам берар эдилар. Ёқмаса, ёвқараш қилиб, «шап» этиб олдимга ташлар эдилар...

Бир куни Фитратнинг «Қиёмат» асарини ўқиб ўтирган эдим, дадам китобни қўлимдан олиб ундан бир неча сатр ўқидилар ва дедилар: «Буни қара, жумлалар қандай ихчам, пишиқ тузилган. Ундан бирор сўзни ололмайсан ҳам, қўшолмайсан ҳам. Менинг тузган жумлаларимга ҳам бирор сўз қўшиб кўр-чи, ёки олиб, ўзгартириб кўр-чи, қилолмайсан, – дедилар бир турли фахрланиб, сўнг: – Бизда ҳали адабиёт¹ жуда оз, ўқишга арзирлиси қўл билан санарли. Сен рус, форс, турк, араб тилларини ўрган. Шунда битмас адабиёт хазинасига кирасан. Сендек чоғимда мен рус адабиётидан анча асар ўқиб чиққан эдим», дедилар.

Баъзан бирон китобни кўтариб келардилар. Мен олиб кўрардим. Орадан бир-икки кун ўтгач, ҳалиги китобни ўқи-моқчи бўлиб сўрар эдим.

– Йўқ, эгасига қайтариб бердим, – дердилар.

– Нега, ўқимадингизми? – сўрардим.

– Ўқиб битирдим, – дердилар.

Дадам таржима ишлари билан кам шуғулланардилар. Шундай бўлса ҳам бу ишдан ўзларини ажратиб қўймаган, оз-оздан бўлса-да (ёқтирганларидан бўлса керак, чунки таржимон, менимча, ўзи севмаган бадий асарни таржима қилмас), рус ва Европа ёзувчиларининг баъзи асарларини завқланиб таржима қилиб қўярдилар. Масалан, «Уйланиш»дан сўнг, 1936 йилнинг бошларида Чеховнинг «Буқаламун²» ҳикоясини таржима қилдилар-да, ҳикоя босилиб чиққач, «Ўқиш-ўрганиш» (майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак³) деган бир илмий мақола ёзиб, «Буқаламун» ҳикоясига чуқур таҳлил ҳам берадилар.

* * *

«Майда ҳикоялар устаси Чехов, – деб ёзадилар Қодирий мақола муқаддимасида, – сўз тўғрисида келганда ҳаддан ташқари хасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Ўзи айтади: «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилишдан кўра

¹ Қодирий бунда, албатта, реалистик адабиётимизни кўзда тутадилар.

² Бу таржима 1936 йилда «Совет адабиёти» журналининг 3-сонида босилган.

³ Бу мақола ўша йили ўша журналнинг 4-сонида босилган.

керакликларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортиқса деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айтган асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда, албатта, отилиши керак, йўқса, милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир». Унинг «Буқаламун» ҳикояси ҳам бошқа кўп ҳикояларидай ғоят сиқик, қуюқ ёзилгандир. Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмоқчи бўлган фикрнинг тушунилишини оғирлаштирмайди. «Буқаламун»да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни англаш мумкин (Албатта, бу сўзларни йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирмайди – А.Қ.) «Палътомни еч-чи, Елдирын... Кун жуда исиб кетди... Ёмғир ёғса ҳам ажаб эмас...»

«Чехов услубидаги айрим хусусиятни сезган А.Толстой бундай деган эди, – дейдилар Қодирий мақола охирида, – «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо узоқроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан». Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади. У дейди: «Табиатни тасвир қилишда майда булаклар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганингда кўз олдинга бир манзара келсин». «Буқаламун» ҳикоясининг бирон сўзни чиқариб ташлаш ёки бирон сўзини қўйиш мумкин бўлмаганлиги, сўзга нақадар диққат қилганлигини кўрсатади».

Бу келтирмалардан Қодирийнинг рус адабиётини нақадар кўп ўқиганлари, чуқур билганлари, унинг классикларга бўлган зўр муҳаббатлари, улардан ўз тажрибаларида фойдаланганлари кўриниб туради. У киши Чеховни ҳикоячиликнинг отаси деб билсалар, Лев Толстойни романчиликнинг пири деб билар ва уларни зўр ҳурмат билан тилга олар эдилар.

Раҳмат Мажидий ҳикоя қилади:

«Абдулла ака иккимиз, бир куни, Карл Маркс кўчасида суҳбатлашиб борардик. У киши деди: «Тушимда Лев Толстойни кўрибман. У билан «Ҳожимурод» асари тўғрисида суҳбатлашдим... Мен ҳам «Ҳожимурод»га ўхшаш бирор асар ёзсаммикин, деб турибман...» Абдулла аканинг ёзмоқчи бўлган «Намоз ўғри»

асари балки шу эмасмикин?...» (Бу асар тўғрисида сўнгроқда сўз бўлур – Х.К.)

Дадам Лев Толстойни тушда кўрганларини бир оилавий ўтиришда бизга ҳам ҳикоя қилган эдилар:

«Лев Толстой тушимда: «Сен катта бир боғ обод қил, иккита сигир боқ, сутини ичиб ёз... Бир ойда бир жузь асар ёзсанг, бас», деди».

1936 йилнинг июль ойида Жосият бибим вафот этдилар. (Мен бибим вафоти чоғларида Арашон курортида даволанар эдим.) Дадам эса бир-икки кун дафн маросимини ўтказиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан вакил бўлиб, Қозон шахрига, Татаристон ёзувчиларининг қурултойига қатнашгани кетдилар. У киши мен курортдан келгач, бирор ҳафтадан сўнг Қозондан қайтдилар. Қозон сафарида дадам билан ҳамроҳ бўлган Зиннат Фатхулин ҳикоя қилади:

«Қозонга Абдулла акам, Зиё Саид, Шокир Сулаймон, Ғафур Ғулом ва яна бир неча ёзувчилар биргалашиб бордик. Татаристон ёзувчилари бизни кутиб олишди. Қурултой икки кун давом қилди. Сўнг бизни Татаристон Марказий Ижроия Комитети ҳузурига зиёфатга чақирдилар ва хоҳлаганларни Татаристон бўйлаб саёҳат этишга, танишишга таклиф қилдилар.

Ғафур Ғулом ва яна кўп ёзувчилар, вақтлари зиклигиданми, узоқ турмай жўнаб кетдилар. Мен, Абдулла ака, Шокир Сулаймон яна бир оз муддатга қолдик.

Абдулла аканинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини, «Калвак махзум...», «Тошпўлат тажанг...» каби ҳажвий асарларини ўқимаган татар зиёлиси, китобхони камдан-кам экан. Шунинг учун Абдулла акани унда, айниқса, ҳурмат қилишар, «Абдулла обий», деб қариялар маҳаллама-маҳалла зиёфатга чақирар эдилар.

Абдулла ака Волга бўйидаги Верхний Слон (Татаристон Ёзувчилар уюшмасининг боғи)да бир неча кун дам олдилар, ёзувчилар билан улфатлашдилар, кейин татар овулларини айланиб, танишишга хоҳиш билдирдилар.

Ёзувчилар уюшмаси махсус извош ажратди: ўзи Бухоро мадрасаларида ўқиган, ўзбек тилини яхши билувчи, Татар Академик театри кутубхонасида мудирлик қилувчи қарироқ бир кишини (исмини унутганман) кучер қилиб тайинлади ва

таниқли романчи Иброй Ғозини Абдулла акага ҳамроҳ қилиб, татар овуллари бўйлаб саёҳатга жўнатди.

Абдулла ака татар овулларини ўн беш кундан кўпроқ айла-ниб қайтдилар ва саёҳатдан олган таассуротларини Ёзувчилар уюшмаси йиғилишида бирор соат сўзлаб бердилар. Ёдимда, у киши қўлларидаги ёзув дафтарларига қараб-қараб овуллардаги ободонлик, колхоз, совхоз қурилишлари, ўзига хос табиат гўзаллиги, ёшлар, қарилар билан бўлган баъзи суҳбатларда ишлатиладиган кўп сўз-ибораларнинг икки (ўзбек-татар) тилда ҳам муштараклиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини сўзлаб берган ва «Татар деҳқонлари билан суҳбатлашдим, бир-биримизни бемалол англадик», деган эдилар.

Абдулла ака унда Қавий Нажмий, Шариф Камол, Фатхулла Бурнаш, Тўфон Тулумбайский, Иброй Ғози, Тинчурин каби ўша даврнинг кўзга кўринган ёзувчи, шоирлари билан яқиндан танишдилар, дўстлашдилар¹. Ёдимда, бир гал ўтиришда Қавий Нажмий Абдулла акага деди:

– Абдулла обий, прозада бизга устозсиз, сизга ташаккуримиз зўр...

– Ёзувчилик ҳунари шундай, ҳамма бир-биридан ўрганади, – деди Абдулла ака. – Сизлар мени устоз билсангиз, менинг ҳам сизларнинг улуғ ёзувчиларингиздан ўрганган жойларим бор...

Қодирий Қозондан қайтгач, «Қачида икки ҳафта», «Татар овулида» каби (сўнггиси босилмай қолган) сафар таассуротларини ёздилар.

¹ Дадам қайтишда, шу ёзувчиларнинг баъзиларидан бўлса керак, дастхат ёзиб тақдим этилган бир неча татарча китоблар келтирган эдилар.

V БОБ

«АМИР УМАРХОННИНГ КАНИЗИ»

Қодирийнинг навбатдаги режалари «Амир Умархоннинг канизи» номли роман ёзиш эди. Бу роман ҳали ёзилмаган, фақат ният қилинган, шу боисдан бу роман хусусидаги гаплар сўнгроққа алоҳида ажратилди.

«Амир Умархоннинг канизи» романи ҳам тарихий, Қўқон хонлиги ҳаётидан ёзилмоғи керак эди.

Китобнинг «Меҳробдан чаён» бобида Қодирийнинг «Ўткан кунлар»га материал тўплаганимда, баъзан қўлимга қизиқ материаллар тушса ҳам, давр ва ё бошқа жиҳатдан унинг «Ўткан кунлар»га тўғри келмаслигини сезардим. Шундай бўлса-да, уларни алоҳида йиғиб борардим. Шу йўсин Худоёр ҳаётига доир анчагина маълумотлар тўпланиб, «Ўткан кунлар»ни битирган чоқларимда, ўрнини «Меҳробдан чаён» ташвиши эгаллаган эди», деган сўзлари келтириб ўтилган. Менимча, муаллиф «Меҳробдан чаён»ни ёзиб битиргандан кейин ҳам худди шундай ҳол рўй берган.

«Амир Умархоннинг канизи»ни ёзиш нияти муаллифда гарчи 1929 – 1930 йиллардан туғилган бўлса ҳам, орага «Обид кетмон»ни яратиш тушиб, иш бирмунча кейинга сурилади. Ниҳоят, 1934 йили «Обид кетмон» битгач, ниятга қайтилади.

Юқорида айтганимдек, бу асар ҳали ёзилмаган эди. Бироқ баъзи ўртоқлар «Ёзиб тугатилган эди, йўқолган», деб ўз мақолаларида хабар берадилар. Шунга суяниб бўлса керак, бу хабар китобхонлар орасида ҳам юради ва ҳатто бунга мени ҳам ишонтирмоқчи бўладилар...

Тўғри, 1937 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 14 июл сонисида «Ўзбекистон Совет Ёзувчилари уюшмаси пленумининг якуни» сарлавҳали мақолада (Абулла Қодирий) яқинда топширажак романининг ёзувчилар коллективи томонидан кўриб чиқилиши кераклигини айтди», деган маълумот бериб ўтилади. Адабиётчилар балки шунга таяниб юқоридаги ҳукми берарлар. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, ўзига ишонган ёзувчигина ҳали ёзмаган асари устидан бундай ваъдани бериб юбориши мумкин...

Хўш, ваъда юзасидан нималар қилинган? Муаллиф асарни ёзиш учун режалар тузган, материал-маълумотлар тўплаган, уларни фикран маълум бир тартибга солган. Дадамнинг шундай деганлари ёдимда:

«Романга керакли материаллар етарли бўлиб қолди. Энди Тошкент Шарқ кутубхонасида¹ Умархоннинг жияни ёзган, ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма бор экан, шу китобни ҳам бирор ой ўтириб ўқиб чиқсам ва Бухорога бир бориб келсам, бас. Уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир қиш қаттиқ ўтирсам, романни ёзиб битираман...»

Афсуски, дадам ниятларига ета олмадилар. Ўзбек халқининг маданий мероси бўлгучи гўзал ва машҳур романни ўқиш китобхонларга насиб этмади. Ҳатто романга тўплаган материаллари ҳам сақланиб қолмади.

Мазкур материаллар дадамдан сўнг, 1945 йилгача уйимизда сақланарди. Материаллар анча, бўлак-бўлак қоғозларда, дафтарларга турли вақтларда қалам ва сиёҳ билан араб алифбосида ёзилган бўлиб, усти қандайдир араб ёзувида нақшланган жигаранг юмшоқ чарм муқова ичида сақланар эди. Баъзан мен темир сандиқда сақланувчи бу материалларни олиб ўқирдим.

Материаллар турли кимсалардан, манбалардан олинган тарихий воқеалар, фактлар, мулоҳазалардан иборат эди. Материаллар ҳали маълум тартибга, бадиий тусга солинмаган бўлса ҳам, ҳар бирида ўзига хос мазмун, қизиқлик сезилиб турар эди. Шунинг учун материалларнинг аксари ёшлик хотирамда ҳамон сақланган. Ниятланилган роман ҳақида тасаввур ҳосил этиш мақсадида шу материалларни ва муаллифнинг материал ишлаш – тўплаш жараёнини хотирам илғаганча баён қилмоқчиман.

Аввало, бўлажак романнинг бадиий қудрати ҳақидаги Қодирийнинг сўзларини адабиётшунос олима Музайяна Алавия ўз хотирасида шундай эслайди:

«Бир кун Абдулла акани қизиқ ҳолатда қўрдим, хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиғлагансимон, аммо руҳи баланд эди: «Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, қўрқаманки, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ҳеч ким ўқимай қўядими, дейман», деди.

¹ Ҳозирги Шарқшунослик институти кутубхонаси.

«Меҳробдан чаён»ни ўқиганлар «Амир Умархоннинг канизи» бобини хотирлар. Унда Туркистон хонлари Амир Умархон, ўғли Муҳаммад Алихон ва амир Насруллохон ўрталарида бир гўзал каниз туфайли бўлиб ўтган кечмиш фоже тарих қисқача баён этиб ўтилади. Ана шу тарих ўз номи билан ушбу романга туб мазмун бўлиши, яъни асар шу мазмун асосида тавсифланиб, бадий бўёқ олиб, кенгайиб, алоҳида роман тусини олиши керак эди.

* * *

Умархон даврини ўрганиш «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» даврларини ўрганишга қараганда муаллиф учун албатта, бирмунча мушкул ва мураккаб кўчади. Чунки аввалан, Умархон даври бу икки даврга қараганда ҳам кўҳнароқ, жонли гувоҳлар излаб топиш, сўраб-суриштириш анча қийинчиликлар туғдиради; кейин шу даврни кенг ёритиб берувчи адабий манбалар унча етарли эмас (бунинг сабаби сўнгроқда аён бўлар). Аммо муаллиф бундай қийинчиликлардан чўчиб турмай, хийла ишлар қилади.

Қодирий романи ёзишга жазм этгач, аввалги сафарлари чоғида учраган ҳужжатлар билан қаноатланмай, Фарғона водийсига материал излагани янгитдан бир неча бор сафар қиладилар. Масалан: Хўжанд, Қўқон, Фарғона, Маргилон, Асака, Учқўрғон, Наманган ва кўпгина жойларни кезиб чиқадилар. Мен шу кейинги сафарлардан иккитасини яхши хотирлайман. Буларнинг бири 1932 йилда, иккинчиси 1935 йилда бўлган. Бу сафарлар тўгрисида ҳам дадам суҳбат чоғларида бизга баъзи таассуротларни сўзлаб берган эдилар. Бироқ мен аввал ана шу сафарларда ҳамроҳ бўлган баъзи кимсаларнинг хотирасини ёзиб ўтмоқчиман.

«1931–1932 йиллар бўлса керак, ёз оyi эди, – деб ҳикоя қилган эди шоир Ғайратий. – Ёзувчилар уюшмаси бизларни Ўзбекистоннинг турли шаҳар, қишлоқларига ижодий командировкага йўллади. Мен бу сафарда, иттифоқо, Абдулла акам билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Икковимиз Қўқонга бориб, меҳмонхонага қўндик.

Қўқонда Абдулла акамнинг Мирзойи Қўқондий номли таниқли бир ошналари бор экан. Ўзи анча кекса, лекин тетик, ўқимишли, шоирнамо, кўпни билувчи, янглишмасам, у Жоме масжидининг мутаваллиси бўлиб ишлар экан. Шу киши меҳ-

монхонада туришимизнинг учинчи-тўртинчи кунлари келиб, бизни Жоме масжидига бир ҳужрага кўчириб ўтказди ва то биз Қўқондан жўнагунча Абдулла акамга ҳамроҳ бўлди.

Мирзойи Қўқондий ҳар куни шаҳарнинг кекса, унинг тарихдан хабардор кишиларни ҳужрамизга чорлаб келар, Абдулла акам билан суҳбатлашар, баъзан эса у бизни турли кимсалар уйига меҳмонга бошлаб борар эди.

Хотирамда, бир куни Мирзойи Қўқондий бизни бир кишининг уйига меҳмонга бошлаб борди. Бу киши ҳам кексароқ, кўп тарихларни билувчи, Николай замонида қандайдир ҳарбий лавозимда ишлаган, кейинги чоқларда чамаси китобфурушлик билан шуғулланар экан.

Абдулла акам бу киши билан узоқ сўзлашиб ўтирдилар. Китобфуруш сандиғини очиб, ундан иккита фоторасм ва бир қўлёзма олиб кўрсатди. Бу китоб Амир Умархоннинг жияни бўлмиш Ўратепа ҳокими Ҳакимбек тўра томонидан ёзилган тарихий хотира бўлиб, унда Умархон ва Маъдалихон даврлари тасвирланар эди. Бироқ у (Абдулла акамга кўрсатилган китоб) қўлёзманинг асли эмас, аслидан бирмунча қисқартириб кўчириб олинган нусха эди. Асли эса Тошкент Шарқ кутубхонасида сақланар экан.¹

Тошкентда тўлиқ нусхаси борлиги учун бу китоб Абдулла акамни унча қизиқтирмади. Аммо расмлар у кишининг эътиборини тортди.

Расмларнинг бири Ўрмонбекнинг (Худоёрхоннинг ўғли, у ҳарбий кийимда эди), иккинчиси Андижон ҳокимининг бир неча кишилар билан тушган расмлари эди. Абдулла акам расмларга қараб ўтириб, нималарнидир ёзиб олдилар.

Мен Абдулла акамнинг Умархон давридан роман ёзмоқчиликларини билардим. Шунинг учун меҳмондорчиликдан чиққач, у кишидан: «Сиз-ку, Умархон даврини ёзмоқчисиз... Умархондан қарийб эллик йил кейин яшаган Ўрмонбек ва Андижон ҳокимларининг расми сизга нечун керак?» деб сўрадим. Абдулла акам: «Расмлардан ўша давр кишилари, уларнинг аҳоли руҳияси, қиёфаси, кийим-кечаги тўғрисида бирмунча тасаввур олиш мумкин...» деб жавоб бердилар.

¹ Менинча, юқорида ёзганимдек, «Тошкент кутубхонасида бир китоб бор, шуни ўқисам...» деб дадам шу китобни айтмадилармикин?..

Абдулла акам билан Қўқонда бир неча кун бўлгач, Марғилонга ўтдик. Унда Ҳожиолим Қобилов, Жалол Машрабий сингари «Муштум» журналининг мухбирлари билан учрашдик, уйларида меҳмон бўлдик. Абдулла акам Ҳожиолим Қобиловдан бирмунча маълумотлар ёзиб олдилар ва у орқали кўпгина одамлар билан учрашдилар. Менинг командировка муддатим Марғилонда тугаб, Тошкентга қайтдим. Абдулла акам эса ҳалиги суратдаги ҳокимлар авлодини излаш учунми Андижонга ўтиб кетдилар...»

Бироқ ўша йили (1932) дадамнинг Андижон, Наманган томонларга ўтганлари, материал излаганлари тўғрисида маълумот йўқ. Аммо 1935 йилда дадамнинг материал излаб, у томонларга борганлари тўғрисида маълумот бор. «1935 йил эди, – деган эди ёзувчи Наби Юсуфий (бу киши 1979 йилда вафот этди) ҳикоя қилиб, – мен Марғилон шаҳар комсомол комитетида бўлим бошлиғи бўлиб ишлар ва ўқитувчилик қилар эдим. Ёз кунларидан бирида мени Марғилон шаҳар партия комитетининг котиби Саъдиев ўз кабинетига чақирди. Кабинетга кирсам, Саъдиев қорадан келган бир киши билан сўзлашиб ўтирарди. Кўришдим. Саъдиев менга деди:

– «Ўткан кунлар»ни ўқиганмисан?

– Ўқиганман.

– Ким ёзган?

– Абдулла Қодирий.

– У кишини кўрганмисан?

– Йўқ.

– Кўрмаган бўлсанг, – деди кулиб Саъдиев ва Абдулла акага ишора қилди, – мана, таниш...

Мен ўнғайсизландим, Абдулла ака билан қайтадан кўришдик. Саъдиев менга буюрди:

– Бу киши Марғилонга янги ёзмоқчи бўлган романлари учун материал йиққани келганлар. Кетгунларича бирга ҳамроҳ бўласан, истаган жойларига олиб борасан...

Бозор ўртасида Шамсиддин хожи деганнинг ташқари болохонасида ёлғиз ўзим яшардим. Абдулла акани ҳужрага бошлаб келдим. Абдулла ака Марғилонда Абдуллахон Абдурахмонов, Юсуфжон қизиқ каби кўпни кўрган, тарихни билган кишилар билан учрашиб суҳбатлашдилар. Хотирамда, бир гал мен Абдулла акани Юсуфжон қизиқнинг уйига бошлаб бордим. Унда

бир оз ўтиришгач, учовлашиб таниқли шоира Увайсий (Жаҳон отин)нинг уйига бордик. Абдулла ака шоиранинг яшаган уйлари, баъзи қолдиқ асарлари, қариндошлари билан танишдилар, сўзлашдилар. Айтишларича, Увайсий гўзал аёл бўлган, Нодира бегим билан саройда бирга турган, Нодирага шеърятда устозлик қилган экан...

Бирор ҳафтадан кейин Асакага ўтиб, тўғри райком котибининг хузурига кирдик. Абдулла ака унга ўз ташриф муддаоларини айтиб, тарихни дуруст биладиган кексалар билан учрашиш орзуларини айтдилар. У бизни извошга ўтқазиб, Чўнтак қишлоғига йўллади.

Эртасига қаёқдандир Асака домла исмли бир кекса киши келиб, Абдулла акага ҳамсуҳбат бўлди. Домланинг нима иш билан шуғулланишини билмадим, аммо ўзи кўп тарих билувчи, аллома табиат, шоирнамо киши экан. У Абдулла ака билан уч кун бирга бўлди: Умархон, Маъдалихон шеърларидан ёд биларкан, Абдулла ака ёзиб олдилар. Домла у кишига яна қандайдир бир баёз ҳам кўрсатди. Кейин Андижонга ўтдик...»

Бир вақтлар бизнинг уйга келиб, «Меҳробдан чаён»нинг қўлёзмасини нусхага кўчиришда иштирок қилган, Ўзбекистон Фанлар академиясининг босмаҳонасида хизмат қилган Мансур Ризқий ҳикоя қилади:

– 1935 йилда мен Норин районидаги «Пахтачи» газетасида масъул котиб бўлиб ишлардим. Ёз эди. Бир кун тасодифан Андижонда Абдулла акамни Наби Юсуфий билан извошда кўриб қолдим. Омонлашдик. Абдулла ака мени ётоқларига таклиф қилдилар. Ижобат этиб, эртасига бордим. У кишининг мақсади янги ёзмоқчи бўлган романларига материал излаш ва Ғирвон қишлоқлик Маллабой исмли киши билан учрашиш экан. Биргалашиб Учқўрғонга ўтдик ва районнинг бир неча масъул ходимлари билан учрашиб, улар ҳамроҳлигида яёв, Норин дарёси кўприги ёнида яшовчи Аҳмад амиркончи исмли бир чолнинг уйига бордик... Чол билан Абдулла акам анча суҳбатлашдилар, кейин Наманганга ўтиб кетдилар. Қодирий билан Аҳмад амиркончи ўрталарида шундай суҳбат бўлади:

«1819 йил ёдгори»¹

¹ Қодирийнинг бу мақолалари 1935 йил 6 июлда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилди. Биз ундан қисқартириб кўчираамиз. (Албатта, Қодирий Аҳмад ота билан бўлган суҳбатини бу мақолада тўлиқ ёритмаганлар).

Учқўрғонлик ўртоқлар менинг Умархон ва Маъдалихон даврига оид тарихий маълумотлар йиғиб юрганлигимни сезгач, «Бизнинг қишлоқда Аҳмад амиркончи исмли бир чол бор, учрашсангиз, эҳтимолки ундан баъзи маълумотлар оларсиз», деган таклифда бўлдилар. Унинг ёшини 116 да деб эшитгач, бориб кўришга қизиқсиндим...

...Кўприк ёнига яқинлашгач, кўча юзасида ўсган тут дарахти остидаги катда ёстиққа суяниб ўтирган бир чолни ишорат қилдилар. Бу бояги Аҳмад амиркончи эмиш. Илгари йирик гавдали бўлса ҳам ҳозир эти қочиб, суяклари ўлтирган, орқадан қараганда 12 – 13 ёшли бола ҳолини эслатади. Юзидаги беҳад ажинлар қуёшда қовжираган шафтолини эсга туширади. Соқол-мурти оз, қовоқ халтимлари орасидан аранг кўз чизиги сезилади. Оппоққина ювилган, олди очиқ, кенг чит яктагининг боғичини бўшгина боғлаб, тек ўлтиради.

Чол тут теварагида бизларни кўргач, қовжираган кўзини каттароқ очишга тиришиб, қаддини ростланқираб ўлтирди ва ҳар қайсимиз билан қўл олишиб кўришди. Қулоғи бир оз оғир, товушни бирмунча кўтариброқ гапиришга тўғри келади. Мен унинг зиёратига махсус келганлигим англатилгач, ўлтиришга жой кўрсатди.

Бундагилар чолнинг бу қадар ёшга кирганлигига ишониб етмайдилар. Шунинг учун мен уни бир оз синамоқчи бўлдим.

- Соғ-саломат, тетиккина ётибсизми, ота?
- Шукр, ўғлим.
- Асли қаерда туғилгансиз, ота?
- Менми, мен Хўжандда туғилдим.
- Учқўрғонга келганингизга кўп йил бўлганми?
- 90 йилдан ортди.
- Нима касб учун келдингиз?
- Мана шу кўприкка қоровул бўлиб келдим.
- Ҳали ҳам қоровулмисиз? – деб кулиб қўйдим.
- Ҳа, қоровулман.

Айтишларига қараганда, чол ҳануз ўзини кўприкка қоровул деб билади.

- Хонлардан кимларни кўриб кечирдингиз?
- Хонлардан... хонлардан Маъдалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахонларни кўрдим.

– Сиз Жаннатмаконни (эскилар Умархонни Жаннатмакон лақабида яхши танийдилар) кўрмадингизми?

– Йўқ, мен кўрмадим.

– Маъдалихоннинг 1256 ҳижрий 1834 мелодий йилда Бухоро амири Насрулло томонидан ўлдирилганлиги менга маълум.¹

– Сиз Маъдалихонни неча ёшда кўрдингиз, қаерда кўрдингиз?

– Мен Маъдалихон вақтида 15 ёшлар чамалик бола эдим. Ўзини Хўжандда кўрдим.

Қўлимдаги баъзи тарихий ҳужжатлар ва кишиларнинг ривоятига кўра, мен бир даража Маъдалихоннинг қиёфат ва сиймосини биламан. Бинобарин, унга бу тўғрида саволлар бердим. Жавоб қўлимдаги ҳужжатларга мувофиқ чиқиш билан баробар, чол менга мажхул нуқталарни ҳам сўзлаб чиқди.

Яна бир қанча воқеалар устидаги саволларимга жавоблар берди. Жумладан, Маллахон тўғрисидаги бир ҳикояси хонлар ваҳшатини очиқ гавдалантирдик, уни кўчириб ўтаман.

«Мен бир вақт Хўжандга бордим, – деди Аҳмад ота, – Маллахон Хўжанд теварагига кўрғон олдирмоқда, шаҳарнинг ёшу қариси, хотин-қизлари зўрлик билан деворга ишлатилмоқда эканлар. Ҳар қандай узрни ҳам хон ва кишилари қабул қила бермас, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмас экан... Ой-кунни яқин бўлган бир ҳомилали хотин шотида туриб кўрғонга лой ирғитар экан, туғиб юборди... Боласи ерга тушиб жон берди, ўзи ҳам шотидан боласи устига йиқилиб, шунда ўлди. Бу ҳолга чиолмаган халқ хонга қарши қўзғолон кўтарди...

Аҳмад отанинг «амиркончи» деб аталишига сабаб, унинг бир касби этикчилик бўлиб, дастлаб амиркон тери тикиб, Учкўрғон теварагига тарқатганлиги учундир...

* * *

1903 йилда туғилган, хўжандлик ўқитувчи ва журналист, пенсионер Сафохон Аминзода ҳикоя қилади: «Мен 1935 – 1936 йилларда Тошкентда тожик Инпроснинг икки йиллик жуғрофия ўқитувчилари тайёрлов бўлимида ўқир эдим. Ёз кунларининг бирида Душанбе шаҳридан Мунирхон Муинзода исмли бир дўстим Тошкентга келиб ётоғимда қўнди.

¹ Тарихчи олимларнинг кейинги аниқлашларича, 1842 йили.

Муинзода мандан уч-тўрт ёш катта, яхши шоир ва ўқитувчи, хўжандлик ҳамшаҳрим эди. У шу чоқларда Душанбе шаҳрида «Тожикистони сурх» (ҳозирги «Тожикистони совети») газетасида адабий ходим ва таржимон бўлиб ишлар эди. (У 1970 йиллар бошида Ленинобод шаҳрида вафот этди.) Муинзода ётоғимда тураркан, бир кун кечки пайт менга: «Юр, Абдулла Қодирийнинг уйига бориб келамиз», деди (чамаси, унга Душанбе газетаси ёки нашриётдан Қодирийга учрашиш тўғрисида топшириқ бўлган экан.) Мен Абдулла акани илгари кўрмаган эдим. Таклифни мамнун қабул қилдим. Икков яёвлашиб боғларига чиқиб бордик. Абдулла ака уйда дам олар эканлар, баҳаво, чиройли шийпонларига ўтқизиб меҳмон қилдилар.

Шу кун Абдулла ака биз билан гаплашиб ўтириб, шундай бир тарихни ҳикоя қилиб бердилар. (Чамаси бу гап бизнинг хўжандлик бўлганимиздан келиб чиқди):

«Мен ёзмоқчи бўлган асаримга материал тўплаш учун яқинда Фарғона шаҳарларига сафар қилиб қайтдим. Жумладан, сизнинг шаҳрингиз Хўжандда ҳам бўлдим, – дейдилар Абдулла ака. – Хўжандлик кексалар Маллахоннинг фуқарога ўтказган зулми ҳақида менга ҳикоя қилиб, «Маллахон Хўжанд шаҳри теварагига қўрғон олдирганда эрдир, аёлдир, кексадир, хастадир, мажруҳдир – ҳеч кимсага силаи раҳм қилмаган, ҳеч нарсани узрга санамаган, ҳамма фуқарони қўрғон олиш меҳнатига мажбур қилган. Ҳатто Тошкентбой, Сангинбой, Пўлатбой, Турсунбой, Темирбой, Маҳкамбой каби номлари қаттиқлик, пишиқлик, мустаҳкамликни ифодаловчи кишиларни тутиб келтириб, ирим қилиб, қурилаётган қўрғон тагига тириклайин бостириб, устларидан девор олдирган. Шу боисдан, қўрғон олдирилган чоғларда ҳалигидек номли кимсалар Хўжанддан бошқа жойларга қочиб қутулганлар. Алҳол, баъзан эски қўрғон ўринлари қазилганда ўша бостирилган кимсанинг чириган суяклари у ер-бу ерлардан чиқиб туради. Биз шундай суяк чиққан бир чуқурни кўрганмиз...» дейишди.

– Мен кексаларнинг сўнгги сўзларига жилла ҳам ишонмай, ўйланиб қолдим, – деб давом қилдилар Абдулла ака, – чунки мустаҳкам бўлсин деб одамларни тириклайин девор тагига кўмиш, сув тўхтасин деб тўғонларга босиш, ғишт яхши пишсин деб хумдонларга ёқиш каби ирим-одатлар қадим замонларда ҳукм сурган бўлса ҳам, ислом дини жорий этилгандан сўнг, бу

хил одатлар қатъиян ман этилган. Бинобарин, бундай ваҳшийликка руҳонийлар рухсат бермасалар керак эди, деб ўйладим. Иккинчидан, Туркистон хонлиги даврига оид тарихий китобларни кўплаб ўқиб, бундай ривоятларни учратмаган эдим. Ҳалиги кексалардан ўша инсон суяклари кўмилган чуқурни кўрсатишларини илтимос қилдим. Улар мени шаҳар четроғидаги бир маҳаллага бошлаб боришди (собик «Дарбозаи масжиди Савр» маҳалласи, ҳозирги автовокзал ўрни – С.А.) ва эски кўргон ўрни бўлган, кейинчалик нима учундир қазилган бир чуқурликни кўрсатдилар. Дарҳақиқат, чуқурликда ярим-ёртиси тупроқда кўришиб турган анчагина суяклар бор эди. Мен чуқурга тушиб, баъзи суякларни тортиб олиб кўрдим. Мулоҳазам тўғри чиқди, суяклар инсон суяги эмас, ҳайвон суяги экан...

Хўжанддан Кўқон, Марғилон, Андижон тарафларга ўтдим. Учкўргонда Аҳмад амиркончи исмли бир кекса билан учрашдим. У киши асли хўжандлик бўлиб, ёши юзлардан ошган, Маъдалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахон даврларини кўрган экан. Суҳбатлашиб анча маълумотлар олдим. Жумладан, Аҳмад отадан, аниқлаш учун, Маллахоннинг Хўжанд теварагига кўргон олдириш воқеаларини ҳам сўраб кўрдим. Ота, хўжандлик кексаларнинг, бу тўғрида берган маълумотларини асосан тасдиқласа ҳам кўргон тагига одам бостириш ривоятини рад қилди ва Хўжандга кўргон олишда ўзининг ҳам қатнашганини ва унда кўрган-кечирган воқеаларини сўзлаб берди.

Абдулла ака бу воқеани бизга сўзлаб, «Хулоса шундаким, тарихий асар ёзганда бирор шахснинг хоҳ оғзакидир, хоҳ ёзмадир берган шохидлигига дарҳол ишонавериш бўлмайти, уни обдан текшириб, мантиқ андозасига солиб, сўнг асарга киришти керакким, китобхонда эътироз, шубҳа туғилмасин...» дедилар.

* * *

«Мен Қодирийни 1929–1930 йилларда «Ёш ленинчи» газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган вақтларимда таниган эдим, – деб ҳикоя қилади ёзувчи Йўлдош Шамшаров, – 1930 йили Фарғона педагогика институтига ўқишга кетдим ва ўқиш билан бир вақтда «Ёш ленинчи» газетасининг Фарғона бўйича махсус мухбири ҳам бўлиб ишлаб юрдим. 1935 йилнинг ёз кезлари эди, институтга ўқувчилар қабул қилиш, «Ёш ленинчи» газетасининг

рейдини уюштириш мақсадида биз бир неча ёшлар Наманганга бордик ва унда икки марта Абдулла акани учратдим. Бир гал Ғишткўприқдаги чойхонада: бошида қорами, кўкми бахмал дўппи, бир нимага махлиё бўлгандек хаёл суриб ўтирар, ҳар замонда чой ҳўплаб қўяр эди. Шу кун бозор, кўча-кўй, чойхоналарда халойиқ кўп, ғала-ғовур эди. Лекин бу ғовур-ғувурлар ўзи билан банд Абдулла акага халал бермагандай эди...

Иккинчи гал, орадан икки-уч кун ўтгач, «Сўфизода» чойхонасида шоир Сўфизода, Рафиқ Мўминлар билан суҳбатда кўрдим. Рафиқ Мўмин дутор чалиб ашула айтди... Афсус, бу икки учрашувда ҳам Абдулла ака билан сўзлашишга журъат этолмадим...»

Шу сўнгги сафар тўғрисида дадамнинг ўзлари оилавий ўтиришда наманганлик бир кекса тўра билан (бу кишининг номи ни унутганман, наманганлик баъзи ўртоқлар «Қодирий учрашган бу кекса Духоба тўра¹ бўлса керак», дейишади. Ўртоқларнинг сўзи тўғри бўлса, бу кишини шундай атаймиз) учрашганларини шундай ҳикоя қилган эдилар:

«Духоба тўра саксон ёшларда, камгап, риндтабиат, ихлосманд (мурид)лари кўп, санъатни севувчи, бола-чақасиз киши экан. Унинг уйи доим мухлислар билан тўла, шеър, ашулахонлик авжда экан. У кишининг ўзи ҳам танбур чертиб хониш қилар, хониш асноси баъзан йиғлар экан. Мухлисларининг айтишича, гўё менинг Наманган боришимни Духобатўра «Жулқунбой келяпти», деб уч-тўрт кун бурун каромат қилган эмиш...»

Энди шу изланишлар натижасида романга йиғилган айрим материалларни қуйида бериб ўтмоқчиман. Шунини ҳам айтиш керакки, бу берилаётган материаллар деярли ҳеч ерда эълон қилинмаган, 35 – 40 йил бурун менгина ўқиган маълумотлардир. Бинобарин, у маълумотлар ҳақида хотирамда айрим-айрим тасаввурлар қолган бўлса ҳам, баъзи шахслар номи, тарихий саналар, тафсилотлар ёдимдан кўтарилган бўлиши мумкин. Бундай муаммо ҳолларни хабардор шахслардан сўраб, тарихдан ўқиб аниқлашга ҳаракат қилдим.

Фарғона водийсида XVII аср охирларида ўзбекнинг «минг» қабиласи бошлиқларидан бири Норбўтабий мустақил Қўқон ҳокимияти (хонлиги)ни тузади. Норбўтабийнинг уч ўғли: Олимбек, Умарбек, Рустамбек ва укаси Ҳожибек бўлган. Нор-

¹ Айтишларича, Духоба тўра қишин-ёзин духоба сирилган пўстин кийиб юрар экан. Мазкур ном балки шундан олинган бўлса керак.

бўтабийнинг вафотидан сўнг Қўқон хонлиги Олимбек (Олимхон) қўлига ўтади ва унинг вафотидан сўнг 1810 йилда тахтга Умарбек (Умархон) ўтиради. Умархон саройга аҳли санъат – шоир, олим, фозил, созанда, навозандаларни тўплайди, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиб, санъат, адабиёт ривожига қўшиш қилади; ҳамиша базм, мушоираларда умр кечиради. Умархон серзавқ, айш-ишрат, анъана ва дабдабаларга ишқибоз, мағрур хон эди. У кўпинча айш-ишрат мажлислари тутагач, ўзининг қимматбаҳо буюмлар билан безатилган меҳмонхонасини сарой ходимларига талатар эди. Унинг яна бир сеvimли кўнгилочар машғулоти ов қилиш эди. Неча юзлаб овчи қуш ва итлар боқар; итларни олтин бўйинбоғ занжирларда сақлар, заррин кимхоблар кийинтириб қўяр ва сарой аҳли, шаҳар аҳолиси билан тез-тез овга чиқар эди. Шундай овлардан бирида хон авлоди, сарой саркардаси Маҳмудбекка тасодифий бир ўқ тегиб, у кўкрагидан қаттиқ яраланди. Умархон келиб қонсираб ётган Маҳмудбекнинг бошини тиззасига олади. Маҳмудбек ҳолсизланиб:

«Амирим, ярам оғир, ҳозир кўз юмсам керак. Сизга бир васиятим: уйимда ёш, севикли бир қизим бор. Шуни ўз саройингизга олинг. Токи, подшоҳлик хонадонимиз бузилмасин», дейди ва шу онда жон беради. Умархон васиятни бажо келтиради, Маҳмудбек таъзиясидан сўнг қизни (исми Хонпошша экан) саройга олдириб, хотини Нодирабегим тарбиясига топширади.

Нодирабегимни Нодирахоним, Комила ёки Моҳларойим деб ҳам аташган. Нодирабегим, андижонлик Раҳмонқулибек оталиқнинг қизи, ниҳоят гўзал, ўқимишли, ақл-идрокли қиз бўлган. Умархонга эрга чиққач (1806 йилда) саройдаги шеърий ҳаётда яхши шоира бўлиб етишади.

Нодирабегим фақат шоирагина бўлиб қолмай, хонликни бошқариш, сиёсий ишларда ҳам хийла ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, эри Умархон вафотидан сўнг, ўғли Муҳаммадалихон тахтга ўтиргач, бирмунча вақт ҳукумат ишларида ёш ўғлига маслаҳатлар бериб туради...

Орадан бир неча йил ўтади. Умархон дабдабали ҳаётини давом эттиради, маишат-ишратни авжига миндиради, кун сайин саройда базм, мушоира, майхўрлик... Кунларнинг бирида Умархон ширакайф базмдан чиқиб, ҳарамга, Нодирабегим хонасига киради. Нодирабегим ўн-ўн икки ёшлардаги гўзал

бир қизга шеър ёдлатиб ўтирар эди. Икковлари ҳам Амирни қаршилаб ўринларидан турадилар, таъзим адо этиб хушомад қиладилар. Умархон сархуш кўзларини қизга тикиб, бирмунча вақт тек қолади. Нодирабегим Амирни ўтиришга таклиф қилиб, қизга кетишга руҳсат беради. Амир ўтириб дейди:

– Бу қандай қиз эрур?

– Наҳот саҳв этсалар, – дейди таъзим ва истехзо билан Нодирабегим, – бу қиз сизга васият этилган ақробингиз Маҳмудбек ожизаси... Ҳазратим, сарой ишларига оғушта бўлиб, ўз ҳарамларини унутганлар...

– Балли, – дейди Амир, – бу қиз уч-тўрт йилдан сўнг гўзалликда ягона бўлғай. Улғайса, никоҳимга олғайман...

Умархон юқоридаги сўзни гарчи кайф устида айтган бўлса-да, унутиб юбормайди. Вақт ўтиши билан канизга бўлган муҳаббати кучая боради.

* * *

Умархон кўп йиллардан бери дил хасталигига мубтало, аммо ёшлик ғурури билан унга эътиборсиз эди. Хасталик зимдан улғайиб ёвуз панжасини ёш хон кўксига чуқурроқ суқар эди. 1820 йили дард уни ниҳоят ҳолдан тойдиради; ҳукмдорлик, базм-ишратлардан бездириб тўшакка ётқизади. Унинг дарди истисқога¹ айланган эди...

Бу вақтларда машҳур табобатчи ва шоир Жунайдулло Исомшоҳ ўғли Ҳозиқ Бухородан Қўқонга кўчиб келган, ўз санъат-заковати билан Умархон илтифотига сазовор бўлган эди. Ҳозиқ шаҳар ҳукамолари билан бамаслаҳат Умархонни даволар, кўп вақтини амир ёнида кечирар эди. Ўз дардининг оғирлигини, дори-дармоннинг нафсизлигини сезган амир Ҳозиққа:

– Муолажа не ҳожат, мавлоно, вақт битган, – дейди.

– Сиз тузаласиз, амирим, ноумидланманг, – кўнгил кўтаради Ҳозиқ.

Умархон кулимсираб бош қашийди ва шу байтни ўқийди:

*Саҳар чаманда қулоғимга бонги авд этар,
Башорат карам вожибул вужуд этар...*

* * *

¹ Истисқо – қорин ва тери остиларига сариқ сув йиғилиши.

Умархон ўз тилагига етмай, 1822 йили ўттиз беш ёшида вафот этади. Юсуфбек отли кимса – Умархоннинг мингбоши-си, ҳам қудаси (у ўз қизини Умархоннинг ўғли Муҳаммадали (Маъдали) хонга берган эди) Умархон ўлимини халққа дарҳол маълум қилмай, сир тутади. Маъдалихонни оқ наमतга ўтқи-зиб, қасамёд этириб, тахтга чиқаргандан сўнг Умархон вафо-тини эълон қилади.

* * *

Шундай қилиб, Маъдалихон 14 ёшида хонлик тахтига ўти-ради.

Маъдалихон Нодирабегимнинг тўнғич ўғли, 1808 йили Кўқонда туғилади. Ёшлиқдан дабдабали сарой муҳитида, айш-ишрат оғушида ўсади, тарбияланади. Отаси каби ов қилиш, каптар ўйнаш, хўроз, ит, туя уриштиришларни жуда севади, базм-маишатга ниҳоятда берилади. Шу билан бирга илм, санъ-ат, шеърят аҳлларига зўр ҳомийлик кўрсатгандек, ўзи ҳам «Хон» тахаллуси билан анчагина шеърлар ёзади. Аммо у ула-молар гуруҳини ёқтирмайди.

Юқоридаги хонларга хос бўлмиш баъзи хислатлари сабабли бўлса керак, Маъдалихонни баъзилар «Мажнун, девона», деб сифатлаганлар. Аммо унинг давлатни идора қилиши, тутган ташқи сиёсати, истилочилик ҳаракатлари юқоридаги сифатни беришда бир қадар ғаразлик борлигидан далолат беради.

Орадан бир неча йил ўтгач, Хонпошша ойим балогатга етиб, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилади. Канизнинг гўзаллигини ҳарам ходимларидан бири шундай тасвирлайди:

– Каниз шу қадар чиройли эдики, фақат эрларгина эмас, ҳатто биз хотинлар ҳам уни кўрганда кўзимизни олмоққа, ўзга ерга боқмоққа қудратимиз қолмай, ихтиёримиз қўлимиздан кетар эди...

Маъдалихон ҳам кўп йиллардан бери Хонпошшани кўз остига олиб юрарди. Хонпошша балогатга етгач, унга уйлан-моқчи бўлади. Бироқ Маъдалихоннинг бу тилагига уламолар фатво бермай, қарши тушадилар. Қодирий бу тафсилотни «Меҳробдан чаён»да шундай баён қилдилар:

«Отангиз агарчанди канизни ўз никоҳларига олмаган бўл-салар ҳам ва лекин «Балогатга эришгач, оламан», деб ният

қилганлар. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, шаръиат рухсат бермайди!» дейдилар.

Маъдалихон бу фатводан кейин дардини ичига ютишга мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусига қарши борган уламони секин-секин «илмий» ишлардан олиб, улар ўрнига янгиларини қўя бошлайди. Ўз орзусига замин ҳозирлағач, бир неча йилни ўтказиб, яна уламога шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қилади. Табиий, яқиндагина оғзи ошқа еткан янги уламолар ўз валинеъматлари бўлган Маъдалихонга хиёнат қилмайдирлар-да:

– Баназди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир. Отангиз марҳум: «никоҳланаман», деб айткан бўлсалар ҳам «никоҳландим», деб айтмаганлар. Бас, амиралмўъминин мазкурани худ нафсларига ақди шаръий қилсалар жоиз ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссавоб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» муҳри баҳайбатлари билан қалашдириб берадирлар ва Маъдалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадир...»

Маъдалининг узоқни кўзлаб ўтказган бу уста тадбири мансабдан четлатилган уламо – руҳонийларда зўр норозилик, адоват туғдиради, ҳатто баъзи нуфузли арбоблар, шайхлар Маъдалининг юзига тик сўзлай бошлайдилар.

Қўқонда Ҳазрати Калон Соҳибзода номли нуфузли бир шайх бўларди. Маъдали канизга уйлангач, шу шайх бир кун дарғазаб саройга кириб келади. Ҳатто отдан ҳам тушмай, тўғри Маъдалихон тахти яқинига боради ва баланд овоз билан дейди:

– Ту сак шуди, модар зино...¹

Хон ҳузурида ўтирган аёнлар ҳайратга келадилар. Ҳазрати Калон Соҳибзоданинг ҳозир жаллодга топширилишини кутадилар. Бироқ Маъдали ундай қилмайди. Табассум билан мулойим жавоб беради:

– Тақсирим, итнинг тупроғидан чиқиб кетсинлар...

Шайх шу куниеқ Қўқондан Бухорога жўнайди ва ундан ҳажга кетади.

* * *

¹ Сен ит бўлдинг, ўз онанга уйландинг...

Маъдалидан жафо кўрган уламолар аста Бухорода тўпландилар. Насруллохонга ариза ёзиб, «воқеа»ни баён қиладилар ва ундан Маъдалини орадан кўтаришга ёрдам сўрайдилар.

«...Мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири – амир Баҳодир (Ботур)хонга етиб, ул ҳам илгаридан ҳалиги канизга ғойибона ошиқ бўлган эди, аммо қайси йўл билан бўлса ҳам шу канизни қўлга киргишиш фикрида бош оғритиб, нос чакиб юрган Баҳодирхон қулоғига бу хабари жонсўз етиб, думоғидан дуд чиқадир ва дарҳол Бухоронинг забардаст уламо, муфти, аълам, ҳоказо ва аъло – ҳозалқиёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, дарғазаб воқиъани сўзлайдир ва улардан дарҳол бир «фатвойи баҳайбат»ни талаб қилганида уламоий киром ҳам дар он ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-эшитмас, фатво ёзадирларким:

«Бир жамоа мўъминларга амир бўлган зотнинг вазифаи шаръийси шулдирким, исломда устивор турғай, аҳкоми исломни камокон ижро қилғай. Ҳар бир амириким аркони исломдан заррача юз ўтурса, ул кимарса жамоаи ислом устига амир эмас, шарирдир. Наузанбиллаҳким, Фаргона ва Туркистон мамлакатининг алҳол амири бўлган Муҳаммад Алихон волидининг манкуҳаси, яъни волидаи айни ва ризоъсини ўз ақдиға олибдир¹, наузанбиллоҳ, наузанбиллаҳи. Оят ва аҳодиси шарифа ва бачаҳори мазҳаб ва баназди мужтаҳидини киром ва уламои зул-эҳтиром муттафақун алайҳи кофирдир. Казолика ўшандоғ муртаднинг қатли аввало дигар ислом амирларига ва баъдаз барча мўъминларга фарзи аиндир!»

Дарвоқе «хोलисона» бу фатвога амир Баҳодирхон «бетарафона» қиймат бериб, «дин йўлида холис бир жиҳоди акбар», деб жамиъи қўшунлари билан Фаргона устига юриш қиладир»².

* * *

Икки тараф (Бухоро ва Қўқон) ҳам урушга ҳозирланадилар. Муаллиф (Қодирий), чамаси, Насруллохоннинг Қўқонга юришини, икки кучнинг тўқнашувини тасвирламоқчи бўладилар шекилли, Аҳмад амиркончидан сўрайдилар:

- Маъдалихон ўлдирилганини хотирлайсизми, ота?
- Хотирлайман. Уни Ботирхон ўлдирган.

¹ Эмизган онасига уйланибдир.

² «Меҳробдан чаён»дан.

- Сиз бу вақтларда қаерда эдингиз?
- Хўжандда.
- Ботирхон қўшинларини кўрдингизми, у қайси йўлдан Қўқонга ўтди?
- Хўжанд йўлидан. Ўспирин эдим. Эрта баҳор Ботирхон қўшинлари фирқа-фирқа ўта бошлади. Кўп ўтмай Маъдалихон ўлдирилганини эшитдик.
- Ботирхонни кўрмадингизми?
- Кўрмадим... У Қўқонга ўта туриб, Хўжандда меҳмон бўлган. Уни пешвоз чиқиб кутиб олганлар. Шу кун мен шаҳарда йўқ эканман, чоғи...

* * *

1842 йили савр (апрел) ойида амир Насруллохон қўшинлари билан Сариксув мавзеига қўниб, Қўқон шаҳрини мухосара қила бошлайди. Маъдалига ёрдам бериш учун Тошкент ҳокими Маҳмудхон ўз қўшини билан Қўқонга келади. Бироқ Маъдалихон қўшинлари орасида бузғунлик, хиёнат кўп эди. Бинобарин, Насрулло қўшинлари зўр келиб, мухосаранинг еттинчи куни шаҳарга бостириб киради.

Насрулло лашкарлари тўрт соат талон-торож қилади. Уйларга ўт қўяди, шаҳар ҳимоячиларини ва мансабдорларни қиличдан ўтказди.

* * *

Маъдалихон, Султонмуродхон, Муҳаммадамин, Ҳақгўй девона ва яна бир нечаларни Қашқар йўлидан тутиб келтирадилар¹.

Насруллохон саройда тахтда ўтириб, кўз олдида уларни бирма-бир бўғизлатади. Шунда гўё эмиш, Маъдалихон Насруллохондан ўзини аввал ўлдиришни илтимос қилган эмиш...

...Ўлдирилиш навбати Муҳаммадаминбекка келганда, қаердандир Хонпошшаойим (Муҳаммадаминнинг онаси) кўйлаклари йиртилган, сочлари паришон ҳолатда пайдо бўлади ва Насруллохонга ғазаб билан дейди:

– Эй, номард, ит! Етти ёшлик болада нима гуноҳ бор!

Бироқ ҳукм ижро этилади, Хонпошшани ҳушсиз элтадилар.

¹ Маъдалихоннинг урушда мағлуб келиб қочиши, қўлга тушиши, ўлдирилиши тўғрисида турлича нақллар, ривоятлар бор.

Баъзи тарих китобларида Муҳаммадаминхон ўлдирилган чогида 14 ёшда эди ва Хонпошша ойимнинг Насруллога қарата айтган юқоридаги сўзи Нодирабегимга мансуб, дейилган ишоралар бор. Бироқ мен бу маълумотларни Қодирий ёзганларидек олдим. Чунки бу чалкашликлар эҳтимол Қодирийга ҳикоя қилувчиларнинг хатосидир ва ёки муаллиф ўз асарида воқеани шу тарзда тасвирламоқчи, ривожлантирмоқчи бўлгандир...

* * *

Амир Насрулло Маъдалихонни қатлга буюрганда доно вазирлардан бири Насруллога қуллуқ қилиб дейди:

– Амирим, бу ҳукмингиздан қайтинг, Маъдалихонни ўлдирманг. Бир кун бошингизга мушкул иш тушса, душманларингиз голиб келса, бу хон сизга ёрдам бергай, ёмон кунингизга яраб, душманингизга қалқон бўлгай...

Вазирнинг бу сўзидан Насруллохон газабга келади:

– Қайси душман, қандай куч билан менинг юртларимга келади, менга ҳамла қила олади?.. – дейди ва вазирнинг оғзига кавуш билан урдиради...

* * *

Шоир Ҳозик Амир Умархон вафотидан сўнг қаттиқ қайғуриб (Ҳозик Умархонни жуда дўст кўрар экан), Қўқондан кетиб қолган ва Маъдалихон воқеаси кезларида яна қайтиб келган бўлади. Бинобарин, у ҳамма фожиани ўз кўзи билан кўради.

Маъдалихон хазинасида кўп йиллар давомида тўпланган нодир китоблар сақланар эди. Насруллохон қатл «маросими»дан сўнг шу китобларни ёқишга буюради. Шунда, китоблар чиқарилиб саройда ёқилар экан, чеккада бир тўда дўстлар билан турган шоир Ҳозик югуриб бориб Насруллохонга қуллуқ қилади ва ёқишга олиб чиқиляётган китоблардан бирига ишора қилиб дейди:

– Жаноб Амир! Ушбу китоб кўп нодир ва ягона нусха эди¹, куйдирмасалар...

– А?! – дейди Насруллохон Ҳозикқа кўз олайтириб ва китобни ёқаверишга буюради.

¹ Шу китоб Амир Умархон асарларининг девони экан. Дадамнинг ҳикоя қилишларича, Умархон ва Маъдалихон асарлари Насруллохон томонидан тамоман куйдирилгандир. Ҳозир бизгача етиб келган баъзи шеърлар улар девонининг жуда оз қисмини ташкил қилиб, сўнгги вақтларда халқ оғзидан ва кишилар қўлидаги парчалардан тўплангандир.

Ҳозик бошқа сўз демай сукут қилиб, дўстлари ёнига қайтади.

Ҳозикнинг истеъдодли, камтар, жасур шоир ва зўр ҳаким эканлиги китобхонларга маълум. Бу шоир юқорида бир-икки ўринда тилга олинди ва унинг ҳатто энг хатарли дақиқаларда ҳам Насрулло қассобга¹ тик ва ҳақ талаб билан қарши чиққанлиги кўрилди. Ким билсин, эҳтимол муаллиф Ҳозикни романнинг асосий қаҳрамонларидан бири қилиб олмоқчи бўлгандир.

Насруллохон китобларни ҳам ёқиб, хотиржам бўлгач, саройда «ғалаба зиёфати» қуради-да, зиёфатда ҳозир бўлган Ҳозикдан Қўқон устидан қозонган ғалабаси тўғрисида бир байт тўқишни буюради. Ҳозик бу қонхўрлик-золимликлардан чексиз нафратда, газабда эди. У шу он Насруллога тик қараб бир байт ўқийди:

*Буриди бар қади худ аз маломат,
Либосе то ба домани қиёмат...*

Таржимаси:

*Ўз қаддинга лаънатлардан шундай бир кийим тикиб
Кийдинги, у кийим устингда қиёматгача қолади...*

Насруллохон ранги оқариб сукутда қолади. Ҳозикнинг бу аччиқ сўзи учун боши кетишини сезган дўстлари унга «Энди тез қочинг, қассоб сизни тирик қолдирмайди», дейишади ва шу тун Ҳозикни отга миндириб қочириб юборишади... Бироқ орадан бирмунча вақт ўтгач, жасур шоирнинг бошини қопда келтириб, Насруллога тортиқ қиладилар...²

Насруллохон Қўқонда ўн етти кун туриб, Иброҳим Хаёл деган таряххўрни Қўқонга ҳоким тайинлаб, Бухорога жўнайди.

* * *

Маъдалихоннинг Мадаминбек номли мансабдор яқин бир кишиси бўлар экан. Негадир у хунрезлик чогида Насрулло қиличидан омон қолади ва Насрулло Бухорога жўнагач, Иброҳим Хаёл уни саройга чорлаб, юқори мансабга тайинлайди. Бу хил

¹ Унинг золимлиги учун шундай деб ҳам атаганлар.

² Қодирий материалларида бу воқеа Қўқонда кечгандек ёзилган эди. Аммо тарих китобларида бунинг Бухоро, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида кечганлиги тасвирланади. Ҳозик ва Насрулло можаролари филология фанлари доктори Азиз Қаюмовнинг «Ҳозик» номли илмий асарида (1957 й.) бирмунча муфассал ёритиб берилган.

ғайри расмдан халқ кўнглида шубҳа туғилади. Тафтишлардан сўнг Мадаминбек Насруллохоннинг хуфияларидан эканлиги, Маъдалининг мағлубиятида унинг қўли борлиги маълум бўлади... Халқ «Хиёнатчига ўлим!», деб уни оломонда ўлдиради.

* * *

Духоба тўранинг Саримсоқбек охунд исмли кекса бир мударрис домласи бўлар экан. Ўзи Маъдалихон фожиаси пайтида Қўқон мадрасаларидан бирида дарсгўйлик қилган, Насрулло хунрезлигидан сўнг Наманганга кўчиб, унда турғун бўлиб қолган. Саримсоқбек охунд шундай ҳикоя қилган экан:

– Ёш, мағрур чоғларим, Қўқон мадрасасида дарсгўйлик қилардим. Шаҳарда Шерхон (Шархон?) исмли бир девона бўларди. Девона негадир мени дўст кўрар, аксар талабалар билан машғул чоғларимда ҳам дарсхонамга тўғри кириб келиб, мени суҳбатга тутар эди. Унинг суҳбатига мен ҳам ўзимда қандайдир мойиллик ҳис қилардим. Чунки девонанинг фикрлари тиниқ, таъсирли эди.

Бир кун кечқурун Шерхон девона одатича кириб келиб суҳбатлашиб ўтирди-да, «Ҳозир сени бир жойга олиб бораман», деди. Мен «Қаёққа?» деб сўрадим. «Кейин биласан», деди. Рад этгим келмай рози бўлдим. Биргалашиб кўчага чиққанимизда қоронғи тушиб қолган эди. Шерхон мени бошлаб шаҳар четроғидаги бир қабристонга олиб борди ва қабристон бўсағасида мени қолдириб: «Мени шунда кут, ҳозир қайтаман», деди-да, қоронғиликка кириб ғойиб бўлди. Мен кутдим-кутдим. У қайтавермас эди. Ниҳоят кимсасиз хилватда ўтираверишдан зорикдим. Қабристонга кириб уни излай бошладим...

Қабристоннинг баланд ерига чиқиб, атрофга назар солдим. Узоқ пастликдан милтираб шам нури кўринди. Аста-секин унга яқинлашдим. Шам атрофида анча кишилар ўтирар ва нима тўғридадир оҳиста мунозара қилишар эди. Уларнинг кўпчилиги танишдай кўринар эди. Мен хайрон бўлиб сўзларига қулоқ солдим.

«Ким бу, Саримсоқбек охунд? Анави тилло жабдуқли от минувчи мударрисми? – дер эди бири. – Йўқ, у ҳам бўлмади, ҳавоси баланд, кибрли одам...»

Ажаб, булар ким, нега қабристонда йиғилдилар, нечун мени устимда гап юрғизадилар, деган саволлар мени жуда қи-

зиқтирса ҳам, ҳалиги кимсанинг менинг ҳақимда берган баҳо-сидан аччиғландим. Ҳамроҳимни кутмай уйга қайтдим...

Эртасига Шерхон мадрасага келди. Мен уни ранжиганнамо қарши олдим. «Кеча қутмай, кетиб қолибсан? – деди у ўтириб ва менинг юзимга тикилиб кулди. – Кеча бизнинг суҳбатни тинглабсан-а?...» Мен тасдиқ ишорасини бердим ва «сир»ни сўрадим.

«Биз, қирқ киши – фақирлармиз. Ҳақиқат, адолат излаш, одамийлик, камтарликка йўл бошлаш, ғариб, мискинларга кўмак этиш асли ғоямиздир. Яқинда бир шеригимиз ўлди. Ўрнига мен сени номзод кўрсатган эдим. Лойиқ кўришмади...» – деди Шерхон.

Мен ажабланиб, Шерхондан сўрадим:

– Яхши, нега йиғилишни қабристонда қиласизлар?

– Чунки қабристондан ўзга еримиз йўқ, – деб жавоб қилди у.

Шу воқеадан кейин бир кун қаймоқ бозорида Шерхон билан тасодифан учрашиб, сўзлашиб турардим. Жужун яқтак кийиб, тилла занжирли туморини қўлтиғи тагидан ўтказиб таққан, баланд пошна этикли бир басавлат йигит келиб, товоқда қаймоқ харид қилди. Йигит жуда кибрли, чапани кўринар эди. У қаймоқ кўтариб юришни ўзига эп кўрмади шекилли, бир бечора кишини чақириб, қаймоқни кўтартириб жўнади. Бироқ қаймоқ кўтарган киши узоқ бормай тошга қоқилиб йиқилди, қаймоқ тўкилиб, товоқ синди... Қаймоқ эгаси йигит ғазабланиб йиқилган бечорани қаттиқ ҳақоратлади ва тепкилаб урди. Йўловчилар орага тушиб ажратишди.

Мен бу ҳодисани кузатиб туриб, ачингандай Шерхонга қарардим. «Мана шу озордийда бечорани ўша мархум фақир ўрнига қабул қилганмиз... Золим йигит эса кўпдан буён оғир ҳукми-мизга маҳкум этилган. Бироқ йигитнинг қари бир онаси бор. Унинг нолиши ҳукмимизни тўхтатиб туради», – деди Шерхон.

«Насруллохон Кўқонга ҳужум қилганда мазкур фақирлар шаҳарни, айниқса, мардонавор мудофаа қилдилар ва кўплари жангда ҳалок бўлдилар. Мен эса Наманганга кўчиб ўтишга мажбур бўлдим, – дейди Саримсоқбек охунд Духоба тўрага...» (Ушбу сўнгги маълумот тепасига Қодирий негадир «Чилтонлар мажлиси» деб ном қўйган эдилар.)

Ҳажга кетиб, узоқ туриб қолган ҳазрати Калон Соҳибзода бир куни эрталаб туриб, ўз маҳрамига шундай деган эмиш:

– Усмонали, акун ба Қўқон меравем, сак мурд¹... Гўё шу гапдан сўнг, Ҳазрати Калон Соҳибзода Қўқонга қайтиш ҳаракатига тушади ва ўз ватанига етиб келгач, Усмонали: «Ҳазрати Маъдалихоннинг қатлини ўша куниёқ (яъни қатл қилинган куни, демоқчи – Х.Қ.) ҳажда туриб каромат қилдилар...» деб гап тарқатади...

* * *

Қодирий Аҳмад амиркончидан сўрайдилар:

– Ботирхон Қўқонга нечун урушиб келган, сабабини эшитмаганмисиз, ота?!

– Пошшочилиқда-да, мулла, – дейди ота, пошшолар нега уруш қилади, юрт керак, ҳазина керак, чиройли хотинлар керак...

– Ботирхон Қўқондан хотин-қизларни ҳам олиб кетганми?

– Ҳарамдан олиб кетган дейишади... Амир модавон бўлган... Модавонлиги охир бошига етди-ку.

– Нега, нима бўлган, ота?

– Маъдалихоннинг биринчи хотини хон Ботирни заҳарлаб ўлдирган, дейишади. Алқасосул миналҳақ...

Аҳмад отанинг сўнгги сўзида Хонпошша ойм Бухорога олиб кетилган ва у Насруллони заҳарлаган экан, деб мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ бу хабар оғзаки тарқалган «миш-миш». Тарихий манбалар, Насруллони Хонпошша эмас, бошқа аёл (Кенагас бегим) заҳарлаб ўлдирган, дейди.

Қодирий аксар материалларни оғзаки манбалардан йиққанлар. Шу сабабли, юқорида деганимдай, баъзан бу материаллар тарихий манбаларга зид келиши ҳам мумкин, аммо бундай зидлик бадий асарда нуқсон бўлмас. Бадий асарда воқеалар чин бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар, фақат ишонарли бўлса бас, деб уйлайман. Шундай бўлгач, бу асарда эри фарзанди учун интиқом олиш, золим дастидан эзилган халқни қутқозиш йўлида Кенагас бегим ролини жасур Хонпошша бажарса не ажаб...

Албатта, бу хотиралар ёзилмоқчи бўлган романнинг асосий шакли – мазмуни эмас. Ёзувчи материаллардан эҳтимол сиз-биз кутмаган бутунлай бошқа бир асар яратган бўларди. Бунда

¹ Усмонали, Қўқонга қайтамиз, ит ўлди...

мен фақат йиғилган материалларни ўқувчида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун мумкин қадар маълум бир тартибга солдим, холос.

«НАМОЗ ЎҒРИ»

Қодирийнинг ёзишга ниятланган иккинчи асари «Намоз ўғри» тарихий романи эди. Мен бу асар тўғрисида бир вақт газетанда: «Бу романни ёзиш учун ҳали махсус изланишлар ўтказилмаган, жилла кўп материаллар тўпланмаган, фақат йўлакай учраган тасодифий маълумотларгина ёзиб олинган эди. Сиеҳ қаламда алоҳида блокнотга ёзилган бу маълумотлар ҳам 1945 йилгача сақланар ва бу материалларни мен бир неча бор ўқиб чиққан эдим», деб ёзган эдим. Бироқ кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, масала мен юқорида айтганча эмас экан. Қодирий бу романни ёзиш учун ҳам хийла изланишлар ўтказган, маълумот тўплаш мақсадида қаҳрамон, Намоз туғилган, яшаган, ҳаракат қилган жойларга махсус сафарлар қилган эканлар.

1981 йилда «Ёш гвардия» нашриётида ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» номли тарихий романи босилиб чиқди. Бу асар ўша Қодирий ёзмоқчи бўлган қаҳрамон Намоз ҳаётига бағишланган. Табиий, Х.Тўхтабоев бу романни ёзишдан олдин маълумот тўплаш учун анча текширишлар ўтказган, қаҳрамон яшаган, турган жойларни бориб кўрган, кексалардан сўраб-истаган. Бизга қизиғи шундаки, Х.Тўхтабоев ана шу сафар чоғларида Қодирийнинг ҳам бир вақтлар ўша ёқларга Намоз тўғрисида маълумот излаб борганликларини тасодифан аниқлайди. Тубанда Худойберди Тўхтабоевнинг ана шу ҳақдаги ёзма маълумотини кўчираимиз:

Жарқишлоқда Абдулла Қодирий ҳақида эшитганларим

Мен Намоз Пиримқул ўғли ҳақида болаларга атаб бир асар ёзмоқчи бўлиб, узоқ йиллар давомида архив материалларини ўргандим. Сўнг халқ ўртасида тўқилган афсоналарни, оғиздан-оғизга ўтиб юрган турли воқеа-ҳикояларни ўрганмоқчи бўлиб, Самарқанд вилоятига бордим. Қишлоқма-қишлоқ юриб, кексалар билан суҳбатлаша бошладим. Ана шундай суҳбатлардан бири Оқдарё туманидаги Жарқишлоқда бўлиб ўтди.

Жарқишлоқ – Намознинг иккинчи ватани. Гарчи у Каттақўрғон яқинидаги Ўтарчи қишлоғида туғилган бўлса-да, қасоскор сифатида Жарқишлоқдан бош кўтариб чиққан. Чунки опаси Улуғой шу қишлоқда яшарди. Намоз ҳақида суҳбатлашаётганимизда қишлоқ кексаларидан бири Домбува (бу киши тўқсон ёшлардан ошиб яқин йилларда қазо қилди. Узоқ йиллар қишлоқ советига раис бўлиб ишлаганлиги учун исмини Домбува деб атаб юборган эканлар) гап орасида атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий исмини тилга олиб қолди. Воқеа 1928 йилда бўлган экан.

– Абдулла Қодирий ҳам Намоз ҳақида асар ёзмоқчи бўлиб, у яшаган, жанг қилган қишлоқларни оралаб, кишилар билан суҳбатлашган экан. Назаримда ўша пайтларда ўттиз ёшлар чама-сида кўринарди, – деб эслайди Домбува, – зуваласи пишиққина, ўрта бўй, қорамағиз юзли, истараси иссиқ бир киши эди. Кам гапирарди, кўп сўрарди. Улуғойнинг уйида бир неча кун яшади. Самарқанддан ўз ҳисобига бир извош ёллаб келган эди. Ўша извошга ўтириб Улуғой икковлари қишлоқма-қишлоқ кезишарди. Ўша ерда бўлиб ўтган жанг, отишмалар тафсилотини сўраб билишарди.

Улуғой Намознинг кўп йигитларини шахсан кўрган, танир эди. Бу пайтда ҳали Намознинг йигитларидан кўпи ҳаёт эди, Улуғойга кўрсатиб, шу йигит Намозга навқар бўлганми ёки йўқми деб сўрар, Улуғой ё тасдиқлар, ё инкор этар эди...

Мен ўша пайтда қишлоқ советига раис эдим. Мавлоно Абдулла Қодирий билан кўп суҳбатлар қурганман. Намознинг феъл-атвори, гавда тузилиши, нимани ёқтириши, нимани ёқтирмаслигини қайта-қайта сўрагани ҳали-ҳали эсимда. Намознинг жиянларидан қайси бири кўпроқ Намозга ўхшайди деб сўрагани ҳам эсимда...

Шундан сўнг суҳбатимизга Намознинг жиянларидан бири қўшилиб, «Энамиз Улуғой билан ёзувчи Абдулла Қодирийнинг бир суврати ҳам бор эди. Энамиз оқ паранжи ёпинган, Абдулла Қодирий ҳам оқ кителли, бошида кўк дўппи билан сувратга тушган эканлар. Бу суврат 1958–1959 йилларгача сақланди. Ўша пайтда бир кинорежиссёр келиб Намоз ҳақида фильм яратмоқчиман деб, Намозга оид ҳамма материалларни йиғиб, олиб кетди. Шу материаллар орасида ўша суврат ҳам бор эди, қайтариб бермади», деб тушунтирди.

* * *

Қуйида Қодирийнинг блокнотида битилган маълумотлардан хотирамда қолганларини ёзиб ўтаман. Хотиранинг баъзи ўринларини тўлдиришда дадам билан суҳбатда бўлган, ундан Намоз ҳақида эпизодлар эшитган Мансур Ризқий ёрдам этди.

* * *

Самарқанднинг Сиёб қишлоғида эрталабки намозни ўташ учун масжидга чиққан бир киши бошини саждага қўйган чоғида тўсатдан жон беради. Бу ногаҳоний мусибатни эшитган марҳумнинг ҳомиладор хотини эса қаттиқ изтироб чекиб туғиб қўяди ва у ҳам шу он ўлади. Туғилмиш бола ўғил бўлиб, унга Намоз деб ном қўйишади. Чунки унинг туғилиши намоз чоғида воқе бўлган эди.

Намоз кимсасиз қолиб, етти-саккиз ёшларгача амакисининг қўлида тарбияланади. Сўнг қаровсиз ўсган болалар билан бирикиб, Тошкент, Самара, Москва каби шаҳарларга боради ва ундан Петроградга ўтади.

Ёш Намоз Петроград кўчаларида дайдиб юраркан, бир рус ҳарбий киши уни севиб ўзига ўғил қилиб олади. Шу йўсинда Намоз бир неча йиллар Петроградда қолиб, мазкур кимса қўлида тарбияланади, ўқийди ва бир ҳарбий мактабни тамомлаб Туркистон генерал-губернаторига адъютант ҳамда таржимон этиб тайинланади.

Чаққон ва идрокли Намоз Тошкентга келиб, губернатор хизматида ишлай бошлайди. Элнинг арзини губернаторга тўғри етказиб, ундан натижалар олиб беришга интилади. Бироқ бу аризаларда ҳамиша эзилган халқ додини ва боён-амалдорлар ғолиблигини кўради...

Кунларнинг бирида Намознинг қўлига бир шикоят-ариза тушади-да, ўқиб ҳайрон қолади. Чунки ариза Сиёб қишлоғидаги мазкур амакиси номидан генерал-губернаторга ёзилган эди. Амакиси унда, ўзининг ери бир бек томонидан ҳақсиз тортиб олинганлигини, Самарқанд ҳокими эса бекка ён босиб унинг шикоятини оқибатсиз қолдирганини арз қилар ва ерининг қайтариб берилишини губернатордан сўрар эди.

Намоз аризани кўтариб генерал олдига киради, масалани тушунтириб, ундан ижобий натижа кутади. Бироқ генерал ҳам аризани текширмай эътиборсиз қолдиради...

Бу хил адолатсизликлардан қаттиқ ғазабланган Намоз генерал хизматидан кетади, ўз ёнига йигит тўплаб, бераҳм амалдорлар, беклар ва бойларга қарши кураш очади, ўч олади, улардан тушган ўлжаларни эса фақир-бечораларга бўлиб беради. Шундай қилиб, адолатпарвар, чаққон ва тадбиркор Намоз эл ичидан ўзига ҳимоя топади.

Намоз бир неча бор полиция қўлига тушса-да, ҳар гал усталик билан қутулиб кетади. Чунончи, бир вақт Намоз ушланиб соқчилар қўриғида турмага олиб бориларкан, йўлда у ёзилмоқчи бўлиб бедазорга ўтади, устига чопонни ёпиб ўтиради. Нариди турувчи соқчилар Намознинг ҳадеганда ўрнидан туравермаганидан зерикиб, ниҳоят уни чақира бошлайдилар. Лекин Намоздан жавоб бўлмайди. Соқчи бориб уни туртади... Бироқ Намоз йўқ, фақат унинг чопонигина чўпларга илиниб турар эди, холос...

Бир гал у Самарқандда бир неча йигитлари билан қўлга тушиб, полиция томонидан сўроқ қилинади: «Бу қилмишларингдан муддаонг нима, Намоз?» – деб сўрайди полиция. «Ҳақ ва адолат излаш», – дейди Намоз. «Сен бундай фикрни қаердан уқдинг?» «Отамдан». «Ёлғон сўзлайсан, сен отангни билмайсан-ку?» – дейди полиция. Намоз жавоб қилади: «Кечирасиз, менинг отам иккита бўлган...»

Бу сафар ҳам Намоз шундай бир тадбир билан турмадан қутулиб кетади: у ташқарида қолган шериклари билан алоқа боғлаб, келтирилган таомлар ичидан теша, пичоқ каби қуроллар олади... Намоз шериклари билан турма тагидан аста ўра қазий бошлайди. Аввал қазилган тупроқни ўзлари ўтирган хонага чиқарадилар, кейин тупроқнинг ўрнини тагига ётқизиб бораверадилар. Ўра тайёр бўлиб, қочиш фурсати қурбон байрами кунига белгиланади.

Маълум кун етгач, Намоз йигитларини йиғиб, ҳайит намозини бирга ўқишга назоратчилардан ижозат олади ва улардан то маросим тугамагунча халал бермасликни сўрайди. Шу йўсин намоз асноси ҳар гал саждага бош қўйганларида ўрага тушиб ғойиб бўлаверадилар ва ташқарида тайёр турган отларга миниб қочаверадилар.

Намоз йигитлари билан Тошкентга келиб, бир кун бозордан ўтиб бораркан, Кўсамаддоҳнинг ўтмиш афсоналаридан ваъз айтаётганини ва халқдан бир халта пул йиғиб олганини кўради.

У ўз йигитларига йиғилган пулларни олиб қолишни, гадоларга улашиб беришни буюради. Бироқ йигитлар пулни эплаб олиб қололмайдилар. Бундан Намоз аччигланиб, пулни ўзи олиб келиш учун тун оққанда маддоҳнинг уйига боради ва пулни олиб чиқиб кела туриб бомдод намозига чиқиб бораётган маддоҳ билан йўлакда тўқнашиб қолади... Намоз халтани унга узатиб:

– Менинг исмим Намоз. Мана шу чоқда тугилиб, шу онда ота-онамдан айрилганман... Шу сабабли бу вақтда кимсага озор бермайман. Ол пулингни, – дейди.

* * *

Х.Тўхтабоевнинг айтишича (яъни унинг тўплаган маълумотларига кўра), Намоз 1879 йилда туғилиб, 1907 йилда ўлдирилади. Архив ва оғзаки маълумотларда гўё Намознинг Тошкент, Москва, Петроград ёқларда бўлганлигига ишора йўқ. Аммо Намознинг биринчи хотини рус бўлганлиги (айтишларича, бу аёл ниҳоятда жасур, жангларда бевосита қатнашган, чор аскарлари билан отишувда ҳалок бўлган) ва шу боисдан Намоз рус тилини яхши билганлиги ривоят қилинади.

Демак, кўринадики, бир мавзу учун тўпланган икки ёзувчининг маълумотлари баъзи ўринларда турличадир. Бу турлилик, менимча, юқоридаги мақолада ҳам кўрилгандек маълумот берувчиларнинг масъулиятсизлигидан, ўзлари аниқ билмай туриб, «билағонлик» қилганларидан келиб чиққан бўлса керак...

Сухбатда Х.Тўхтабоев бундай дейди: «Устоз Қодирий бу тарихий романни ёзиш учун мендан қарийб эллик йил бурун, яъни Намоз тарихи ҳали унутилмаган, унинг кўпчилик сафдошлари ҳали ҳаёт бир даврда материал излаганлар. Бинобарин, Қодирий тўплаган материаллар ҳақиқатга кўпроқ яқин бўлса керак...»

* * *

Юқоридаги ниятланган икки асардан ташқари Қодирий яна «Дахшат» номли бир роман ҳам ёзмоқчи эдилар. Лекин бу романга ҳали ҳеч бир материал тўпланмаган; фақат романнинг Фарғона босмачилари ҳаётидан, ўз номи билан дахшатли бўлишини бизга айтган эдилар, холос.

VI БОБ ХИТОЙ КОНСУЛИ

1935 йил бўлса керак, ёз эди. Пешин чогида ижодхонада дадам, Қудратилла амаким, мен – учов шўрва ичиб ўтирар эдик. Дарбозамиз очилиб бир киши кириб келди. У ён – бу ёнга аланглаб, у шийпон ёнидан ўтиб биз ўтирган ичкари уйимизга яқинлаша бошлади. Дадам менга «Чиқиб сўра-чи, нима иши бор экан?», дедилар. Мен чиқдим. У киши баланд бўйли, озгин, қотмадан келган, соч қўймаган, мўйлабли, оқиш танли, устда костюм, оёғида пошна этик эди. Менинг кимлигимни сўраб билгач, «Дадангиз уйдадилар, чақиринг», деди. Унинг тилидан уйғур шеваси сезилар эди.

Дадам чиқдилар. Супа ёнида тик туриб анча сўзлашдилар ва кузатиб келиб, қўлларидаги бир конвертни токчага қўйдилар-да, емакни давом эттирдилар. Қудратилла амаким токчадаги хатга кўз юбориб, дадамдан сўрадилар:

– Ким экан, нега келибди, ака?

– Хитой консулидан келибди...

– Хўш?

– Консул «Ўткан кунлар»ни ўқибди. Маъқул бўлган шекилли, танишиш учун меҳмонга таклиф қилибди.

Қудратилла амаким қўл артиб, дедилар:

– Қачонга таклиф қилибди, ака?

– Нима, бирга бормоқчимисан?

– Ҳа-да, – Қудратилла акам кулдилар, – консулларнинг қандай яшашини кўриб қайтамиз...

– Хатни ўқийлик-чи, – дадам қўл артиб токчадан хатни олдилар ва чиқариб ўқидилар.

Хат оқ-саргиш қоғозда араб ҳарфида, уйғур шевасида сиёҳ қаламда бир бет ёзилган бўлиб, тагига баҳайбат бир муҳр босилган, муҳр ичига эса араб ҳарфида «Чампансили» деб ёзилган эди. Таклиф куни белгиланган эдими, йўқми, хотирамда қолмаган. Хат токчада бир неча кун турди. Хатто қизиқиб, уни қайта очиб ўқиб ҳам кўрмадим. Кейин хат кўринмай қолди. Бир кун дадамдан сўрадим:

- Ада, Хитой консулининг уйига меҳмонга бордингизми?
- Бе-е, – дедилар дадам, энсалари қотгандай.
- Бормадингизми, нега?
- Аввал хатни кўтариб сиёсий идорага бордим. Улар ўқиб кўриб, бормаганингиз маъқул дейишди... Бормадим...

ХАСТАЛИК

1936 йилнинг кеч кузагидан дадам хасталаниб қолдилар. Бошларида чипқон каби яралар, қўл-оёқларида сувланувчи тошмалар пайдо бўлиб, ўқтин-ўқтин қичир, беҳузурлик берар эди. Доктор-табибларнинг дори-дармони ва буюрган парҳезларидан (дадам гўштли таом, қази-қарталарни жуда севар, бу таомларни ейиш у кишига тақиқланган эди) чандон наф кўрилмас эди. Касаллик баъзан зўраяр, баъзан тузалгандай бўлар, зўрайган чоғларда кўчага ҳам чиқолмас, ёзув-чизувга ҳам қаролмас, ҳолсизланиб сандал четида ёлғиз ётар эдилар.

Баъзан ёлғизлик таъсир қиларди шекилли, у киши мени чақириб ёнларига ўтқизар, ундан-бундан суҳбатлашар: «Кўчаларда нима гап, қаерларга бординг, чойхонага чиқдингми, кимларни кўрдинг, нималарни сўзлашдинг, қандай китоблар ўқияпсан?» – деб суриштирар ва баъзан ўқиган китобларим тўғрисида сўз юритиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтар эдилар. Бир гал орамизда шундай суҳбат бўлган эди: ўша кунларда мен инглиз ёзувчиси Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» номли саргузашт асарини тожик тилида ўқиган эдим. Маълумки, асарда Робинзон исмли ёш бир инглиз сайёҳи Атлас океанида Жанубий Америка соҳилларида сузиб юриб, бир кечаси қаттиқ тўфонга учрайди ва кемалари қандайдир номаълум бир орол қирғоғига зарб билан урилиб, қаттиқ шикастланади ва кема ичига шиддат билан сув кира бошлайди. Тун қоронгисида даҳшатли тўфон ва кема ичи сувга тўла бошлашидан саросимага тушган йўловчилар ва кема ходимлари жон сақлаш учун ўзларини сувга ташлайдилар ва қирғоққа суза бошлайдилар. Бироқ булардан фақат Робинзонгина қирғоққа сузиб етиб, омон қолади. Қолганлари ғарқ бўлиб кетадилар. Робинзон чиққан қирғоқ ҳали инсон қадами етмаган кичик орол эди. Эрталаб у туриб кўрса, тўфон босилиб денгиз тинчланган, кема эса қирғоқдан бирмунча нарида сув ўртасида ерга санчилган ҳолда кўққайиб турар эди. Робинзон: «Кема чўкмабди, кеча шошиб ўзимизни

сувга ташламаганимизда ҳаммамиз омон қоларканмиз», деб афсус қилади ва сол ясаб кемадаги буюм, асбоб, озиқ-овқатларни қирғоққа ташиб, кимсасиз оролда қарийб ўттиз йил ёлғиз ҳаёт кечиради...

Асар мароқли ёзилган. Мен бу саргузаштни ўқиб чиққанлигимни дадамга айтиб, ачиниб дедим:

– Робинзон айтганидек кемадагилар шошиб ўзларини сувга ташламай, кема қирғоғига чиқиб турганларида-ку, ҳаммалари омон қоларди. Кема чўкмас эди...

Дадам кулдилар:

– Ёзувчи ҳаммани омон қолдиришни ва кемани чўктиришни истамаган-да...

Мен у кишининг муддаоларига тушунмай, дедим:

– Нега?

– Ёзувчи кемадаги одамларни ҳалок қилиб, фақат Робинзонни тирик қолдирмоқчи, ўзини кимсасиз ўттиз йиллаб ёлғиз ҳаёт кечиртирмоқчи бўлган... Унинг бундан кутган мақсади бор, албатта...

– Қандай мақсад?

– Ғарб саёҳатчилари, ижтимоиётчилари орасида «Жамоатсиз ҳаёт кечириш мумкинми, мумкин эмасми?» деган қарама-қарши ғоялар юради. Ёзувда бир жиҳатдан китобхонга қизиқ саргузашт ҳикоя қилса, иккинчи ёқдан «Жамоатсиз ҳаёт кечириш мумкин», деган ғояни исботламоқчи бўлади...

Мен Дефонинг бу асарини анчайин бир саргузашт, кечмиш воқеа деб ўйлаб эдим. У кишининг сўзидан сўнг, асар замирига яширилган сиёсий-ижтимоий мазмунга бир қадар тушуниб етдим. Ўйланиб, яна аста сўрадим:

– Демак, исбот қилинишича, жамоатсиз ҳаёт кечириш мумкин экан-да?

Дадам ётган кўйи сандал устидан папирос олиб тутатдилар. Яралари қичий бошлади, шекилли, қўллари билан босиб-босиб қўйдилар.

– Дефо ўз асарида гарчи инсон жамоатсиз ҳаёт кечириши мумкин деган ғояни исботламоқчидек бўлса ҳам, бироқ буни исботлай олмаган. Масалан, мана ўқидинг, Робинзон қарийб ўттиз йил оролда ёлғиз яшади. Хўш, у қандай восита ва манбаларга суяниб яшади? У шикастланган кемадан бир неча милтик, анча вақтга етадиган ўқ-дори, болта, уруғлар, озиқ-овқат ва яна ҳаёт учун керакли кўп нарса-буюмлар олиб ўтди (ёзувчи шунинг учун кемани чўктирмаган эди) ва шулар ёрдамида

узоқ йил жамиятдан ажралган ҳолда ёлғиз яшади, инсон каби ҳаёт кечирди. Милтиқлар ёрдамида ов қилиб қорин тўйгазди, одамхўрлар билан олишиб ғолиб чиқди, курак билан ер қазиб буғдой экди, болта билан дарахт кесиб турар жой қурди, қайиқ ясади ва ҳатто шу қурооллар ёрдамида кимсасиз оролдан қутулиб ватанига қайтишга муваффақ бўлди. Ёлғизлик жонга теккандан бўлса керак, Жумабой сингари ваҳший одамларни ром қилиб, бирга яшади, тарбиялади. Агар бу қурооллар, Жумабой каби ҳамроҳлар бўлмаганда эди, у аллақачон ҳалок бўлган ёки ваҳшийга айланган бўлар эди... Хўш, унинг жонига оро кирган бу қуроолларни ким яратган? Албатта, инсоният, жамият. У даъвосини исбот қила олмаган...

Мен асарнинг бу тариқа таҳлил этилишини биринчи бор ўшанда англаганман.

Дадам ўша йили (1936–1937 йил қиш кезлари) бир оз тузалгач, диний хурофотга қарши бир ҳикоялар мажмуасини русчадан таржима қилдилар. Ёдимда, у киши мажмуани таржима қиларканлар, завқланганларидан бўлса керак, бир кеч оилавий ўтиришда «Николо маҳдум иштони» номли ҳажвий бир ҳикоядан атайлаб бир парчани олиб чиқиб ҳаммамизга ўқиб берган эдилар. Бу ўқиган парчадан хотиримда тахминан шулар қолган:

Николо маҳдум номли сўзамол, тадбиркор, алдоқчи бир мулла (поп) ўз содда қавмларига минбардан туриб қайсидир бир авлиёнинг «кароматлари» ва у авлиё билан ўзининг мулоқоти тўғрilarида узун ваъз қилади ва сўзининг исботи учун «Ана ўша авлиёнинг куйиб кўмир бўлган табаррук қанотларини мен сизларга ҳозир кўрсатаман», дейди. Николо маҳдум олдидаги жомадонини очиб, куйган қанотни ваъз тингловчиларга кўрсатмоқчи бўлади. Тингловчилар эса шундай азиз нарсани кўриш шарафига ноил бўлганларидан ниҳоят қувониб, маҳлиё бўлиб қараб турадилар. Бироқ ажаб! Николо маҳдум жомадонни очиб кўрса қанот йўқ, ўрнида эски бир йиртиқ иштон ётар эди (буни Николо маҳдумнинг ҳазилмандлари жўрттага алмаштириб қўйишган бўлади). Николо маҳдум бирдан шошиб қолади. У ахир анқайиб турган содда халққа куйган қанот кўрсатмоқчи эди-да. Аммо у дарҳол жомадонни ёпиб, сўзни усталик билан иккинчи бир авлиёнинг кароматлари ва мулоқоти хусусига буриб юборади ва сўзлаб-сўзлаб, тингловчиларнинг бошини айлантириб, «Иккинчи авлиёнинг табаррук иштонини

жомадондан олиб ҳаммага кўрсатади... Унинг бу муғомбирона найрангидан ҳазилмандлар бир чеккада завқланиб кулиб турардилар...

Афсуски, Қодирийнинг бу таржима мажмуалари тўлиқ босилмай қолди. Фақат унинг бир қисми 1941 йили «Ўзбекистон нафис адабиёт давлат нашриёти» томонидан «Коллектив таржимаси» имзоси билан босилиб чиқди. Қодирий ўзлари бу таржималари ҳақида шундай иккита хат-ҳужжат қолдирганлар (бу ҳужжатлар «Навоий» адабиёт музейида сақланади).

I. РҲЙХАТ

«Диний хурофотга қарши адабий мажмуага қилиб берган таржималарим рўйхати (араб ҳарфида ёзилган – Ҳ.Қ.).

1. «Чопилла махдум» (новелла) – Бокаччо асари.
2. «Жирало махдум» (новелла) – Мазучио асари.
3. «Николо махдум иштони» (новелла) – Мозучио асари.
4. «Роҳиба» (парча) – Дени Дидро асари.
5. «Саодатли Августиннинг азиз дуоси» – Альфонс Доде асари.
6. «Дабдаба ва тиланчилик» (хотира) – Марк Твен асари.
7. «Муқаддас инквизиция» (хотира) – Марк Твен асари.
8. «Роҳиблар ғаройиботи» (хотира) – Марк Твен асари.
9. «Патр Амарунинг жинояти» (новелла) – Эса де Кейрош асари.
10. «Лурд» (парча) – Эмил Золя асари.
11. «Рума» (парча) – Эмил Золя асари.
12. «Эвиргард авлиёнинг каромати» (парча) – Эмил Золя асари.
13. «Ўртоқ» (ҳикоя) – Виктор Маргерит асари.
14. «Кяхетинка» (ҳикоя) – Гусев Оренбургский асари.

I. «ВАКОЛАТ»

Диний хурофотга қарши адабий мажмуага қилиб берган 14 қисм таржимам учун Ўзнашрдан оладиган таржима ҳақимни олиш ваколатини Ҳабибулла Абдулла ўғлига топшираман.

Имзо... (Абдулла Қодирий)».

Дадам ўзлари хаста бўлганлари учун бу лотин ҳарфида ёзилган ваколатни менга топширган эдилар – Ҳ.Қ.)

Мен бу лавҳадан дадам бирор яхши асар ўқиб завқлансалар, ўз ҳисларини дарҳол биров билан ўртоқлашишни истаб қолиш-

ларини айтмоқчиман. У киши узун қиш кечалари баъзан бизга эски шарқ китобларидан «Маликаи Гулчеҳра», «Шайх Санъон», «Шарҳи бежон», «Қаҳрамон қотил» каби ҳикояларни ўқиб берардилар ва ҳикояларнинг оригинал, ҳаётӣй, ихчам, уста ёзилганлигидан завқланардилар.

* * *

1935–1936 йиллар эди, шекилли, май байрами олди, тун ярми, ширин уйқуда ётар эдим. Қудратилла амакимнинг «Ака, ака?!» деб паст (ижодхонада) уйда ётган дадамни чақириб уйғотганларини эшитдим. Бу бемаҳал уйғотишдан шубҳаланиб дарҳол болохона уйдан ҳовлига тушдим.

– Нима гап? – дедилар дадам ўзларини хотиржам тутиб.

Амаким паст овоз билан деди:

– Ҳозир Пирназар ака мени уйғотиб: «Абдуллани хабардор қилиб қўй», – деди...

Воқеа бундай бўлади: Маҳалламизнинг қоровули Пирназар ака туни билан маҳаллани айланиб, маст-аласт йўқми, уйларда жанжал-тўполон эшитилмаяптими, деб анғиш-ағнаб юрарди. Шу кун у бизнинг кўчани айланиб юриб, иккита бегона кишини пайқаб қолади ва кузатади. Улар узоққа кетмас, фақат бизнинг кўчада, уйимиз атрофида аста-аста юриб, яқинимиздаги жарлик кўприкка тушар ва ундан қайтиб гузар яқинидан яна орқага бурилар эканлар. Бегоналар шу йўсин икки-уч давра қилиб кўприкка борганларида Пирназар ака (у жуда довурак киши эди) улар олдига тик боради-да: «Кимсанлар, нега бунда айланишиб қолдиларинг, мен маҳалланинг қоровулиман», дейди. Бегоналар (бири рус, бири ўзбек):

«Бизлар ўғри, бандит эмасмиз, боравер, ўз ишингга, – дейишади.

Пирназар ака бир нарсани сезади, шекилли, «Булар Абдулланинг уйини пойлашяпти-ёв», деб гумон қилади ва «бохабар қилиб қўйиш керак» деган мақсадда боғ кўчага кириб Қудратилла амакимни уйғотиб (Пирназар ака бегоналарни шубҳага солмаслик учун бизнинг дарбозани қоқмайди) воқеани айтади. Амаким эса туйнуқдан чиқиб бизни хабардор қилади...

– Хўп, раҳмат, бориб хотиржам ухлайвер, ука, – дедилар дадам. Жой-жойимизга тарқашдик. Эртасига биринчи май байрами бўлди. Намойишдан қайтиб тўғри дадамнинг ижодхоналарига кирдим. У киши ёзув билан машғул эдилар. Хон-

тахта ёнига ўтирдим. Дадам (у кишининг кайфияти бугун яхши кўринар эди) ёзувдан тўхтаб, қаламни қўйдилар ва мендан намойиш таассуротларини сўрадилар:

– Намойишда кўпроқ кимларнинг суратини кўтариб ўтишяпти? – дадам сўрадилар.

– Сталинни.

– Ленинни-чи?

– Камроқ кўринади...

Дадам ниманидир англагандай кўз сузиб қўйдилар. Мен бу саволга эътибор қилмай, у кишига дедим:

– Ада, Пирназар ака айтган тундаги бегона кишиларнинг кимлигини билдингизми?

– Билдим, – дадам мени масхаралаган каби кулдилар.

– Кимлар экан?

– Айғоқчилар...

Мен ажабланиб дадамга қараб қолдим.

– Ярим кечада эшигимиз олдида нимани пойлар эканлар?

– Мени-да, – яна кулдилар, – кўпдан пайқайман, айғоқчилар мени кузатадилар. Бировнинг уйига борсам ё биров билан сўзлашсам, кимдир ёнимдан ўтади, ҳатто улар тунда уйгача кузатиб қўядилар, байрам кунлари туни билан уйимиз тева-рагида айланиб, кимлар бизникига келади, кетади, мен чиқиб қаёққа бораман – ҳаммасини кузатиб юрадилар.

– Наҳотки, шундай катта давлат сиздан кўрқса?..

– Давлат кўрқмайди, давлатни бошқарувчиси кўрқади...

Шу ўринда яна бир хотира ёдимга тушиб кетди.

1935–1936 йиллар бўлса керак, дадам «Қизил Ўзбекистон» газетасини ўқиб ўтирдилар-да, нимадандир нафратлангандай, ғазаблангандай «Манави мақолани ўқи!» деб газетани узатдилар. Мен ўқидим. Мақола кичкина эди. Унда тахминан хотирамда қолганлар шулар: Сталиннинг шахсан ташаббуси ва иштироки билан Москвада генерал, полковник, майорларнинг хотинлари учун махсус конференциями, қурултойми ўтказилганлиги хабар қилинади.

Генерал офицерлар хотинлари эрларининг бирдан-бир сирдошларидилар. Улар эрларининг барча сир-синоатидан воқиф ҳамда ватанга содиқ бўлмоқларига кўмақдошлар ва шундоқ бўлмоқлари керак ҳамдир, ҳоказо...

Мақола тахминан шу мазмунда ёзилган эди. Газетани индамай дадамнинг олдиларига қўйдим.

– Ўқидингми?

– Ўқидим.

– Нима тушундинг?

– Сталин хотинларни йиғиб тантана мажлиси ўтказибди, уларга Ватанга садоқатли бўлинглар, деб мурожаат қилибди.

– Бундан нима маъно чиқарса бўлади?

Мен «қаёқдан билай», дегандай елка қисдим.

– Бундан шундай маъно чиқадики, Сталин ўтакетган кўрқоқ, пастарин, хотинлардан ҳам заиф эркакдир. У: «Эринглар тагин ўзга давлатларга сотилиб кетмасин, эҳтиёт бўлинглар, агар буни сезсанглар, хабар беринглар», – деб хотинларга ялиняпти. Бундай пасткашликни ҳақиқий эр киши қилмайди...

Дадам кимгадир зарда қилгандай газетани токчага ирғитдилар ва давом қилдилар:

– Бу кўрқоқ ўз жонини, мартабасини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай ифлосликдан, разолатдан қайтмайди, унингча қамоқда ётган гуноҳсизларни ҳақиқат қилиб вақт ўтказиб ўтиргандан кўра уларни бир ўқ билан отиб ўлдирган афзал ва ишончлидир...

* * *

Янглишмасам, 1934–1935 йиллар бўлса керак, патефон янги расм бўлган чоқлар эди. Ҳамма «Патефон олмасам, армонда кетаман», деб уни орзу қилар, бироқ у камчил, бозори чакқон эди. Шунда биз ҳам дадамизга, бир патефон олсак, деб орзу билдирганимизда, у киши: «Ҳали техника шу қадар тараққий этадики, патефоннинг нархи ҳокандоз нархига тушади. Ана ўшанда сизларга патефон олиб бераман», – деб кулган эдилар.

Шу йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ва Иттифок Ёзувчилар уюшмасининг съездлари бўлиб ўтди ва Қодирий бу икки съездда ҳам вакил бўлиб қатнашдилар-да, қайсидир бир съездда у кишига ҳам бир патефон берилади (пулга).

Уйимизда тўй. Патефоннинг «қулоғини» бир минут ҳам бўшаштирмаймиз. Лекин атиги тўрттагина лагани (пластинкаси) бор, у ҳам Тамарахоним ижро этган «Рўмолим» ашуласи, дўм-бирада чалинган қозоқча мунгли бир куй, Қори Ёкубов ижро этган «Илийла ёрим» ашуласи ва яна бириси русча айтилган қандайдир ёқимли романс (янглишмасам, ижрочиси Козловский ё Лемешев) эди, шекилли. Мен дадамга: «Лаганлари озку», дедим. У киши: Пулим бўлмади, буларни ҳам сийлов қилиб беришди», – дедилар.

Бир кун болохона уйимизда ҳалиги русча куйни тинглаб ўтирсам, дадам кечликка чиқиб қолдилар. Мен патефонни тўхтатдим.

– Қўявер, нега тўхтатдинг, – дедилар дадам ўтириб.

– Ёқтирмайсиз деб ўйладим... – дедим ва куйни яна бошдан қўйдим.

– Нега ёқтирмайин, музыкада миллатчилик йўқ, – дадам менга тегажаклик қилиб кулдилар.

Бу гап менга ҳам кулгили туюлди. Дадам куйни охиригача тингладилар. Патефонни тўхтатиб дедим:

– Лекин бизнинг музикани баъзилар масхара қилишади...

– Ўзга музикани масхара қилувчилар бизда ҳам бор... – дадам ойим келтирган чойни қайтардилар, – ўзга музикани масхаралаш маданиятсизликдир, бу музыка тинглаб ўрганмаганликдан, баъзан ғайирлик, менсимасликдан чиқади...

– Ғайирлик, менсимаслик – бу миллатчилик бўлса керак...

– Ҳа, бу сўнггиси миллатчилик... Кучли халқ кучсизини менсимаса, ҳурмат қилмаса, айёрлик, алдамчилик қилса, инсон қаторида ҳисобламаса – ҳамиша миллатчилик келиб чиқади, бу низони ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Аксинча, ўзаро ҳурмат, самимият бўлса, миллатчилик асло бўлмайди.

– Тунов кун Пиён бозоридан трамвайга ўтирдим, – давом этдилар дадам, – мен билан хуржун кўтарган кекса бир қозоқ киши ҳам чиқди. Икковимиз кондуктор ёнидаги бўш жойларга ўтирдик. Билет олдим. Қозоқ киши ҳам кондукторга йигирма тийин узатди. У билет йиртиб бериб «Беш тийин қайтимим йўқ, тушса бераман», деди. Ўрдага борганимизда келишган бир рус йигит чиқди ва кондуктор рус қиз билан тик туриб сўзлашиб кета бошлади. Охирги Хадра бекатига яқинлашиб қолганимизда қозоқ киши кондуктордан қайтим сўради. Қиз «Қайтимингни бердим», деди. Мен қизга: «Йўқ, бу кишининг қайтимини бермадинг», – дедим. Қиз ўнғайсиз ҳолда қолди. Шу ҳолатда ҳалиги йигит тўсатдан: «Қайтимини берди, мен кўрдим, нега ёлғон сўзлайсан!» деб менга ўдағайлаб кетди. Масаладан хабардор уч-тўрт йўловчи орага тушишди. Жанжал кўтарилиб милисияхонага бордик. У ерда «Жамоат тартибини бузганимиз учун» иккимизга жарима солишди. Жаримани тўладим: – Агар лозим бўлса, мана шу жарима қоғозининг яна ўнтасига пул тўлайман, – деб милисия начальниги олдидан чиқиб келдим.

Кўрдингми, масала арзимас кўринса ҳам, тагида анча маъно ётади: кондуктор қозоқни менсимай тонди, йигит эса виждонини сотиб, ёлғон гувоҳликка ўтди, бу ҳам аслида менсимаслик, гўё қизга садоқат кўрсатди. Шу билан улар бир вагон йўловчилар дилида нафрат уйғотди...

* * *

1936–1937 йиллар, баҳарҳол, шу икки йилнинг бири, октябр оғи эди. Бир кун дадам кўчадан хомуш, ўйчан, ҳорғин, камгап қайтдилар. Албатта, мен у кишидан «Нега ундайсиз?» деб сўрамадим. Таомдан сўнг, ойим чой келтирдилар. Дадам папирос чекар, укаларимнинг турли саволларига эриниб жавоб қилар эдилар. Болалар тарқашгандан кейин ойим дадамга оҳиста дедилар:

– Хафа кўринасиз? Тинчликми? Бугун кун бўйи чап кўзим учди...

Дадам шу саволни кутиб тургандай гап бошладилар:

– Тунов кун Уюшмага чиққан эдим. Бир неча ёзувчилар гаплашиб, кулишиб ўтиришар экан. Мен ҳам бир оз сўзлашиб, ҳазил-ҳузул гап қилиб ўрнимдан турдим. Бугун мени сиёсий идорага чақиришди. Ҳайрон бўлиб бордим. «Ўктябр инқилоби сизга ҳеч нарса бермадимми?» – деб, бирдан мендан сўраб қолишди. Масалага дарҳол тушундим. Ўша куни Уюшмада айтган ҳазил гапимни сиёсий идорага етказишибди... «Ўктябр инқилоби менга нималар берганини ёзганларимдан ўқигандирсиз...» дедим. «Шундай-ку, лекин ўша гапни айтмаслигингиз керак эди-да». «Бу гап йўсини келиб ҳазил қилиб айтилган эди. Хўп, узр, бундан кейин ўйлаб гапирадиган бўламиз», – дедим. Кўрдингми, биров билан ҳам ўйлашиб гаплашадиган замон бўлди. Яхшиси кўчага чиқма-да, уйингда гунг бўлиб ўтиравер... Чўпоноталик Усмонхон домла билан бир кун гузарда учрашиб қолиб узоқроқ сўзлашиб тургандик, шуни ҳам етказишибди...

– Ким экан у гўрсўхта, гап ташийдиган? – ойим сўрадилар.

– Э, э, улар кўп, – дедилар дадам ва давом этдилар, – тагин уларнинг қизиқ одати бор: «Бу гапларни бошқаларга айтиб юрманг», деб пишиқлашади ёки тилхат олишади. Агар гаплари ҳақ бўлса, пишиқлашнинг нима кераги бор.

Архив ҳужжатлардан кейин ўқиб билишимча, Ўктябр инқилоби байрами арафасида ҳукумат тарафидан Уйғунга янги уй берилган экан. Уюшмада суҳбатлашиб туришганда кимдир:

– Абдулла ака, Ўктабр инқилоби сизга нима берди? Бир мақола ёзиб беринг, – дебди.

– Ўктабр инқилоби Уйғунга мана уй берибди, Уйғун ёзсин, – деб ҳазил қилган эканлар дадам.

БЎРОН АРАФАСИДА

1937 йилнинг эрта баҳори, дадам ҳамон хаста эдилар. У кишини газеталарда: «Бизни менсимайди, ўзини четда тутадими, Уюшма ишларига аралашмайди, асарларида миллатчилик руҳи бор», – деб танқид қила бошладилар. Қодирийга қарши шундай руҳдаги танқидий мақолалар газеталарда шу қадар кўп босилдики, 1937 йил мобайнида бундай мақолалар ўнлаб босилди, десам муболага бўлмас. Мақолалар бош мақола, обзор, «илмий текширув», ахборот тарзида ёзилган бўлиб, имзоли ёки имзосиз босилган. Хуллас, кимки мақола ёзгиси келса, обрў орттираман, ишонч қозонаман деса, ҳеч иккиланмай Абдулла Қодирийни дўппослайверди ва ҳеч «хато қилмай» мақсадига эришаверди. Гўё Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг бирдан-бир мудҳиш айбдори...

Биз қуруқ гаплар билан ўқувчини зериктириб, толиқтириб ўтирмай, бу ўринда тўртинчи жилддаги мақолаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мен бу танқидий мақолаларни газета дўконларидан олиб ўқисам-да, дадамга тегишлисини кўпинча атайлаб кўрсатмас эдим. Дадам бу танқидларга гўё аҳамиятсиздек қарар ва баъзан эса ўткир кўзларини узоқ бир нуқтага тикиб хаёл суриб қолар эдилар...

Юқорида айтиб ўтганимдек, дадамнинг Лидия Евгеньевна Соцердотова исмли яқин бир мухлислари бўлар эди. Ўзи рус аёли, САГУнинг шарқ факультетини битирган, турмуш қурмаган, бола-чақасиз, дарвеш табиат, эгриликни билмайдиган, софдил, дадамни ниҳоятда ҳурмат қилувчи аёл эди. У Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, ўз замонасининг ўткир таржимони, ўзбек тилини яхши билувчи ва бемалол сўзлаша олувчи эди.

Лидия опа «Обид кетмон» ва «Меҳробдан чаён» асарларини русчага таржима қилган ва шу сабабдан у бизникига тез-тез келиб, таржима масалаларида дадамдан маслаҳатлар олиб ке-

тиб турар эди. Лидия опа бизнинг оилага жуда яқин, ойим ва бибиларим билан бемалол суҳбатлашиб, урф-одатлардан ҳам тортинмай ўтираверар эди.

Лидия опа дадамга қарши бўлаётган бу ҳақсиз ялпи ҳужумлардан жуда безовта – ташвишланган эди. У тез-тез келиб дадамдан ҳол сўрар ва Уюшмада бўлаётган суронлар тўғрисида сўзлашар эди. Дадам эса ортиқ сўзламай, индамай ўтирар эдилар. Бир кун Лидия опа дадамга кескин деди:

– Ўз аҳволингизни кўрсатиб, Акмал Икромовга хат ёзишингиз керак, токи бу ҳақсиз ҳужумчиларни озгина жиловлаб қўйсин!..

Дадам:

– Фойдасиз, иш унинг қўлида эмас... – дедилар.

Лидия опа ҳар келганида ўз фикрида қатъий туравергач, бир кун дадам Акмал Икромов номига хат ёзишга рози бўлдилар. Қисқагина, ярим қоғоз хат ёздилар. У то жўнатилгунча бир-икки кун курси устида турди. Мен араб алифбосида (эди шекилли) ёзилган хатни олиб ўқидим. Унда тахминан шу сўз-мазмун бор эди:

«Ўртоқ Акмал Икромов! Меним ҳақимда газеталарда босилаётган ҳақсиз танқидларга кўзингиз тушаётган бўлса керак. Совет тротуаридан (дадам худди шундай ёзган эдилар – Ҳ.Қ.) тўғри кетаётган бир ёзувчига бунчалик бўҳтонлар тўқиб ҳақоратлар қилиш адолатдан бўлмаса керак. Кўндан бери хастаман, ҳолимдан хабар олишмайди...

Имзо»

Хатдан сўнг Ёзувчилар уюшмасидан ҳол сўрагани кетма-кет келишлар, моддий ёрдам кўрсатишлар бошланди. Қаранг-а, бечора Акмал Икромовнинг ўзини-ку яқин кунларда ўлим таҳликаси кутади. Буни унинг ўзи ҳам яхши билган. Шу ҳолда ҳам у Қодирийни унутмайди, ардоқлайди, ғамхўрлик кўрсатади, мушкулини осон этишга ҳаракат қилади. Ана чин инсонийлик, мардлик, қадршунослик... У Абдулла Қодирийдек туғма буюк талантларнинг дунёга ҳадеб келавермаслигини, ундан ўзбек адабиётининг келажаги, балоғати, равнақи учун мумкин қадар фойдаланиб қолиш кераклигини, умуман, санъатнинг нозик сирларини билган, қадрлаган улуғ зот эди.

Акмал Икромовнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси Раҳмат Мажидийга айтган қуйидаги сўзлари, албатта, бежиз эмас:

«Ижодкорларга муносабатда жуда эҳтиёт бўлинг. Айниқса, Абдулла Қодирий каби ижодкорлар учун партия билетингиз билан эмас, ҳатто бошингиз билан жавоб берасиз» («Абдулла Қодирий замондошлар хотирасида», 1986 йил). Литфонд мудирини (рус киши эди) бир гал Тошкент Медицина институтидан тери-таносил касалликлари профессори Картамишев¹ни уйимизга чорлаб келди. Профессор дадамни кўриб, бир-икки ҳафта текшириш учун ўз касалхонасига ётишни таклиф қилди. У киши таклифга ижоб этиб, ТошМИ тери-таносил клиникасига ётдилар.

Профессор дадамнинг хасталигини тахминан сувланувчи экзема деб аниқлади. Айтишларича, бу касаллик парҳез сақла-маслик ва асабийликка боғлиқ экан. Дадамга тинчлик, ижод билан шуғулланмаслик, кўпроқ дам олишга маслаҳат берилди ва тегишли дори-дармонлар тавсия қилинди. Бирор ҳафта ётиб озгина тузала бошлагач, дадам «Қолмиш даволарни уйда қиламан», деб қайтиб келдилар ва ижод билан кам шуғулланиб, ёзи билан бог ишларига овора бўлдилар.

Шу йил бошларида дадам «Ўзбекфильм» студиясидан Чеховнинг «Олчазор» асари асосида ишланган картина сўзларини ўзбекчага таржима қилиб беришни шартлашиб олган эдилар. Ман этишларига қарамай, у киши баъзан-баъзан шу таржима билан шуғулландилар. Бироқ бари бир таржима тугалланмай, ярим-ёрти бўлиб қолди...

ЖОСУСЛАР УЮШМАСИ

Болохона уйимизда кечки таомдан сўнг дадам, Раҳимберди, Қудратилла амакиларим чой ичишиб, ундан-мундан сўзлашиб ўтиришар эди. Дадам дедилар:

- Кеча мени Ёзувчилар уюшмасига чақиришди...
- Нима янгилик, ака? – Қудратилла амаким сўрадилар.
- Ҳозир уюшмада ёзувчиларни «тозалаш», сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш ишлари қизгин боряпти... Тўрт-

¹ Картамишев Анатолий Иосифович – дерматовенеролог, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.



беш ёзувчидан иборат комиссия бир ёзувчини чақиради-да, кўнгилларига келган саволни галма-галга бераверади. Бечора ёзувчи шўрва ичган кўрдай терлаб жавоб қилаверади. Ёзувчига бундан ҳам разолатлироқ жазо борми?

– Масалан, қандай саволлар, ака?

– Нега миллатчи бўлгансан, ёзганларингда миллатчилик руҳи бор, бўйнингга оласанми-йўқми, Совет ҳукуматини ёқтирмайсан, фалон вақтда фалончининг уйига боргансан, ўшанда нималар ҳақида гап бўлган, у сенга нима деди, сен нима дединг, қандай китоб кўрсатди, фалон вақтда уйингга фалончилар келган, ўшанда нима тўғрисида гап бўлган, фалончи ёш ёзувчини нима деб ранжитдинг? Шунга ўхшаш бачкана, мижи-мижи, ковла-ковла гаплар...

– Сизга ҳам савол беришдими, ака?

– Беришди... Анқабой¹ дегани савол берди: «Сизнинг ким ва қанақа ёзувчилигингизни биламиз, саволимиз шу: «Худо борми, йўқми?»»

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. «Бор», дедим. «Қандай исбот қиласиз борлигини?» Унинг эътиборсиз, юзаки, менсимагандай берган саволи гашимни келтирди: «Худо борми, йўқлигини исбот қилиш, ўйлаганингизча осон, бўёқчининг нили эмас. Бунинг учун, бўлмаганда, араб, форс, турк, рус тилларини мукаммал билишингиз ва билибгина қўймай, ўша тиллардаги диний манбаларни синчиклаб ўқиган, ўрганган, фалсафий мушоҳада қилган бўлишингиз керак. Шундагина диний мунозарага кириша олишингиз мумкин. Масалан: «Ихлос сурасини² ўқинг-чи, мен сизга муқаддима ўрнида шарҳ қилиб берай!..» дедим. Анқабой анқайиб қолди. Раёсатда ўтирган сиёсий идора вакиллари: «Бунақа масалаларни қўйинглар!» деб луқма солди.

Раҳимберди амаким дедилар:

– Дилингда бўлмаса ҳам, тилингда «Йўқ», деб қўя қолсанг бўларди, ука.

¹ Анқабой Худойбаҳтов (1903, Сирдарё вилоят Юмалоқбош қишлоғи – ўлган йили номаълум) ўзбек адабиётшуноси, драматурги ва журналисти. Зиёли оиласидан, «Зарафшон», «Ишчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида адабий ходим бўлиб ишлаган. Кўп йиллар Самарқанд Ёзувчилар уюшмасини бошқарган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, Шўро Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

² Қуръондан.

– Ўрисларнинг шундай зўр ёзувчилари борки, эътиқод билан яшайдилар ва ҳозир ҳам балки яшарлар. Уларга ҳеч ким бир нарса демаган, демайди ҳам. Ахир бу конституциямизда шундай кўрсатилган, дейдилар. Энди мен бир муртаднинг икки оғиз сўзи деб, қирқ йиллик иймонимдан қайтайми? Мунофиқлик, виждонсизлик бўлмайдими бу!

Қудратилла амаким дадамнинг сўзларини қувватлаб, Раҳимберди амакимга дедилар:

– Диннинг фалсафаси ҳам шунда-да, ака, иродали бўл, мунофиқ, тухматчи бўлма, деб ўргатади.

Қудратилла амаким серзавқ эдилар. Бирор маъноли, тарбиявий гап айтсалар, завқлари келиб, дарҳол Шайх Саъдий байтларидан бирини ўқиб изҳори фазл қилар эдилар:

*Писари Нуҳ бо бадон би нашасту, хонадони
нубувваташро гум кард,
Саки Асҳоби Қаҳф рўзи чанд пайи некон гирифту мардум шуд.*

Таржимаси:

Нуҳ пайғамбарнинг ўғли ёмонлар билан ўтириб пайғамбарлик хонадонини йўқотди, Асҳоби Қаҳф¹ ити эса яхшилар билан бир неча кун юриб инсон бўлди.

– Қалай, ака, ўрнида ишлатдимми?! – Қудратилла амаким қаҳ-қаҳ уриб кулдилар.

– Жуда ўрнида, – деб қўйдилар дадам.

Бу байт менинг ёдимда шунинг учун қолганки, худди шу гаплар бўлган йилларда мен ҳам «Гулистони Саъдий» ўқир ва ундан баъзи байтларни ёдлаб юрар эдим...

Биз юқорида Абдулла Қодирий сўзларидан 1937 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қандайдир жиддий тадбирлар, ташкилий, «ижодий» ишлар бораётганлиги ҳақида озгина бўлса-да, маълум тасаввур ҳосил қилдик. Энди архив ҳужжатларидан фойдаланиб, бу тўғрида кенгроқ расмий маълумот бериб

¹ Асҳоби Қаҳф – афсоналарга кўра бир гуруҳ авлиёлар зolim зулмидан қочиб, бир ғорга яширинадилар. Шунда бир вафодор ит ҳам қувлашларига қарамай, Асҳоби Қаҳфлар ортидан бориб ҳалиги ғорга киради ва улар билан бирга ҳалок бўлади. Шу йўсин ит гўё «инсон» қаторига киради.

ўтмоқчимиз. Олдин Москвадан олинган бир хатдан парча берамиз. Бу парча хаёлимизни анча йироқларга сочади, кўп муаммоларни очиб берган каби бўлади, машъум Сталин қатағонининг бошланганлигидан дарак беради. (Хатни қисқартириб, мавзуимизга керакли ўрнини олдик – Х.К.)

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ БЕРЕГИН!¹

Сўнги воқеалардан хабарингиз бўлса керак. Троцкий-Зиновьевчи бандитлар фош қилинган, Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси аъзолари орасида бир қатор ўзгаришлар бўлди. Ҳозир бизда аъзолар рўйхатини синчиклаб текшириш ишлари кетяпти.

Уюшмага аъзо бўлган Ўзбекистон ёзувчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, фақат фамилия, исми, туғилган йиллари ва партиязий аҳволлари тўғрисида тезда бир маълумот йўллашингизни сўрайман. Агар бирор ўзгариш рўй берган бўлса, қачон ва нима сабабдан бўлганлигини, албатта, кўрсатинг...

Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси Ўрта Осиё миллий секторининг инструктори: А.ШАПОВАЛОВА, 1936 йил 9 сентябр.

ЎзР МДА, 2356-фонд, 1-опис, 17-сон.

Бу Ўрта Осиёга томон эсиб турган бўронларнинг бири ва ашаддийси эди...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 1937 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг IV пленумини ўтказишни белгилайди. Аммо бўлажак пленум бир-бир ярим ой олдин бир комиссия тузиб, барча ёзувчилар билан бирма-бир хотиржам «суҳбатлашиб» ким «сарак», ким «пучак», кимнинг қўйнида нима борлигини билиб қўйишни маъқул топади. Яъни пленум чоғида ким билан қандай муносабатда бўлишни олдиндан аниқлаб қўймоқчи бўлади. Демак, бу пленумда катта ўзгаришлар бўлиши кутилади, кўп ёзувчиларнинг тақдирлари ҳал қилинади.

Тузилган комиссия деярли ҳар куни ёзувчиларни чорлаб, савол-жавоб ўтказди. Ким кимнинг ҳақида нима билса, сўзлаб беради. Айрим белгиланган ёзувчилар эса бошқа ёзувчиларни сўроқ қилади. Бир ёзувчини сўроқ қилиш баъзан бир-икки,

¹ Қурбон Берекин (1905 – Хива – 1938) Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пропаганда ва Маданият бўлими мудири, таржимон, журналист, танқидчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ва Президиумининг аъзоси.

уч-тўрт кунлаб давом этади. Шуни айтиб қўймоқ керакки, Қодирийнинг ўзлари билан бўлган шахсан сўроқ-жавоблар йўқ, бўлса ҳам балки адашиб бошқа архивга ўтиб кетган ёки атайлаб йўқ қилинган бўлиши мумкин. Мен стенограммада ёзиб олинган ана шу савол-жавоблардан Қодирийга тегишли айрим ўринларнигина қуйида қайд этиб ўтмоқчиман.

Тўлқин: Уюшмадаги носоғлом аҳвол ва бу кунда фош этилган халқ душманлари, миллатчилар тўғрисида ўртоқ Берегинга озмунча сигналлар берилдими?... Тахминан ўн бешинчи апрелларда бўлса керак, Берегин бирмунча ёзувчилар билан ўз кабинетида фикр олиш ташкил қилди. Бу мажлисда иштирок қилган ўртоқлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Санжар Сиддиқнинг бузуқ ишлари ҳақида аниқ ва жиддий фактларни айтиб бердилар. Берегин бу фактларнинг жиддий эканини ва тез орада текширажагини баён қилди-да, бир-икки ўртоққа Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг кейинги асарлари устида матбуотда чиқишни топширди. Албатта бу уюштирувчилик ташаббусини табриклаш мумкин. Лекин нима учундир ўша мажлисдан кейин бўлган икки-уч президиумда ҳам ўша мажлисда айтилган фактлар устида гап бўлмади, бости-бости бўлиб кетди. Берегиннинг бу сусткашлиги одатмикин ёки ҳалол ва очиқ фактлар билан бўлган танқидларни менсимасликмикин? Ахир ўша мажлисда Абдулла Қодирий, Элбек тўғрисида озмунча жиддий гаплар бўлганмиди? Лоақал унинг гапларини эсга солганда ҳам элбек билан Абдулла Қодирийни ўша вақтда фош қилган бўлар эдик. Мана бу факт Берегиннинг коллективдан қанчалик ажралганини, коллективни менсимаганини, берилган сигналларга қулоқ солмаганини, ёшларнинг овозига эътибор билан қарамаганини кўрсатади. Йўқса ўртоқ Берегиннинг Абдулла Қодирийга қўнғилчанликда бўлиб келганини нима билан изоҳлаш керак? Ахир Чўлпонни жамоатчилик қаттиқ танқид қилиб, ҳам асарларини, ҳам юриш-туришини фош қила бошлаганда, Абдулла Қодирийнинг ҳам бўлмағур ишларини оча бошлаганда, Берегин «Чўлпон билан Абдулла Қодирий ўртасида ер билан осмонча фарқ бор» деб, Абдулла Қодирий миллатчилигини Чўлпон миллатчилигидан ажратиб,

Абдулла Қодирийга нисбатан силлиқроқ муносабатда бўлишни талаб қилишининг сабаби нима?...

2 сентябр, эрталабки мажлис.

ЎзР МДА. 2356-фонд. 1-опись. 31-сон, 139–140-бетлар.

Миллатчиларга қарши курашнинг моҳияти бизнинг олдимизга шунинг учун ҳам жуда катта вазифаларни қўярдики, бу миллатчилар ҳозир ҳам, шу вақтда ҳам империалист давлатларнинг шўро ҳукуматига қарши кураш очмоқчи ва совет ҳукумати емирмоқчи бўлган империалист давлатларга сотмоқчи бўлганлар. Элбек, Чўлпон, Абдулла Қодирий, О. Ҳошимов, Усмон Носир ва бошқалар бизнинг ичимизда туриб, биз билан атайин кураш олиб бордилар ва ҳамон унинг ўсишини емириш, уни фашистларга сотиш учун курашдилар... Бу кун Чўлпон, Қодирий, Элбек ва бошқалар шундан тўппа-тўғри келиб чиқадиган хулосаки, любой вақтда мана шу аксилинқилобнинг аъзолари, жосус, диверсант қотиллари, шунинг учун миллатчиларга қарши кураш, миллатчилик мафқурасига қарши кураш, бундан кейин ҳам бизнинг олдимизда қаттиқроқ туради...

Шунинг учун жуда эҳтиётсиз равишда улар билан ишлашдик, уларнинг ҳар хил найрангларига ишондик. Биз ўйладикки, хатто шундай нарсалар бўладикки, масалани мавзу ҳал қилади. Абдулла Қодирий колхоз тўғрисида ёзган экан, демак, дунёга қараши ҳал. Биз ўйладик: тематика дунёга қарашни, идеологияни белгилайди деб, ҳолбуки бу хато экан. Одамнинг сифатини тематика эмас, балки совет воқелигига нисбатан бўлган актив ижобий иш ҳам ижодда, ҳам амалиётда тайин қилар экан...

Демак, бунда ўртоқ Сталиннинг жуда муҳим кўрсатмаси бизнинг олдимизга келади. Ўртоқ Сталин айтадики, «Зараркунандачилар, диверсантлар ҳамма вақт бу ёмон иш қилади, дейиш хато, улар кеча-кундуз иш қилиб турган бўлсалар, биз уларни дарров ушлаб олар эдик, улар ўзларини яхши кўрсатмоқчи бўлиб, планларини ҳам бажариб қўядилар, улар ўзларининг сирларини шу билан яширмакчи бўладилар».

ЎзР МДА. 2356-фонд. 1-опись, 31-сон. 192, 193, 194-бетлар.

Сталиннинг юқоридаги сўзлари ҳеч бир ҳоким-ҳукмрон, раҳбар кишилар ахлоқига тўғри келмайдиган бемаъни гаплардир. Унинг бу гапидан шу маъно англашиладики, гўё ҳеч кимга ишониш керак эмас, ҳамма халқ душмани, аксилинқилоччи, жосус, қўпоровчидир. Инсонларни доим сергаклик билан кузатиб туриш керак... Ахир бу даҳшатли гап миллион-миллион софдил комунистларга, партия аъзоси бўлмаган чин болшевикларга, социализм ва комунизм қурилиши йўлида самимий иш олиб бораётганларга қандай таъсир қилади?

Демак, дунёда дўстлик, биродарлик, садоқат, ўзаро ишонч, самимият деган гаплар йўқ экан-да. Ундай бўлса, дунёда яшашнинг нима қизиғи бор?!

Комил Яшиннинг пленум муқаддимасида сўзлаган оташин нутқидан:

– ...Ёзувчиларнинг «ёзувчи» деган номи қанчалик фахрий баланд ном эканлигини билишимиз керак. Чунки совет ёзувчисидек бахтли ёзувчи ҳеч бир дунёга келган эмас, бўлган эмас. Бунинг тарихини суриштирганда, ўткандаги ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам бахт деган нарсани кўрмасдан «бахт» деб йиғлаб ўтиб кетганлар. Бахт фақат совет ёзувчисиники. Шунинг учун бахт ғалабаларини куйлаш, унинг сурурини, лаззатини сезиш ва бошқаларга бериш бизнинг совет ёзувчиларининг улуғ вазифаси бўлиб туради. Бизнинг олдимиздаги асосий вазифа бундан кейин бизнинг атрофимизни ўраган муҳитни яхши билишимиз керак. Душманларимизни то охиригача фош қилишимиз керак. Совет ёзувчилари қаторидан душманга, совет платформасини менсимаган, эътибор қилмаган, советларга қарши, совет воқелигига қарши курашувчи душманларга қатъий зарба беришимиз керак. Бизнинг соҳамиздаги душманларнинг шу методларига қарши зарба беришимиз, пачоқлашимиз керак. Бунинг учун ўзимизнинг орамизда бўлган беғамлик ҳар кимнинг башарасига, мансабига қарамасдан очиб ташлашимиз керак. Бунинг учун биз ўзимизда бўлган инқилобий хушёрликни мустаҳкамлашимиз, большевизмнинг ва партия тарихини эгаллашимиз, ўрганишимиз керак... Мамлакатимизда кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган халқларнинг биродарлигини тасвирлайтурган асарларимиз йўқ. Ўрта Осиё меҳнаткашларини, ўзбек халқини шу дамларга олиб келган, ра-

золатдан, қулликдан, асоратдан олиб чиқиб, бахтиёр кунларга олиб келган ва ундан ҳам яхши бахтиёр кунларга етаклаб олиб бораётган улуғ доҳиймиз Ленин, Сталин образларини, уларнинг қилган ишларини ҳали биз на поэзиямизда, на драматургиямизда ва на бошқа жанрларимизда беролганимиз йўқ. Бу вазифалар бизнинг олдимизда энг асосий вазифалардан биттаси бўлиб туради... Биз ҳали партиямизнинг жадиждларга, миллатчиларга қарши курашда чиниққан большевик образларини яратиб беролганимиз йўқ. Босмачиларга қарши курашган Чапаевларимиз ҳали бизнинг матбуотимизда кўрилгани йўқ... Биз шундай асарларни яратайликки, бизнинг бундан кейин яратган асарларимиз бизнинг адабиётимизни, драматургиямизни, поэзиямизни бўғмоқчи бўлган синфий душман, халқ душманлари З.Саид, Элбек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқа душманларга қарши иккинчи бир зарбали жавоб бўлиши керак.

Биз бундан кейин шундай асарларни беришимиз керакки, бизнинг ёзган асарларимиз бутун дунё меҳнаткашларининг диққатини, уларнинг муҳаббатини ўзига тортатурган, Сталин байроғи остига тўплайтурган бўлсин. Биз адабиётимизда шундай катта, бадий жиҳатдан юксак, ғоявий жиҳатдан мустаҳкам бўлган асарларни яратайликки, ватанимизни қўриқлайтурган соқчи бўлиб мудофаа қилсин. Биз шундай асарлар берайликки, бизнинг келажак бўгинлар одамизотни бахт-саодат йўлига етаклаган улуғ доҳиймиз Сталиннинг йўлига қарши чиққан ифлосларнинг кирдикорларини ўқиб, уларга қарши нафратларини кучайтирсинлар. Шу асосда синфий кураш учун мустаҳкам курашадиган бўлиб тарбиялансинлар. Ўртоқлар, биз бутун ичимиздаги касалликларимизни очиб ташлашимиз билан бирга, бизнинг соғлом коллектив буни қила олади ва қилишга қодир. Чунки бизга партия раҳбарлик қилади. Битсин бизнинг орамиздан ҳайдалган ва бизнинг адабиётимизни бўғишга уринган халқ душманлари троцкийчи, бухаринчи, миллатчи, аксилинқилобчи З.Саид, Элбек, Чўлпон, Фитратлар! Яшасин бизнинг Ўзбекистон халқи ва унинг совет адабиёти!

(Олқишлар)

ЎзР МДА, 2356-фонд, 1-опись, 31-сон, 52-56-бетлар.

Муҳтарам ўқувчи, кўриб турибсиз, ўша даврдаги ёш ёзувчи, шоирлар, олимлар қандай нопок ишлар билан шуғулланганлар. Кекса, ёзувчи, шоир, олимларга қарши тухматлар, бўҳтонлар тўқиганлар, ёстиқларини қуритиб, оилаларини хонавайрон қилганлар.

Баъзилар: «Улар бу ишларни мажбурият, тазйиқ остида қилганлар», дейишади. Бу гап балки тўғридир. Сталин ҳокимияти уларни бу ишга зўрлаган, тезлаган бўлиши мумкин. Хўп, у ҳолда бир савол: «Зўрлади», деб гуноҳсиз, айбсиз кимсаларга тухмат қилавериш қандай одамнинг иши? Шу ўринда бир гап ёдимга тушиб кетди.

Шоир Шайхзода институт ҳовлисида уч-тўрт олимлар билан сўзлашиб турар экан. Буни кузатиб турган бир шогирд ҳалиги олимлар тарқалишиб кетгач, Шайхзода ёнига келиб дейди: «Домла, бу сиз сўзлашиб турган олимларнинг бари сизнинг қамокда беш йил ўтириб чиқишингизга сабабчи бўлган тухматчилардир. Шу ҳолда, ҳайронман, нега сиз яна улар билан сўзлашиб турасиз?» Шайхзода дарҳол дейди: «Хафа бўлманг, ўғлон, бу кимсалардан гиналаб юришга арзимади. Улар ожиз одамлардир...»

Масалан, Қурбон Берегин, хоразмлик покиза коммунист, моҳир ташкилотчи, нотик, 1937 йилга қадар Ўзбекистон Марказий Комитетининг бўлим бошлиғи, зўр таржимон, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда президиумининг аъзоси, уюшма ишларининг назоратчиси бўлиб ишлаб келган. Бу инсон Абдулла Қодирийнинг қандай буюк шахс эканлигини маънан тушунади ва бундай нодир кимсаларни ўзбек адабиётининг гуллаши, юксалиши, равнақи йўлида қандай бўлсада асраб қолиш кераклигини теран англайди. Бироқ тўртинчи пленумда Берегиннинг бу чуқур мулоҳазаларини тушунувчи кимса бўлмайди. Шунга қарамай, Берегин иложи борича Қодирийни ҳимоя қилади. Пленум, аксинча, «Миллатчи, аксилинқилобчиларнинг ҳомийси» деб Берегиннинг ўзини кескин қоралайди ва пленумнинг охирги куни қайта сайлов ўтказилиб, Берегинни президиум аъзолигидан чиқариб, пастга тушириб ўтқазадилар ва уюшма аъзолигидан ўчирадилар ва шу кун кечқурун Марказий Комитетда унинг иши кўрилиб партиядан ўчирилади ва эртасига қамокқа олинади.

Берегин Қодирийдан анча илгари қамоққа олинади. Шу бир кун, қамоқда (қандайдир зарурат бўлган бўлса керак) терговчилар Берегинни Қодирий билан юзлаштирадилар. Терговчи Берегинга Қодирийни кўрсатиб дейди:

– Бу одамни танийсанми?

– Танийман, – дейди Берегин ҳеч иккиланмай, терговчига тик қараб, – бу киши ўзбек шўро адабиётининг асосчиси, буюк ва машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий – Жулқунбой бўладилар!...

Қурбон Берегин қамалгандан бир йил кейин отишга ҳукм қилинади¹.

«ШУ – УВВ!» ЭТИБ ЖАҲАННАМГА ТИК ШЎНҒИБ КЕТДИ...»

Ўша юқорида ҳикоя қилинган савол-жавобдан кейин, дадам Уюшмага мутлақо бормай қўйдилар. Ёзувчилар уюшмасида ўрта ёш бир татар аёл (исмини унутдим) ишлар эди. У хат ташувчилик қилар, уюшмадан ёзувчиларнинг уйига хат-хабар етказиб турар эди. Сентабр ойи бўлса керак, шу аёл бир кун елкасида сумка, пешин чоғида кириб келди. Дадам ўрик тагидаги супада ўтирар эдилар. Аёл саломлашиб дадамга деди:

– Кечирасиз, Абдулла ака, мени уюшмадан юбордилар, сизни уюшма аъзолигидан чиқарган эмишлар, уюшма билетини келтиришга буюрдилар.

– Ҳўп... мен буни кутиб ўтириб эдим, – дедилар дадам ва менга бумажник ичидан билетни олиб беришни буюрдилар.

Мен уйдан, тоқчадаги бумажник ичидан уюшма билети (гувоҳномаси)ни олдим. У бир гугурт қутичаси катталигида, жигарранг муқовали, ичкарасида Максим Горькийнинг «М.Горький» деб қўли қўйилган эди. Мен уни дадам ишораси билан аёлнинг қўлига бердим.

– Мана, – дедилар дадам аёлга, – олиб бориб беринг. Улар менинг билетимни тортиб олсалар ҳам, қаламимни тортиб ололмайдилар. Барибир, ёзавераман, ёзганларимни уюшмасиз ҳам нашриётда бостиравераман, бориб айтинг!

¹ Қ.Берегин ҳақидаги маълумотлар архивларда тўлиқ сақланади. Тарих фанлари номзоди Оллоназир Собиров Берегиннинг ҳаёти, ижоди, иш фаолияти билан шуғулланиб, у ҳақда китоблар ёзган.

– Ёзинг, ёзинг, ёзғонларингизни севиб ўқиймиз, – деди аёл ва негадир йиғлаб чиқиб кетди...

* * *

Сентабр ойида бўлса керак, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев ва Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромовлар олдинма-кейин қамоққа олиндилар. Бу хабарлар халқни яна ҳам ташвишлантирди, турли-турли миш-мишлар чиқарди. Иш кошки уларнинг ўзини қамаш билан чекланса. Уларнинг оиласи, қариндошлари – барчаси терговда, сўроқда, ҳатто қамоқда. Айтишларича, қамоқхоналар лиқ тўлиб кетган.

Масалан, ёзувчи Ғози Юнус ҳибсга олингач, хотини ҳам (бечора Хадича хола саводсиз, уй бекаси эди) қамалади, иккита ёш-ёш қизлари болалар колониясига жўнатилди ва уйларига қулф тушди. Ўғли Тўлқин вилоятда ишлаб юргани учун омон қолди. Шу сабабли болалар оталарини, хотинлар эрларини, оталар болаларини инкор қилиб ёки фамилияларини ўзгартириб қутулганлар ҳам бўлди. Шундай ҳам бўлардики, боласи отаси устидан, куёви қайнотаси ҳақида маълумот бериб турар эдилар...

Кўчаларда, йигинларда, ишхоналарда, қаерда бўлмасин, бир-бирлари билан очилиб сўзлашиш йўқ. Ҳамма бир-биридан чўчийди. Сўзлашсалар ҳам шивирлашадилар. Шунда ёғоч борборда ўтин сотиб ўтирган икки кишининг шу сўзларини эшитган эдим: Бириси: «Акмал билан Файзулла Ўзбекистонни Англияга сотиб юборишига оз қолган экан-да, барака топкур Сталин ҳўб вақтида билиб қолибди...», иккинчиси: «Бизни Афғон эгаллаб олмоқчи бўлиб турган экан...»

Газета саҳифаларида-ку, ҳар куни: «Миллатчи, аксилинқи-лобчи, ватан хоинлари, халқ душманларига ўлим, бу икки хоиннинг (А.Икромов, Ф.Хўжаев) махфий ташкилоти бор экан, ўзлари иқроор бўлишибди. Энди уларнинг қолдиқлари – душманларни охиригача фош қилишимиз, таг-туги билан қириб ташлашимиз керак...», ҳоказо ваҳимали гаплар.

Мен бу хабарларни ёки газеталарни кўтариб уйга келар ва дадамга айтиб берар эдим. У киши ажабланиб тинглар ва «Шуларнинг ташкилоти бор эканми-а?» деб инонмагандай бўлар эдилар...

* * *

Эрта кузак эди. Кунларнинг бирида оғзим оғриб, милкимда ўйилган бир яра пайдо бўлди, ейиш-ичишим қийинлашди. Уч-тўрт кун у-бу билан чайқаб юрдим. Барибир тузалмади, оғрик зўрайиб, яра катталашгандек бўлаверди. Дадам:

– Манноп табибга бориб кўрсат, у яра-чақага уста, – дедилар ва қўлимга ўн сўмлик пул бердилар.

Тошкентда Манноп табибнинг уйини билмаган киши йўқ эди. Себзор маҳалласига бордим. Табиб оқ-сарикдан келган, чўзиқроқ юзли, оқ-сарик соқол муртли киши бўлиб, ташқари ҳовли меҳмонхонасида икки-уч киши билан (беморлар бўлса керак) ўтирар экан. Мен салом бериб пойгакка тиз чўқдим ва одоб сақлаб жим ўтирдим. Табиб беморларни жўнатгач, деди:

– Кел, болам, нима бўлди?

Мен шикоятимни айтдим. У «Бери кел-чи», деб мени ўз ёнига ўтқизди (у кексайиб қолганиданми, ўрнидан қўзғалмас эди), оғзимни очиб қаради-да, бармоғи учини ярамга теккизиб ҳидлаб қўрди ва:

– Бўпти, ўғлим, сенга ҳозир бир дори бераман, уч кунда тузалиб кетасан, – деди у.

Табиб ёнидаги бир қутини очиб, майдаланган аччиқ тошга ўхшаш бир доридан кичкина қогозга бир-икки отим носвой микдоридан тўқди ва ҳўллаган бармоғини кукун дорига теккизиб ярамга босди, сунг қолганини ўраб берар экан: «Ҳар куни икки маҳал мен кўрсатгандай қилиб ярамга босгин», деди. Мен дорини олиб раҳмат айтдим ва пулни узатдим. Табиб пулни олиб «Пулинг кўп-ку», деди, кўрпачаси тагидан майда пуллар олиб етти сўм узатди ва «Инсоф сари барака, ўғлим», деб қўйди.

Мен яна бир бор раҳмат айтиб ўрнимдан турдим. У:

– Қаердан келдинг, яхши бола кўринасан? – деб сўради.

– Самарқанд дарбозасидан.

– Э, Жулқунбойлар маҳалласиданми, кимнинг ўғлисан?

Мен ўзимни танитдим...

– И-е, и-е, Жулқунбой оғайнимнинг ўғлиман дегин, ўзинг ҳам ўхшаб кетасан, ўтир!

Мен қайтиб ўтирдим.

– Даданг яхшими, қўлидаги яралар битиб кетдими?

– Яхшилар, мени сизга йўлладилар.

– Дадангнинг яраси асабдан, ўғлим. У ён-бу ён қараб олгач, аста сўради: – Ўзи тинчми, қама-қамадан омонми?

– Ҳозирча омонлар.
 – Бирон ерда ишляптими?
 – Йўқ, доим уйдалар.
 – Бўлмаса-чи, ўғлим, – деди табиб овозини янада пастлатиб ва атрофга қараб олиб, – ўзинг тушунадиган бола кўринасан, гапимни ҳеч кимга айтма, дадангга бориб секин айт, у, албатта, ўзини Тошкандан четроққа олсин... Тожикистон томонларга бориб, тоғ-тош қишлоқларда соқол-муртини ўстириб, эшак-арава миниб бир тирикчилик ўтказиб юрсин. Бир кун манови алгов-далговлар босилиб, «омон-омон» бўлганда яна қайтиб келар. Бу сўзимни дадангга, албатта, айт, жон болам! Буларнинг арқонни узун ташлаб қўйганидан хотиржам ўтиравермасин. Дадангни ҳам, албатта, қамашади. Ҳозир турмалар тўлиб кетган, отангни қамашга жой ҳам йўқ! Ўзим ана шу табибчилигим учун яқинда ўн бир ой қамалиб чиқдим, ўз кўзим билан кўрдим, билдим...

Хайрлашдим. Манноп табибнинг ўша кезларда қамалиб чиққанини ўзим ҳам эшитган эдим. Уйга келиб бўлган гап-сўзни дадамга айтдим. У киши анча вақт ўйланиб ўтирдилар, сўнг дедилар:

– Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак, – дедилар ва яна хаёлга бориб сўзландилар: – Йўқ гуноҳни бўйинга олиб ватанни тарк этиш, халқ кўнглига шубҳа солиш, аллақайси жойларда бўйин эгиб, саргайиб юриш... Йўқ, бўлмайди!..

* * *

Имтиҳонлардан ўтиб Тошкент Медицина институтига ўқишга кирдим. 1937 йил биринчи сентябрдан ўқишлар бошланиб кетди. Бироқ икки ой ўқир-ўқимас яна эски бел оғриғи касалим зўрайиб кетди. Баъзи докторларнинг маслаҳати билан машҳур рус профессори, хирург Войно-Ясенецкий¹ қабулга кирдим. Войно-Ясенецкий жуда қариб қолган, салобатли

¹ Архиепископ Лука – (Валентин Феликсович Войно-Ясенецкий, 1877, Керчь–1961, Симферополь), 1917 йил оиласи билан Тошкентга кўчиб келган. Ўрта Осиё Давлат Университетининг медицина бўлимини ташкил этувчилардан бири. Рус православ церковининг епископи, Россия ва шўро даврининг машҳур хирург, олим, медицина фанлари доктори, профессор, илоҳиёт илми доктори (1959). Биринчи даражали Сталин мукофоти соҳиби (1946). Дунё ва шўро медицинаси ривожига ўз илмий, амалий фаолияти билан улкан ҳисса қўшган. Шахсга сиғиниш даврида узоқ вақт жабрланган.

киши эди. Мени текшириб кўриб, «Эртага даданг билан кел», деб буюрди. Эртасига дадам билан қабулига бордик. У мени ташқарига чиқариб, дадамга: «Ўғлингизнинг касали оғир, унда умуртқа суяк сили хасталиги бор. Агар олди олинмаса, букри бўлиб қолиши мумкин. Даъвоси фақат тахтакач – гипсда камидан олти ой ётиш...», дебди.

Профессор маслахати бўйича ўқишдан бир йилга касаллик таътили олиб, ноябр ойларида гипс – тахтакачга ётдим. Тахтакачда ётиш, албатта, оғир эди. Ўриндан турмай, ўтирмай, ёнбошламай, фақат осмонга қараб олти ой ётиш... Аммо бунга мажбур эдим.

Дадам уйимизнинг биринчи қаватида турар, мен иккинчи қаватида ётар эдим. У киши тез-тез чиқиб мендан хабар олиб, зерикмасин деб, турли бадий, тарихий, илмий китоблар келтириб берар, ёнимда суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Шу суҳбатларнинг бирида у киши менга далда бериш учун бўлса керак шундай бир воқеий ҳикояни сўзлаб берган эдилар. Чамаси у киши бу ҳикояни эски тиббий китоблардан менга даво излаб ўқиган бўлсалар керак:

– Ёш букри бир подшоҳ бўлар экан. У ўзининг ҳукмдор подшоҳ бўлатуриб букри бўлишидан ҳамиша ғамгин юрар экан. Бир куни у: «Кимда-ким букримни тузатса, хазинамнинг ярмини ҳадя қиламан...», деб жар солдиради. Шунда Муҳаммад Зикриё номли машҳур бир ҳаким узоқ мамлакатдан келиб, подшоҳни тахтакачга ётқизиб, турли нодир дори-дармонлар билан муолажа қила бошлайди. Кўп вақт ўтмай подшоҳнинг қадди ростланади, аста туриб ўтирадиган, тик юрадиган бўлади. Муҳаммад Зикриё шоҳга дейди: «Мана, подшоҳи олам, энди тузалдингиз, ўзингизни эҳтиёт тутиб, манави дорилардан истеъмол қилиб юрсангиз, аста-аста суяқларингиз яхши қотиб, мустаҳкамланиб, бақувват тортиб кетасиз. Энди менга рухсат...»

Подшоҳ табибга раҳмат айтади, вазирини чақириб, ваъдага мувофиқ ярим хазинани бериб юборишни буюради. Шунда вазир дейди: «Подшоҳи олам, табиб сизни оз кунда ортиқча меҳнатсиз тузатди. Унга чорак хазинангизни берсангиз ҳам кифоя», дейди. Бу маслаҳат подшоҳга маъқул тушади, хазинанинг чорагини туяларга ортиб бериб, табибни ватанига кузатади. Табиб хайрлаша туриб подшоҳ қўлига яна бир хил дори беради: «Подшоҳим, манави дорини уч кундан сўнг наҳорга истеъмол қилсинлар», дейди ва хайрлашиб йўлга тушади.

Подшоҳ уч кунни ўтказиб, ҳалиги дорини ичади. Ичиши ҳамона унда шундай кетма-кет аксириш пайдо бўладики, подшоҳ ўзини тўхтата олмайди ва аксириш зарбидан энди битиб келаётган умуртқа суяклари қаттиқ-қаттиқ силкиниб эски ҳолига келади, подшоҳ яна букри бўлиб қолади. Шоҳ ўз хатосини англаса ҳам, бироқ энди вақт ўтган, Муҳаммад Зикриё ҳаким узоққа кетиб қолган эди...

* * *

Шу кезларда бўлса керак, ҳар ҳолда тахтакачда ётар эдим, Ўзбекистон ССРми ё СССРми Олий Советига сайловлар бўлди. Бизнинг Самарқанд дарбоза сайлов участкасидан Усмон Юсупов номзод қилиб кўрсатилган эди.

Сайлов бўлди... Менга уйга сайлов қутиси келтиришди. Дадам сайлагани сайлов участкасига чиқдилар. Қайтиб келиб ранжиб гапирдилар:

– Бюллетен, конвертларни олиб, палаклар билан безатилган, довод – қалам қўйилган хоналардан бирига кирдим. Бюллетенни у ёғ-бу ёғига ағдариб қарайман, бир Усмон Юсуповнинг фамилиясидан бошқа номзод йўқ, хонада бир оз нима қилишни билмай турдим, кейин бюллетенни конвертга тиқиб, чиқиб қутига ташлаб, сайловхонадан чиқдим. Кулгулик, одамларни алдаш.. Одатда, сайлов рўйхатига номзод қилиб беш-олти кишининг номи ёзилган бўлиши, сайловчи улардан бирини танлаб, сайлов конвертига солиши керак. Шу ҳам сайлов бўлди-ку, хоҳласанг шу, хоҳламасанг катта кўча, тамом...

Дадам жин, ажина, чилтон, пари, дев каби гапларга мутлақо ишонмас, «Булар ҳаммаси хаёлот», дер эдилар. Аммо туш масаласига бир оз мақбулроқ ёндашар, ҳатто оиламизда қўрилган тушларга кулиб таъбир ҳам айтиб ўтирар, «Ёмон тушни ҳам яхшига йўйиш, туш эгасига далда бериш керак», дер эдилар. У киши бир кун Шайх Саъдийдан шундай ҳикояни айтиб берганлари ёдимда:

– Бир подшоҳ туш кўради. Тушида унинг тахти ёниб кетади ва ўттиз иккита тиши синиб тушади... Эрталаб подшоҳ хомуш чиқиб тахтга ўтиради ва кўрган тушини вазирларга айтиб таъбир сўрайди. Вазирлардан бири дейди: «Эй подшоҳим, тушингиз бениҳоя бадбин, салтанатингизга завола етгай, ўзингиз шаҳид ва авлод хонадонингиз ҳалок бўлғай...»

Орага оғир сукунат чўкади, подшоҳ қадди ҳам бўлади. Бошқа бир донишманд вазир рухсат олиб дейди: «Подшоҳим, вазирингиз тўғри таъбир айтди ва лекин сўзларни ўрнига қўймади. Аввало, қайси подшоҳнинг салтанатига завола етмабди? Бир кунмас-бир кун барча подшоҳларнинг салтанатига завола етгай... Кейин, сиз шу қадар узоқ яшайсизки, барча авлодингиздан сўнг ўлгайсиз...» Подшоҳ кейинги вазир таъбирини маъқул кўради. Унга ҳадялар беради...

Яна бир вақт дадам туш ҳақида сўзлашиб ўтириб, шундай деган эдилар: «Турмада бир хонада уч-тўрт киши ўтирардик (1926). Бириси кекса, гапи қўполроқ киши эди, лекин туш ёйишга жуда билагон эди. Ҳар кун эрталаб чой вақтида кўрган тушимизни айтишар, ҳалиги кекса таъбир айтар эди. Бир кун мен тушимни айтиб: «Дўппининг тагидан бир хат олдим», дедим. Таъбирчи киши: «Яқинда озод бўлиб кетасан...» – деди. Яна биримиз: «Тушимда эчкиэмар узум едим», – деган эди, таъбирчи: «Яқин кунда отиласан...», – деди. Тушларнинг таъбири, дарҳақиқат, кекса айтгандай тўғри чиқди».

Дадам баъзан кўрган «ваҳима»лироқ тушларини эрталаб чой вақтида Жосият бибимга кулги тариқасида айтар эдилар (ойим бечора туш тинглашга юмушдан ортмас эдилар). Бибим жаҳл қилар эдилар: «Кўрган тушинг курсин, ўнг келади: ё биров ўлади, ё уруш чиқади...»

Бир кун дадам тақсимда қази, икки-уч бўлак гўшт, иссиқ нон кўтариб эрталаб ёнимга чиқдилар. У киши хомушроқ кўринарди. Мендан ҳол сўрадилар. Гўшт, қазини япроқлаб, ойим келтирган чойни пиёлага ва махсус чойнагимга қуйдилар. Мен бир-икки япроқ қази ва бир бурда нон едим. У киши секин дедилар:

– Бугун бир бемаза туш кўрдим, Хабибулла...

Мен, дарҳол нима дейишимни билмай қолдим, чунки юқорида айтганимдек, у киши бировлар ҳақидаги тушларни кўп ҳикоя қилган бўлсалар ҳам, ўзлари ҳақида биринчи гапиришлари эди. Кўнглимдан «Энди юрак бўшатишга бибим йўқларда», деган андиша кечди...

– Қанақа туш, ада? – дедим секин ва негадир бир нарса сезгандай сесканиб қўйдим.

– Тун эмиш, – дедилар дадам, – осмонда тилла жабдуқли от устида учиб борар эмишман. Кўкда юлдузлар чарақлар, от жаб-

дуқига ўрнатилган жавоҳир тошлар жилоланар эмиш... Пастда эса ҳамма қўл силкиб мени олқишлар эмиш. Шу вақт бирдан ҳаво айнади, ҳалиги соф осмон зулматга айланди. Оёқ остим гўё тубсиз жаҳаннам, унда мудҳиш махлуқлар ғужғон ўйнар, оғизларини очиб, узун тилларини чиқариб, гўё менга ташлан-моқчидай бўлар, баъзилари оғизларидан худди мушак отилган каби ўт сочар, мен бўлсам, зўр бериб отни қамчилар эмишман. Лекин у энди қанот ёйиб уча олмас, чунки ўтлар ҳарорати уни куйдира бошлаган эмиш... Ниҳоят от «шу-увв» этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди... Чўчиб уйғондим, терлаб кетибман...

Вужудимни «зирр» эттириб қўрқув қоплади. Бир нарса дея олмай, дадамга тикилиб ётар эдим. Дадам дедилар:

– Бир кўнгилсиз гап бўладирганга ўхшайди, Ҳабибулла.

– Бўлмайди, ада, – дедим ўзимни бир оз босиб, – сиз гуноҳсизсиз, бу туш-да...

– Йўқ, улар гуноҳинг борми-йўқми, суриштирмаяптилар, чоғи. Хоҳласалар, бировнинг бўйнига гуноҳ ортиш осон бўлиб қолган, ҳозир...

Дадам пастга тушиб кетдилар. Шифтга боқиб хаёл суриб қолдим. Юрагим уюшиб, негадир бирдан кўзимга ёш келди...

Шу тушдан икки кун кейин 31 декабр Янги йил кутиш куни келди. Гарчи у чоқларда бизнинг уйда Янги йил кутиш расм бўлмаса ҳам барибир, ойим кечки таом – норин тайёрлаш билан банд эдилар (дадамга қазилик норин ейиш ман этилган бўлса ҳам, у киши мол гўштидан парҳез норин тайёрлаб ердилар). Мен эса ойим ёқиб кетган керосин лампада (у чоқларда бизнинг ёқларда электр чироғи йўқ эди) «Минг бир кеча»нинг туркийсини ўқир эдим. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, ойим бир коса норин шўрва ва бир ликоб қуруғидан олиб чиқиб, шўрвани чойнакчага қуйиб тушиб кетдилар. Бир вақт мен ўқишга берилиб кетиб, шўрва совиб қолибди. Бир-икки хўпландим. Шу чоқ уйимиз орқасида дадамнинг амакиваччаси Одил отанинг майдонидан «Абдулла ака!» деган таниш бир овоз эшитилди. Одил ота билан бизнинг ер ўртасида девор йўқ, ўзлари бунда яшамаганлари учун кўча эшиклари доим очик ётар эди. Мен ётган уйнинг деразалари бир қаватли бўлгани учун овоз менга жуда таниш, бу маҳалла комиссиямиз Тошпўлат аканинг

(унинг лақаби «Қовок» эди) овози эди. Менинг юрагим «шиғғ» этиб кетди. Чунки, келувчилар ўз эшигимиздан чақириб келишлари керак эди. Дадам паст уйдан чиқиб «Ким!» дедилар. Шундан сўнг Тошпўлат ака тез-тез «Абдулла ака! Абдулла ака!» деб дадам томон югуриб кела бошлади. Дадам хайрон бўлиб «Ҳа, ҳа», деб турар эдилар. Ниҳоят, қоронғилиқдан Тошпўлат ака ва кимлардир келиб дадам ёнидан чиқдилар. Мен бу ҳолатни тасаввур қилиб ётдим. Худди шундай бўлиб чиқди. Уларни бундай усул билан келишларининг сабаби, «жиноятчи»ни қочириб юбормаслик учун эди. Шу чоқ соат худди ўн бир эди.

Бирдан уйда жимжитлик ҳукм сурди. Чамаси, улар пастки уйга, дадам ижодхонасига кирдилар. Пастдан аҳён-аҳён бўғиқ гаплашган овоз эшитила бошлади. Укам Масъуд ёнимга чиқди. Унинг юзида қўрқув бор эди. «Уч киши келди, дадам билан ойимни уй ўртасига ўтқизиб қўйиб, нимадир қидиряптилар», деди у. Мен уни юпатдим: «Майли, қўявер, товуш чиқарма, дадам билан ойимни ҳозир олиб кетишлари мумкин. Сизлар йиғламанглар, уч кундан кейин дадам, ойим қайтиб келишадди, қўрқманглар, мени бу ерда ётганимни айтманглар», дедим. Чунки, улар мендан хабар топсалар, менга тегмаганлари тақдирда ҳам, хонамдаги икки тоқчадаги икки юздан ортиқ шарқ китобларига қизиқишлари мумкин эди.

Укам тушиб кетди. Яна оғир сукунат тушди. Соат ўн иккидан ошди. Улар ҳамон тинтир эдилар. Бир вақт улардан бириси ким биландир гаплашиб мен ётган хонага қўтарила бошлади. Юрагим дукиллаб кетди...

Юқори хонамиз иккига бўлинган бўлиб, мен ички хонада ётар эдим. Тасодифки, биринчи хонанинг қўштавақа эшиги ланг очилганда бир тавақаси мен ётган хона эшигини деярли қоплаб турар эди. Вазиятга тушунган Қудратилла амаким (у киши болалардан хабар топиб, югуриб чиққан эди) лампа қўтариб, тинтувчини бошлаб чиқади-да, озгинаси кўриниб турган менинг хонам эшигига орқа ўгириб «қопқоқ» бўлиб туриб олади. Биринчи хонада ерга тўшалган бир шолчадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Биринчидан, асосий «ов»лари қўлларида, иккинчидан, уйимизнинг қандай жойлашганлигини қоронғида яхши тасаввур қила олмаганлари ва учинчидан, кечикиб бўлса-да, уйларига янги йилни кутишга етиб боришга шошганлариданми, хайтовур мен ётган уйни сезмай, дарҳол пастга тушиб кетдилар. Улар бир жомадонга баъзи хат-хужжат, газета-журналларни солиб, бир ов милтиғимизни олиб, дадам билан жўнаб

кетадилар. Дадам устиларига дўппи, жигарранг гимнастёрка, шим, маҳси-калиш, қизғиш пахталик тўн ва қўлларига бир парёстик билан адёл олибдилар-да, уйдан чиқар эканлар, Қудратилла амакимга секин:

– Қудрат, бизнинг уйга қараб тур... Ҳабибуллага салом айт, чиқиб хайрлашсам, уни безовта қилишлари мумкин, – деб шивирлабдилар.

Ойим билан амаким дадамни кўчагача кузатиб чиқадилар, улар қора машинага ўтириб жўнаганларидан кейин ойим уйга қайтиб кирарканлар, чидай олмай худди тобут кетидан йиғлаб қолган аёллардек уввос солиб юбордилар ва амаким икковлари тўғри менинг ёнимга чиқдилар. Укаларим ухлаб қолган (катта опам эриникида), тун ярим бўлгани учун қаттиқ йиғлаб бўлмай, куч – ҳол билан ўзимизни босиб ўтирдик. Гўё уйимиз қабристонга айлангандек туюлди менга...

* * *

Дадамни шу кетганларича бошқа кўрмадик, бир энлик хат ҳам олмадик ва ўзимиз ҳам ёза олмадик. Ойим бечора кунора, баъзан Қудратилла амаким билан овқат тайёрлаб, НКВДга ёки Олой бозори ёнидаги Тоштурмага борар, туйнуклардан дадамни сўрар ва «Бундай одам йўқ» жавобини олиб, йиғлай-йиғлай қайтиб келар эдилар. Айтишларича, дадамнинг гуноҳлари «жуда оғир» бўлгани учун уйдан таом, кийим-кечак олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган эканлар. Туйнукдан жавоб – муомала қилувчиларнинг бириси бир кун ойимга: «Эрингизга таом, кийим келтирманг, ҳар ойга 45 сўмдан пул перевод қилинг», дебди. Шундан сўнг биз ҳар ой пул жўнатиб турдик.

АЁЛДАН ЧИҚҚАН ЭРКАК

Дадамнинг қамалишларидан бирор ҳафта кейин эди. Кечки пайт пастда ойим ким биландир йиғлаб кўришдилар ва бир оздан сўнг хонамга Лидия Соцердотова кириб келди. У жимгина келиб қаршимга ўтирди, соғлиғимни сўради ва бирдан йиғлаб юборди. Мен дадам учун бунчалик куйиб-пишувчи аёлга ажабланиб қараб ётавердим. У йиғи аралаш деди:

– Отангизнинг қамалишига балки қисман мен ҳам айбдордирман... Мен Марказқўмга, «Қодирий касал, унга пул ёрда-

ми берилсин», деб ариза ёздим. Бу бўлиб турган ҳақсизликлар тўғрисида Абдулла ака номидан Сталинга хат ёздим, бу хатимнинг қораламаси қандай йўллар биландир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига келиб тушибди... Шундан сўнг менга ва Абдулла акага нисбатан тепа сочлари тик бўлиб кетди... «Буржуа миллатчисини ҳимоя қиляпсан» деб, мени айбладилар. Балки шундан кейин уни қасддан қамоққа олдиларми?..

– Бундай ёмон хаёлларга борманг, Лидия опа, дадамнинг қамалишларига сизнинг асло алоқангиз йўқ. Асосий сабаб бутунлай бошқа ерда...

Бечора Лидия опа ўйлайвериб худди меровга ўхшаб қолган эди. Бир пиёла чой ҳам ичмади, дарров жўнаб кетди.

* * *

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг архивини текширилганда, 1937 йилнинг 19 октябрида, Ўзбекистон ёзувчилари рус секциясининг активида (раис – Ковалчук, котиби – Петров) Соцердотова Лидия Евгеньевнанинг Абдулла Қодирийга бўлган муносабати кўриб чиқилади, унга «Буржуа миллатчилари асарларини таржима қилиб оммалаштирган, уларни ҳимоя қилган», деб айб қўйилади. Соцердотова жавобан: «Қодирий асарларини («Обид кетмон», «Меҳробдан чаён» – Х.Қ.) мен ўз хоҳишимча таржима қилмадим, менга уни заказ қилишди ва ҳатто шоширишди. Таржимон таржимаси чоғида асарнинг сиёсий ғоясига қарамайди. У фақат асар аниқлигига эътибор беради. Абдулла Қодирий халқ душмани эмас», деб очиқ айтади.

ЎЗР МДА, 2356-фонд, 1-опись, 27-сон, 1-протокол, 1–3-бетлар.

Бечора Лидия опа дадам қамалмаслари олдидан анча вақт келмай кетган эди. Сабаби шунда экан-да...

* * *

Озгина олдинга кетамиз.

1956–1962 йилларда Тошкент Давлат Медицина институтида ўқиб юрган имда институт ректори Абдумалик Ғуломов билан муносабатимиз яхши эди. Бир кун Ғуломовнинг кабинетиде сўзлашиб ўтирсам, кабинетга кексайиб қолган, оқ сочли, ўзи кавказ халқларига ўхшаб кетган ўрта бўй бир киши кириб келди. Ғуломов у киши билан кўришиб, дарҳол мени унга танитди:

– Мана, ўртоқ Содик Алиевич, бу йигит ўша сиз ҳикоя қилиб берган Абдулла Қодирийнинг ўғли бўлади...

Тошкент Давлат Медицина институти госпитал хирургия кафедрасининг раҳбари, профессор Содик Алиевич Маъсумов (озарбайжон, ҳозир вафот этган) ҳикоя қилган эди:

– 1937–1938 йиллар миёнасида сиёсий маҳбус сифатида мен ҳам ўн бир ой Тошкент НКВДси подвалларида ўтирганман... Камералар маҳбусларга тўлиб-тошиб кетган эди. Мен ўтирган бир камерада етмиш киши ётар эди. Мен камера оқсоқоли, Муборак Шохов (янглишмасам, исми шундай эди шекилли, Тошкент шахрининг раҳбар ходимларидан – Ҳ.Қ.) менинг ёрдамчим эди. Камерамиз етмиш кишига шу қадар торлик қилар эдики, ётганда худди тузланган балиқ каби ҳамма бир ёнбошга ётар, агар иккинчи ёнбошга ўгирилмоқчи бўлинса, ҳамма команда билан ўгирилар эди. Барча маҳбуслар камера оқсоқолига бўйсунар эди.

1938 йил январ ойининг бошларида бўлса керак, тун ярмида эшигимиз қулфи очилиб, камерамизга бир кишини киритиб юбордилар. Ҳамма «Яна ким келди?», деб бош кўтариб қаради. Келган киши қирқ-эллик ёшлар орасида, соч қўйган, устида қизил пахталик тўн, оёғида калиш-маҳси, қўлида кичкина ётоқ-тўшаги бор эди. Мен у кишини танимадим. Аммо ёнимда ётган Муборак Шохов дарҳол уни таниди: «Бу келган киши ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулла Қодирий бўлади. Бу одамга ётишга амаллаб жой ажратиб бериш керак», – деди. Муборак билан иккимиз икки ёққа суқилишиб амаллаб ўртадан жой очиб бердик, кўришдик ва кўп сўзлашмай, бошқаларнинг уйқусига халал бермаслик учун уйқуга ётдик.

Шундай қилиб, ўзбекнинг буюк ёзувчи «жиноятчиси» (Содик Маъсумов бу сўнгги сўзини киноя қилиб айтар ва «Буюк ёзувчилардан буюк жиноятчилар чиққанини тарихда биринчи эшитишим», деб кулар эди) билан танишдик. Қодирий вазмин табиатли, камтар, камгап шахс экан. Доим бирга суҳбатлашдик ва гўё бизнинг овунтирувчимиз бўлиб қолдилар. Муборак Қодирийдан бир гал: «Шундай қилиб, Абдулла ака, жиноятингиз нималигини билдингизми?» – деб сўраганда, у киши: «Жиноятим нималигини ҳозирча билмайман. Мана, энди началстволар айтишса, билсак керак», – дедилар...

Мен отангизнинг асарларини ўқимаганман. Айтишларича, «Ўткан кунлар» йигирманчи йиллардаёқ озарбайжон тилига таржима қилинган экан. Аммо у кишининг ажойиб суҳбатларини тинглаганман. Бир кун ҳушлари келиб Шарқ адабиёти ҳақида узоқ сўзлаб бердилар. Мен ҳам Шарқ кишисиман, ўз адабиётимизни яхши билувчилардан саналардим. Бироқ у кишининг Шарқ адабиётини билиши олдида меникини йўқ, деса бўлар эди. Қодирий араб, форс, турк тилларини яхши билар ва шу тиллардаги мумтоз адабиётни тўла ўрганиб чиққан десам, балки янглишмасман. Қуръон таржимасини, ҳинд фалсафасини шу кишидан эшитдим ва «Шарқ адабиётининг билимдони», деган фикр кўнглимдан кечди.

Яна бир куни Ғарб адабиёти тўғрисида сўзлаб бердилар. Гегел, Фейербах, Кант, Маркс, Энгельс, Ленин фалсафаларининг асосий мағзини чақиб бердилар. Грек, француз, рус, немис, инглиз, испан, италия классик адабиётлари ва улардаги турли оқимлар ҳақида сўзлаб бердилар. Мен бу икки жаҳон адабиётини теран билувчи инсонга ичдан офарин ўқидим ва суҳбатларини маҳбуслиқдаги энг мароқли онлар деб билдим.

Юз минглаб шундай нодир кишиларимизнинг гуноҳсиз бошлари уриб пачоқланди, пешоналаридан ўқ узилди. Бу, албатта, нодон раҳбарларнинг ваҳшийлиги ва халқимизнинг ақли ҳали етилмаганлигидандир...

Отангиз билан бир камерада апрел ойига қадар тўрт ой бирга ўтирдик. Сўнг у кишини бир кун юклари билан чақириб олиб чиқиб кетишди. Биз хайрлашиб у кишига «Мана, энди уйингизга кетасиз», дедик. У киши йигиштиринар эканлар, бош чайқаб: «Йўқ, булар мени уйга қайтиб юбормайди», – дедилар ва ёстик жилдларини чиқариб бизнинг олдимизга қўярканлар: «Анча вақт тамакиларингизни биргалашиб чекдим, шу арзимас нарсани олиб мендан ризо бўлинглар, қарзларингиз бўйнимда қолмасин», – дедилар ва бизнинг: «Йўқ, биз розимиз, ола кетинг», – дейишимизга қарамай хайрлашиб чиқиб кетдилар...

КЎЧ-КЎЧ ФОЖИАСИ

Ўн бешинчи майда, олти ярим ойдан сўнг гипсдан турдим. Докторлар рентгенга солиб кўриб, умуртқа суякларимнинг яхши битганлигини, аста-аста ҳасса билан юриш, массажага қатнаш зарурлигини айтишди.

Каттакон боғ-уй хўжалигимизнинг барча ташвишлари уйнинг каттаси – менга қолган эди: келган-кетганлар билан жавоб-муомала қилиш, уй-боғ ишларига қараш, рўзғор тебратиш, дадамнинг ортларидан юриш, иложи бўлса, кийим-кечак, таом бериш – ҳамма-ҳаммаси мен – бир ҳассага таянган бола бўйнига тушган. Эрталаб докторхонага массажга бораман, ундан чиқиб дадамни излашга тушаман. НКВДнинг эшик-тешик туйнуклари ва Тоштурма қолмайди, ҳамма ерга бош суқиб кўраман, дадамни сўрайман. Ҳамманинг жавоби битта: «Бунақа одам йўқ, ҳар куни келаверма, бошимизни ачитма». Унда бир киши бўларди, ўзи татар, юзи чўтир, бир кўзи кўр, фамилияси Собитов. Бу киши, айтишларича, НКВДнинг прокурори, қамалувчиларнинг барчасига шу одам рухсат (санкция) берар экан. Собитов: «Отангни сўраб келаверма, ўзи боради», – дер эди. Бу жавобдан қувонишимни-да, хафаланишимни-да билмас эдим. Менга ўхшашлар унда сон-саноксиз, ҳаммалари ўз дардлари билан овора, биров билан бировнинг иши йўқ...

Маҳалламиздан кимдир: «Чўпоноталик Йўлдош ўғри турмадан чиқиб келибди, дадангни Тоштурмада кўрган эмиш», – деб қолди. Мен дарҳол Чўпонотага бориб, сўроғлаб, Йўлдош амакини топдим, сўзлашдим:

– Биз маҳбусларни ҳар куни камерадан чиқариб, турма ҳовлисида очиқ ҳавода ўн беш-йигирма минутдан айлантирар, дам олдиран эди, – деб ҳикоя қилди Йўлдош амаки. – Шундай кезларда баъзан дадангнинг камерасидагиларни ҳам ёнимиздаги ўров тиканак симга олиб чиқиб қолар ва биз йироқдан им-қўқ қилиб кўришар эдик, очиқ сўзлашишга рухсат беришмас эди. Даданг бечора жуда озиб-чўнкаб кетган, ҳеч ким билан сўзлашмас, фақат хаёл сургани-сурган эди... Ҳой, ўғлим, отанг бунақанги хаёл суришида ич-этини еб қўйса керак, узоққа бормаса керак, ишқилиб омон-эсон келсин-да... Бир гал қараб турсам, даданг кимнингдир чекиб турган мохоркасини сўраб олиб бир-икки тортди-да, қайтариб берди. Шундай табаррук бир одамнинг қадри шуми-а?! – дедим ўзимча, жуда хафа бўлиб кетдим. Яна бир гал битта халтачада мохоркани липпамга урдим-да, прогулкага чиқдим. Бахтимга яна даданг билан духоб келиб қолдим. Мохорканинг оғзини очиб кўрсатиб, тепамизда қараб турган қоровулга: «Ҳой, қоровул ака, мана шу мохоркани анови кишига берай, ичида ҳеч нарса йўқ...», – дедим. Бер-

дирмади номард: «Мен сенга ака-ука эмасман!», – деб қўйди хумса... (Йўлдош амаки шубҳа-чақиқ билан қамалган бўлади ва тергов чоғида оқланиб уйига қайтади – Х.Қ.).

Гарчи рўзгор захираларимиз, сигир-бузоқ, ҳатто асаларимизгача бўлса ҳам, аммо дадам бизга бир танга пул қолдирмаган эдилар, албатта, йўқликдан. Пул менга, айниқса, боғимизнинг солиғини тўлаш учун керак эди. Солиқларнинг номи кўп эди; масалан: иморат, даромад, гўшт солиқлари, охиргиси (гўшт) йил сайин етмиш икки кило тўланилар эди. Солиқлар вақтида тўланмаса, устама (пеня)си жуда тез ўсар эди. Дадам, албатта, бу солиқларни қандайдир йўллар билан тартибга солар, у кишига қандайдир енгилликлар берилар эди. Энди-чи, ҳамма бизга халқ душмани, деб қарайди, иложи бўлса, солиқни қўшимча олсалар.

Бир кун кўчадан келсам, ойим: «Солиқчи келиб солиқни вақтида тўламаганимиз учун сигир-бузоқ билан гиламни маҳаллага олиб чиқиб кетди, пул топиб чиқиб молимизни ажратиб кел», – дедилар. Чиқиб: «Эртага, албатта, пул топиб келиб солиқларни тўлайман», – деб ваъда бериб, чойхона олдидаги толга боғлаб қўйилган молларни ечиб келтирдим...

* * *

1938 йилнинг июн ойлари эди, шекилли, эртапишар шафтоли, гилос, олчаларимиз энди ранг келтириб сотишга тайёр бўлган, боғимиз гўё жаннат каби чирой тортган чоғ эди. Мен эрталаб ўрик тагидаги супада ўтириб чой ичар ва «Бу меваларни эҳтиётлаб териб, сотиб биринчи галда солиқ учун кеча тоғаларимдан олган пулни тўлаш керак», – деб хаёл суриб ўтирар эдим. Дарбозамиз очилиб икки киши кириб келди. Мен буларни дарҳол танидим: бириси – рус йигит, у ёнимиздаги (бир бог наридаги) Сталин номидаги пионер лагерининг бошлиғи, иккинчиси – ўзбек у ҳам шу лагернинг ходими эди. Улар келиб мен билан саломлашишди ва лагер бошлиғи папкасидан бир қоғоз чиқариб менга узатди... Машинкада рус тилида босилган қоғозда тахминан шу сўзлар ёзилган эди: Қарор (қарор райисполкомникими ёки райкомхозникими эди, хотирамда қолмаган – Х.Қ.). Халқ душмани Абдулла Қодирийнинг Самарқанд дарбоза маҳалла, поезд Термез, 19 рақамли уй – боғи Сталин номидаги пионерлар лагерига олиб берилсин, оиласи қўчириб юборилсин.

Имзолар ва муҳр.

Мен бу қарорни ўқиб бўшашиб кетдим. Улар тик турган ҳолда мендан жавоб кутар эди. Мен сўрадим:

– Биз қаерга кўчиб борар эканмиз?

– Шаҳардаги ҳовлингизга.

– Бизнинг шу ўтирган уйимиздан бошқа ҳеч қаерда жойимиз йўқ-ку.

– Бўлмаса, биз жой топиб берамиз...

Мен кўнглим бузилиб, аллақандай бўлиб кетдим. Ўзимни хўрланган, ўз уйимдан қувиб чиқарилган, кўчаларда бошпана-насиб, шунча дов-дастгоҳ юкларимиз билан, укаларим билан тупроққа қоришиб ётган ҳолда тасаввур қилдим. Хўрлигим келиб, кўзимга ёш келди. Ахир бу паст-баланд ташландиқ жойларни ўз қўлимиз билан обод қилиб, жаннатдек бўлганда наҳотки индамай ташлаб кетаверсак! Бошимга ҳеч бир эпақалик фикр келмас эди. Шу вақт ичкари ҳовлидан ойим чиқиб келиб, менинг паришон ҳолимни сездилар, шекилли:

– Булар нимага келибди? – деб сўрадилар.

Мен тушунтириб бердим ва «Мана, қарор», деб қўлимдаги қоғозни кўрсатдим. Ойим қоғозни олдилар ва шартта иккига йиртиб ғижимлаб-ғижимлаб ариққа ташладилар. Лагер бошлиғи ҳай-ҳайлаб югуриб бориб сувда оқиб кетаётган қоғозни олди. Шу вақт ойим помидорларга сик қилиш учун тепага суяб тахлаб қўйилган сиктаёқлардан бирини олиб: «Йўқол босмачилар, бу жой меники, менинг меҳнатим билан обод бўлган», – деб «меҳмон»ларга ташландилар. «Меҳмон»лар илдам-илдам юриб дарбозадан чиқдилар. Ойим бечора таёқни ташладилар-у: «Дод, золимнинг дастидан!» деб чапак чалиб ичкарига кириб кетдилар.

Бу, албатта, бизнинг вақтинча муваффақиятимиз эди. Бу тикилган балони даф қилиш учун қандайдир қонуний йўллар излаш керак эди. Аммо мен, ёш бола бўлганим, бундай қийин аҳволларни бошимдан кечирмаганим учун нима қилишни, қаерга мурожаат қилишни билмас эдим. Ойим-ку саводсиз, бундай ишларни умрида кўрмаган, билмаган бир аёл. Шунини билиб қўйингки, бундай оғир кунларда дўстлар ҳам ўзларини четга олиб қочар экан.

Ўтираверган билан иш битмайди. Қарши ҳаракат қилиш керак. Шу вақт кўнглимга бир фикр келди, туриб кийиндим, қў-

лимга ҳассамни олиб кўчага чиқдим. Аста-секин пиёда юриб Чорсуга, ундан трамвайга ўтириб Ўрдага, ундан Қашқар маҳалласига бордим. Қашқар маҳалласида, бир ўзбекми-русми кишининг катта ҳовлисида, майдоннинг охирида, бир хоналик қилиб қурилган уйчада Лидия Соцердотова ижарага турар эди. Мақсадим, Лидия опа билан маслаҳатлашиш, зарур бўлса, бирор ерга русча қилиб ариза ёздириш эди. Бориб қарасам уйи қулф...

Лидия опа бирор ерга боғланиб ишламас, доим уйда ёлғиз таржима қилиш билан машғул ўтирар эди. Демак, бирор ерга кетган бўлиши керак, кутиш керак, келиб қолар. Қашқар маҳалласининг чойхонасига кириб ўтирдим. Қайтиб келсам у ҳамон келмаган. Уй эгасими, бир рус аёлдан сўрасам, «Эрталаб кўрган эдим», деб жавобни қисқа қилди. Кўчага чиқиб яна кутдим, у ён-бу ёнга юрдим. Вақт кечга томон кета бошлаган эди. Негадир, бирдан кўнглимда бир ғашлик пайдо бўлди. «Уйда нима гап экан?» – деган савол бошимга келди. Бугун иш куни ҳам тугаб қолди, барибир бирор ерга ариза кўтариб боришга ҳам улгурмайман, эртага барвақт кела қолай, уйга тезроқ борай, боргунимча ҳам қуёш ботиб қолади, деган фикрда ошиқиб уйга жўнадим.

Чорсудан Зангиота (ҳозирги «Аптека» бекати) маҳалласига пиёда етиб (у вақтлар автобус йўқ эди) келганимда қуёш ботиб қолган эди. Йўлни қисқартириш мақсадида «жин кўча»га бурилиб, оёқни секин ташлаб бораман, кўнглим нима учундир ғаш тортгандан-ғаш тортади. Жин кўчанинг ярмига борганимда, тахминан уйимизга беш-олти юз қадам масофа қолганда, уйимиз тарафидан қандайдир бақирик-чақирик, кичкирик ва уввос солиб йиғлаган овозлар эшитила бошлади. Гўё, уйга «учиб» етиб бордим. Э-воҳ! Нимани кўрдим?! Уйимизнинг атрофини милиционерлар ўраб олган, тумонат қўшнилар томошага чиққан, иккита бўш юк машинаси дарвозамизга орқа ўгириб турибди, ичкарида ойим, укаларим дод солиб йиғлайдилар, раҳмлари келган қўшнилар ҳам уввос соладилар, пионер лагерининг бутун ишчилари чиқиб ашёларимизни уйдан ташиб чиқиш ҳаракатидалар, хуллас, бизни қаергадир кўчириб олиб бориб ташламоқчи, қиёмат ҳам, аросат ҳам шу ерда...

Юқори уйимизда бир милиционер (бригада бошлиғи экан) ойим ортидан юрар, ойим эса токчама-токча юриб ниманидир

излар эдилар. Мен милиционерга (ўзбек эди) одоб билан салом бердим, чунки шундай мулозамат қилмасам, иш яна ҳам чигаллашиб кетиши мумкин эди.

– Сен кимсан?!

– Мен шу уйнинг хўжайиниман, бу киши ойм бўладилар, нимани излаяпсизлар?

– Ойингнинг паспортини, уни милиция бошлиғига олиб бораман, у бизга йўл бермаяпти!

– Нимага йўл бермаяпти?

– Сизларни кўчиришга.

– Менга қаранг, жон ака, шу кўчиришни эртага қолдилинг. Бугун мен бир неча жойларга ариза бериб келдим, эртага натижаси бўлади, қоронги ҳам тушиб қолди, – дедим ёлгонлаб, ялиниб милиционерга.

– Бўлмаса, ўзинг мен билан бирга бошлигимиз олдига юр, гаплаш... У менга сизларни кўчириб қўйиш учун икки соат вақт берган...

Мен яна ялиндим:

– Бошлиқ олдига эрталаб борай, бугун жуда чарчадим, кўринг, касалдан энди турганман, ҳасса билан юрибман.

– Мен сени мошинада олиб бориб, қайтариб келтириб қўяман. Бундай бош оғриғи жанжалга тобим йўқ, ука!

– Хўп, – дедим.

У пастга тушиб кўчиришни вақтинча тўхтатишга буюрди ва юк машинасига ўтириб милиция идорасига жўнадик. У вақтларда туман милиция идораси Чорсу билан Қўшмозор оралигида Сирли мачит маҳалласидаги бир бойнинг ҳовлисида эди. Тўғри бошлиқ хонасига кириб бордик. Милиция бошлиғи кексайганроқ, баланд бўйли, семиз рус киши эди. У беш-ўн милиция ходимлари билан қандайдир мажлисми, маслаҳатми ўтказмоқда эди. Бригадир доклад қилиб аҳволни тушунтирди ва «Мана, ўғлини келтирдим», деб менга ишора қилди. Мен ярим-ёрти русча сўзлаб, бояги бригадирга қилган илтимосимни қайтардим. У деди:

– Сизларни кўчириб юбориш тўғрисидаги буйруқни менга райисполком берди. Бўлмаса, менда бекорчи ходимлар йўқ. Майли, ариза берган бўлсанг, натижаси чиққунча кутиб турамиз, бор уйингга кетавер...

Мен раҳмат айтиб, хурсанд бўлиб кўчага чиқдим. Бригадир мен билан мошинада келиб, ўз кишиларини йиғиштириб, эҳтиётдан бир милиционерни уйимизни «қўриқлаш»га қолдириб, жўнаб кетди. Уйимиз бирдан сув қуйгандек тинчиб қолди. Ойим менга косада таом келтириб қўйдилар. Ишнинг нима билан натижаланишини кутиб ухламай ўтирган битта-яримта жонкуяр қўшнилариимиз билан гурунг – хангома бошланди.

Қўчқорбой исмли, ўзи таги бизнинг мавзелик баланд бўй, бақувват, ишчан, фақат меҳнатнигина биладиган чаққон бир киши бўлар эди. Унинг бир кўзи кўрлиги учун кўр Қўчқор, баъзилар ҳазиллашиб Кўр дўндиқ деб аташар эди. У мазкур пионер лагеридида ишчи бўлиб ишлар эди. Уйи йўқлигиданми, шу лагер ичида, бир хужрада тожик хотини билан яшар эди. Шу кун: «Жулқунбоякамнинг бола-чақасини тезроқ кўчириб қўя қолай», деб Қўчқорбой акамиз ҳам шитоб бизникига чиққан экан.

Айвон – ошхонамиз бир чеккасида кўкракдан келадиган катта-катта сопол хумларда тўла-тўла цементлар турар эди. Бу цементлар қачонлардир ишлатилиб, ортиб қолгани нам босиб қолмасин деб, шу хумларга солиб қўйилган, лекин болалар тушмагур ўйин қилиб у хумларга сув қуйиб юборган, цемент «жонивор»лар эса тош бўлиб қотиб ётар эди. Биз хумларни қандай қилиб бўшатиб олишни билмай ҳайрон эдик. Ҳалиги Қўчқор ака чиқасолиб «Биринчи галда ана шу хумларни машинага чиқара қолай», деб хумга орқасини ўгириб чўнқайиб, қўллари билан хумнинг лабларидан ушлаб азот кўтаради. Кўтаради-ю, бирдан «Вой белим!» деб тахминан икки юз эллик килограмм келадиган хумни ташлаб юборади ва ўзи ҳам шунда йиқилади. Хум синиб, ичидаги қотиб ётган цемент юмалаб чиқиб кетади. Қийқириқ... Милиционерлар югуриб келган, бировлар «Хумнинг ичидан боласи чиқди», деб кулса, иккинчилари: «Хумни синдирдинг, тўлаб бер!» – деб кўр Қўчқорга дўқ урар эди. Бечорани икки киши қўлтиғига кириб уйига чиқаришиб ётқизишади. Қўчқор ака бирор ой тахтакачда ётиб ўрнидан туради.

Ойим, «Ҳеч қаерга кетмайман, ўлигим шу ердан чиқади!», деб милиционерларга бўш келмай дод солиб йиғласалар, бир аёл қўшнимиз (бу қўшнимиз тўғрисида юқорида ёздим, 1933 йилда очликдан оиласи билан шабкўр бўлиб қолганда, дадам бечора уларни боқиб кўзларини очган эдилар) ойимнинг ол-

дига келиб: «Хой, ҳукумат «кўчгин» дегандан кейин кўчиш керак-да, йиғлаганнинг нима фойдаси бор!» – дер эмиш... Кудратилла амакимнинг хотини – Марҳамат келинойим жуда лабзи тез аёл эди, ҳалиги «маслаҳатгўй» аёл қўшнимизга дарҳол дебди: «Ҳа-ҳа, энди қорнинг тўйиб, кўзинг очилиб қолибди-да... «тўйгазганнинг қорнига» деб шуни айтадилар-да, раҳмат маслаҳатингга, уятсиз!..»

Мен овқатланиб дарҳол уйкуга ётдим ва эрталаб соат бешларда туриб яна тўғри Лидия опанинг уйига йўл олдим. Соат олтиларда етиб борсам, ёзиб ўтирган экан. Мени кўриб шошиб қолди:

– Нима гап, тинчликми?

– Тинчлик, – дедим ва воқеани айтиб бердим.

Бечора Лидия опанинг ранги ўчиб, суратдек қотиб ўтирар эди. Шу алпоз бир оз ўтиргач, қўлига қоғоз-қалам олди ва нималарнидир ёза бошлади, ёзиб бўлгач, менга қўл қўйдириб, биргалашиб кўчага чиқдик. Пиёда борар эдик. У менга бир сўз демас, мен ҳам ундан қаерга боришимизни сўрамас эдим. Соат саккизларда Ленин кўчасидаги «Пионерлар уйи» қаршисидаги «Жумҳурият прокуратураси»га келиб кирдик. Ҳали иш бошланишига бирор соат вақт бор. Биз айланиб юриб бир хона қаршисида тўхтадик. Унда эшик тепасига: «Прокурор фалончи, уй-жойлар масаласи бўйича», деб ёзиб қўйилган эди. Энди мен тушунган эдим. Лидия опа: «Прокурор келгандан кейин ўзингиз кирасиз, шу аризани қўлига бериб жим тураверасиз, ҳамма сўз бунда ёзилган», деди. Ариза шундай бошланган эди: «Кеча кечқурун уйимизга ўн иккита милиционер келди...»

Соат тўққиз бўлди. Прокурор – рус киши келиб кабинетига кириб кетди. Лидия опанинг имлаши билан кетидан аризани кўтариб мен ҳам кирдим. У индамай аризамни олиб жиддий ўқиб чиқди ва яна бир қайта ўқиб чиққач, мендан сўради:

– Бу жойлар сизга бобонгдан мерос қолганми ёки дадангга давлат томонидан берилганми?

– Қодир бобомиздан қолган, – дедим дарҳол унинг мақсадига тушуниб.

Шундан сўнг прокурор аризанинг бир чеккасига ёзиб имзо қўйди: «Агар мерос жой бўлса, эгалари кўчирилмасин». Кейин у қаёққадир қўнғироқ қилди (менимча, шаҳар прокуратурасига бўлса керак) ва аризани узатди. Мен олиб раҳмат айтиб каби-

нетдан чиқдим. Лидия опа дарҳол туриб, дераза ёнига бориб прокурор ёзувини ўқиди ва бирдан қувониб, «Табриклайман, жойингиз ўзингизга қолибди!» деди.

Лидия опа мени бошлаб бир кабинетга олиб кирди. Унда бир машинистка хотин ўтирар эди. У аризанинг имзо қўйилган ерига муҳр босди ва сана қўйди, бир журнални очиб нималарнидир ёзиб қўйди. Кўчага чиққач, Лидия опа: «Энди тезроқ боринг, уйдагиларни хурсанд қилинг, аризани йўқотманг, ойнингизга салом айтинг», деди. Раҳмат айтиб, уйга югурдим¹. Борсам, уйимиз тип-тинч, «посбон» милиционер ҳам кетиб қолибди, гўё уйда ҳеч воқеа рўй бермагандай, ҳаммаёқ оҳиста, ораста эди. Ойим бўлса кечаги синган хум, цементларни укаларим кўмагида чуқурга олиб бориб ташлаш ҳаракатида эдилар...

Бу воқеа уйимизда гўё кутилмаганда бир портлаш каби бўлиб ўтди. Биламан, бу портлаш юқори идоралардан содир бўлмади. Аксинча, қуйи идора қузғунлари тарафидан, вақтдан, вазиятдан фойдаланиб, бизни уйимиздан қўрқитиб, довдиратиб, тентиратиб чиқариб юбориб, пионер лагери баҳонасида ўзларига маишат маскани қилмоқчи, дадам яшаган ҳалол, покиза жойларини ҳаромхонага айлантирмоқчи бўлган эдилар...

* * *

Бизнинг уйда бўлиб ўтган бу кўнгилсиз воқеа анча кенг доираларга тарқалган эди. Орадан бирор ой вақт ўтгач, Самарқанд дарбоза маҳалламизда яшовчи шоира Музайяна Алавия бир кун кўчада мени учратиб шундай ҳикоя қилди:

«Бизнинг бешоғочлик узоқроқ чатишган қариндошимиз бор. Ўзи ўқимишли, хўжасайдлардан (исмини унутдим – Ҳ.Қ.). Шу киши қамалиб қолган эди. Ўн бир ой ётиб яқинда уйига қайтиб келди. Мен ўртоғим билан кўнгил сўрагани уларникига бордим. У ҳикоя қилиб деди: «Мен Абдулла Қодирий билан бир камерада ўтирдим. Бир кун у (Абдулла Қодирий) ўзидан ўзи бизга деди: «Уйимдан болаларимни кўчириб чиқариб юбормоқчи бўлишибди. Лекин болаларим бўш келмабди, уйдан чиқариша олмабди, менинг болаларим-да...» Биз ҳайрон бўлдик. Бу хабарни у киши кимдан эшитди экан. Чунки шу кунларда камерамизга янги одам келмаган, Абдулла акам ҳам сўроққа қақирилмаган эдилар. Ёки у кишига бу воқеа тушларида аён

¹ Бу аёлни кейин мен кўрмадим. Эшитишимча, у 1954 йилда олтимиш ёшларида Москва шаҳрида руҳий хасталиқдан вафот этибди.

бўлдими... Мен қамоқдан чиқиб келиб эшитсам, дарҳақиқат, шундай бўлган экан».

Музайяна опадан шу гапни эшитганимга икки-уч ҳафта бўлган эди. Бир кун ойимни туман прокуратурасига чақиришди. Ойим ўрнига мен бордим. Прокурор мендан қайси манзилда, кимнинг уйида яшаётганимизни ва уй-жойларимиз ўз тасарруфимиздами, йўқмилиги ва уйимизда ўзга одамлар яшаш-яшамаслиги тўғрисида сўради ва мендан шу саволларга жавоб бўларли хат ёздириб олиб, менга рухсат берди. Аммо бундай хат уларга нега керак бўлганини айтмадилар ва мен ҳам улардан сўрамадим. Чунки, фаҳмлашимча, дадам тергов органларига бу адолатсизлик тўғрисида жиддий арз қилганлар ёки шикоят ёзганлар, шундан сўнг дадамни ишонтириш учун туман прокуратураси орқали уйимизда ўзимиз яшаб турганлигимиз ҳақида дастхат ёздириб кўрсатиб, у кишини тинчлантирганлар...

* * *

Шу йил июн-июл ойлари бўлса керак, бир кун папка кўтарган бир татар киши кириб келиб, деди:

– Мен суд ижрочисиман... Отангиз Ўзбекфильм киностудиясидан Чеховнинг «Олчазор» асарини ўзбекчага таржима қилиб беришни шартлашиб олган эканлар, аванс пули ҳам берилган экан. Лекин маълум сабаблар билан таржимани битқазиб бермабдилар. Ўзбекфильм берилган пулни (уч юз сўмдан ортиғроқ эди – Ҳ.Қ.) қайтариб олиш тўғрисида даъвогар бўлиб сизларни судга берган. Суд эса ундириб олиш тўғрисида қарор чиқариб, бу ундириш ишини менга топширди...

Мен бу таржима ҳақида юқорида ёзган эдим. Қамалган одамнинг қарзини бола-чақаларидан тўлаттириб олиш қоидаси борми-йўқми, билмайман. Аммо мен бировларга маслаҳат солиб ўтирмай, бу қарзни дарҳол тўлаб қутулишни маъқул кўрдим. Чунки, энди бизга раҳм-шафқат қилувчилар йўқ эди, борлари ҳам ўзларидан қўрқар эдилар. Шийпонимиз ёнига беш юз боғга яқин беда ўриб, қуритиб қўйган эдилар. Бир аравакаш қўшнимга ҳалиги бедаларни баҳолаб бердим ва пулини ижрочига тўлаб қутулдим.

* * *

Июлми, августми ойлари эди. Бир кун: «Шайхонтоҳурлик бир киши (тоғаларим маҳалласидан фалончи домла, номини

унутдим – Х.К.) Дўрмон қишлоғидаги қамоқхонада дадамни кўрган эмиш, у (дадам) оғир хасталаниб ётган эмиш»... – деган хабарни эшитдик.

Чирчиқ станциясидан поездга ўтириб Дўрмон қишлоғига бордим, сўроқлаб қамоқхонани ва мазкур домлани топдим. Домла хотин-қизларга дам солиб қўядиган «хунари» борлиги учун икки йил қамоқ муддатига ҳукм қилинган ва жинояти жиддий бўлмагани учун эркин юришга чиқарилган экан. У қамоқхонанинг экин-текинларига қараб юрар экан.

Мен борганда домла болалари уйдан келтирган ошни бир ўрик дарахти соясида еб ўлтирар эди. Мен бориб салом бердим ва ўзимни танитдим. У киши мени ошга таклиф қилди.

– Дадамни кўрган эмишсиз, айтишларича, оғир касал эмишлар, шу тўғри гапми, амаки?

– Ҳа, у, – деди, – бандалик-да, ўғлим, эшитишимча, отанг вафот этди... Лекин бизни уларга яқинлаштирмайдилар. Уларнинг тартиби, бўлак қаттиқ...

Мен дарҳол туриб узоқроққа кетдим ва тескари қараб ўтириб йиғлай бошладим...

– Ўғлим, – деди домла ошини еб бўлгач, ёнимга келиб, – бу ерда йиглаб ўтирганингдан фойда йўқ, қоронғи тушмасдан уйингга етиб ол. Барибир қамоқда ўлганларнинг жасади уйига берилмайди. Тақдирга тан бериб, сабр қилишдан ўзга чоранг йўқ, болам.

Мен туриб, индамай поезд бекатига йўл олдим...

Шаҳарга келгач, бир нарсани эслаб қолдим: катта Насриддин қори тоғам янгичага саводсиз, жуда камгап, ичидан пишган киши эди. Унинг қаерларда ишлаб юришини ҳеч ким билмас эди. Шу тоғам бир кун оғзидан гуллаб, ўзининг НКВДда қоровулчиликми, қора ишчими бўлиб ишлашини, маълум кунларда тунда навбатчилик қилишини айтиб: «Тунов кун тунда ўтириб дадангнинг терговчиси Тригуловга қўнғироқ қилдим, Абдулла акамнинг аҳволини сўрадим. Яхши эмишлар. Тригулов татар, мен билан ўзбекча гаплашади: «Поччанг мохоркамни чекиб тамом қияпти», – деб менга ҳазил қилди...», деган эди.

Тўғри ана шу тоғамникига бордим. Топиб келган янгилигимни айтдим. Тоғам: «Бир-икки кун сабр қил, ҳеч кимга бу гапни айтма, мен сўраб биламан», – деди. Икки кундан кейин

тоғам: «Абдулла ака ўлмаган эмишлар...», – деди. Тоғамнинг маслаҳати билан бу гапларни оймга айтмадим, «Дадам яхши эмишлар», деб қўя қолдим. Ким билсин, балки дадам ўлмаган-дирлар ёки ўлган бўлсалар-да терговчи биздан яширгандир.

Ана шундай гумон-умидлар билан кунларимиз ўтаверди. Шу гапдан сўнг ҳам дадамга бирор йилча пул юбориб турдик, кейин уни ҳам олмай қўйдилар.

НАВБАТ БИЗГА

Шундан сўнг дадамдан яхшидир-ёмондир бирор хабар ола олмадик.

Докторлар менга оғир иш қилмасликни, толиқмасликни маслаҳат беришган эди. Ўқишдан яна бир-икки йил касаллик таътили олдим. Ҳарбий хизматга-ку, табиий, яроқсиз топишган эди. 1939–1940 йиллар ўтиб, машъум 1941 йил келди. Уруш йилларининг қийинчиликларини, даҳшатини ёзиб ўтирмайман. У барча учун ҳам энг оғир, қийин йиллар бўлди.

Ойим дадамнинг ғамида куя-куя сил бўлиб, 1943 йилнинг 3 мартада дунёдан ўтдилар. Бу йилларда Қизил Армия ўзини анча тутиб олган, фашист галаларини Ғарбга томон қувиб борар эди... Талабасизликдан ёпилиб қолиш даражасига етган олий ўқув юртлири 1944 йилдан яна жонланиб, ўқишни ташлаб, тирикчилик кўчаларига кириб кетган, шунингдек, урушдан қайтган собиқ талабалар чақириб олиниб, ўқишлар йўлга қўйила бошланди. Жумладан, мен ҳам Тошкент Давлат медицина институтидан ўқишга қайтиш даъватномасини олдим. 1944 йилдан иккинчи курсга тикланиб, ўқишни яна бошлаб юбордим.

1945 йилнинг бошлари эди. Бир кун гуруҳ бошлигимиз (бу йигит кўнгли очик, менга ихлосли эди) мени четга чақириб аста деди: «Ўртоқ Абдуллаев, бир-икки киши сиз билан қизиқиб, тўғрингизда у-бу сўраб юрибди. Масалан: сиз гуруҳда нималар ҳақида кўпроқ сўзлайсиз, кимлар билан ўртоқсиз, ҳоказо... эҳтиёт бўлиб юринг...» Мен бу йигитнинг гапига: «Ҳа, қизиқсалар-қизиқаверадилар-да, менинг кўнглим пок», – деб қўя қолдим.

9 май – Ғалаба куни бўлди. Барча байрам қилиб Қизил майдонга тўпланган, трибунадан раҳбарлар нутқ сўзлаган, музыка, ура-ура, чапакбозлик, ҳамма бир-бирлари билан кучоқлашиб

ўпишган, бир-бирларини ғалаба билан муборакбод қилишган, бу кунги шодлик дунёга сигмас эди.

Шу кунлардан бошлаб мен бир нарсани сеза бошладим: баъзан кўчаларда мени кимдир кузатар, кузатувчилар бир, гоҳо икки-уч киши бўлар, ораларида баъзан аёл киши ҳам кўринар эди. Улар қаёққа юрсам, ортимдан борар, ҳатто уйга ҳам кузатиб кўйишар эди. Бу ҳол бора-бора менинг асабимга тега бошлади, аммо нима қилишимни билмас эдим.

Бир кун ортимдан уч киши кузатиб келаётганини сездим. Кузатувчиларнинг бири қирқ-элликларга кирган семиз аёл, ҳарсиллаб юрар эди. Билмадим, кап-катта хотинга бошқа тирикчилик топилмаганми. У ёнидаги шерикларига гўё ниманидир сўзлаб келмоқда эди. Мен жўрттага бир тор кўчага бурилдим ва ўттиз одимча юргач, кескин ортимга бурилдим. Улар энди менга томон бурилиб беш-олти қадам ташлаган эдилар. Мен уларга тик бордим: «Мендан нима истайсизлар, қачонгача ортимдан кузатасизлар», – дедим ва йўлимга бурилиб кетавердим. Шундан кейин уларнинг кузатувини сезмагандай бўлдим.

Ёзги имтиҳон кунлари яқинлашди. Имтиҳонга тайёрланиш керак. 1945 йилнинг 28 май куни кечки пайт ўқишдан чиқиб, трамвайда Чорсуга келиб тушдим. Ундан пиёда уйга йўл олдим. «Учқун» мактабига келганда ўнгга бурилиб «Сузукота», «Чақар» маҳаллаларидан, чуқурликдаги баҳайбат тахта кўприқдан ўтиб, тепаликка – уйимизга юзландим. Бу йўлларда одам сийрак, машина, от-арава йўқ. Шунинг учун бемалол конспектимни ўқиб борар эдим. Дарбозамиз томонга бурилмоқчи бўлдим. Шу чоқ орқамдан: «Салом, Ҳабибулла!» – деган овоз эшитилди. Ўгирилиб қарасам, қирқ-қирқ беш ёшлар чамаси бўйдор бир рус киши менга тикилиб турибди. У ҳарбий кийимда, бошланг, бўйнидан ўтказиб бел боғлайдиган тасмаси йўқ, галифе шим, кирза этик кийган эди. Мен беихтиёр кўришдим ва «Хизмат?» дегандай унга қарадим. У «Уйга киримиз», деб дарбозамиз томонга имлади. Мен энди тушундим. У мени қамоққа олгани келган ҳукумат кишиси эди.

Дарбозадан кирсам, тўғрида – дадам ижодхонасининг каттакон қўшойна деразасидан бир неча киши менга термулиб қараб турар эди. Тўғри шу уйга кириб бордим. Опам, сингилларим, укам, жиянларим шу уйга тўпланиб ўтиришар, бир ҳарбий киши уларни ҳовлига чиқармай қоровуллаб ўтирар эди (яъни

бирон киши уйдан чиқиб, хабар бериб мени қочириб юбормаслик учун). Кутиб олган киши менга гувоҳномасини ва қамоққа олиш ордерини кўрсатиб, тинтув бошлади.

Бизнинг уйда нима бўлар эди? Қогоз, қалам, тиббий китоблар, биринчи тинтувда қолдирилган икки юздан ортиқ шарқ китоблари, темир сандиққа солиб қулфлаб қўйилган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ва «Обид кетмон» қиссасининг араб ҳарфидаги қўлёзмалари (Мен ҳамон ўз-ўзимни «Нима учун шундай бебаҳо, қайтарилмас қўлёзмаларни бошқа бировларникига яшириб қўймадим», деб койийман), «Муштум» журнали ва газета тўпламлари бор эди.

Тинтувчи (менинг терговчим, капитан Виноградов) шарқ китоблари ва қўлёзмаларини ўқий олмагани учун варақлаб ўтирмади. Аммо ўзи тушунадиган русча китобларни бирма-бир варақлаб чиқди ва барча китобларни, қўлёзмаларни «У ёқда текшираамиз» деб, қопга солиб боғлади ва ошхона, отхоналарни бир айланиб чиққач, кетишга чоғландик. (Олинган нарсаларга далолатнома ёздими, йўқми хотирамда қолмаган.) Лекин «Уч минг қоғоз қўлёзма олинди», деган ёзувни яхши хотирлайман. Ундан ташқари, одатда, бир одам қамоққа олинадиган бўлса, тинтув вақтида маҳалладан бир-икки киши шохид тариқасида қатнашиши керак эди. Бироқ бизнинг Виноградов учун бундай қонун-қоидалар ёт экан.

Уйдагилар билан хайрлашар эканман, барчалари худди қабристонга ўлик кузатаётгандек уввос солиб йиғладилар. Тепада чўнқайиб ўтирган қўшни бир кампир: «Отангни олиб кетганлари етмасмиди, сени ҳам олиб бориб нима қиладилар!» – деб гапириб қолди. Шундай қилиб, саккиз йил бурун чиқиб кетган дадам ижодхонасида мен ҳам ҳибсга олиндим. «Газ-69» машинасига ўтириб жўнадик. Вақт тунги соат бирдан ошган эди.

ТЕРГОВ

Тергов ишларимиз капитан Виноградов билан биринчи кунданоқ силлиқ кетмади. Ҳашаматли кабинетда ёлғиз ўзи қандайдир ёзувлар билан машғул Виноградов эшик кираверишида қўлларимни тиззаларимга қўйиб ўтирган менга эътибор ҳам бермай: «Хўш, Ҳабибулла, қани бир чеккадан бошла-чи, қулоғим сенда...», – деди. «Нимани айтай?» – деб сўрадим.

«Нимани бўлар эди, қилган жиноятларингни-да!» «Мен ҳеч қандай жиноят қилган эмасман, аввал сиз менга тушунтириб беринг-чи, мен нима билан айбланаман, ўзи?» У менга кўк кўзларини дўлайтириб қаради ва индамай ўз ёзувини давом эттирди. Мен ҳам парвосиз ўтириб кабинетни кўздан кечирдим. Унинг иш столи устида бизнинг уйдан келтирилган «Атлас командири» китоби ётар эди. Бу китоб жуда нодир, тахминан 80x50 см ҳажмли, қалин китоб эди. Уни мен китоб магазинидан юз сўмга олган эдим, кабинетнинг бир бурчида яна қатор учта китоб турар эди.

Шу йўсин бир-икки соат сўроқ қилинганимдан кейин терговчи: «Майли, биринчи кунданок муносабатни бузмайлик, келаси галга ҳаммасини айтиб берасан, яхшилаб ўйлаб кел!» деди ва телефонни олиб қўнғироқ қилди. Бир ҳарбий киши келиб мени камерага олиб тушиб кетди.

Бизнинг камерада тўртта каравот – тўртта маҳбус яшар эдик. Бириси озарбайжон, у кўп йиллардан бери қамоқ лагерида яшар, бу ерга иш бўйича гувоҳликка чақиртириб келтирилган экан, иккинчиси қрим-татар, САГУда ядро физикасидан илмий иш қилар экан. Бир кун эрталаб ишга келса, лабораториясига ўт тушиб кетибди. Бу ишга сиёсий тус берилиб, қамоққа олинибди. Учинчиси Абдулла Носихий эди. (У 1987 йилгача Шарқшунослик илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлаб, тўқсон ёшларда вафот этди). Бу киши «Ўткан кунлар» романининг араб босмасини яширинча халққа сотгани учун (ҳар бир китобни минг сўм атрофида нарх билан сотган) қамалган экан. Бу киши шу гуноҳи учун беш йил қамоқда ўтириб чиқди.

Кейинги сўроқ-жавобларимиз анча жиддийлашди. Терговчи айбномани ўқиб берди. У уч банддан иборат. Гўё:

1. Аксилинқилобий ёшлар ташкилотининг раҳбариман.
2. Отамнинг тақиқланган асарларини уйимда сақлаганман.
3. Совет ҳукуматига қарши агитация ишларини олиб борганман.

Мен: «Менга қўйган айбномаларингизнинг иккинчи бандини бўйнимга оламан. Отамнинг қўлёзма ва тақиқланган асарларини биринчи тинтувда кераксиз топиб ўзлари қолдириб кетган эдилар», – дедим. «Сен ўзинг онгли равишда бизга келтириб топширишинг ёки ёқиб юборишинг керак эди бу қоп-

лардаги нарсаларни», деди у бурчақда турган қошларга ишора қилиб. «Мен дадамнинг бебаҳо қўлэзма асарларини наинки ёқиш, ҳатто уни ҳеч кимга ишонмай ўз уйимда сақладим. Бунга ҳаққим бор эди. Манави шарқ китобларига келсак, бундай китоблар халқимиз орасида жуда кўп. Шарқшунослик институтида бундай китоблар юз минглаб сақланади. Уларнинг ҳаммасини ёқиб улгуриб бўлмайди», дедим. «Вақти келади, барини ёқиб улгураимиз», деди у.

Шу сўздан сўнг бу терговчидан жуда кўнглим қолди, ҳатто терговимни шу одамга топширган раҳбарлардан ҳам хафа бўлдим. У саводсиз, аҳмоқ, тўнка эди. Мен унга жавоб бергандан кўра сукут қилишни аъло билдим.

«Нега индамайсан?!» – у менга ўшқирди. «Нима деяй», – дедим. «Айбномангнинг бошқа бандлари?» «Уни исбот қилиш керак. Мен бундай ташкилотни кўрган ёки эшитган эмасман. «Агитация қилдинг», деб қўйган айбингиз мутлақо ёлғон».

Терговчи бирдан ғазабга келди. Ўрнидан шахт туриб, қўлидаги линейкани ўйнаб қаршимга келди. «Сен аблаҳ мен билан ўйнашяпсан, менга қара, кўзингни оч!» деди. Мен қарадим. У линейкани икки-уч сантиметр масофа яқинлигида кўзимнинг олдига келтириб дам бирисига, дам иккинчисига ўқталар эди. Бу, албатта, асабга жуда қаттиқ таъсир қиладиган қийноқ усулларида бири эди. Мен сабр-тоқат қилдим ва қатъий дедим: «Кўзимни ўйиб олсангиз ҳам ёлғон гапирмайман, менинг жиноятим йўқ!» У бир оз бўшашди.

Эртасигами, бириси кун терговчи мени чақириб беш-олтита суратларни кўрсатди ва «Буларни танийсанми?» деб мендан сўради. «Булардан иккисини танийман. Бирисининг исми Самад Рамазон. (У мендан ўн-ўн беш ёшлар катта, 1937–38 йилларда суд қилиб, отиб юборилган тилшунос олим, профессор Қаюм Рамазоннинг укаси эди). Самад Рамазон ТошМИда кўп йиллардан бери биология кафедрасида тажриба дарсини олиб борар эди. Иккинчиси, менинг ҳамкурсим (исмини айтмай қўя қоламан – Ҳ.Қ.) «Қолганларини-чи?», «Билмайман». «Нега билмайсан, булар ҳаммаси ТошМИнинг студентлари-ку!» «Ҳа, бўлса бордир, ТошМИ катта даргоҳ, ҳамма студентларни ҳам танийвермайман». «Манавиниси бешинчи курсда ўқийди, ўзи профком. Манавиниси тўртинчи курсда, қолган иккитаси учинчи курсда. Етти киши бир аксилинқилобий ташкилотнинг

аъзосисизлар, фамилияларини билиб ол, сен буларнинг раҳбарисан, тушундингми?!»

Орадан бир-икки кун ўтказиб бўлса керак, мени яна терговга чақирдилар. Қарасам, иш катта. Виноградовнинг ўрнида узун бўйли, қомаги келишган, зарбоф погонли генерал киймини кийган бир киши ўтирибди. Бу ҳарбий кишининг кимлигини кейин билдим. У, айтишларича, армани миллатидан, фамилияси Қобулов. Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги Комитетининг раиси экан. Мени хонанинг ўртасига, генерал ўтирган столнинг яқинига ўтқиздилар. Виноградов столнинг сўл томонида ўтирар, ўнг томондаги деворга тираб қўйилган стулга бир маҳбусни киритиб ўтқиздилар. Мен қизиқиб орқамга қайрилиб қарадим. Бироқ терговчим билан диванда ўтирган капитан менга баробарига: «Қарама, қарама, рухсат этилмайди!» – деб бақирдилар. Мен: «Хўп-хўп, кечирасизлар», – дедим. Аммо, маҳбуснинг кимлигини кўриб улгурдим. У менинг курсдошим бўлиб, уялар, буралар, ўзини тутишни билмас, дам осмонга, дам ерга қарар эди. Демак, у билан мени юзлаштирамоқчи, ундан қандайдир ёлғон гувоҳлик олиб, бўйнимга бир бўҳтон қўймоқчилар...

Виноградов курсдошимга: «Қани, айтиб бер, Абдуллаев тўғрисида нималар биласан, сенга нималар деган!» – деб сўради. Курсдошим ўзига ишонмаган каби тутилиб-тутилиб унсиз товушида: «Мен Абдуллаев билан ТошМИДа ўқиш пайтида танишганман, бир-икки марта уйига борганман ва бошқа ерларда ўлтиришларда кўришганман. Бир кун Абдуллаев менга: «Бизда аксилинқилобий бир ташкилот бор, шунга сен ҳам аъзо бўлиб киргин», – деди. Мен: «Хўп, дедим ва ташкилотга аъзо бўлиб кирдим», – деди.

Терговчи менга: «Эшитдингми, Абдуллаев, шеригингнинг сўзини?!» – деди. «Эшитдим, қани давом эттираверинг-чи...», – дедим мен. «Бўйнингга қўйдик-ку, бас-да, нимани давом эттиради?!» «Айтган билан буни исбот қилиш керак. Масалан, ташкилотнинг программаси нимадан иборат эди, мен қандай топшириқлар берган эканман, у нималарни бажарди, Совет жамиятига қандай зарарлар етказибди? Манави масалаларни тўлиқ гапириб берса, даъво исбот қилинган бўлади», дедим ва курсдошимга бир-икки савол бериш учун яна орқамга ўтирилдим. Яна ҳай-ҳайлашиб «Қарама-чи, қарама!» деб бақаришди.

Диванда ўтирган капитан курсдошимни олиб чиқиб кетди. Сўроқ-жавоб қоғозларига курсдошимнинг кўрсатмаларини инкор қилиб қўл қўйдим. Генерал индамай ўрнидан туриб, гурс-гурс оёқ босиб чиқиб кетди. Назоратчи чақирилиб, мен ҳам ҳайтовур бошқа жанжалсиз камерага тушиб кетдим.

Эртасига яна шиддатли сўроқ бошланди. Энди ташкилот, ташкилот раҳбари каби даъволар анча сусайган, уларнинг ўрнини бир савол эгаллаган эди: «Совет ҳокимиятига қарши олиб борган аксилинқилобий агитация фаолиятини айтиб бер!» Менинг жавобим эса доим биргина эди: «Мен агитация қилган эмасман. Шоҳидларингизни чақиринг, исбот қилишсин», «Йўқ, аввал ўзинг айтиб берасан, кейин биз шоҳидлар билан юзлаштирамиз», дер эди терговчим. Мен жуда қийин аҳволда қолган эдим. Ёлғон сўзлаб қутулай десам, барибир ёлғоннинг таги очилади. Қийноқдан қутулиш учун ёлғон сўзлаганлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Самад Рамазон ҳикоя қилган эди: «Менинг терговчим рус эди. Ҳадеб қийнайвергач, ёлғон сўзлашга мажбур бўлдим. «Шўрои ислом жамияти»нинг аъзосиман», – деб кўп ёлғон-яшиқларни айтдим. Терговчим хурсанд бўлиб ёзиб олди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, у мени чақириб олиб: «Шўрои ислом жамияти» вақтида сен ўн ёшли бола бўлгансан-ку, нега алдадинг, ярамас!» – деб сўка бошлади. Мен: «Ўзларинг мажбур қилдиларинг-да», деб қутулдим». Шуларни ўйлаб, ёлғон сўзласам, ўзим шарманда бўламан, сабр қилиш керак, деган хулосага келдим.

Мени сўроқ қилишда конвейер усулини қўллашди. Бу усулни қўллашга, менимча, генерал олдидаги муваффақиятсизликлари сабаб бўлди, чоғи. Яъни: мен сўроқхонада қуруқ стулда ўтиравераман. Аммо улар уч кишилашиб бири чарчаса ёки иш вақти тугаса, иккинчиси алмашиб галма-гал сўроқ қилаверадилар. Терговчим юқорида айтганимдек ўзининг линейкаси билан найранг кўрсатади. Терговчи капитан, татар Эҳсоновнинг ҳам ҳунари зўр. У хром этикли ўнг оёғини келтириб менинг икки оёғим ўртасига – стул қиррасига қўяди-да, «Айтасанми, йўқми», деб этиги билан сонимни стул қиррасига қаттиқ босади. Оғриқдан додлаб юборишимга оз қолади. У энгашиб, номуборак афтини кўзим устига шу қадар яқинлаштириб келдики, бурни бурнимга тегишига оз қолади. Учинчи терговчим – ўзбек оғир киши. У унвон тақмайди, ўзи жуда маданий, савол бермайди, китоб ўқигани-ўқиган.

Овқатланиш вақти бўлганда «Бор, овқатланиб кел», деб зўрға жавоб берадилар. Кўпинча, энди овқат улашаётганида яна чақириб қоладилар. Терговчимнинг яна бир сўроқ усули бор эди, кечқурунлари мени сўроққа чақирарди-да, ўзи қандайдир ёзувчизув билан машғул бўларди. Менга «Хўш, гапирасанми, йўқми?» дейди. «Гапим тамом бўлди», дейман. «Тур, ўрнингдан», дейди у. Тик тураман. «Менинг рухсатимсиз ўтирмайсан!» дейди-да, ўзи ёзув билан машғул бўлаверар эди. Терговчим сўроқ-жавоб ҳужжатларини қўлдан чиқаргунча уни икки-уч марта ёзиб-чизиб кўчирар эди. Уруш йиллари қоғоз камчил. У оқ қоғозни иқтисод қилиш учун «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» қўлёзмаларининг орқа, яъни тоза томонига хомаки қилиб ёзар, сўнг оққа кўчириб, хомаки қоғозларни йиртиб ёнидаги саватга ташлар эди. Гоҳо тамаки ўраб чекишга қоғоз сўрасам, кайфи келиб турган бўлса: «Ма, дадангнинг романларига ўраб чек», – деб сиёҳ қаламда ёзилган қўлёзмалардан бир нечасини йиртиб-йиртиб менга берар эди. Баъзан у ёзиб ўтириб мудраб қолар, мен бўлсам тик тураверар, у обдан ухлаб кетган вақтларда эса толиққанимдан секин ўтириб мен ҳам дам олиб олар ва қўзғалиб қолса, дарҳол тик туриб олар эдим... Шу йўсин руҳий, жисмоний ҳақоратлар ҳаддидан ошган, конвейер усулидаги сўроқлар ҳам етти-саккиз кунга етган эди. Бир кун ўлимимга рози бўлганимдан: «Бу ерда совет ҳукумати йўқ...» – дедим. «Қандай ҳокимият бор?» – деб сўради терговчим. «Бир гуруҳ кулланган бандитларгина бор», дедим. «Ҳа-ҳа», деди у ўшқириб ва келиб сўл қулогим тагига чунонам қулочкашлаб урдик, стулдан учиб, кабинетнинг бир бурчига бориб ётиб қолдим. Кўзим тиниб, қулогим шангиллаб совуқ тер босиб кетди. Бир оз ётиб, аста ўрнимдан турдим. «Яна ур, ўлдириб қўя қол, барибир сендан ҳам, генералингдан ҳам қўрқмайман!» дедим ғазаб билан. У бир сўз демай назоратчини чақирди ва мени унга топширди. Учинчи қаватдан пастга томон тушиб бораман. Зинапоя панжараларидан ўзимни пастга ташлаб юбораман, деб чоғлансам ҳам, барибир, бунинг иложи йўқ эди. Чунки панжаралар бошдан-оёқ чизимча арқон билан тўқиб ташланган, назоратчи эса бир қадам ортимда кузатиб келади...

Умуман, тергов қонун-қоидасида махбустга жисмоний ва руҳий озор бермаслик, кечқурун соат ўндан кейин сўроққа чақирмаслик, уч маҳал иссиқ овқат билан вақтида таъмин

этишлик ва шунга ўхшаш кўп шартлар ҳақида қатъий кўрсатмалар қайд этилган. Бироқ бу қонун-қоидаларга Сталин ҳокимияти аллақачон тупурган эди.

Ўша кунги жанжалдан кейин терговчи мени тўрт ойгача сўроққа чақирмади. Тарсаки оғриғидан қулоғимни икки ой сочиқ билан боғлаб юрдим. Турма ичи ҳам катта бир даргоҳ, биров келади, биров кетади, ҳар бир янги келган одамнинг ўз тарихи, саргузашти, дарди бор. Тинглаб куласан, хафа бўласан, бир дунё янгилик эшитасан, суҳбат қизиб куннинг қандай ўтганини билмайсан. Бир вақт қрим-татар физик Аблаев билан ўтирганимда у менга рус грамматикасини ва физика курси асосларини ўргатган эди. Кейин бир гал самарқандлик Нарзиқулов Зеҳний исмли тожик киши билан бирга бўлиб қолдим. Бу киши шоир ва шарқшунос олим бўлиб, Самарқанд университетида форс тилидан дарс берар экан. У киши дадамни яхши танир, билар ва ёши ҳам дадамга тенгдош экан. Дарҳақиқат, Қодирий йигирманчи йилларда ёзган ҳажвий бир мақолаларида Зеҳний исмини тилга олиб ўтадилар. Бу киши суҳбатда гўё менга Шарқ адабиёти дарбозасини очиб бергандай бўлди, ўзи кўрган, ўқиган, эшитган Шарқ олимлари, шоирлари, ёзувчилари ҳақида менга ҳикоя қилиб берди ва форс-тожик тилида сўзлашишни ўргатди. Бу икки олимга ҳамиша қарздорман. Мен Зеҳний домла билан бир камерада етти ой бирга ўтирдим. Эркинликка чиққач, Зеҳний домлани икки-уч бор уйларига бориб зиёрат қилиб қайтдим. У киши сўнгги йилларда Тожикистон Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаб, анчагина китоблар ёзди ва тўқсондан ошиб Душанбе шаҳрида вафот этди.

Қамалганимга ўн ойдан ошган, айтишларича, қонун-қоида бўйича тергов ишлари ўн бир ойда тугатилиши ва иш судга оширилиши керак эди. Узоқ муддатли «дам олиш»дан кейин мени яна терговга чақирди. Унда капитан Виноградов ва бир кўзи кўр, чўтир прокурор Собитов ўтирар эди. Собитов жуда эски ходим, у дадамни ҳам, мени ҳам қамаш учун ордерга қўл қўйган киши. У кишини мен охирги марта 1957 йили янги қуриб битказилаётган «Тошкент» меҳмонхонаси олдида тасодифан учратиб қолдим. Собитов жуда мункиллаб қолган эди. У мени танимаган бўлса ҳам, уни тўхтатиб, ўзимни танитдим ва гарчи ўзи билса ҳам жўртгага ахборот бериб, ота-бола оқланганимизни айтдим ва индамай йўлимга кетавердим...

Собитов, сезишимча, менинг хужжатларимдаги баъзи қоғозларга, ҳар ўн беш-йигирма кунда менинг қамоқ муддатимни чўзиш учун бериладиган ордерларга қўл қўйгани келган экан. У менга: «Сен отанга ўхшаб сўзга уста бўлма, жиноятларингни барчасини айтиб бер, барибир биз биламиз», – деди. Мен ўзбекчалаб: «Сизлар ҳеч нарса билмайсизлар. Билсаларингиз, мени қамамас эдинглар. Ахир шу чоққача менинг жиноятим нимадан иборат эканлигини аниқламадинглар ва айбномамни менга кўрсатмадиларинг-ку». Собитов терговчимга гапимни тушунтирди. У аланг-жаламг бўлиб ишимни варақлай кетди ва айбномамни топиб «Бу-чи!» деди менга ўқрайиб. «Рухсат этинг, айбномамни бир ўқиб чиқай», дедим. Айбномани қўлимга олдим-у, қайтариб бердим ва «Бу айбномани ўқиганман, бунда менинг имзом йўқ-ку», дедим. Улар бир-бирларига маъноли қараб олишди. «Бунинг аҳамияти йўқ, унутганмиз, иш кўп», деди терговчим. «Бу ҳар ҳолда, гайриқонуний иш, қамалганимга қарийб бир йил бўлибди-ку, айбномамга шу кунгача қўл қўйилмаса, қамоқ ордерларимга шу бугун қўл қўйилса», дедим. Собитов мингиллаб чиқиб кетди.

У кетгач, терговчим айбномамга қўл қўйдиргани стол ёнига чақириб давом этди: «Биз сени яхшилаб текширдик дарҳақиқат, сен ҳеч қаерда Совет ҳокимиятига қарши агитация ишларини олиб бормаган экансан. Ишондик. Лекин сенга бир саволим бор». Мен қўл қўйиб жойимга бориб ўтирдим. «Айтчи, нима учун агитация ишларини олиб бормадинг?» Бу мак-корона савол эди. Бироқ мен бепарво жавоб қилдим: «Чунки, мен Совет ҳукуматига содиқ, унинг ҳалол гражданиман...» У истехзо билан кулди ва «Сайра, булбул, сайра...» – деб қочириқ қилди. Мен сукут қилдим. Терговчи давом этди: «Ўзинг ўйла, Ҳабибулла, отангни биз қамаб, қамоқда ўлдириб юборамиз-ку, сен бизнинг ҳокимиятга содиқ, ҳалол граждани бўласанми?..» Мен: «Отам қамоқда ҳалок бўлган бўлса, қилмишига яраша жазолангандир», – дедим. «Албатта, – деди, у, – қилмишига яраша жазо олган. Лекин, сен унинг ўлдирилишидан хурсанд эмассан-ку». «Тарихда ота болани, бола отани ўлдирганлар кўп бўлган... Хўш, сиз бу саволингиз билан нимани кўзда тутмоқчи бўласиз?» «Сен совет ҳокимиятига очикдан-очик душмансан, лекин қўрққанингдан қарши иш олиб бормагансан?» «Сиз ва сизга ўхшаганлар балки шундай ўйлар, аммо менинг виждо-

ним, ўйлаган ўйим пок. Шу билан бирга, бировни ўйлаган ўйи билан айблаб бўлмайди, қилган иши – жинояти билан айбланади...»

Хуллас, шу кун терговчим менга: «Ҳақиқатан ҳам мен Совет ҳокимиятига душман бўлсам-да, қўрққанимдан жиноий ишларни содир қилмадим», деб қўл қўйдириб олди. Майли, дедим ўзимча, ишқилиб шу жаллодларнинг қўлидан эсон-омон қутулсам, бас. Чунки кейинги вақтларда шу одамларнинг номуборак башарасини кўрсам, юрак ўйногим тутиб қоладиган бўлган эди. Қандай бўлмасин шу ифлос ўрадан чиқиб кетиш – мақсадим эди.

Қамалганимга ўн бир ой тўлиб қолган эди. Бир кун Виноградов чақириб терговим тамом бўлганини айтди ва тикилмаган делони (чунки, менимча, улар ҳали дело ичига кўп ёлғоняшиқларни қўшишлари керак эди) менга узатиб, ўқиб чиқишга, қўл қўйилмай қолган жойларига имзо чекишга буюрди. У бугун жуда юмшоқ ва ҳатто баъзан менга қилган зулмлари, ҳақоратлари учун узр ҳам сўрагандек бўлди ва деди: «Сени ҳарбий суд судлайди. Олдиндан айтиш қийин, ҳар ҳолда беш – ўн йил муддатга ҳукм қилинишинг мумкин. Узоқ Сибир, Ўрол қамоқ лагерларига жўнатиласан. У ерда қиш оғир, ҳаёт қийин, сен ўрганмагансан, тирик қайтиб келишинг гумон...»

Терговим тамом бўлгандан кейин, суд бўлишини саккиз ойдан кўпроқ кутдим ва 1946 йилнинг декабрида бир кун мени этап камерасига кўчиришди ва менга Москвадан келган қарорни ўқиб эшиттиришди. Қарорда тахминан шу сўзлар бор эди: «Махсус маслаҳат» комиссияси (Особое совешчание) Ҳабибулла Абдуллаевнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси жиноят кодексининг 66–67-моддаларига биноан меҳнат лагерларида тарбияланиш, тузатиш шарти билан ўн йил қамоқ муддатига ҳукм қилади». Сана.

Мен жуда ҳайратда қолдим. Ахир, мени суд қилишлари керак эди-ку! Кейинчалик билсам, иш бундай бўлган: НКВД деломизни Олий Суд Ҳарбий коллегиясига оширади. Бироқ Ҳарбий Коллегия иш билан танишиб чиқиб: «Бу ишни биз кўрсак етти кишининг ҳаммасини ҳам оқлаб юборишимиз керак. Чунки жиноятларини исботлайдиган далиллар йўқ. Майли, десангизлар, ишни кўраверамиз», дейди. Бу жавобни эшитиб, Виноградовга ўхшаганларнинг лабига учуқ тошиб кетади ва дарҳол

делони қайтариб олиб, бизнинг ҳақимизда «Бундай қўрқинчли жиноятчиларни эркинликда қўйиб бўлмайди», деган мазмунда «яхши характеристикалар» ёзиб Москвага йўллайдилар. У ердан «Махсус маслаҳат» комиссияси (Бу ғайриқонуний «юридик» комиссия Сталин ҳокимияти даврида жорий этилган эди. Сталин ўлгани ҳамоно бу комиссия ҳам йўқ қилинди) ҳар биримизга тўрт, олти, саккиз йилдан қамоқ муддати берди. Фақат менгагина дадамнинг ўтли бўлганим учун «сийлаб» ўн йил беришди.

ЛАГЕРЛАРДА

Этапга поездда ёлғиз ўзим – биронта шерикларимнинг ҳамроҳлигисиз жўнадим. Чкалов (Оренбург), Свердловск (Екатеринбург) вилоятидан ўтиб Сереве туманига ва ундан Сосва дарёсининг қиргогига бориб тушдик. Бу ердан Шимолий Ўрол ўрмонзорлари бошланар ва ҳар ўн-ўн беш километрда биттадан қамоқ лагерлари ишлаб турар эди. У ерда юмуш битта – ўрмон кесиш, ёғоч тайёрлаш. Ана қишу ана ўрмон, ана тоза ҳавою, ана меҳнат...

Сосва дарёси каттагина. Бироқ поезд нариги қирғоққа ўтмайди. Кўприқдан ўтиш билан Шимолий Ўрол лагерларининг маркази ҳисобланмиш «Комендантский» лагери туради. Бизни (йўл-йўлакай қўшилиб ўттиз чоғлиқ махбус йиғилган эдик) дарҳол лагер ичига қўймадилар. Йигирма бир кун карантин муддати ўтгунча лагер ёнидаги баракда сақладилар ва ўрмонда дарахт кесиш тўғрисида озгина сабоқ-кўрсатмалар берганларидан сўнг, аста-аста ўрмонга – ишга олиб чиқа бошладилар.

Ўрмон меҳнати оғир, қўлга арра, болта олган билан иш битиб кетавермайди. Балки иш техникалашиб, энди осон бўлиб қолгандир. Аммо у вақтларда меҳнат фақат қўл, от кучи ва арава билан бажарилар эди. Ҳар бир ишда бўлганидай дарахт кесишнинг ҳам ҳадиси, тартиби, қонун-қоидаси бор. Агар шу тартиб-қоидаларга риоя қилинмаса, иш фожиа билан тугаши муқаррар.

Карантин чогида ўн беш кундан кўпроқ ўрмонга дарахт кесишга чиқдик. Бу меҳнатда бир жиҳатдан қон юришиб ўзимни яхши ҳис этсам ҳам узоқ камера ҳаётидан ва эски бел огригим асоратидан бўлса керак, ўзимда заифлик ва белимда оғриқ сеза бошладим.

Карантин муддати битди, бизни ичкарига олиб, баракларга тарқатдилар ва кечқурун медсанчастьга чақириб текширишдан ўтказдилар. Унда лагер бошлиғи, медсанчасть бошлиғи, иккита врач (терапевт, хирург) ва Шимолий Ўрол лагерлари бошқармасининг соғлиқ ва тозалик ишлари бўйича бошлиғи – Полевой фамилияли врач ўтиришарди. Комиссия маҳбусларнинг саломатлиги, ихтисоси ҳақида сўрар ва жавобларни тинглаб, текшириб уларнинг меҳнат гуруҳини аниқлар эди. Мен талаба эканлигимни, белим оғришини айтдим. Полевой ҳақиқатан ҳам медицина институтида ўқиган-ўқимаганлигимни аниқлаш учун бўлса керак менга тиббиётга оид баъзи саволлар берди ва қоникарли жавоб олиб, лагерь медсанчасти бошлиғига:

– Мана сизга, медбрат – фельдшер. Фақат уни икки-уч ой врачлар орасига қўйиб тажрибасини орттириш керак, – деди.

Чамаси, лагерларда медицина ходимлари етишмас экан, шу куниек мени санчастьга тажриба орттиришга ишга қўйдилар. Шундай қилиб, менинг лагердаги ҳаётим санчастьларда ишладан бошланди. Беш-ўн кундан кейин мени тажриба олиш учун ўн-ўн беш километр йироқликда, ўрмон орасида жойлашган Воробина деб аталувчи лагерга жўнатдилар.

«Воробина» лагери соғломлаштириш лагери деб аталарди. Унда асосан узун-оғриқ, ишга яроқсиз, қари-қартанг, «Берсанг ейман – урсанг ўламан», дейдиганлар ётар эди. Билмадим, бу жиноятчилар давлатга қандай фойда-зиён келтира оларди. Уларни кўчага чиқариб «Бор, кетавер» десанг уйларини топа олмас эдилар. Икки юзга яқин бу касалларга бир врач, уч фельдшер қарар эдик. Врач Голованов эллик-олтмиш ёшларда, билим-тажрибасини ўзгдан аямовчи, медицинага оид барча саволларимга эринмай жавоб берувчи, оққўнгил киши эди. У чамаси Германияда асирликда бўлган, госпиталларда врачлик қилган.

Шимолий Ўрол лагерларида озми-кўпми барча миллат кишиларини, жумладан, Ўрта Осиёдан жўнатилган маҳбусларни ҳам учратиш мумкин эди. Воробина лагерида Юсуф ака исмли бир ўзбекни учратдим. Юсуф ака Фарғонадан, олтмиш ёшларда, босиқ табиат, қорачадан келган киши, айтишича, колхоз раиси бўлган, «Икки ўғлим, уч қизим бор», дер эди. У нарнинг иккинчи қаватига чиқиб, чордона қуриб бўйни солиқ, маъюс ўтиргани-ўтирган эди. Баъзан ишдан бўшаганимда унинг ёнига келиб суҳбатлашар, ҳазил-мутойиба қилар эдим.

– Раис бўлган бўлсангиз, колхозни роса ғорат қилгандирсиз-да, Юсуф ака?

– Худди, топиб айтдингиз, – дерди кулиб Юсуф ака, – уруш йилларида колхозимиздан кўплаб йигитлар фронтга кетишди. Шу кетганлардан қарийб ўттизининг оиласи огир аҳволда қолди: ёрдамчи йўқ, ёш болалари кўп, қари ота-оналари боқувсиз қолди. Мен шуларга, очликдан шишиб қолмасинлар деб бошқарманинг қарори билан ой сайин уч қадоқ (2,5 кг)дан буғдой бердиртириб турдим. Бу ишим баъзи қуруқ қолган иғвогарларга ёқмади, «Колхозда иқтисодий кўпориш қияпти», деб қўшиб-чатиб устимдан ҳужжатлар тўплаб, қаматишди. Жиноятим уруш йилларига тегишли бўлганидан Ҳарбий трибунал суд қилиб ўн йил қамоқ берди...

Шимолий Ўролнинг иқлими ўртача. Ёзи жилла иссиқ эмас, кўкламда йирик-йирик қаттиқ чақувчи чивинлар, кузакка бориб эса майда чивин – искабтопарлар кўпаяди, картошка ва бошқа хил сабзавот ҳамда баъзи дон экинлари экса бўлади. Қиши эса жуда совуқ. Мен Шабуровада эллик етти даража совуқни кўрдим. Қанчалик иссиқ кийининг, печка ёқилсин, уй ҳам, одам ҳам исимайди, игнадек ердан кирган совуқ гўё чақиб тишлайверади, доим иссиқ ер излайсиз. Шабурова лагерида бир гуруҳ эстон, латиш ва литвалик маҳбуслар билан бирга бўлдим. Улар 1938–1940 йиллардан буён ўтиришар, эски маҳбус бўлганлари учун лагернинг бутун хўжалик ҳисобот ишларини эгаллашган, алоҳида кичкина баракда туришар эди. Мен ҳам «доктор» сифатида улар ичида яшар эдим. Ятуллис (латиш эди шекилли) деган ётоқ кўшним кўрган-кечирган қийинчиликларини ҳикоя қилар эди. (У Латвиянинг Хитойдаги консули бўлиб ишлаган.)

– Биз келганда бу ерларда Совет ҳокимияти йўқ эди (албатта, бу сўзни муболаға йўсини билан айтарди – Ҳ.Қ.). Бу ерда лагер бошлиқлари гўё подшоҳ, маҳбусга кўнгиллари хоҳлаганча жазо бераверишар эди. Тайгада қонун шундай: айиқ полвон прокурор, нимани хоҳласа, шуни қилаверади, – деб кулар эди Ятуллис ва давом этар эди: – Қорин оч, озиб-тўзиб кетганмиз, совуқ қаттиқ. Ўрмон кесамиз, нормани бажариш керак. Баъзан қоронғи тушса ҳам бажара олмаймиз, ноилож ишдан қайтамиз. Дарвоза олдида турган лагерь бошлиғи: «Норма бажарилдими?» – деб сўрайди. «Йўқ», – деймиз бош эгиб ва совуқдан

қотаёзган оёгимизни олиб қўямиз. Бошлиқ «тақ» этиб дарво-зани ёпади ва: «Планни тўлдирасанлар, ичкарига кирасанлар, бўлмаса ўрмонда қотиб ўласанлар!..» – деб бақиради.

* * *

1949 йил охирлари, 1950 йил бошлари эди. Шимолий Ўрол лагерларидаги (унда қирқдан ортиқ лагерь бор эди) барча сиёсий маҳбусларни этап қилиб, вагонларга ортиб Қарағанда шахрига келтирдилар. Қарағанда шахрини (вилоятини) умуман, маҳбуслар шахри деса бўлади. Шаҳар ва атрофи кўмир конларига бой, ҳар қадамда шахта ва шахта қурилиши, завод, фабрика. Муддатини ўтаган маҳбусларга яхши уй-жойлар берилди. Иш ҳақи тўланади. Шу йўсин улар шунда бола-чақалик бўлиб, қолиб кетадилар.

Биз Дубовка деб аталмиш лагерга келиб қўндик. Лагер катта, қарийб икки-уч минг одамни сиғдиради, тартибли қурилган; ошхона, касалхона, амбулаториялари алоҳида. Айтишларича, то биз келгунча бу лагерларда япон тутқунлари яшаган ва уларнинг ўзи бу лагерларни қурганлар. Бараклар ярим ертўла шаклида содда қурилган, аммо қаттиқ қиш кунларида иссиқ бўлади. Қарағанданинг қиши бўронли, қаттиқ совуқ, баъзи кунлари ҳатто ишга ҳам чиқиб бўлмайди, ёзи эса нисбатан иссиқ: мевали дарахтларни кўрмадим, аммо картошка, сабзавот ва дон экинлари битди. Маҳбуслар лагерь ёнидаги катта шахта қурилишида ишлар эди. Лагеримиз тартиби Ўролдагига нисбатан қаттиқ, бошлиқлари жиддий эди. Қишлик-ёзлик кийимларимизнинг барчаси катта-катта рақамлар билан рақамланган, яъни: қалпоғимизнинг пешонасига, сўл кўкрагимиз, икки курагимиз ўртаси ва шимимиз ёнига рақам босилган эди. Биз керак бўлсак рақамимизни айтиб чақирар эдилар. Менинг рақамим Қарағанда лагерида янглишмасам, бир минг бир юз ўн уч эди. Унутмайман. Бир гал назоратчи, менинг рақамимни айтиб чақирди. Биринчи кунлари бундай рақам билан чақириш менга эриш туюлиб унга: «Менинг фамилиям бор, гражданин назоратчи», – дедим. (Маҳбуслар кишиларни ўртоқ, дейишга ҳуқуқсизлар.) У: «Сен одам эмас, номерсан!» – деб жавоб қилди.

Мен баъзан лагер касалхонасида, баъзан қурилишдаги биринчи ёрдам кўрсатув тиббий бўлимида фельдшер бўлиб ишлар

эдим. Лагеримизда турли тоифадаги халқлар бўлиб, айниқса, Ғарбий Украина (бендерлар), рус, Болтиқбўйи, Кавказ ва Ўрта Осиё халқлари вакиллари кўп эди. Маҳбуслар меҳнат қилиб чарчасалар ёки совуқ қотсалар ҳовлига гулхан ёқиб, атрофлаб ўтириб исинишар, дам олишар, суҳбатлашар эдилар. Баъзан қаттиқ қор ёғиб, совуқ бошланиб кетганда бир хиллари иссиқ тиббий бўлимга кириб жон сақлашар, гурунг қуришар эди.

Бир киши бўлар эди. Ўзи рус, эллик беш-олтмиш ёшларда, ўрта бўй, кенг елка, қора-сарик соч-соқолли, ўта маданиятли, мустақил иродали, камгап, ҳар кимса билан ҳам сўзлашавермагучи бу одам лагерда бухгалтер бўлиб ишлар эди. У қурилишга келган юк машиналарини ҳисобга олар, бригадирга ёрдамчилик қилиб, ҳисоб-китоб ишларини олиб борар эди. Шу киши баъзан иш кам чоқларда исингани тиббий бўлимга кириб ўтирар, мен билан бирга чой ичар ва баъзан китоб ўқиб ўтирганимни кўриб «Китоб ўқишни севар экансиз, бу яхши, баракалла», деб мени мақтаб қўяр эди. У бир кун мендан сўради:

– Сиз «Уруш ва тинчлик» романини ўқиганмисиз?

– Йўқ, бўлса жон деб ўқир эдим, – дедим.

– Ҳали ишдан кейин ётогимга келинг, мен сизга шу китобни бераман. Роман икки томлик, аввал биринчисини оласиз, кейин иккинчисини. Лекин ҳеч кимга бермайсиз, қўлма-қўл бўлиб, йўқолиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, биз анча яқинлашиб қолдик. У Москва атрофидан бўлиб, айтишича, ёзувчи Лев Толстойга (у Лев Толстойни жуда ҳурмат билан «Лев Николаевич» деб тилга олар эди) яқин қариндош-ёзувчининг қайсидир ака-укасининг ўғли, ўзини ҳам менга ўхшаб айб топа олмаганларидан кейин, «Особое Совещание» (тройка) ҳукм қилган экан. Мен бир кун уни юпатиб дедим:

– Мана, муддатингиз ҳам оз қолибди, яна икки йилдан кейин кўрмагандай бўлиб уйингизга кетасиз...

– Кетасиз?! – у бир хил кескин оҳангда зарда билан деди, – булар кеткизиб бўпти, агар муддатим тамом бўлса, яна қўшиб қўяверадилар!

– Нимани қўшиб қўяверадилар? – мен тушунмай сўрадим.

– Сиз тушунмайдиган кўринасиз, – деди у, мендан кулгандай назар ташлаб, – агар суд қилинсангиз, суд берган муддат-тамом бўлгач, сизни бир кун ҳам қамоқда ортиқ ушлаб туриш-

га ҳақлари йўқ. Агар «Особое Совешчание» ўзингизни кўрмай, орқангиздан ҳукм чиқарган бўлса, муддатингиз тамом бўлгандан кейин ҳам, яна хоҳлаганча муддат қўшиб қўяверишлари мумкин.

Шу суҳбатдан сўнг бирор йил ўтар-ўтмас бу кишини этап қилиб бошқа лагерга жўнатдилар ва кўп ўтмай унинг кимлардир томонидан ўлдирилганлигини эшитдик.

* * *

Лагерларда шундай бир табиий одат бор: бирор одам этап билан келса, лагерь ичига киргач, дарҳол лагерда ўз халқидан одам борми, йўқми, бўлса нечта ва кимлар, деб сўрайди.

1952 йил ёз кезлари эди, шекилли. Бир кун, кечки пайт касал қабул қилиб ўтирган эдим, бир киши кириб ўз тилимизда салом берди. Мен саломлашдим, лекин кишини танимаганим учун: «Сиз бугун этапда келдингизми?» – деб сўрадим. Чунки «Этап келибди», деган хабарни эшитган эдим. «Яна икки соатдан кейин келинг, қабул тугайди, хотиржам сўзлашамиз, узр», – дедим. Келди. Чой-нон қилдим. У Фрунзе шахрилиқ қирғиз, янглишмасам, Қирғизистон университетида тил-адабиётдан дарс берувчи, манбашунос олим, исми шарифи Ташен Байжиев экан.

– Мен сизни кўпдан шахсан танийман, – деди кулиб Ташен ака, – бироқ сиз энди бир оз каттарибсиз, ўзгарибсиз. Агар лагердаги ҳамюртлар сизнинг кимлигингизни айтмаганларида, балки танимас эдим...

– Қаерда кўришганмиз, Ташен ака, мен ҳеч хотирлай олмаяпман, – дедим.

– 1936 йил ёз ойлари эди. Мен уч-тўрт кун дам олгани «Арашон» курортига чиқдим. Шоир Ғайратий билан сиз ҳам шунда даволанар экансиз. Ўша кунларда жой масаласи бир оз танқис экан. Илтимос қилиб сизларнинг хонангиздан менга уч-тўрт кунга жой сўраб беришди. Шундай қилиб, мен сизлар билан танишган эдим. Сиз унда жуда ёш йигит эдингиз, эслайсизми?

– Эсладим, эсладим, – дедим кулиб. Ўшанда сиз биз билан кўп турмадингиз. Шундай бир гапингиз ёдимда сақланган. Қайбир вақт сиз Андижон вокзали чойхонасида уч-тўрт қирғиз зиёли оғайнилари билан чойхўрлик қилиб ўтирганингизда уч-тўрт ўзбек зиёли йигитлари ҳам ёнларингизга келиб ўтириб чой чақирадилар. Улардан бири дўстларига мақтанганнамо:

«Мен Абдулла Қодирининг «Ўткан кунлар» романини ўқиб тугатдим», – дейди... Шунда сизлар бу гапни эшитиб: «Бечора ўзбеклар «Ўткан кунлар»ни энди ўқишяпти», – деб ўзаро кулишгансизлар.

– Худди, худди, ёдингизда қолган экан, ҳақиқатан қирғиз зиёлилари романни янги босилиб чиққан пайтларидаёқ қўлма-қўл ўқиб чиққанлар, булар бўлса энди ўн йилдан кейин ўқиб мақтанадилар...

Ташен Байжиев – кенг елка, ўрта бўй, жиккақдан келган, жилла ҳам соғлом киши кўринмас эди. У ёзи билан у-бу иш қилиб юрди. Кузакка бориб совуқ бошлангач, шамоллаб касалхонамизга ётди. Унда эски ўпка касали бўлиб, шамоллаш натижасида у янада зўрайган, оғирлашган эди. Марказий касалхонадан маслаҳатга докторлар чақирдик, турли-турли даволар қилдик. Беморнинг нафас олиши тобора қийинлашиб ҳаво етишмас, ўпкаси ғижирлар эди. Ташен ака бир кун менга: «Сиз менинг ёнимдан узоқ кетманг, аҳволим оғир. Уйда хотиним, икки ўғлим, икки қизим бор. Уларга мен ҳақимда хабар етказинг», – деди. Ташен акага ўша вақтдаги антибиотик дорилар қор қилмади. Аҳволи борган сари оғирлаша бориб, охир ўпка шишидан вафот этди. Биз уни дафн қилдик...

Ташен ака тўнғич ўғлининг ўн олтига кирганлигини айтиб, яхши ният билан унга Мар деб ном қўйганлигини сўзлар эди. Мен Ташен аканинг васиятига мувофиқ Марнинг номига насихатомуз, ётиқ бир хат ёздим. Лекин ўз номимни, адресимни билдирмадим... Ҳозир Мар Байжиев Қирғизистоннинггина эмас, Иттифоқнинг атоқли ёзувчиларидан, драматургларидан биридир.

1953 йилнинг март ойида Сталин ўлди. Мен бу вақтда янгилишмасам, «Ғишт заводи» деб аталувчи лагерда ишлар эдим. Шу кун, билмадим, дам олиш куни эдим, эрталабки кўриқдан сўнг лагерь раҳбарлари барчани ҳовлидаги радиокарнай тагига йиғдилар. Жимжитлик. Радиодан кимдир мотам нутқи сўзлади. Маҳбуслар бўйин эгиб, аза тутиб тик турдилар. Ниҳоят нутқ тугади, ҳамма ўз барагига тарқади. Мен ҳам ўз барагимга кирдим-да, ажабландим. Барагимизда Мирзаҳамдам исмли, жамбуллик жуда қувноқ, қизиқчи ўзбек йигит бўлар эди. У негадир адёл билан бошини буркаб, ўкраб йиғлаб ётар эди. Мен бошидан адёлни тортиб;

– Ҳа, Мирзаҳамдам, нима бўлди, бирон ерингиз оғрияптими? – деб сўрадим.

– Йўк, – деди у ўқсиб, – Сталин бобонинг дунёдан кетганига йиғлаяпман, доктор. Энди... энди бизларга йигирма беш йиллаб қамоқ муддатини ким беради?!

Бошқалар тушунмаса ҳам, биз уч-тўрт ўзбеклар кулиб юбордик. Мирзаҳамдам ўз газабини ва хурсандлигини шу йўсин изҳор қилган эди.

Тўғриси, Сталин ўлди-ю, одамлар ҳам, олам ҳам ўзгача бўлди. Неча ўн йиллардан буён темир панжара, қонли панжа исканжасида инграб умр кечирган халқ энди бу шафқатсиз – раҳмсизликлардан озод бўлган, аста-аста юзларида қон, лабларида кулги, кўнгилларида умид, руҳларида эзгу ҳувайдо бўла бошлаган эди. Айниқса, ярамас Бериянинг лаҳадга кириш «маросими» байрам тантанасига айланган, халқ ҳукуматимиздан ижобий янгиликлар, ўзгаришлар кута бошлаган эди. Дарҳақиқат, бу ўзгаришлар аста намоён бўла бошлади.

Мен қанча-қанча лагерларда ўтирган бўлсам, барчасида ҳам грузин маҳбусларни кўплаб учратдим, ўртоқлашдим. Ҳатто улар ичида икки-уч грузин аёлларини ҳам кўрдим. Ёдимда, бирисини Ўролда, Шабурова лагерида кўрдим. Фамилияси Сабхатарашвили, врачлик қилар эди. Уларнинг барчаси Сталин сиёсатидан жабр кўрган, отилган, кесилган, оилалари билан пароканда бўлган, юрсалар-да, турсалар-да уни қаргар, лаънатлар эдилар. «Чурбай нура» лагерида «доктор» бўлиб ишлаганимда (мен бу лагерда икки-уч ойгина ишладим) Схирдладзе фамилияли бир киши тез-тез амбулаторияга келиб, дори-дармон олар (унда қон босими касали бор эди), баъзан эса лазаретга ётиб даволанар эди. У қирқ-қирқ беш ёшларда, новча, озгин, сарғишдан келган, ақлли, босиқ, камгап, рус тилини талаффуз билан гапирар эди. Баъзан кимсасиз холи чоқларда ўтириб суҳбатлашар, ҳасратлашар эдик.

– Менинг отам, – деб бир кун ҳикоя қилди у, – Грузиянинг баобрў боён кишиларидан эди. Яхши боғларимиз, уйларимиз, мол-мулкларимиз бор эди. Мен ёлғиз ўғил, йигирма ёшлик чоқларим эди. Бир кун дадам тўсатдан «Ўғлим, сен чет элга кет, менинг оғайниларим Парижга кетяпти, шуларга қўшиб юбораман, ўша ерда яша», деб қолдилар. «Кетишим зарурми, дада?» сўрадим. «Зарур, ўғлим, зарур», дедилар. «Сиз, ойим,

опа-сингилларим-чи?» «Э-э бизни қўявер, биз қариб қолдик, қариганда ватанни тарк этиб бўлмайди, шунча дов-дастгоҳ...»

Хуллас, мен Парижга кетдим, унда дадамнинг ошна-оғайниларианикида турдим. Дадам пул юбориб турдилар, уй сотиб олдим, уйландим, тўрт болалик бўлдим, касбим тижоратчилик, мамлакатларга мол олиб бориб ёки келтириб сотиш эди. Бу орада ё 1937, ё 1938 йили бўлса керак, уйдан хабар эшитдим, дадам қамалиб, отиб ўлдирилган эмиш, деб. Шундан сўнг, дадам бечоранинг нима учун мени мажбур қилиб Парижга юборганлиги сабабига тушунгандай бўлдим.

Уруш янги тугаган эди. Бир гал мен одатим бўйича, Вена шаҳрига савдо иши билан бордим. Бир магазиндан чиқиб кетаётсам, ортимдан бировнинг тоза грузин тилида менинг отимни атаб чақирганини эшитдим. Қарадим. Ёшгина бир грузин йигит, келиб мен билан кўришди. Уни танимас эдим, аммо гап-сўздан эски танишлардай туғилиб ўсган шахримни, ота-онамни билар эди. У ўзини менга касалхона ходими, деб танитди ва мени ресторанга кириб бир шиша пиво ичишга таклиф қилди. Менда ҳам у билан бир оз суҳбатлашишга, ватан тўғрисида у-бу сўраб билишга хоҳиш туғилган эди. Совет консулхонаси яқинидаги кичкина бир ресторанга кирдик. Официантка икки шиша пиво ва хуруш учун яна нимадир келтирди. Иккимиз ҳам ўз шишамизни очиб, қуйиб, ичиб суҳбатлаша бошладик. Бу пиво менга шу қадар ёқдики, яна бир шишадан чақирдик ва учинчи шишадан кейин ўрнимдан турганимни, кўчага чиққанимни, бир оқ машинага ўтирганимни биламан, холос. Бир маҳал кўзимни очсам, турмада ётибман. Бу ёгини айтишнинг қизиги йўқ. Менга жосуслик, хоинлик жиноятлари-ни қўйиб, судсиз-бошқасиз ўн йил қамоққа ҳукм қилдилар.

1952–1953 йилнинг апрель-май ойлари эди, шекилли, Схирдладзе қон босими ошиб лазаретда ётар эди. Биринчи май байрами келди. Мен эрталаб палатага кириб беморларни байрам билан табриклардим. Схирдладзе каравотда хомуш, узала ётар эди. Аҳвол сўрадим, қон босимини ўлчаб кўрдим. Баланд эди. Мен дедим: «Босимингиз кеча анча пасайган эди, бугун яна бир оз кўтарилибди, нима бўлди?» «Ҳа, доктор, шу кунларда босим ошмасдан илож борми? Бугун дунё болалари ўз ота-оналари билан байрам қилади. Менинг болаларим эса, байрам қилиш у ёқда турсин, олти-етти йилдан буён оталарининг да-

раксиз йўқолганлиги сабабини била олмай қон йиғлайдилар». Мен кўнгил кўтариб палатадан чиқдим. Орадан икки-уч соат ўтгач, Схирдладзеда мияга қон қуйилиши бошланди, қўл-оёқ фалажланиб тилдан қолди ва олти кундан сўнг вафот этди...

* * *

Ниҳоят, 1955 йилнинг январ ойи охирларида бўлса керак «Оқтош» лагеридан озодликка чиқдим. (Май ойи охирида озод бўлишим керак эди. Яхши ишлаганим учун муддатимдан тўрт ой камайтирилди). Бироқ озод қилинганим билан уйга қайтишга ҳуқуқим йўқ. Қарағанда вилояти худудидан ташқари чиқишга ҳақсиз, паспорт ўрнига пропуска берилган, ой сайин комендатурага бориб, рўйхатдан ўтиб туришим шарт эди. Ишни эса ўзим излаб топишим, уй-жой масаласини ишхона таъмин этиши ёки ижарага уй олиб яшашим керак эди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига иш қидириб бордим. Улар мени Шахта туманидаги бир касалхона-поликлиника бирлашмасига ишга йўллашди. У ерда бир шахтанинг тиббий бўлимига фельдшер қилиб тайинлашди ва шахта қошидаги ётоқхонадан уй беришди, кўмир билан таъмин этдилар.

Менинг девор-дармиён бир озарбайжон қўшним бўлиб, ёши 45–50 ларда, хотини рус, тўртта ёш боласи ва бир кексайиб қолган онаси билан турар эди. Бу каттагина оиланинг барчаси биргина кишига қарам, у эса мен ишлайдиган шахтада гўлаҳлик қилар эди. Улар жуда иноқ туришар, ичмас, чекмас, менга меҳрибон, «Кўчада овқат ема, уйда қозон осма, уч маҳал таомни биз билан бирга еявер, уялма, рўзғор ҳам қилма», деб таъкидлар эдилар. (Афсуски, улар билан оз вақт бирга бўлганим учун номларини унутганман.) Хотини эса доим печкамни ёқиб, уйимни иситиб қўяр эди. Эсимда, бир кун мен дўкондан гўшт келтириб берганимда эри мендан қаттиқ ранжиган эди...

Кунларимиз шундай тинч, иноқ ўтиб борарди. Бу орада мен бир марта комендатурага бориб рўйхатдан ўтиб келдим. Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бир кун эрталаб ҳаммамиз чой ичиб ўтирар эдик. Бир ҳарбий йигит уйга кириб келди ва менга: «Сизни комендатурага чақиришяпти», – деди. Мен ҳайрон бўлдим. Бошқалар ҳам ажабланиб бир-бирларига қарашди. Чунки улар уч-тўрт кун бурун рўйхатдан ўтиб келганимни билишар эди. Яна нега чақиришди экан?

Мен шошиб чойимни ичдим-да, кийиниб комендатурага бордим. Унда менга таниш, ҳарбий кийимдаги комендант ўтирар эди. У жилмайиб:

– Табриклайман, сизга Қарағандадан кетишга, истаган ерингизга бориб яшашга рухсат келди. Мана, қоғозингиз, – деди. Бу кутилмаган (чунки мен бу ҳақда ҳеч қаерга ариза ёзмаган эдим) севинчли хабардан қай ҳолга тушганлигимни тасаввур қиларсиз...

Комендант:

– Паспортингизни хоҳласангиз шу ердан, йўқса, борган ерингиздан олишингиз мумкин. Фақат пойтахт шаҳарларда яшашингизга рухсат этилмайди, – деб қўшимча қилди.

– Мен, ҳар ҳолда Тошкентга, уйимга яқин ҳисоблаб, Тошкент вилоят, Чиноз туманида яшашни танладим ва раҳмат айтиб комендант билан ҳўшлашиб чиқдим.

Ётоғимга келиб бу қувончли хабарни аввало озарбайжон қўшнимга айтдим. Бечораларнинг роса хурсанд бўлганларини айтмайсизми, кампир йиғлаб: «Маним ўғлима ҳам сени йўлингни берсин», деб дуо қилди. Мен кампирга янги бушлат совға қилдим. Уч-тўрт кун йўл ҳозирлигини кўриб поездга билет буюрдим, ҳужжатларни тайёрладим, уйга телеграмма бериб, Қарағанда билан хайрлашдим.

* * *

Юқорида айтганимдек менинг яшаш жойим Тошкент вилоятининг Чиноз туманига деб белгиланса ҳам, аввал тўғри келиб Тошкентга – ўз уйимга қўндим. Уй ичимиз омон, тинчлик экан. Бу жиҳатдан хурсанд бўлдим. Табиий, қариндош-уруғлар, қадрдон маҳалла аҳолиси бирор ҳафтача кети узилмай қўнғил сўрашга келиб туришди. Бу орада участка милицияси икки допқир келиб менинг ҳужжатларимни текширди ва ғўдайиб:

– Сизнинг Тошкент шаҳрида яшашга ҳаққингиз йўқ, йигирма тўрт соат ичида шаҳардан чиқиб кетинг, ҳар гал келганингизда, кетаётганингизда милиция идораларига хабар беришга мажбурсиз, – деди.

Мен узр айтдим ва кетма-кет келиб турган ёр-дўстлар, қариндош-уруғларга ишора қилиб: «Буларнинг оёғи сал узилса, албатта, шаҳардан чиқиб кетаман», – дедим. Яна бир кун тун ярмида, ширин уйқуда эканман, ухлаётган уйим эшиги бесўнақай тақиллаб қолди. Туриб эшикни очдим. Тўрт киши

турар эди. Бириси баланд бўйли, қора кийинган, кўзойнак таққан, иккинчи ва учинчилари участка милицияси ва ёрдамчиси, тўртинчиси эса маҳалламизнинг «энг севимли» қулоқларидан бири эди. Кўзойнакли киши ҳужжатларимни сўради ва уларни синчиклаб ўқиб чиқиб қайтариб берар экан, рус тилида «Кимнинг уйида турасиз?» деб сўради. «Ўз туғилиб ўсган уйида», деб жавоб қилдим мен. «Эртага шаҳардан чиқиб кетинг!» деди у ва жўнаб кетишди.

Бу кетма-кет тафтишлардан англашиладики, чамаси, маҳалламизнинг битта-яримта «холис»гўйлари «Ҳабибулла қамоқдан қочиб келмадимикан», деб тегишли жойларга хабар қилган бўлса керак...

Мана, 1937 йилдан буён шундай эркисиз, ҳуқуқсиз, оромсиз ҳаёт кечирдик. Халқ бизга доим душманнинг оиласи деб ишончсиз қаради. Ҳақорат қилди. Оиланинг ичкари қонун-қонидасига риоя қилиш йўқ. Кўча эшигимизни тақиллатиш, чақириш йўқ. Маҳалланинг қоровули Ҳусан читтақдан тортиб барча сипоҳлар бизга хўжайин, хоҳлаган вақтларида уйимизга рўхсатсиз, тўғри кириб келаверар, буйруқ, тергов қилаверар эдилар. Биз бўйин эгар, ойим бечора ҳарбий ёки милиция кийимидаги одамни кўрсалар юрак ўйноғи бўлиб қолар эдилар.

Чинозга бориб, ҳужжатларимни расмийлаштириб, бир дўстимнинг уйида уч-тўрт кун туриб, уйга қайтиб келдим.

* * *

Туткундан келган кунимданоқ уйимиздаги бир ҳол – ўзгариш менга қаттиқ таъсир этган эди. Жойимизнинг ўша машҳур шийпон қурилган олмазор қисмини Октабр туман ижроқўми биздан тортиб олиб, ёзлик болалар боғчаси очиб берибди. Бу хайрли иш. Бироқ махсус жой қурилиб, болалар боғчаси қўчиб кетгач, шийпонни Фрунзе туман озиқ-овқат савдоси бўлимнинг отхонаси қилишибди... Йигирма тўрт сотих ердаги олмазор, мевазор ерларни бузиб, лойгарчиликда от-аравалар ботиб қолмасин деб эллик-олтмиш машина шағал тўкилибди. Узун отхона, ем-хашақлар учун бостирма, яна бир томонга эса юзта чўчқа боқишга мўлжаллаб, чўчқахона қурилибди. Ёз кунлари отхона ва унинг теварагида яшовчи хонадонлар пашшанинг кони бўлгани етмаганидек, устига-устак шийпон ёнидан оқиб ўтадиган, четларига қозик тол ўтқазилган узун чиройли ариқда ёз кунлари иссиқлаб қолмасин, яхши ўссин, семирсин

деб ҳар кун пешин чоғида ўша юзта чўчқани чўмилтиришар экан. Ваҳоланки, бу ариқ бизнинг шийпондан ўтгандан кейин, яна йигирма хонадонни сув билан таъминларди. У вақтларда ҳали бизнинг томонларга водопровод ўтказилмаган, ҳалиги йигирма хонадон эса овқатга, ичишга фақат шу чўчқа ювиндиси билан «табаррук» этилган ариқ сувидан фойдаланишар, челақларга, бак хумларга сув тўлгазиб, тинитиб ичишар эди. Жумладан, биз ҳам шу йўсин ўша ариқдан фойдаланар, сувга аччиқ тош ташлаб тиндириб ичар эдик.

Гўзал романлар, ажойиб ҳикоялар яратган Абдулла Қодирийнинг илҳомбахш уйи ана шу ҳолга келтирилган эди! Бунинг устига ҳалиги йигирма хонадон кексаларининг норозилик сўзларини айтмайсизми: «Бу отанг Жулкунбой қандай касофат одам бўлган-а, унинг жатига биз чўчқа шалтоғини ичиб ўтирибмиз!..» деб менга аччиқ, ўпка қилиша бошладилар.

Бу аччиқ-тизиқ гаплар менинг юрак-юрагимга таъсир қилар эди. Ниҳоят, бу отхонани йўқотишга, кўчириб юборишга бел боғладим. Октабр туман ижроқўмига чиқдим-да, коммунал хўжалик бўлимига кириб, бизнинг жой қандай асос билан давлат ихтиёрига ўтказилганлигини сўрадим. Улар «Жойингиз мусодара қилинган», деб қисқа жавоб бериб қўя қолдилар. Мен уларнинг жавобига бовар қилмадим. Чунки бизнинг жойлар бобомиздан қолган, дадамнинг ҳалол меҳнати, билак кучи билан обод қилинган, бундай жойларни мусодара қилмасликлари керак эди. Мен бу масалани аниқламоқ учун Туркистон ўлка ҳарбий прокуратурасига «Дадамиз суд қилинган, уй-жойи мусодара қилинганми, йўқми? Унинг суд ишини кўриб, билиб беришларингизни ва гувоҳнома берилишини сўрайман», деган мазмунда укам Масъуд номидан бир ариза ёзиб бордим. Чунки ўз номимдан собиқ сиёсий маҳбус тарафидан шундай «мўътабар» жойга ариза ёзсам, «Ҳали ҳам норозимисан?» деб балки яна қамаб қўйишларидан чўчидим. Эшикда турган милтиқли кишидан рухсат олиб бир хонага кириб аризамни бердим. Ҳарбий киши аризамни ўқиб кўриб «Хўп, жавоб қиламиз», деди. Бу аризани 1955 йилнинг май-июн ойларида бўлса керак ёзиб, ўзим бир-икки ўртоқларим билан Москва шаҳрига саёҳат қилгани кетдим. Уруш йилларида Тошкентда ошналашиб қолган бир рус дўстимнинг уйида қўниб, шаҳар томошасига берилдик. Бир кун Ленин қабрини зиёрат этишни истадик. Зиёратчилар

жуда кўп, турнақатор навбатда турадилар. Милиция тартиб сақлар ва навбатдаги ҳар бир кишидан мақбарага кириш учун махсус рухсатнома талаб қилади. Бизда эса пропусса йўқ... Милиционерлардан бири бизга бирор ташкилотми, райижроқўми ёки райкомга кириб, паспорт кўрсатиб пропусса олиб чиқимизга маслаҳат берди. Биз яқинроқдаги бир райкомга кирдик. Пропусса берувчи аёл паспортларимизни текшириб кўриб, икки ўртоғимга рухсатнома берди, менга эса паспортимдаги «тавқилаънат»ни кўриб бермади... Ялиндик, бўлмади. Шундан сўнг бир ўртоғим бошқа бир ташкилотга кириб ўз паспортига яна бир рухсатнома олиб чиқди. Сўнг учов кириб Ленин ва унинг ёнида ётган Сталин вужудини зиёрат қилиб чиқдик.

Икки-уч ҳафта саёҳатда юриб қайтиб келсам, Ҳарбий прокуратурадан укам номига чақириқ қоғози келибди. Укам Арис станциясида докторлик қилар эди. Шунинг учун чақириқ қоғозини олиб ТуркВОба, Ҳарбий Прокуратурага ўзим бордим. Бичков фамилияли ёши уғайиб қолган кўзойнакли полковник (кейин билсам бу киши Туркистон ўлка Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси экан) мени қабул қилиб, рус тилида:

– Бизда отангизнинг исм, фамилияси ва статьяси ёзилган бир рўйхатдан ўзга ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Ҳужжатлар Москвада, архивда сақланади. Бунинг учун биз Москвага, отангизнинг суд делосини талаб қилиб ёзишимизга тўғри келади. Бинобарин, ҳозирча сизга ҳеч қандай қоғоз бера олмаймиз, – деди.

– Майли, талаб қилинглар, кутамиз, – дедим. «Хўп», – деди у менга боқиб. Раҳмат айтиб кабинетдан чиқа бошладим. Эшик яқинига борганимда орқамдан ҳалиги полковник соф ўзбек тилида:

– Бу ёққа қаранг, йигитча, бери келинг, – деди.

Мен у кишининг соф ўзбек тилида сўзлашидан ҳайрон қолиб дедим:

– Кечирасиз, мен ўзбек тилини билмайсиз деб...

– Зарари йўқ, – деди у ва бир турли истеҳзо билан хитоб қилди, – сизларга отангизнинг уй-жойи кераг-у, ўзи керак эмасми? Аъзойи баданим зир этиб, қалтираб кетдим.

– Керак, нега керак бўлмасин...

– Ундай бўлса, – деди полковник, – Туркистон ўлка Ҳарбий Прокуратураси номига отангизнинг жиноий ишини қайтадан кўриш ва оқлашларини сўраб менга тезда бир ариза ёзиб келтиринг, – деди.

Мен ишонқирамай титроқ овоз билан сўрадим:

– Шундай ариза ёзиш мумкинми?

Чунки менда шундай кўникма, яъни Давлат Хавфсизлиги идорасига асло шикоят ёзиб бўлмайди, деган ақида ҳосил бўлиб қолган эди. Чунки бу идора пок бировга ҳақсиз жабр қилмайди. Бинобарин, ёзилган шикоятни улар ўзларига ҳақорат деб билиб, шикоятчини одобсизликда айблаб, ҳатто жазо ҳам беришлари мумкин, деб тушунар эдим. Лагерда шундай ҳолатнинг шоҳиди бўлганман: маҳбус ўзининг ноҳақ ўтирганлиги тўғрисида шикоят ёзади ва олти ойдан сўнг шундай жавоб олади: «Шикоятингиз бўйича жиноий ишингиз қайтадан кўрилиб, ўша пайтларда очилмай қолган бошқа жиноятларингиз ҳам аниқланди ва қамок муддатингизга яна беш йил қўшиб қўйилди».

Ким билсин, узоқнинг иши қийин, балки бу беш йил ҳақли равишда қўшиб қўйилган бўлиши мумкин...

– Мумкин, мумкин, вазият энди ўзгарди, отангиз оқланса ҳам ажаб эмас, – деди полковник ва стол устидаги аризамни олиб менга узатди, – унда манави аризангиз керак бўлмай қолади...

Мен аризамни олиб, ўзимда йўқ севиниб, маст кишилардай юриб чиқар эканман, полковник мени яна тўхтатиб:

– Аризани юристга ёздирсангиз яхши бўлади, – деди.

«Хўп», деб ташқари чиқдим. Бу ҳеч кутилмаган, хаёлга ҳам келмаган ҳодиса эди. Балки, бу ҳазилмикин, найрангмикин? Йўқ, у жиддий гапиряпти... Шундай хаёл, васвасалар билан Пушкин кўчасидаги адвокатлар уйига келдим. Қатор столларда ўтирган юристлардан бирисига қамти ўтириб масалани айтдим. У мени жиддий тинглаб ўтириб деди:

– Бундай ариза ёзиш мумкин эмас! Бу – провокация!

Унинг баланд овозда айтган сўзига бошқа столларда ўтирганлар ҳам қизиқсинишди. Бир-бирларига қарашиб:

– Шундай ариза ёзиш мумкин эканми, а? – деб елка қисишди. Ниҳоят, ҳалиги рус адвокат ариза ёзиб беришга рози бўлди. Эртасига уйимизда қолган-қутган дадамга тегишли баъзи ҳужжатларни келтирдим ва шу ҳужжатлар асосида адвокат катта бир ариза ёзиб, машинкада кўчиртириб берди. Мен аризани дарҳол полковникка етказиб бердим. У ўқиб кўриб: «Ҳа, манави бошқа гап, йигит. Энди кетаверинг», – деди.

Орадан етти-саккиз ой ўтиб кетди. Гўё мен ёзган аризамни айтди-қўйди-да, отамнинг иши кўрилармиди, деб уну-

тиб юборгандай ҳам бўлдим. Қаранги, Ҳарбий Прокуратура унутмабди. 1956 йилнинг феврал ойи охирларида яна чақириқ қоғози олдим. Бордим. Мени Гришченко фамилияли подполковник – Ҳарбий Прокурор қабул қилди. У жуда оддий, хушчақчақ, яхши киши кўринар эди.

– Отангизнинг иши назорат тариқасида қайтадан кўриш учун Москвадан келди. Бу иш билан шуғулланиш менга топширилди, – деди.

Мен раҳмат айтдим.

– Отангиз қамалишидан то шу кунгача йигирма йил вақт ўтибди, иш гўё кўмилиб, унутибди. Энди бу чигал ишни ечмоқ, ойдинлаштирмақ керак. Бу ишлар менга таниш эмас. Энди менга отангизни ва ўша даврларни билсангиз, мени қизиқтирган саволларга жавоб берсангиз, – деди.

Шундай қилиб, Қодирий ким, яшаган муҳити, у кишини биладиган, муносабатда бўлган ёзувчилар, қамокда тергов ишини олиб борган шахс фамилияси ва яна кўп тўғриларда билганларимни гапириб бердим. Гришченко масалага, вазиятга бирмунча тушунди ва кейинчалик ҳам у иш юзасидан баъзан мени чақиртириб турди. Бир гал у менга деди:

– Делода кўрсатилишича, кўп ёзувчилар отангиз ҳақида ёлғон, салбий гувоҳлик берганлар. Мен уларни бирин-бирин чақириб сўзлашяпман. Уларнинг барчаси ҳам «Ўша вақтда мени ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилган эдилар, узр», деб ўз кўрсатмаларини ёзма равишда инкор қилиб кетишяпти. Бу яхши, иш охири сизнинг фойдангизга ҳал бўлишидан дарак беради. Энди биз ёзувчи Ойбек билан ҳам отангиз ҳақида сўзлашмоқчи, кичкина характеристика ёздириб олмоқчи эдик. Лекин у касал эмиш, чақириб безовта қилишни хоҳламадик. Сизга бир хизмат: унинг уйига борсангиз, ётиғи билан масалани тушунтирсангиз ва бизнинг тилагимизни ёзиб берса, келтирингиз...

Мен «Хўп», дедим ва шу куниеқ Ойбеклар уйига бордим, аҳволни ва мақсадни тушунтирдим. У хурсанд бўлиб кетди. Ойбек билан бу галги учрашув дастлабки учрашувдан йигирма икки йил сўнг эди. Разм қўйиб ўтириб ёзувчининг сиймосида шундай тафовут сездим: энди ёзувчининг сумбатдек қомади хийла чўккан, этлари қочиб, гўё суяклари йўғонлашгандай кўринар эди. Момиқдек чиройли юзларига ажинлар тушган,

бир-ярим оқ оралаб мажнунона ўсган сочи устига қўндирилган чуст дўпписи энди унга ярашмагандек эди. Кўз қарашлари, хатти-ҳаракатлари яна-да оҳисталаниб, салобат кашф этган эди. Кечирган асабий хасталиги асорати бўлса керак, унинг сўзларида ҳам тутилиб сўзлаш ҳолати сезилар эди.

Сухбатлашиб ўтириб, Қодирийни эсладик... Ойбек Қодирий билан кўп мулоқотда бўлиб, табиатини бирмунча яхши билар эди. Сўз уриниб, Ойбек: «Абдулла акам ўжар эдилар...» деб кулди.

«Бизда ёмон одат бор – бу келишувчилик ҳақиқатдан юз ўтириб, сен менга тегма, мен – сенга... Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис, мақолига амал қилиш... Ахир, биз оқни оқ, қорани қора, демасак, ҳар мақомга йўрғаласак, ҳазрати Инсонлигимиз қаерда қолади!.. Агар бир безори бир бечорага жабр қилаётган бўлса, наҳотки, «Ҳой!» демай, «Менга тегмаса бўлди-да», деб ўтиб кетавериш ёки бир одам кўзингга бақрайиб туриб ёлгон сўзлаётган бўлса, «Сеники тўгри», дейиш ва ёки сукут қилиш керак», дердилар Қодирий...

Ойбек балки Қодирийнинг шунингдек хислатларини назарда тутиб «ўжар эдилар» дедими?..

Ойбек мазкур хатни эртага тайёрлаб қўймоқчи бўлди. Эртасига маълум вақтда келсам, Ойбек уйда йўқ кўринди. Зарифа опа чиқиб айвон устунига қистириб қўйилган очиқ хатни олиб берди. Мен раҳмат айтиб, кўчага чиқиб хатни йўлакай ўқиб кетдим. Хат қўлда сиёҳ билан орқа-ўнг бир ярим бет, фикрлар ижобий, лекин эҳтиёткорлик билан ёзилган эди...

Шу куниеқ хатни элтиб топширдим.

– Бугун мен ёзувчингиз Иззат Султонни чақирдим. – Сиз илгари анчагина иш кўрсатган экансиз, деганимни биламан, «Э-э, қўйинг у гапларни, нега чақирган эдингиз?», деб менга давара қила кетди. Мақсадни айтдим. У ҳам ўзининг аввалги салбий кўрсатмаларидан қайтди, яхши характеристика ёзиб берди, – деди полковник Гришченко ва кулди, – бу дейман, ҳамма ёзувчилар ҳам сиёсий идора аъзоси бўлаверган эканда... Мана, мен отангизни тергов қилган татар Тригуловни ҳам чақириб сўзлашдим. У ҳозир 84-заводда уста ёрдамчиси бўлиб ишлар экан. Тригулов етти қогоз изоҳнома ёзиб берди. Унда: «Дарҳақиқат, биз Абдулла Қодирийга нисбатан (менимча, фақат Қодирийга эмас, барча маҳбуслар учун ҳам – Х.К.) бўл-

ган тергов қонун-қоидаларини қўпол равишда бузганмиз. Кўп нарсаларга мажбуран қўл қўйдирганмиз. Абдулла Қодирий рус тилини билса ҳам баъзи юридик ва сиёсий сўзларнинг туб маъносига тушуниб етмас, шу боисдан ўз жиноятининг оғирлашувини билмаган ҳолда ёзган тергов-сўроқ протоколларимизга қўл қўйиб бераверар эди», деб ёзган Тригулов. Фақат ана шу кўрсатманинг ўзигина отангизни оқлашга гаров бўла олади...

Полковник Бичков ва подполковник Гришченко ўртоқлар оққўнгил, раҳмдил, шафқатли кўринар эдилар. Бир кун мен уларга ўз «сирим»ни очиб айтдим, яъни ўзим ҳам ўн йил сиёсий маҳбуслиқда бўлиб қайтганимни сўзладим. Улар менинг бу сир сақлашимга ажабланиб, ранжиб кулишди ва дарҳол ўзимнинг ҳам ишимни қайта кўришлари ҳақида ариза ёзиб келишимни буюрдилар.

Полковник Бичков Сталин ҳокимияти ваҳшатларидан нафратланиб, бир даҳшатни сўзлаб берди:

– Бир кун менга кекса бир аёл ариза кўтариб келди. Аризада аёл эрининг (20-йиллар охирида бўлса керак – Х.К.) ҳақсиз отилганлигини, ишини қайтадан текшириб оқлашларини сўрайди. Мен ариза бўйича унинг делосини топтириб танишиб чиқдим. Аёлнинг эри Туркистон Ўлка ППУсининг махсус ишлари бўйича бошлиғи бўлган экан.

Терговчи айбдор ППУ бошлиғини:

– Сен махсус давлат топшириғини бажармадинг! – деб айблайди.

Айбдор жавоб қилади:

– Ахир менга Туркистон ўлкаси бўйича 80 минг одамни қамаб, отишга буйруқ берилган эди. Мен бу буйруқни тўла бажардим-ку!

Сталиннинг бундай қонхўрлик қилиб, из йўқотиш усуллари ҳақида ҳисобсиз мисоллар келтириш мумкин.

* * *

Дадамнинг ишини қайта текшириш охирлаб борар эди. Бир кун подполковник Гришченко аста бош қимирлатиб деди:

– Отангиз ҳақида, унинг ёзган асарлари тўғрисида энг охириги машъум, фожиали характеристика ва шоҳидлик ўша вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлган Холмат

Қурбонов¹ билан Насрулла Охундийлар² тарафидан берилган... Улар ишончли раҳбар ходим бўлганлар-да...

Одатда, тергов тамом бўлгач, терговчи барча ёзилган сўроқ-жавоб материалларини тартибга солиб, тикиб, муқова-лаб маҳбусга беради. Маҳбус эса делони бир йўла тўлиқ ўқиб чиқиб, охири бетга сўроқ-терговдан рози ёки норози эканлигига қўл қўяди. Шундан сўнг, иш судга оширилади...

Гришченко менга деди:

– Араб ҳарфида ёзилган хатни ўқий оласизми?

– Ҳа, – дедим.

У стол устида турган қалинлиги тўрт-беш энлик қора муқовали дадам делосининг охири варағини очиб кўрсатди.

Унда кўк сиёҳда арабча ёзилган дадамнинг менга таниш дастхати бор эди:

«Ушбу қарор менга эълон этилган (ўқудим) бунда кўрсатилган айбларга рози эмасман ва бўйнимга олмайман!

Абдулла Қодирий.

Мен дастхатни ўқиб таржима қилиб бердим. Гришченко кулиб таржимамнинг тўғрилигини тасдиқлади ва дадам дастхатининг орқа варағини очди. Унда мен таржима қилгандай, айнан русча таржимаси ёзилган эди.

Менинг «жиной» ишимни қайта кўриш, оқлаш ишлари ҳам қизғин бошланиб кетган эди. Бир кун подполковник Гришченко мени прокуратурага чақирди. Кабинетга кирсам, Виноградов ўтирар эди.. Гришченко менга ўтиргани жой кўрсатар экан: «Танийсизларми, бир-бирларингизни?..» деди кулиб.

Мен Виноградов билан саломлашмадим, кўришмадим... У энди аввалги шахтидан жуда тушиб қолган эди. Орган ишларидан бутунлай қувилиб, бир ҳол эски солдат кийимини кийган, Фарғонадаги бир заводда бригадирлик қилар экан. Гришченко

¹ Айтишларича, Х.Қурбонов Жиззах педтехникумида хўжалик мудир, Тошкентга келиб партия ходими, Ёзувчилар уюшмасининг раиси, маорифчи, ЎзКомпартия тарихи институтининг директор ўринбосари бўлиб ишлаган. Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эмас, адабиёт-ёзувчилик ишларидан мутлақо узоқ, илмий унвонсиз шахс бўлган.

² Н.Охундий шеър, очерклар ёзган, уюшма аъзоси, асосан таржимонлик ва нашриётчилик ишлари билан шуғулланган.

бизга баъзи саволлар бериб, масаланинг ёритилмаган жойларини аниқлаб қўл қўйдириб олгач, мен Виноградовга дедим:

– Сизнинг барча жиноятларингизни кечириш мумкин, аммо учтасини халқ сира-сира кечирмайди. Бу жиноятларингиз: «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларининг қўлёзмаларини йиртиб ёқиб ташлаганингиздир. Шундай бебаҳо нодир қўлёзмаларни ёқиб юбориш Совет қонунида зўр жиноятдир ва сизнинг ўқимаган, саводсиз, ваҳший-лигингиздан бир далолатдир. Халқ, айниқса Фарғона халқи (чунки романлар ўшалар тарихидан ёзилган) сизнинг бу жиноятларингизни билса, эшитса, эски одатимиз бўйича тошбўрон қилишлари мумкин...

Виноградов миқ этмай ерга боқиб ўтирар эди. Гришченко:

– Жавоб беринг, жабрланувчининг даъвоси ҳақ. Онгли инсон ҳеч маҳал қимматли ҳужжатларни, гарчи у сиёсатга зид бўлса ҳам, ёқиб юбормайди. Қоида бўйича хат-ҳужжат ёзиб, архивга топширишингиз керак эди, – деди.

– Биз акт тузганмиз...

– Ўзингизга ўхшаш тўртта онгсиз, саводсизлар акт тузгансизлар-да. Сизлар умуман кўпларнинг жонига, ҳатто мол-мулкига акт тузгансизлар... Қайси жабрланувчи билан сўзлашмайин, айниқса, сиздан кўп заҳмат чекканлигини айтади. Дадамни қамагани келганларида маҳалла комиссияси билан уйимизга кирган эдилар... Аммо сиз шу қадар кибри ҳаволаниб кетган эдингизки, бундай қонуний расмиятларга тупурган, гўё ўзингизни Ўзбекистоннинг «худо»си деб ҳис қилардингиз. Кўнглингизга нима хоҳиш келса, шуни қилаверар эдингиз. Хайр, энди бу гаплар фойдасиз. Уйимдан тинтув чоғида олган «Атлас командири» китоби қани?

– Мен уйингиздан ундай китоб олмадим. Мана, акт қоғозида фақат деворий географик харита ёзилган.

– Бу актни мен эмас, ўзингиз хоҳлаганингизча қилиб тузгансиз... Мен умримда биринчи марта қамоққа кетар, ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Нимани ёзсангиз қўл қўйиб бераверганман. Ўша куни девордан болаларнинг географик харитасини кўчириб олаётганингизда «Бу харита унга нега керак бўлди экан?» деб ҳайрон бўлган эдим, ваҳоланки хаританинг орқа-ўнгида ҳеч қандай ёзув-чизув йўқ эди... Энди билсам, кўзингиз ўшанда жуда узоқни кўрган, вақтики келиб даъво қи-

линса, актдан ўттиз тийинлик харитани «Мана», деб кўрсатиб, магазинда юз сўм турадиган китобни ўзлаштиришни кўзлагансиз. Бу китобни мен бир ўзим сотиб олишга қимматлик қилиб: кўшни ўртогим, ҳамкурсим Азим Аҳмедов билан шерикликка сотиб олган эдим. «Атлас командири» китобим кабинетингизда узоқ вақт турди. Мен уни ҳар гал терговга чақирганингизда столингиз устида кўрар эдим. Мен бу билан сиз фақат терговчигина бўлмай, тухматчи, муттахам, ёлғончи, ўғри эканлигингизни ҳам таъкидламоқчи бўламан...

Мен подполковник Гришченкодан Виноградовни судга беришларини талаб қилдим. Бироқ Виноградов ўн-ўн беш кун ичида Фарғонадан қаёққадир кўчиб кетганини айтишди...

1956 йилнинг июн ойларида дадам ишини қайта текшириш ишлари тугади ва у Москвага, Собиқ Иттифоқ Бош Прокурорига тасдиқлаш учун юборилди. Бош Прокурор ҳам ишнинг ҳақ – адолатли ҳал қилинганлигини тасдиқлаб, уни қайта кўриш учун Иттифоқ Олий Судига оширади. Бироқ Олий Судда бундай кўриладиган ишлар кўп бўлганлиги учун бир оз навбат кутишга тўғри келди...

Бир кун прокуратурага борсам, полковник Бичков:

– Марказқўм котиби Муҳиддинов отангизнинг иши билан қизиқяпти. Биз тегишли жавобни бердик. Чамаси, яқинда бўлажак зиёлилар съездида отангиз ҳақида бирор гап бўлса керак, – деди.

Дарҳақиқат, ўша кезларда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи (аслида учинчи – Х.Қ.) съездини ўтказиш учун тайёргарлик борар эди. Гарчи бу хайрли иш мени обдан қизиқтирса-да, бироқ «кишт» текканлардан бўлганим учун уни фақат йироқдан кузатдим. Шундай қилиб, 1956 йилнинг 11 октябрида Тошкентда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Нуриддин Акрамович Муҳиддинов катта нутқ сўзлади.

Ёшлиқдан бирга ўсган кўшним, Тошкент Медицина институтида ўқиган дўстим Тоир Олимжонов ўша вақтларда Тошкент вилоят Оҳангарон туман марказий касалхонасида бош врач бўлиб ишларди. У шундай ҳикоя қилади:

– Зиёлилар съездига Оҳангарон туманидан икки киши делегат бўлиб келдик. Съезд Свердлов конферт залида бўлиб, Ну-

риддин Акрамович егги соат нутқ сўзлади. Куннинг иккинчи ярмида, танаффусдан сўнг, у ўз нутқини маориф, маданият, адабиётга бағишлади. Нуриддин Акрамович, жумладан, нутқидан шу сўзларни айтди (бу сўзларни биз ўша кунларда босилган «Қизил Ўзбекистон» газетасидан айнан кўчирдик – Ҳ.Қ.):

«Ўртоқлар, ўзингиз айтинг, Навоий асарларидан сўнг то шу даврга қадар Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари каби қўлма-қўл бўлиб келган бирон китоб борми? Абдулла Қодирий – Жулқунбой каби машхур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдулла Қодирий – Жулқунбойни оқлаш ва унинг асарларини қайтадан нашр этиш керак!»

– Биласизми, – деб давом этди дўстим Тоир Олимжонов, – Нуриддин Акрамович бу сўзни айтганда залда гулдурас қарсақлар, ўкраб йиғлашлар бошланиб кетди. Чунки, Нуриддин Акрамович ҳамманинг дилидаги, лекин шу чоққача тилида айта олмаган гапни айтган эди. Барча ўкради. Нотиқ ҳам «майли, обдан кўнгили бўшатиб олишсин» дегандай сўзини анча вақт, ўн беш-йигирма минут тўхтатиб турди. Менинг ёнимда Госпланнинг раиси Зиёдуллаев ўтирар эди. У ҳадеб йиғлар, дастрўмоли билан дам-бадам кўз ёшини артар эди. Ниҳоят, зал тинчигандек бўлди, нотиқ сўзини давом эттирди.

Съезддан сўнг катта концерт берилди. Соат тунги ўн иккилардан ошганда концертдан чиқдик. «Бугун бориб бир ойманинг ёнида ётай, эртага барвақт Оҳангаронга жўнаб кетарман», – деб Самарқанд дарбозасига жўнадим. Машина, автобус йўқ. Чорсуда трамвайдан тушиб аста пиёда Сузукота маҳалласи орқали уйга кета бошладим. Кўнглим «бу хушxabарни бировга айт» дегандай ошиқтиради. Бироқ, айтишга кўчада ҳеч зог йўқ. Сузукотадан Чақар маҳалласига ўтсам, олдимда қўлтиқ таёқни дўқиллатиб Азим чўлоқ кетяпти (Азимбой ҳам бизга тенгқур, қўшни, уруш қатнашчиси, савдо ходими – Ҳ.Қ.). Кўришиб-сўрашиб, йўлимизда давом этдик. Мен чидаб тура олмай янги хабарни батафсил айтиб бердим. «Нима деяпсан, ростданми?!» деди у тўхтаб ва бирдан йиғлаб, мени кучиб, ўпа бошлади. Иккимиз ҳам худди ўз отамиз, ўз халқимиз оқлангандай хўнграб йиғладик. Шу ҳолда сўзлаша-сўзлаша уйингиз қаршисига бориб тўхтадик. Азимбой: «Юр, Ҳабибулларникига кирамиз, суюнчи оламиз», – деди.

– Мен чарчаганимни, эртага барвақт ишга жўнашимни айтиб, уйга кириб кетдим. У бу хушxabарни етказгани уйингизга бурилди...

Мен шу кун уйда йўқ, Чинозга кетган эдим. Эртасига кечқурун келиб, севинчли хабарни эшитдим. Шу кунги «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарида ва «Литературная газета»да (Москва) Иттифоқ Олий Судининг ҳарбий коллегиясида машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий – Жулқунбойнинг жинорий иши қайтадан кўрилиб, айблов ҳукми бекор ҳилинганлиги тўғрисида махсус хабар эълон қилинди. Бу хушxabарни эшитган қариндош-уруғ, маҳалла, ёру дўстлар бизни табриклагани уйимизга тинимсиз кела бошладилар.

Шундай қилиб, Қодирий 1956 йил 9 октябрда ва мен 1957 йил 27 апрелда оқландик.

Оқланган куннинг эртасига бўлса керак, «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарида ёзувчининг ижодий меросини ва унга тегишли бўлган шахсий буюмларни тўплаш, асарларини босмага тайёрлаш тўғрilarида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида комиссия тузилганлиги эълон қилинди ва шу муносабат билан уюшмада комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлди. Албатта, йиғилишда нима масалалар кўрилганлигини сўзлаб ўтириш мавзуимизга сиғмас. Кабинетда Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Раҳмат Мажидий, мен ва яна кимлардир ўтирамыз. Яна кимнингдир келиши кутилади, ундан-мундан сўзлашамиз. Абдулла Қаҳҳор мендан сўради:

- Дадангиз «Ўткан кунлар»ни неча ёшда ёзганлар?
- Йигирма етти-йигирма саккиз ёшларда.
- Буни қаранг-а, қандай талант, – Абдулла Қаҳҳор ажабланиб, – биз шу ёшга кириб ҳали шунга ўхшаш бирор асар ёза олмамиз...

Энди бир неча оғиз сўз Қодирийнинг вафоти ва сўнгги ҳаёти тўғрисида: 1938 йилда «Абдулла Қодирий вафот этибди» деган хабар тарқалгач (бу тўғрида юқорида ҳам озгина сўз бўлган эди), бир кун ТуркВО прокуратурасига кириб, дадамнинг жинояти, аҳволи ва ўлик-тириклиги тўғрисида бир ҳарбий кишидан (прокурор бўлса керак) оғзаки сўраганим ёдимда (улар умуман ёзма жавоб бермас эдилар). Шунда у столи ёнидаги қутилардан бир папка олиб нималарнидир ўқиди. Мен узоқдан кўзим қирини ташладим. Унда нима учундир баъзи ёзувлар та-

гига қизил қалам билан чизилган эди. У шундай жавоб қилди: «Отангиз тирик, жинояти: халқ душмани, аксилинқилобчи, ўн йилга ҳукм қилинган, уй алоқасидан маҳрум, омон бўлса бир кун ўзи келади».

Бу жавоб ҳар ҳолда дадамнинг тирик эканлиги жиҳатдан мени қувонтирган бўлса ҳам, ташқи дунё алоқасидан маҳрум этилганлиги мени чуқур ўйлатиб қўйган эди. Кўнглимда дадамга нисбатан қандайдир умидсизлик, эндиликда шикоятлар ёзишдан бирор фойда чиқишига ишончсизлик пайдо бўлган эди.

Бунинг устига яқин-яқин кунларгача ҳам Қодирий ҳақида турли миш-мишлар, масалан, у очлик эълон қилиб ёки бошини тош деворга уриб ўлган эмиш, деган овозалар эшитилиб турарди. Ҳаммадан кўра қамоқдан чиқиб келган турли кишиларнинг «Мен Соликамскийда дадангиз билан бирга бўлдим, у кишини ўз қўлим билан кўмдим», «Мен Колимада бирга ўтирдим, салом айтиб юбордилар», «Мен у кишини Хатангида кўрдим, соқол-мурт қўйиб юборганлар, ҳамма ҳурмат қилади, бакда чой қайнатиб иссиқхонада ўтирадилар, ёзган китобларидан ҳикоя қилиб берадилар. Менинг озод бўлишимни билиб, Тошкентга қўнсанг, уйимга хабар айтиб ўт, дедилар!» ва шунга ўхшаш хабарлар бизни ажаблантирар эди.

Мен бу хабарларнинг биронтасига ҳам ишонмас, суҳбатлашиб, уларнинг сўзида ҳақиқат йўқлигини сезар ёки ўша «Абдулла Қодирий»нинг ясамалигини, кимдир биров ўзини Жулқунбой қилиб танитганини фаҳмлар эдим.

Бу хотирани ёзарканман, бундай бир-бирига тўғри келмаган чалкаш хабар, маълумотлар, ҳатто 1987 йилгача жамоатчиликнинг қизиқиб менга кўпинча берган саволлари, бу масалани жиддий ва расмий равишда аниқлашга, тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур этди. Давлат хавфсизлик комитетидан маълум қилишларича, Абдулла Қодирий – Жулқунбой 1938 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Жиноят кодексининг 57 ва 66-моддаларига биноан СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси тарафидан суд қилиниб, энг олий жазо – отиб ўлдиришга ҳукм этилган ва ҳукм қатъий – шикоятга ўрин бўлмаганлиги учун ҳукм ўша куниёқ ижро этилган...

Демак, англашиладики, бизга берган аввалги жавоблари ёлгон, яъни бизни ва жамоатчиликни тинчлантириш учун ай-тилган...

Бечора дадам... «Менинг ҳеч гуноҳим йўқ», дер эдилар-а. Менимча, дадам ҳукм чогига қадар ҳам отилишларини гумон қилмаган бўлсалар керак. Ҳукм эълон қилингандан то ижросига қадар қай аҳволга тушдилар экан?!

Миллионлаб сара инсонларни ноҳақ ўлдирган ваҳший, қонхўр, разил, қабих Берия отилиш чоғида тиз чўкиб ерга бош урган, ялиниб-ёлворган, шафқат сўраган... У ярамаснинг ҳақ ўлимига ҳеч кимса ачинмайди. Аммо қонхўрнинг ўлим олди-дан ўзини шундай қўрқоқ, номард, пастарин тутганига киши нафратланади, аччиғланади. Олдин пичоқни ўзингга ур, оғри-маса бировга, дейди доно халқимиз.

Лекин Қодирий ундай номардлардан эмас эдилар. У киши ҳақиқат фидойиси, қўрқоқ, мунофиқлар душмани, асло ўлимдан қўрқмагувчи олижаноб инсон эдилар. «...Мен ҳақиқат йўлида жазодан, қийноқдан қўрқмайман, агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман. Фақат, ўқ ботган чоғда кишида бир лаҳзаллик қийналиш, беҳузурлик бўлади, холос...» дер эдилар баъзан оилавий суҳбатларда гап уринганда.

* * *

Мен Қодирий жасади кўмилган жойни аниқлаш, қабрини тиклаш борасида ҳам мўътабар идораларга, билимдонларга кўп мурожаат қилдим. Афсуски, улар бу ҳақда ҳеч нарса дея олмадилар. «Отангизнинг отилганига қарийб эллик йил бўлибди, афсуски, ҳукм қаерда ижро этилган, қаерга кўмилган, бу тўғриларда на делода ва на бошқа ерда бирор из қолмаган, қайд этилмаган, биладиганлар эса ўлиб кетган», деб жавоб қилдилар. Ким билсин, балки шундайдир, бу иш ҳам атайлаб қилингандир. Агар халқ Қодирий кўмилган жойни билиб олса, у ерни зиёратгоҳ қилишларидан чўчигандирлар ёки яна бошқа сабаблар бордир.

Тоғаларимнинг иккита боғлари бор эди. Бириси, Шиблидан сал нарида – Лайлақобод маҳалласида, иккинчиси – Яланғочда. Иккиси ҳам обод мевазор, экинзор эди. Болалик чоқларимда 30-йилларга қадар ёз ойларида уларнинг боғларига чиқиб ярим-бир ойлаб туриб, ўйнаб қайтар эдим. Баъзан Асомид-

дин тоғам мени ўйнатиб Чимкент йўлига томон олиб борарди. Унда, кўп юрмасдан, темир ва бетондан қурилган қизил бўёқли катта бир кўприк бор эди. Негадир халқ бу кўприкни «Алвасти кўприк» деб атар, кўприк тагидан поезд ўтар, устидан эса от-аравалар қатнар эди. Тоғамдан: «Нега алвасти кўприк дейдилар?» деб сўраганимда, «Бунда жин-ажиналар кўп бўлади. Ҳов, анави тепаликда алвасти сочини ёйиб ўтирар эмиш, у ерга бориб бўлмайди», деб қўрқитганлари ёдимда. Дарҳақиқат, тоғам айтганларидек кўприкдан ўтгач, йўлнинг сўл томонида ўпирилган, чўккан катта-катта тепалар, унинг орқа томонида эса жаҳаннамдек тик жар – чуқурликлар бўлар, атрофида ҳеч кимса яшамас эди.

Қай бир вақт тоғам худди ўша баландликларни кўрсатиб, паст овоз билан «Ана шу тепаликка чиқариб одамларни отишадди, ўлик орқадаги жарга қулайди...» деганлари ва мени титроқ босгани ёдимда...

Айтишларича, 1937 – 1938 қатагон йилларида отишга ҳукм қилинганларнинг ижроси ана шу ерда бажарилган. Энди-чи, ҳукм қилинганлар ҳам, ижросини бажарганлар ҳам – барчаси ер тагида ётибдилар, битта-яримта қолганлар эса навбат кутадилар... Тепаликлар текисланиб, жарликлар тўлдирилиб унут бўлиб кетган. Фақат нозик кўнгилларда совуқ, аччиқ бир хотирагина сақланиб қолган, холос.

Қодирий: «Жасадимни ўзим қурган шийпон қаршисига қўйишларини васият қилиб қолдираман», – дер эдилар.

Тошкент шаҳар Хўжа Аламбардор қабристонига хилхонамизда дадамизга атаб бир қабр кўтарганмиз, тош ўрнатганмиз. Қодир бобом, Жосият бибим, Раҳбар ойим, Раҳимберди, Қудратилла амакиларим ва бошқа яқин қариндош-уруғларимиз ҳам шу ерга дафн этилган...

ОИЛАДА

(Хотима ўрнида)

Маънавий ҳаёт баъзи оилада енгилроқми, бачканароқми, хар ҳолда, саёзроқ кечади. Ота-она ва бола ўрталарида муомала-муносабат қандайдир чекланмаган каби бўлади. Ота болага, қиз онага, қайси соҳада бўлмасин, бемалол сўзланади, ҳа-

зил-мутойиба қилинаверади. Дейилган сўз, ҳазил-мутойибада мантик, одоб-иффат чегараси борми, йўқми, барибир, хо-хо-хо кулги бўлаверади...

Демоқчиманки, бизнинг оилада ўшандай ҳолатлар кўрилмас эди. Ҳамма гап-сўз, муомала-муносабат маълум меъёрда, ўлчовда эди. Масалан, оилавий суҳбатда, болалар олдида, ҳеч вақт катталарнинг ички ҳаётига доир гаплар сўзланмас, агар сўзланиш тақозо этилса, биз – болаларни ўйнаб келишга буюришар эди...

Дадам, юқорида бир қадар сўзлаганимдек суҳбатда бўлмасин, умуман, ғийбат, гина, ёлгон, чақимчилик, иккиюзламачилик, бачкана чистончилик, маҳмадоналикни асло ёқтирмас эдилар. Шундай ҳолларга дуч келиб қолсалар, у кишининг энсаси қотиб, чаккаси тиришиб, қийналиб ўтирганларини кузатиш, сезиш мумкин эди. У киши беғубор, бегидир, содда муомала – суҳбатни хоҳлар, «Суҳбатни қизитиш учун муболаға, мутояба бас-да...», дер эдилар кимдандир аччиғлансалар.

Оилада ҳам, бошқа ерда ҳам ўзини жуда босиқ, кенг, бемалол тутар; катталиқ, димоғдорликни билмас; аммо қўл қовуштириб, жуда камтарлик ҳам қилмас; гўё «сизга – сиз, сенга – сен» қабилида муносабатда бўлар эдилар.

Табиий, болалиқ уй шўхлик – жанжалсиз кечмайди. Шўхлигимиз баъзан чекидан ошганда бибимми, ойимми, таом чоғи дадамга мурожаат қилардилар:

– Ҳабибулла бугун фалон қилди, одоб бериб қўйинг...

Бундай кезларда дадам бир хўмрайиб қўйсалар-да, кўпинча парвосиз, гапни кулгига бурар эдилар:

– Одоб бермайман...

– Нега, энди?..

– Негаки, Ҳабибулла менинг ўғлим... Менинг болаларимдан одобсиз, ёмон киши чиқиши мумкин эмас.

Дадамнинг бу «мағрур – манман» сўзлари бибимга ёқмас эди.

– Нима, сен осмондан оёқ узатиб тушганмисан ё фариштамисан?

– Йўқ, – дер эдилар у киши яна кулиб ва аста жиддий тус олардилар. – Чунки мен ёмон киши эмасман, болаларим, койисам-койимасам, менга ўхшашлари керак. Мен уларни ҳалол меҳнатдан боқаётирман; бунда хосият кўп, ойи...

Дадамнинг бу ақида – «фалсафа»си билмадим, бошқаларда қандай таъсир қолдирган, аммо менинг юрагимнинг энг чуқуридан жой олган. Ҳамон виждоним қаршисида ана шу «фалсафа» кўндаланг туради: отам софдил, покиза ният, беозор, ёлғон сўзламаган, киши ҳақиға хиёнат қилмаган, ҳалол меҳнати туфайли сабаби вужудимиз бўлган инсон эди.

Албатта, бундан «Қодирий болаларини ўз хоҳишига ташлаб қўяркан», деган хулоса чиқариб бўлмайди. Дадам бизни оилада ҳам, ташқарида ҳам аста таъқиб-терговда тутар, лекин сира қуруқ насихатгўйлик қилмас, йўсини билан ҳалигидек «икки оғиз» маънолик гап айтар, шунинг ўзи бизга «ҳам ош, ҳам нон» бўлар эди...

– Ада, менга китоб олишга пул керак.

– Хўп, қанча?

– ...

– Яхши, – деб сўраганимни берар эдилар. Бироқ бундан пулни осонгина олиб кетди, деб ўйлайсизми? Йўқ, кечқурун қақариб сўрар эдилар:

– Китоб олдингми?

– Олдим.

– Қани, келтир.

Мен китобларни келтириб олдиларига қўярдим. Муқовасидаги баҳосини ҳисоблаб чиқар эдилар.

– Қолган пул қани?..

Дадам менга фақат биргина морознийга рухсат этар, қолганини қайтариб олар эдилар. Мактабга кетишимда ҳам пулни жуда ўлчовли, трамвайга ва бир-икки стакан сувга лойиқ берар, пешинлик овқатни-ку, уйдан папкама солиб олишга буюрар эдилар. У кишининг бизга нисбатан бунчалик сиқиқ бўлишидан бибим гоҳо ранжирди:

– Болага меҳринг жуда қаттиқ, Абдулла...

– Гап қаттиқликда эмас, ойи, пулга ўргатмасликда, пул болани бузади... – дер эдилар жиддий ва ўз «қоида»ларини давом эттиравардилар.

Дадам кийим-кечак важдан ҳам бизни ортиқча сийламас, эл-юрт қатори кийинтирар эдилар. Бир вақт ҳали теварагимизда расм бўлмаган чоқда, мен велосипед ҳавас қилиб қолдим. Табиий, велосипед олдиришга бибимни воситачи қилдим. Шунда дадам дедилар:

– Велосипед олиб беришга оқчам бор, лекин олиб бермайман.

– Нега, болам?

– Айтинг-чи оёи, ён-веримизда кимнинг боласи велосипед минаётир?

– Биров билан нима ишинг бор?

– Тушунмайсиз оёи, кўпчилик билан баробар бориш керак, Ҳабибулла велосипед минса, бошқа болаларнинг кўнгли ўксийди, кўшнилар уйда жанжал бўлади, сиз-мендан улар ранжийди...

Дадам бизни кинотеатр, ўйин-кулгига ҳам ҳисобли юборар, юборишдан олдин, албатта, кимлар билан кетаётганимизни ва уларнинг қандай шахслигини аниқлар эдилар...

Мен хотира ёзаман... Эҳтимол, Қодирийнинг бу хил оила тарбия ақидалари ҳозирги кунимизга жилла ҳам ётишиб тушмас. Мен у вақтларда Қодирийнинг бизни бунчалик тергаб тутишларидан эҳтимол хафаланган бўлсам ҳам ҳозир дадамнинг у хислатларига фақат раҳмат айтаман...

СЎНГСЎЗ

Ўзбек романчилигининг буюк бобокалони таваллудига 124 йил бўлибди. У кишининг инсонийлиги, эркпарварлиги, миллатпарварлиги, ижодининг беқиёслиги, бир сўз билан айтганда, барча улуғларга хос фазилатлари ҳақида жуда кўп адолатли таърифлар айтилган.

Беихтиёр, Қодирий ҳам бугунги кунларни кўрса эди, деб армон қиласан киши. Бобомиз ва унинг сафдошлари бу кунларни қандай кутиб олар эди?..

Дарвоқе, армон... Армон – ушалмаган эзгу ниятнинг фарзанди. Ҳазрат Навоий Юсуф ва Зулайҳо ҳақида туркий тилда дoston ёзиш нияти борлигини айтган экан. Абдулла Қодирий ҳам «Амир Умархоннинг канизи» ва «Намоз ўғри» номли тарихий романлар ёзишни ният қилиб, улар учун материаллар тўплагани ҳақида ўқиб ўтдингиз.

Бир куни дадамдан: «Отангизни олиб кетишгандан кейин уйда қолган китоб қўлёзмаларини, ўша ёзмоқчи бўлган «Амир Умархоннинг канизи» романи материалларини нега бошқа бирор жойга олиб бориб яшириб қўймагансиз?» деб сўраганимда, у киши чуқур хўрсиниб: «Улар энди бизникига бошқа келишмайди, деб ўйлабман. Агар билганимда эди...» дегандилар.

Дадамнинг ва Музайяна Алавиянинг хотираларидан маълум бўладики, «Амир Умархоннинг канизи» романи адибнинг ниятида бадий жихатдан «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»дан кўра янада юксак бўлиши кутилган асар эди. Шу сабабли ундаги канизак образи Кумушдан ҳам гўзалроқ, жозибалироқ тасвирланиши лозим бўлади. Ҳозир ўзбек романчилигида Кумушдан латифроқ образни тасаввур қила олмаймиз. Кумуш ўзбек қизининг гўзаллиги, оқилалиги, ҳаёси, ибоси, севгию садоқати рамзига айланиб кетган. Исломий таълимотда Аллоҳ таоло барча кўркни юз улуш қилиб, тўқсон тўққиз фоизини Момо Ҳавога, қолган бир улушини яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф а.с.га, қолган бир улушинигина одамларга берди, дейилади. Балки Қодирий ҳам бир адиб сифатида Тангри берган қалбидаги гўзалликнинг тўқсон тўққиз фоизини ана шу ка-

низак қиёфасида кўрмоқчи бўлгандир. Балки ана шу мураккаб вазифа роман ёзилишини кечиктиргандир.

Афсуски, биз гўзаллик ва унга кишиларнинг турлича муносабатлари, унинг инсон, халқ тақдирига таъсири янада латиф, янада бадиий юксак тасвирлангучи асардан махрум бўлганмиз.

Балки, адиб ўзига ҳаддан зиёд талабчан бўлмаганда, ҳар бир сўз устида машаққат чекмаганда, бу роман ёзилиб қолармиди.

Мен яна бир куни дадамдан сўрадим: «Обид кетмон»дан кейин икки-уч йил вақт ўтибди. Ўзингиз айтгандек, материал маълумотлари ҳам, шакли ҳам деярли тайёр экан, келажакни ўйлаб нега ўша романни ёзиб қолдирмаганлар?

У киши ётган жойларида бир оз узоқларни ўйлаб қолдиларми: «Ким учун ёзарди?» – дедилар... Бир оздан кейин кетидан: «Балки шу кунларни келишини билганида ёзиб қолдирармиди?» деб қўшиб қўйдилар. У киши ҳам, мен ҳам бошқа ҳеч нарса демадик. Дадамнинг айтишларича, ўша охириги йилларда дадалари деярли кўчага чиқмас, уйда қолган эканлар...

Яна бир қайд: кейинги йилларда камолга етган авлод бир пайтлар, аниқроғи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1930 йил 275-сонида: «Билим юртларимизнинг баъзи бирларининг «ҳожат»хоналарида кўринадурғон «нафис адабиётлар», «ваҳималик карикатуралар» эса мешчанлик, обивателликнинг турмушда акс этган қабих манзарасидир. Буларни суғоратурган тарихий чашма Фарҳодлар, Мажнунлар, Лайлилар, Ширинлар, Отабек, Мирзо Анварлар ва Кумуш билан Раънолардур...» каби сўзлар ёзилганига ишонмаса ҳам керак.

Афсуски, Қодирий сарбонлик қилган Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойм, Мирзакарим қутидор, Кумуш, Мирзо Анвар, Раъно ва ҳоказоларнинг карвони шаънига бундан ҳам баттарроқ сўзлар айтилган, бундан ҳам қаттиқроқ ҳурганлар.

Бу сўзлардан мақсадимиз адибнинг ижоддаги режа ва орзуларини бир эслаб ўтиш, Улугимизнинг орзулари ҳам абадиятга тааллуқлилигини, унинг асарлари итлар ҳурсалар ҳам мангуликка кетаётган карвон эканлигини қайд этишдир.

Баъзан дадам ёстиққа ёнбошлаб ёта туриб, «Меҳроб»дан ўқи-чи, деб қолар эдилар. Менга, айниқса «Янги ҳунар» боби ёқар эди. Бу бобни ўқишни бошлаганимдаёқ дадамнинг ҳорғин, ўйчан чехралари очилиб, Махдумнинг ҳовлида туриб олиб қилаётган қилиқларидан, гапларидан кула бошлар эдик.

«Тамаъ ўзи кўп мазмум суфат... Чунончи, аzza ман қанаъ, залла ман тамаъ... Отаси марҳум ҳам беҳад таъмакор эди. Ит еганини қусиб, ўғли ундан ҳам расвороқ чиқибдир. Бу авлоднинг каттадан кичиги бир-биридан баттар... Муфт ариза ёздирибсан, кетабер. Яна бу ўртада зиёфат ба чи маъни?!»

Шу жойларини ўқиётганимда эса гўё Махдум бу таъналарни шу ҳовлимизда гапириб келаётгандек, уни кўриб туриб қўлимдаги китобни ўқиёлмас эдим.

Дадам эса қаҳ-қаҳ уриб эмас, сезиб турибман, Махдумнинг ҳолатини томоша қилиб туриб ич-ичларидан, яйраб-яйраб, кўзларидан ёшлар оқиб кулар эдилар. Мен ўқиёлмас эдим...

– Дада, – дедим, бувамнинг тиллари бунча аччиқ бўлмаса, иллати одамлардан бунчалик нафратланмасалар. Лекин шу билан бирга ўзбекнинг турмушини, маърифатини бунча кўз-кўз қилмасалар, дедим.

– Унинг фожиаси ҳам шунда-да, – дедилар дадам. – Буванг узукка қўйилган кўзлардан бири, бу кўз қандай қимматли тошдан қўйилганини ҳали билишмайди, кейин билишар... – дедилар.

Бу гапларни бўлиб ўтганига қирқ йиллардан ошди. Моҳиятан адиб ижодининг қиммати ёзилмай қолган асарларсиз ҳам заррача камаймайди. Унинг янги-янги жилolari кашф этиб борилаверади.

Менимча, қўлингиздаги китобнинг шу тўртинчи нашри дадамларнинг кўнгилларидек бўлган бўлса керак.

Болалик вақтларим, ҳали мактабга бормаган эдим. Қиш ойлари эди. Бир куни дадам, мен, укам Бешёғочдаги ҳаммомга бордик. Ҳаммомдан чиққанимизда обдан қоронги тушган, дадам олдинда, биз ортларидан қалин ёққан қорни ғарч-ғурч босиб, уйга қайтар эдик. У вақтда Бешёғочдан «Самарқанд дарвоза» гузарига борадиган кўчанинг икки четида қатор-қатор, баланд тераклар ўсар эди. Шу тераклар шохларининг ортларидаги осмонда чўғдек милт-милт ёниб юлдузлар кўринар, юма-лоқ ой эса гўё бизга қоронғи кечада йўл кўрсатгани келгандек тепада чарақлаб турар эди. Мен дадамга навбатдаги саволимни бердим:

– Дада, ойни эгаси борми?

– Бор, – дедилар дадам.

Мен жавобларидан ҳайрон бўлдим. Ким экан у эгаси?

– Анали юлдузларни-чи, осмонни ҳам эгаси борми?

– Бор.

– Шу дарахтларни ҳам, кўчани ҳам эгаси борми?

– Бор, – дедилар дадам қисқа қилиб.

Мени эса шунча нарсанинг эгаси ким эканлигини жуда билгим келди.

– Ким эгаси, дада, – деб сўрадим.

– Биз, – дедилар дадам. – Шуларни ҳаммасини эгаси биз бўламиз, – кейин қўшиб қўйдилар: – Уларни асраб-авайлаш керак.

Шу жавобдан кейин кўнглимда бир туйғу туғилиб қолди. Ўшандан бери шу кўчадан ўтсам, Тошкент кўчаларидан юрсам, кўнглимда хотиржамлик, уларга нисбатан меҳр кезади.

Ҳақиқатан ҳам дадам бу ҳаётда кўп туртинган бўлсалар ҳам ўз юртини, табиатини, одамларини жуда севар эдилар. Кўпинча у киши баҳорда қўшни тенгқурлари билан кўрпачани олишар эди-да, бизнинг ҳовлидан нарироқдаги, ўша хотираларида ёзиб ўтган Абдулла мағзум, Ҳамро мағзум яшаб ўтган Бўзсув бўйидаги тепаликларга чиқиб кетишар эди. Бу ерларнинг табиати гўзал эди. Тепаликларнинг бағрида ўсган чучмомалар, лоқизғалдоқлар, саримсоқ ўтларни кўриб кишининг кўзи қувнар, исидан дили яйрар эди. Улар бир тепаликнинг энг устига кўрпачани ташлаб, қадим-қадим, паст-баланд, жар-жилғали бу жойларни томоша қилиб гап-сўзсиз хаёлга кетишар эди...

Дадам деярли ҳар ёзда биз болаларини ҳам олиб Чимёнга ёки Хумсонга чиқиб кетар эдилар. Ўша ерда атай ўтириб олиб тоғ табиатини кўзлари билан томоша қилиб ичларига жо қилаётганларини ҳам кўрганман. Оталарига бўлган меҳрни эса оталари борган жойларга яна бориб, юрган йўлларидан қайта-қайта ўтиб унут бўлаётган хотираларни, улардан олган таассурот ва хулосаларини асраб-авайлаб ҳар куни қоғозга кўчирдилар.

Мен эсимни танибманки, дадам ёз кунлари хонтахта қўйиб, қишнинг куни танчада ўтириб ёзганлари-ёзган эди. Болалигимда тушунмай ойимдан: «Нега дадам ҳадеб ўтираверадилар?» деб сўрасам, «Даданг дарс қиляпти», дердилар. Кейинчалик «Ёзаётган китобларига нуқта қўйибдилар», деган гапни ҳам эшитдим. Яхши эслаيمان, «Отам ҳақида» китоби (1974 йил) биринчи марта нашр қилиниб, дадам бир куни уйга шу китобдан уч-тўрт тўпини олиб келдилар. Китобнинг усти олов

рангида эди. Уйимизда хурсандчилик бўлиб кетди. Китобдан кўни-қўшни, таниш-биродарларга бир-бир тарқатдилар. Кейинчалик билсам ўша вақтда бу китоб 1910–20 йиллар ўзбек адабиёти тарихига оид, қодирийшуносликка оид, сўзимиз тўғри бўлса, «текис саҳрода Помир тоғидай» асл, мукамал тадқиқот ишларидан бири бўлиб пайдо бўлган экан.

Китобга «Амир Умархоннинг канизи», «Намоз ўғри» романлари ҳақидаги ҳужжат, воқеа, хотираларни қўшиб, 1983 йилда яна қайта нашр этилди. Бу иккинчи нашрдан ҳам дадамнинг кўнгиллари тўлмаган эди. Нимадир сабаб бўлиб, бир қанча вақт китоб нашри тўхтатиб қўйилган эди. Дадам ўшанда кўп асабийлашган эдилар.

– Дадам билан Чўлпон орасидаги адабий, дўстона муносабатлар ҳақида катта бир мақола ёзиб китобга киритган эдим. Цензура чиқариб ташлабди. Ҳатто мақоланинг қўлёзмасини ҳам қайтариб беришмади ёки кимдир ўғирладими? Ўғирласа ҳам, у мақолани ўзининг номидан бирон ерда эълон қилиб бўлмайди-ку, – деб бир куни сўзлаб қолдилар дадам. Мақолада эслашларича, дадаларининг, айниқса, Чўлпонга эътибори бўлак экан, энг комил инсонлардан бири деб ҳурмат қилар эканлар. «Бир куни Чўлпон келиб фикр олиш учун «Кеча-кундуз» китобининг машинка қилинган нусхасини дадамга ташлаб кетди. Қўлёзма бир неча кун хонтахта устида турди. Мен у ер-бу еридан ўқиб чиққан эдим...» – дедилар дадам. Яна айтишларича, қатағон қилинган Қодирийнинг сафдошлари ҳақида китобда камроқ гапирсалар яхши бўлар эмиш.

Дадамнинг юрак багрларини ўртаб келган яна бир орзумид оталари яшаб ўтган ҳовли-жойларини музей қилиш эди. Оталари ҳақида ёзган хотираларни нашр қилишга бўлаётган монеъликлардан бир оз арз ва шу музей масаласида 1970 ва 1980 йилларда ҳукумат раҳбари Шароф Рашидов номига Тожикистон Вазирлар Маҳкамасининг раиси, дилкаш дўстлари Абдулаҳад Қаҳҳоровнинг маслаҳати билан уч марта хат ёздилар. Дадам Шароф Рашидовнинг қабулида икки марта бўлдилар. Учрашувдан қайтиб у кишининг «Ҳаммаси яхши бўлади, фақат сиздан илтимос, отангиз ҳақида нима билсангиз ҳамма-ҳаммасини ёзинг», деб маслаҳат берганларини айтдилар.

Ҳар йили нашриётларнинг Қодирий китобларини минг-минглаб нусхада нашр қилишлари, уни эслаб ўтказилаётган

хотира кечалари ва ахборот воситалари орқали гапирилаётган адиб ҳақидаги гаплар тил учуда эканлигини дадам билар эдилар. Лекин адибнинг хотираси учун музей ташкил этилса, Қодирийни чинлаб, кўнгилдан эътироф этилишини дадам ҳам, улар ҳам яхши билишар эди. Аммо, лекин, бироқ, музейни ташкил қилишга рухсат бериш Рашидовни ихтиёрида эмас эди. Дадамнинг табиатида бор бўлган соддалик хомтаъма хаёлга олиб келаверар эди. «У раҳбар, ҳам ижодкор, ижодкор ижодкорни тушунади», деб у кишининг марҳаматидан умидвор юрар эдилар.

Дадам оталари ҳақида кўплаб хотиралар ёздилар. Лекин ёнмай куяр эдилар. Энг асосий гап адабиётимиз тарихидан ҳам бурун биз – ўзбекларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган оталари фожиаси, унинг сабаблари, дахлдорлари ҳақидаги гапларни айтолмас эдилар. Ниҳоят, бизнинг қистовимиз билан келажак авлодга ўша бўлиб ўтган воқеаларни ибрат учун ёзиб қолдиришга жазм қилдилар. Неча йиллар давомида юракларининг тубида кўрдек бўлиб ётган бу фожа сатрларни умрлари охирида ёзар эканлар, руҳан, маънан жуда қаттиқ азобландилар.

Хатто бир куни эрталаб салом учун хоналарига кирсам кўзлари жик ёшланган, хонтахта устида ҳар доимгидек қоғоз-қалам. Мендан бир оз истиҳола қилганларини ҳам кўрдим. Хонадан чиқдим. Қизиқ... Шу ёшда, шу аҳволда бола-ота соғинчими бу ёки ўкинч...

Оталарининг сўнги кунлари ҳақида ёзаётган хотиралари деярли охирлаб қолди. Сўнг мен дадамга айтдим: «Ёзган рисолагизга шу ҳозирги ҳолатида ҳам менимча ҳеч ким эътироз қилолмайди, далил-хулосалар етарли, лекин КГБда сақланаётган иш-папкани ҳам бир кўрсангиз ёзганингиз яна ҳам ишончли, мукамал бўлар эди, лекин улар келиб сизни безовта қилишмасмикин» – дедим.

– У ҳужжатларни ўқиганман, уларнинг мана бу ёзганларимдан деярли фарқи йўқ, лекин улардан ҳам бир-иккита далил олиб киритилса яна ҳам яхши бўлар эди. Кўрқиб яшадим, энди улардан кўрқадиган жойим йўқ. Майли, хат ёзаман. Хатни кимнинг номига ёзиш кераклигини билиб кел-чи, – дедилар. Мен КГБ биносига бориб билдим. Дадам: «Отам тўғрисида бўлиб ўтган бор гапларни ёзаяпман, архивда сақланаётган ҳужжатлар билан танишишга рухсат беришингизни сўрайман, бинобарин

ёлгон гапиришга, ёзишга ҳаққим йўқ» деган мазмунда рус тилида бир варақ қоғозга хат ёзиб бердилар.

Хатни конвертга солиб олиб бориб топширдим. Бир неча кундан кейин уйга бир рус киши келди. У барваста, катта қора кўзойнак таққан эди. У ўзининг қаердан келганлиги ва... Петлин эканлигини айтди. Уйга таклиф қилдим. Дадам ётган хонага кириб ерга – кўрпачага ўтирди. Қора кўзойнагидан бизни содда, оддий уйимизга разм солиб ҳайрон бўлар, оёгини қаерга узатишни ҳам, йиғишни ҳам билмас эди. Дадам ҳатто унга кўришиш учун қўл ҳам узатмадилар. Ётган диванларидан туриб ўтирдилар, холос. Суҳбат рус тилида ярим соатча бўлди. Менинг эсимда қолгани у дадамга: «Агар давлат ташкилоти шаънига ножўя гап айтсангиз ёки туҳмат қилсангиз, жавобга тортиласиз», – деди.

– Мен ёзган нарсаларим билан жавоб беришга тайёрман, – дедилар дадам, лекин ёзган нарсалари ҳақида унга ҳеч нарса айтмадилар. Суҳбат давомида у:

– Отангизнинг ўлимида фақат давлат ташкилотигина айбдор эмас, – деб узрнамо эътироз қилган эди, дадам кўзларини катта-катта очиб, важоҳат ва қаҳр билан: «Дадамни сенлар ҳаммаларинг бир бўлиб ўлдирдиларинг...» – дедилар. У бирон бир сўз қайтаролмади. У: «Хужжатларни бериш тўғрисида идорада маслаҳатлашамиз, бу масалани фақат мен ҳал қилмайман», – деди. Уни кўча эшикдан кузатиб уйга кирдим. Дадам ҳали ҳам ўша важоҳатда, жуда асабий ўтирар эдилар.

– Таққан кўзойнагингга ..., кетдими? – дедилар.

Индинига ўша идорага бордим. Эшикдан Петлиннинг ўзи кўзойнаксиз чиқди ва: «Хужжатларни беролмаймиз» деган мазмунда узрини айтди. «Бермаса бермас, ёзганларимнинг ўзи етарли, қани ким жавоб бераркин», – дедилар дадам.

Дадам хаста эдилар. Лекин у киши кун сайин ичларини кемириб келаётган оғир дардларини эмас, оталарининг тақдирини ўйлар, ёзар эдилар. Ёздилар, ким, нима, ҳаммасини ўз жойига қўйиб ёздилар, лекин ёзиб бўлиб бир ёниб ўчган чироқдек сўниб қолдилар. Касаллари зўрайиб кетди.

Дадамларга қараб охирги кунлари деярли ухламадим. «Ойи, сиз қараб туринг, мен озгина дам олай», деб нариги уйга кириб ётдим. Озгина ухлабман. Бир оздан кейин ойим кириб мени уйғотдилар: «Аданг чақиряптилар», – дедилар. Туриб олдила-

рига кирдим. Менинг кирганимни сезиб юмуқ кўзларини бир оз очдилар ва: «Хайр энди, болам, мен кетяпман», деб қўллари бир оз кўтариб тушириб қўйдилар. Мен ўшанда дадамдан «болам» деган сўзни биринчи марта эшитдим. Мен доим сезар эдим: «болам» деган сўзнинг ичидаги меҳрни дадам ҳеч қачон тилларига чиқармай бизни авайлаб-асрар эдилар. Ҳозир эса кета туриб бу сўз билан ичларида сақлаб келаётган ўша охириги меҳр – хавотир – тарбияни бердилар чоғи.

Мен ўзимни тутиб туrolмадим... Қўлларини, кафтларини силадим, оппоқ оқариб, тўзгиб қолган сочларини силаб ўтиравердим. Юмуқ турган кўзларининг четидан секин ёш оқиб тушди. Сўнгра паст бир овозда: «Сенлар ҳам яхши бир кун кўрмадиларинг», – дедилар ва бошқа ҳеч гап гапирмадилар. Оғир, вазмин, матонат ва мардлик билан жим ётдилар, охир жонлари узилди... Бу пайт 1988 йилдан 1989 йилга ўтар кечаси эди.

* * *

Ҳовлимиз келди-кетди эди. Бир куни ёз фаслининг охир-пешин пайти, дадам ўрикнинг соясида, оталаридан қолган каттагина дарбозани пастаккина сўри қилиб, хонтахтани қўйиб одатдагидек ёзиб ўтирар эдилар. Бир пайт ташқарида гадоё келиб ўзининг ҳамду саносини айтиб бошлади.

*Ҳамд айтарман йиғлаб-йиғлаб Худойимга,
Тукиб ёшим роз айтарман Аллоҳимга...*

Ҳақ дўст ё Оллоҳ

*Жоним бирла наът айтурман, расулulloҳ,
Ҳабибингни хурматидан бергин паноҳ...*

Ҳақ дўст ё Оллоҳ...

Дадам кўзойнаклари устидан ҳовлида юрган ойимга қараб, фикрлари бўлингани учун тилар-тиламас: – Ким у, қаранглар, – дедилар-да, эшитиб туриб туйқусдан: – Ҳой, тўхта, тўхта, ўзим, – дедилар. Бу овоз дадамга таниш туюлди шекилли ўринларидан туриб эшикка томон илдамроқ юриб кетдилар. Гадоё эса тўхтатмай ҳамдини айтар эди. У пайтда ҳовлимизнинг эшиги ҳам, девори ҳам йўқ эди. Йўлакка борганда у кишини аниқ танидилар. Эгнида уринганроқ тринка костюм-шим, бошида уникқан носвойранг духоба дўппи. Дадам хурсанд бўлиб

унинг ёнига борганларида ҳам «гадой» «ҳамд»ини айтиб тура-верди. Улар кулишиб, кучоқлашиб кўришиб кетишди. Бу «гадой» машхур шарқшунос олим Абдулла Носихий эди. У киши табиатан ринд, мулойим ҳазилкаш эди. Икковлари кулишиб, ҳовлига кириб келиб сўрига ўтиришди. Домла қўл очиб ўтганлар ҳақиғага, хоссатан бувам хотирасига ўзбекона гўзалдан-гўзал дуолар ўқиди ва: «Мени шу ҳовлидан, ўтган устозимдан ва сиздан илинжим бор» деб суҳбат даромадини бошлади. Домла билан дадам мана шу «илинж» сўзининг турмуш-ҳаётдаги маъно-моҳияти ва ўзларининг бундан кейинги умр илинжлари ҳақида анчагина дардлашиб ўтиришди. Дадам домланинг ташрифидан жуда хурсанд эдилар. Худди оталари билан суҳбатлашгандек бўлдилар чоғи. Чунки Носихий домла оталари билан кўп суҳбатда бўлган, «Ўткан кунлар»нинг биринчи нашри вақтида асл нусхадан босмаҳонага топшириш учун нусха кўчириб берган фидойи одам эди. Дадам у кишини хурмат қилиб гузаргача кузатиб чиқдилар.

Лекин бу ҳовлига бошқа мақсад илинжида келувчилар ҳам етарли эди.

Яна бир куни бир чол дадамларни чақириб келди. У ихчамгина оқ соқол қўйган, бошида духоба қора дўппи, эғнида янги тўн, оёғида яхши маҳси-калиш кийган эди. Дадам эшикка чиқиб у кишини уйга таклиф қилдилар. Ораларидаги муомаладан улар эскидан таниш эканлиги билиниб турар эди. Уйга кириб ҳол-аҳвол сўралгандан кейин, чой-нон олиб кирдим, дадамнинг ишоралари билан мен ҳам ўтирдим. У киши анча тетик кўринар, гап сўзлари ҳам шахдам эди. Бир пайт у қўлида кўтариб келган халтасидан қандайдир қалин, эски бир китобни олиб стол устига қўйди-да, уни очиб араб ҳарфида босилган қандайдир шарқ ҳикоя, ривоятларини бирин-кетин шариллатиб ўқиб-ўқиб уларга узун-қисқа изоҳлар ҳам бериб ўтирди. Дадам у кишининг гапларига нари-бери бир-икки гап қўшдилар холос...

У чол кетганидан кейин мен дадамдан сўрадим:

– Мен бу киши нега келганини тушунмадим, шу ҳикояларни сизга ўқиб бергани келдим ёки сизга шулар керакмиди?

– Тушунмадингми?

– Йўқ.

– Бу «қулоқ», – дедилар дадам. – У мани, сани кўнглимизда шу эшитган ҳикояларга, умуман, эски шарқ адабиётига қандай муносабатимиз борлигини билиб кетди. Энди у бориб ахборотини тегишли идорага етказди.

– Шу ёшдаги одамга бу хунарми?

– Ҳунар.

– Уят эмасми?

– Уят эмас, бу унга «шараф»ли иш, кўриб турибсан-ку, у қандай хурсанд бўлиб кетди...

Бизнинг уйдан то 1988 йилга қадар «шарафли» хизматдаги одамларнинг оёғи узилмади. Айниқса, оталарининг сўнгги кунлари ҳақида ёзаётганларида бундай шарифсиз одамлар дадамдан хабар олгани тез-тез келиб туришди. Биз шуларнинг ҳаммасида ёнларида турдик...

Кейинчалик охириги гапирган гапларининг мазмунини анча вақт ўйлаб юрдим. Ўша гапнинг мазмуни шу бўлса керак.

Дадам умуман беҳафсала, бу дунёнинг кўп ҳаловатидан кечган одам эдилар. Баъзан буни ойим: «Адангнинг олдидан кўнгироқли туя ўтиб кетса ҳам билмас эди», деб тасдиқлаб турдилар. Гоҳида эса: «Аданг Бобур подшоҳдек ўтирди, мен ҳамма хизматини қилдим» деб таъна ҳам қилиб қўядилар. Ҳақиқатан ҳам у киши ном-нишонсиз ҳолга келтирилган оталари номини, ижодини ўз жойига қўйиш учун умрлари охирига қадар жону жаҳд билан ёзиб-курашиб-тиклаб ўтдилар. У кишини мазорга қўйиб уйга қайтиб келганимизда, ойимнинг айтган биринчи гаплари шу курашнинг бутун мазмунини жамлаб, ифодалаб, тугатиб берди: «Адангни ерга қаратиб қўйдингларми, ичи зардобга тўлиб кетган эди...»

Хондамир

МАСЪУД АБДУЛЛАЕВ

ЎТГАНЛАР ЁДИ



БАХТИЁРЛИК НАДИР?

(Сўзбоши ўрнида)

Чақалоқ туғилганда, унга исм қўядилар. Аммо бу гўдакка икки ой давомида исм қўймадилар. Чунки оила бошлиғи бу кунларда қамоқда эди. Ўз асарлари билан ҳар бир ўзбекнинг хонадонига, хонадонигагина эмас, қалбига кириб борган беназир адиб тухмат балосига учраб, қамоқда жабр чекиб ўтирган-да, унинг оиласида дунёга келган тўртинчи фарзандига исм беришга шошилмадилар. Тухматнинг қора булутлари тарқайди, дадаси тез кунда озодликка чиқади, ўглига исми ўзи беради, деб умид қилдилар.

Ҳақиқат қарор топди. Озодлик офтоби чарақлади. Икки ойлик чақалоққа Масъуд деб исм бердилар. Унинг ҳаёти бахтга чулғанишини ният қилдилар.

Бахт ҳақида ҳар бир одамнинг ўз тушунчаси бор. Бировнинг бахти иккинчисига ўхшамайди. Менингча, улуғ адибнинг ўгли бўлишнинг ўзи – бир бахт. Албатта, ўттиз еттинчи йилда бошланган фожиали кунлар бу оиланинг бахт саройини зулматга ўради. Бу фалокатнинг азобларини ҳеч ким тасвирлаб бера олмайди. Ҳар қандай баён юзаки бўлиб қолаверади. Чунки бу фалокат тиғи юракларни тирнаган. Бу азобларни тирналган қалблардан ўзга юраклар ҳис қила олмайди.

Орадан йиллар ўтиб, ҳақиқат юз очиб, тухмат занжирлари олиб ташланганда, улуғ адибнинг муборак номи тилларда яна дoston бўлганда, бу оила осмонида бахт қуёши нечоғли нур сочди, унинг нури оила аъзоларининг тирналган қалбларига нечоғли малҳам бўла олди? Камина бу саволга жавоб бера олмайман. Улуғ устоз кенжа ўғилларининг бахтли бўлишини ният қилган эдилар. Фарзанд ўзини бахтиёр ҳисоблар эдимиз? Бу саволга ҳам жавоб йўқ.

Халқ эъзозидаги адибнинг зурриёди бўлмоқнинг ўзи бир бахт. Шунинг ўзи кифоями одамзотга?

Муҳтарама янгамиз – Масъуд аканинг аҳли аёллари қизлик чоғларида «Ўткан кунлар»ни Шарқий Туркистонда ўқиб, адиб-

га ғойибона кўнгил қўйган эканлар. Ҳатто, «Ота юртга қайтсак, шу ёзувчини кўрсам, унга турмушга чиқсам», деган пинҳона орзу ҳам туғилган экан. Ота юртга қайтиб, ёзувчининг қисматидан хабар топиб, неча тунни йиғи билан ўтказдилар. Аммо Худо бу қизга адибнинг келини бўлиш, зурриёдини давом эттириш неъматини берди. Бу ҳам – бир бахт...

Масъуд акани ёдга олганимда, хаёлимни шу фикрлар чулғаб олади. Масъуд ака билан бахт ҳақида гаплашмаганмиз. Бу киши акаларига нисбатан камгапроқ эдилар. Оталари ҳақидаги гапларни, асосан, Ҳабибулла ака айтганлари сабабли, Масъуд ака суҳбатга кўпам аралашавермасдилар. Ҳабибулла ака даставвал «Отам ҳақида»ни, умрларининг охирида «Қодирийнинг сўнги кунлари»ни ёзганларида бу асарларга салбий фикр билдирувчилар ҳам бўлди. Уларнинг асосий даъволари – «Ёзувчининг бу гапларини ўғли қайдан билади? Ахир у ёш эди-ку!» Ҳатто, адибнинг «Кумушни ўлдириб қўйдим», деб йиғлашлари тасвирланган саҳифага ҳам эътирозларни эшитган эдик. Йигирма ёшли йигитнинг ҳикояларига эътироз билдирувчи ичи қоралар ўн бир ёшли боланинг хотирасини ўқиса, қандай жазавага тўшарди экан, билмадим.

Абдулла Қодирийнинг номларини тиклаш, асарларини қайта нашр эттириш ишларига Ҳабибулла ака бош бўлдилар. Ўғиллари Хондамир ва Шеркон улғайиб, адабиётшунослиқдан билим олишгач, икки қанот бўлиб ёнларига киришди. Ҳабибулла аканинг вафотларидан кейин бу жараёнда Масъуд ака ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Мен кўп адабий учрашувларда у киши билан бирга бўлдим, суҳбатларини эшитдим. Вазмин оҳангда гапирардилар. Кўпроқ акаларидан мисол келтирардилар. Яна оталари билан кўришган табаррук инсонларнинг хотираларини баён қилиб берардилар.

Бугун ўша ҳазин хотиралар жамланиб ажиб бир тўплам юзага келдики, адабиёт муҳиблари учун бу бир қутлуғ воқеа бўлди.

Тоҳир Малик

ВАРРАК ЯСАБ БЕРАРДИЛАР

Мен 1926 йили 12 апрелда оилада тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келганман. Надоматлар бўлсинки, ўшанда дадамни туҳматнинг қора курсисига ўтказган эканлар.

Дадам «Муштум» журналида ҳажвий мақолалари билан қатнашиб турар эканлар. Жумладан, ўз замонасининг илгор зиёлларини ҳам танқид қилиб ёзган «Йиғинди гаплар» мақолаларидан сўнг дадамни ҳибс қилган эканлар. Дадам қамоқдан чиққунларига қадар мен исмсиз ётаверган эканман. Айтишларича, дадам қамоқдан чиққанларидан сўнг мени икки ойлигимда биринчи бор кўрадилар. Эҳтимол, озодликка чиққанларига хурсанд бўлиб менга Масъуд (бахтли) деб исм қўйгандирлар.

Дадам келгач, онам – Раҳбарбону ичтерлама касалига дучор бўлиб, шифохонага кузатилган эканлар. Шу боис мени беш ойлигимда, докторлар тавсияси билан вақтинча болалар уйига жўнатмоқчи бўлганлар. Шунда Раҳимберди амакимнинг аёллари Робия опоқим мени уйларига олиб кетиб, бир ёшгача тарбиялаган эканлар. Айтишларича, ўша пайтда Робия опоқимнинг Эркин исмли икки ёшли ўғиллари бўлиб, мен у билан бирга кўкрак эмиб катта бўлган эканман. Шунинг учун менинг оналарим Раҳбарбону ва Робия опоқим ҳисобланар экан.

Дадам фарзандларига жуда ғамхўр ва талабчан эдилар. Бизни суйганларидан бўлса керак, Назифа опамни – Кумушим, Адиба опамни – Хашманту, мени – Отам, синглим Анисани – Ойим деб чақирардилар. Акамга эса ўз номлари билан – Ҳабибулла деб мурожаат этардилар.

Дадамнинг мен эслаган хислатлари: жуда камгап, кўп халччан, мулойим ва тўғрисуз эдилар. Оддий инсонлар билан очилиб сўзлашардилар. Калондимоғ ва маҳмадона кишиларни жинлари ёқтирмай, улар билан суҳбатни қисқа қилар эдилар. Бизлар билан сўзлашганда ўта мулойим, гаплари лўнда, тушунарли, одоб чегарасида бўларди. Болалар, одатда, 4-5 ёшларида ота-оналарига жуда кўп савол билан мурожаат этадилар. Биз ҳам дадамизни саволга тутардик. У киши бизга эринмай жавоб берардилар.

Эсимда, мен 7-8 ёшли бола бўлсам керак, эрта баҳорда ҳамма болалар қатори варрак учириш ҳаракатига тушдим. Ясаган варрагим осмонга кўтарила олмай, бир шох ташлаб йиртилиб кетди. Асабим бузилиб, аламимни опам ва акамдан олиб,

шовқин кўтардим. Дадам ижодхоналаридан чиқиб, бу тўполоннинг сабабини тушуниб: «Ҳой, Масъуд! Кел, мен сенга қарашиб юборай», деб биргаликда варрак ясаб, қуришиб, ип тортиб, ҳатто осмонга ҳам учуриб бергандилар.

Мен баъзан варракка хитой қоғози тополмай қолганимда дадамдан бесўроқ ижодхоналарига кириб ёзилган ёки ёзилмаган оқ қоғозларидан олиб ишлатардим. Дадам бу ишимни билиб қолиб: «Масъуд, бундай қилмагин», деб секингина койиб қўйгандилар. Ҳафсалалари келганда дадам баъзан қуроқ ясаб учуриб, ипини болохонамиз устунига боғлаб қўйиб, ўзлари ҳам биз билан бирга завқланардилар.

ҚАНДАЙ ПУЛ ТОПАСИЗ?

Мен бир оз катта бўлгач, бир куни дадамдан сўрадим:

– Дада, сиз қандай пул топасиз?

У киши кулиб:

– Мен пулни ердан топаман, – дедилар.

Мен тушунмай:

– Қанақасига топасиз? Ахир пул ерда ётмайди-ку?! – дедим.

Дадам хахолаб кулиб:

– Мен кўчага чиққанимда ерга қараб юраман. Агар биров тушириб қолдирган пулни кўрсам, аста олиб чўнтагимга солиб оламан. Хоҳласанг сенга ҳам ўргатаман, – дедилар.

Бир куни дадам билан бозорга борадиган бўлиб, Коппон бозори орқали йўлга тушдик. Йўлда дадам:

– Масъуд, сенга ҳозир пул топиш йўлини ўргатаман. Юрган йўлингда ерга қараб кетгин, албатта, пул топасан, – дедилар-да, ўзлари илдамлаб кетдилар.

Мен дадамга эргашидим. Озгина юрилгач, дадам бирдан тўхтаб, менга ўгирилдилар-да:

– Ана ерда бир сўлкавой ётибди, – деб кўрсатиб, ўзлари нари кетдилар. Ҳақиқатан ҳам, дадам кўрсатган ерда бир сўлкавой тупроқ ичида ётарди. Мен пулни олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай, кўрқа-писа у ёқ-бу ёққа қарадим. Биров орқамдан келиб: «Ҳой, бола! Менинг пулимни нега олдинг?» деб уришиб берадигандек туюлди. Шундай бўлса ҳам таваккал қилиб, атрофга аланглаб пулни олдим-да, дадамнинг ортидан югурдим. У киши 10-15 қадам нарида мени кутиб турган эканлар. Кулиб:

– Ҳа, ўғлим, пул топиб олдингизми? – дедилар.

Мен қўрқиб, аланглаб, қўлимдаги тупроққа беланган пулни кўрсатдим.

Дадам:

– Ҳа, ўғлим, пул топишни ўрганибсан. Қалай, осон эканми? – деб сўрадилар.

Мен:

– Йўк, дада, пулни ердан олаётганимда жуда қўрқдим. Ахир бу пулни биров ерга тушириб қўйган бўлиши мумкин-ку? – дедим.

Дадам йўлда давом этиб:

– Ўғлим, бундай йўл билан пул топиш ўгрилик билан баробар. Бир бечора эҳтиётсизлик билан ҳамёнидан тушириб қолдирса, бундай пулни топиб олган инсонга у ўгрилик, ҳаром ҳисобланади. Ҳалол пулни ҳар бир инсон ўз меҳнати ва ҳунари билан топиши керак. Шундай йўл билан топилган пул ўзига ҳалол, тотли бўлади. Энди тушунгандирсан? – дедилар.

Мен тасдиқ жавобини қилдим...

Ёшим улғайиб, ўша воқеани эслаганимда, дадамнинг ўшанда атайин пулларини ерга ташлаб, менга тарбия берганларини тушундим.

ҲОСИЛ УЛАШАРДИЛАР

Мен дадамнинг ақлий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнат билан банд бўлишларини кўпроқ кузатардим. Балки машъум ўттизинчи йиллар адабий муҳитида бош кўтараётган турли ғаламисликлардан зада бўлган вақтлармиди, аксар боғдаги ишлар билан шуғулланардилар. Дадам барвақт туриб, кун ёйилгунча ишлардилар. Кун қизигида эса шийпонда дам олар, кейин то кун ботгунга қадар яна меҳнат қилардилар.

Дадам чопиш, ариқ олиш, ерни текислаш сингари ишларни эринмай, ҳавас билан бажарардилар. Бошларига оқ қалпоқ кийиб олиш одатлари бор эди. Эрта баҳорда шийпон атрофига нималар экишни мўлжаллардилар. Масалан, картошка, ловия (дадам кўк ловия қўшиб тайёрланган қовурмани хуш кўрардилар), қовоқ ва яна бошқа турли сабзавот ва кўкатлар экиларди. Келаси йили эса экиладиган экинлар жойи алмаштириларди. Картошканинг кечки нави экиладиган жойни икки-уч бор қайта чопиб, кесаклар майда ҳолга келгач жўяк олардилар.

Бир куни богда ўйнаб юрсам, дадам мени чақириб: «Қўлингда нима бор?» – деб сўрадилар. Қўлимда рогатка ва чумчук, қарқуноқларга отиш учун мўлжалланган тошлар бор эди. Қўрқиб: «Тош», – дедим. Шунда дадам: «Шу тошингни осмонга от», – дедилар. Мен қўрққанимдан қўлимдаги уч-тўрт тошни осмонга отдим. Тошлар шудгорга тушиб, сингиб кетди. Дадам менга қараб: «Бўлди, ер тайёр бўлибди», – дедилар. Мен эса ҳеч нарсага тушунмадим.

Эртасига дадам ариқ олдилар. Ариқларга ҳар ярим метр оралиғида бир ярим ва икки кетмон келадиган чуқурликлар қазидилар. Сўнг: «Масъуд, ана шу чуқурларга бир челақдан гўнг ташлагин», – дедилар.

Мен дадам буюрган юмушларни бажардим. Эртаси кун мактабдан келсам, дадам картошка экишни бошлаётган эканлар. Овқатланиб, ўйнагани боққа чиқдим.

– Энди шийпоннинг ертўласига тушиб, халтанга уруғлик солиб чиқ, – дедилар.

Халтани елкамга осиб пастга тушдим-да, картошка тўлдириб чиқдим. Кейин чуқурчаларга картошка ташлаб турдим. Дадам пуштада туриб уруғликни тупроқ билан кўмдилар. Кечга яқин экишни тугатдик. Мен ишимдан мамнун бўлиб сўрадим:

– Дада, нега кеча менга тош оттирдингиз?

– Картошка экиладиган ернинг тайёрлигини синовдан ўтказдим. Отган тошларинг ерга кириб кетди. Демак, ер тайёр экан. Мана, бугун экиб чиқдим. Энди ўзинг кузда ҳосилига қараб баҳолайсан, – деб кулиб жавоб бердилар...

Кузда ҳосил яхши бўлди. Ҳар бир туп кўммадан бир челақ тўла-тўла картошка олдик. Дадамнинг шундай фазилатлари бор эди: ҳосил йиғиштириб олингач, энг аввал қўни-қўшниларга 2-3 челақлаб, қариндош-уруғларга эса бир-бир ярим қопдан картошка улашардилар. Кейин келаси йил учун уруғликни ажратиб, қолганини рўзгорга олиб қолардилар, ундан ошса бозорга чиқарардилар.

ҚОВОҚНИНГ ЎҒРИСИ БЎЛМАЙДИ

Дадамиз 1956 йил оқландилар. 1940 йилда давлат томонидан тортиб олиниб, чўчқахонага айлантирилган шийпонли богимизни 1957 йилда Ҳабибулла акамнинг елиб-югуришлари

натижасида қайтариб олишга муяссар бўлдик. Шийпонни бир неча маротаба таъмир этдик.

1988 йили Жосият бибимиз томонидан қариндош бўлган уста Носир Гофуров:

– Масъуд, менинг кўнглимда бир ниятим бор эди. Бу ҳақда илгари Ҳабибулла акангизга ҳам айтгандим. Аввало дадангизнинг, қолаверса, у киши ёзган «Ўткан кунлар»нинг ҳурмати, фийсабилллоҳ, бир дарвоза қуриб берсам. Мен ҳам қариб қолдим, дилимда армон бўлмасин, – дедилар.

Мен бу гапни акамга айтдим. Ҳабибулла акам:

– Ука, бетобман, соғлигим ўзингга маълум. Бундан кейинги ишларни сенга қолдираман, – дедилар.

1988 йил 31 декабрда Ҳабибулла акам дунёдан кўз юмдилар. Акам қурилажак дарвозанинг чизилган суратини кўрдилар, холос.

Уста Носир ака 1989 йил 28 мартда керакли хомашёни ўз ёнларидан олиб келиб иш бошладилар. Уста рўза оёи ичида, ҳатто сув ичмай (рўза огиз билан) Абдулла Қодирий набиралари кўмагида 26 апрель куни эни беш метрли, баландлиги олти метрли дарвозани қуриб битказдилар. Табақаларига отамизнинг табаррук қўллари теккан дарвозани шийпоннинг кунботар томонига қурдик. Бунинг учун отамиз томонидан олинган кўча пахса деворини бузишга тўғри келди. Деворни бузаётиб болаликдаги бир воқеа эсимга тушди:

... 1933–1934 йиллар бўлса керак. Дадам шийпон қаршисига қовоқ эқдилар. Қовоқ ҳосили жуда яхши бўлди. Икки дона қовоқ бир замбилга базўр сиғарди. Деҳқончиликка қўшни амаки ёрдамлашганди (исмларини атай ёзмадим). Амакининг ўғиллари бўлиб, ёши мендан анча катта эди.

Қовоқ пишган кезлари, кечки пайт, қоронғи тушганда қўшининг ўғли икки-уч марта боғимиздан қовоқ олиб, девор оша чиқиб кетди. Мен секин бориб:

– Дада, қўшнимизнинг ўғли қовоқ ўғрилаб девордан ошириб олиб чиқиб кетяпти, – дедим.

Дадам:

– Жим, Масъуд! Қовоқни ўғрилаб еса, қовоқ ширин бўлади. Шунинг учун қовоқнинг ўғриси бўлмайди. Кейин у бола дадасининг меҳнати ҳисобига ўз тегишини оляпти, сен «ўғирлади» деган сўзингни бошқалар олдида айтиб юрмагин, – деб менга танбех бергандилар.

ЁҒОЧ КЎПРИК

Боғимиздан 60–80 одим юрилса, Жимжит ариғига дуч келинади. Бу ариқ Чақар ариғининг давоми бўлиб, эни 2,5–3 метр, 40–50 метр пастликда димланиб оқарди. Шунинг учун Жимжит деб аталарди. Илгари шу ариқ устида омонатгина кўприк бўларди. У орқали Чақар, Сузукота маҳаллаларига ўтиларди. Кўприкнинг кунботар томонида пастликда Усмонбой деганнинг уч тошли тегирмони бўлиб, дадам бўш вақтларида у ерга тез-тез тушиб, дам олиб чиқардилар. Бир куни дадам билан тегирмонга тушдим. Дадам Мустақим ака (Усмонбойнинг ўғли) билан суҳбатга берилдилар. Мен гуруч оқлайдиган обжувознинг барабанини қўлим билан айлантираман деб, чап бармоғимни шикастлаб олдим. Дадам мени опичиб шифокорга олиб бордилар. Шу-шу ўша бармоғим букилмайдиган бўлиб қолган.

30-йиллар бўлса керак, эски кўприкка анча путур етиб, янгисини қуришга киришишди. Кўприк замини маҳалламиздаги эски Сўфиота масжиди бузилганда чиққан ғиштлар билан кўтарилган. Тўсин ва ёғочлар эса қўни-қўшниларнинг боғидан сўраб олинган бақувват тераклар эди. Жумладан, дадам ҳам шийпон рўпарасига эккан теракларидан бир нечасини ҳадя этгандилар. Кўприк қурилишида қатнашган усталар – Чақар ва Сузукота маҳаллаларидаги уйсоз ва ромсозлар эди. Эсимда, дадам ҳашарчи усталарни бир неча бор шийпонга чорлаб, уларни таом билан сийлагандилар. Дадам бўш пайтларида жар ёқасига борар, ҳашарчи усталар билан «Ҳорма, бор бўл» қилиб, гоҳида ҳазил-мутойиба билан пастдагиларни кулдирад, пастдан эса: «Жулқунбой ака, ишламасангиз ҳам келиб туринг. Бизга далда бўлиб турасиз», – деган хитоблар эшитиларди. Кўприк бир ёз ичида ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Кўприкнинг эни иккита қўқонарава сиғадиган кенгликда бўлиб, заминдан то кўча юзигача уч қават синчдан миҳсиз (ёғочларни тешиб, чопиб, бир-бирига киргизиб) пишиқ қилиб қурилганди.

1945 йил бўлса керак, Эрони қишлоғи яқинидаги Қорақамиш суви устига худди бизнинг ёнимиздаги нусхадек кўприк қурилди. Яқинимиздаги кўприкка анча путур етгач, 60-йилларда кенг қилиб қайта бунёд этилди. Эрони қишлоғи яқинидаги кўприк эса Тошкент халқа йўли қурилганда бузилиб кетди. Бу

икки кўприкни бунёд этишда қатнашган мен таниган уста Абдуқодир ота 90 ёшлардан ошганда вафот этдилар. У киши Сузукота маҳалласида яшардилар. Кўприкларни қуришда иштирок этганларнинг кўпи дунёдан кўз юмди. Бироқ ўша эски кўприк халққа кўп хизмат қилди.

БАЛИҚ ОВИДА

Жимжит сойда кўприкдан ўн-ўн беш метр кун ботар томондаги уч-тўрт тегирмон сигимидаги сув тўғон (дамба)дан икки тегирмонга бўлинар, кун чиқар томон суви димланиб осойишта оқар, балиқлар сероб бўлиб, биз болалар ўша сувда чўмилар эдик. Тўғондан кунботар томонга оқава сув икки томонга бўлиниб, юз-юз эллик метр масофа оралиғида оқиб икки тегирмон тошини айлангириб пастликка тушиб, яна қўшилиб кетар эди. Икки сув оралиғида оролча бўлиб, кўприк ёнидан кичик йўл билан пастликка тушиб, кичик кўприк орқали тегирмонга ўтилар эди. Икки тегирмон Мустақим амакига тегишли бўлиб, оролчага дид билан мевали дарахтлар, полиз экинлари экилган эди. Сув бўйидаги садақайрагоч тагида супа бўлиб, атрофи турли анвойи гуллар, садарайхон, жамбил билан ўралган, сада шохида беш-ўн сайроқи бедана осилган эди. Беданалар тинмай, галма-галдан сайрашар, супа саранжом-саришта, палос, кўрпача тўшалган. Кунчиқар томондаги чархпалақдан оқиб тушаётган сувнинг шилдир-шилдири, кунботар томондаги супадан 20-30 метр узунлик пастликдаги тегирмон тошининг ўзига хос товуши кишига завқ бағишлар эди. Мен қачон дадам билан тегирмонга тушсам, Мустақим амаким оқ иштон, оқ кўйлак, бошларида оқ тўрдан тикилган дўппи кийиб, супадаги болишга ёнбошлаган ҳолда ўтирар эдилар. Мустақим амаки ёшлари улуғ, оппоқ соқолли нуроний отахон бўлиб, дадамини мулойим қарши олардилар:

– Кел, мулла Абдулла, Хизрни йўқласам бўлар экан, шу ўтиришимда сени эслаб, хаёлимдан ўтказиб эдим, – деб супага таклиф этар, бир пиёла чой узатиб, ҳол-аҳвол сўрашар эдилар. Ўша кезлари деҳқонларни қулоқ қилиш поёнига етиб, эндиги навбат хусусий ҳунармандларга етган эди. Уларга катта миқдорда солиқ солиниб, фуқароларни бездириш бошланганди. Мустақим амаки каби тегирмончиларга ҳам кўз олайтирилган

бўлса керакки, Мустақим амаки дадамга шикоят қилган эдилар. Ўша кун и суҳбат мазмуни қуйидагича бўлди:

– Ҳукуматингга тушунолма қолдим, мулла Абдулла. Ёшим бир жойга бориб қолди. Солиқ туфайли тегирмоннинг бирини тўхтатиб, иккинчисини халқнинг рўзгорини ўйлаб, ҳожатини чиқариб кун кўрмоқдаман. Ўзим ўртаҳол фуқароман. Солиғи қурғур йилдан-йилга ошиб, силламини қуритишга олиб келди. Буни ҳам тўхтатиб тинчгина яшай дейману, бечора халқни ўйлайман-да. Ҳукумат шу зайлда кетаберса, муттаҳамларнинг мени қулоқ қилишдан ҳам тоймайди-ёв.

Дадам хомуш ҳолда Мустақим амакининг арзларини эшитиб, қўлларида совиб қолган чойларини ичиб:

– Ҳукуматдан шикоятингиз ўринли, бечораҳол, оғир меҳнати эвазига зўрға кун кўрувчилар сон мингта. Уларга қийин бўлди. Ҳукумат халқ эҳтиёжини, келажагини ҳисобга олмай қонун чиқарди. Хунарманд халқ амаллаб бир кунини кўрар, хунарсизлар мардикорчиликка ҳам ярамай, ҳаммоллик билан кун кўрадилар. Солиқ солувчиларга «Дўппини ол» деса, каллани олиш пайдалар. Сизнинг-ку, ёшингиз бир жойга бориб қолган. Ўзингиздан тинчигансиз. Беш вақт намозни адо этиб, юртнинг дуосини қилиб ўтирарсиз. Хунарсиз, серфарзанд, жўжабирдай фуқароларга Худо тўзим берсин.

Дадамнинг жавобларидан қониққандай бўлиб:

– Ўғилларим ҳам сенинг фикрингни билдиришган эди. Сен тасдиқладинг. Аллоҳ буюрган ибодатини қилиб жимгина ўтиришга мажбурман, – деб афсусланиб сўзладилар Мустақим амаки.

Орадан бирмунча ойлар ўтгач, тегирмон товуши тинди. Яшил боғлар, дарахтлар қаровсизликдан қуриди. Мен қачон чўмилишга ёки мол боқишга борсам, Мустақим амаким дам олиб ўтирадиган супа томонга қарайман, гўёки қулоғим остида тегирмон, чархпалак овозлари келиб тургандай бўлади. «Қараса боғ, қарамаса доғ», деганлари шу экан-да.

Дадам ўша онларда эрта баҳор, куз кезларда балиқ овига тушардилар. Атроф тепаликлар, айниқса, баҳор кезлари кўм-кўк майсалар, чучмома, лолақизғалдоқлар билан бурканиб, киши дилини хушнуд этарди. Сайроқи беданалар, кўк каптарларнинг ку-кулаши, саъваларнинг ўзига хос сайраши қулоққа чалиниб, ўзгача бир гашт берар эди. Эсимда, дадам камар сувига

тўр халта ташлаб, йирик зоғора балиқ овлар эдилар. Камар суви деганимиз – 1–1,5 метр ўлчам баландликдан, тегирмон новидан тушаётган сувдан ҳосил бўлган сунъий қўлча. Бу қўлчада тегирмон тоши орқали тушган дон-дунлар кўп бўлгани учун ушбу озуқага ўрганган балиқлар ҳам сероб эди. Дадам балиқ овига чиққан кезлари Мустақим амаки тегирмон сувини бир муддат тўғондан тўсиб қўяр эдилар. Дадамдан илҳомланган Раҳимберди амакимнинг ўғиллари Обид, Собит ва Ҳабибулла акамлар ҳам балиқ овига ишқибоз эдилар. Балиқни қўлда тўқилган ёйсимон тўрда (бу тўрни Раҳимберди амаким аёллари билан тўқир ва ямар эдилар) тутишарди. Дадам уларни Жимжит сувига бошлаб борардилар. Тўрни Обид акам босиб турардилар, Собит ва Ҳабибулла акам эса таёқ билан балиқни тўр томон ҳайдашарди. Дадам сув бўйида туриб, уларга:

– Таёқни сув ўртасига ур, сув четини кавлаштир, – деб ўргатиб турар эдилар. Обид акам тўрни сувдан кўтаришга дадамга ёрдамлашар, тўрга илинган катта-кичик балиқларни кўриб дадам завқланиб:

– Бу галги овларинг дуруст, – деб хурсанд бўлар эдилар. Дадам ўлжа балиқларни расамади билан қайрағоч новдаларига тумшуғидан илиб, уч оилага тақсимлаб тарқатар эдилар. Обид акам дадамни ҳурматлаб:

– Мулла ада, сиз овора бўлмай бизга буюрсангиз бас! – дердилар. Дадам:

– Обидвой, балиқ овлашнинг ҳам ўз гашти бўлади, инсон завқланади, дам олади, таранглашган асаб торлари мулойимлашади, инсоннинг фикрлаш қобилияти ошади, чарчоғи кетади, ижодимга барака беради, – дер эдилар.

УСМОН ТЕГИРМОНЧИ

Дадам ўрта бўйли, қорачадан келган, юзларининг чап томонида чандиқ (пендинка касалидан сўнг қоладиган асорат) бор эди. Сочлари тим қора, силлиқ таралган, мўйлов қўйган эдилар. Юрганларида икки қўллари орқада, доим хаёл суриб юрардилар. Ёз фаслида ёқасиз оқ қўйлак, оқ шим, бошларига сидирға мош ранг духоба дўппи, устларида банорас тўн, оёқларига қора ботинка (уйда эса қўлда тикилган ковуш) киярдилар. Қиш кунлари эгниларига чопон, бошларига сувсар телпак, қисқаси, эл қатори оддий кийинар эдилар.

Хизмат юзасидан ёки бозор-ўчар ташвишида ҳафтасига бир-икки маротаба кўчага чиқардилар. Гоҳида дадамга эрғашардим. Ўша вақтда транспорт бўлмаганлиги учунми, пиёда Жинкўча ёки Чақар, Сузукота орқали Эски шаҳарга тушардилар. Йўлда учраганлар билан сўрашиб (баъзилар билан қўл олишиб) ўтардилар. Йўлда Мирлар маҳалласидаги чойхонага кириб, бир пиёла чой устида дўстлари билан суҳбатлашардилар. Мирлар маҳалласидаги дадамнинг дўстларидан мен кўпроқ таниганларим: Илҳом домла (Учқун мактабида муаллимлик қилиб «Меҳнат қаҳрамони» бўлган), Фозил домла (тарих муаллими), Тўлаган домла (математика муаллими) эди.

Дадам гоҳида йўлни яқин олиш учун Мирлар маҳалласидан ўтган жарлик орқали Каппон бозорига тушардилар. Жарликдаги тегирмончи билан суҳбатлашардилар. Усмон тегирмончи гаранг, қаттиқ-қаттиқ гапирмаса эшитмасди.

Уруш йиллари Усмон отанинг тегирмонига тушганим эсимда. У киши мендан: «Қаердан келдинг?» – деб сўради. «Самарқанд дарвозасидан», – деб ўзимни танитдим. Ота дарров мени ичкарига олиб кириб ўтқазди.

– Даданг бекорга қамалди. Унга ўхшаб китоб битадиган туғилмайди, – деб кўз ёши қилган, сўнг буғдойимни олиб қолиб, ўрнига тайёр ун берган эди. Усмон тегирмончи 50-йилларда вафот этди. Ўша жарлик атрофлари Чуқурқишлоқ деб юритиларди. Мен «Ўткан кунлар»даги Отабекнинг бўзахўрлик қилгани баёнини ўқиганимда Усмон тегирмончининг дадамга чой қуйиб ўтирган пайтлари кўз олдимга келади.

ДАДАМНИ БЕЗОВТА ҚИЛГАН ЖИНЛАР

Биз дала ҳовлимиздан Эшонгузардаги шаҳар ҳовлимизга йўл яқин бўлганлиги учун Жинкўча (ҳозирги Бешлола) орқали пиёда борардик.

Жинкўча шийпонимизнинг кун чиқар томонига қурилган дарвозамиз қаршисидан бошланарди. Кўчага арава зўрға сигар, ундан ташқари, қинғир-қийшиқ, кўп бурилишли, икки ёни пастак деворлар билан ўралган эди. Қоронғи тушиши билан ёш болалар ёлғиз ўзи бу кўчадан юрак ютиб юролмас эдилар. Шу кўчадан чамаси 150–200 метр юрилгач, деворлари қулаган пастқамроқ майдонга дуч келинар эди. Бу жой «Жинлар

базми» ҳикояларида тасвирланган манзарага ўхшарди. Мен мактаб ёшига етиб, хат-саводим чиққач, биринчи ўқиган ҳикоям «Жинлар базми» эди. Ҳикояни ўқигач, анча пайтгача кўрқиб юрганман. Бир куни кечқурун дадам мени Жинкўчага етакладилар. Мен орқага тисланиб:

– Бу кўчадан юрмайман, кўрқаман, – дедим.

Дадам:

– Нега кўрқасан? – деб сабабини сўрадилар.

Мен:

– Чакалақзорларда жинлар бўлиши мумкин. Сизни ва мени чалиб кетади. Ахир ўзингиз шу ҳақда ёзгансиз-ку, – дедим.

Дадам хахолаб кулиб:

– Яхши, ўғлим, «Жинлар базми» ҳикоясини ўқибсан. Лекин жинлар сен билан менга тегишмайди. Жинлар кўрқоқ одамларнинг кўзига кўринади. Сен ақлли, бақувват, тўғри йигит бўлиб ўссанг, жинлар сенга рўбарў бўлмайди, – дедилар ва қўлимдан ушладилар. Мен дадамга эргашдим.

Кейинчалик онам – Раҳбарбону қуйидаги воқеани айтиб бергандилар.

...Дадам «Ўткан кунлар» романининг охирги бобларини битираётган пайтлари экан (Бу асар Эшонгузар маҳалласидаги ҳовлида яшаётганларида ёзилган). Бир куни кечаси дадам ижод қилиб ўтирганларида деразага устма-уст кесаклар отилибди. Дадам ҳайрон бўлиб ташқарига чиқишлари билан кесак отиш тўхтабди, қайтиб ичкарига кирибдилар. Кейин яна ҳовлига чиқиб, у ёқ-бу ёқни кўздан кечириб, кесак қолдиқларини ҳам топа олмай ҳайрон бўлибдилар. Бу воқеа эртасига тунда яна давом этибди. Шунда дадам: «Балки тенгқурларим ҳазиллашаётгандир», – деб ўйлаб кўчага ҳам чиқибдилар. Бироқ кўчада ҳам ҳеч ким йўқмиш. Бу ҳолат 5–10 кун давом этибди. Жосият бибим жуда сезгир аёл бўлганларидан нонушта маҳали:

– Ҳа, Абдулла, кечалари безовтасан? Бир неча кундан бери ташқарига серқатновсан? – деб сўрабдилар. Дадам:

– Э, ойи, кундузи набираларингиз, кечаси жинлар безовта қияпти, – деб шикоятланган эканлар. Шунда Жосият бибим:

– Жинлар қурсин, сендек пок йигитга ёпишмай. Майли, қўявер. Мен ўзим бир эвини қиламан, – деб, шу кундан бошлаб дам солувчи, эшонларникига қатнай бошлабдилар.

БЕДАНА ОВИ

Раҳимберди амакимнинг қайин инилари 86 ёшли Мансур тоға дадамни эслаб қуйидагиларни сўзлаб берган эдилар:

– Абдулла акам билан яқиндан суҳбатлашиш шарафига 1925 йили «Ўткан кунлар»нинг биринчи бўлими босилиб чиққан пайтлари мушарраф бўлганман. Китобнинг давомини ўқиш иштиёқида эканлигимни Робия опамларга айтдим. Опам мендан хурсанд бўлиб:

– Юр, мулла Абдулла акангни олдига, – деб ижодхоналарига бошлаб кирдилар. Салом-алиқдан сўнг Робия опам менга ишора этиб:

– Мансур китоб сўраб келибди. Олдингизга бошлаб кела бердим, ўзларинг гаплашиб оларсизлар, – деб, кечки овқат баҳонасида чиқиб кетдилар. Абдулла акам ўтиришга таклиф этиб, ҳол-аҳволим, ўқишларим билан қизиқсиниб сўрашдилар. Ўша кезлари ҳисоб-китоб курсида таҳсил олаётганимдан воқиф бўлиб:

– Ҳисобчилик ҳунари яхши, бизда бунинг мутахассислари камчил касб. Ўзинг хоҳлаб ўқиётган бўлсанг дуруст, иложи бўлса, шу соҳа олийгоҳида давом этиб ўқисанг яна ҳам яхши бўлар эди, – деб маслаҳат бердилар. Сўнг келишим сабабига тушуниб: – Иним Мансурвой, тез кунларда «Ўткан кунлар»нинг давоми босмадан чиқиб қолар. Мен ҳам илҳақ бўлиб турибман. Насиб этса ўқирсан, – деб жавоб бердилар.

Абдулла акам айтганларидек, орадан бир ой ўтар-ўтмас китоб дўкони пештахталарида «Ўткан кунлар»нинг иккинчи бўлими «ур-йикит» бўлиб сотилаётгани устидан чиқиб, аранг бир дона олишга улгурдим. Романни икки кеча-кундуз бош кўтармай ўқиб битирдим. Китобни қўлтиқлаб Абдулла акамнинг олдиларига кириб келсам, ака-укалар ўтиришган экан. Мени кўриб: «Қалай, Мансурвой, романнинг давоми ёқдими?» – деб сўрадилар. Абдулла акамнинг дабдурустдан берган саволларидан довдираб қолдим. Абдулла ака менга кулимсираганларича қараб, жавоб кутдилар. Мен уялиб, ерга қараган ҳолда: «Ёқди», – дедим.

– Ҳа, баракалла, сенга ёққани – халқимизга ёққани. Ҳар бир ўқувчи хоҳ қисса ёки роман бўлсин, уни бир неча марта ўқиб, сўнг баҳолаши ўринли бўлади, – дедилар.

1926 йили «Ўткан кунлар» қўлдан-қўлга ўтиб, оғиздан-оғизга дoston бўлиб севилиб ўқилди. Табаррук дастхатлари ёзилган «Ўткан кунлар» китобини 45 йил эҳтиётлаб сақладим. 1975 йилларда бир танишим сўраб олди-ю, йўқолдига чиқариб қайтармади. Дастхатларида шундай жумлалар битилган эди: «Мулки Турон миллати турк қавми инимиз Мансурвойга эсдалик... (Жулқунбой)».

Мен бир йиллик курсни битириб, йўлланма бўйича Қибрай қишлоқ советига қарашли савдо-сотик идорасида ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишлай бошладим. Бошлиғимиз рус миллатига мансуб бўлгани учун ҳисоб-китоб рус тилида олиб борилар, рус тилини яхши билмаганим сабабли қийналиб, ишдан кетишга мажбур бўлдим. Ўқув жойимга келиб воқеани тушунтирдим. Курс бошлиғи бошқа ерга йўлланма бермаслигини билдирди. Бошим қотиб Шайхонтоҳурдан Эшонгузарга бордим. Раҳимберди поччам келишим сабабини тушуниб, мулла Абдулла маслаҳат берар деб, олдиларига бошлаб бордилар. Воқеани тинглагач, у киши аччиқланган ҳолда:

– Ўз миллатининг қадрига етмаган зиёлиларимизга қачон ақл битади?! – дея курсидан қоғоз ва қалам олиб қуйидаги мазмунда хат битиб, қўлимга тутқаздилар:

«Ассалому алайкум, ҳурматли домла почча... Мен фалончи аммангизга холавачча, фисмадончига қуда-анда, Махдум поччангиз жияни, менга қариндош, дашти қипчоқдан жуфтакни ростлаган толиби инингизни маъзур тутиб, юмушини битказиб, ўзини афв этгайсиз. Мен боғда беш вақт намозни қанда қилмай, саждадан бош кўтармай дуоингиздаман.

Салом ила Жулқунбой».

Мактубни эртаси куни курс мудирига етказдим. Домла Абдулла акам битган мактубни икки қайта кула-кула ўқиб, мен билан хушмуомалада бўлиб:

– Ўғлим Мансуржон, ҳали ёш талаба экансан, сенга оталик қилай. Хоҳласанг, марказ Самарқандга, Ўрта Осиё Индустринал политехника ўқувгоҳига йўлланма берай, – дедилар.

Хоҳишимга кўра, Самарқандда ўқий бошладим. Ўқишни туғатиб, миннатдорчилик билдиргани келсам, Абдулла ака «Арашон» санаторийсида дам олишга кетган эканлар.

1926 йил ёз ойларининг охири бўлса керак, Эрони қишлоғида яшовчи Ориф поччам меҳмонга таклиф этдилар. У вақт-

ларда ҳозиргидек текис кўчалар қаёқда. Гуппонтупроқ йўлни пиёда босиб келсам, меҳмонлар келган, ҳаммаёқ саранжом-са-ришта, қўй сўйилган, тандирга олов қаланган. Меҳри опам би-лан жияним Комил илиқ кутиб олишди. Пешинга яқин қўқон-аравада Раҳимберди поччам, Абдулла акам, Ориф поччам бир-галикда дала айланишга қўзғалишди. Орадан бирор соат ўтди, шекилли, Абдулла акам икки қўлларида аранг кўтариб, қизил уруғ (ананас) қовунлар олиб келдилар. Бирини ҳовузга ташлаб, иккинчисини тилимлаб сўйдилар. Сертўр дум бериб пиш-ган ширин-шакар қувроқ қовунни карсиллатиб иштаҳа билан едик. Ҳозирги кунда ундай қовун навлари бўлса-да, мазаси у даражада эмас. Қовундан сўнг чой ичилди. Ориф поччам сув-сираб қолган қовун-тарвузга сув тараб, тарвуз кўтариб келди-лар ва болаларга узиб қолдирилган қовун-тарвузларни ташиб келтиришни буюриб, супага келиб ўтирдилар. Биз қовунларни эшак аравада келтиргунга қадар улар анча дам олишган бўлса-лар керак, келишимиз билан Абдулла акам Комилни чақириб ниманидир сўрадилар. Комил «Ҳаммаси тайёр» деб жавоб бер-ди. Мен Комилдан қизиқсиниб сўрадим.

– Ов анжомларини сўрадилар, овга борсак керак, – деди.

Абдулла акам ўринларидан туриб акаларига:

– Сиз ҳам овга чиқасизми? – деб сўрадилар.

У киши:

– Мен чарчадим, божам билан суҳбатлашиб ўтираман, ов-ларинг ўнгидан келсин, – деб жавоб бердилар.

Абдулла акам бошлиқ Қудратилла акам, мен ва жияним тўрни кўтариб, ов итининг орқасидан эргашиб бедапоя, кеч-ки картошка полизи ёқалаб, икки соатдан мўлроқ вақт ичида 60–70 тача бедана овладик. Яна шунча беданани учириб ҳам юбордик. Абдулла акам билан Комил икковлари қовун полиз эгатларига қўйилган тузоқдаги 15–20 дона сайроқи беданани алоҳида тўрвага солиб, хурсанд бўлиб қайтишди. Хуллас, ўша кун оловимиз яхши бўлди. Кун ботар чоғида қўрғонга кириб келдик. Абдулла акам Комил ва менга халтадаги беданаларни тозалаб, тузлаб қўйишни буюриб, ювингани кетдилар. Ёзнинг охири бўлишига қарамай, кундузи иссиқ, кечаси салқин эди. Ҳовуз бўйидаги атрофига гуллар экилган ер супага жой ҳозир-ланган. Кечки таомга Абдулла акамни танийдиган уч-тўрт қа-

рия ва масжид имоми таклиф этилган. Улар осма лампа ёруғи-да алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришдилар.

Меҳмондорчиликнинг эртасига, кун чиқар вақтида Абдулла акам намозни ўқиб, қовун полизига кетган эканлар. Мен нонуштага таклиф этгани қидириб бориб, у кишининг чайлада хаёл суриб ўтирганларини кўрдим. Мени кўриб чайладан тушдилар. Икковлашиб полиз ичига йўл олдик. Мўлжаллаб қўйган қовундан икки-уч донасини узиб бердилар. Биргалашиб уйга қайтдим. Йўлда Ориф поччамдан миннатдор бўлиб:

– Поччанг миришкор деҳқон, ернинг тилини билади, тер тўкиб қилган меҳнати эвазига яхши ҳосил етиштирибди. Деҳқон қанча ерни сийласа, ардоқласа, ер ҳам деҳқонни сийлайди, – дедилар.

Кўргонга келсак, супада чой ичиб ўтиришган экан. Меҳри опам икки товоқ қаймоқ келтириб қўйдилар. Биргалашиб нонушта қилдик.

Нонуштадан сўнг Абдулла акам супада ёлғиз қолиб, ўзлари олиб келган китобни мутолаа қилдилар. Раҳимберди поччам, Қудратилла акам шахмат билан банд бўлишди. Орадан бир-мунча вақт ўтди, шекилли, Раҳимберди поччам Абдулла акамдан пешинга таом тайёрлашни сўрадилар. У киши:

– Хохласаларинг мен ўзим овқат тайёрлаб берай. Фақат ёрдамлашсаларингиз бас, – дедилар. Ҳаммалари розилик беришиб, ишга киришиб кетдилар. Гўштни қийма ҳолда тўғраш Қудратилла амакига, пиёз-кўкларни тўғраш поччамга, биз ёшларга эса сув сепиш, ўчоққа олов қалаш ишлари юклатилди. Ўзлари бир челақ кўтариб кўкат, сабзавот полизига йўл олдилар. Абдулла акам олиб чиққан помидор, бақлажон, булғори ва ҳар хил кўкат, саримсоқпиёзлар тўғралди. Устидан қўй чарвисини ўралиб, тайёр маҳсулотлар қозонга териб чиқилгач, димлаб ҳам қўйилди. Овқат тайёр бўлгунига қадар бир-икки қовун ҳам тановул қилинди. Пешин намозидан сўнг овқат дастурхонга тортилди. Мазали, хушбўй таом мақталиб-мақталиб, иштаҳа билан ейилди. Кимдир Абдулла акамдан таом номини сўради. Абдулла акам кулиб акаларига юзландилар. Поччам:

– Эй, шуни ҳам сўраб ўтирибсизларми? Янгамнинг овқатини ширин қилган акамнинг масаллиғи-да, – деб кулдирдилар.

Қудратилла акам ўз номи билан «Бедана димлама» деб таърифладилар. Абдулла акам:

– Икковларингиз ҳам таом номини қофияли қилиб айтдингиз. Лекин кенг маънода тушунтира билмадингиз. Бу кунги таомнинг номини мен «Жаннат таоми» деб айтган бўлур эдим. Чунки бу Ориф акамнинг шу жаннатдай боғларида етилган маҳсулотидан ва шу диёрда учиб юрган паррандалардан тайёрланган, – дедилар.

Улар Эрони қишлоғига келишганининг тўртинчи куни қайтиб кетишди.

ЛИДИЯ СОЦЕРДОВА

1933–35 йилларда дала ҳовлимизга бир рус аёли тез-тез келиб турарди. Кейин билсак, у киши Лидия Евгеньевна Соцердотова бўлиб, Ҳабибулла акам «Отам ҳақида» ва «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссаларида у ҳақда етарли маълумот берганлар. Лидия опа ёши қирқ-элликлар атрофида, оқ-сарик сочлари калта қирқилган, ориққина, букчайиброқ юрар, юз тузилиши худди Гоголга ўхшарди. Қўлида турли қоғозлар билан тўлган қора чарм папка, шунингдек, «Меҳробдан чаён» ва «Обид кетмон» асарлари, ўзбекча-русча луғат китоблари бўларди. Лидия опа тортинчоқ, ўта юмшоқ феълли аёл бўлиб, майин сўзлар, ўзбекча гаплашганда рус талаффузи сезилиб турарди. Дадам билан узоқ суҳбатлашиб ўтирардилар. Кейинчалик оиламиз аъзолари билан қадрдон бўлиб кетгач, уни узоқдан кўришимиз билан: «Ана, Лидия опа келяпти!» деб, биз болалар қувониб қичқирардик. Лидия опа ҳар биримизнинг исмимизни ўзбекча атаб, оймни «Раҳбар опа», дадамни «Абдулла ака» деб, ҳолаҳвол сўрардилар. У дадамнинг бўш пайтларини билиб келар, сандалда ўтириб гаплашардилар. Баъзан уларнинг олдига кириб қолсам, Лидия опам:

– Кел, Масъуд ўғлим. Ўқишларинг яхшими? Катта бўлсанг Абдулла акамга ўхшаб ёзувчи бўласанми? – деб сўрар эдилар.

Лидия опа биз билан хонтахта атрофидаги кўрпачага ўтириб, чой ичиб, овқатланар, баъзан кечикиб кетса, тунаб қолардилар. Кейинчалик билсам, бу аёл таниқли таржимон экан.

1937 йил дадам ҳибсга олингач, кўпчилик таниш-билишлар биз билан алоқани узишди. Кўча-кўйда кўришиб қолсак, қўл учида саломлашадиган бўлишди. Дадам қамалганларида Ҳабибулла акам оғир бетоб бўлиб, шифокорлар тавсияси билан

тахтакач сўрида олти ойгача чалқанча ётишлари керак эди. Биз аста-секин рўзгордан қийнала бошладик. Шифокорлар акамга кучли овқат ейишни буюрган, бир ёғи қаттиқ қиш бошланган...

Лидия опа бизникига келдилар. Ойим билан кўз ёши қилиб сўрашдилар. Сўнг Ҳабибулла акамнинг олдига кириб, узоқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Кетаётганларида:

– Абдулла акамда ҳеч қандай айб йўқ. Тухматдан қамалдилар. Текшириб чиқариб юборишади, – деб бизни юпатдилар.

Шу тариқа бизникига тез-тез келиб турадиган бўлиб қолдилар. Ҳар келганларида бирор егулик олиб келар, ундан ташқари, қоғозга ўралган бир нимани (кейин билсам пул экан) ойимга ташлаб кетардилар. Ойим йиғлаб уни олиб қолардилар. Бемор ётган Ҳабибулла акамга алоҳида илтифот кўрсатардилар. Лидия опа уруш йиллари Қашқар маҳалласидаги бир хонадонда ижарада туриб, кейин Ғози Юнус амакимникида ҳам яшаган эканлар. Акам согайгач, Лидия опадан хабар олиб турдилар. Сўнг опа Россияга кўчиб кетдилар. Камтарин инсон, фидойи аёл, моҳир таржимон Лидия Евгеньевна Соцердотовадан биз – Қодирий оиласи доим миннатдормиз.

МЕНИ ҚИЗИҚТИРГАН РАСМЛАР

5–6 ёшли чоғларимда ўйиндан зериксам ёки бирор тан-сикроқ таом егим келса, дадамнинг ижодхоналарига кириб, салом бериб аста ёнларига чўккалардим. Дадам баъзан алик олардилар, баъзан менга эътибор бермай, ёзув билан банд бўлардилар. Шунда хонани кўздан кечирардим. Ижодхона тоқчаларида араб, рус алифбосида битилган китоблар тартиб билан терилган эди. Улар орасида «Муштум» журналининг йиллик жамламаси ҳам бор эди. Унинг бетига ва ичига чизилган турли хил расмлар менда журналга бўлган қизиқишни орттирарди. Дадам қўлимга «Муштум» журналини тутқазиб: «Жим кўриб ўтиргин», – деб, ўзлари ёзишга киришар эдилар. Мен журналдаги ёзувларни тушуна олмасдим. Ундаги расмлар тафсилотини дадамдан сўрардим. Дадам кулиб, саволимга эринмай жавоб берардилар. Баъзан қайта-қайта савол бераверсам, дадам аччиқланар эдилар...

Шунда мен: «Нега дадам саволимга жавоб бермайдилар?» – деб гашлансам, ойим ўртага тушиб:

– Масъуд, яқинда мактабга борасан, ўқиш-ёзишни ўрганасан. Ана шунда ўзинг тушуниб оласан, – деб мени овулар эдилар.

Ўша қизиқиб кўриб юрган журналларим ичида бир антиқа расмлиси бўлиб, тасвири тахминан шундай эди: йўргакланган чақалоқ, чақалоқнинг калласи ўрнига муштум чизилган. Чақалоқни бир эркак (кейин билсам Ғози Юнуснинг расми экан) эмизяпти. Унинг ёнида дадам ва яна тугун тутган икки кишининг расми бор эди. Мен дадамдан шу расмнинг маъносини сўрагандим, дадам: «Масъуд, бу «Муштум» ҳазили», – деб жавоб берган эдилар. Мен яна:

– Дада, нега эркак киши бола эмизяпти? – деб сўрадим.

Дадам хахолаб кулиб:

– Боланинг онаси овқат пишириш билан банд. Шунинг учун отаси боласига қараяпти, – дегандилар. Мен:

– Нега чақалоқни кўргани хотинлар эмас, эркаклар келишган? – деб сўрагандим, дадам кулишда давом этиб:

– Ахир хотинлар ташқарида бўлсалар керак, деяпман-ку. Эркаклардан кейин хотинлар ҳам келишар. Ўғлим, катта бўлсанг ўзинг тушуниб оласан. Бу расм ҳазил қилиб чизилган, – дегандилар.

Кейинчалик Ғози Юнус оиламизга тез-тез келиб тургандан сўнг, ўша расмдаги шу киши эканлигини билдим.

Ёшим улғайиб, дадамнинг журналчилик фаолиятлари билан атрофлича танишгач, ўша расмнинг асл моҳиятини тушундим, яъни сурат 1923 йил «Муштум» жаридасининг дунёга келиши, янги туғилиши муносабати билан чизилган экан. Дадам 1923 йилдан бошлаб чин дўстлари билан «Муштум»ни йўргаклаб вояга етказдилар, 1927 йилгача «Муштум» журнаliga ўтқир мақолалари билан қатнашиб турдилар... Дадамнинг табаррук қўллари билан тўпланган, мен севган журнал жамламаси 1945 йилгача уйимизда сақланиб турди. Акамни ҳибсга олиб кетишганда уни ҳам олиб кетишганди.

ВАЪДА

Мен бошланғич сабоғимни қўшни Сузукота маҳалласидаги (ҳозирги 23-сонли боғча ўрнидаги) мактабда олганман. Мактаб тўрт-беш хона (синф)дан иборат бўлиб, янглишмасам, Маҳкамбой деганнинг ҳовлисида очилган эди.

Биринчи ё иккинчи синфда ўқиб юрган чоғларим эди. Муаллима опам (исмларини унутдим) бир куни дарсдан сўнг:

– Ўғлим, сен Абдулла Қодирийнинг фарзанди экансан. Мен даданглар ёзган «Ўткан кунлар» китобини ўзимда йўқлигидан, бировдан олиб ўқиб чиқдим. Энди шу китоб менда ҳам бўлса, дегандим. Дадангларда бўлса, олиб келиб берсанг. Бу илтимосимни ойингга айтгин, – деб такрор-такрор тайинладилар.

Мен «хўп» деб ваъда бердим.

Мактабдан келибоқ ойимга:

– Ойи, муаллима опам мен билан алоҳида гаплашдилар. Мен энди катта бола бўлиб қолдим, – деб мақтандим ва уларнинг илтимосларини айтдим.

Ойим кулиб:

– Хўп, дадангдан сўраб, бўлса олиб бераман, – дедилар.

Орадан икки кун ўтди. Китобдан дарак йўқ. Мен ваъдамни бажара олмаганимга муаллима опамдан уялиб, мактабга бормай қўйдим.

Ойим:

– Ўғлим, китоб дадангларда ҳозир йўқ экан. Топиб беришга ваъда бердилар. Сен эртадан ўқишга боравер, – дедилар.

Менга муаллима опамнинг сўзлари қонундек туюлгани учун, қайсарлигим тутиб, мактабга бормадим.

Кечлик маҳали ойим дадамга:

– Ўғлингиз яна мактабга бормади, – деб шикоятландилар.

Дадам кулиб:

– Қўявер, ўзим гаплашаман, – дедилар.

Эртасига нонуштадан сўнг дадам мени етаклаб мактабга йўл олдилар. Борсак, дарс бошланганига ўн-ўн беш дақиқа бўлган экан.

Дадам:

– Майли, бир оз кутамиз, – дедилар.

Бир вақт муаллима опам (синф ойнасидан бизни кўриб) чиқиб, дадамга салом бердилар. Дадам алиқдан сўнг:

– Масъуд ўғлингиз менинг айбим билан дарсга келмай қўйибди. Сўраган китобингиз ўзимда йўқ эди. Сабаби, сиз каби мухлислар китобимнинг сўнггисини ҳам олиб кетишганди. Узр, мен албатта китобни топиб, Масъуд орқали бериб юбораман, – дедилар.

Муаллима опам:

– Сиздек азиз инсонни овора қилибман, – деб қайта-қайта узр сўрадилар.

Дадам:

– Йўқ, хижолат бўлманг. Асаримни ўқиб қадрлаётганингиз учун сизга раҳмат айтиш менинг бурчим. Сизга раҳмат, – дедилар. Менга:

– Масъуд, муаллима опангга қулоқ сол. Яхши ўқигин, қани, дарсингга борақол, – деб муаллима опам билан хайрлашиб мактабдан чиқиб кетдилар. Муаллима опам мени қучоқлаб, юзимдан ўпиб:

– Даданг билан биринчи бор суҳбатлашим. Даданг камтарин, улуғ инсон эканлар. Сен каби ёшларимиз бахтига омон бўлсинлар, – деб ичкарига бошладилар. Хонада жим ўтирган болаларга қараб:

– Азиз болалар, яхши ўқинглар, одобли бўлинглар. Келажакда Абдулла Қодирийдек камтарин инсон бўлиб етишинглар, – деб дарсни давом эттирдилар. Орадан икки-уч кун ўтгач, кечликда ойим:

– Китобни топдингизми? – деб сўрадилар. Дадам:

– Ҳа, бир дўстимдан лотин алифбосида босилганини сўраб олдим, – дедилар.

Эртасига нонуштадан сўнг қоғозга ўралган китобни жилдимга солиб йўлга тушдим. Мактабга бориб, муаллима опамга китобни бердим. Опа «Раҳмат» дедилар. Дарсдан сўнг муаллима опам: «Ойинг ёки дадангга бергин», деб букланган қоғоз бердилар.

Кейин билсам, ўша қоғоз ойим ва дадамга «Ўткан кунлар» учун миннатдорчилик хати экан.

АЛЛОМАЛАР ИБРАТИ

Боғ кўчамизда ўрта мактабда математика фанидан дарс берувчи Тўлаган Зокиров исмли домла бўлардилар. Домла дадамдан 5-6 ёш кичик, ўрта бўйли, қотмадан келган, зукко, камгап, ўз фанини пухта билгувчи, ўқувчиларга нисбатан ўта талабчан эдилар.

Ўрта мактабни битириб, тиббий олийгоҳда ўқиб юрган кезларим эди. Бир куни домла мени кўчада кўриб қолиб, уйларига таклиф этдилар. Суҳбатлашиб ўтириб, домла дадамни эслаб хикоя қилгандилар:

... 1929 йиллар бўлса керак, Абдулла акам билан бир суҳбатлашай деб уйларига тушдим. У киши шийпонда икки киши (янглишмасам, бирлари Чўлпон, яна бирлари Ғайратий бўлса керак) билан суҳбат қуриб ўтиришган экан. Абдулла акам мени кўриб, «келавер» ишорасини қилдилар. Мен шийпонга чиқиб, меҳмонлар билан сўрашиб ёнларига ўтирдим.

Абдулла акам:

– Бу киши бизнинг қўшни бўладилар. Тошкентнинг забардаст математиги, – деб мени уларга таништирдилар. Бир оз суҳбатлашиб ўтиришгач, улар ўринларидан қўзғалишди. Абдулла акам менга «ўтиравер» ишорасини қилиб, меҳмонларни кузатгани кетдилар. Қайтиб келгач, мендан бошқатдан ҳолаҳвол сўрадилар. Бир оз сукут сақлаб ўтиргач:

– Абдулла ака, меҳмонлар олдида мени анча мақтаб юбордингиз. Бунинг учун раҳмат. Мен фанимни севганим учун тарихий китоблардан математика фанига хоразмлик олим ал-Хоразмий асос солганлигини билдим. Шўнга ўхшаш ажун (дунё) тортилиш қонунини Ньютондан беш юз йил илгари очган ва ер шари глобусини Оврупо олими Мартен Бехейнмдан беш юз йил илгари яратган Беруний, табобат илмининг асосчиси Ибн Сино, Коперник, Галилейдек осмончиларнинг устози Улугбек ва бошқа олимларимизнинг ҳаёти, ижоди нега ҳозирги талаба-ларга юзаки етказиляпти? – деб сўрадим.

Абдулла акам гапларимни диққат билан эшитиб ўтирдилар-да, сўзлай кетдилар:

– Мулла Тўлаган, жуда ўринли саволлар бердингиз. Мени ҳам кўпдан бери ўйлатиб келади бу саволлар. Менингча, ҳар бир миллат ўз тарихини билмас экан, демак, ўзлигини ҳам билмайди. Шунинг учун ҳозирги билимга ташна ёш бир талаба ўрта билимгоҳни тамомлаб, олий билимгоҳларда таълим олсалар, олимлик даражасига кўтарилиб, бобокалон алломаларимиз Хоразмий, Беруний, Фаргоний, Фаробий, Ибн Сино, Улугбекларни ўрганиб, ўз халқига етказса, бизни ўзга халқ ҳам тан олади, – дедилар. Абдулла акам бир оз сукутдан сўнг яна давом этдилар:

– Сен ўз фанинг бўйича сўзладинг. Ахир ҳазрат Навоий, Бобур каби қанчадан-қанча улуғ сиймоларнинг асарларини ўзимизнинг халқимиз билмайди-ку, ўзга халқ қайдан билсин? Мени яна кўпдан бери қийнаб келаётган муаммолардан бири

– жумхуриятимиздаги алифбога ўзгартириш таклифидир. Агар бу гаплар амалга ошса, юқорида зикр этилган алломаларимизни ўрганиш нима бўлади? Билмадим. Агар ўқиш, ёзиш эски ёзувда қолмас экан, келажакда миллий тилимизга путур етиши муқаррар. Бобокалонларимиз ёзиб қолдирган китоблар жавонларда чанг босиб ётаверади. Неча минг йиллик миллатимизга хизмат қилиб келган ёзувимиздан воз кечдик, дейлик. Ёшлар эски алифбони эсдан чиқариб юборсалар нима бўлади? – деб афсусланган эдилар.

Абдулла акам айтганларидек, орадан оз фурсат ўтмай мактабларда лотин алифбосида дарс ўта бошладик. Ислохот бошлангич синфларда осонроқ кечган бўлса ҳам, юқори синфларда ва муаллимларда анча қийин ўтди.

БИЗНИНГ ДИРЕКТОР ИМОНЛИ ЭДИ

Дадамни иккинчи марта қора курсига ўтқазганларида ёзган асарларини ҳам бадном қилишга уринишганди. «Халқ душманининг ёзган асари» деб китобхонлар қўлидан тортиб олишган. Бироқ мухлислар китобни ўқиш ман этилганига, китобни ўқиганлари учун жиноятчи сифатида жазо олишлари мумкинлигига қарамай, китобларни бир-бирларидан олиб, яшириб ўқийверишган. Агар улар қўлга тушиб қолишса...

Жумхуриятда хизмат курсатган маданият ходими Аъзамхон Рустамов бир суҳбатда шундай ҳикоя қилгандилар:

– Ўша қатағон йилларида қанчадан-қанча одамларни дадангиз ёзган асарларни ўқиганликлари учун азобладилар, қамадилар. Менинг укамни ҳам «Ўткан кунлар» романини уйида сақлагани учун қора курсига ўтқазгандилар.

1990 йили шахримиздаги ҳозирги Шайхонтоҳур туманига қарашли 84-ўрта мактабда дадамизнинг 96 йиллик таваллудларига бағишланган йиғилишга мени таклиф этишди. Анжумандан сўнг бир пиёла чой чоғида директор ҳикоя қилганди:

– 1945 йили 7-синфда ўқир эдим. Ўша пайтда тақиқланган бўлса-да, адабиётга қизиқишим туфайли уйда «Ўткан кунлар»ни ўқий бошладим. Китобни тугата олмаганлигимдан давомини эртасига математика дарсида ҳам ўқийвердим. Қизиқиб кетиб, домла тепамга келиб қолганини ҳам сезмабман. Домла: «Нима ўқияпсан?» – деб қўлимдан китобни юлиб олди. Эрта-

сига директор хонасига чақириб, математика домласи: «Нима қилиб қўйганингни биласанми, халқ душманининг тақиқланган китобини ўқидинг-а?!» – деб дўқ-пўписа қилди. «Эртага дадангни олиб кел!» деб буюриб, китобни олиб қолишди. Шу куни кечқурун синфдошим: «Сени тоғам чақиряптилар», – деб уйимизга келди. Борсам, директор уйида эканлар. Яхши кутиб олиб, бошқа холи хонага олиб чиқиб:

– Ўғлим, ўқиётганинг ўзбек халқининг сеvimли «Ўткан кунлар» китоби. Мен ҳам сен каби уни севиб ўқиганман. Минг афсуслар бўлсинки, сенларнинг даврларингда бу китоб ман этилди. Албатта, сен буни билмагансан. Кимда-ким шу китобни сақласа, ўқиса, бошига қора кунлар тушади. Агар бу ишингни биров эшитса, даданг ва мен жавобгар бўламиз. Сенга маслаҳатим, ўқиган китобингнинг муқовасига ўхшаш китоб топиб, бориб алмаштириб қўясан. Китобингни мен хонамдаги жавоннинг тепасига, кўзга кўринадиган жойга қўйганман. Хона деразасини омонат беркитганман, ўша ердан тушасан, – дедилар.

Мен ўрнимдан қўзгалдим. Хайрлаша туриб:

– Эртами-индинми сени даданг билан хонамга чақиришлари мумкин. Сендан ўша китобни сўрасалар «Билмайман, ўқимаганман» дегин, – деб тайинладилар. Мен ўша тунда директор айтган ишни бажариб қўйдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, мени директор хонасига чақиришди. Унда директор, математика домласи ва чарм пальтоли нотаниш киши ўтиришар эди. Нотаниш киши: «Сен қандай китобларни ўқийсан?» – деб сўради. Мен жавоб бердим.

– Нега тақиқланган китобларни ўқидинг? – деб дўқ урди у.

– Мен унақа китобни билмайман, ўқимаганман, – дедим.

– Сен ёш бўлатуриб ёлғон сўзляяпсан. Мана гувоҳ бор, – деди у математика домласини ишора қилди-да, – қани ўша китобни кўрсатинг! – деб буюрди.

Домла ўрнидан туриб, жавон устидан китобни олиб ўша кишига тутқазди. Улар икковлашиб у ёқ-бу ёғини кўришиб, ҳайрон бўлишди.

Қалтираб ўтирган директорга жон кириб, ўрнидан турди-да, домланинг ёнига келиб:

– Балки англашилмовчилик бўлгандир. Бу ёшдаги болалар ўшанақа китобни ўқиганларида ҳам ҳеч нарса тушунмайдилар, – деб уларни хижолатдан чиқаргандилар.

ЎЗУВЧИЛИК КАСБ САНАЛМАЙДИ

1936 йилнинг ёз ойлари эди. Ҳам ўйиндан чарчаб, ҳам қорним очиб уйга кирсам, дадам билан ойим дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтиришган экан. Дадам менинг афти-ангоримга боқиб:

– Бор, юз-қўлингни ювиб кел, – дедилар. Буйруқларини ба-жариб, аста дастурхон четига ўтирдим. Дадам кўз қирларини менга ташлаб:

– Мана бунақа ёшлардан келажакда фирқа аъзолари етишти-рилади, – дедилар. Мен гап нима тўғрисида кетаётганлигига ва «фирқа» сўзига тушунмай, индамай овқатланавердим.

Ойим:

– Ахир, сизни бир неча бор фирқага аъзо бўлишга таклиф этишган экан, розилик беринг. Шу билан қулоғингиз тинчий-ди, – дедилар.

– Эй, сен билмайсан, Раҳбар... балки сен ҳақдирсан. Тушу-ниб турибман, олти-етти ойлаб боғ ишларида қийналмай, эл қатори бирор муқим давлат ишида ишлашимни хоҳлайсан. Гап юмушда эмас, фирқага кириш хоҳишим ўзимда. Буни идо-ралардаги онгли ҳамкасбларим тушунишади. Мен баъзи фис-қи-фасодчилар, тирноқ ичидан кир қидирувчилардан ўзимни четроққа олиб юришга ҳаракат қиламан. Оддий одамлар билан мулоқотда бўлгим келади. Чунки улардан маънавий озуқа ола-ман. Кейин мен фирқага киришга тайёр эмасман. Агар мен бу-гун фирқага кирсам, эртага мендан камчилик ахтара бошлай-дилар. Сабаби, мен Худога ишонаман. Шу эътиқодимдан орқа-га қайтмайман. Мен боғ юмушим ва ижодим билан шуғулланиб юргим келади. Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганлигим учун мажлисларга ёки бирор йигинларга боришим ижодимга халал беради. Ёзувчилик ишқ, ҳавасдир. Буни касб санаб, рўзгор теб-ратиб бўлмайди. Касбга ишониб кун кечириш ёзилажак асарга жиддий зарар етказиши. Асосий касбдан бола-чақа боқиш мум-кин. Менинг ота касбим боғдорчиликдир. Дадам гапларини ту-гатганларидан сўнг, сўрадим:

– Дада, «фирқа» нима дегани?

Дадам ўйланиб туриб:

– Ўзим фирқа бўлмаганимдан кейин сенга қандай тушун-тирсам экан. Менимча, давлатнинг энг ишончли кишилари фирқалар бўлса керак, – дегандилар.

ГУЛЛАРНИНГ ОШИҒИ ЭДИЛАР

Дадамизнинг эслашларича, Қодир бобомиз қимизхўрликка чиққанларида, ўтовда қозоқ келиннинг қўлидан қимиз ичиб, хавасланиб: «Набира кўрсам, исмини Ойкумуш қўяман», деб ният қилган эканлар. Раҳимберди амаким қиз кўрганларида унга қозоқ келиннинг исмини, яъни Ойкумуш исмини қўйиб, бобомиз ниятларига етган эканлар. Ойкумуш опамиз 1910 йилда туғилган эканлар. Уйдагиларнинг таърифларича, Ойкумуш опам чиройли, заковатли, ўқув-ёзувга қизиқувчан, оғир, босиқ бўлган эканлар. Дадам жиянларини суйиб, ёзган асарларининг бош қаҳрамонининг исмини Кумуш деб атаган эканлар. Раҳимберди амакимнинг Масъуд тоға (отахон юз ёшдан ошиб вафот этдилар) деган қайин инилари бўлиб, у киши ҳикоя қилгандилар:

– Робия опамга Худо бир қиз берганди. Унинг ёши ўн уч-ўн тўртга етганда ҳусни етти маҳаллага донг таратди. Қулоғимга: «Шу қизни келин қилсам» деган овозалар чалина бошланди. Абдулла: «Жиянимни ўзим ўқитаман. Худо хоҳласа, бизнинг авлоддан ҳам Нодиралар, Зебунисолар етишиб чиқса ажабмас», – дебдилар. Абдулла Ойкумушни қизлари Назифа билан бирга Бешёғочда очилган мактаб-интернатга ўқишга бергандилар.

...Ғози Юнуснинг ўғиллари Тўлқин ака ҳикоя қилгандилар:

– Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида 1923 йилда мактаб-интернат очилган экан. Лекин болаларни интернатга тортиш қийин бўлган экан. Шунда интернатдан қўриқиб юрганларга ўр-нак бўлсин деб, ҳукумат зиёлиларга мурожаат этган экан. Шу интернатга дадам мени ҳам бердилар. У ерда Абдулла акамнинг қизлари Назифа ва Ойкумуш исмли чиройли жиянлари ҳам ўқирди. Бизга интернатдан ҳафтасига бир марта уйга рухсат беришарди. Абдулла акам бизнинг олдимизга тез-тез келиб, қизларидан хабар олиб турардилар. Ойкумушга худди катталарга муомала қилгандек гапирар эдилар. Бир сафар келганларида:

– Мен Москвага ўқишга кетяпман. Сизлар яхши ўқинглар. Совғалар олиб келаман. Ўқиш-ёзиш қўлларингдан келади. Менга хат ёзиб турунглар, – дегандилар.

Уйдагиларнинг эслашича, дадам 1924–25 йилларда Москвага ўқишга кетиб, тез-тез хат йўллаб: «Мен боргунимча қизлар

ўқишдан совиб, интернатдан кетиб қолишмасин. Тез-тез хабар олиб туринглар», – деб таъкидлар эканлар.

– Ойкумуш, бетобланганда – дея давом этадилар Масъуд тоға, – Абдулла анча куйди-пишди бўлиб, кўрсатмаган табиби қолмади. Бояқишнинг касали оғир бўлса керак, кундан-кунга бери келмай озиб-тўзиб, 1929 йили баҳор ойида 19 ёшида оламдан ўтди. Дафн маросимида Абдулла Раҳимберди поччамдан ҳам кўпроқ кўз ёши тўқдилар...

1920 йиллар бўлса керак, бир куни борсам Абдулла Эшонгузар маҳалласидаги меҳмонхоналарида гап бераётган эканлар. Мен Қудратилла билан чой ташиб турибмиз. Бир маҳал кимдир: «Ёзганингизнинг давомини ўқинг», – деб қолди. Абдулла ичкаридан ёзганларини олиб чиқиб аста ўқий бошладилар. Мен бир чеккага чўк тушиб эшита бошладим. Эшитган сарим эшитгим келаверди. Абдулла бирор соатдан кўпроқ ўқиганидан сўнг: «Бўлди, чарчадим. Қолганини кейин ўқиймиз», – дедилар. Кейин овқатга ўтиришди.

Мен қизиқиб, Қудратилладан:

– Қачон қолганини ўқишади? – деб сўрадим. У:

– Келаси жума кунги гапларида ўқишса керак, – деди.

Мени гапларига таклиф этмаган бўлсалар ҳам, кейинги жума келиб Абдулладан қолган ёзувларини эшитишга муяссар бўлгандим. Тез орада халқ орасида: «Кумуш, Отабеклар ҳақида китоб чиқармиш», деган овозалар тарқалди. Ўша эшитганларим кейинчалик араб алифбосида алоҳида-алоҳида китоб бўлиб чиқди. Китобни дўконлардан топиш амри маҳол эди. Мен Раҳимберди поччамга тақдим этилган китобни олиб, ўқиб чиққандим. Абдулла Ойкумушни таърифлаб битган китобларидан бошқа яхши китоб учратмадим.

Абдулла бир шийпон қуриб, боғ яратаётганлари ҳақида эшитгандим. Бир куни Собит (Раҳимберди амакимнинг ўғли) билан Ҳабибулла уйимдан гул кўчат олиб кетишди. Бир айланиб уйларига борсам, Абдулла қўлларида кетмон, шийпондан беш метрча нарига ерни доира қилиб чопиб, гулга ариқ олаётган эканлар. Мен билан ҳол-аҳвол сўрашиб, шийпонга таклиф этдилар. Мен кетмонни қўлларидан олиб, ариқларнинг ичини юмшатиб, гул экишга тайёрладим.

Кейинги борганимда ўша экилган гуллар чаман бўлиб очилиб, гулзор ўртасига ўрнатилган, баландлиги икки-икки ярим

метр келадиган дарахтни чиройли пардозлаб фонус-чироқ кўйдирибдилар.

Абдулла анвойи гуллар ошиги эдилар. Унинг ўзи миллатнинг ажойиб гули эди. Гулни очилтирмай, бевақт юлдилар. Сўлитиб қуритдилар. Бироқ гулнинг илдизидан сенлар ўсдиларинг. Отангнинг руҳини ёд этиб, Ҳабибулла аканг китоб битибди. Отангнинг арвоҳи ҳамиша сенларга мадад берсин, – деб дуо қилгандилар Масъуд ота.

ТИРИКЛАРДАН ХАБАР ОЛИШ САВОБЛИДИР

Мен тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларимда дадамнинг ҳаётлари, ижодлари ҳақида қизиқишиб, ҳар хил саволлар беришарди. Баъзилари: «Абдулла Қодирий динга берилган намозхонмидилар?» – деб сўрашарди. Бу саволар менга сиёсат юзасидан ёки қитмирлик туфайли атайин берилгандек туюлар, шундай бўлса ҳам, иккиланмай ва қўрқмай: «Ҳа, дадам Аллоҳга ишонган, беш вақт намозни қанда қилмай ўқийдиган инсон эдилар», деб тўғриси айтирдим. Бундай савол берувчиларнинг ёши мендан катта бўлиб, намоз ўқиш у ёқда турсин, ҳатто калима келтиришни ҳам билмасликларини гап-сўзларидан англардим. Чунки исломни таниган одамнинг бундай бемаъни савол бермаслигини билардим.

Дадам 1916–17 йилларда Тошкентдаги машҳур Абулқосим мадрасасида таҳсил олган эканлар. Шу туфайли Қуръонни бемалол ўқиб, ҳатто ояти карималарни зукколик билан тафсир қилганлари ҳақида кўпчиликнинг хотирасини эшитганман.

Ўзим бир куни дадамдан намоз ўқишнинг маъносини сўраганимда:

– Намоз Аллоҳнинг фарзи бўлганлиги учун ҳар бир мусулмон уни бажариши шарт. Намоз тарбия воситасидир. У банданинг қалбини ва танини покликка чорлайди, ҳар куни беш марта Аллоҳни эслатиб туради, – деган эдилар.

Дадам беш вақт намозни қанда этмасдилар. Ҳар жума эса маҳалламизнинг юқори қисмидаги Камолон дарвозаси олдидаги масжидга борар эдилар. Уйга келган меҳмонлари намозга туришса, суннатга мувофиқ, дадам имомликка ҳам ўтардилар.

Бир куни дадамга ҳамроҳ бўлиб Ёзувчилар уюшмасига борганимда, пешин намозини уюшмадан бир чақирим нарида жойлашган Ғози Юнуснинг уйига бориб ўқиган эдилар.

Рамазон ойида дадам рўзани беҳато тутар эдилар. Мен учун рўзанинг ёмон томони, кундузи таом тайёрланмаслиги эди. Яхши томони, кечки дастурхоннинг нозу неъматлар билан тўла-тўқис ясатилишида, айниқса, нишолда билан сийланишимизда эди. Дадам биз болаларга ҳали фарз бўлмагани сабаблими, рўза тутишни маъқул кўрмас эдилар. Шундай бўлса ҳам, икки-уч кун тутишга ҳаракат қилардим. Эсимда, бир куни рўза тутдим. Рўза огиз билан зўрға ифторликкача етиб бордим. Жосият бибимнинг хоналарига кирсам, ифторлик учун дастурхон ясатилган экан. Бироқ огиз очишга вақт бор эди. Хонада ҳеч ким йўқ. Беихтиёр дастурхондан бир нима олиб оғзимга солдим-у, рўза оғизлигим эсимга тушиб, егуликни олиб, дастурхондаги сув билан оғзимни чайдим. Оиламиздагилар оғиз очишгандан сўнг мен дадамга бўлган воқеани айтиб бердим. Дадам кулиб:

– Агар билмасдан овқат еган бўлсанг рўзанг бутунлиги сақланади, билиб очган бўлсанг, рўзанг бузилади, – дедилар. Мен:

– Ўша заҳоти оғзимни сув билан чайиб ташладим, – дедим.

Шунда дастурхон атрофида ўтирганлар шарақлаб кулиб юборишди. Дадам:

– Масъуд, оғзингни сув билан чайқганимда сув ичингга кетмаган бўлса, тутган рўзанг сақланади (буни дадам мени хижолатдан чиқариш учун айтганликларини кейин англаганман) дедилар.

Дадамдан рўза ҳақида сўраганимда:

– Ҳар йили рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарздир. Рўза инсоннинг иродасини чиниқтиради, нафсини тийишни ўргатади, оч-мухтожларга тўқлар қалбида раҳм-шафқат уйғотади. Яъни, бу амал ҳам намоз каби бир тарбия воситасидир. Ундан ташқари, бир йилда уйлар бир сидра таъмир этилганидек, инсоннинг бетартиб овқатланишидан келиб чиқадиган хасталикларни ҳам даволайди. Рўзани ёш болали оналар, беморлар, ёши улуғлар, ёш болалар тутмасликлари мумкин, – дедилар.

Дадам рўза кунларида ҳам одатларини канда қилмай, жисмоний иш билан ҳам шуғулланар, китоб мутолаасига берилар ёки ижод билан машғул бўлар эдилар.

Рўза тугагач, ҳайит (ийд) бошланарди. Дадам ҳайит намозини Хўжа Аламбардор масжидида ўқир эдилар. Бир ҳайитда мен ҳам дадамга эргашиб намозга борганим ёдимда. Намоз ўқишни билмасам-да, дадамга тақлид қилиб руку-саждага бориб, ўтириб-туравердим. Намоз тугагач, дадам атрофдагилар билан «Айёмлар муборак бўлсин», деб кўришдилар. Масжиддан чиққанимизда:

«Масъуд, намоз ўқидингми?» – деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, сизга қараб ўқидим», – дедим. Шунда дадам жилмайиб, мулоқимлик билан: «Ният қилиб Аллоҳнинг уйига келдингми, Аллоҳ томонидан инобатга олиндинг», – дедилар.

Дадам намоздан сўнг хонадонларга кириб, ундаги қари, бетоб ётган отахон ва онахонларни айём билан қутлар, баъзи жойда ўтмишдаги қизиқ воқеаларни сўзлаб қулдириб, камқўстлари бўлса сўраб, ҳайитлик бериб чиқар эдилар. Йўл-йўлакай фотиҳагарчиликларга ҳам кирардилар. Мен бир куни:

– Дада, нега сиз фотиҳагарчиликларга камроқ кирасиз-у, фотиҳагарчилиги йўқларникига эса кўпроқ кирасиз? – деб сўрадим. Дадам:

– Ҳайит намозидан кейин биринчи галда қарияларни, беморларни кўриш хайрли иш ҳисобланади. Сабаби, ўша қариялар ёки беморлар қувватлари бор вақтда мен ва сен каби ҳайит намозларини жамоат билан ўқишган. Энди эса ночорликда ёру биродарларининг ташрифларига кўз тикиб, ўқиб ўтиришибди. Маъракага кириб, кўнгил сўрашнинг ҳам савоби бор, лекин тирикларнинг аҳволдан хабар олиш савоблироқдир. Чунки ҳозирги фотиҳагарчилик ислом динида бўлмаган. Бизда фақат узоқ-яқин қариндош-уруғлар келишиб, марҳумни эслаш одати бор, холос. Исломда уйма-уй юриб фотиҳа ўқиш шарт эмас. Ҳар ким ўз уйида ўтириб, хоҳлаган марҳумига атаб дуо ўқиса, савоби тегаверади, – дегандилар.

САИД ОЛИМХОННИНГ ГИЛАМИ

Раҳимберди амаким гавдали, огир-босиқ сўзловчи, меҳрибон, дурадгорлик, кейинчалик ошпазлик хунари билан шуғул-

ланган, ўртаҳол кун кечирувчи киши эдилар. Уруш йиллари турмуш оғир бўлган. Бир куни аёллари Робия ойим (биз у кишини «ойи» дердик): «Чол, рўзғор қилиб келинг», – деб амакимнинг қўлларига пул, тўрхалта тутқазиб, бозорга кузатибдилар. Содда амаким бозорга тушиб, киссавурларга ҳамённи олдириб, уйга бўшашиб кириб келибдилар. Робия ойим:

– Ҳа, чол тушмагур! Бозордан ҳеч нима харид қилмай қайтибсизми?! – деб сўрабдилар. Амаким бамайлихотир ўтириб:

– Чилимни олиб кел. Кейин сўзлаб бераман, – дебдилар.

Тутатилган чилимни «хўр-хўр» тортиб, хумордан чиққач:

– Эй, Роби! Дон бозорига тушдим. Дон сероб. Лекин тўрхалта йўқотганлар чунонам кўпки... Мен ҳам донни нимага солишни билмай, гаранг бўлиб қуруқ қайтиб келавердим, – дебдилар.

Робия ойим эса кулиб:

– Ҳа, чолим қурмасин, – деб ачинган бўлибдилар.

Амаким кейинги сафар яна бозорга тушиб келиб:

– Роби! Роби! Қаерда юрибсан? Бери кел. Бугун бозорга тушсам чунонам ҳамён йўқотганлар серобки... Мен ҳам индамай қайтиб келавердим, – деган эканлар.

Эсимда, ўша қийинчилик йиллари, турмуш оғир. Пул бўлса, мол йўқ ёки ақси. Бечора амаким бир амаллаб бир шиша зиғир мойи, бир-икки қадоқ гўшт олиб келиб Робия ойимга:

– Роби! Замон оғир, олиб келган ёғ-гўштни эҳтиётлаб сарфлагин! – деб тайинлабдилар.

Роби ойим эса:

– Ҳа, чолим бечора. Олиб келган рўзғорингиз 3-4 марта овқатга аранг етади-ку. Бўш қоп тик турмайди, – деб зорланган эканлар.

Шунда амаким кулиб:

– Сабрнинг таги – раҳмон. Яхши кунлар ҳам келиб қолар. Сен қайғураверма. Ўчоққа оловни ёққин-да, қозон қизиши билан шишадаги ёғни қозонга ағдармай, қозон атрофида икки-уч марта айлантириб олгин. Сўнг сув қуйиб хоҳлаган қуюқ-сууюқ таомингни пиширавер, – деб ҳазил-мутойиба қилган эканлар.

Раҳимберди амаким дадамнинг бўш вақтларида боғ ҳовлимизда бирга бўлишар, суҳбатлашишаркан. Дадам амакимнинг қизиқ-қизиқ хангомаларини эшитиш учун гапга соларканлар ва шу орқали узоқ-яқин қариндошларни ёдга олишаркан.

– Абдулла мен пиширган ошларни мақтаб ерди-да, хурсанд бўлиб: «Ака, ошпазлик ҳам инсон учун энг нозик ҳунар ҳисобланади. Ошингиз қанча ширин бўлса, халқ сиздан шунча хурсанд бўлади», – деб кўнглимни кўтарар эди. У ўксиниб: «Дадамиз бизларнинг ҳосилимизни кўрмай дунёдан ўтиб кетдилар», – деб мени ҳайит арафаларида янги кийим-бош билан сийларди. Уй-рўзғорга ёрдамани аямасди, – деб хотирлардилар амаким.

Раҳимберди амаким оймнинг вафотларидан сўнг, анча ўзларини олдириб, чўкиб қолдилар. Мен амакимнинг юришларини кузатиб, ҳазиллашиб:

– Оппоқ дода! Қадам ташлашингиз мастларга ўхшайди-я, – дердим.

– Ҳа, ўғлим. Мен ҳам Қодир дадамни Эшонгузардан боғимизга жин кўча орқали етаклаб олиб келар эдим. Дадам худди мастлардек қадам босардилар. Сен каби саволимга: «Менинг ёшимга етсанг, жавобини ўзинг топасан», дегандилар. Ҳозир мен 80 ёшдаман. Қодир бобонг ўшанда юз ёшни қоралаб қўйгандилар, – деб кулиб жавоб берардилар.

Назифа опам амакимни жуда ҳурматлар, ҳафтасига уйга олиб келиб ювинтириб, тирноқларини олиб, уст-бошларини алмаштириб, овқатлантирардилар. Кеч бўлиши билан биз амакимни уйларига элтар эдик.

Раҳимберди амаким шундай ҳикоя қилган эдилар:

– Сен чақалоқ эдинг. Дадангни бегуноҳ қамашди. Сенларнинг оху зорларинг Худога бориб етдими, орадан уч ой ўтгач, даданг оқланиб келди. Даданг руҳан эзилган. Қамалиш сабабини ўзи ҳам тушунмайди. Орадан бир-икки ой ўтиши билан Қирғизистон томонга дам олишга кетди. Дам олиш ёқди, шекилли, у ердан тетик қайтди. Лекин қамгап, тажанглиги ҳам ошганди. Ҳукумат ишига қатнамай ҳам қўйди. Кўчага кам чиқади. Узоқ-яқинлар билан бурунгидай гаплашмайди. Яхши ният билан олган пастки ерининг иши ҳам ўлда-жўлда. Мен қарашай десам, «Иш унуми йўқ», – дейди. Мен унинг бу ҳолатини «Бегуноҳ қамалгани учун» деб ўйлаб юрдим. Доим бог ҳовлидан ҳовуз четига қаравот қилиб ёзиш, ўқиш билан банд, ҳатто болаларнинг шовқини ҳам ёқмайди. Келди-кетди билан иши йўқ. Гоҳида 5–10 кун қаерларгадир ғойиб бўлиб қолади. Раҳбардан сўрасам: «Уқангиз Фарғона томонга кетдилар», – дей-

ди. Ойимдан сўрасам: «Укангни жини қўзиб қолганга ўхшайди. Мен билан ҳам гаплашгиси келмайди. Унинг бундан 4–5 йил бурун ҳам шундай жини қўзғаган эди. Ўзига келиб қолар», – дедилар. Дадангнинг бундай ҳолати бир-бир ярим йил давом этди.

Боғдаги ҳовуз атрофида сариқ гул, гулсафсар, атиргуллар очилган, булбуллар хониши авжида. Абдулла супа атрофига оқ чойшаб (суруп)дан капа тутиб, ичига кириб олиб ёзгани-ёзган. Ойнинг чой ва овқатини олиб келиб беради.

Ўша кезларда қўшнимиз Собир бойваччанинг қайниси Шотурсун қори келган экан. Дадангнинг олдига чиқди. Анча суҳбатлашиб ўтиришди. Мен уларнинг олдига бориб салом-алик қилдим. Абдулла ниманидир ўқиб бераётган экан. Қулоғимга Анвар, Раъно деган номлар эшитилди. Кейинчалик билсам «Меҳробдан чаён»даги Анварнинг қайлиғи Раънога хон томонидан совчи юборилган жойини ўқиган экан.

Орадан бир неча ой ўтгач, даданг ёзишдан чарчади чоғи, унча-мунча боққа қарайдиган бўлди. Кузга келиб ҳосили унумли бўлгач, мен ва Қудратилла билан суҳбатлашадиган бўлди. Ёзуви ҳам камайди. 1928 йилнинг қиши бошланиш маҳалида дадангнинг кайфияти кундан-кунга очила бошлади. Эккан ҳосилини йиғиштириб олди. Қишлик рўзғор бут бўлди. Боққан ғунажини етилиб, сўйди, гўшт мўл бўлди. Даданг хамир овқатни, норинни хуш кўргани учун норин қилиб, мен ва Қудратни норинхўрликка чақирди. Дастурхон атрофида ўтириб, хурсанд бўлиб:

– Ниятимга етдим. Ўйлаган романимни кўнгилдагидек тугалладим. Худо хоҳласа, яқин ойларда китобим босмадан чиқади, – деганди.

1929 йилнинг бошларида «Меҳробдан чаён» босилиб, ўқувчилар қўлига, қўлигагина эмас, дилига тушди. Ўша йили шийпонни ва ичкари ҳовлини тиклашга усталар тушишди. Ойнинг бечора билан опоқинг усталарга эртадан кечгача овқат пиширишар эди. Инсоннинг бели бақувват бўлса, ақли ҳам тиниклашади. Ният қилган иши тез амалга ошади. Мулла Абдулланинг китоби босилгач, руҳи тетиклашди. Ҳукумат ишларига аралаша бошлади. Бўш бўлди дегунча, шийпон атрофини гулзор ва мевазорга айлантирарди. Боғ кўзга кўринди. Одамлар огзига

тушди. «Жулқунбой боғи» деган овозалар тарқади. Шийпонга келадиган меҳмонларнинг кети узилмасди. Дадангнинг шоир, ёзувчилардан ташқари, Холмат машиначи, Раҳим сартарош, Раҳматилла гиламфуруш, Усмон гаранг тегирмончи, Олимхон дўппифуруш, хуллас, ҳар хил касбкор дўстлари бўларди.

Олимхон дўппифуруш – асли андижонлик бўлиб, Чўлпоннинг қайноғаси экан. Эски шаҳарда дўппи дўкони бор экан. Олимхон шоиртабиат, сўзга уста, ҳазил-мутойибага берилган инсон бўлиб, қачон шийпонга меҳмон келса, у ҳам доим келарди. Бир куни даданг:

– Олимхон ака бериб юборди, – деб менга, ўзига, Қудратиллага бир хил мошранг дўппи олиб келганди.

Раҳматилла гиламфуруш ўша йилларда катта гилам ташлаб кетди. Гилам бўйи 7 метр, эни 4 метрча келадиган, ниҳоятда чиройли қизил қирмизи рангда эди. Бу гиламнинг уйга келиш тарихи қуйидагича эди:

Даданг Раҳматилла акадан яхши гилам олиб беришни илтимос қилган экан. Раҳматилла ака ўша вақтда Жумҳурият ташқи савдо идорасида гиламлар билан шуғулланадиган мутахассис бўлиб ишларкан. Ўша кезларда халқдан олинган ноёб гиламлар, жумладан, бойлардан, ҳатто Бухоро амири Саид Олимхон қароргоҳидан тортиб олинган гиламлар савдо ташкилотига келиб тушаркан. Шу тариқа энг ноёб буюмлар чет мамлакатларга олтин баҳосида сотилар экан. Абдулла сотиб олган гилам Амир Олимхонга тегишли экан. Гилам Туркменистоннинг Ахалтекин деган шаҳрида тўқилган экан. Гилам бундан икки юз йил олдин тўқилган бўлиб, номи «Ахалтекин» гилами эди. Даданг бечора «Ноёб гиламлик бўлдим» деб қанчалик хурсанд бўлган эди...

Дадангни олиб кетишгач, ўша гиламни ҳам мусодара қилмоқчи бўлдилар. Уни бировларнинг уйида узоқ муддат беркитиб сақладик. 1950 йилларда, ёмон сақладилар шекилли, путур ета бошлади. Сўнг қариндошлар маслаҳати билан арзон баҳода бировга сотиб юбордик. Энди ачиниш бефойда.

ХУДОЁРХОННИНГ ВАСИЯТИ

«Талабалик – олтин даврим» деган жарангли сўзлар ҳозир қулоққа тез-тез чалиниб туради. Лекин биз кабилар учун та-

лабаликнинг олтин даври насиб этмаган. Биз ўқиган йиллар (1947) урушдан кейинги жароҳатли ва азобли даврга тўғри келади.

Ўша давр ҳадиксираш, кўркув, ҳаяжон билан ўтди. Биров: «Сени фалончи хонага чақиряпти», – деса кўнгил қайси таҳликали кўчаларга кириб чиқмас эди. Ҳозир дўстларим билан ўша дамларни эслаб турамиз. Аксарият оиладагилар намозхон бўлишган. Улар қулгимизга: «Бир кимса сендан даданг намоз ўқийдими, деб сўраса, намоз ўқимайдилар! – деб жавоб бергин», – деб қуйишар эди. Баъзан «қитмирлар» биздан гап олиш учун: «Уйингдагилар овқатдан сўнг фотиҳа ўқийди-ку!» – деб сўрашарди. Биз: «Ҳа, ўқийдилар. Юртимизга тинчликни ато этсин. Ҳукуматимиз омон бўлсин. Фуқаролар тотув яшасин. Яна халқлар отасини дуо қилиб, фотиҳа ўқишади», – деб жавоб берардик.

Курсдошим Садриддин «олтин даври»ни эслаб: «Мен, отам ҳаёт бўла туриб, талабалик йилларимни етимлардай ўтказганман», – дерди. Ҳақиқатан, шу дўстимнинг олти йиллик ўқиш даврини ёлғиз онаси тарбиясида, қийинчиликда ўтказганини кузатганман. 1956 йили бўлса керак, Садриддин дўстим билан кўришиб қолдик. У хижолат тортиб: «Масъуд ака, дадам келдилар!» – деди. Мен тушунмай: «Даданг...» – дедим. Садриддин: «Ўзингиз ҳам бошингиздан қора кунларни кечиргансиз. Отам Фузаил Исломов – «Фузаил Махсум» номи билан машҳур бўлган, тарихни, форс, араб тилини мукамал билгувчи қомусчи эканлар. Дадам истибдод йиллари замона зайли билан 1933 йили Шарқий Туркистонга кетгандилар», – деб мени уйга таклиф этиб хайрлашди.

Бир куни мен Фузаил Махсумнинг зиёратларига бордим. Сўхбатлашиб ўтириб, мавзу дадам билан боғлиқ хотираларга уланиб шундай ҳикоя қилгандилар:

Мен Абдулла Қодирий билан 1924–25 йилларда танишганман. У киши билан учрашувимиз қуйидагича бўлган:

Абдулла акам эски шаҳардаги китоб сотувчилар растасига тез-тез келиб турарканлар. Бир куни Абдулла акам ўзларига керакли ноёб китобни топа олмадилар. Саҳҳоблар у кишини менга йўллабдилар. Абдулла акам Лангар кўчасига келиб, мени топдилар. Шу-шу керакли китобларни мен орқали топиб, фойдаланиб юрдилар. Буюртма китобларини мен дадамнинг мул-

ла дўстларидан ахтариб топардим. Баъзан китобни Эшонгузар маҳалласидаги уйларига ёки боғ ҳовлиларига элтиб суҳбатлашиб қайтардим. Ўша пайтларда ҳали шийпон қурилмаган эди. 1927–28 йиллар бўлса керак, Абдулла акам истаган китобларни олиб борсам, ҳовуз бўйидаги супада ётиб ёзаётган эканлар. Мен ийманиб, чақиришга журъат этолмай туриб қолдим. Бир маҳал Абдулла акам чарчадиларми ё чеккилари келдими, ёзишдан тўхтаб, кўзлари менга тушиб қолди. Дарров мени қаршиладилар. Келтирган китобларимга кўз ташлаб:

– Мулла Фузаилхон, бу китобларни ўқидингизми? Ноёб китоблар кимда экан? – деб сўрадилар. Мен:

– Дадамнинг дўстлари шоир Хислатнинг жавонларидан олдим, – дедим.

– Бу китобларни авайлаб сақлаш керак. Буларга 100–200 йил муқаддам тартиб берилган. Ҳозирги кунда қайта нашр этиш амри маҳол. Хислат – Саййид Ҳайбатиллоҳ хўжа, Тавалло каби китоб муҳибларида бундай дурдона китоблар бисёр бўлса керак. Улар буларни кўз қорачигидай сақлаб келадилар. Кейинги аҳволи не кечади? Қани эди, шундай ноёб китобларни бир ерга тўплаб, ундан давлат миқёсида фойдаланилса, халққа қанча фойдаси тегарди-я! – дедилар Абдулла акам.

Суҳбат чоғида кўзим қалам билан араб алифбосида ёзилган қозғозларга тушди.

Кейин Абдулла акамни 1929 йил эрта баҳорда кўрдим. У киши мени саҳҳоб – Жўра Маҳкамийнинг китоб дўконига бошлаб кириб, мақтовимни келтириб «Меҳробдан чаён» романига ўз қўллари билан: «Инимиз Фузаилхонга А.Қодирий (Жулқунбой)дан эсдалик учун тақдим этилди», – деб ёзиб бергандилар. Мен китобни эҳтиётлаб сақлаб юрдим. Шарқий Туркистонда кимдир ўқишга олиб, қайтиб бермади.

Абдулла акам билан 30-йилларнинг охирида яна кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашиш асносида:

– Нега матбуотда кам кўринасиз ёки бир асар устида иш бошладингизми? – деб сўрадим. Абдулла акам кулиб:

– Чарчадим. Бир оз дам олай. Бог ишлари билан машғулман, – дедилар.

Абдулла акам билан кўришиш менга бошқа насиб этмади. 1932 йили мен «кетиш» тараддудига тушдим. 1933 йили дадамиз Ҳасанхон домланинг розиликларини олиб, вақтинча

Шарқий Туркистонга йўл олдим. Ҳар хил, катта-кичик шаҳарларни зиёрат қилиб, бир оз Чувачак шаҳрида тирикчилик билан шуғулландим. Сўнг ўз касбимга қайтиб, муаллимлик қилдим. Матбуотга қатнашиб, мақолалар ёзиб, газетада муҳаррир ўринбосари, Уйғур Автоном Республикасида маориф вазири бўлиб ишладим. 1935–36 йиллари бўлса керак, мени Урумчи шаҳрига чақиртиришди. У ерда чиқадиган газетанинг бош муҳаррири менинг Тошкентдан эканлигимни билиб, чақиритишдан мақсади – қашқар, уйғур халқининг илтимоси билан «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини араб алифбосида уйғурчасига ағдармасини тайёрлатиш экан. Мени ҳукумат талабномаси билан Тошкентга вакил этиб жўнатиш экан. Тошкентга иштиёқим бўлса-да, рад жавоби беришга мажбур эдим.

Кейинчалик эшитсам, бир қашқарлик йигит Тошкентга келиб, Абдулла акам билан боғ ҳовлиларида учрашиб, шундай жавоб олган экан:

– Мени жуда хурсанд этдингиз. Қанийди асарларим Шарқий Туркистон халқлари орасида ўз қадрини топса. Лекин менинг қўлимдан китобимни у ерда нашр эттириш келармикан? Мен ўзбек китоб савдо палатаси билан маслаҳатлашиб, жавобини айтарман...

Абдулла акам вакил билан қайта учрашганларида афсусланиб:

– Иложи бўлмади. Ҳокимлар рад жавобини беришди. Ўз юртингизда уддасидан чиқсангиз, мен кафолатнома беришим мумкин, – деган эканлар.

Мен Шарқий Туркистонда аввалига вақтинча қолиш ниятида эдим. Бироқ Тошкентда қатағон даври чўзилиб, охири уруш бошланиб кетди. Чегара йўли беркилди. Иложсизликдан қолиб, уйландим. Тақдир экан, Қўқон хони Худоёрхонга эвара куёв бўлишлик насиб этди, – деб суҳбатга якун ясаган эдилар Фузаил Махсум.

Фузаил Махсум Худоёрхоннинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеаларни қуйидагича ҳикоя қилиб бергандилар:

– Худоёрхоннинг севикли хотини Оғача ойимнинг асли исми Масъуда бўлиб, Ўш атрофида турган Ибодуллахўжа деган уйғур кишининг қизи экан. Худоёр иккинчи маротаба тахтга ўтирганда Оғача ойимга уланган экан. Худоёрхон кейинги сафар тахтни ташлаб Бухорога кетишга мажбур бўлганда, кўпчи-

лик хотинлари унга вафосизлик қилиб, бошқа эр қилиб кетадилар. Оғача ойим Худоёрнинг хорлик ва муҳтожлик кунларига шерик бўлади. Шу вафодорлигидан хоннинг эътиборини қозонади. Кейин Оғача ойим ақлан тадбиркорлиги учун ҳарамдаги барча аёллар унинг идорасига топширилади. Худоёрнинг кенжа хотини Шоҳойим вафот этади ва унинг Ўрмонбек ўғли етим қолади. Худоёр Ўрмонбекни жуда яхши кўрар ва ўзига уни валиаҳд этиб белгиллаган экан. Шоҳойим вафотидан сўнг Ўрмонбекнинг тарбияси Оғача ойимга топширилади. Оғача ойим Ўрмонбекни ўз боласидек тарбиялагани учун хоннинг назарида унинг қадри янада юқорига кўтарилди. Ўрмонбек 6-7 ёшга етганда, Оғача ойим ҳомиладор бўлиб, Фансуруллобек туғилади.

Худоёрхон учинчи марта тахтдан ҳайдалиб, Тошкентга, Туркистон губернатори Фон Кауфман ҳузурига нажот истаб келади. Бу сана 1875 йилларга тўғри келиб, губернатор хонни очиқ кўнгил билан қаршиламайди. Орадан бир мунча вақт ўтгач, губернатор хоннинг Санкт-Петербургга, император ҳазратлари ҳузурига ташриф буюришини билдиради. Худоёрхон губернаторнинг ҳийласини сезса-да, чорасиз қолиб, оиласи билан сафарга отланади. Йўлда Аҳмад Яссавийнинг қабрини зиёрат этиш баҳонасида Туркистонда тўхтаб, Оғача ойим, Ўрмонбек, Фансуруллобекларни бир танишининг уйида қолдиради. Ўзи Оренбургга йўл олади. Уни жуда яхши кутиб олиб, бир неча кун меҳмонхонада ушлайдилар. Худоёрхон мезбонларнинг мулозаматидан кўнгли ғаш бўлиб, бир кечада қозоқ либосида у ердан ғойиб бўлади. Туркистонга, Бухорога бориб, ундан Афғонистонга ўтиб кетади. Ҳаж қилиш ниятида Маккага йўл олади. Хон ҳаж сафаридан қайтишида жабрдийдалардан бири хонни таниб қолиб, жароҳатлайди. Худоёрхоннинг бахтига қўқонлик Тожиддинхон эшон учраб, унинг ҳамроҳлигида Мозори Шарифга келади. Хоннинг аҳволи кундан-кунга оғирлаша боради. У ўлими яқинлашаётганини сезиб, Тожиддинхонга васиятнома ёзиб беради. Орадан бир оз вақт ўтгач, Худоёрхон Тожиддинхон эшон қўлида Мозори Шарифда вафот этади.

Бу вақтда Оғача ойим фарзандлари билан Туркистонда яшарди. Хоннинг вафоти ҳақидаги хабар Оғача ойимга келгач, у болалари билан Тошкентга келади. Оғача ойим хоннинг аввалги аёлларидан бўлган Аманбек, Умарбек, Яминбек ўғиллари ёрдамида Шайхонтоҳурнинг Занжирлик маҳалласида ис-

тиқомат қила бошлайди. Ўрмонбек Тошкентда 18 ёшда вафот этади. Оғача ойим ёлғиз Фансуруллобек билан қолади. Фансуруллобек шоир бўлиб етишади, генерал Жўрабек Додхоҳнинг қизига уйланади.

Худоёрхоннинг Тожиддин эшон орқали юборган васиятно-масида шундай ўринлар бор: «...Тожиддин эшоннинг ҳаж сафаримда менга бисёр хизмати сингди. Набираларимнинг бирини эшонга бериб қудалашинглар...» Тожиддин эшоннинг ўша кезлари Тошкентнинг Лангар маҳалласида ҳовлиси, бола-чақаси бўлиб, хоннинг васиятига биноан ўғли Шаҳобиддинхонга Фансуруллобекнинг қизини олиб берадилар.

Фузаил Махсум Исломов эса Шарқий Туркистоннинг Чува-чак шаҳрида 1935 йилларда Шаҳобиддинхон эшоннинг қизи Мунираҳонга уйланиб Худоёрхонга пан набира (эвара) куёв бўладилар. Фузаил Махсум 1955–1956 йилларда ўз она юртига қайтиб, умрининг охиригача Тошкентдаги Шарқшунослик ил-мий-тадқиқот институтида катта илмий ходим бўлиб, самарали меҳнат қилиб, 1989 йили вафот этдилар.

ЎРТА ОСИЁЛИК ЛЕВ ТОЛСТОЙ

1974 йили бўлса керак, мен Тошкент маъданли сувлар ши-фоҳонасида даволанишга бордим. Ёз мавсуми, айни пишиқ-чилик. Ванна қабул қилиб хонамда дам олаётсам, эшик қоқиб, бошқа хонада даволанувчи нуроний отахон кириб, салом-алик қилгач:

– Дамингизни олганингиздан сўнг менинг хонамга кириб,
– деб таклиф қилдилар.

Бир оздан сўнг отахоннинг хоналарига бордим. Отахон қучоқ очиб қайтадан кўришдилар. Сўнг ўзларини таништирдилар. Отахон – Лазиз Азиззода, ёшлари етмиш еттида. Анча чўкиб қолган, оқ ўсиқ соч кўйган. Соқоллари олинган, маданиятли, салмоқлаб, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирувчи мулойим инсон экан.

– Абдулла Қодирийнинг кичик ўғиллари эканлигингизни айтишди. Мен отангизни 1920 йиллардан бери матбуотда, «Муштум» жаридаларида ўқиб, ғойибона танир эдим. САГУ (Ўрта Осие Давлат университети)нинг тил-адабиёт бўлимини битириб, сўнг Москвада аспирантурада ўқиб юрган кезла-

римда «Тошкентда ажойиб роман чоп этиляпти», деган хабарни эшитдим. 1925 йили таътилга келиб, «Ўткан кунлар» романининг бўлимларини Москвага олиб кетдим. У ерда уни ўқиб хаяжонланиб юрдим. Китобдаги қаҳрамонлар кўз ўнгимда кино лентасидек такрорланиб турди. Мен билан аспирантурада ўқиб юрган турли миллат вакили бўлган дўстларим мендаги ўзгаришни сезиб, ҳол-аҳвол сўрашганида, уларга китобдан таъсирланганимни айтиб бердим. Аспирант дўстларим илтимосига кўра, араб алифбосида битилган «Ўткан кунлар» романини сўзма-сўз русчага таржима қилиб, ўқиб бердим, шунда бир ленинградлик дўстим: «Ўрта Осиёда Лев Толстой каби ёзувчи туғилибди», деб таъриф берганди.

1924–25 йилларда бўлса керак, дадангизнинг Москвага ўқишга келганларини эшитиб, бир неча дўстларим билан кўргани бордик. Дадангиз алоҳида хонада турар эканлар. Мен ўзимни таништирдим, хонада аспирант дўстларим билан суҳбат бошланиб кетди, дадангиз саволларга бир оз тортиниброқ, камтарлик билан жавоб бердилар, кейин ўзларининг ўқишлари тўғрисида гаплашиб ўтирдик.

Кейинги боришда ўзим дадангиз билан суҳбатлашиб: «Ўткан кунлар»ни дўстларимга ўқиб, русчасига ўгириб бердим, уларга романингиз жуда маъкул тушди, улар сизни: «Ўрта Осиёнинг Туркистонидан Лев Толстой туғилибди» деб таърифлашди, – дедим.

Дадангиз бир оз хижолатланиб: «Лев Толстой даражасига етишиш учун бир неча ўнлаб романлар машқ қилишим керак, ана унда менда ҳам қалин соқол, мўйловлар ўсса, шундагина мени Толстойга ўхшатиш мумкин», – деб кулдилар.

Дадангиз дўстларимга ўз саломларини етказиб қўйишимни сўраб хайрлашдилар. Маълум вақтдан сўнг хабар олгани борсам, дадангизни Тошкентга чақириб олишган экан. Дадангиз билан қайта кўришиш менга насиб этмади.

ЯХШИ КИТОБ – АҚЛ ҚАЙРОҒИ

Расулмуҳаммадбой бобомдан тўрт ўғил, уч қиз бўлиб, ойим бешинчи фарзанд эканлар. Ойим хат-саводларини эски мактабда олиб, араб алифбосида ёзиш, ўқишни мукаммал эгаллаган эканлар. Қодир бобомда қиз бўлмагани учунми, ойим-

нинг хушмуомалаликлариданми, уйда ойимни «Раҳбар қизим» дейишар экан.

Ойимнинг дадамга бўлган муносабатлари самимий эди. Ойим дадам билан бўлар-бўлмас гапларни сўзлашмас эдилар. Дадам: «Ортиқча сўз инсон асабига тегади», деганлари эсимда. Оиламизда шундай одат қонунга кирган эди. Дадамга тааллуқли гапларни ойим орқали етказар эдик. Муддаомиз дадамга маъқул тушса, ижобий ҳал қилинар эди. Оилада емак-ичмакдан кам-кўстимиз йўқ эди.

Бир куни тенгдош қўшни ўртоқларим билан ўйнаб юрсам ойим: «Отабек, фалончи ўртоқларингни чақириб кел!» – дедилар. Мен бир зумда ойимнинг айтганларини бажо келтирдим. Ойим болаларга: «Масъуднинг дадаси дўқондан мана бу кийимларни олиб келибдилар. Биздан сизларга совға, эртага мактабга бир хил кийиниб, яхши хулқли бола бўлиб боринглар», деган эдилар.

Мен ўртоқларим билан шўхлик қилсам, ойим бизни алоҳида хонага киргизиб, ҳикоя ёки бирор китобни ўқиб берардилар. Ёки: «Даданг ёзиптилар. Халақит берманглар. Зериккан бўлсанг, кўчага чиқиб ўйнаб келинглар», – дер эдилар. Менинг кўчадан қайтишимни ойим дарвозамиз олдида кутиб олардилар. Сабаби мен бирор бола билан, албатта, уришиб, уйга бақириб, сўкиниб кирардим. Ойим бечора мени тинчлантиришга уринар эдилар. Дадам шийпонда бўлсалар товушимни эшитиб, чиқиб кулимсираб: «Ўғлим бақириқ-чақириғингни уй ичидан эшитиб чиқяпман. Айб ўзингда. Нега болалар билан тинчгина ўйнамайсан?» – деб танбеҳ берардилар. Ойим четда туриб: «Дадаси, Отабек катта йигит бўлиб қолди. Иккинчи болалар билан бундай уришмайди. Сиз Отабекни кечиринг», – дердилар.

Ойим дадамнинг емоқ-ичмоқларини ўз вақтида тайёрлаб берар, гоҳида чой дамлаб олдиларига кирганларида, дадам битган варақларни ўқиб: «Кечагидан бугунги ёзганларингиз унумлироқ бўлибдими? Бундай сўзларни қаердан топиб ёзасиз? Киши ёзган жумлаларингизни ўқиб тўймайди», – дердилар. Дадам эса жилмайиб қўярдилар. Ойим гоҳида дадам рухсатлари билан араб алифбосида битилган варақларни олиб чиқиб, бошқа хонада ўқирдилар.

– Раҳбар, сен каби содда уй бекасига менинг машаққат билан битганларим маъқул бўлса, кўп сонли миллатимга ҳам

маъкул бўлишига ишонаман, деган эдилар, – деб дадамни эслар эдилар ойим.

Дадам қамалганларидан сўнг беш боланинг тарбияси, рўзгор тебратиш ойимнинг бошларига тушди. Ўша пайтда сабр қилишдан бошқасига кучимиз, ақлимиз етмас эди. Ойим уй юмушларидан бўш вақтларида «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни мутолаа қилаётганларини кўрар эдим. Бир сафар ойимдан:

– Нега бу китобларни қайта-қайта ўқийверасиз? – деб сўрадим.

– Отабек, Анвар, Кумуш, Раъноларни яхши кўраман. Ўқиб, ўқиб тўймайман. Ўқиганим сари даданг билан кўришиб, суҳбатлашгандек бўламан, – дердилар.

– Нега мени Отабек деб атайсиз? – деб сўрасам, ойим хурсанд бўлиб, кулиб мени бағриларига босиб: «Сен ҳам Отабекдек ақлли йигит бўлишингни ният қилиб, Отабек дейман, – дегандилар.

Эсимда: дадамни ҳибсга олганларидан сўнг, ойим дадамнинг буюмларини эҳтиётлаб алоҳида жойга жойлаштириб бизга: «Дадангнинг буюмларига тегинманглар. Эрта-индин келиб сўраганларида, уялиб қолмайлик», – дегандилар.

Дадамнинг ёзув қогозлари, ўқув китоблари икки табақали эшикли, ичига 200 дан ортиқ китоб кетадиган сандиқда сақланар эди. Темир сандиқни, 1933 йили қимматчилик йиллари бўлса керак, боғ қўшнимиз Карим бобо: «Мулла Абдулла, мен қариб қолдим. Болаларим сандиқнинг қадрига етмайди. Сиз фойдаланинг», – деб берган эканлар. Дадам сандиқни икки қўй баҳосига олиб, баъзи жойларини эговлаб, пардозлаб, бўёқлаб ижодхонадаги тахмонга жойлаб, ўзларининг ноёб китобларини ва қўлёзмаларини сақлаб юрдилар.

Дадамдан сўнг сандиқни ойим раҳматли ҳам эҳтиётлаб сақладилар. Сандиқдаги китоб ва қўлёзмаларни 1945 йил 29 май куни Ҳабибулла акамни ҳибс қилганларида олиб кетишган. Сандиқ эса ҳозир уйимизда сақланяпти.

Ойим зериккан пайтларида, бўш вақтларида сандиқдаги эски китоблардан бирини ўқиб ўтириб: «Катта бўлсанг, мана шу даданг ўқиган китобларни ўқийсан. Даданг менга ҳар вақт: «Яхши китоб – ақл қайроги», дер эдилар, – дегандилар.

Ойим мулойим сўзловчи, оққўнгил, уй ишларида саранжом-саришта, овқат тайёрлашда пазанда, беш вақт намозни

канда қилмайдиган, покиза аёл эдилар. Ойимдаги фазилатлар Назифа опамда мужассам эди. Ойимга сабр-тоқатни, бардошни керагича улашган эканми, бизга: «Болаларим, одамзод ҳаммасига чидаркан. Чидамли инсон бир кунмас бир кун орзусига етади. Худо хоҳласа, даданг келсалар, бу кунларимиз ҳам унут бўлиб кетади», – деб тасалли берардилар. Ўзлари эса ич-ичларидан куюниб, хилват жойларга бориб ўкиниб-ўкиниб кўз ёш тўкардилар.

1938 йиллар. Дадамдан хабар йўқ. Бирор егулик олишмайди. Шу йил Мукамбар холам бевақт ўлим топдилар. 1940 йил Хоним бибим дунёдан кўз юмдилар. 1941 йили уруш бошланди. Кунимизга яраб турган богимизни мусодара этишди. Ҳабибулла акам хаста. Тирикчилик қиладиган бирор киши йўқ. Назифа опам ўз оиласидан ортмайди. Хуллас, тирикчилик оғир. Ўтин, кўмир йўқ. Дадамдан қолган бир соғин сигирдан бўлак даромад йўқ. Сигир қисир қолиб, қийнала бошладик. Ойим бечора дўппи тикиб сотиб, пулни кундалик рўзғорга базўр етказдилар. Мен Чўпонотадан 20–25 литр сут харид қилиб келаман. Ойим хурмачаларга қатиқ ивитиб берадилар. Кечки пайт Чақар ёки Чорсу бозорида сотиб келаман. Қатиқ бозори чаққон. Харидорлар мени кутиб туришади. Бир куни ёнимдаги қатиқ сотувчи: «Қатиғингизнинг харидоргирлиги ёғи олинмаганида. Қатиқнинг қаймоғини олиб тайёрланг. Қаймоғи кунингизга ярайди», – деб қолди. Бу гапни ойимга айтсам: «Оқлик билан одамларни алдаб бўлмайди. Гуноҳ бўлади. Сут-қатиқдан фойдаланганимизнинг ўзи бизга етади», – дедилар. Шундай қилиб, рўзгоримиз жонлангандек бўлди. Чорсуда кичик колхоз бозори бўлар эди. Бир сафар қатиқ сотиб турсам, қўшнимиз Ҳоживой ака келиб, мен билан саломлашди. Менинг хижолат бўлганимни сезиб: «Масъудвой, тирикчиликнинг айби йўқ. Ўғрилиқ, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш айб ҳисобланади. Хабарим бор, оилангиз билан қийналяпсизлар. Ҳозир ҳамма қийналяпти. Хоҳласанг, мен билан тижоратчилик қилгин. Ойинг рухсат берсалар, эртага вақтли келгин», – дедилар.

Кечқурун Ҳоживой аканинг маслаҳатини ойимга айтдим. Ойим кўз ёш билан: «Даданг бўлганларида, айна ўқийдиган вақтинг эди. Бировнинг ёрдами узоққа етмайди. На чора? Майли, ўғлим. Тирикчиликнинг айби йўқ, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Эҳтиёт бўл. Ўзганинг ҳақиға хиёнат қилма», – деб розилик бердилар. Эртасига ойимнинг фотиҳаларини олиб бор-

сам, Ҳоживой ака икки қоп ёнғоқ олиб кутиб турган эканлар. Бир қопдан орқалашиб трамвайда, пиёда юриб Олой бозорига бордик. Ёнғоқларни 3-4 соатда сотиб бўлдик. Ҳоживой ака менга сут-қатиқдан оладиган бир ҳафталик фойдам ҳисобида пул бердилар. Бозордан туршак, майиз, ширмой нон харид қилиб бериб: «Ойингга олиб боргин», – дедилар. Уйга келиб, қўлимдагиларни ойимга топширдим. Овқатланиб мактабга жўнадим. Ойим бечора аввал Ҳоживой акани, сўнг мени дуо қилиб кузатдилар. Ҳоживой ака билан 3–4 марта бирга юриб, кейинчалик ўзим алоҳида тирикчилик қила бошладим. Рўзгоримизга аста-секин барака кира бошлади.

Ойим ёш бўлишларига қарамай, дадамнинг дардлари, оила қийинчилигиданми, нафас сиқиш хасталигига чалиндилар. 1942 йилга келиб касаллари зўрайиб, тез-тез шифохонада даволанар эдилар. Ойимнинг хасталиклари кундан-кунга зўрая борди. Шунда дадамини ёдга олиб: «Дадангни суд ҳам қилмай, Сибирга сургун қилиб юборишган эмиш. Мен шифохонада ётганимда одамлар оғзидан эшитдим», – дер эдилар. Ҳақиқатан ўша кезлари дадам каби бегуноҳларни суд қилмай, узоқ Сибирга 10 йилдан 25 йилгача кесиб юборишган деган гаплар кулоққа чалинардди. Биз ҳам шундай узук-юлуқ гапларга ишониб: «Дадам соғ-саломат бўлсалар, келиб қоладилар», – деган умидда яшардик. Ойим дадамини эслаб: «Дадангнинг илгари соғлиқлари тез-тез ёмонлашиб турар, шифокорлар: «Касаллик асаб бузилишидан. Ёзув ишлари билан кам шуғулланинг. Дам олинг», деб маслаҳат беришларига қарамай, ишлайверардилар. Мен дадангга: «Қўйинг, соғлигингизнинг мазаси йўқ. Боғ юмуши билан шуғулланинг», десам, даданг: «Э Раҳбар, мўлжаллаб қўйган асарим менга тинчлик бермайди. Аллоҳ менга яна беш йил тинчликни ато этса, ният қилган асаримни ёзиб битирар эдим. Унга қадар болалар катта бўлиб ёнимга кирар. Ўшанда дам олиш насиб этса, чет эл саёҳатига бориш ниятидаман», деб орзу қилган эдилар. Даданг бечора ниятига етолмади. Дадангнинг қамалиш сабабига ақлим бовар қилмайди. Олдинги қамалишларида қанчалик изтироб чекиб: «Мени ўлдиришди» деб куюниб сўзлаганлари эсимда», – дер эдилар.

Уруш ҳар бир оила бошига огир кулфатлар келтирди. Муҳаммадаминбек поччам Хоразмдан ҳарбийга жўнадилар. Назифа опам биз билан яшай бошладилар. Поччам 1942 йилнинг охирида урушдан ярадор бўлиб қайтдилар. Ўша кезларда

ойим оғирлашиб қолгандилар. Бир куни ойим менга: «Назифани чақир!» – дедилар. Опам ҳовлида қилиб юрган юмушларини ташлаб, ойимнинг бошларига келдилар: Ойим: «Назифа, Фарзона қизим ўлмаганда неча ёш бўларди?» – деб сўрадилар.

Опам зўрға ўзларини тутиб: «Набирангиз ҳаёт бўлганида мактаб ёшида бўлар эди», – дедилар. Ойим опамга термилиб:

– Бугун туш кўрибман. Фарзона даданг билан ҳовлида ўйнаб юрган эмиш. Қизинг дадангнинг кўлидан чиқиб, мен билан кучоқлашиб кўришди. Даданг уйда кийиб юрадиган қизил чакмон тўнда эмишлар. Менга: «Раҳбар, тўшақда ётаверма. Набиранг билан сени олиб кетгани келдик», – дедилар. Шу пайт уйғониб кетдим, – дедилар.

Назифа опам ойимга тикилиб: «Яхши туш кўрибсиз, дадам ҳам қамоқдан келиб қолар эканлар. Унгача сиз ҳам согайиб кетасиз», – дедилар. Ойим бечора зўрға нафас олиб: «Айтганинг келсин», деб кўзларини юмдилар.

Фарзона Назифа опамнинг тўнғич фарзанди бўлиб, 1936 йилда туғилиб, 1938 йилда вафот этган эди. Фарзона оиламизда бош набира бўлгани учун дадам уни жуда суярдилар. Шаҳарга тушсалар, албатта, Эски Жувадаги Тинчоб маҳалласидаги поччамнинг уйига кириб, совга-салом бериб чиқарканлар. Фарзона бир ёшга тўлганда дадам уни елкаларига миндириб, уйда боғларни айлантириб юрардилар.

Ойимнинг хасталиклари кундан-кун зўрайиб, 1943 йил 6 март кунида 46 ёшда вафот этдилар.

ҚАРИЯЛАРНИ КЎЗЛАБ ЁЗИЛГАН КИТОБ

1966 йил 26 апрель тонгида содир бўлган Тошкент zilзиласи асабимга қаттиқ таъсир этиб, қон босимим кўтарилиб кетди. Ҳамкасблар тавсияси билан шифохонада даволанишга бордим. Кейинги йили яна ўша ерга даволангани борганимда бир ажойиб отахонга ҳамхона бўлдим. Ҳамхонам ёшлари улуг отахон бўлиб, исмлари мулла Шукур экан. Мен у кишини эски шаҳарда тез-тез кўриб юрардим-у, лекин яқиндан танишмаган эдим. Сухбатдан аён бўлдики, Мулла Шукур домла Ҳакимжонов Бухоро мадрасасида таҳсил олган, бир неча ўн йиллар Тошкентдаги 20-почта мудирини бўлиб ишлаган, жумҳуриятда хизмат кўрсатган алоқа ходими бўлиб, айна пайтда қарилик

гаштини сураётган эканлар. Мумтоз шеърятни пухта биладиган, Бедил, Яссавий ғазалларининг билимдони, араб, форс тилларини ўзлаштирган, сўзга чечан зиёли отахонга ўзимни шифокор деб таништирдим. Отахон мендан уч кун илгари келган эканлар. Хона кенг, иккита каравот қўйилган, ўртага кичик гилам тўшалган. Хуллас, киши осойишта ҳаёт кечириши учун шароит яратилган.

Отахон билан яқиндан танишиб олгач, кунлар ширин суҳбатлар билан ўта бошлади. Дам олишимнинг учинчи кунлари бўлса керак, шифобахш сув ваннасидан чиқиб хонага кирсам, отахон ёнбошлаб эски китобни мутолаа қилиб ўтирган эканлар. Мени кўриб, ўринларидан туриб қучоқ очиб кўриша кетдилар.

– Мулла Абдулланинг ўғли эканлигини шифокоримиз Лутфулла Алавийдан эшитдим, – деб кўз ёши қилдилар.

Энди қайтадан оиламизни суриштира кетдилар... Шу кундан бошлаб суҳбатимиз янада очик, самимий ўта бошлади. Бир куни Мулла Шукур домла дадамни эслаб, ҳикоя қилгандилар:

– Мулла Абдулла билан 1920 йилларда танишгандик, чамамда. Ўша кезлари Бухоро мадрасасини битириб келган чоғларим эди. Дин пешволари, уламолар иштирокида илмий мажлис ўтказиб турардик. Суҳбатга ёш ислом зиёлилари қатори дадангиз ҳам келиб турардилар. Мулла Абдулла қорачадан келган, камгап, одобли, исломий ақидаларни ўрганишга берилган инсон эди. Давра суҳбатимиз сиёсатсиз, Бедил, Яссавий ғазалларини ўқиб, форсийда битилган сўзларни ўзбекчага ағдариб, ҳар бир сўз маъносини чақиб тушунишдан иборат бўлиб, ёшлар учун мактаб тўғараги ҳисобланарди.

Ўтиришда дадангиз қулоқ бериб ўтирар, менга у киши худди ҳаёл сурган ошиқ-маъшукдай туюларди.

Кейинчалик у киши ҳукумат идораларига ўтиб ишлай бошлади. Шу сабаб бўлдими, бизнинг илмий мажлисларга камроқ қатнашардилар. Орадан маълум вақт ўтгач, ичимизга ғаламислар суқилиб кириб, йиғилишимизни «Жадидлар тарғиботи» деб овоза қилишди ва биз шундан сўнг йиғилмай қўйдик. Мен 1922-23 йилларда почта хизматида ишлай бошладим. Дадангиз билан «Муштум»да ёзганлари орқали ғойибона учрашиб турдим. Мулла Абдулла «Муштум»да доим қатнашардилар. Мухлислар «Муштум»нинг янги сонини сабрсизлик билан ку-

тар эдилар. Абдулла йиғилиб қолган қалам ҳақини олиш учун келганда суҳбатлашардим. Бир сафар келганларида: «Ўқувчиларимиз «Муштум»дан норози эмасларми?» – деб сўраганди.

Боғ ҳовлингиздаги шийпон битган пайтлари бўлса керак, ҳаммаҳалламиз Шотурсун қори ака билан меҳмон бўлгандик. Суҳбат чоғида қори ака:

– Қурган шийпонингиз, битган романингиз каби келажак тарих саҳифаларида ўрин оларли даражада пишиқ, шинам қурилибди, – деб таърифлагандилар.

Шунда Мулла Абдулла:

– Инсон астойдил, ақл, идрок билан иш кўрса, орзусига эришади. Меҳнатимдан мамнунман. Кўпчилик қатори берган таърифингизга миннатдорчилик билдираман, – дегандилар.

Илмий мажлисимиз 60-йиллардан кейин ҳам давом эта бошлади. Сафимизга янги дин пешволари, олим, шоирлар келиб қўшилишди. Мажлисимизда 37-йилда Мулла Абдуллага ўхшаганларнинг устидан бўҳтон уюштирганлар борлигини эшитдим-у, улардан нафратланиб, бормаи қўйдим, – деб Мулла Шукур домла ташқарига чиқиб кетдилар.

Менинг хаёлимда «Бўҳтончилар кимлар экан?» деган савол муҳрланиб қолди. Тушлиқдан сўнг очиқ ҳавода сайр қилиб хонамга қайтиб кирсам, отахон йўқ, каравотим устида: «Ўғлим Масъуджон, мени дўстларим йўқлаб келишибди, чойхонада бўламан. Албатта, чиқинг», деган хат турибди. Мен «Бирор соат дам олиб кейин чиқарман» деган фикрда ўрнимга ётдим. Бир маҳал отахон келиб, мени олиб чиқиб кетдилар. Чойхона сўрисида тўкин дастурхон атрофида тўрт чоғли нуроний отахон суҳбатлашиб ўтиришарди. Мен саломлашиб, қаторларига ўтирдим. Фотиҳадан сўнг Мулла Шукур домла мени уларга таништирдилар. Меҳмонлар орасида норғул, қорачадан келган, ёшлари улугроқ ота мени гапга солиб дедилар:

– Сиз ёш бўлсангиз керак, 1933-34 йиллармиди, валлоҳи аълам, қайним билан машхур шийпонларингизга бориб, меҳмон бўлиб қайтган эдик. Дадангиз қайнимнинг хонадоносида бир неча бор бўлган чоғларида суҳбатларидан мамнун бўлган эдим. У киши камтарин, софдил, деҳқонсифат инсон эдилар. Ўшанда қайнимга: «Жулқунбой деган ёзувчи менинг назаримда басавлат, нуроний инсон бўлса керак, кўриниши, юриш-туриши ўзимга ўхшаган темирчи, деҳқонга ўхшайди-ку», – дегандим.

Қайним гапимдан қотиб-қотиб кулганди. Дадангизнинг гап-сўзларидаги маънолилик «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»да битилган сўзларга ўхшарди. Ҳақиқат бор экан, оқландилар. Аллоҳ оқланганларни раҳматига олсин. Душманларни ер билан яксон қилсин. Ул кунлар халқимиз бошига қайта қайтмасин, – деб суҳбат сўнггида «Қори, ўтганларнинг руҳига тиловат қилинг», – дедилар.

Тиловатдан сўнг отахонлар ўзаро гурунглаша бошлашди. Ошдан сўнг қайта тиловат қилиниб, қўзғалишди. Улар кетиш-гач, хонамизга кирганимизда, менга Шукур домла:

– Сиз билан суҳбатлашган киши Муҳиддин ота бўладилар. Биз, беш-ўн қариялар, суҳбатдошмиз. Муҳиддин ота бошчилигида ҳар йили ёз пишиқчилигида жумҳурият вилоятлари, ҳатто қўшни жумҳуриятдаги хушманзара жойларга ҳам дам олгани борардик. Сафаримизда «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ҳам ҳамроҳ бўларди. Кечалари зериккан кезларимда уларни ўқиб, тунни тонгга улаб юборар эдим. Бир куни Муҳиддин ота завқланиб: «Мулла Шукур, бу дейман, Жулқунбой биз қарияларни кўзлаб китоб битганми? Неча бор ўқиб, эшитсанг ҳам, киши меъдасига тегмайди», – дегандилар.

ОЛИМХОН АКА ХОТИРАЛАРИ

Дадам билан Эски шаҳар бозорига юмуш билан борганимизда бир-икки қадрдон дўстларининг дўконига, жумладан, Олимхон дўппифуруш дўконига ташриф буюриб, бир чойнак чой устидаги суҳбатларига гувоҳ бўлардим.

Олимхон ака боғ шийпонимизда бўлганликларини яхши хотирлайман. Олим аканинг ёшлари дадамдан улуғ бўлса керак, дадамга Мулла Абдулла деб мурожаат этар эдилар. Олимхон ака баланд бўйли, кулча юзли, оқ-сарикдан келган, кўзлари бир оз қисик, сўзга чечан, огир-босиқ сўзлагувчи, шоиртабиат, тижорат иши билан шуғулланувчи киши эди. Дадам ва амакиларим киядиган кўк, мош рангли духоба дўппиларни Олимхон ака тикиб берган экан. Дўконлари шахсий ҳисобланиб, урушдан сўнг, савдо бўлмагани учунми, кулолчилик дўкони очиб, товоқ, коса, пиёла, уй-рўзгор моллари билан савдо қилганлар. Дадам қамалганларидан сўнг мен танийдиган «қадрдонлар»-

нинг баъзилари ўзларини бизлардан тортишди. Олимхон ака эса бирдек биз билан сўрашиб, исташиб борди-келдини давом эттираберди. Шунга кўра, мен шаҳар бозорига йўлим тушса, дўконларига кириб, ҳол-аҳвол сўрашиб юрар эдим. Бир галги суҳбатимда Олимхон ака дадамни эслаб шундай хикоя қилган эдилар:

– Ўғлим Масъуд, катта ўқишларда ўқияпсан, оз бўлса-да, мулла Абдулланинг ўғитини олгансан, энди менинг гапларимни икки қулоғинг билан эшитгин, – деб давом этдилар. – Дадамнинг Олимхон исмли дўстлари бўларди, деб ёдлаб юрарсан. Мен асли андижонликман. Ўн еттинчи йилдан кейин тижорат иши билан Тошкентга келиб қолганман. Даданг билан 1920 йилларда қайним Чўлпон орқали танишганман. Мен даданг каби дили пок, имони бутун инсонлар суҳбатига ташна эдим. Дадангнинг дўстлари Чўлпон, Ғози Юнус, Санжар Сиддик, Элбек эди. Мулла Абдулла шу дўстлари билан суҳбатлашганида ўзини эркин хис этар, юрагидаги бор сўзларни ёзилиб гапирар, улфатчилик қилар эди.

Мен шоир бўлмасам-да, шоирона гапларим ёққани учун бўлса керак, давраларига чорлашар эди. Даданг оғир-босик, бўлар-бўлмас суҳбатга аралашмас, сиёсатдан сўзлагувчиларга танбеҳ бериб: «Оғзингизни бекорга очиб, чакагингизни чарчатмай, бўладиган, фуқароларга нафи тегадиган сўзлардан сўзланглар», дер эди. Мен дадангдан Чўлпоннинг тазйиққа олиниши боисини сўрасам: «Қайнингиз намозни тарк этди», – деб жавоб қилди. Мулла Абдулланинг Чўлпонга таънаси беғараз эди. Чаламулла зиёлилардан нафратланар, иккиюзламачи, замона зайли билан иш юритадиган, ўз фойдасига ишлайдиган одамларни: «Нафи тегмайдиган имони суствлар», деб таърифлар эди. Шундай зиёлилар билан мулоқотда бўлишдан энсаси қотиб, улардан ўзини четга олиб юрар эди. Мулла Абдулланинг бир сўзи эсимда: «Мени катта ҳукумат анжуманларида ёки Союзда катта ёзувчи бўла туриб маърузаси йўқ, деб айблашди. Маъруза қилувчилар олдиндан юқоридагиларнинг чизиғи билан тайёрланиб, тўтидек сўзлаб беришади. Менинг бундай тўтидек сўзлашга виждоним йўл бермайди. Мен фуқаро олдида иккиюзламачилик қилишга виждоним, имоним, эътиқодим бардош бермай, ўзимни маъруза қилишдан тийишга ҳаракат қиламан», – деганди. Мулла Абдулла меҳмон-

дорчиликларда ҳам кам сўзлар эди. Аммо кам сўзласа-да, зўр, маъноли сўзларди. Мулла Абдулланинг ўткир маъноли битилган битикларини жаридадан, айниқса, «Муштум»дан ўқиб борар эдим. Битиклари, албатта, фуқаро ва давлат манфаатини кўзлаган бўлиб, тез орада ўз фойдасини халқ олдида кўрсата олар эди.

Баъзан битикларига тушунолмайд ўзидан сўрар эдим. Даданг: «Олимхон ака, ёзувчилик ҳаётида шундай усуллар бўлиб, баъзилар тушунолмайд, гаранг бўлиб юрадилар. Халқ орасидаги айрим қитмирлар хусуматдан ёнганлари ёки кимнидир кўролмаслик сабабли юқори идораларга «думалоқ хат» йўллайдилар. Юқори идора эса шу ишни текшириш учун «чораси кўрилсин», деган буйруқ билан қаламкашларга юклайди. Қаламкаш мелиса, прокурор ёки суд эмаски, чора кўра олса. Сиз тушунмаган битигим мана шу тўғрида. Ўша воқеа аслида шундай бўлган», – деб кула-кула ҳикоя қилиб берган эди.

– «Чораси кўрилсин» деган хат манзилгоҳига бордим. Ўртаҳол, меҳнатқаш, ўзини ўзи эплайдиган, қўшнига безиён оила экан. Хонадон эгаси билан суҳбатлашиб, «чораси кўрилди» маъносида мана бу жавоб хатини ҳам юбордим: «Чора кўриш учун фалончининг Чорбоғ хонадонига бордим, ўртак олса арзийдиган торгина ҳовлида чарос чарсиллаб пишиб ётибди. Қора чарос рўпарасидаги қўрада думбаси ерга етай деб турган қўйни кўриб, хавасим келиб чорасиз қайтдим», – деб кулдирди.

Мулла айтганидек, сабабсиз чоралар орқасида қанчадан-қанча ноҳақ фуқаролар жабрландилар. Мана мен кичик шахсий дўконимда қанчадан-қанча фуқаролар бошини кийинтирдим. Ҳукумат биз каби неча минглаб майда хунармандлар ишига тўсиқлик қилиб, «Бойиб кетдинг», «Тўйиб кетдинг», деб катта-катта солиқлар солиб, халқ хунармандларини сиқиб бездирди. Ҳаёт шу тахлитда кетаберса, давлат инқирозга учраши муқаррар. Миллий хунармандчилик минг йиллик тарихга эга, наслдан-наслга ўтиб келаётган нарса. Имоним комилки, вақти келиб яна ўз ўрнини топади, деб кўз ёшлари билан сўзлаганлари эсимда.

Йиллар ўтиб, яхши замонлар келгач, Олимхон дўппифурушининг орзулари ушалди.

ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШУВ

1936–37 йиллар матбуотда, радиокарнайларда «ватан хоинлари» бўлмиш Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва уларнинг гумашталари устидан Вишинский бошчилигида олиб борилган Олий суд хабарлари ҳақидаги маълумотлар чоп этилар ёки қулоққа чалиниб турар ҳамда «халқ душманлари» устидан олий жазо эълон қилинар эди.

Ҳукумат раҳбарлари сафи янги одамлар билан тўлдирилар эди. Халқ соқов, бир-бирига душман, омма орасида ДХК ходимлари фуқаро оғзини пойлаб кезишади. Ўша йиллари эсимда, гузаримизда янги барпо этилган 13-сонли А.С. Пушкин номли мактаб биносига кираверишда Усмон Юсуповнинг катта қилиб тасвирга туширилган сурати осиб қўйилган.

Сайлов олди йиғинига тайёргарлик муносабати билан биз ўқувчиларни дарсдан вақтли озод қилиб, синф раҳбаримиз: «Ота-онангиз эртага депутат билан учрашувга келишсин», – деб тайинлаб қолди. Мен дадамга келиб тушунтирдим. Эртаси куни дадам билан бирга учрашувга чиқдик. Биз мактабнинг юқори қаватига кўтарилдик. Зал сайловчилар билан тўла, қизил алвонларга шиорлар ёзилиб осилган. Биз бир оз кечикиб келганимиз учун охирги ўриндиқда ўтирдик. Раёсатда мактаб директори ва менга нотаниш рус-ўзбеклар орасида тўладан келган Усмон Юсупов савлат тўкиб ўтирар эди. Мактаб директори мажлисни очик деб эълон қилгач, депутат баланд овозда узоқ гапирди.

Мен ёш бўлганим учун кўп гапларга тушунмадим. Қулоғимда қолгани шу бўлди:

«Жонажон совет ҳукуматимиз шахсан халқлар отаси И.В.Сталин бошчилигида мардонавор беш йиллик планида Совет халқининг фаровонлигини ўйлаб, биз жумҳурият халқлари олдига қўйилган планларни ошиғи билан бажаришга кўрсатма бердилар. Биз – Совет Ўзбекистони халқлари И.В. Сталин чақириқларига жавобан олдимизга қўйилган планларни тез ва ошиғи билан бажаришга, ҳар бир совет халқи юқори унум билан ишлашига, И.В. Сталинга сизлар номингиздан сўз берман. Ҳаммангизга маълум, бизнинг бундай шижоатли ишларимизни амалга оширишда ўзимиздан чиққан қора унсурлар, халқ душманлари бўлмиш Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва уларнинг думлари орқага суришга, йўлдан уришга уринди-

лар. Бундай халқ душманларини И.В. Сталин бошчилигидаги Марказий Компартия ўз вақтида сезиб, тегишли зарбани берди. Куни кеча биз ишонган бир гуруҳ зиёлиларимизнинг кирдикорлари очилиб, қўлга олиндилар. Бундан кейин ҳам ҳушёрлигимизни ошириб, халқ душманларининг райини қирқа берамиз, сизлардан ҳушёрликни талаб этамиз, токи орамизда Икромов, Хўжаевларнинг думлари бўлмасин, халқ душманларига ўлим! Яшасин халқлар раҳнамоси И.В.Сталин!» – деб маърузани тугатди.

Залда қарсақбозлик бўлди. Дадам дабдабали маърузадан зерикдиларми ёки ёқмадими, секин менга:

«Тур, кетдик!» деб ўринларидан қўзғалдилар, мен тушунолмай йўл-йўлакай дадамга: – «Муаллимимиз мажлисдан сўнг концерт бўлади, деган эдилар, – десам, «Концертни бошқалар кўрсин, агар кўргинг келса, қолавергин», – дедилар. Йўлда кетяпмиз-у дадам пичирлаб: «Миллатнинг келажагини ўйламай, англамай, тўтидай сайради», – деб қайта-қайта такрорлаб келдилар.

Ойим дадамдан: «Сайлов учрашуви яхши ўтдимми?» – деб сўрадилар.

– Янги демократия агар шу бўлса, жасорат, сўз эркинлиги тамом бўлибди. Кунимиз янги зўравон сиёсатчиларга қолибди, – деб жавоб бердилар. Дадам сайловдан сўнг бир неча кун хомуш, асаблари бузилиб юрганларини яхши эслайман.

КАРАЧИ САФАРИДА

Раҳимберди амаким ҳикоя қилган эдилар:

Мулла Абдулла: «Дада, Карачига борган сафарингизни айтиб беринг», – деб Қодир бобонгни гапга тутарди. Бобонг эса эринмасдан илгари сўзлаб берган воқеани яна қайтиб айтиб бераверарди:

– Мен сафарга борганимда сенлар ҳали дунёга келмаган эдиларинг. Мен тижорат иши билан Карачи шахрига сафарга отландим. Олиб борган ун, майиз ва бошқа молларимни фойдасига сотиб, Карачи шахрини айланиб томоша қилдим. Расталарда мол харид қилиб юриб, бор ҳамёнимни ўғирлатиб қўйдим. Бошим қотиб, кимга айтишни билмай, ўйланиб турсам,

ўша ерлик бир киши келиб, нима бўлганини сўради. Мен бошимга тушган савдони айтиб бердим.

– Биродар, хафа бўлманг. Мен билан юринг, – деб шаҳар ҳокимининг олдига бошлаб борди. Бўлган воқеани ҳокимга тушунтирди. Ҳоким исмимни, манзилгоҳимни, ҳамёнимда қанча пул бўлганини хатга тушириб, йўқолган пул миқдорида тилла ҳадя этди.

– Пулингиз топилгач, албатта юборурмиз, – деган ваъда билан мени кузатди.

Ҳалиги киши эса мени уйига бошлаб борди. Меҳмон қилди. Бозордан керакли молларни харид қилишиб, карвонга қўшиб юборди. Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, уларнинг ҳақларига дуо қилиб, қишлоқларни зиёрат қилиб Тошкентга соғ-саломат кириб келдим.

Орадан бир неча ой ўтгач, уйимизга бир мусофир мени истаб келди. Уйга таклиф қилиб, дастурхон ёзиб, ош-сув қилдим. У хайрлашиш чоғида:

– Карачи сафарингизда йўқотган ҳамёнингизни олинг, – деб ҳамёнимни қўлимга тутқазди. Мен ҳайрон бўлиб:

– Ҳамёним ҳисобига тилла олган эдим-ку, ўша тиллани қайтаришим керакми? – деб сўрадим.

– Сиз асло ташвиш чекманг. Ҳоким жанобларини дуо қилиб, борган юртингиздан хурсанд бўлиб, розилик билдирсангиз кифоя. Бу ҳоким жанобларининг истаклари, – деди.

Мулла Абдулла бобонгнинг ҳикоясини тинглаб: «Мен ҳам хорижий мамлакатларга сафар қилишни орзу қиламан. Боришга йўл берк, рухсат бўлганда эса сармоя...» деб ўкинарди, дердилар Раҳимберди амаким.

ЎРА

1930 йилларда ҳовлимизнинг кунботар томонида дадам қурган мўрча (ҳаммом) ўрнида тепаликка ёндош, пастдан юқори ҳовлига қаратиб кавланган икки ўра бўлар эди. Ҳар икковининг «оғзи» икки қулоч, чуқурлиги бир ярим қулоч эди. Уларнинг усти очиқ бўлгани сабабли қор-ёмғир таъсирида пуртур етиб, ўпирилиш даражасига етган эди. Баҳорда мен варрак учириб юриб, тўсатдан ўрага тушиб кетдим. Ўранинг ичи ним қоронғи, деворлари қора куя, тагида қул ва майда кўмир-

лар бор эди. Мен қўрқиб додлай бошладим. Ўранинг пастки томонида мен сиғадиган тешикка кўзим тушиб, бир амаллаб бешикаст чиқиб олдим. Бу пайтда дадам юмуш билан ҳовлида эканлар. Кўзлари менга тушиб хахолаб кулиб юбордилар. Мен эса қўрққанимдан йиғлашга тушдим. Дадам баттар кулавердилар. Шу пайт ойим ҳам кўриндилар. Улар ҳам дадамга қўшилиб кула бошладилар. Бунинг сабабини кейин билсам, мен мўркон тозаловчидек кийимларим кул, бетларим қоп-қора тусга кирган экан. Дадам, ойим биргаликда мени ювинтиришди, кийинтиришди. Дадам яна кула-кула: «Масъуд, қўрқмадингми?» – деб сўрадилар. Ойим эса: «Отабегим катта йигит бўлиб қолди, қўрқмайди» – деб овутдилар. Ойим дадамга: «Сизга неча бор айтдим, ўранинг усти очик, бир фалокат рўй бермасин, кўмиб ташланг, жилла бўлмаса, ахлат тўкишга рухсат этмадингиз» – дедилар хафаланиб.

Шу йили ёзда ўраларни бузиб, текислаб, ўрнига мўрча қуришга жой тайёрладилар. Кейинги йили дадам мўрчани усталар ёрдамида қуриб битказдилар. Мўрча пастки ҳовлимизда икки: бири ечинадиган, иккинчиси ювинадиган катта-кичик хоналардан иборат эди. Кийиниш хонасининг бир чеккасида ўт ёқиш жойи жойлашган, ювиниш хонасида пастдан юқорига зина билан супага чиқилар эди. Супа яқинида иссиқ сув қозони ва тўнкарилган кичикроқ чўян жойлашган эди. Тепасига арча тўсинлар ташланиб, ораларига тўртбурчакли япалоқ ғиштлар терилган эди. Пастки ҳовли томонга дераза ўрнатилган, ювиниш ва кийиниш хоналари деворининг оралигида кичик тешикча бўлиб, чироқ ёки шам қўйиларди. Ҳаво тортиш учун туйнук ҳам бор эди. Мўрчани дадам ўз лойиҳалари бўйича қурган бўлиб, ўтин ва қўмир билан иситилар эди.

Раҳимберди амаким билан бир суҳбатда ўша мен тушиб кетган ўра тўғрисида сўраганимда, у киши қуйидагиларни эслагандилар: «Мулла Абдулла Қодир бобонгдан қолган боғимизни мен ва Қудратиллага қолдириб, ўзи ҳозирги еримизга туташ пастки вақф ерни сотиб олиб жой қилган. Шийпон атрофида паст-баланд икки-уч таноб ер бўлиб, у ер қаровсиз, ташландиқ, чакалакзор, қайрағочзор эди. У ерлар дадангнинг кўп меҳнати эвазига эпакага келган. Даданг бир сўзли, айтганини қиладиган, мўлжаллаган ишни албатта бажарадиган инсон эди. Ниятига ҳам етди. Жойни бог-роғга айлантирди-ю, ammo... ўзи роҳати-

ни кўролмади. Даданг боғ меҳнатини ўзи бажарар, кучи етмаса мени ёки одам ёллаб ишлатарди. Қалам ҳақининг ҳаммасини шу ерни обод қилишга сарфлаган. Ўша ердан юзга яқин қайрағоч ва бошқа дарахтларнинг тўнкалари йиғилиб қолди. Бир куни даданг менга: «Ака, бу тўнкаларни ёриб бўлмайди, танасини саржин қилиб олдим. Худо хоҳласа, беш-олти йил рўзғорга яраб қолар, тўнкаларнинг ҳам бир иложини ўйлаб қўйдим. Сиз бош-қош бўлсангиз бас», – деди. Мен дадангдан: «Нимани мўлжалладинг?» – деб сўрадим. У кулиб: «Ака, қишда иссиқ сандалда ўтиришни яхши кўрасиз, шунинг учун мана шу ердан иккита ўра кавлаб, писта кўмир тайёрлайсиз», – деб, кетидан, – қалай, фикрим маъқулми?» – деб сўраб қўйди. Мен дадангнинг маслаҳатига розилик билдирдим. Эртасига даданг кўрсатган жойдан ўра қазишга тушиб кетдим. У дамларда ҳозирги даврдагидек кўмир бўлмас эди. У вақтларда бечораҳол оила кўмирга етишолмас эди. Шунинг учун бўлса керак, катта ҳовлиларда ҳосилдан қолган дов-дарахтларни кесиб, тўнкасини кавлаб олиб, ўзлари ёки кўни-қўшнилари билан писта кўмир тайёрлаб кун кечирилар эди. Баъзан ортганини сотишар эди. Биз илгари писта кўмир тайёрламаган бўлсак-да, кўриб, эшитиб юрганимиз учун 10-15 кун ичида ўрани қазиб тайёрладик. Тўнкаларни аста зич қилиб териб устини суваб, мўркон чиқариб, оловхонани ҳам тайёрлаб, ўтни ёқиб юбордик. Тўнкалар бир ҳафта тутаб ёниб, писта кўмир ҳам тайёр бўлди. Шу тариқа қолган тўнкаларни ҳам ўраларга териб, ёқиб писта кўмир тайёрладик. Даданг тўнкалардан қутулганига, мен эса Робия ойингнинг уч-тўрт йиллик қишқи кўмир ташвишидан қутулганидан хурсанд бўлдим.

Даданг миришкор, тадбиркор, ишбилармон, қолаверса, ёзувчиликда ҳам саркарда эди.

АБДУЛЛА АКАМНИНГ ЎГИТЛАРИ

Тошкентнинг кунботар томонида Эрони деб номланган қишлоқ бўларди. Шу қишлоқда туғилиб, деҳқончилик билан шуғулланган хушбичим, оғир-босиқ сўзловчи Азамат акага яқинлигим бўлгани учун ёз кезлари боғларига қовун сайлигани ё бедана овигами бориб, дам олиб қайтар эдим.

Азамат ака қариндош бўлмаса-да, ўзларини бизга яқин олиб, тўй-ҳашамларимизга келиб турар эдилар. Азамат ака

бир суҳбатимизда дадамни эслаб, шундай ҳикоя қилиб берган эдилар:

– 1928-29 йил ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим адабиёт домламиз дарс вақтида ўқувчиларга: «Мана бу китобни ўқидиларингми?» – деб араб алифбосида чоп этилган «Ўткан кунлар» романини кўрсатдилар. – Ўзи бир дона, шунинг учун тўрт-беш бола биргалашиб, китобга путур етказмай, бир-бирларингизга бериб, аҳиллик билан ўқиб чиқинглар», – деб тайинлаб, менга бердилар. Синфдошларим билан икки кунда ўқиб чиқиб, китоб таассуротларимни ўқитувчимизга сўзлаб бердим. Менинг китобга, адабиётга қизиқишимга «Ўткан кунлар» сабабчи бўлди. Ўқитувчимиз: «Ўткан кунлар»ни битган ёзувчи бизнинг Эрони қишлоғимизда меҳмон бўлган экан. Бу йил ҳам қишлоғимизга меҳмон бўлар эканлар. Абдулла Қодирий билан учрашув ташкил қилсак», – деган маслаҳатни ўртага ташладилар.

Мен яқин қўшнимиз Ориф амакининг Комил исмли ўғли билан ўртоқ эдим. Комилга романдан олган таассуротларимни сўзлаб бердим ва шу ёзувчи бизнинг қишлоққа меҳмон бўлиб келишларини айтдим. Комил:

– Ўша сен мақтаган ёзувчи бизга қариндош. Дадамнинг Раҳимберди исмли божаларининг укалари. Бизга ўзлари тақдим этган «Ўткан кунлар» сандиқда сақланади, қариндош ёзувчи «Ўткан кунлар»дан ҳам зўр китоб ёзаётганини Раҳимберди поччамдан эшитганман, – деди.

Комилдан «Ўткан кунлар»ни сўраб олиб, қайта ўқиб чиқдим.

Ёзнинг охирги ойлари бўлса керак, Комил менга:

– Шу ҳафта ичи Абдулла акамни қовун сайлига олиб келаман, – деди.

Комил билан биргаликда Қўқон аравада барвақт йўлга чиқиб, кун қизимасидан, боғ ҳовлингизга кириб бордик. Абдулла акамни биринчи марта ўшанда кўрганман. Нонуштадан сўнг Абдулла акам, Ҳабибулла, Раҳимберди амакингиз, Робия ойингиз аравада Эрон қишлоққа жўнадик. Қўқон аравада юришнинг ўзига хос гашти бор. Бобокалонларимиз Қўқон аравадан унумли фойдаланишган. Қачон мен Қўқон аравада юрсам, юз йиллар олдин ўтиб кетган аждодларим кўз ўнгимда намоён бўлади, – дедилар.

Ўша йили Абдулла акамни уйимизга меҳмонга чақирдик. Меҳмондорчиликда дадангизни олдиндан танийдиган қиш-

лоқ оқсоқоллари, қариялар бўлишди. Асосий мавзу Куръон, ҳадисдан ва деҳқончиликка оид гап-сўзлардан бўлди. Мен чой баҳонасида меҳмонлар орасидан нари кетмас эдим. Мен пайт пойлаб ўтирганлардан уялинқираб:

– Ҳасанали образи тарихий шахсми? – деб сўрадим.

Абдулла акам бир менга разм солиб, сўзни узоқдан бошладилар:

– Тарихга бир назар ташласак, иним Азамат, бир неча юз йиллардан бери бобокалонларимиз Эрони қишлоғида турғун яшаб келдилар, инсонлар асрдан-асрга насл қолдириб яшадилар. Мен битган китобимда Ҳасанали образини «эронлик фуқаро» деб таърифладим. Тарих шохидлик беришича, ўша даврда Эрондан ёш қиз-ўғилларни қул эвазида Туркистонга келтириб сотганлар. Эрон қуллари қаерда кўпроқ кўникма ҳосил қилган бўлса, ўша ерда илдиз отиб палак ёзган. Турғун ҳаёт кечиришган, жумладан, сиз яшаб турган худудда ҳам эронлик қуллар яшаган, шунга кўра, номи «Эрони қишлоқ», «Эрони бекат» деб аталган. Сиз ёшларда, балки ёши улуғларда ҳам, «Бизнинг бобокалонларимиз эронлик эканлар-да», деган фикр туғилиши мумкин. Исломи динимизда мусулмонлар ирқ ажратмайдилар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида зикр этганларидек, «Менинг умматларим Аллоҳни ёдга олгувчилар», деб таърифлаганлар. Бу дегани турк, араб, форс бўлсин, бари Аллоҳнинг бирдек ягона бандаларидир. Ҳамма бир-бири билан аҳил, тотув, туғишган биродардай яшаши керак. Бу шарафли ҳадис халқларни иноқликка, тинч-тотув ҳаёт кечиришга ундаган шиордир, деб ҳисоблайман. Мен битган романдаги Ҳасаналига ўхшаган ақлли, идрокли, тадбиркор, имонли инсонлар халқ орасида етишиб чиқишини орзу қилиб, ўрناق бўлишини истаган эдим, – деб гапларини тугатдилар.

Адабиёт домламин мактаб хонасини болалар ёрдамида тартибга келтириб, Абдулла акамни давра суҳбатига таклиф этди. Дадангиз розилик билдирдилар. Юқори синф талабалари, муаллимлар иштирокида суҳбат ўтказдик, суҳбат чоғида мен «Ўткан кунлар»нинг «Қаршилаш» бобидаги Ҳасаналининг бу ўйларини: «Ёшим олтмиш тўртга етди, ўғил-қизим бўлмади... Дунёдан чароғчисиз бораман... Дарвоқе, Отабек менга ўғуллик қилмасми, хотини менга қиз бўлмасми, уларнинг болалари мени «бобо» деб кетимдан югурмасмикинлар? Тупроқ остла-

рида унутилиб ётган кезларимда: «Бир вақт Ҳасанали отамиз ҳам бор эди», деб ёдласалар, яхшилик билан эсласалар етар менга шу!» – деган ўринларини артистлардек ёддан ўқидим. Хонада ўтирганлар қатори Абдулла акам ҳам олқишладилар, орқада ўтирган уч-тўрт қариялар кўз ёш қилишди. Сўнгида Абдулла акам ўтирганларга миннатдорчилик билдириб:

– Боболаримиз «Илмда суяги қотган кишиларнинг тана-си ўтда ёнмайди, ҳаётидан сўнг халқ орасида азиз этилади, эъвозланади», деб башорат қилганлар. Шўнга кўра, ёшларимиз ўқиш, илм олишга чорланиши зарур, – дедилар.

Шу куни жума эди, Абдулла акам қариялар билан бирга масжидга кетдилар.

МЕН ҚУЛОҚ БЎЛИШДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛДИМ?

Шайхонтоҳур даҳасининг Ширинқудуқ маҳалласида тоғаларимга ҳаммаҳалла Мухторхўжа исмли амаки бўлар эди. Кўрганларимда салом-алик қилиб юрар эдим.

1966 йил Тошкентда ер силкиниши арафасида Асомиддин тоғамдан хабар олиб қайтаётсам, йўлда Мухторхўжа амакини учратиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Мухторхўжа амаки мени уйларига таклиф қилиб, дадамни эслаб, ҳикояларини сўзлаб берган эдилар:

– Янглишмасам, 1922 йили «Ўткан кунлар» романининг бир бўлими «Инқилоб» жаридасида босилиб, одамлар уни севиб ўқишди. Даданг «Абдулла Муштум», «Жулқунбой» номи билан танилди.

Мен дадангни ўн еттинчи йилдан олдинроқ Эски шаҳарда Расулмуҳаммад бобонгнинг чит дўконида кўриб юрар эдим, лекин яқиндан таниш эмас эдим. 1929 йили мени қулоқ қилишиб, уй-жойимни, боғимни, шахсий дўконимни мусодара қиладиган бўлишди. Бошим қотиб юрган кезларимда Асомиддин тоғанга учраб, у билан бирга дадангнинг олдига маслаҳатга бордим. Мулла Абдулла арзимни обдан эшитиб, қўлига қоғоз-қалам олиб, ариза битиб: «Фалон идорага учрашинг», деган маслаҳатни берди. Мулла Абдулланинг аризаси уларга маъқул тушдими, «Шахсий дўконни, боғингизни топширинг, ўзингиз ҳукуматнинг бирор хизматига киринг», деган маслаҳатидан сўнг мени қулоқликдан озод қилишди. Ишим енгил-

лашгач, кўнглим хотиржам бўлиб, даданга миннатдорчилик билдириш учун боғ ҳовлингизга кириб бордим. Мулла Абдулла кўлида кетмон, терлаб, боғ ишлари билан машғул экан. Мени яхши кутиб олиб, уйга таклиф қилди. Мендан ҳол-аҳвол сўраб, орқаваротдан ишимнинг ижобий ҳал бўлганидан хабардорлигини билдириб: «Мухторхўжа ака, ҳукуматдан хафа бўлманг, ҳозир вазият шунақа», – деб кўнглимни кўтарди.

Ўша кезлари Қорёғди маҳаллалик Мунаввар қори акани ҳибсга олишган эди. Мен каби оми фуқаролар ҳукумат тутган йўлга тушунолмай: «Мулла Абдулла, нега шундай илми, халқпарвар инсоннинг қадрига етмай қамашди? Мунаввар қори акани жаид, маърифаткор дейишар эди. Жаид нима, жаидчилар кимлар?» – деб сўрадим.

Мулла Абдулла саволимни эшитиб бир ўксиниб олиб: «Мунаввар қори домла маърифат, илм эгаси эдилар. Тухмат орқасидан шаҳид ўлим топдилар. Мунаввар қори ака ўз миллатини маърифатга ундаган, буюк жасорат ва ғайрат кўрсатиб, халққа танилган жамоат арбоби эдилар. Кейинги саволингизга тўхталсак, «жаид», «жаидизм» шу кеча-кундузда ёмонотлиқ билан тез-тез оғизга олиб турилибди. Жаидчилар ҳаракати ўтган асрда, болшевиклар инқилобидан олдин бошланган, «жаид» сўзи «янги маърифат тарқатувчи» дегани. Ёшларни янги услубда ўқитиш-ўргатиш, таълим бериш, дунёвий фанлар билан таништириш, мадрасаларнинг янгисини кўриб, жамиятимизга замонавий мутахассислар тайёрлаш, илми зиёлилар етиштириш, миллат маданиятини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга имкон яратувчилар жаидчилар ҳисобланади. Жамиятимизда ерли халқдан қанча билимдон зиёлилар кўпайса, уларнинг нафи оммага кўп етади. Зиё «нур» сўзи билан боғлиқ. Зиёли – зиё тарқатувчи, нур тарқатувчи авом қалбини ва онгини ёритувчилар, адолат, инсоф, иймон уруғларини сочувчилардир. Зиёлилар чин маънода халқуми покиза инсон бўлмоғи керак. Ҳар бир зиёлидан чин маънодаги зиёли бўлиб етишишлик машаққатли ишни талаб қилади, шунга кўра, ҳар кимга ҳам зиёли бўлиш насиб этавермайди», – деди Мулла Абдулла ўша суҳбат чоғида. Англашимча, саволимдан таъсирланиб, айрим масалаларга урғу бериб, аламли дардини ҳам тўкиб, сўзини давом эттирди:

– Ҳозирги зиёлиларга ҳайронсан. Назаримда, бир ёқлама энгил идрок этувчи ёлланган зиёлилардек туюлади. Ҳақиқат-

дан кўз юмилади, оддий фуқароларнинг кўз ўнгида болалардек сайрашади. Калтабин зиёлилар кўрсатмасини икки қўллаб куллуқ қилиб, мушоҳада қилмай оқни қора, қорани оқ қилиб бўяшади. Дўппи олиб кел деса, калласини келтирадиган зиёлилар илдиз ота бошлади. Зиёли эмас, зиёнлилар замонасига дуч келдик.

ШИЙПОНДАГИ УЛФАТЧИЛИК

1974 йил бўлса керак, Асомиддин тоғам набира тўй қилдилар. Наҳордаги ошга машхур ҳофизлар ака-ука Сўфихоновларни таклиф этишган экан. Ҳофизларни машинада олиб келиш менга топширилди.

Тадбир ниҳоясига етгач, тоғам ҳофизларни уйларига қадар кузатиб қўйишни буюрдилар. Хайрлашиш чоғида:

– Жияним Масъуд – Абдулла акамнинг кичик ўғиллари, – деб уларга мени таништирдилар.

Ака-ука ҳофизлар: «Дадангизни қайта кўргандек бўлдик», деб бошқатдан кучоқ очиб кўришдилар. Ҳофизларнинг уйи Кўкча бозорига яқин кўчада экан. Акмалхон ака мени кўярда-қўймай уйларига таклиф қилиб, суҳбат чоғида дадам билан учрашган кезларини эслаб, шундай ҳикоя қилиб бердилар:

– Биз асли Чимкент вилоятининг Сайрам туманига қарашли Қорамурт қишлоғида таваллуд топганмиз. Ёшлигимиздан санъатга қизиқишимиз бизни Тошкентга етаклади. Устозлардан билимимизни ошириб, санъатчи бўлиб, шу билан бирга, тошкентлик ҳам бўлиб кетдик. Машхур «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини мутолаа қилиб ғойибона мухлис бўлиб, 1934-35 йиллар бўлса керак, ака-ука маслаҳатлашиб Абдулла акамни зиёрат қилиш учун боғ ҳовлингизга жарлик кўчалардан йўл босиб, сўраб-истаб топиб бордик. Катта икки табақали эшик очиқ, шийпон атрофида акангиз бўлса керак: «Дадам уйдалар, ҳозир чақириб бераман», деб узун қозиқ толлар экилган йўлакдан ичкари ҳовлига йўл олди. Узоқдан ўрта бўйли, қорачадан келган, кулча юзли, қора соч, қора мўйловли, бошларида кўк сидирга духоба дўппи кийган киши аста бизга яқинлашиб: «Келинлар, меҳмонлар», – деб самимий қаршиладилар. Бизни дадангизнинг салобати босдимми, ўнгайсизлик билан ўзимизни танитиб: «Мухлисингиз бўламиз. Сизни зиёрат

қилгани келдик», – деб узр сўрадик. Шунда дадангиз кулиб: «Қани, меҳмонлар, марҳамат», деб ўзлари олдинда, шийпонга йўл бошладилар. Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, акангиз кўринди. Абдулла акам чой-нон буюрдилар. Биз хижолат тортиб узримизни айтдик, дадангиз: «Ўз оёғи билан кириб келган меҳмон, чақирилган меҳмондан азизроқдир», – деб бизни дастурхонга таклиф этиб, чой қуйиб узатдилар, биз хижолат бўлиб сукут сақладик. Абдулла акам: «Мен ҳам сиз каби ёш хонандаларнинг мухлисиман. Қани эди, сиздек хушовоз ҳофизлар кўпроқ етишиб чиқиб, янги битилган газалларни хониш қилиб, халқни хушнуд этаверишса», – дедилар. Абдулла акам:

– Сизлар, янглишмасам, табаррук Аҳмад Яссавий, қолаверса, Юсуф Сарёмий таваллуд топган жойдансизлар, – деб давом этдилар. – Мен Чимкантга борганимда Сайрамга ўтиб, Юсуф Сарёмий кулбаларида бўлиб, авлодлари билан суҳбатлашиб қайтдим. Сайрам ислом олами оғзига тушган машҳур фарзандлар эли бўлгани учун уни дунё мусулмонлари танийди, – деб таърифладилар.

Суҳбатимиз машҳур газалчи шоиру фузалолар устида қизгин ўтиб, пешин бўлиб қолгани учун биргаликда намоз ўқидик.

Намоздан сўнг кетишга тараддудландик, дадангиз: «Бизнинг уйдан иссиқ таом емай кетиш айб бўлади», – деб қайта шийпонга бошладилар.

Катта хитой лаганда шилпилдоқ келтиришди. Иштаҳа билан тановул қилдик. Чой устида Абдулла акам: «Мен қачон Чимкантга ҳордиқ чиқаришга борсам, албатта, шилпилдоқ буюраман, қимиздан сўнг хамир таом истеъмол қилишга не етсин, сизларга бизнинг Тошкантча шилпилдоқ маъқул тушди-ми? Фақат қимизга қарздормиз», – деб бизни кулдирдилар.

Хайрлашиш вақтида Абдулла акамни қишлоғимиз Қорамуртга таклиф қилдим, дадангиз мамнун бўлиб: «Насиб этса, албатта, борармиз», деб ваъда бердилар.

Орадан бир-икки ой ўтказиб, Чимкантга таклиф этгани келсам, Абдулла акамнинг бир оз товлари йўқ экан. Учинчи марта боғингизга Сайрам қазиси, қимизидан олиб, кўргани келдик, ўша машҳур шийпонда улфатчилик қилдик. Абдулла акам ўша кезлари «Обид кетмон» романларини ёзиб тугаллаш арафа-

сида бўлсалар керак, «Хатиб домла» бобини мароқ билан қўл-ёзмаларидан ўқиб бердилар. Биз кула-кула эшитиб қайтдик. Бир оз ўтгач «Обид кетмон» босилиб чиқди. 1935-36 йиллар Тошкандда қора кунларнинг авжи палласи, биз вақтинча ўз юртимизга кетишга мажбур бўлдик. Дадангизнинг қамалган-ликларини эшитиб, кўз ёши тўқдик.

«БЎЙИ БАЛАНД» КЕЛИН ОЙИМ

Дадамнинг табаррук қадамлари теккан кўча, маҳалла, Тошканднинг Эшонгузар, Чақарариқ, Сузукота, Мирлар маҳалласи, Самарқанд дарвоза, Чуқурқишлоқ, Камолон, Чорсу, Хадра, Эскижува, Янги, Эски шаҳар кўчалари борки, яёв кезиб, ёшлигимда дадам билан ҳамроҳ бўлиб юрган кезларимни кўз ўнгимга келтираман. Дадам кўчада икки қўллари орқада, хаёл суриб, худди ўзлари билан сўзлашаётгандек қадам ташлаб йўл босар эдилар. Мен ҳамроҳ бўлган кезларимда мenden гап сўрасалар ёнларида, қолган кезларда олдиларида, чарчасам, орқаларида кетаверар эдим. Баъзан дадамлар менга гапиргандек бўлардилар.

«Ҳа, дадам менга гапирдингизми?» – деб сўрасам, малоллик билан «йўқ» деб, икки қўллари орқада бошқа бир сўз демай йўлни давом эттираверардилар. Маълум манзилга етгач, хаёллари ўзларига келгандек бўлиб: «Нима дединг?» – деб сўрар эдилар.

Дадам хилват, кимсасиз кўчалардан юришни хушлар, ҳамроҳ бўлган кезларим гавжум кўчалар орқали юришни ис-таб, жанжал ҳам қилиб олар эдим.

1934 йил ёзнинг охири ойларида аввал яёв Хадрага, кейин трамвайга миниб, Шайхонтохурда истиқомат қилувчи Асомиддин тоғамникига йўл олдик. Дадам йўлда мени гапга солиб:

– Ўғлим, кимникига нима сабабдан боряпмиз? – деб сўрадилар. Мен:

– Тоғам уйланияптилар, тўйга кетяпман, – деб жавоб бердим.

– Уйланиш қанақа бўлади? – деб сўрадилар.

– Ия, уйланишни билмайсизми? Уйланган одамнинг уйига келин келади, – дедим.

– Ҳа, дуруст, катта бўлиб қолибсан, сени ҳам уйлантириб қўйсам қалай бўлар экан?

– Ҳали ёшман, ундан кейин боламаст тўйим бўлмай туриб уйланмайман.

Дадам хахолаб кулдилар.

– Ҳа, ҳали сендан боламаст тўйи қарздор эканман! – дедилар.

Шайхонтоҳурда икки табақали усти ёйсимон жимжима ўймакор эшиқдан ичкари жиловхона орқали тор кўчага ўтиларди. Тор кўчанинг ўнг томонида киностудия, чап томонида ҳар хил катталиқда атторлик дўконлари бўлиб, бир оз йўлни давом эттирсак, ўнг томонда Лангар ҳовузи бўларди. Ҳозир рўпараси кенг сайлгоҳда илгари чойхона, қассобхона, ошхоналар жойлашган бўлиб, йўлни давом эттирсак, Юнусхон мадрасасига дуч келардик. Юнусхон мадрасасининг ўнг томонида мактаб жойлашган. Мадраса орқасида кичик бозорча бўлиб, катта кўчага чиқиларди. Кичик кўприқдан кўчани кесиб ўтиш билан Қудуқбоши кўчаси бошланарди. Бу кўчада масжид бўлиб, йўлни давом эттирсак, Жар кўчага тушиларди. 10-15 метр берида, кўча юзасида қудуқ бўлиб, Хоним бибимнинг эслашларича, шу маҳаллага келин бўлиб тушганларида қудуқдан бир маҳалла фойдаланган, суви ширин, тотли бўлгани учун Ширинқудуқ номи билан ҳам аталар экан.

Эсимда, 1957 йиллари масжид ёнидаги сув будкасидан тоғаларим обкашга челақларни осиб, сув келтиришар эди. Ширинқудуқдан бир оз юрилиб, боши берк тор кўчага бурилгач, яна 50-60 қадам юрилса, ойимнинг тугилиб ўсган ҳовлиларига етиларди. Ҳовлига икки табақали эски, бўёқлари ўчиб кетган эшик орқали ташқари-ичкари ҳовлига кириларди.

«Ўткан кунлар» романини ўқиганимда «Киройи куявинг шундоқ бўлса» фаслидаги манзарада дадам қайнота ҳовлиларининг ички-ташқи кўринишини таърифлагандай туюлганди.

Тўйхонага кирганимизда ташқари меҳмонхона ҳовлисига қўйилган сўрида 5-6 нуроний қария суҳбатлашиб ўтиришарди. Дадамни кўришлари билан ўринларидан туриб кўришишди, сўрига таклиф қилишди. Мен ҳам дадамнинг ёнларидан жой олиб ўтирдим.

Фотиҳа ўқилгач, ҳол-аҳвол сўрашилди, ўтирганлардан бири дадамга:

– Келиб қоларсиз, деб кутиб ўтирган эдик, – деб суҳбатга чорлади. – Мулла Абдулла, суҳбатлашганимга бир йилдан

ошди, ўша машхур боғ шийпонингиздаги бўлган суҳбатнинг мазаси ҳали ёдимдан аригани йўқ, – деди. Кимдир:

– Тақсир, суҳбат таоммидики, мазаси огизда қолса? – деб кулди. Бошқа бири:

– Яхши, маъноли суҳбат таом мазасидан баланд баҳоланади, – деди.

Дадам ўтирганларга кулиб:

– Тақсир тўғри таъриф бердилар. Суҳбат қанча чуқур маъноли, ёқимли бўлса, инсонга маънавий озуқа беради, яхши тайёрланган таом эса инсонга моддий озуқдир. Яхши суҳбат, сифатли таом каби инсонга яхши кайфият, хузур багишлайди, – дедилар.

– «Муштум»га ёзмай қўйдингиз ёки вақтингиз бўлмай бирор катта асар устида бандмисиз? – деди улардан бири. Дадам:

– «Муштум» ҳам катта йигит бўлиб, «Муштум»нинг болалари вояга етди, энди ёшларга ўрин бердим, ўзим боғ юмушларидан ортмайман, бўш вақтимда қишлоқ шароити ҳақида бир қисса ёзиш ниятидаман, – дедилар.

Кечки пайт дадамнинг олдиларига чиқсам, йўқлар. Эртаси куни келинсаломдан сўнг ойим билан уйга келсак, дадам хоналарида эканлар, дадам ойимдан тўйнинг қандай ўтганини сўраб билгач, мендан:

– Келинни кўрдингми? – деб сўрадилар.

– Ҳа, дада, бир эмас, икки марта кўрдим. Келин чиройли, баланд бўйли, бўйлари бемалол шифтга етади, – дедим.

Ойим, дадам қотиб-қотиб кулишди. Шу-шу бўлди дадам бўш қолсалар эрмакка мендан «Келин қандай экан?» – деган саволларини қўймас эдилар.

Орадан 3-4 кун ўтгач, Хоним бибим Ҳожия келин бибини бизникига келинсаломга олиб келдилар, ойим катта уйга жой ҳозирлаган эканлар. Жосият бибим, Хоним бибим, дадам дастурхон атрофида ўтиришиб, узундан узоқ яхши тилак билдиришиб, дуога қўл очишди. Келин қайтадан туриб, ўтирганларга алоҳида келинлик саломини бажо келтирди. Сўнг ўринларидан туриб, пиёладаги чойни ўтирганларга ёшига қараб олдинма-кейин эгилган ҳолда узатиб чиқди. Жосият бибим қудаларига қараб:

– Чой бериш одамзоднинг зийнатидир, келинликнинг бор-йўғи келинлиги шу-да, – деб ҳавас билан сўзладилар.

Хоним бибим хурсанд бўлиб:

– Ҳа, Жосият қуда, олдингизда набираларингиз бор, тез кунда, сиз ҳам набира келинлар қўлидан чой ичиб, юмушларидан ҳузурланиб юрарсиз, – деб кўнгилларини кўтардилар.

Дадам қудалар ҳангомасидан кўнгиллари тўлиб, келиндан:

– Саидвали акам яхшимилар? – деб ҳол-аҳвол сўрашган бўлдилар.

Мен аста ўрнимдан туришга тараддудлансам, дадам ўтирганларга қарата:

– Масъудвой ҳам катта йигит бўлиб тўйда тўполон қилмай тўйни яхши ўтказиб келди. Унча-мунча гапларга ақли етадиган ҳам бўлиб қолди, – деб менинг тўйдан олган таассуротларимни сўзлаб, ўтирганларни кулдирдилар. – Ундан ташқари, Масъудни биздан озгина таънаси ҳам бор экан, боламаст қилмадинглар, деб ўқинмоқда.

Дадамнинг гаплари маъносига ойим тушуниб:

– Сенинг «боламаст» тўйинг бешикдалигингда Эркин аканг билан биргаликда ўтказилган, – деб тушунтирдилар.

(У дамларда боламаст тўй деб аталган тадбир ҳозир суннат тўйи деб номланади. Боламаст дейилишининг маъноси – хатна қилувчи уста (сартарош ҳам дейилган, чунки устанинг яна бир ҳунари сартарошлик бўлганки, ҳозир ҳам шундай) келгунига қадар болани яқинларидан бири опичиб олиб, гулхан атрофида айлантирган, доира жўрлигида маҳаллани ҳам айлантириб, чарчатиб «маст» қилган. Боламаст тўйида элга ош бериш расм бўлган. Бир ёшга тўлганимда Раҳимберди амаким ўғиллари Эркинга боламаст тўйи қилганларида менинг тўйим ҳам бу тадбирга қўшилиб, дадам юртга ош берган эканлар).

Ҳожия келинойимиз ойимга севимли сингил, келин бўлиб, бир-бирларини яхши ҳурматлашар, боғ ҳовлимизга тез-тез келиб турар, бошимизга тушган қора кунларда, айниқса, ойим бетоблик кезларида хабар олиб турар эдилар. Ойим Ҳожия келинойимнинг қўлларида жон берганлари ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

Ҳожия келинойим дадамни, ойимни эслаганларида, мендан ўпқаланиб, «Абдулла поччам олдиларида мени уялтириб «Бўйи баланд, шифтга етади», – деб айтгансиз», – дея куладилар.

Ҳожия келинойимиз дадам ва дадаларини эслаб, шундай ҳикоя қилиб берган эдилар:

Эрта куз фасли эди. Кечки пайт Саидвали дадам Шайхонтохурдаги ҳовлимизга кириб келдилар. Нимагадир бетоқат, ташвишли ҳолатда эдилар. Асомиддин тоғангизга буюриб: «Тез мулла Абдуллани чақириб келинг», – деб илтимос қилдилар. Тоғангиз извош ёллаб, боғ ҳовлингиздан дадангизни бошлаб келдилар. Икковлари кучоқлашиб кўришиб, гилос тагидаги супада тонг отарга қадар суҳбатлашиб ўтиришди. Тоғангиз Тош-МИ талабаси эдилар. Дарс тайёрлаш билан банд бўлдилар. Мен ухламай, чой-овқатидан хабар олиб турдим. Чой олиб борсам, дадам дадангизга куюниб:

– Мулла Абдулла, ҳукумат сендан, мендан миннатдор бўлмади, раҳмат ўрнига мени бир йил қора курсида ушлашди, гуноҳим бўлмагани учун озод этишди. Билишимча, мени қайта сўроқ қилиб, яна қамаш тараддудида эмишлар. Зиёлилар бошига ёғилаётган офатдан ҳам хабарим бор. Сени чақиришимдан мақсад, бугун бўлмаса эртага сенга ҳам даф қилиб қолишлари мумкинга ўхшаб қолди. Замон туҳматчи, бўҳтончи иймонсиз зиёлиларники бўлиб қолди. Сен омон қолай десанг, уйингни ташлагин-у, вақтинчалик узоқ ўлкаларга, дашту тоғларга кет, замон тинчиши билан оилангга қайтасан, – деб қайта-қайта зорланиб тушунтирганлари ҳали-ҳали эсимда. Тонг отарга яқин дадам дадангиз билан кучоқлашиб: «Бошқа кўришолмасак керак, кўришиш насиб этмаса, охиратда кўришармиз», – деб кўз ёши билан хайрлашдилар. Кетар олдида Абдулла поччам Саидвали дадамга:

*Ҳар кимсани та шикаста, дилхун бўлмас,
Ул мулки вафода қадри афзун бўлмас,
Дунёдаги ҳар тош бўлавермас ёқут,
Ҳар қатра сув ҳам гавҳари мажнун бўлмас,*

– деган рубоийни ўқиб чиқиб кетдилар.

Саидвали дадам ўша кезлари уйдан бош олиб, бошқа вилоятга кетиб, қамоқдан қутулиб, ўз ажаллари билан вафот этдилар.

ТОПИЛМАГАН СУРАТ ТАРИХИ

Шийпоннинг юқори қисмида 14-15 қатор узумзор бўлиб, унда чиллаки, буваки, қора чарос, шивилғони, соҳиби, хусайни, ҳасайни, каттақўргон, даройи, мускат, қирмиска ва бошқа узум навлари тартиб билан экилганди.

Баҳорда дадам ишкомнинг чириган ёғочларини шийпоннинг кунчиқар томонига эккан толларидан кесиб янгилар эдилар. Мен обдастада сув қуйиб турардим. Дадам янги кесилган толнинг йўғон томонини ерга қозиқ қилиб киргизар, уларини эгиб тол пўстлоғи билан боғлаб, ишком турғизар эдилар. Ишкомлар тартибга келтирилгач, тоқочар, хомтоқ қилиш каби ишлар бошланар эди. Узум мевалари ёзнинг чилласидан то кузгача олдинма-кетин етилаверарди. Пишиқчилик маҳалида шийпондан узумзорга қараб олтиндай товланаётган хилма-хил узумларни кўриб, одамнинг кўзи қувнарди. Узумларни ёзи билан еб, қишга ҳам ғамлаб олардик. Эсимда: ортган узумлар ширкатга ҳам топшириларди. Ширкатчилар ўзлари келиб, узумларни саватларга жойлаб олиб кетардилар. Узумлар ғарқ пишган кезларида чуғурчук, куркинаклар уларни чўқилай бошларди. Мен дадам ясаб берган тартарак билан узумларни кўриқлардим. Дадам эса шийпонда ўтириб, гоҳида тайёрлаб қўйилган кесақларни отиб, қушларни ҳайдардилар.

Айни пишиқчилик палласида, мен эгнимда майка-трусик, қўлимда рогатка, аста ишкомдан чиқиб шийпонга келсам, дадам бир рус киши билан сўзлашиб узумзорга йўл олишди. Мен ҳам орқаларидан эргашдим.

Рус кишининг қўлида фотоаппарати бўлиб, дадамни ишком ичида, ташқарисида расмга ола бошлади. Менинг ҳам дадам билан бирга ва алоҳида бир бош узум еб турган ҳолатимни суратга туширди. Кейин у шийпонда дадам билан бирга ўтириб суҳбатлашди-да, кетди. Мен дадамдан:

– Нимага бизни кинога олди? – деб сўрадим. Дадам:

– Кинога эмас, суратга олди. Москвадан келган экан, – дедилар.

Кейинчалик дадамдан ўша суратни сўраганимда:

– Москвадан сурат нусхасини юборишга ваъда берган эди, – деган эдилар.

Дадам сурат билан бошқа қизиқмадилар. Бироқ менинг кўнглимда ўша сурат бир умр армон бўлиб қолди.

МИСКИН ДОМЛАНИНГ КАРОМАТЛАРИ

Дадамизнинг холалари – Бувма бибининг Мурод исмли ўғиллари бўларди. Мурод аканинг юз тузилиши, бўй-басти,

гап-сўзлари худди Қудратилла амакимни эслатарди. Ёшлари ҳам Қудратилла амаким тенги бўлиб, Эшонгузар маҳалласида истиқомат қилардилар. Мурод ака қассобчилик билан шуғулланиб, то умрларининг охиригача биз билан борди-келдиларини узмаган эдилар. (У киши 1975 йил 80 ёшда вафот этганлар).

1961 йил тўй муносабати билан уйимизга келганларида, Мурод ака шундай ҳикоя қилгандилар:

– Мен Жосият бибининг жиянлариман. Бибингнинг отаси – Азиз сўфи Тошкент ҳокими Азизбек қўлида сарбоз бўлган. Кексайган чоғида Чорсу даҳасида муаззинлик қилган. Азиз отанинг етти қизи: Зубайда, Моҳира, Убайда, Роқия, Хосият, Бувма, Жосият ва Исломхўжа исмли ўғли бўлган. Исломхўжа ҳажга кетиб, ўша ерда уйли-жойли бўлиб қолиб кетган.

Хосият холамнинг Қўшоқбой (1880-1937) исмли ўғиллари бўлиб, у киши мадрасада таҳсил кўрган, сўзга уста, шоир, Мискин таҳаллуси билан ишқий шеър ва ғазаллар ёзардилар. Отахонни «Қўшоқ домла», «Қўшоқ баққол» дейишарди. Домла Девонбеги маҳаллалик бўлиб, ўрта бўйли, қорачадан келган, юмалоқ юзли, қора соч-соқолли, келишган киши эдилар. Қўшоқ домла Қўкалдош мадрасаси ёнидаги майиз бозорда мева дўкони очиб, тирикчилик қилардилар. Мен оймнинг қистови билан Қўшоқ домланинг уйларига ёки дўконларига бориб, унча-мунча юмушларга қарашиб турардим. Дўконга кўпинча муллалар келишиб, чой устида масала талашиб баҳслашиб кетиб, Қўшоқ домланинг аччиғини чиқаришарди. Дўконда баъзан ҳофизлардан Мулла Тўйчи, Шобарот акалар танбурда Мискин домла битган газалларни ашула қилиб айтишарди. Дўконга Абдулла акам ҳам келиб турардилар. Шунда Қўшоқ домла: «Бу менинг жияним», – деб меҳмонларга таништирар, тўрга ўтқазиб, муомалани қуюқ қилардилар. Абдулла акам суҳбатга аралашмай жимгина қулоқ солиб ўтирардилар. Қўшоқ домла акамнинг орқаворатларидан: «Абдулла уқувли чиқди. Ёш бўла туриб матбуотда ёзганлари босилиб турибди. Келажакда ундан яхши аллома чиқади», – деб мақтардилар. Мени эса: «Уқувинг йўқ», – деб койир эдилар.

Қўшоқ домла Жосият холамларникига борганларида бизникига ҳам кириб ўтар эдилар. 1924 йили Қодир бобо қазо қилдилар. Шунда Қўшоқбой домла ҳам келгандилар. Кейинги кел-

ганларида Абдулла акам билан узоқ суҳбатлашиб, янги битган газалларини ўқиб бергандилар.

Радимберди амаким билан бир суҳбатда Абдулла акам Қўшоқбой домланинг битган шеърларини ҳавас билан ўқиб берганлари ёдимда. Абдулла акам ҳам унча-мунча шеър машқ қилиб турардилар.

Абдулла акамнинг «Ўткан кунлар» китоблари чиққанда Қўшоқбой домла табриклагани Эшонгузар маҳалласидаги ҳовлига келиб, бир кеча ётиб кетгандилар.

1936 йил Жосият холам вафот этдилар. Қўшоқбой домла бетобликлари туфайли дафн маросимида қатнаша олмадилар. Кейин фотиҳагарчиликка келдилар. Абдулла акам Қозон шаҳрига сафарга кетгандилар. Ўшанда домланинг шаштлари паст, анча озган, касалманд эдилар. Орадан бир йил ўтмай Қўшоқ домла 57 ёшда вафот этдилар.

ҚОРА ДОҒНИ ЭП БИЛМАЙМАН

1962 йиллар эди. Зайниддин ҳожи исмли божам мени меҳмонга таклиф этдилар. Ёши олтмишлардан ошган, ўрта бўйли, вазмин, босиқ сўзловчи Зайниддин ҳожи савдо юмуши билан машғул киши эдилар. Меҳмондорчиликдаги суҳбат отам ҳақларидаги хотираларга бурилди. У киши ҳикоя қилгандилар:

– Бизнинг асли ҳовлимиз Себзор даҳасида бўлиб, 1930-32 йилларда Тошкент атрофидаги савдо ширкатида ишлардим. Икки ўғлим ва бир қизим бўлиб, оила шароитим яхши эди. Бир куни Эскижувада Шокирбек исмли дўстимни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Шокирбек: «Отамдан хат олдим. Хатда мени чақирибдилар. Мен Ғулжага кетиш тараддудидаман. Айтишларича, Ғулжа тинч шаҳар экан. Хоҳласанг, бирга олиб кетишим мумкин», – деди. Мен: «Ўйлаб кўрай-чи», – дедим.

Ўша пайтларда бу ерда кўзга кўринган бойларни қулоқ қилиб, қамаш авжига минганди. Шунинг учун Шокирбек билан бирга кетишга розилик билдирдим. Орадан ўн кун ўтгач, Ғулжага жўнаб кетдик. У ерда Тошкент, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлик фуқароларни учратдим. Улар ўз шаҳарларида қандай юмуш билан банд бўлсалар, Ғулжада ҳам ўшандай яшамокда эканлар. Ҳамма ер мусулмонобод экан. Йўл берклиги учун оиламни олиб кела олмадим ва қайтадан турмуш

қуришга мажбур бўлдим. У ерда мусофир муллалар, дин зиёлилари йиғилишиб тўкмалар (зиёфат, гап) ердик. Уларнинг баъзилари ўз она юртларидаги пайтларида Абдулла Қодирий билан мулоқотда бўлганликларини эслаб, ўз хотираларини сўзлар эдилар.

Раҳматли қайин отангиз – Муҳаммад Алихон асли тошкантлик бўлиб, туз-насиба билан Ғулжага бориб қолганлардан эдилар. Тўкмалар у кишисиз ўтмас эди. Қайин отангиз Тошкантда ясалган танбурлари-ю, муқовасига қизил жилд тикилган «Ўткан кунлар»ни олиб келар ва галма-гал Бедилхонлик, Қодирийхонлик бўларди. Гоҳида Навоий, Фузулий ғазалларидан куйлаб, тўкмаларга файз киритардилар.

Бир тўкмада Шокирбек шундай ҳикоя қилган эди: «Тошкантдалигимда дадам хатларида: «Иложи бўлса, Жулқунбойни кўндириб, Ғулжага олиб кел», – деб ёзгандилар. (Абдулла Қодирий бизга узоқроқ қариндош, Одилбек ҳожи амакимнинг аёли Жаннат келинойимга аммавачча эдилар). Шунинг учун мен Абдулла акамнинг уйларига бориб:

– Ўзингиз яхши тушунасиз, замон нотинч. Тинчигунга қадар таниш биродарларингиз мана бу хатда битилганидек сизни Ғулжага таклиф этибди, – дедим.

Абдулла акам хатнинг мазмуни билан танишиб чиқиб, узоқ хаёлга чўмиб:

– Иним Шокирбек, сиз кимсан Солиҳбек ҳожининг ўғлисиз. Мен эса ўз кунини зўрга тебратиб ўтган, оддий богбоннинг фарзандиман. Мен ўз меҳнатим эвазига кун кўраман. Бешта фарзандим, ҳовли-жойимни ташлаб, бесабаб, сиз айтгандек сафарга боришимдан нима фойда? – дедилар.

– Сиз ҳозирги давлатнинг сиёсатини кўз олдингизга келтирмаяпсиз? – дедим.

– Мен давлатнинг сиёсатига аралашмайман. Ўз севган ҳунарим – ёзувчилик билан овуниб, оиламни тебратиб юрибман, – дедилар жиддий.

Мен янада қизишиб:

– Сиз менинг мулоҳазали фикримга тушунишни истамаяпсиз. Замон сиёсати шу зайлда кетаверса, сизни тинч қўймайдилар. Тирноқ тагидан кир топиб, қора курсига ўтқазишлари турган гап, – дедим.

– Шокирбек, мулоҳазаларингизга тушуниб, ақлим етиб турибди. Балки менинг қисматим сиз айтганчалик бўлар. Биз Аллоҳнинг хом сут эмган бандаларимиз. Кир топсалар топарлар. Аммо қонунимиз бор, одил ҳукуматимиз, қолаверса, халқим борки, мени ҳимоя этарлар. Бир марта бошимдан кечирдим, билдим. Имонли кишиларга қайта қўл урмаслар. Сизга ва менга хат йўллаб, келажагимни ўйлаб қилаётган илтифотлари учун биродарларимизга минг раҳмат. Подадан олдин чанг чиқариш мен учун айб бўлади. Қолган умримни ҳар намозимда ишонган ёлғиз Аллоҳдан сўрайман. «Фалончи ўзга юртга кетибди», деган қора доғни ўзимга, фарзандларимга эп билмайман, – дегандилар.

Шокирбекнинг бу гапларидан дадангиз нақадар собит эканликлари кўриниб турибди, – дегандилар Зайниддин ҳожи, Аллоҳ бандаларининг ризқ-насибаларини ҳар ерга сочиб яратган экан. Қаранг, мен хорижда 20 йилдан ортиқ яшаб, сўнг тупроғимга қайтдим. Қанча-қанча беайб биродарларимизнинг хоки ўзга юртларда қолиб кетди...

УЛАР ТАДБИРКОР КИШИЛАР ЭДИ

Бир куни (тахминан 1933-34 йилларнинг баҳори эди) шийпон атрофида ўйнаб юрсам, дарвозадан биров чақирди. Дадам боғ ишлари билан банд бўлганликлари учун мен югуриб чиқдим. Кўчада бир нотаниш киши от билан турарди. У дадамни сўради. Мен дадамни чақириб, отга маҳлиё бўлиб қараб турдим. Дадам меҳмон билан бир оз суҳбатлашиб турдилар. Сўнг меҳмон отини қолдириб, хайрлашиб жўнаб кетди. Дадам отни ичкарига етаклай бошладилар. Мен қувониб эргашдим. Дадам отни қозиққа боғладилар. Икковлашиб отга хашак бердик.

– Дада, отни сотиб олдингизми? – деб сўрадим.

– Ҳукумат вақтинча фойдаланишга берди. Отга яхши муомала қилинса, инсон каби тушунади. Беминнат улов, – деб отга таъриф бердилар.

Ўша кундан бошлаб дадам билан отни парваришлай бошладик. Учинчи ё тўртинчи куни эрта билан турсам, дадам нонуштада кўринмадилар. Отхонада от ҳам йўқ. Ойимдан сўрасам: «Даданг отни олиб қаёққадир кетдилар», – дедилар.

Эртасига кечки пайт дадам отни етаклаб уйга кириб келдилар.

– Чарчамадингизми? Борадиган жойингиз яқинми? – сўрадилар ойим.

– Отда юрмаганим учун бир оз уриндим. Кўктерак томонга бордим, – дедилар дадам.

Шу тариқа дадамнинг Кўктеракка сафарлари бошланди. Дадам баъзан 3-4 кунлаб уйга келмасдилар. Мен ҳар сафар дадамнинг қайтишларини сабрсизлик билан кутардим. Уйга келганларида (от ювош бўлганлиги учун) дадам билан отни ўйнатиб, суғориб юрардик. Баъзан дадам мени отга миндиран эдилар.

Дадамнинг Кўктеракка боришлари қанча давом этди, ёдимда йўқ. Ўша йили куз пайтида отни уйимиздан олиб кетишди.

Мен отга ўрганиб қолганим учун ойим орқали хархаша қилишим натижасида дадам тойча сотиб олиб бердилар.

Кейинчалик билсам, ўша кезларда жумҳурият раҳбарлари дадамга колхоз ҳаётидан бир асар ёзишни илтимос қилишган экан. Дадам узоқ жойларга бориб келиш учун улов сўраган эканлар. Шунга кўра, дадамни вақтинча от билан таъминлашган экан.

Дадам «Обид кетмон» қиссалари учун маълумот тўплаб, Тошкент вилоятининг бир неча қишлоқларида, жумладан, Кўктерак мавзесида ташкил этилган Ўткин номли колхоз (ҳозирги Олмазор)да ҳам бўлган эканлар. Шу билан бирга, у ерда дўстлар орттирган эканлар. Ўшалардан бири машҳур соҳибкор боғбон Иноғом ота эдилар. Иноғом ота менинг кўз ўнгимда «Ўткан кунлар»даги Ҳасанали мисолида гавдаланадилар. У киши бошимизга оғир кунлар тушганда бизга маънавий ва моддий кўмак берганлар.

Эсимда, 1945 йили Ҳабибулла акамни ҳибсга олиб кетишганида отахон келгандилар. Ўшанда:

– Акангда нима айб? Бегуноҳ дадангнинг ўғли бўлгани учун қамашдими? Ҳукуматнинг ишларига тушунмай қолдим-да, – деб кўз ёши қилгандилар.

Иноғом ота умрларининг охирига (1961 йил) қадар оиламиз билан борди-келдини узмадилар.

Бир куни отахон ҳикоя қилган эдилар:

– Мулла Абдулла билан танишганимдан сўнг бир мунча вақт ўтгач, мени Инжиқободдаги ташландиқ каттагина боққа олиб бордилар. «Ота, мана шу боғни ёзувчиларга беришди. Сиз боғбон бўласиз. Шу қаровсиз ерларни боғу бўстонга айлантисангиз, сиздан келажакда «Шу боғни Иноғом ота яратган», деган гап қолади», – дедилар. Мен розилик билдириб, ишга киришиб кетдим. Ёнимга 4-5 та ёрдамчилар ҳам беришди. Улар орасида Зиёвуддин қори Бобохон ўғли ҳам бор эди. Мулла Абдулла тез-тез келиб, боғ ишларимиздан хабардор бўлиб, баъзи маслаҳатларини бериб кетар эдилар. Бир келишларида китоб олиб келиб, бизга тарқатдилар. Мен тушунмай у кишига қарасам: «Бу ўша Кўктераққа қатнаб юриб битган «Обид кетмон» асарим. Китобнинг туғилишига сизнинг ҳам ҳиссангиз қўшилган», – дегандилар.

Боғ ишлари юришиб, тезда кўзга ташлана бошлади. Мулла Абдулланинг таклифлари билан кичик бир шийпон барпо этдик. Ёз ойи бошланиши билан шанба, якшанба кунлари боғдан дам олгувчиларнинг оёғи узилмай қоларди. Биз – ёрдамчилар боғнинг бир чеккасига шинамгина жой қилиб олгандик. Мулла Абдулла келсалар, намозни бирга ўқирдик, мулоқотда бўлардик. Зиёвуддин қори Мулла Абдулланинг суҳбатларидан мамнун бўлиб: «Жулқунбой акам ҳўб Худо берган инсонлар-да, диний, тарихий, адабий билимлари пухта. Қайси биридан суҳбат кетса, исбот-далили билан тушунтириб берадилар», – деганди.

Мулла Абдулла боққа келишлари билан ёшлар дарров ўз давраларига олишиб, нималарнидир ўқиб беришар, саволга тутишар эди. Мулла Абдулла эринмай, соатлаб ёшларга тушунтирардилар. Бир сафар келганларида шундай суҳбат узоқ вақт давом этди. Мен: «Қоринлари ҳам очиб кетгандир», – деб раҳимим келиб, суҳбат бўлаётган жойга бориб, икки бош бармоғимни қулоқларим остига олиб бориб, у кишига қарадим. Мулла Абдулла менга бош силкиб қўйдилар-да, бир оз ўтгач олдимга келиб: «Одамни тушунасиз-да, сиз бўлмасангиз намоз ҳам қазо бўларди», – дедилар.

Мулла Абдулла бир гал: «Ҳозирги ёшлар-ку, майли, ўрта бўғиндагилар мендан «Худо борми?» – деб сўрашади. Мен: «Ишонганга Худо бор, ишонмаганда йўқ», – деб жавоб бераман», – дея ранжиб қўйгандилар.

Мулла Абдулла дам олгувчиларнинг баъзиларини ёқтирмас, улардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилиб, биз билан суҳбатлашиб қайтар эдилар.

Мулла Абдулланинг бошига қора кунларни келтирган ўша нокаслар мени ҳам ёқтирмас эдилар. Уларнинг ичида ичкиликка, маишатга берилганлари ҳам бор эди. Бир куни ўшалар дўконга чиқиб келишимни илтимос қилишди. Уларнинг ҳурмати учун «хўп» деб йўлга тушдим. Орқамдан Нуртой лақаблиси келиб, 2-3 та ҳалиги «қуриб кетгур»дан олиб келишликни буюрди. Мен умримда шиша ушламаганман. Йўлда «шайтон суви»ни қандай олиб келаман, деб хаёлланиб кетдим. Дўконга кириб, сотувчидан ҳамма буюрганларини олдим-у, навбат «шайтон суви»га келганда ийманиб: «Икки-учта ҳалигидан беринг, уни олиб бориш учун бир бола ҳам топиб берсангиз», – деб илтимос қилдим. Сотувчи менинг андишамга тушуниб: «Отахон, бир йўлини қиламиз», – деб кулиб ичкарига кириб кетди. Оз вақт ўтмай, икки метрча келадиган канопа «шайтон суви»ни боғлаб берди. Сотувчининг тадбиркорлигига раҳмат айтиб, канопа дала йўлидан судраб, манзилга етиб келдим.

Кўзлари тўрт бўлиб турганлар қўлимдаги тугунни олишди, «шайтон суви»ни пайқамай: «Отахон, айтганим йўқ эканми?» – деб сўради Нуртой. Мен орқамга ишора қилиб, канопа унинг қўлига тутқаздим. Нафслари ҳакалак отиб турганлар хахолаб кулиб юборишди. Кейин менга бошқа бундай юмуш буюрмадилар.

Бир оз вақт ўтгач, боғ ишлари йўлга қўйилди-ку, деган баҳона билан у даргоҳдан кетдим.

Кейин эшитсам, мулла Абдулла: «Намозхон отахонга шундай юмуш буюрасанми?» – деб Нуртойни роса койиган эканлар.

Мулла Абдулла билан ғойибона таништирган Отабек, Анвар ўғилларим, Кумуш, Раъно қизларим бўлса, «Обид кетмон» орқали мен у киши билан қадрдон дўст бўлиб қолдим. «Обид кетмон» лотин алифбосида босилганлиги учун ўқий олмадим. Мулла Абдулланинг оғизларидан мазмунини эшитдим. Кейинчалик набираларимга қайта-қайта ўқитиб, данагидан мағзини ажратиб уқиб олдим.

МАСЪУЛИЯТЛИ АДИБ

1948 йили тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларим. Умумий фанлар қатори биохимия фани ўқитилар экан. Бу фан биз учун нотаниш, қийин, математика фани каби формулалардан ташкил топган, мураккаб эди. Биохимияни Маҳмуд Ҳакимий олиб борар, дарсдан қолмай, маърузаларини диққат билан эшитар эдик.

Маҳмуд домла камгап, зукко, ўз фанининг билимдони, талабчан олим эди. Домла туғма хаста бўлганликлари учун бўлса керак, қиш-қиров фаслида институт ҳудудидаги икки хонали уйда, ёзда эса шахсий ҳовлиларида истиқомат қилар эдилар. Домла ҳар бир талабанинг исми-насаби билан қизиқиб, исмининг маъносини суриштирар, билмаса, ўзлари тушунтириб берар, дарслари қийин бўлгани учун бўлса керак, маъруза вақтида мумтоз шоирлар ғазалларидан ёддан ўқиб, ғазал мазмунини мароқ билан тушунтириб ўтар, сўнг дарсни давом эттирар эдилар. Домланинг яна бошқа хусусиятлари, талабаларга ўз ўғитларидан сўзлаб, насиҳат тариқасида: «Ҳар бир талаба масъулиятли бўлиши керак. Ишда ҳам, жамоатда ҳам, оилада ҳам, айниқса, бола тарбиясида масъулият катта ўринни эгаллайди. Турмушда меҳмон кутишдаги масъулиятдан, меҳмон бўлишдаги масъулият зўрроқ. Чунки киши бирор жойга меҳмонга борса, у ўз обрўси билан кетиши керак. Мезбон келиб-кетган меҳмоннинг яна келишини орзу қилиб қолсин. Ҳали мен шуни меҳмон қилиб юрибманми? Энди сира келмасин-э, деган фикрга бормасин», – деган ва шунга ўхшаш ҳикматга йўгрилган насиҳатлар қилар эдилар.

Домланинг дарслари тамом бўлиши билан, гоҳида ухламай имтиҳонга тайёрлана бошлардик. Домла юқорида зикр этилган ўқув даргоҳида, уйларида имтиҳон олар эдилар. Домла диванга тескари ўтириб, бирор нарса ўқиш билан машғул бўлардилар. 3-4 бола эса жавобга тайёрланарди, кимда-ким тайёр бўлса, домлага яқинлашарди-да, имтиҳон топшириб, билимига яраша баҳосини оларди. Домла тескари қараб ўтирганлари билан жавобга тайёргарлик жараёнини аниқ билардилар. Баъзи талабаларнинг жавобини охиригача эшитмай: «Сиз масъулиятингизга хилоф иш қилдингиз. Кўчирмачилик билан шуғулландингиз», – деб мулзам қилиб, чиқариб юборар эдилар.

Кейинчалик билсак, домла ўтирган диванлари тепасида кўзгу ўрнатилган бўлиб, ким имтиҳонга қандай тайёрланганини кўриб ўтирар эканлар.

Мен уч кеча-кундузни уйқусиз ўтказиб, қийин формулаларни ёдлаб, имтиҳонга уч дўстим билан кирдим. Домла мен ва яна бир дўстимга тикилиб қараб мулойимлик билан: «Сизлар ухламай дарс қилибсизлар. Шунга кўра, сизлардан бугун имтиҳон олмайман», – деб чиқариб юбордилар.

Мен кейинги кунлари бошқа имтиҳонларни топшириб, домланинг хоналарига кирсам, кунлар анча илиб қолгани сабабли Бешёгочга яқин Янгиободдаги уйларига кўчиб кетган эканлар. Ёзги таътилга чиқишдан олдин уч дўстим билан қўрқа-писа домланинг уйларига кириб бордик. Домла олди очиқ айвонда яхши кайфият билан кутиб олдилар. Менга: «Масъуджон, дори ичмай келдингизми?» – деб ўтиришга рухсат этдилар.

Домла ҳар биримиздан ҳол-аҳвол сўраб, менга тикилиб: «Сиз ҳув анави олма дарахтига чиқиб олма қоқинг, сизлар челақка олма теринглар», – деб илтимос қилдилар. Мен уялинқираб, оёқ кийимимни ечиб, олма дарахтига чиқдим. Қирмизи эртапишар олма шохларини аста силкитдим. Олма бирин-кетин тўкила бошлади. Домла: «Қаттиқроқ силкитинг, қоқинг!» – деб буйруқ бердилар. Мен буйруқларидан дадилланиб кучим билан олма шохларини силкита бошладим. Пишган олмалар тутдай тўкилди, ўртоқларим олмаларни челақларга теришди.

Мен дарахтдан тушиб, кийимларимни қоқиб, айвонга келдим. Домла: «Раҳмат, ўғлим. Мана бу вазага яхши пишган олмалардан келтиринг», – деб илтимос қилдилар.

Айвонда оғоч новдаларидан тўкилган курсига ўтиришиб, олма тановул қилдик. Домла бир дона яхши пишган олмани қўлимга тутқазиб: «Шу олма таркибида бўлган моддаларни таърифлаб беринг», – деб шу тариқа дўстларимга бошқа мавзуда оғзаки савол бериб, тайёрланишга ижозат этдилар. Мен қалам, қоғоз олиб олма таркибидаги манназа, фруктоза ва глюкоза формулаларини ёзиб, домлага бердим. Домла қоғозга кўз ташлаб мамнун бўлиб: «Ўғлим, баҳоингиз яхши, агар беш баҳо олишни истасангиз, қўшимча савол бераман», – дедилар. Мен: «Билимим тўрт баҳога лойиқ. Стипендияга илинсам бас», – деб қувондим.

Ёзги таътилдан сўнг ўқишлар бошланди. Кунларнинг бирида қайсидир дўстим мени Маҳмуд ака йўқлаганларини етказди. Мен ҳайрон бўлиб дарсдан кейин ҳузурларига кирдим. Маҳмуд ака ҳол-аҳвол сўраб: «Сенинг Абдулла акамнинг ўғли эканингни яқинда билдим. Ҳабибуллани яхши танир эдим, бечора аканг айбсиз даданг учун қамалганидан хабардорман. Замонамиз зиёлилари ичида инсоф, диёнат, иймон унутилиб, ўрнига хиёнатчи, сотқин, адолатсиз, виждонсиз зиёлилар куни туғилди. Улар танасида тўғрилиқ, ростгўйлик, шафқат уруғлари қолмади. Бу кунлар вақти келиб унутилади, ҳур замонлар келади, яхши инсонлар номи абадий яшайди, ҳақиқат букилади, лекин синмайди. Абдулла акамнинг «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидур», деган чуқур маъноли сўзлари мағзида ҳар бир инсон бажарадиган масъулиятли юмушининг олдингисини кейингисига таққослаб фикр юритсин, деган мазмун келиб чиқади.

Абдулла акам билан анжуманда бирга бўлганман-у, салобатлари босиб, яқиндан суҳбатлаша олмаганман. 1934-35 йили бўлса керак, дадангизни Акмал Икромов ҳузурига таклиф қилиб, «Ўткан кунлар» романини қайтадан нашр этишини ва олдиндан нақд катта сумма берилажагини билдиради. Шундай шарт биланки, «Ўткан кунлар»да ёзилган икки жумла сўзни, яъни: «Ўрта Осиёни руслар босиб олган ва ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинда эди. Авлиёота устидаги рус аскарлари билан тўқнашишимизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона уришиб, шаҳид бўлди», деган сўзларни ўзгартирасиз ёки олиб ташлайсиз», – деб сўраган эканлар.

Абдулла акам унинг сўзини тинглаб:

– Мен ўз ғоямга содиқ ёзувчиман, ғоямни сиёсатга аралаштириб, романимнинг руҳини туширмайман, тарихни сохталаштириб халқимни алдамайман, менинг «Ўткан кунлар» романим ўзбек оиласига чуқур сингиб кирган, халқим олдида нима деб жавоб бераман? Билъакс, романнинг мавзуи тўғрисида «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар. Шунга кўра, мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим», деганман. Шунга кўра, истагингизга рози эмасман, – деб хайрлашиб кетган эканлар.

Бундай гап-овозалар матбуотда эълон қилинмаган ва қилинмас ҳам эди. Юқоридаги гап-сўзларни мен дўстим Отажон Ҳошимдан эшитиб эдим. Отажон Ҳошим билан мен дорилфунунда танишган, дўстлашганман. Отажон билан суҳбатимда Фитрат, Чўлпон ва Абдулла акамни ҳурмат билан тилга олиб: «Улар улуг ўзбек халқидан етишиб чиққан туғма олим, шоир, ёзувчиларимиз, уларни авайлаб сақламоғимиз зарур», – деб эди. Отажон ўзини Абдулла акамга қиёслаб: «Мен ҳам деҳқон оиласида туғилдим, ўқидим, машаққатли изланишда олим бўлдим, лекин миллатимга манзур бўладиган асар ёзолмадим. Дадам раҳматли менга: «Мана, катта йигит бўлдингиз, сизнинг ёшингизда ҳазрат Навоий Фаридулдин Аттор асарларини ўқиб туширган эканлар. Мен оддий кетмончи деҳқонман, сизга Атторни ўқитолмайман. Шу боис ўқинг, Отам, ўқиб одам бўлинг, вақти келиб менга шаҳар олиб берманг, Отабек бўлманг, майли Отатурк бўлманг, шу Отатурк отанинг жони бўлинг, Отам. Уқдингизми?» – деб зорланиб қилган насиҳатларини қисман адо этган бўлсам-да, ҳали Абдулла акамдай фидойи, зиёли фарзанд бўлиш даражасига етганим йўқ», – деб ўксинган эди.

Ўша йиллари матбуотда Сотти Ҳусайннинг «Ўткан кунлар» ҳақидаги танқидий мақоласи босила бошлади.

Мен мақоланинг ҳар бир сонини диққат билан ўқиб бориб, танқидчидан ранжидим, адабиётга қизиқишим бўлса керак, С.Ҳусайнга нисбатан нафратландим.

Ўша кезлари Отажон Ленинградда таҳсил олар эди. Таътилга келди. С.Ҳусайннинг қилмишини Отажонга тўқиб сочдим. «Ўзбек пешонасига энди битган романни танқид остига олишга қандай журъат этди?» – деб савол билан Отажонга мурожаат этдим. Отажон огир-босиқ, ҳар бир сўзни тошу тарозига солиб мулоҳаза юритувчи инсон бўлгани учун мен келтирган «Шарқ ҳақиқати» газетасини кўздан кечириб, аста менга тикилиб: «Маҳмуд ака, сиз адабиётчи бўлмасангиз ҳам ҳар бир яратилган асарни ўқиб қизиқасиз. Бизнинг соҳамизда янги битилган асар танқидий мулоҳаза қилиниб, таҳлилдан ўтказилади. «Танқид – келажакнинг мевасидир», дейилишининг маъноси, ўша адиб келажакда ёзадиган асарининг меваси яна ҳам халққа ёқадиган бўлишига ёрдам беришдан иборатдир. С.Ҳусайн улкан асарга қўл уриб, тер тўқиб, ўзини катта синовдан ўтказди. Абдулла акамнинг «Ўткан кунлар»и танқидий таҳлилга муҳтож

роман эмас эди, ундаги бирор жумлани ёки сўзни олиб ташлашга эҳтиёж йўқ. Роман шунчалик халқ тилидан, халқ юрагидан, ҳаётидан олиб ёзилган асарки, ундаги бирор жумла ёки сўзни алмаштириш, ўзгартиришга ўрин йўқ. Асар ўз ғоясига, йўналишига эга. Буни ҳам ўзгартиришга ҳаёт қонуни йўл бермайди. Роман бамисоли пишиқ, кўркам қурилган иморатга ўхшайди. Шунга кўра, «Ўткан кунлар» қанчалик танқид қилинмасин, асрлар оша яшайдиган меъморий обидаларга ўхшатиб ёзилган асардир. Агар асарни иморатга қиёсласак, Абдулла акам иморатларини сувга, оловга, бўронга, силкинишга чидамли қилиб қурганлар. Бунёд этилган қасрлари асрлар оша умр кўради. Шундай экан, танқидчи ўз хатосини сиртда бўлмаса, юракдан тан олишига ишончим комил», – деган эди.

Отажон дўстим билан Абдулла акамнинг қисматлари бир хил экан, туҳмат балосига биргаликда учраб, бевақт ўтиб кетдилар. Олтин олма, дуо ол, деган ота-боболаримиз. Бойлик келади-кетади. Дуо эса етти пуштингга етади. Абдулла акам халқ дуосини олиб ёзган асарлари асрлар оша қимматини йўқотмайди. Абулқосим Фирдавсий айтганидек:

*Биродар, бу дунё ҳеч кимга қолмас,
Қолур яхши номинг жаҳонда шу бас».*

Биохимиядан дарс берган домламининг дадам ҳақидаги бу гаплари қалбимга муҳрланган.

ТЕАТРДАГИ УЧРАШУВ

Абдулла Қодирий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи, ёшлари 80 дан ошган Маҳмуд ота дадам билан мулоқотда бўлган йилларини эслаб шундай ҳикоя қилиб бердилар:

– Тошкентдаги Намуна мактабини битиргач, ўқитувчи бўлиб ишладим. Бир-икки йил ўқитувчилик тажрибасига эга бўлиб, 1932 йили ўқитувчилар малакасини ошириш институтида таҳсил олдим. Ҳақиқий ўқитувчилик гувоҳномам билан мени Тошкент вилояти, Тошкент тумани маориф бўлимига юборишди. 1936 йил май ойининг охирилари бўлса керак, маориф мудирини ўзига чорлаб: «Юқори синф битирувчиларининг имтиҳони бошланишидан олдин ёзувчи Абдулла Қодирий билан мулоқот

кечасини ташкил қилсак. Сиз Ҳамза номидаги театрни бир кечага гаплашинг ва шу кечага Абдулла Қодирийни таклиф қилинг», деган таклифни айтдилар.

Эртаси куни театр директори Зиё Саид ҳузурига кириб, мақсадни тушунтиргач, ўша кунни ва бўлажак томошани гаплашиб чиқдим. Бир кун олдин богингизга бордим, пешин вақти бўлса керак, шийпонга яқин ариқ бўйида оқ кўйлак, оқ иштон кийган дадангиз пешин намозига тайёргарлик кўраётган бўлсалар керак, дарвоза томонга ўтирилганларида кўзлари менга тушди. Қўллари билан имлаб «келаверинг» ишорасини билдирдилар. Мен келгунимга қадар қўл-оёқларини артиб, саломимга алик олиб: «Келинг, мулла», – дедилар. Кейин шийпонга таклиф қилдилар, мендан узр сўраб, ўзлари шийпон этагида намоз ўқидилар. Намоздан сўнг мен билан ҳол-аҳвол сўрашдилар. Мен ўзимни таништириб, ташриф муддаосини билдирдим. Абдулла акам муддаомга тушуниб: «Ҳурмат қилиб келибсиз, сизга ташаккур, бундай маъракага бормаслик айб саналади», – деб розилик билдирдилар. Мен эртаси куни келиб олиб кетишимни билдириб хайрлашдим. У вақтларда машина йўқ, йўловчилар учун бир ёки икки отли фойтун арава хизматидан фойдаланилар эди. Эртаси кун келсам, Абдулла акам шийпонда бир зиёли киши билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Кейин билсам, у киши шоир Ғайратий эканлар. Абдулла акам ичкари ҳовлига кийинишга кетдилар. Фойтун аравада учовлон Хадрага келганимизда Ғайратий хайрлашиб, тушиб қолдилар. Театр зали бутун Тошкент туманига қарашли ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва адабиёт ўқитувчилари билан лиқ тўлган. Бизни Зиё Саид ва ёш актёр Шукур Бурҳонов кутиб олишди. Маориф мудир кечани очиб: «Атоқли адибимиз Абдулла акам билан савол-жавоб учрашувимиз очик, кимда адибга савол бўлса, марҳамат», – деди. Шунда Зиё Саид кулиб Абдулла акамга қараб: «Атоқли ёзувчи ҳамда деҳқон» десак тўғри бўлур эди», – деб қўшимча қилди. Залда кулги кўтарилди. Абдулла акам ҳам Зиё Саидга қарата: «Тўғри сўз юритдингиз, томошахонага кўз ташлаб кўрсам, ўзбек халқининг асл бободеҳқон фарзандлари ташриф буюришибди. Деҳқон бизни тўйдиради, кийинтиради. Биз адиблар ва санъаткорлар уларга маорифий, маънавий озуқа берамиз», – дедилар. Залда кулги, қарсак бўлди. Шундан сўнг залда жонланиш бошланди. Абдулла акамнинг салобати

босдим, асосий савол берувчилар ўқитувчилар бўлди, талабалардан кам савол тушди. Саволлар «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романининг ёзилиш тарихи, қайси манбаларга асослангани, асосий қаҳрамонларнинг тақдирларига доир эди. Абдулла акам барча саволларга қисқа ва лўнда, тушунарли қилиб жавоб қилдилар. «Келажақдаги режаларингиз қандай?» деган саволга шундай жавоб берганлари эсимда:

– Мен қўлингиздаги романларимга материал излаб қайси шаҳар, туман қишлоқларда бўлмай, ёши улуғ отахон, онахонлар билан суҳбатлашдим, тирик тарих шоҳидларига савол билан мурожаат этиб, улар оғзидан эшитган тарихий маълумотларни ёзиб олавердим. Сўнг керакли тарихий далилларни, ўзим ўқиб билган китобларга солиштириб, қўлингиздаги романга ишлатдим. Тарихий жиҳатдан романга сиғмайдиганларни ажратиб, тартиб билан йиғиб боравердим. Мана шу тартиб бериб борган маълумотларим мени янги режалаган романим учун туртки бўлди. Янги битадиган асарим ўзимга аён, кўп тер туқишни талаб этади. Сизларга эса у ҳозирча сир.

Учрашув кечаси охирида театр бош режиссёри Маннон Уйғур Абдулла акамга мурожаат этиб, театрга «Уйланиш»дан бошқа асарларни ҳам таржима қилиб кўмаклашишларини илтимос қилди. Кеча охирида Абдулла акамнинг таржималарида саҳналаштирилган Гоголнинг «Уйланиш» деган ичак узди асарини томоша қилдик.

ГУЛИ РАЪНО

1937 йил ёзги таътилга чиқиш кези, бир партада ўқийдиган синфдошим Масъуда исми қиз менга:

– Дадангиз нега Лола исмини ёмон отликқа чиқариб, Раъно номини мақтаганлар? – деди аччиғланиб.

Мен унинг сўзига тушунолмай:

– Очикроқ айтинг, – дедим.

Масъуда бир оз ўзини босиқ тутиб:

– Биласанми, опамнинг исми Лола, Лола опам «Меҳробдан чаён» романида Лолани «Мола опам» йўсинида ёзилганини тушунтирди, – деди.

Мен у кезларда романининг номини эшитган бўлсам-да, ўқимаган эдим. Дадамнинг хоналарида тахлоглик китоблар

орасидан «Мехробдан чаён» романини олиб varaқлаб, исм таърифлаш жумласини қайта-қайта ўқиб, бир оз тушунгандай бўлдим, сўнг синфдош қиз билан бўлган можарони дадамга сўзлаб бердим. Дадам сўзимни тинглаб бўлиб:

– Балки синфдошингнинг опаси ҳақдир, – деб кулдилар. – Менга шахсан Гули Раъно исми жисмига монанд бўлгани учун Раъно номли қахрамонни танладим. Бунинг исботи – ўзинг кўриб турган боғимизда ҳар турли гуллар ғунчалаш, очилиш тараддудида. Эрта-индин қийғос нафис очилган гулларнинг ўзига хос чиройи, димоққа ургувчи ёқимли ҳиди киши дилини қанчалар хушнуд этади.

Мен Гули Раънони кўрмаганлигим учун дадамдан гулзорга ишора қилиб:

– Қайси бири гули раъно бўлади? – деб сўрадим.

Дадам:

– Бу гулнинг чиройи, ҳидини бошқа гуллар кўролмай, ораларидан узоқлаштиришган. Шу сабабли бу гул танҳо ердан жой танлаб, ўзини муҳофаза этиш учун хилват тор тепаликларга кетиб қолган, – деб тушунтирдилар.

Ўша кезларда қўй-сигирларни яқинимиздаги жарликда ўтлатар эдик. Ўзимдан каттароқ ўртоқларимдан гули раънонинг қаерда ўсишини сўрадим. Кимдир жар ёқасидан тепаликка ўрмалаб чиқиб қийинчилик билан беш, ўн дона оч сариқ, банди майда тиканлар билан қопланган гулни олиб тушди-да, авайлаб қўлимга тутқазди. Гул ниҳоятда чиройли, сувсиз ўсгани учунми қовжираган, сертикан бандли, гули сариқ-пушти рангли, ҳиди ўткир, ёқимли эди.

Мен гулни авайлаб сақлаб, дадамга кўрсатдим. Дадам хурсанд бўлиб, уни сувли гулдонга солиб, бир неча кун мамнун тикилиб, ҳузурланиб юрдилар. Дадам гулга қараб:

– Кўрдингми, бу гулнинг ранг-баранг чиройидан кўзинг, ёқимли ҳидидан жисминг роҳатланади. Шунинг учун инсонлар фарзандларини Раъно номи билан аташади. Мендан хафаланган, ранжиган синфдошингнинг опасининг исми Лола экан, бу исм ҳам ўзига хос исм. Лола гули чиройли, кўзни қувонтиради, ўзгаларни мафтун этади, аммо нафис ҳиди сезгувчи аъзоларни гули раънодай қўзгата олмайди, – дедилар.

ПАХСАЧИ ҚОСИМ АКА

Бог кўчамизда Қосим ака исмли киши истиқомат қилар эди. У Қудрат амакимдан ёшроқ, қорачадан келган, бошларида бир туки йўқ, ялтироқ бўлганиданми, баъзилар кал Қосим деб лақаб қўйиб олган эди. Қосим ака хушмуомала, қизиқ табиатли киши бўлиб, сўзни салмоқлаб гапирарди. У киши дадамни эслаб, шундай ҳикоя қилиб берган эдилар:

– Абдулла акамни кўча-қўйда кўрганимда салом-алик қилиб турардим. 1927–29 йиллар бўлса керак, даданг кўчада мени учратиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, нима юмуш билан бандлигимни сўрадилар. У вақтларда менда бирор касб йўқ, ҳукумат ишида ишламай, кичик боғимиздаги майда-чуйда ишлар билан овора бўлиб юрардим. Абдулла акамнинг қўққисдан менга берган саволларидан ўзимни йўқотдим. Даданг менинг бу аҳволимни пайқаган бўлсалар керак, елкамга қоқиб, кулиб: «Бўш бўлсанг, эртага уйимга ўтгин», – деб хайрлашдилар. Ўша вақтларда дадангнинг донғи кетган, кимсан «Абдулла муштум» деб аташарди. Мен шундан хавотирланиб, озгина эсанкирадим. Эртаси куни Абдулла акамга учрашгани бордим. Даданг пастки боғда қўлларида кетмон, эгниларида оқ яқтак, оқ иштон, бошларида оқ дўппи кийган ҳолда ниманингдир режасини хаёл қилиб турган эканлар. Менинг саломимга алик олиб, ичкари ҳовлига, битган уй рўпарасидаги супага бошлаб кирдилар. Нонушта вақтида: «Бўш бўлсанг, сенбоп иш бор», деб чойдан сўнг пастки боғингизга бошлаб бордилар. Сен билсанг керак, шийпон атрофи паст-баландлик ер бўлиб, кесиб олинган қайрағоч дарахтининг тўнқаларидан иборат эди. Менга шу тўнқаларни кавлаб олишни буюрдилар. Мен рози бўлиб, ишга киришиб кетдим. Бирор ҳафталарда анча тўнқаларни кавлаб олиб, ерни текислаб, кўзга кўринадиган қилиб қўйдик. Абдулла акам шу ҳафтада мен билан баробар ишладилар. Кейинги ҳафталардан бошлаб қўшнингиз Сотволди акани ҳам бизга ёрдамга чақирдилар. Сотволди ака боғингизнинг пастига кўчиб келган эди. У кишини мен яқиндан танимас эдим. Бир сафар учовимиз овқатланиб ўтирганда Абдулла акам Сотволди акани гапга солдилар. Кейинчалик билсам, Сотволди ака даданг билан боғ юмушлари юзасидан танишиб, ўша пастки ташландиқ ерни Абдулла акамнинг аралашувларида олган экан. Сотволди ака

асли сайрамлик бўлиб, дадангнинг ёрдамида уйли-жойли бўлиб қолган экан. Абдулла акам икковимизга ҳар 15 кунда бир қўй қийматида пул бериб турдилар. Тез орада ерлар текисланиб, кунлар исиши билан шийпон атрофига девор олишга киришдик. Пахсага тайёрланган лойларни Абдулла акам оёқ яланг бўлиб тегиб пишитар, деворнинг юқори қисмига лой узатишга ёрдамлашар, катта чой идишларда яхна чой тайёрлаб, бизга узатар, қизиқ хангомалардан ҳикоя қилиб, кўнглимизни хушлаб турардилар. Дадангнинг шундай ҳикояларидан бири эсимда қолган эди:

«Абдулла акам боғ ишлари учун икки кишини ёллаб келибдилар. Иш бошланмасдан олдин тўйимли нонушта берибдилар. Ўзлари улар билан бирга ўтириб, ёлланганлардан бирининг чимхўрлигини, иккинчисининг гапхўрлигини англабдилар. Шу куни ишни тугатиб, кечки овқатдан сўнг икковига келишилган пул баҳосининг уч кунлигини бериб, хайрлашибдилар. Уларнинг чимхўри пулнинг чўғи кўплигини сезиб, Абдулла акамга: «Мулла ака, бизга ишонасизми? Ахир уч кунлик ҳақимизни берибсиз?» – дебди. Абдулла ака: «Мен розиман, ишим битди», – деб жавоб берибдилар. Гапхўри тушунмай, қайта сўраган экан, Абдулла акам кулиб: «Бўлмасам билиб олинглар, кам овқатланган ҳам, кўп сўзлаган ҳам кам ишлайди», деб уларни кузатиб қўйган эканлар.»

Ерлар тўнкалардан озод бўлгач, кейинги йили паст-баланд ерларга қовун, тарвуз, қовоқ экилди. Ер кучли бўлгани учун ҳосил яхши бўлди, тарвузнинг бир донаси бир замбилга сиғар эди. Босволди қовун яхши битганидан, бир донасини беш-олти киши бемалол тановул қилар эди. Абдулла акам мени чақириб, қовун-тарвуз бериб юбордилар. Яна тайинлаб: «Сенларнинг меҳнатларинг эвазига ҳосил яхши бўлди, келиб олиб кетгин», – дедилар. Эсимда, келаси йили Абдулла акамни кўрай деб келсам, шийпон рўпарасидаги девор тагидан узун ўқ ариқ олиб, ўзлари терак қаламчаларини экаётган эканлар. Мен ёрдамлашдим. Шунда Абдулла акам: «Қосимбой, мана шу экилган қаламчалар 5-6 йилда иморатбоп бўлиб етишади. Кўчага салқин тушади», – деган эдилар. Богларингда ишлаб орттирган менинг хунарим пахсачилик бўлди, бошқа хунарим бўлмагани учун пахсачилик, саржинчилик қилиб, умримнинг охирига қадар меҳнат қилдим. Меҳнатдан, ҳалолликдан, тўғрилиқдан инсон хор бўлмас экан.

Қосим ака қачон бизнинг кўчамиздан ўтиб қолсалар, баланд овоз билан: «Қани мени Жулқунбой акам!» – деб кўз ёши қилиб, ёдга олар эдилар.

АБДУЛЛА АЛАВИЙНИКИДАГИ ҲАШАР

Фольклоршунос олима Музайяна Алавия қуйидагиларни сўзлаб берган эдилар:

– Абдулла акамни мен тоғам – Абдулла Алавий қатори ҳурматлардим. Абдулла Алавий онамнинг кенжа укалари. Улар билан ёшлигимиздан бир ҳовлида ўсиб катта бўлганмиз. У кишига ака деб мурожаат этардик. Акамнинг умрлари қисқа экан, 1930 йилларда 27 ёшларида оғир хасталиқдан вафот этганлар. Тоғам 1927 йилда Ленинграддаги Шарқшунослик институтини тугатиб, Самарқанд дорилфунунида дарс бердилар. Пойтахт Тошкентга кўчирилиши муносабати билан акамни ҳам Тошкентга ишга таклиф этишди. Тоғам Бешёғоч даҳасининг Чақарариқ маҳалласидаги кичик ҳовлида яшардилар. Абдулла Қодирий хаста акамни ҳурматлаб, тез-тез хабар олиб турар эдилар. Кунларнинг бирида тоғамдан хабар олгани ҳовлига келсам, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғулом Зафарий келишиб, ҳовлининг бир четига товукхона қуришаётган экан. Тоғам курсида ўтириб, ҳашарчиларнинг ишини томоша қилиб, уларни кулдириб ўтирган эканлар. Тоғам мени кўриб, хаста чеҳралари ёришиб, хурсанд бўлиб чой-дастурхон тайёрлашни буюрдилар. Меҳмонлар қўлларини ювишиб, дастурхон атрофига ўтирдилар. Абдулла акам билан Ғулом Зафарий намоз ўқиш учун ичкари уйга киришди. Чўлпон домла акамга: «Хўш, букунги ташрифимизга нималар битдингиз? Қани, ўқиб кўрайлик», – деб мурожаат этдилар. Тоғам кулиб, чуқур-чуқур нафас олиб, тайёрлаб қўйган икки варақ битикни Чўлпонга узатдилар. Чўлпон овоз чиқариб ўқий бошладилар ва олим шогирдларидан мамнун бўлиб: «Ҳозирги замонамизда долзарб мавзуда ёзибсиз, рухсат этсангиз, матбуотга ўзим элтиб бераман», – дедилар. Абдулла акам билан Ғулом Зафарий пешин намозини тугатишиб, дастурхонга ўтиришди. Иссиқ таомни тановул қилишиб, чой ичишди. Абдулла акам тоғамнинг ҳолатларига ачиниб: «Иним, илмий, ижодий ишларингизни тўхтатиб, соғлигингизни ўйлашингиз керак. Маслаҳатимга кўнсангиз, ҳаво-

си тоза Бўстонлик, Хумсонда дам олиб қайтасиз, сизнинг дардингизга кучли таом, тоза ҳаво зарур», – деб акалик маслаҳатини бердилар. Суҳбат охирида улар тоғамга сихат-саломатликлар тилаб, қўзғалишди. Ўша сафарги келишганини кейин билсам, олдинги келишганида беш-ўн дона бебош юрган товуқларни кўришиб, «Инда сақлангани дуруст бўлади. Ҳовли ҳам озода туради», – деб катта бошларини кичик қилиб, Абдулла акамнинг кенгашлари билан ҳашар уюштиришган экан.

Муҳаммад Аминбек поччам ёшлиklarини шундай эслайдилар:

– Отам ўн етти-ўн саккизинчи йилларда вафот этган эканлар. Ўшанда мен 3-4 ёшли бола эдим. Онам кўнгиллари бўш, содда аёл эдилар. Йигирманчи йилларнинг ўрталарида амакиларим замоннинг тинчсизлигидан, дадамнинг қўйларини ҳам ўзлариникига қўшиб, Шарқий Туркистонга ўтиб кетишган экан. Содда ойим бу воқеани эшитиб, нима қилишни билмай Абдулла акамга мурожаат этган эканлар. Абдулла акам кулиб:

– Қўйларингиз кўпайиб, бир кунмас бир кун ўзингизга қайтиб келади. Мўминбек, Солиҳбек ҳожилар бировнинг ҳақини емайди. Мен суриштириб жавобини етказаман, – деб онамни тинчлантириб, жўнатган эканлар.

Кейинчалик амакиларимдан: «Одилбек ҳожи акамизнинг ҳақлари бизнинг бўйнимизда. Келинойимиз хотиржам бўлсинлар», – деган хабар келган экан. Йўл бекилиши муносабати билан борди-келди тўхтади.

Муҳаммад Аминбек поччам акалари билан она тарбиясида қолган эканлар. Жаннатой амма дадамнинг олдиларига келиб, турли масалаларда маслаҳатлар сўраб кетар эканлар. Поччамнинг эслашларича, Новзада Одилбек ҳожидан қолган бир таноб боғ бўлиб, солиқни тўлай олмаганликлари учун ҳукумат боғни олиб қўймоқчи бўлади. Шунда Жаннатой амма келиб дадамдан ёрдам сўрайдилар. Дадам солиқни ўзлари тўлаб, боғни давлатга ўтиб кетишдан сақлаб қолган эканлар.

1930 йилларда Жаннатой амма вафот этадилар. Фарзандлар қийналиб қолиб, боғни сотиш фикрига тушиб, дадамнинг олдиларига маслаҳатга келишган экан. Дадам:

– Муҳаммад Аминбек, сенларга қийин бўлди. Бир ўзинг боғни эплай олмайсан. Боғ катта меҳнат талаб этади, – деб боғни сотишга маслаҳат берган эканлар.

Поччам ўша даврларни эслаб ҳикоя қиладилар:

– 1933–34 йиллар қишлоқ хўжалик институтида ўқирдим. Амакиларим бола-чақаси билан Шарқий Туркистонга кетишган. Мендан Абдумутал тоғамнинг аёллари Лазокат опам келиб хабар олиб турадилар. Турмушимизга, айниқса, ногирон Пўлат акамга ачиниб, кўз ёши қилиб кетадилар. Лазокат опам бир келишларида менга:

– Муҳаммад Аминбек, йигит бўлиб қолдинг, ўқияпсан. Сенга ҳам қийин бўлди. Розилик берсанг, бошингни иккита қилиб қўйсам, – дедилар. Мен ҳайрон бўлиб:

– Мен талаба бўлсам, уйланишнинг ўзи бўладими? Нимамага уйланаман? – дедим. Лазокат опам:

– Сен розилик билдирсанг, Мулла Абдулланинг олдига бориб, маслаҳат сўрайман, – дедилар. Мен индамадим.

Лазокат амма дадамнинг олдиларига келиб:

– Муҳаммад Аминбекка қийин бўлди. Ўзингизга куёв қилсангиз, арвоҳлар хурсанд бўларди, – деб кўз ёши қилган эканлар. Дадам:

– Ўйлаб кўрай, сўнг хабарини бераман, – деб жавоб берган эканлар.

Бу ҳақда Муҳаммад Аминбек поччам шундай дегандилар:

– Лазокат опам сизларникига бориб келганларидан кейин 5–6 кун ўтгач, уйимизга саҳобчи Жўра ака келиб: «Абдулла акам шаҳарда мени учратиб, сенинг тўғрингда қизиқиб, уйланишинг тўғрисида сенинг хоҳишингни билишимни сўраб кетдилар. У киши сени ўзларига куёв қилмоқчилар», – дедилар.

«Рози бўлган тақдиримда, дадамдан қолган қайси бисотимга уйланаман?», – дедим мен.

Жўра ака кулиб: «Сен тўй харажатида хотиржам бўл. Фақат хоҳиш билдирсанг бас», – дедилар.

Тез кунда рисоладагидек тўй бўлиб ўтди. Хувиллаб қолган уйимизга файз кирди. Орадан бир неча кун ўтгач, Жўра ака уйимизга кирдилар. Бир пиёла чой устида мен Жўра акадан: «Тўй харажатлари нима бўлади?» – деб сўрадим.

«Қайнотанг: «Куёвим менга бегона эмас. Мен ўз инсоний бурчимни адо этдим. Икки ёш бахтли бўлса, фаровон ҳаёт кечиришса бас», – дедилар. Абдулла акам бебаҳо, улуғ инсон. Сен шуни тушунсанг бўлди», – дедилар Жўра ака.

Тўйдан сўнг қайинотам, қайинонам тез-тез биздан хабар олиб туришар, кундалик рўзгоримизга ёрдам беришарди. Улар мен талабалигим учун Назифа орқали пул бериб туришарди.

Қайинотам олдимиздаги босмахонага тез-тез келиб турардилар. Улар баъзан пешинда бизникига кириб намоз ўқиб, дам олиб қайтардилар. Ўша кезларда бир суҳбатда мен амакиларимдан шикоят қилдим. Шунда у киши: «Бек, узоқдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка афзал. Амакиларингиз инсофли, диёнатли ҳожилардан. Бир кун келиб, ҳисоб-китоб қилишар. Сиз ҳозир ўқишингизни ўйланг», – деб мени тинчлантирган эдилар. Кейин давом этиб: «Одилбек бобонгиз ва уларнинг авлоди ҳақида бир китоб ёзиш ниятидаман», – дедилар.

Муҳаммад Аминбек поччам: «Ота-она меҳрига тўймаган мендек бир йигитга ота-оналик қилган қайин ота ва онамиздан бевақт жудо бўлдик», – деб кўз ёши қилар эдилар.

Бизнинг шу даражага етишишимизда Назифа опамнинг ҳам хизматлари катта. Опамиз ўз фарзандларидан орттириб, бизнинг бошимизни қовуштириш, уйли-жойли қилиш ишларини бажардилар.

Назифа опам таниш-билишлар билан суҳбатлашганда ойимга ўхшаб огир-босиқ гапирардилар.

Бирор меҳмондорчиликда дадам тўғриларида сўз кетгудек бўлса, опамнинг кўзи ёшга тўлар, эски яралари янгиланар ва бир неча кун дадамни оғзиларидан қўймай гапириб юрардилар.

Дадам оқланганларидан сўнг опамнинг юракларидаги яра қайтадан янгиланди. Матбуот, радио, телевидениеда дадамга аталган гап бўлса, опам бир неча кун кўз ёши билан юрар эдилар.

Поччамнинг вафотларидан сўнг опамнинг тинчсизликлари кучая борди. «Дадамни оқлашган бўлса-да, ўзларидан дарак йўқ. Ўликми, тирикми? Нега ҳаракат қилмайсизлар?» – деб бизга зорланардилар.

«Дадамнинг тупроқларини кўзимга суртсам, армоним йўқ», – деб нола қилардилар.

Бир йили Ҳамза театрида Ўш театри «Ўткан кунлар»ни намойиш этди. Опам томошадан сўнг, ўзларини тутолмай томошахонада: «Дадамни топиб берларинг!» – деб ҳаяжонланган эдилар. Назифа опам ота доғида куя-куя асаб бузилиш хасталигидан 71 ёшда вафот этдилар.

ДАДАМ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

1937 йил 31 декабрда тушликдан сўнг ёғишни бошлаган қор ҳовли, йўлақларни кўмиб ташлади. Ёққан қорни дадам билан мен пешма-пеш кураб, пастки ҳовлидан юқори ҳовлига ва ташқарига таший бошладик. Дадам чарчадилар шекилли: «Масъуд, кўча эшиккача йўлақдаги қорни кучинг етганча кураб чиққин», – дедилар.

Ўша куни Адиба опам Назифа опамни уйларига кузатиб кетган эдилар. Ҳабибулла акам икки ойдан бери болохонадаги сўрида қимирламай, гипс тахтакачда ётар эдилар. Ойим Аниса синглим билан ошхонада кечки овқат тайёрлашар эди.

Мен буюрилган юмушни ярим-ёрти бажариб, совуқ еб, дадамнинг хоналарига кириб, сандалга ўтирдим. Шу онда ойим кириб:

– Овқат тайёр бўлди, сузиб келайми? – деб дадамдан сўрадилар. Дадам:

– Масъудга ҳам шу ерга келтиргин, – дедилар.

Шу куни дадамнинг яхши кўрган таомлари – қазилик шилпилдоқни биргалашиб едик. Ойим ва синглим акамнинг ёнларида овқатланишди. Таом маҳали мен дадамдан:

– Ада, нега биз ҳар доим кечки овқатни вақтли, кун ботмасдан ёруғда еймиз? – деб сўрадим. Дадам менга маъносиз боқиб:

– Ҳар кимнинг ўрганишига боғлиқ. Кечки таомни иложи бўлса кун ботишидан олдинроқ истеъмол қилинса, яхши ҳазм бўлади. Киши қийналмай енгил ухлайди. Тиббиёт илмининг бобокалони Ибн Сино уқтиришича, тушда кучли овқат истеъмол қилиб, ётишдан олдин енгил овқатланилса, инсон умри узаяр экан, – деб жавоб бердилар.

Овқатланиб бўлгач, мен яна қор курашга чиқдим. Қоронғи тушгач, уйга кирсам, дадам керосинка самовар ёругида хаёл суриб ўтирибдилар. Самовар қайнаш олдидан ўзига хос майин товуш чиқарарди. Дадамнинг хаёллари самовардан чиқаётган товушдамиди ёки бошқа ёқдами, билмадим. Мен ёнларига ўтиришим билан хаёллари бўлинди.

– Қишки таътилга чиқдингми? – деб сўрадилар дадам.

– Ҳа.

– Қандай китоблар ўқияпсан? Адабиётга қизиқаяпсанми?

Мен ўша кезларда бешинчи синфда ўқирдим. Адабиёт дарсида ўтилган Пушкин, Лермонтов, Чехов номларини айтиб бердим.

– Ўзбек ёзувчи, шоирларини ҳам ўқидингми? – деб сўрадилар дадам.

– Айний, Ҳамза, Ғайратий... сизни ҳам, – деб жавоб бердим.

– Хўш, уларнинг қайси ёзган асарларини билдинг? – дедилар қизиқиб.

Ҳамзанинг «Ҳой, ҳой, отамиз, тошни кесар болтамиз...» сатри билан бошланадиган шеърини ва Ғайратийнинг «Тарвуз ема ёшсан, лақа шикилдоқ...» деб бошланувчи шеърларини айтиб бердим. Дадам эшитиб ҳузурланиб кула-кула:

– Дуруст, яхши, менинг ёзганларимни ҳам ўқидингми? – дедилар.

Мен ўша кезларда тушуниб-тушунмай, «Меҳробдан чаён»ни ўқий бошлаган эдим. Уялиб:

– Энди ўқий бошладим, – деб жавоб бердим.

– Тушу尼亞санми? – деб синовчан қарадилар. Бошимни эгдим. Шунда дадам мени ўнғайсизлик ҳолатидан чиқариш мақсадида:

– Катта бўлсанг, ҳаммасини тушуниб оласан, ёзганларим катта ёшдагиларга мўлжалланган. Кейинчалик ўқийдиган китобларингни шошилмай, қунт билан, маъносига тушуниб ўқишга ҳаракат қилгин. Агар шошма-шошарлик билан ўқисанг, тушунмай, маъносига ақлинг етмаса, ўзингни китобдан бездирасан. Маъносига етиб ўқисанг, китоб сени ўзига эргаштиради, – дедилар.

Шу пайт ойим кириб чой дамладилар. Дастурхонга нон, қанд-курс, ҳўл мева, тўғралган қазии қўйдилар. Чой ичиб бўлгач, дадам ҳовлига чиқдилар. Акамнинг олдиларига кириб, ҳолаҳвол сўрадилар, сўнг молхонага кирдилар. Кейин уйга кириб кетдилар. Мен дадамнинг ортларида қолдим, шийпон томонга қараб узоқдан қор ёгдусида кўзимга кимдир кўрингандек бўлди. Дадамнинг ёнларига кириб, кўрганларимни тушунтириб турсам, эшик тақиллади. Дадам чиқиб, эшикни очдилар. Хонага уч киши кириб келди. Уларнинг бири менга таниш – маҳалла раиси Тошпўлат ака, қолгани чарм пальто кийган кишилар эди. Тошпўлат амаки дадамга ачинган ҳолда:

– Сизни истаб келишибди. Қамоққа олиш ҳақидаги ҳужжатларини кўрсатишди, – деди. Келганлардан бири дадамга қоғоз кўрсатди. Дадам қоғозни қўлга олмадилар ҳам.

– Тушунмовчилик, ғараз-туҳмат орқасида уюштирилган иш. Мен барибир айбсизман, – дедилар бепарвогина.

Келганларнинг бири сандал чеккасига ўтириб, дадамдан бошлаб бизларнинг исм-фамилиямизни ёза бошлади. Иккинчиси эса тинтув қилишга киришди. Тинтув бир-икки соат давом этди. Дадамнинг асосий керакли қўлёзмалари катта чамадонда бўлгувчи эди. Лекин у хонада йўқ эди. Улар борларини титкилаб, тинтувни тугатиб, ён хоналарни, болохонани кузатиб чиқишди. Улар тинтувни бошлашганида Қудратилла амакимни чақириб чиққан эдим. Бизлар кўзда ёш билан дадамизга боқамиз. Дадам эса ўзларини дадил тутиб:

– Кўз ёши тўкманглар. Менда айб йўқ. Бу тушунмовчилик орқасида бўлган иш, тўрт-беш кунда қайтиб келаман, – деб бизга тасалли берардилар.

Келганлардан бири уч-тўрт кунга емак, кийим-бош олишни буюрди. Ойим бечора кўз ёшларини тиёлмай, дадамнинг кетишларига тайёргарлик кўрардилар. Дадам ойим тайёрлаган пальтони олмай, уйда кийиб юрадиган оч қизгиш пахталик чопонларини, қалпоқларини кийиб, ҳовлига чиқдилар. Келганлар товуш чиқармай, кўчага чиқмай, ҳовлида хайрлашишни буюришди. Биз шийпон олдиғача дадамизни кўз ёши билан кузатдик. Дадам амаким билан хайрлашиш чоғида қучоқлашиб: – Қудрат! Болаларга бош-қош бўлгин. Менда айб йўқ. Тезда дийдор кўришишни насиб этсин. Болаларни сенга, сени Аллоҳга топширдим. Ҳабибулла билан хайрлашиш насиб этмади, – деб кўчада кутиб турган қора машинага ўтирдилар. Машина қўзғалди.

Болохонада хаста Ҳабибулла акам дадам билан хайрлаша олмай, унсиз йиғлаб қолдилар.

Ҳақиқат эгилар, аммо синмас экан. Афсус, дадамиз 1937 йилдан бери оиламизда йўқлар. Орадан ўн тўққиз йил ўтгач, дадамиз оқланиб, биз фарзандлар «халқ душмани» деган қора тамгадан қутулдик. Лекин шу вақтгача дадамнинг номларини баралла гапириш имкониятига эга эмас эдик. Сабаби, отамни отиб ўлдиртирганларнинг баъзилари ҳаёт эди. 1988 йил акам дадамнинг сўроқ-жавоб ҳужжатлари билан танишиб чиқиш

учун Давлат хавфсизлик қўмитасига мурожаат этдилар. Аммо рад жавоби олдилар.

1990 йил мен ДХҚга мурожаат этдим. Қайта қуриш, ошкора-ликнинг илиқ шабадалари бу идоранинг музлаган эшиklarини эритиб юборди. Дадамнинг тақдирларига доир ҳужжатларни кўз ёшларим билан варақлаб, танишишга муваффақ бўлдим. Ҳужжатларда дадамнинг 1938 йилдаги юракни тилка-пора этувчи нолаларини ҳис этгандек бўлдим. У ерга иккинчи маротаба боришга асабим дош бермаслигига кўзим етиб, қайтиб чиқдим.

ОТАМНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Дадамини олиб кетишганининг иккинчи ё учинчи куни Қудратилла амаким билан Давлат хавфсизлик қўмитасига бордик. У ердан: «Бундай исмли одам бизнинг рўйхатда йўқ. Бўлса ҳам бизга туширишгани йўқ», – деб жавоб беришди. Орадан икки-уч кунни ўтказиб, яна борсак: «Қидираётган одамингиз Московский турмасида бўлса керак», – дейишди. Московский турма ўша вақтда ҳозирги Олой бозори яқинида бўлиб, турма устига тиканли симлар тортилган, тўрт метр баландликдаги деворлар билан ўралган эди. Турманинг тўрт томонида соқчилар турарди. Биз улкан дарвоза томон юрдик. Дарвоза олдида одамлар кўплигидан унга яқинлаша олмай қайтдик. Боришимизнинг учинчи куни: «Бизда унақа одам йўқ», – деган жавоб олдик. Қудратилла амаким «Энди нима қиламиз?» дегандек менга қараб турганларида, бир таниш киши келиб амаким билан саломлашди. Бизнинг мақсадимизни эшитиб:

– Бу ерда сиёсий маҳбусларни сўров иши тугагач сақлайдилар. Сизнинг акангиз ўша Давлат хавфсизлик қўмитасида, – деди.

Биз яна олдинги ерга бордик. У ерда:

– Маҳбус шу ерда. Тергов бошлангани йўқ. Сўроқ бошланишидан олдин овқат олинмайди. Фақат тамаки, тиш ювгич, совун олинади, – деди.

Уйга қўнглимиз таскин топгандай бўлиб қайтдик. Кейинги кунлари дадамга рухсат этилган нарсаларни бериб турдик. Лекин хат ёзишга, олишга ижозат йўқ эди. Орадан бир оз вақт ўтгач ҳеч нима олмай қўйишди. Сабабини сўрасак, жавоб бе-

ришмасди. Уч-тўрт ойдан сўнг Ҳабибулла акам хасталикдан тузалиб, юра бошладилар. Акамнинг дадам олдиларига қатнашлари ҳам биз каби натижасиз эди. Йил охирига бориб: «Қамалганларнинг суди тугаб, Сибирга жўнатилди», деган овоза тарқалди. Маҳкамадагилардан дадамизнинг йигирма йилга ҳукм этилиб, Сибирга жўнатилганликларини эшитдик. У ерда ҳам сиёсий маҳбуслар учун тартиб-қоида қаттиқ бўлганлиги сабабли хат, овқат, кийим-кечак олмасликларини айтишди. Дадамиз соғ-саломат бўлсалар бир куни қайтиб келадилар, деб ўзимизни овунтириб юришдан бўлак чора йўқ эди.

Эсимда, 1940 йилларда бўлса керак, Комил Яшин хотини Ҳалима Носирова билан боғимизга келиб, айланиб чиқиб кетганди. Кейинчалик маҳалладагилар: «Комил ака билан Ҳалима опа боғ олмоқчи экан. Сотсаларинг богингизни 36 мингга олишар экан», – дейишганди. Биз рад жавобини бергандик. Кейин улар Самарқанд дарвоза тор кўчасидан боғ олишганди.

Уруш бошланиб, биз каби оилаларнинг аҳволи баттар оғирлашди. Уруш йилларида Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг қарорига биноан шийпонимиз Ленинграддан кўчириб келинган Танк академиясининг хизматчиларига дам олиш қароргоҳи қилиб берилди. Хизматчилар оилалари билан шанба, якшанба кунлари келишиб, боғимизда дам олишар эди. Улар биз билан яхши муомалада бўлишар, богимиздаги мевалардан еб, бизга ҳам ярмини олишга рухсат беришар эди.

Рус генерали бўлса керак (исми ёдимда йўқ), мендан дадам ҳақида сўрар, мен билганларимни тушунтиришга ҳаракат қилардим. У елкамга қўлини қўйиб кўнглимни кўтарарди ва гоҳида: «Ойингга бергин», – деб гўшт, колбаса, балиқ консерва, пишлоқ, нон берарди. Ойим: «Руслар ичида ҳам мусулмончиликни биладиганлар бор экан-да», – деб кўз ёши қилардилар.

Генералнинг мен тенги Миша исмли ўғли бўлиб, мен билан ўртоқ эди. Ойим оғир хасталаниб, тез-тез шифохонада даволанар эдилар. Ўшанда генерал хабар топиб, камёб дорилар билан таъминларди.

1944 йили ҳарбийлар биз билан хайрлашиб, Ленинградга кўчиб кетишди.

1945 йили шийпонимизга Арпапоя кўчасидаги 1-сонли болалар уйи кўчириб келинди. Улар болаларни богимизда дам олдириб кетишарди.

Уруш тугади. Бироқ 29 май куни Ҳабибулла акамни ҳам қамоққа олиб кетишди. Уруш тугаб, эзилган халқ аста-секин енгил нафас ола бошлади. Лекин биз каби оилаларнинг аҳволи баттар оғирлашди. Акамни 10 йил қамоққа ҳукм қилишди. Биз ҳамон умид билан дадамиздан бир хушхабар кутардик. Худди дадам эшикдан кириб келиб, онам ва акам қисматларини эшитиб: «Онанг менинг дардимда оламдан ўтибди. Аллоҳ жойини жаннатда қилсин. Лекин ўғлим Ҳабибуллада нима айб?» – деб термулгандек бўлардилар.

1947 йиллари мен ўқишга қатнаш яқин бўлсин деб, Муҳаммад Аминбек поччамнинг Тинчоб маҳалласидаги ҳовлиларида турардим. Куз ойларининг бирида ўқишдан келсам, қўшни аёл: «Сени бир одам истаб келди, «Кутсин!» деди», – деб қолди. Орадан икки соат ўтгач, номаълум киши келди. Салом-алиқдан сўнг мен уни уйга таклиф этдим, кирмади. У соқоллари ўсган, ёши элликлар атрофидаги оқ-сарикдан келган босиқ сўзловчи, кўринишидан маъюс киши эди.

– Муҳаммад Аминбек акани қаердан топсам бўлади? У кишига айтадиган омонат гапим бор, – деди у.

– У киши бу ерда турмайдилар. Зарур бўлса олиб боришим мумкин, – деб жавоб бердим.

Икковлашиб Самарқанд дарвозадаги уйимга йўл олдик. Йўлда мен у кишига бир-икки савол бердим. У «ҳа» ёки «йўқ», деб қисқа жавоб қиларди.

Поччам уйда экан. Меҳмонни дадамнинг уйларига таклиф этдик. Фотиҳадан сўнг, поччам меҳмонга савол назари билан қарадилар.

– Сизнинг исмингиз Муҳаммад Аминбекми?

– Ҳа.

– Аёлингизнинг исми Назифа-а? – деб қайта-қайта сўраб олгач, гап бошлади:

– Мен шу келишимда Магадандан келяпман. Асли Наманганнинг Учқўрғониданман (исмини унутдим). 1937 йилгача райком котиби эдим. Бошимга туҳмат балоларини ёғдириб, 10 йилга қамашди. Магаданда Абдулла акам қўшни зонада эканлар. Менинг бўшаганлигимни эшитиб, сим тўсиқ орқали гаплашдилар. Абдулла акам: «Тошкентга борсангиз, бизнинг ҳовлидан хабар олинг. Балки уйимни мусодара қилишгандир. Балки болаларим Эски Жувадаги Тинчоб маҳалласида яшов-

чи Муҳаммад Аминбек куёвимникидан паноҳ топишгандир. Уларга салом айтинг. Менинг кўз очиб кўрган Фарзона исмли набирам катта қиз бўлиб қолгандир. Уни мен учун пешонасидан ўпиб қўйинг», дегандилар, – деди.

Дадамни олиб кетганларидан кейин 10 йил ўтгач келган бу хушxabар бизни роса ҳаяжонга солди. Назифа опам: «Дадамни кўрган киши экансиз», – деб кўз ёши билан қайта-қайта кўришдилар. Меҳмон овқатга ҳам турмай: «Мен тунги поездда жўнайман» – деб, бизнинг қистовимизга ҳам қарамай, ўрнидан турди. Меҳмон бола-чақасининг тинчини билиб, бир ойдан сўнг қайтиш ваъдасини бериб, опам берган кийим-бошни ҳам олмай, уйимиздан чиқди. Поччам ва мен меҳмонни вокзалга кузатиб чиқдик. У поччам берган пулни ҳам олмай хайрлашди.

Биз меҳмоннинг қайтиб келишини сабрсизлик билан кута бошладик. Орадан 2-3 ойлар чамаси вақт ўтди. Бироқ меҳмондан дарак йўқ. Назифа опамнинг қистови билан Ўнқўрғонга йўл олдик. Бориб ўша кишини суриштирдик. У ердагилар: «Ҳа, шундай одам бўлган эди. Бечора 10 йил ноҳақ ўтириб келгач, оиласи бошқа турмуш қилганини эшитиб, хафа бўлиб қаергадир кетиб қолди», – деган хабарни беришди.

1948–49 йиллари болалар уйи кўчгач, богимизни Тошкент шаҳрининг қайсидир отбоқарлар артели эгаллади. Қайсидир бефаҳм, имонсизнинг буйруғи билан шийпон атрофидаги мевали дарахтаримизни кесиб, от-араваларга жой ҳозирлашди. Боғимизнинг кунботар томонига чўчкахона қуриб, атроф-муҳитни бузиб, пашша, чивин кўпайишига сабаб бўлишди. Чўчкаларни ариқда ювинтириб, ичимлик сувини булғай бошлашди. Баъзи беномус кўшнилари «Жулқунбойнинг шалтоғидан дод», «Жулқунбой халқ душмани бўлмаганида биз бу кунларга қолмас эдик», деб бизни ҳақоратлар эдилар. Биз учун бу таъналарга кўникишдан ўзга чора йўқ эди.

1953–54 йиллари бўлса керак, ёз ойлари эди, уйга келсам опам: «Меҳмон бор», – дедилар. Уйда ёши олтмишларда, оқ сочли, қорачадан келган бир нотаниш киши поччам билан ўтирибди. Улар билан саломлашиб чиқдим ва опамдан: «Бу киши ким?» – деб сўрадим. Опам маъюсланиб: «Отамнинг олдиларидан келибди», – деб ўксиниб-ўксиниб йиғлай бошладилар. Мен: «Нега йиғляяпсиз? Хурсанд бўлмайсизми? Яхши хабар олиб келгандир?!» – дедим юпатиб... Шунда опам бошларини

елкамга қўйиб: «Отам қамокда вафот этибдилар», – деб ўкириб юбордилар. Мен меҳмоннинг олдига кирдим. Опам мени таништирдилар. Кўз ёши қилишдик. Поччам Куръон ўқидилар. Сўнг меҳмон ўзини Абдулла деб таништирди ва бошидан ўтганларини сўйлаб кетди:

– Мен асли Наманганданман. 1937 йилда Тошкентнинг тиббиёт институтида таҳсил олиб юрган кезларимда сиёсий айб билан қамокқа олиндим ва 15 йилга ҳукм қилиндим. Жазо муддатини Магаданда фельдшер вазифасида ўтадим. Абдулла Қодирий икки марта хасталаниб менинг қўлимда даволандилар. Охири жон бердилар. Ўзим дафн қилдим. Ўлимлари олдидан қаерда туришларини айтгандилар, – деб ҳикоясини тугатди.

Ўша кундан бошлаб меҳмон бизникига тез-тез келадиган, ҳатто ойлаб ётадиган бўлиб қолди.

1955 йил акам озодликка чиқиб, қутулиб келдилар. 1956 йил дадам оқландилар. Сўнг аза очдик. Икки ҳайитликни ўтказиб, юртга дадамнинг йил ошларини тарқатдик. 1958 йили акамнинг саъй-ҳаракатлари билан шийпонимизни қайтариб олдик. Баҳоли-қудрат қаровсиз боғимизни ўз ҳолига келтирдик.

1970 йилларга келиб, дадамизнинг хоклари бўлмаса-да, Камолон қабристонига хилхонамизга рамзий қабр тошини ўрнатдик. Дадам оқланганларидан сўнг, биз бир неча бор юқори ташкилотларга дадамиз қачон, қаерда қатл этилганликларини сўраб мурожаат этдик. Бироқ бизга жавоб бўлмади. Охири 1985–87 йилларда ошкоралик шарофати билан дадамиз 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилганликлари ҳақида Давлат хавфсизлик қўмитасидан жавоб олдик. Лекин улар дадамиз қаерда отилганликларини айтмадилар. Шундан сўнг мен ўзим ўша жойни аниқлашга киришдим. Баъзилар «1937–38 йилларда сиёсий маҳбусларни Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги Алвастикўприк атрофида отишган», деган хабарни беришди. Бир одам: «Йўлдошев (бу киши 1956–57 йилларда шаҳар ижроқўм, раиси бўлиб ишлаган) деган киши Абдулла Қодирийни қатл этишда қатнашган экан. Ўша вақтда у ДХҚда хизмат қилган экан. У «Қодирий Юнусободда отилган», деганди. Ҳозир вафот этган», – деб менга хабар берганди.

Дўстим Садриддин: «Дадангиз отилган жойни билгувчилар бор экан», – деб қолди. У билан Юнусободга бордик. Садриддин мени Шомансуров Шоислом деган отахоннинг уйига олиб

борди. Таништириб мақсадни тушунтирди. Отахон шундай ҳикоя қилдилар:

«Тошкент–Чимкент йўли ёқасида Алвастикўприқдан ўтгач, йўл ёқасида тепалик бўларди. Бизнинг ҳовли тепаликнинг кунчиқар томонида бўлиб, унинг қаршисида ёши саксонлардан ошган Расул, Маҳкам сўфилар истиқомат қилишарди. Мен ўшанда 27–28 ёшларда эдим. Отахонлар чойхонада ўтиришиб: «Қандай золим замон бўлди?! Тепалик бошимизга битган бало бўлди-ку. Кечалари ўқ овозидан чўчиб ухлай олмасак, ёз ойларида ўқ товушидан, отилаётганларнинг «оҳ-воҳ»идан безиб, димиқиб уйга кириб ётсак. Эртасига «Нима бўлди экан?» деб тепаликка келиб, устига нари-бери тупроқ тортилган, бирининг боши, қўли, оёғи чиқиб қолган мурдаларни кўриб, савоб бўлади, деб устига тупроқ тортиб, бир калима Қуръон ўқисак», – дейишарди.

Отахон ҳикояларини давом эттириб:

– Кечалари одамлар айни уйқуга кетган пайтда, бир-икки соат ўқ товушлари эшитиларди. Онам эса ўринларидан туриб, таҳорат олиб Қуръон ўқирдилар. Шундай отишмалар 3–4 йил давом этди. Ўқ товушлари эски хумдон томондан келиб турарди. Кейин тепаликни бузиб, давлат омборхона қурадиган бўлади. Тепалик тупроғини хумдонга олиб кета бошлашди. Эшитишимча, тупроқ гиштга ярамаганлиги учун бошқа тупроқ билан аралаштириб ишлатишган экан. Балки ўша тепалик остидаги тупроқда отангизнинг ҳам хоклари бордир, – дегандилар.

ЮМУШНИНГ САВОБЛАРИДАН БИРИ

Дадам оналарига жуда меҳрибон эдилар. Жосият бибим биз билан турардилар. Бибимнинг уч келинлари: Робия, Раҳбар (менинг онам), Марҳамат опоқилар эди. Келинлар бир оиланинг фарзандларидек аҳил яшашарди. Энг сеvimли келин менинг онам бўлса керакки, бибим «Раҳбар қизим» деб мурожаат этардилар (Бибимнинг қизлари бўлмаган).

Жосият бибим ҳаётларининг сўнггида жуда қариб қолган, тез-тез нафаслари қисилар, ҳарсиллаб турардилар. Бибим шифохоналарнинг дориси кор қилмагач, табиблар берган қора дорини истеъмол қилардилар. Эсимда, шунда дадам бибимни аяб: «Ойимга дорини кўп бераверманглар», – деб тайинлар

эдилар. Дорининг таъсири сусайиши билан бибим исмларимизни бирма-бир айтиб, дадамни сўрар, дадам ижодхоналаридан чиқиб келиб: «Ҳа, ойи, нафасингиз безовта қилиптими?» – деб ҳол сўрардилар. Бибим: «Ҳа, Абдулла, ҳалиги қурғурдан мошдек бермасанг бўлмайди», – дер эдилар. Шунда дадам бибимни аяб, қора сақични думалоқлаб берар, бибим ҳузур қилиб, пинакка кетардилар.

Эртасига нонушта пайтида:

– Абдулла, кечаги қурғурингни қайси табибдан олган эдинг? – деб сўрардилар. Дадам кулимсираб:

– Нима эди? – дердилар. Бибим бечора энтикиб:

– Олдингиси яхши эди. Тез таъсир қилиб, жонимга ора кирарди. Кейингисининг таъсири суст. Кечаси ухламай қийналдим, – деб шикоятланар эдилар. Дадам:

– Майли, бугун бошқасидан олиб келаман, – деб бибимни овқат ейишга ундар, бибим емасалар: «Кўнглингиз нима тусайди? Келиннгиз айтганингизни тайёрлаб беради», – дердилар.

1936 йил ёзда Жосият бибим вафот этдилар. Бибимни пешинда дафн қиладиган бўлдик. Қариндошлар йиғилгач, бибимиз жасадлари солинган тобутни қўлма-қўл олишиб, Камолон қабристонига йўл олдик. Тобут олдида бибимнинг барча яқинлари: Раҳимберди, Қудратилла амакиларим, уларнинг ўғиллари, куёвлари қўлларида ҳасса, белларида белбоғ «онам» деб йиғлаб боришарди. Уларнинг сафида мен ҳам ҳасса ушлаб бораман. Дадам эса ҳасса тутмаганлар, тобутни дамбадам кўтариш билан бандлар.

Дафн маросимининг иккинчи куни дадам Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан (Татаристон ёзувчилар қурултойига) Қозонга кетадиган бўлиб, эшикда бел боғлаб турган яқинларга ва маҳалламиздаги (дадамиздан ёши катта) мулла Юсуф домлага ҳам узрларини айтдилар. Мулла Юсуф дадамга: «Мулла Абдулла, кўнглингиз хотиржам бўлсин, менинг вақтим бисёр. Ўрнингизни билдирмай, маросимларнинг охирига қадар шу шийпонда ўтираман. Ой бориб, омон қайтинг», – деб дуо қилган эдилар.

Юсуф домланинг илгари ҳам шийпонда дадам билан тез-тез суҳбатлашиб ўтирганларини эслайман. Домла бир куни дадамга:

– Мулла Абдулла, мени биласиз, Аллоҳнинг фақир бандасиман. Кейинги йилларда рўзгорда қийинчиликлар бўлиб турибди. Эшитишимча, боғ ишларига унча-мунча одам ёллаб ишлатар экансиз. Шулар қатори мени ҳам йўқлаб турсангиз. Куч-қувватимиз бор, – деган эканлар.

Шундан сўнг дадам боғда иш бўлса-бўлмаса домлани чақириб, нон-чой ва овқат билан сийлаб, кетишда пул ҳам берар эканлар.

Дадам кетгач, уйда маъракаларга Мулла Юсуф домла бош бўлиб қолдилар.

– Абдулла ҳукумат иши билан кетди. «Ўрнимни билдирманг», деб мени ташлаб кетди, – деб келганларнинг исм-шарифини, касб-корини сўраб қоларди. Баъзи танишларига: «Тақсир, фалон куни пайшанбалик», – деб қолардилар. Кеч кириши билан қариндошларни шийпонга ўтказиб, Қуръон ўқир, амри маъруфдан сўзлардилар...

Дадам бибимнинг «йигирма»ларига етиб келдилар. Маърака ўртача ўтди. Дадамдан Қозон шаҳри ҳақида сўрадик.

– Қозон чиройли шаҳар экан. Одамлари яхши ҳаёт кечиради, бир-бирига меҳрибон, меҳмондўст эканлар, – деб таъриф бергандилар дадам. Сухбат охирида мен:

– Дада, нега сиз бибимнинг дафн куни, биздан ажраб тобут кўтариб бордингиз? – деб сўрадим. Дадам:

– Энг савобли иш – одамлар ичида бўлиш. Одамни елкада кўтариб, қабристонга элтиб қўйиш. Юмушнинг савоблиларидан бири шудир, – деб жавоб бергандилар.

Дадам уйда баъзан тансиқроқ овқат бўлса, Қудратилла амакимни чақиртириб чиқардилар.

Қудратилла амаким: «Раҳбар опа, қозикдаги дуторни беринг», – деб дуторни созлаб, дадам ва ойим севган куйларни чалар эдилар. Эсимда, худди шундай ўтириш Қудратилла амакимникида ҳам бўлганди. Емак-ичмақдан сўнг Қудратилла амаким дадамга:

– Ака, кейинги кунларда негадир хомуш кўринасиз? – деб савол бердилар. Дадам:

– Замон бир оз нотинч, «қора булут» юқори ҳукумат аъзоларини босди. Эрта-индин биз адабиётчиларни ҳам тинч қўймаса керак, – деб маъюсландилар. Кейин «уф» тортиб давом этдилар:

– Қиладиган ишларим кўп. Бироқ қўлим ёзувга бормайди. Хаёл мени енгади. Кўз олдимдан ёш-қари, ёзувчи, шоирларнинг ҳибсга олиниши кетмайди. Шулар қатори мен ҳам четда қолмасам керак. Ҳабибулла хаста, қолган болаларим ёш, уларнинг ҳоли нима кечади?

– Ака, кўп ўйламанг. Ахир, битган китобларингизда ҳукуматга ғараз йўқ-ку. Ёзганларингиз шоҳу гадога баробар. Халқ сизни ҳурмат қилади, – дедилар Қудратилла амаким.

Сухбатга Раҳимберди амаким қўшилиб:

– Қўй, Абдулла, сени ҳукумат билмадими, бундан бу ёғига китоб битма. Бир кунинг ўтар. Еринг яхши, боғинг бор. Дехқончиликда илминг дуруст, – дедилар.

Дадам башорат қилган «қора булутлар» бизнинг хонадонимизга 1937 йил 31 декабрда кечқурун кириб келди...

1936 йилларда дадам боғдорчилик билан овуниб, яқин дўстлари Иногом ота кўмагида 10–15 қути асалари боқдилар. Кейинги йил асал жуда яхши бўлди. Асал бир йилда икки марта баҳор ва кузда олинарди. Дадам ҳосилни идишларга ини билан солар, мумини сиқиб олиб, келаси йил ҳосили учун тайёрлар эдилар. Ўша йили кўп асал истеъмол қилганимиз учун бўлса керак, дадам ва менинг теримизда сувли пуфакчалар пайдо бўлди, қичишиб беҳузур қила бошлади. Шифокор ва табиблар ёрдамида мен тез тузалдим. Дадамнинг хасталиклари тузалмади.

Дадамнинг орзулари билан акам ва мен шифокор бўлиб етишдик. Кейинчалик дадамдаги хасталик асаб бузилиши натижасида юзага келган деган хулосага келдим. Инсон туғилади, вақти-соати битгач, бу дунё билан хайрлашади. Ўлим – ҳақ. Лекин инсон ўз туғилган хонадониди, ўз туғишганлари орасида қариб (ёки бетобланиб) дунёдан ўтса бир нав. Бироқ кўз олдингизда бола-чақаси билан видолаштирмай, қора курсига ўтқазиб ўлимга юборишса, ёмон экан. Мана 35 йилдирки, дадамнинг: «Менда айб йўқ, бу тушунмовчилик. Эрта-индин қайтиб келаман», деган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди...

Мен эса юмушнинг савоблиларидан бирини адо этолмаганимдан армондаман.

Амаким умрларининг охирида оталари ҳақида хотиралар ёза бошладилар. Бошида иш оғирроқ кечди, мавзуни оталари ҳақида бошлаб, баъзи ўринларда бошқа воқеалар томон «оғиб» кетардилар. Кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетди. Хотираларни тайёрлаб, барчасига сарлавҳа қўйиб, тўплай бошладим. Ҳатто, баъзиларини матбуотда эълон эттирдим. Хотираларни ўқиганлар амакимни олқишлашди. Шу тарзда машаққатли меҳнатлар самарасида Абдулла Қодирий ҳақларида янги хотиралар тўплами юзага келди.

Мен гоҳида амакимни сўроқлаб чиқиб, Сабоҳат келинойимдан: «Ёзувчи амаким қанилар?» – деб сўрардим. Келинойим: «Ана, айвонда ёнбошлаб ётибдилар. Дадангизнинг китобларини ўқиб, «кўчирмачилик» қилиптилар», – деб ҳазиллашардилар. Мен халал бермаслик учун индамай ортимга қайтиб чиқиб кетардим. Аслида, кўчирмасдилар. Менимча, амакимнинг ҳар бир ёзган хотираларини дадамнинг китоблари билан солиштиришларининг сабаби: ёзганларида қайтариқ ёки йил саналарида икки хиллик бўлмаслиги учун бўлса керак.

Амакимнинг болалик йиллари ғайриоддий кечган бўлса ҳам, кейинчалик у киши исмларига монанд равишда бахтли яшадилар. Ҳаётларида ўзларига мос жуфти ҳалолга йўлиқдилар. Амаким оғир табиатли бўлсалар ҳам, оилада меъёрида ҳазилкаш эдилар.

Сабоҳат келинойим ҳаётларининг сўнгида бетобланиб: «Уни бунга, буни унга берасиз», деб васиятнома ёзибдилар-да, амакимга ўқиб берибдилар. Амаким: «Ҳаммаси яхши, тўғри ёзибсан, лекин бир камчилиги бор. Йиққанингни қаерга яширгансан? Ана шуни ёзмабсан», – деб кулгига олган эканлар. Вақт-соати етиб, келинойим «ҳеч нарсани беркитмай», Худо берган уч ўғил ва икки қизни ўстириб, вояга етказиб, аввал ўзлари (1996 й.), кейин амаким (1997 й.) бу дунёдан кўз юмишди.

Шеркон, 2009 йил, 26 ноябр.

Анвар Обиджон

КЕЧМИШ

Чирандиму топарга ёруғ дунё тилсимин,
Тирноғим не жисмдан – шуни билолмай ўтдим.
Ҳар хасу гиёҳнинг сўраб ҳақиқий исмин,
На замин, на самодан жавоб ололмай ўтдим.

Ҳузурланиб қувондим эгик ниҳолни гозлаб,
Ҳузурланиб қувондим бузилган инни созлаб,
Ҳузурланиб қувондим ётлар ишқин баёзлаб,
Фақат болам сочини тўйиб силолмай ўтдим.

Тиламчининг нонини асрамоққа шошилдим,
Чумолининг донини асрамоққа шошилдим,
Қизғалдоқнинг жонини асрамоққа шошилдим,
Бироқ ўзим ўзимга қалқон бўлолмай ўтдим.

Топа олдим на дўсту на ғанимнинг мардини,
Шарт қўймаган жўрамга жим бажардим шартини,
Гоҳ қуллигим унутдим қулдор айтса дардини,
Гоҳ ҳазинни кулдириб, ўзим кулолмай ўтдим.

Кўзлари гул турк азал Тангри тоғда беланди,
Энасойга терс оқиб Истамбулга қаланди,
Жаъми туркий қавмга тилим туркча эланди,
Афсус акал-укални меҳрин улолмай ўтдим.

Тарихимни титкилаб садо билан олишдим,
Бугунимни титкилаб хато билан олишдим,
Келажагим куткилаб «худо» билан олишдим,
Қисмат ила низосиз суҳбат қилолмай ўтдим.

Ватанимга жаҳоннинг иззатларин тиладим,
Ғариб элимга эркнинг лаззатларин тиладим,
Авлодимга пирларнинг хизматларин тиладим,
Худойимдан ўзимга умр тилолмай ўтдим.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Йил ўтиб, йилар ўтиб тобора лойга ботамиз,
Иблисининг супрасинда ваҳдат майини тотамиз.
Ономиз балки гумроҳ, балки сўқирдир отамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Биза ор бўлди ҳаёт, ёраб, Ватанни куйламак,
Зору зору бу замин етти фалакни ўйламак,
Қизимизга ўрғатуб, «суф» деб жаҳонни бўйламак,
Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,
На Худонинг буйруғи бўлғон улум ўрғотамиз.

Ўлтирур эл хонавайрон, ботган қуёшга кўз тикиб,
Кулфату сомон йиғиб қолмиш яна бўстон экиб,
Нечалар нарвондадур, нечалар йитмиш кўз тегиб,
Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чекиб,
Баччага коқул солиб оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Не баломиз биз ўзи, тўрдамиз, айвондамиз,
Не касофат феъли бу – қурдамиз, тайвондамиз.
Беназир паррандамиз, қўрдамиз, ҳайвондамиз.
Қоримиз, баёнмиз, балки бу вақт аҳвондамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.

Қайдин эй сен такаббур, кўксимни миҳлаб ўйғувчи,
Ай ялоқхўри бало, ичиб қонимни тўйғувчи,
Бормикан олам аро кўнгилга малҳам қўйғувчи,
Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйғувчи,
Биз ани даҳрий санаб, тўфонча бирла отамиз.

Ақраболар – кўз очик, дунёни дун фоний билинг,
Эл учун, Аллоҳ учун жонни тилинг, танни тилинг,
Келингиз, ул кун ўтди, қуллик, асирликни силинг,
Келинглар ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг,
Уҳлағонларни агар Қодир эсақ, уйғотамиз.

Муҳаммад Юсуф

КУМУШБИБИ НОЛАСИ

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай қувлаб етиб олинг бегим,
Маргилоннинг йўлига бошим қўйиб
Жон берай, Зайнаб билан қолинг бегим.

Қани ул, қайрилма қош Кумуш деманг,
Бағри гул, бағри оташ Кумуш деманг,
Кўзларинг нега ёш Кумуш деманг,
Бир кўрай, Зайнаб билан қолинг бегим.

Сизгадим кундошнинг бу тош шахрига,
Дош беролмай бу қарошлар захрига.
Ёрдан айрилдим бу қаро ер бағрига,
Жо бўлай, Зайнаб билан қолинг бегим.

Сен нечун тўлғонасан куйган кўнгил,
Отабекни жонидан суйган кўнгил.
Яшнагайми бир қучоқда икки гул?...
Мен сўлай, Зайнаб билан қолинг бегим.

Ёргинам рухсорига жоним фидо,
Бу жаҳонда бориға жоним фидо.
Хайр эй, ширин забоним алвидо,
Мен ўлай, Зайнаб билан қолинг бегим.

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай қувлаб етиб олинг бегим,
Маргилоннинг йўлига бошим қўйиб
Жон берай, Зайнаб билан қолинг бегим.

«ЎТКАН КУНЛАР» ЁДИ

Абдулла Қодирий ҳақида ҳамма гаплар айтилиб бўлингандай, ул зот чеккан ранжу ситамлар, бошидан ўтқарган хорликлару етказилган озору ҳақоратларни сўйламаган одам, қаламга олмаган шоир ё ёзувчи қолмагандай, русумат учун гапираётганларнинг ўзи ким қанча – бу гап-сўзларнинг бари бир тараф, адибнинг ўзи яратган асарлар бир тараф – энг одил сўз, олий маҳкамаларнинг олий ҳакамлари ҳам чиқара олмайдиган етук оқлов сифатида мангу салмоқ касб этиб турибди.

Бу асарлар – миллат фаҳри, муаллиф тақдири – миллат тақдири. Улар тақиқланган кунларга миллат тақиқланган кунлар, Қодирий қатл этилган замонга эса миллат қатл этилган замон деб қарамоқ керак. Мангу асарларнинг мутолааси мангу, туганмас мутолаадир. Қодирийнинг ўқиб битқариб бўлмайти, шул сабаб, ҳамма гаплар буткул айтилгандай туюлса-да, аслида ҳеч нарса айтилмаган бўлиб чиқади.

Мутолаа – жозиб машғулот, руҳ ва кўнгил тарбияси, шул ажиб тарбия унутилаёзган тушунуксиз бир замонда яшаётирмиз. Шундай пайтда, бозор муносабатлари ғала-ғовуридан батанг келган кунларнинг бирида, дейлик, сизни кўргазмага таклиф қилишса, қандай ҳолатга тушасиз? Ҳамма ёқни катта, улкан пештахталардай тўсиб турган уйлар оралаб кўргазмага борасиз, сукут пояндоз тўшаган йўлакдан юриб, ўймакор устунга суяниб хаёл суриб турган Кумуш, «киприги кўксига соя солган», ерга қараб турган Раъно қаршисидан чиқасиз, девонхоналарга тикиласиз, кўнглингиздан: «бундай оқилалар энди дунёга келмайти», деган ўй кечади, алам қилади, замон савдолари ичра қолган кўнгил бирдан юзага қалқийди, майда-чуйда ташвишлар қурбони эмас, сиз яна кўкси зирқираётган ошуфта бир инсонга айланасиз.

Шеърятдан, адабиётдан хабардор рассом, Алишер Мирзо Абдуллар Қодирийни мутолаа қилиш жараёнида кечирган дарду изтиробларидан бир қанча тасвирлар яратибди-ки, уларга боқиб нола қилгингиз келади.

«Ўткан кунлар»га шарҳ ва талқинга ҳожат бўлмагани каби, ушбу суратларга ҳам изоҳ даркор эмас. Уларни кўрмоқ, англамоқ, кўнгил кўзгусига жойлаб қайғурмоқ керак. «Хаёл» суратидаги Кумушнинг (уни Раъно деса ҳам бўлади) инжа ҳолати, унинг ўймакор устунни тутган узун бармоқларию, билагини қисган билагузути, белини нозиклигини янада нозиклаштирган нимчаси, қаро булутлар аро тилло тилимдай кўриниб турган ҳилол тасвиригача – ҳаммасида бир мукамал назокат бор, гўзал, беғубор интизорлик бор. Бўйин бўйлаб, сирғага ненидир шивирлаб, ёқага видо айтиб, бағир узра пастга энган кокилга қараб байт айтмоқ мумкин:

ҚОДИРИЙНИНГ ШИЙПОНИДА

Бунда Бедил ғазалларин руқн байти бор
 Ва Навоий девонларин суқунати бор.
 Бунда ҳар барг сўйлар ўткан кунлардан маъно,
 Бунда ҳануз ерга қараб турибди Раъно.

«Ҳижрон»даги ҳижронга таъриф йўқ, бундаги интиқлик, илҳақ кўзлар тубидаги умид, эшикка тегиниб турган нозик бармоқлару аллақачон тарих мулкига айланган зебигардонлар, эшик зулфинларидаги мунтазирлик яратувчисини сўраб фарёд қилаётгандай. «Кумуш ва Зайнаб» суратидаги Зайнабни айблаёлмайсиз, унга раҳмингиз келади, Кумушнинг ҳолати эса сизнинг ҳолатингизни тушуниб тургандай, чехрасида меҳр-шафқат...

«Ҳаётим лолазоридин аюрдинг»да ҳам жонсиз ётган бўлса-да, шу шафқат Кумушнинг чехрасида зоҳир бўлиб қолибди.

«Тақдир эшиги», «Кўрқинчли туш», «Имоним тазйиқи остида сўзлайман» «Қатағон», «Ўткан кунлар ёди» каби суратлар кишини жунжиктиради. Қодирий сингари улуг сиймолар тақдири бутун миллатни жунжиктирган қисматдирким, мусаввир бунга бефарқ қарай олмайди, бизни яна бир карра огоҳлантиради, бу тасвирлар унинг кўнгил ва руҳ эҳтиёжидан келиб чиққан, кўнгил ва руҳга эҳтиёж эса ҳамма муҳитда ҳам ниҳоятда зарурдир.

ЮНУС МАҚСУДИЙ

«ХАЗОН БЎЛГАН ТАҚДИРЛАР» КИТОБИДАН

– Мен 1932 йил июл ойи охирларида Москвага ўқишга кетишим олдидан Абдулла Қодирий билан хайрлашгани уйларига бордим. У зот суҳбатимиз асносида: «Сенинг Москвага бориш тараддудингни айтиб, Чўлпонга хат ёзган эдим. У хурсанд бўлиб, сенга ўз адресини беришимни илтимос қилибди», дея Чўлпоннинг адресини қўлимга тутдилар ва қаттиқ тайинладилар. «Лекин адресини ҳеч кимга бера кўрма! Во дариг! Қандай замонга келиб қолдик, дўст билан душманни ажратолмайсан», деб оғир хўрсиндилар.

Мен адиб билан учрашганимнинг эртасигаёқ Москвага жўнаб кетдим.

Москвага бориб, Педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга жойлашдим. Бу вақтда Чўлпон СССР Марказий Ижроия Қўмитасида таржимонлик вазифасида ишлар, Катя деган рафиқаси билан Биринчи Мешчанская кўчасидаги 115-уйда истиқомат қиларди. Уларникига тез-тез бориб турардим. Рафиқасига мени: «Тутинган укам бўлади», деб таништирганди. Ўқишга жойлашганимдан қувониб: «Ана энди бағрим тўлиб, бошим кўкларга етиб юрадиган бўлдим», деб хурсандчилигини билдирганди. У бир куни:

– Алавийнинг вафотидан хабаринг борми? – деб сўраб қолди.

– Ҳа, хабарим бор. Аҳли адабиётнинг бошига оғир мусибат тушди, – дедим мен.

– Нимасини айтасан, – деб давом этди Чўлпон, – у ёш бўлишига қарамай, тенги йўқ адабиётшунос, қобилиятли шоир, имонли мунаққид ва меҳрибон дўст эди. Ғурбатда чекаётган ранжу андуҳларим унинг қайғулари олдида урвоқ ҳам бўлмай қолди. Ҳафта-ўн кунча ўзимга келолмай юрдим. Боришга имконим бўлмагач, Музайяна Алавия билан Абдулла Қодирийга таъзия билдириб хат йўлладим. Ҳар икковидан мана бу мактубларни олдим, – деб Чўлпон хатларни менга ўқиб берди. Мактублар бир-биридан мунгли ва ғамли эди. – Бу мактублар

юрагимни янада ўртаб юборди, – деб Чўлпон йиғлади. Мен ҳам ўзимни тутиб туrolмадим.

Чўлпон иродали, сабр-қаноатли, ғаму андуҳларга бардошли бўлса-да, ўта нозик кўнгил, таъсирчан киши эди.

– Мана бу рубойини ўқиб кўр. Алавий вафотидан сал илгарироқ уни менга ёзиб қолдирган эди, – деб қўлимга бир қоғозни тутқазди у.

Ўқидим, шеър мазмунан Фузулий рубойисига яқинроқ эди:

*Хуш ул дами ажал чекам бодаи ноб,
Сармаст ётам қабрда то рўзи ҳисоб,
Ғавғои қиёматда турам масту хароб,
На фаҳри ҳисоб ўлай, на идроки азоб.¹*

Чўлпон билан 1935 йилгача ҳафта сайин кўришиб, шеърхошлик қилишиб турдик. Бир куни борсам, ўзи йўқ экан, Катя қўярда-қўймай уйига таклиф этди-да:

– Акангнинг мана бу машқ дафтарини ўқиб ўтир! У бир соатдан сўнг келиб қолади, – деди.

Мен машқ дафтаридаги анчагина шеърларни ўқиб чиқдим ва ниҳоят аруз вазнида ёзилган бир газалини ёдлаб олдим. Бир соатлар ўтар-ўтмас Чўлпон ҳам келиб қолди, мени кўриб бағоят хурсанд бўлиб кетди. Чой устида мен ўша шеърни ёддан айтдим:

*Билдим энди, шунча берган ваъдалар ёлғон экан,
Кўнглимизни ўзгалар ўз кўнглига олғон экан.
Мен кўнгил бердим, у ҳам менга кўнгил берди десам
Айрилиқ ўз ханжарин кўксимга ўқтолғон экан.*

*Ёш эканман, билмаганман ваъдаларни охирин,
Бевафоликка кишилар ўрганиб қолғон экан.
Оқибат, меҳру муҳаббат зарра таъсир этмади,
Шум рақиблар ёрни бешак йўлдан оздирғон экан.*

– Бу шеърни кимга атаб ёзгансиз? – деб сўрадим.

– Рафиқам Солиҳа билан Самарқандда яшар эдим, у олий ўқув юртида ўқирди. Ғанимларимнинг сўзига ишониб у менадан ажралди. Ўшанга ёзган эдим, – деди-да, хўрсиниб қўйди.

¹ Бу рубойи 1938 йилда Чўлпоннинг матбуотда босилмаган шеърлари каторида изсиз йўқолган.

– Жигарингиздан урган шекилли, ҳали ҳам унутмабсиз, – дедим ҳазиломуз.

– Ҳа, авваллари бир-биримизга муҳаббатимиз дилдан, кейин тилдан бўлди-да, ниҳоят, сийқаланиб ўчиб кетди, – деди афсусланиб.

Ҷўлпон 1934 йили «Ҳамлет»нинг таржимасини ва «Кеча ва кундуз» романининг биринчи қисмини тугатган эди.

Кунларнинг бирида у менга роман муқаддимасини ўқиб берди. Мен завқланиб, «Қодирона тасвир бўлибди-ку», деган эдим, «Йўқ, йўқ, ўзбек аёли иккинчи марта Қодирийни туғмайди», деди.

– Лоф қилманг! Навоий, Бобур, Огаҳийни туққан ўзбек аёли нега Қодирийдақасини туғмас экан?! – дедим.

– Ҳа, ҳа, шундайку-я, яқин орада туғмаса керак, – деб жавоб қилди шоир.

* * *

Абдулла Қодирийни бағри кенг, вафодор, меҳридарё, баркамол, ҳожатбарор, чин инсон сифатида биламан. У зотнинг ўзлари меҳмон чақиришни яхши кўрсалар-да, айниқса, шоҳона зиёфатларга боришни, тантанали мажлисларда иштирок этишни ва баландпарвоз гапларни тинглашни ёқтирмас эдилар. Машҳур ёзувчимиз кишилар бойлиги, лавозимини писанд қилмай, фақат одамийлигига қараб муомала қилардилар.

Дўстларининг аксарияти адабиёт, дин арбоблари, ишчилар, деҳқонлар, косиблар, кўнчилар ва бошқа касбдаги шинаванда чапанилар ҳам эди. Ўзларида ҳам сезиларли даражада чапанилик бор эди. Машҳур боғбон Иноғомжон ота билан яқин муносабатда бўлганлигига кўп бор шохидман. Боғ парвариши ҳадисини у кишидан олган бўлсалар, ажабмас.

Абдулла Қодирийнинг топиш-тутишлари дуруст бўлмаса-да, қўллари ҳамииша очиқ, саҳий эди, шунданми турмушлари ҳам ўртача кечар эди.

1933 йили мамлакатда очарчилик ва қаҳатчилик юз берди. Мен ёзги таътилга чиқиб, Москвадан Тошкентга келдим ва ўша куниеқ Абдулла Қодирийни зиёрат этгани уйларига бордим. У киши қопчиқ кўтариб дарвозаларидан энди чиққан эканлар. Мени кўриши ҳамоно қопчиқларини ерга қўйиб:

– Э, қадамингга ҳасанот! Қанчадан бери соғиниб юрган эдим. Кел, жигарим, – дея мен билан кучоқлашиб кўришдилар. (Авваллари қўл бериб саломлашардилар).

– Қани, ичкарига юр!

Мени шийпонга бошладилар, чой устида ҳол-аҳвол сўрашиб Чўлпонни сўрадилар. Мен Чўлпон бериб юборган икки бўлак ширин кулча (печенье) ва мактубни қўлларига тутқаздим. Мактубни ўқиғач, узоқ хўрсиндилар-да:

– Чўлпонни ўз таъбири билан айтсам: «Фақат Мажнун бўлиб элни севаман», деганлари учун ғурбатда яшаш оғирлик қилади, – дея хатни менга узатдилар. Мактуб мазмуни ниҳоятда ғамгин бўлиб, унинг охирида қуйидаги тўртлик ҳам ёзилган экан:

*Ватандан дарбадар бўлдим, ғарибман ошиёним йўқ,
Паришон ҳолими сўргучи бир руҳи равоним йўқ.
Тирикман, ўлмаганман, лек инсонликда соним йўқ,
Агар қатл этсалар девона Машрабдек тавоним йўқ.*

– Сен бунда дам олиб ёт. Уйда егулигимиз охирлаб қолибди, мен бултурги ҳосилдан қолган маккани ун қилдириб қайтаман, сўнг маза қилиб гурунглашамиз, – дедилар.

Мен унамадим. Бирга Чуқуркўприкдаги Маҳмуд Сарикнинг тегирмонига бориб, ун қилиб қайтдик. Ўша бир пуд чамасидаги ундан тўрт коса унни олиб, тўрт қўшниникига чиқариб юбордилар. Қодирийнинг хатти-ҳаракатидан хайрон қолиб сўрадим:

– Нима қиляпсиз?

– Бу қўшниларибга берилаётган кафсан, – дедилар.

– Унда менга бериладиган кафсанингиз қани? – дедим ҳазил аралаш.

– Сен кафсанга муҳтож эмассан-да.

– Мен берган кафсанингиз савобига муҳтожман.

– Ҳўп, майли савобига сен шерик бўлақол, – деб жилмайиб қўйдилар. Хулоса қилиб айтганда, бундайин саховат, олижаноблик, бундайин чин одамийлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, айниқса, очарчилик йилларида! Айнан шундай ноёб фазилатлари учун Абдулла Қодирийни туғишган акамдан кўра зиёдроқ ҳурматлар эдим.

...1936 йилнинг ёз кунларидан бирида Абдулла Қодирий бир болага мени зудлик билан айтиб кел, деб тайинлаб юбо-

рибдилар. Тезда уйларига етиб борсам, ёлғиз ўзлари шийпонда чой ичиб ўтирган эканлар.

– О, хайрият, уйда экансан, зап вақтида етиб келдинг. Энди, гап бундоқ, иним. Чойдан кейин тайёргарлик кўрамиз, кечга меҳмонлар келишади.

У кишининг меҳмондўст одам эканлигини билардим. Рўзгорбоплиги ҳам ҳавас қилса арзигулик эди. Аммо меҳмон кутишда асло исрофгарчиликка йўл қўймасдилар.

Ҳаял ўтмай эшиқдан кўркам, салобатли бир киши кириб келди. Қодирий билан ҳазил-мутойиба қилишганча, қучоқлашиб кўришди, сўнг у кишига мени:

– Бу йигит менинг қадрдон, тутинган иним, Москвада ўқийди, таътилга келган, – дея таништирдилар.

Чойдан сўнг Абдулла ака қўрғончага кириб, ҳадеганда қайтиб чиқавермадилар. Бу орада мен меҳмон билан гаплашиб ўтирдим. Меҳмон ниҳоятда сўзга чечан экан. Мен ийманиброқ ўтирдим. У киши менинг қайси институтда ўқишимни сўраб билгач: «Ҳа, мен сизни ғойибона танийман, сиз иккинчи курсни битириб, учинчи курсга ўтдингиз. Шундайми?» деди. Устига-устак Москвада таълим олаётган талабаларнинг қайси институтда, қайси курсда ўқишини ҳам янглишмай айтиб берди. Мен ханг-манг бўлиб қолдим. Шу аснода Қодирий бир лаганда қўрда пиширилган думбул жўхорини олиб чиқиб, ўртага қўйдилар. Зўр иштаҳа билан едик, ундан сўнг дастурхонга мошхўрда тортилди. Меҳмон мошхўрдани мақтай-мақтай биз билан бирга тановул қилди. Сўнг Қодирийдан изн сўраб, хайрлашиб қайтди, биз кузатиб қолдик. Мен Абдулла Қодирийга бу ўртоғингиз фолбинми дедим-да, у киши билан бўлган суҳбатимизни сўзлаб бердим.

Қодирий гапни узоқдан бошладилар:

– Бу меҳмон Москвада Миллатлар Халқ Комиссарлигининг юқори лавозимида кўп йиллар ишлаган Абдулҳай Тожиев деган жуда зийрак, хотираси зўр, ақли расо, дилкаш, бутун умрини халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлига тиккан, юрт бойлиги, мунавварлиги учун жонини аямайдиган одам, – дедилар. – Бу киши ҳозир Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига раис этиб тайинланган. Тахминларимиз тўғри чиқиб, Файзулла Хўжаев Тожикистон марказқўмига биринчи котиб бўлиб кетса, ўрнини Тожиев эгалласа, ажаб эмас.

Мен, Абдулла Қодирийнинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан яқин дўст бўлганларини сезардим, лекин улар тўғрисида ҳеч нарса гапирмас эдилар. Негадир шу дамда жуда очилиб кетдилар, шекилли, «хўб, яхши раҳбарларимиз бор», деб яна бир воқеани гапириб бердилар.

– Яқинда Акмал Икромов мени чақириб, «Ўткан кунлар» романингизни қайта нашр қилсак, шу шарт биланки, сиз, Юсуфбек ҳожининг руслар улуғ ёвимиз деган жойини ҳамда Отабекнинг русларга қарши жангларда ҳалок бўлгани каби ўринларини таҳрирдан ўтказсангиз, сизга ўттиз минг сўм берар эдик, – деди. Мен: «Агар сиз айтган ўринлар олиб ташланса, роман романликдан чиқиб, сариқ чақалик ҳам қиммати қолмайди», деб жавоб қилдим. Акмал Икромов фикримга қўшилди.

Кечки пайт Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Ғафур Ғулом, Санжар Сиддик, Юнус Латиф ва Собир Абдулла кириб келишди. Шийпонда ўтиришиб қилган суҳбатимиз аста-секин қизий борди. Чўлпон йиғилганларга қарата:

– Эй, менинг майпараст дўстларим! Мана, майхонага жам бўлдик. Ихтиёрни соқийга берамиз. – Сўнг қўшиб қўйди: – Май соқийдан, сархушлик биздан, – деб Ғулом Зафарийга таъзим қилди.

Чўлпон шийпонни майхона, суҳбатни май, йиғилганларни майпарастлар, мажлис бошлиғини соқий, деб ўхшатиш қилган эди. Суҳбат Ғафур Ғулом, Ғайратий, Собир Абдулла ва Элбек шеърларини ўқиш билан бошланди. Сўнгра Собир Абдулла халқимиз руҳига яқин аруз вазнида шеърлар ёзишни кенг тарғиб қилишни таъкидлади.

Юнус Латиф янги усулда шеър ёзиш ҳозирги замонамизга мос тушишини, аруз вазни эскириб қолганини айтиб, эътироз билдирди. Ғози Юнус Латифни қаттиқ танқид қилди. Абдулла Қодирий матбуотда Ғози Юнус билан бир-бирларига қарама-қарши мақолалар ёзишса ҳам, аслида ҳар иккови бир-бирига меҳрибон, ҳамфикр, ҳаммаслак эдилар.

Абдулла Қодирий ҳам Ғози Юнуснинг фикр-мулоҳазаларига юз фоиз қўшилиб, Юнус Латифнинг хато йўлдан бораётганини таъкидлади ва унга Ғози Юнусдан сабоқ олишга ундади.

Чўлпон Навоий даврида Ҳирот шоирлар масканига айланганини шавқ билан гапирди. Бизда ҳам зўр истеъдодли шоир, ёзувчилар етишиб чиқишига аминлигини изҳор этди. Ниҳоят,

Усмон Носир ижодига тўхтаб, замонамизнинг етук шоири, деб баҳолади ва унинг шеърларидан айримларини ўқиб, бу шоирга тан берса бўлади, деди.

Таржима соҳасининг билимдони, журналист Санжар Сиддиқнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, ҳаммалари ундан мамнун бўлдилар.

Ўтириш охирида Ғулом Зафарий:

– Ҳозирги вақтда ижодкорларимиз бир оз бўлса-да, енгил нафас ола бошладилар. Ёзажак асарларимизни тилдан эмас, дилдан ёзайлик, муросаи мадора деб, буюртма асар ёзишни бас қилайлик, – дея Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асари ва Чўлпоннинг айрим мадҳия-қасидаларини танқид қилди.

Қодирий ва Чўлпон Ғулом Зафарий фикрига қўшилдилар, шекилли, унга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар.

Абдулла Қодирий йиғилганларга миннатдорчилик билдириб, дастурхонга тортилган овқатга ундади. Таомдан сўнг яхши ниятлар тилаб тарқалишди.

Абдулла Қодирий ҳар йили ёзнинг айни пишиқчилик палласида диний арбоб, арабшунос Заҳириддин Аълам, бедилшунос Алоуддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум ва кекса авлодга мансуб бўлган шоирлардан Тавалло, Хислат, Мискин, Тошқин ва шу каби яқин биродарларини меҳмонга чақириб тарих, тиббиёт, мантиққа оид масалалар ҳақида суҳбатлашардилар. Заҳириддин Аълам Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини, Саҳиҳи Бухорий ва ат-Термизий асарларини муҳокама қилар, Алоуддин махсум ва Нодирхон махсум Бедил ва Алишер Навоий асарларини, улардаги дини исломга тааллуқли жойларини ўқиб тафсили қилишарди. Халқимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларга ҳурмат билан ёндашарди. Аммо бидъату хурофотни асло суймасди. Адибнинг бу фазилати асарлари қаҳрамонлари табиатига ҳам кўчган.

Менинг мазкур соҳадаги маълумотим ҳаминқадар бўлганлиги учун сукут сақлаб тинглардим. Абдулла Қодирий, улар билан бемалол баҳслашар ва баъзан ўзининг билимдонлиги учун уларнинг таҳсинларига ҳам сазовор бўлар эди. Уларга дастёрлик қилишдаги нозик хатти-ҳаракатларни Қодирий ҳазратларидан унча-мунча ўрганган бўлсам-да, мавлоноларга бекаму кўст хизмат кўрсатиш менга хийлагина оғир кўчар эди. Чунки Абдулла Қодирий ҳар бир суҳбатга бутун вужуди билан

берилиб, меҳмонларни қай тариқа кутишни тамомила менинг ихтиёримга ташлаб қўярдилар. Уларнинг йиғилишлари жума куни эрта билан бошланиб, шом намозидан сўнг тугар эди. Намозларини ҳам шийпонда ўқишар эди. Шу аснода бир нарса эсимга тушиб қолди. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқинни дўстлари орқаваротдан Мўмин кофир дейишарди, бир гал у кишининг ҳам намоз ўқигани гувоҳи бўлганман. Бунга Абдулла Қодирийнинг даъватлари қор қилган бўлса, ажабмас.

1937 йилнинг охирларида Тошкентга келганимда маҳалладош дўстим Миркомил: «Сени уч-тўрт марта сиёсий идора ходимлари сўраб келишди. Мен ва маҳалла фаоллари сенинг бу ерда эмаслигингни айтганимиздан сўнг, мабодо келиб қолгудай бўлса, уларга хабар қилишимиз тўғрисида тилхат олиб кетишди. Сен ҳеч кимга кўринмай, шу бугуноқ Тошкентдан чиқиб кет», деди. Мен ўша заҳотиёқ Мирзачўлнинг овлоқ бир қишлоғида яшайдиган танишимни қора тортиб, Тошкентдан чиқиб кетдим ва ўша ердаги бошланғич мактабда ўқитувчилик қилдим. Ниҳоят, эл-юрт бир оз тинчигач, яна Тошкентга қайтиб келдим. Сочимни тақир олдириб, кийим-бошларимни ҳам ўзгартириб, муллавачча сифат ўқитувчи бўлиб ишлаб юрдим. Шу-шу, Қодирий ҳазратларини бошқа кўрмадим.

ОРИФ ҚОСИМОВ МАРДЛИК

Мен кўктерақлик зўр соҳибкор Иноғом ота Исажоновга куёв бўлганман. У кишининг қизлари Инобатхонга уйланганман. Кейинчалик билсам қайин отамиз Абдулла Қодирий билан жуда яқин ошно бўлишган эканлар. Иноғом ота то умрларининг охиригача Қодирий хонадонига ташриф буюриб турардилар. Ҳозир бу удумни Иноғом отанинг набиралари: Хусниддин, Зухриддин, Фахриддин, Нуриддин, Сирожиддинлар ҳам давом эттиришмоқда. Мен Абдулла акам билан Иноғом отам орқали танишганман. У киши ўша пайтларда «Обид кетмон»ни ёзишга материал излаб, Кўктерақка тез-тез чиқиб турар эканлар. Бу гапларни кейин билдим, албатта.

Бир куни, тахминан 1937 йиллари миёнасида бўлса керак, мен Шайхонтоҳурдаги мусиқа мактабида дарс берардим. Ишга

кета туриб йўлда Абдулла акамни учратиб қолдим. Хаёллари паришон, Шайхонтоҳурдаги чойхона олдида турибдилар. Озроқ вақтим бор эди, сўрашиб ишташгач: – Абдулла ака, бир чой ичмаймизми? – дедим. У киши рози бўлиб, икковлашиб чойхонага кирдик. Ўтган-кетгандан суҳбатлашмоқчи бўлиб, Абдулла акамга гап қотдим. Бироқ у киши негадир ҳеч ёзилиб гаплашмадилар. Доимо ўзлари билан ўзлари бўлиб хаёл сурардилар. Ташқарига чиққач, мен ийманиб сўрадим:

– Абдулла ака, бу дейман, газеталарда сизнинг устингизда анча-мунча гаплар ёзишибди. Ўзи нима гап?

Абдулла акам жиддийлашиб:

– Мен эгарланган отман. «Чух» деса кетавераман, – дедилар-да, бурилиб йўлларига кетавердилар. Мен Абдулла акамнинг оғзиларидан чиққан гапдан қотиб қолдим. Ўша кўйи у кишини бошқа кўрмадим.

1989 йил.

Шоир – Азиз Абдураззоқ

«ЎТКАН КУНЛАР» ТАҚДИРИ

Репрессиянинг шамоли каминага ҳам оз-моз тегиб ўтган. Бироқ мен бахтиёрман. Чунки энг биринчи дафъа буюк Абдулла Қодирий туфайли таъқибга учраганман. Ўшанда ҳали ўн етти ёшга тўлиб-тўлмаган ўсмир эдим. Лекин ўша вақтларда мени элақдан ўтказган кимсалар Абдулла Қодирий билан, тўғрироғи, унинг «Ўткан кунлар» романи билан тўққиз ёшимдаёқ учрашганимни билишмас эди. Бу 1937 йилда бўлган эди. Тўнғич акам Солиҳ Абдураззоқов ҳали бўйдоқ эди. Лекин мен бўлажак келинойим – Раҳима опамларнинг Инжиқободдаги хонадонига тез-тез қатнаб турар эдим. Акамдан хат олиб бориб, Раҳима опамдан жавоб мактуби келтирар эдим. Акам ҳам, бўлажак келинойим ҳам масрур эдилар. Чунки улар «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» китобларини ўқиб, бири ўзини Отабек ё Анвар, иккинчиси Кумуш ёки Раъно деб тасаввур этар эди. Буни, албатта, кейинроқ фаҳмлаганман.

Ўша кезлари Раҳима опам «Ўткан кунлар»ни қўлидан қўймас, дугоналарини тўплаб олиб, қайта-қайта ўқиб берар, кечаси

ёстиғининг тагига қўйиб ухлар эди. Китобнинг баъзи жойлари-ни йиғламасдан ўқий олмас, шунда дугоналари ҳам пиқиллаб йиғлашар, менинг кичкина юрагим ғашланиб, уларга, улардан кўра кўпроқ Кумушбибига ачинар эдим.

Абдулла Қодирий билан мана шундай танишганман. Мен бахтиёрман!

Кейинчалик, 1938 йилда Раҳима опам бизникига келин бўлиб тушганида ўқилавериб титилиб кетган ўша «Ўткан кунлар»ни энг қимматбаҳо сеп сифатида олиб келди. Мен уни ўзим мустақил ўқиб чиқмоқчи эдим. Менга мураббийлик нуқтаи назари билан қарайдиган акам рухсат этмади. Жуда ҳам ёш эдим-да. Лекин келинойим ижозат берди:

– Сиз менга хабарчилик қилгансиз, майли ўқинг, – деди у. – Фақат акангиз билмасинлар. Шундай қилиб, «Ўткан кунлар» романини ўн ёшимда бошдан-оёқ ўқиб чиқдим. Кейинчалик яна қайта-қайта ўқидим. Яна ўқийман.

«Ўткан кунлар»ни, «Меҳробдан чаён»ни ўқиш ёки эшитиш энг фараҳли дамлар эди. Кейинчалик, минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи, қирқинчи, қирқ биринчи йилларда ҳам бизнинг хонадонимизда шу икки китоб қайта-қайта ўқилди.

Абдулла Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги боғи ёнида Сталин номли пионерлар лагери бор эди. Мен ўша лагерда дам олаётган эдим. Бир куни чошгоҳда шовқин-сурон, қий-чув, дод-вой бўлиб қолди. Абдулла Қодирийнинг боғида аёл киши баланд овозда нола қилаётган эди. Биз болалар ўша томонга югурдик. Қарасак, боғнинг атрофини милиция ўраб олган, ҳарбий кийимдаги уч-тўрт одам томга чиқиб, тунукаларни бузиб, қайириб, ниманидир изляяпти. Боғдаги баланд ерга жойлашган ҳовлида адибнинг узун сочлари ёйилган рафиқаси қўллари боши узра кўтариб, бор кучи билан чапак чалиб:

– Дод! Ҳукуматнинг дастидан дод! – деб фиғон чекапти.

Кўчани одам босиб кетган. Ҳаммаси – бир гуруҳ томошабин оломон. Милиционерлар уларни ҳайдайди. Тарқалиб кетган оломон яна қайтиб келади. Хуллас, даҳшатли манзара.

– Нега бунақа қилишяпти? – деб сўрадим ёнимда турган синфдош ўртоғимдан.

– Абдулла Қодирийнинг тилла-пилласи бўлса керак, ўшани қидиришяпти, – деди ўртоғим.

Бу гапга ҳаммамиз ишондик. Биринчидан, ёш бола эдик. Иккинчидан, шоирлар, ёзувчилар бой бўлади, деб эшитган эдик. Сиёсатга тушунармидик биз ёш болалар?..

1967 йилда ўша даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлганимни Ҳабибулла Қодирийга айтдим.

– Хотирангизга қойилман! – деди у киши. – Ҳеч нарса қўшмасдан аниқ айтиб бердингиз.

Ҳабибулла ака айтганидай, ҳикоям шу даражада аниқ эдики, ҳовлида фиғон чекаётган онахонимизнинг эгнидаги кўйлагиги-ю, унинг рангию гулигача тасвирлаб берган эдим. Болалик хотираси бошқача бўлар экан-да.

– Ўшанда Абдулла Қодирийдан нафратланган бўлсанглар керак? – деди Ҳабибулла ака.

Ҳақиқатни яширишнинг на ҳожати бор.

– Ҳа, – дедим мен. – Китобларини яхши кўрганимиз билан халқ душмани эканига, миллатчи эканига ишонган эдик. Ишонтириб қўйишган эди.

– Ўшанда ҳеч қанақа тилла-пилла излашган эмас, – деди Ҳабибулла ака. – Уйимизни тортиб олиб, бизни кўчиришмоқчи эди.

...Даҳшатли репрессия вақтинча тўхтади. Унинг ўрнини даҳшатли уруш, фашизм бошлаган қирғинбарот эгаллади. Жанг майдонларида аҳвол қандай кечганини эшитганмиз, ўқиганмиз. Бироқ фронт орқасида ҳам ҳаёт ширин бўлгани йўқ. Очлик, ялангочлик, жудолик азоблари тўрт йил давомида одамларнинг тинка-мадорини қуритиб юборди. Киши бошига 300 граммдан нон берилар эди. Карточкага олган нонларини сотиб, пулига Абдулла Қодирийнинг китобларини харид қилган одамларни Ҳазрати Имом бозорида ўз кўзим билан кўрганман. Демак, китобни ўлдириб бўлмас экан.

...Шайхонтоҳур дарвозасининг гарбий қанотида тоғаларимнинг кичик-кичик каталак ҳовлилари бўларди. Улардан бири – онамнинг амакиваччаси Рўзимат тоғам – Рўзи акамнинг ҳовлиси эди. Мен 1942 йилдан эътиборан ўша ҳовлига қатнай бошладим. Ҳозирги Шастри номли 24-мактабда физикадан дарс берган Рўзи акам жуда катта китобхон, ҳар томонлама билимга эга дарвишнамо одам эди. 78 йил яшаб, уйланмай ўтди. У киши менга араб алифбосидаги китобларни тутилмасдан ўқишни ўргатди, табобатга оид жуда кўп китобчалар берди. Ўқидим. Аб-

дулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ботуларнинг ким эканлигини тушунтириб берди. Уларнинг ҳеч қачон Ватан хоини бўлмаганини, миллатчи эмас, миллатпарвар бўлганини уқдириб, кўзимни оча борди. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини, Чўлпоннинг «Тонг сирлари», «Кеча ва кундуз» китобларини ўша кишидан олиб ўқиганман. Минг афсуслар бўлсинки, 1945 йил ёзида Рўзи акам қамоққа олинди. 1946 йилнинг бошларида суд қилинди. Уч кун давом этган суд мажлисидан кейин беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. У Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-«б» қисми билан айбланди. Айбномада айтилишича, Рўзи акам советларга қарши руҳдаги адабиётларни асраган ва тарқатган. Советларга қарши руҳдаги адабиёт деганларида фақат Абдулла Қодирийнинг китобларини назарда тутган эдилар. Чунки тинтув вақтида Рўзи акамнинг уйдан бошқа китоблар топилмаган эди.

Рўзи акам билан бирга яна тўрт киши қора курсида ўтирган. Улардан бири бўш вақтларида бозорда китобфурушлик қилувчи, онда-сонда «Мушкулкушод»ни қўлда кўчириб, аёлларга сотувчи Муҳаммаджон ака деган қирқ ёшли камбағал, бўйдоқ; иккинчиси – Қори ака деган баланд бўйли хушмўйлов киши, у «утиль» дўконида ишлар эди. У макулатурага қабул қилиб олган китоблар ичидан оммабопини ажратиб қўйиб, сотар эди. Учинчиси – Шарқшунослик институтининг хаттоти Абдулла Носиров. Тўртинчиси – Тошкент Тиббиёт институтининг талабаси, яхши китобхон Абдулла Пўлатов деган қашшоқ йигит эди.

Рўзи акам билан алоқадор бўлган бу китобпарварлардан Муҳаммаджон ака олти йил, Қори ака беш йил, Абдулла Носиров ва Абдулла Пўлатовлар уч йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Кейинчалик Абдулла Носиров билан Абдулла Пўлатовни қайтадан суд қилиб, оқлаб юборишди. Қолган уч киши жазосини тўла ўтаб келишди.

Ўшанда Абдулла Носировнинг адвокатига қойил қолган эдим. Европалик яҳудий миллатига мансуб бу одам ниҳоятда келишган, нуруний эди. Абдулла Носиров Шарқ мумтоз маданияти учун керакли одам эканлигини, эски қўлёзмаларни қўлда кўчириш шарафли санъат эканлигини меҳрибонлик билан таъкидлаб, уқдирди. Аммо...

Шўринг қурғур уч киши барибир бекордан-бекорга қамалиб кетаверди. Кейин Муҳаммаджон акани қайта кўрмадим.

Қори акани бундан бир неча йил бурун Чилонзорда кўриб, икки-уч дақиқагина суҳбатлашдик, холос. Рўзи акам вафотидан бир-икки йил илгари ақдан озиб, телбаланиб юрди. Абдулла Пўлатов Андижонда врач эди, ичкиликка берилиб, жуда эрта ўлиб кетибди. Ҳам алаmidан, ҳам ваҳимадан ичган экан, бечора. Абдулла Носиров яқинда вафот этди. Шарафли ишларни қилиб кетди. Адвокатнинг башорати тўғри экан.

...Рўзи акам қамалганидан кейин 1945 йилнинг август ойида мени НКВДга гувоҳликка чақиришди. Бир кун эмас, икки кун эмас, бир неча кун қатнадим. Гоҳ кундузи чақиришади, гоҳ кечаси. Терговдан гоҳ оқшомда, гоҳ ярим кечада, гоҳ тонготарда уйга қайтаман. Уйқудан қолганим ҳам майли-я, очиқиб, сулайиб, силлам қуриганини эсласам...

Терговчи Зотов деган йигирма олти ёшли йигит эди. Икки юзи хўрознинг тожидай қип-қизил, жисмоний соғлом бу одам ўта бадқовоқ, ғазабнок ва бақироқ эди.

– Ёмон бақироқ эди, – деди Ҳабибулла ака ғижиниб.

Зотовнинг ёнида ҳамиша жилмайиб турадиган, қорачадан келган гирдиғум бир ўзбек йигит бўлар эди. Русча саволга яхши жавоб беролмасам, ўша йигит таржимонлик қиларди.

– Энди бир саволга жавоб бер, – деди Зотов бир куни кечаси. – Ҳусанов сенинг уйингга китоб олиб борганми?

– Ҳа, олиб борган, – дедим мен. – У киши доим китоб қўлтиқлаб юрарди. Бизникига қачон бормасин, қўлида китоб бўларди.

– Йўқ, сен менга 1944 йил ёзида қанақа китоб олиб борганини айтгин.

– Бу эсимда йўқ.

– Эсла, – деди Зотов. – Яхшилаб эсла. Газетага ўралган каттакон бир китобни олиб бориб, сенга берган. Эртаси куни бориб қайтариб олиб кетган.

Мен ўзимни меровликка солдим. Бўйнимга олмадим. «Эсимда йўқ» деган икки сўзни қайтаравердим. Гапга таржимон аралашди:

– Ўшанда ўрик пишиғи эди. Ҳовлида укаларинг, сингилларинг билан ўрик еб, данагини чақиб ўтирган эдинглар. Эсингга тушдими?

– Йўқ, эсимда йўқ.

Таржимон ўша воқеанинг оёи, куни, соатигача аниқ айтиб берди.

– Эсимда йўқ, – деганимча без бўлиб ўтиравердим.

Бироқ хаёлимда ўша кунги манзара жонланаверди. Ўша жазирама ёз кунда кўча эшигимиз тақиллади. Бориб очсам, ранги қув ўчиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетган Рўзи акам турибди. Қўлида газетага ўралган қалин китоб.

– Шуни бекитиб қўй, эртага олиб кетаман, – деди нафаси оғзига тикилиб.

Ичкарига таклиф қилдим, кирмади. Китобни менга берди-ю, изига қайтди.

– Нима қилай, Хусанов билан юзлаштирайми?! – деди Зотов газаб билан.

– Юзлаштиринг, – дедим.

Баҳонада Рўзи акамни бир кўриб олмоқчи эдим. Бир оздан кейин хона эшиги очилиб, Рўзи акам пайдо бўлди. Орқасида милтиқли аскар йигит. У Рўзи акамни хонага елкасидан итариб киритди. Мен ўрнимдан туриб салом бердим-у кўзларимга ишонмай бир зум қотиб қолдим. Чунки Рўзи акам оз вақт ичида шишиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди.

Савол-жавоб бошланди.

– Ҳа, ўша китобни Азизга олиб бориб берганман, – деди Рўзи акам ниҳоятда заиф, ҳорғин овозда. – Уни мен макулатурага топширмоқчи эдим. – Кейин менга юзланди. – Эсингда борми? Катта китоб эди... Газетага ўралган...

Мен тан олишга мажбур бўлдим.

– Бизникиларга боргин, – деди кейин. – Менга овқат олиб келишсин. Бу падари лаънатилар овқат бермаяпти. Очман.

У шундай деб йиглаб юборди. Бир зумда кўз ёшлари шишган юзидан сизиб оқа бошлади. Аскар йигит орқасидан милтиқнинг қўндоғи билан итариб олиб чиқиб кетди.

– Ҳа, эсингга тушди, а?! – деди Зотов хунук тиржайиб. – Хўш, ўша қанақа китоб экан, эсингда йўқми?

– Эсимда бор, – дедим аламзадалик билан дадилланиб.

– Хўш, қанақа китоб экан?

– Бировнинг омонатини очиб кўриш яхши эмас-у, лекин китоб бўлгани учун қизиқиб очиб кўрдим.

– Хўш, қанақа китоб экан?

– Билмадим, араб алифбосида экан. Мен арабча билмайман.

– Билмасанг билиб қўй, – деди Зотов. – Ўша «Ўткан кунлар» эди.

– А? – дедим мен меровсираб.

Бу китоб «Ўткан кунлар»нинг чипор муқовага жойлаштирилган учала бўлими эди.

– Арабчани билсанг, ўқирмидинг?

– Йўқ, ўқимас эдим.

– Нега?

– Илгари лотин алифбосида ўқиганман, – дедим бамайлихотир.

– Эҳ, онангни! – деб бақирди Зотов столни бор кучи билан муштлаб. – Афсуски, сен, жуҳуднинг боласи, ўн саккизга тўлмагансан. Бўлмаса, ҳозироқ Хусановнинг ёнига жўнатар эдим!

– Мен ўзбекман.

– Йўқ! Сен бухор жуҳудисан! – деди яна бақириб.

Мана, кўрдингизми, Рўзи акамга «миллатчи» деган тамғани ёпиштирган кимсанинг гапи бу. Эртаси эрта билан Рўзи акамнинг уйига бордим. Онаси Ойхон опоқи, укаси Абдурахим ака, синглиси Ҳадича опа бор экан. Бўлган воқеани айтиб бердим. Опоқим билан Ҳадича опам роса йиғлашди. Абдурахим акам ич-ичидан эзилиб, бир нуқтага тикилганича сукут сақларди. Овқат масаласини айтганимда, аёллар фиғон чекишди. Улар жуда кўп марта овқат олиб боришган экан. Лекин ўша овқатларнинг бирортаси ҳам бечора, бегуноҳ маҳбуснинг қўлига тегмабди.

Хуллас, Рўзи акам қамалиб кетаверди. Жазо муддатини ўтаб, озодликка ҳам чиқди-ю, ҳукмда кўрсатилганидек, Тошкентдан бадарға бўлиб, бир неча вақт Қашқадарёда яшади. Мен ҳам шубҳали одамнинг шубҳали жияни сифатида таъқиб остида қолдим. Узоқ вақтгача НКВДнинг хуфия одамлари орқамдан кузатиб юришди...

...Абдулла Қодирий қанчалик азоб чеккан бўлса, унинг китоблари ҳам шунчалик азоб-уқубатларни бошидан кечирди. Таъқиб қилинди, таҳқир қилинди, ерга кўмилди, сувга оқизилди, ёндирилди... Бу ҳақда, Абдулла Қодирий китобларининг кўрган-кечирганлари ҳақида ривоятнамо воқеалар бўлиб ўтганини, бир оз бўлса-да, айтмоқчиман.

1955 йилда бир йигитчадан ғаройиб воқеани эшитган эдим.

– Ўқитувчи кўшнимиз бор, – деб ҳикоя қилган эди у. – Уйининг тагида ертўла бор. Ертўланинг бир бурчагига хум кўмилган. Хумнинг тагига «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни ташлаб, устига қум босиб қўйган. Ҳар замон-ҳар замонда биз ўша китобларни сўрасак, тушиб олиб чиқади-да, ўзи бекитиқча бизга ўқиб беради. Қўлимизга бермайди. Қўрқади...

Мирсоқи исмли тоғам бор эди. Ўта тақводор, ўта ҳалол, меҳнаткаш киши бўлиб, бўш вақтини китобхонлик билан ўтказарди. Кичик ҳужрага яшириниб олиб, қайта-қайта ўқийдиган китоблари «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» эди. Рўзи акам қамалганидан кейин ваҳимага тушиб қолибди. Бу икки китобни кўп жойларга яширибди-ю, бари бир ҳукумат одамлари келиб тинтув қилгудай бўлса, топиб олади, деб ўйлабди. Нима қилиш керак? Ерга кўмса, чирийди. Ёндирса, йўқ бўлиб кетади. Ўйлаб-ўйлаб, Юнусободдаги Дарвозакент сойига оқишибди. Шояд сувдан биров тутиб олиб сақлаб қолса, деб умид қилибди-да. Умид қилишга қилибди-ю, узоқ вақт йиғлабди. Тоғам бу воқеани Абдулла Қодирий оқланганидан кейин менга йиғлаб-йиғлаб ҳикоя қилган эди.

Шундай қилиб, бахтимиздан ўргилайким, вақт-соат етиб, Абдулла Қодирий ҳам оқланди. Унинг китобларини нашрга тайёрлаш ишлари бошланиб кетди. Жумладан, «Меҳробдан чаён»ни Иззат Султон нашрга тайёрлади. Бу 1958 йил ёз палласи эди. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйига биринчи марта боришим эди. Ўшанда Иззат Султон «Меҳробдан чаён»ни жўка тагидаги сўрида қолдириб, боғда танаффус қилиб юрган эди. Фурсатдан фойдаланиб, китобни чинакам мўъжизадай қўлимга олдим (уни соғинган эдим-да). Варақлай бошладим. Қарасам, ҳар бир бобнинг ёнига бирор эркак кишининг исми оддий қора қаламда ёзиб қўйилган экан. Бу мени қизиқтирди. Бунга Иззат Султон тушунтириб берди. Унинг айтишига қараганда, уруш пайтида бир мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари китобни кимдандир ўқишга олиб, кейин қўлда кўчиришган экан. Қайси бобни ким кўчириши керак бўлса, сарлавҳа ёнига ўша ўқувчининг исми ёзиб қўйилган экан. Ўшандан кейин бир куни гапдан гап чиқиб, шу воқеани амакимнинг ўғли Мавлон акамга айтиб бердим. У киши мийиғида кулди.

– Ўша менинг китобим эди, – деди у. – Абдулла Қодирий оқланганини эшитдим у эртаси уни «Навоий» кутубхонасига олиб бориб, совға қилдим.

Шунда Иззат Султон ўша китобни Навоий номли кутубхонадан олганини, уни кутубхонага кимдир совға қилганини менга айтгани эсимга тушди.

Мана, дўстлар, Абдулла Қодирий китобларининг тақдири ҳақида уч лавҳа шулардан иборат. Бу, шахсан менинг билганларим. Билмаганларим қанча... Эҳ-ҳэ..

МАКТАБИ БЕТАКРОР

Ўзбек онаси яқин ўртада иккинчи Абдулла Қодирийни туг-
маса керак.

Абдулхамид Сулаймон Чўлпон
* * *

Хизмат юзасидан устоз Акмал Икромов билан учрашиб
турардим, Акмал ака кадрларни, ижодкорларни жуда эҳтиёт,
ҳурмат қилар, ғамхўрлик кўрсатар эди. ВКП(б) Марказкоми-
нинг адабий-бадий ташкилотларни қайтадан қуриш ҳақидаги
қароридан сўнги бир учрашувда Акмал ака Абдулла Қодирий
ҳақида «Буюк талант» деб, анча ижобий гаплар айтиб:

– Ижодкорларга муносабатда жуда эҳтиёт бўлинг, айниқса
Абдулла Қодирий каби ижодкорлар учун партия билетингиз
билан эмас, ҳатто бошингиз билан жавоб берасиз, – деган эди-
лар.

Бу гап Акмал аканинг Абдулла Қодирийдек бир ижодкорга
қанчалик ҳурмат, беғараз муносабатини кўрсатади.

Раҳмат Мажидий
(ёзувчи)

* * *

«Ўртоқлар, ўзингиз айтинг, Навоий асарларидан сўнг то шу
даврга қадар Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳроб-
дан чаён» романлари каби қўлма-қўл бўлиб келган бирон ки-
тоб борми? Абдулла Қодирий – Жулқунбой каби машҳур ўзбек
ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдул-
ла Қодирий – Жулқунбойни оқлаш ва унинг асарларини қайта-
дан нашр этиш керак...!»

Нуриддин Акрамович Муҳиддинов
1956-йил 11 октабр, Тошкент,
Ўзбекистон зиёлиларининг
биринчи съездида сўзлаган нутқидан

* * *

Абдулла Қодирий юксак иродали, соҳиби қалб инсон, улуг
ёзувчи эди. Менинг тушунишимча, жаҳон адабиётида услуб
жиҳатидан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сай-

қалланиб кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, хинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир. У Шарқ ва Ғарб классикларини вужуд-вужуди билан ўзига сингдириб юборган ўта билимдон, ўта маданиятли, туб маънодаги профессионал ёзувчи эди. У адолат, мардлик, номус, тенглик, ёруғликни улуғлаган: адабиёт, ахлоқ, санъат осмонига ранг-баранг гуллар, юлдузлар ўйган: умид, ишқ билан ҳаётбахш сатрларни сайқаллаган забардаст қаламкаш эди. Сотти Ҳусайн ва ҳануз унинг супургисини дасталаб юрган баъзи мунаққидлар ёзувчини мозийга оид услубда қалам тебратган таснифчи сифатида талқин қилиб, уни адабиётдан олиб ташламоқчи бўладилар. Лекин ҳаммага маълумки, ким унга ўқузса, у Ватанга, халқига ўқузган бўлади. У хоиндир!

Е.Э.Бертельс (шарқишунос, адабиётшунос)

* * *

Абдулла Қодирий – Жулқунбой юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонгози ёки Чайковский куйлагандай дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан, киши... Гарчи Жулқунбой 20-йиллар бошида матбуотда газетачи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам унинг романларида газетачилик, журналчилик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили равон, ширали, мусиқий, менимча, ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли. Масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз...

Мухтор Авезов, қозоқ ёзувчиси

* * *

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ромонлари менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирди ва илҳом бағишлади. Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор, мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Ўша романлар илҳомида «Қонли панжадан» номли романим 1937 йилда босилиб чиқди.

Хидир Деряев, туркман ёзувчиси

* * *

Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасдан, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар»ини, «Қозоқ қизи»ни, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини, «Меҳробдан чаён»ини ўқиб шулардан ибрат олмасам «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлардим.

Берди Кербобоев, туркман ёзувчиси

Мен Абдулла Қодирий асарларини гарчи ўттизинчи йилларда ўқиган бўлсам ҳам, улардаги қаҳрамонларни ҳозирга қадар унута олмайман. Абдулла Қодирий ўзининг ғоят сиқик, аммо чуқур лирикаси билан мени мафтун этарди. Унинг асарларидаги ҳар бир детал ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиг жилоланади.

Жалол Икромий, тожик ёзувчиси

* * *

Чўлпонда рус ва татар адабиётига, Абдулла Алавийда турк ва озарбайжон адабиётига, Вадуд Маҳмудда эса форс адабиётига мойиллик сезиларли даражада эди. Аммо Абдулла Қодирий у адабиётларнинг бирортасига ҳам эргашишни истамас эди.

– Боболаримиз қолдирган битмас-туганмас сўз бойликларидан унумли фойдаланайлик, ҳаммаси ўзимизда етарлик, – дер эдилар Абдулла Қодирий.

Юнус Мақсудий

* * *

«Шаҳар – бедарвоза эмас!» деган бир ҳикмат бор.

Адабиёт ҳам – бедарвоза эмас!

Ахлоқ фанларини камситувчи баъзи физиклар уқтиришидек, адабиёт мавҳум фан эмас. У ҳам математика, физика фанлари каби жуда аниқ фандир. Унинг ҳам ўз эшиги, ўз андозаси бор. Унинг эшигидан одоб билан чиқиб кетиш, улуғ даҳолар чизиб берган юксак андазаси, нақшларини бузмаслик керак, уларни ардоқлаш бурчимиздир! Устод Абдулла Қодирий бу ҳикматни жуда яхши тушунган.

Эргаиш Рустамов, тилишунос

* * *

Аслини олганда, одам боласини буюк ва нобуюкларга ажратиш ақлдан эмас. Дунёга келган ҳар бир инсон ўзича азиз ва бетакрор бир оламдир. Лекин инсон фарзандлари орасида шундайлари ҳам ўтганки, улар ўз халқининг энг яхши фазилатларини камол топтиришда энг шоирона, энг инсоний хислатларини моҳир боғбон меҳри билан авайлаб, эъозлаб ривож топтиришда унутилмас хизмат қилганлар. Шу боисдан ҳам ўзини ҳурмат қилган ҳар бир юрт, ҳар бир маданий халқ бундай ўғлонларининг бундай бебаҳо хизматларини ҳеч қачон унутмаганлар. Уларни тоабад эъозлаб ўтганлар, биз бугун сўнмас хотираси олдида таъзим бажо келтириш ниятида йиғилган Абдулла Қодирий ана шундай халқимиз абадул-абад бошига кўтариб ўтадиган суюкли фарзандларидан биридир.

Дуруст, буюк адабиётлар баъзан халқ ҳаётининг нури томонларинигина кўйлаб қолмасдан, балки ўз халқининг нуқсон ва камчиликларини ҳам шафқатсиз танқид қилишга журъат этган. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида Свифт, Бальзак, Гогол, Шchedрин ва Муқимийларни келтириш мумкин. Шубҳасиз, улар ўз халқларини камситиш истагида қалам тебратган эмас. Билъакс, улар ўз халқларини севганларидан уларни бу нуқсонларидан фориғ қилиш ниятида қалам тебратишган. Лекин жаҳон адабиётида шундай буюк сиймолар борки, улар ҳақиқий адабиётнинг бу икки хусусиятини, яни ўз халқ ҳаётидаги нуқсон ва камчиликларини кўрсатиш баробарида унинг энг олий хислатларини улуғлаган, гўзал сифатларини табиатнинг ўзидай тиниқ бўёқларда чизиб берган. Абдулла Қодирий ана шундай бебаҳо истеъдодга эга бўлган буюк санъаткордир ва ҳаёт шуни кўрсатдики, Қодирий тутган йўл энг тўғри, энг мукамал йўл экан. Дарҳақиқат, улуғ адибимиз тарихимизнинг энг қора, энг қайғули кунларини, оддий меҳнат аҳлининг тинкасини қуритган тинимсиз қатлу қиргинларга тўла машғум феодал тузуми ҳоким даврини қаламга олган ҳолда бу халқ орасида Юсуфбек Ҳожидек доно сиймоларни кўра билиб, уларни жаҳон адабиётининг энг баркамол, энг жозибали образлари даражасига кўтара олган. Ёзувчи Отабек ва Анвар каби ўғлонларининг оқил ва мард, танти характерларини, Кумушбиби ва Раъно каби хотин-қизларимизнинг офтобдай тиниқ, ипакдек майин қиёфаларини, уларнинг ғуссали муҳаббатларини шундай бетакрор шоирона руҳ билан чизиб берганки, бу образлар китоб қаҳра-

монлари экани эсимиздан чиқиб кетди. Юсуфбек хожи биз учун аллақачон маслаҳатгўй бир бобо, Ўзбекойим, борингки сал қаттиққўл, сал дўлвор, аммо барибир, меҳрибон момомизга айланди. Кумушбиби ва Раъно ўз туғишган опа-сингилларимизга, Отабек ва Анвар эса озор чексак, бошимизни силайдиган, йиғласак кўз ёшимизни артадиган сеvimли акаларимизга айланди. Буюк адабиёт ва буюк санъаткорларнинг энг бебаҳо фазилати ҳам шунда.

Қодирий ҳақида ўйлаганда бугун яна бир муҳим масала юзага қалқиб чиқади. Бу ҳам бўлса, жамият ва адабиёт, зиёли ва халқ, ёзувчи ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларга боғлиқ муаммолардир. Ажаб бир жумбоқ: Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан мосуво бўлиб, бу серғусса ва серташвиш заминда яшашга маҳкум этилибдики, улардан тарқаган одамзод ўз мангулиги ҳақида қайғуради. Инсоният мангулик орзусида қилган улуғ кашфиётлар, яратган мўъжизалар орасида адабиёт алоҳида ўрин тутди. Чунки адабиёт инсон ва инсониятга мангулик ато қилишга қодир мўъжизалар орасида энг мукаммалларидан биридир. Аммо бу ерда яна бир муҳим сир бор. Гап шундаки, пойдевори фақат ҳақиқатга, ҳатто айтиш мумкинки, аччиқ ҳақиқатга қурилган адабиёт фақатгина ўзига, инсониятга, қолаверса, ҳоким ва ҳокимиятга мангу ҳайкал қўйишга қодир. Аммо ҳаётнинг ғалати ўйинларидан бири шундаки, инсониятнинг барча доно фарзандларига аён бўлган бу сир, бу ҳақиқат тарихда деярли ҳеч бир ҳокимият ва ҳеч бир ҳокимга етиб борган эмас. Шунинг учун ҳам инсоният энг азиз фарзандларининг азиз бошларидан жудо бўлиб қолаверган. Бунинг энг сўнгги ва энг машъум далили сифатида Сталин даври ва унинг даврида зиёлилар бошига тушган қора кунларни эслаб ўтиш мумкин ва жоиз. Бугун ҳеч кимга сир эмас, бу даврда инсониятни азал-азаллардан тўлқинлантириб келган бу улуғ фалсафий ва ҳаётий муаммолар ўзининг туб моҳиятини йўқотди ва агар таъбир жоиз бўлса, сунъий гул, сунъий ҳаво, сунъий нур шаклларини эгаллади. Биз адабиётнинг бош вазифаси халқ қалбининг торчиси бўлиш, унинг энг теран орзу-ҳаваслари, нотинч ўйлари, дарду ҳасратларини ифода этиш, чеккан изтиробларини ҳаққоний ҳикоя қилиш эканлигини бутунлай бўлмаса-да, ҳарқалай бир оз эсимиздан чиқариб қўйган эдик. Шу боисдан адабиёт ўз асл моҳиятини унутаёзган чоғларида биз буюк инқилоб йўли-

да эришган буюк ғалабаларимиз билан бирга берган мислсиз қурбонларимизни ҳатто кечириб бўлмас шафқатсизликлар, қон тўкишларни ҳам сохта романтик нурларга чулғаб тасвирлаш, хунрезликларни идеаллаштириш, халқ ўтмишини, унинг тарихини, урф-одатини фақат қора бўёқларга чаплаб кўрсатишдек оғир хато йўлларга ҳам кириб чиқдик. Шу маънода Қодирий тутган йўл бизни яна бир бор ҳайратга солади. Мен бу фикримни далиллаш учун Мухтор Аvezов, Чингиз Айтматов, Бертельс каби буюк салоҳият эгаларининг Қодирийга берган юксак баҳоларини эслатиб ўтишим шарт эмас. Улар ҳаммага аён, мен фақат оддий бир адиб сифатида шуни ҳайрат билан айтмоқчиманки, ҳали ўзбек нашри ривож топмаган, ҳатто янги ўзбек адабиёти юксак чўққиларга қанот қоқмаган бир вазиятда қўлига қалам олган 25 ёшли ўзбек зиёлисининг ўз халқи ўтмишини бу қадар теран идрок этиши, бу халқнинг энг шоирона, энг кўркам фазилатларини оқибатли бир фарзанд меҳри билан илғаб олиши ва уни чексиз муҳаббат билан жуда кам адибларга насиб этадиган юксак маҳорат билан тасвирлаб бергани, мана, бир асрдан бери ҳаммамизни лол қолдириб келади.

Шу маънода мен адабиётнинг яна бир ноёб хусусияти ҳақида ўйлаб қоламан. Афсуски, жуда кўп мураккаб ҳаётий сабабларга кўра биз ҳар бир улуғ адабиётга хос бўлган бу нозик хусусият ҳақида кам ўйлаган эканмиз. Бу ҳам бўлса адабиётда миллий руҳ ва миллий туйғу муаммосидир. Ҳар бир адабиётни том маънода адабиёт қилувчи бу бебаҳо фазилатни, буни қарангки, Абдулла Қодирий энди қўлига қалам олган ўспиринлик пайтидаёқ илғаб олган экан. Маълумки, бизнинг оталаримиз ва момоларимиз Қодирий рўмонларини илк бор қўлига олган онларини, бир маҳалла халқ бир танча атрофига йиғилиб, заиф шам шуъласида Отабек-Кумуш муҳаббатининг ботаётган ой каби маъюс ишқ достонини йиғлаб эшитган дақиқаларини шу бугун ҳам кўзларига ёш олиб эслашади. Момоларимизнинг худди эртатка ўхшаш соддадил эсдаликларига суюниш ҳам шарт эмас. Отабек-Кумуш севгисининг Абдулла Қодирий кўз ёши билан суғорилган мунгли саҳифалари ҳар биримизнинг қалбимизда бир умр ўчмас шуъла ёқиб кетмадимикан?! Нафақат боболаримиз, балки бизнинг авлод ҳам Қодирий бошига катта ғурбат ёғилган онларда унинг буюк номига қора қўлагалар тушган даврларда ҳам Анвар, Раъно, Отабек ва Кумуш

достонларини хуфёна тарзда қўлдан-қўлга бериб уларни шам-чироқ шуъласида ўқишдан қўрқиб, совуқ болохоналарда эски лампа шуъласида ўқиганларимиз ҳамон бизнинг ҳам эсимизда. Бунинг бир сабаби ҳам Абдулла Қодирий асарларидаги ўша миллий руҳнинг сўнмас жозибасида эмасмикан?! Мен бу руҳ ҳақида ҳар бир халқ учун азиз бўлган миллий туйғу тўғрисида ўйлар эканман, гарчи ўлмас адибимиз ҳақида юзлаб илмий асарлар яратилган бўлса-да, унинг ижодини ҳануз теран идрок этишга ожизлик қилаётганимизга иқрор бўлгим келади. Зотан, шуни мардона тан олишимиз керакки, нафақат Абдулла Қодирий, балки Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Авлоний, Сўфизода каби нодир истеъдод соҳибларининг ижоди улардан бизга мерос қолган асарларидаги ўзига хос бетакрор жозоба сирларини бадий мукамал таҳлил қилиш, уларнинг туб моҳиятларига илмий чуқур баҳо бериш, нафақат уларнинг юксак ижоди, балки фожей ҳаёти ва маҳзун руҳлари олдидаги фарзандлик бурчимиздир деб ўйлайман.

Одил Ёқубов

* * *

Абдулла Қодирийнинг сабоқлари ниҳоятда ранг-баранг. Айниқса, миллийлик, ўзлик борасида ул зотнинг мактаби бетакрордир.

Абдулла Қодирий ҳар қандай халқ ва унинг адабиётини безай оладиган забардаст сўз санъаткоридир. Биз ўзбеклар жаҳон адабиётига ХХ асрда Қодирийдек зўр миллий ёзувчини етиштириб берганидан фахрланамиз. Менинг назаримда, фольклоримизда Жуманбулбул, ёзма шеърятимизда буюк бобомиз Навоий қанчалик пир бўлсалар, романчилигимиз мактабининг илк мударриси сифатида Қодирий домла ҳам шундай мақомга эгадирлар.

Жонажон она тилимизнинг ипақдек товланишларини, тароватини Абдулла Қодирийдек бетакрор намоёиш қила олган бошқа бирор санъаткорни топа олмаймиз. Абдулла Қодирий буюк салафларимиздан қолмиш севги ва садоқат мадҳини ҳаққоний ифода қила олган ва бу ифодани кенг шарқ оммасига ажойиб равишда етказа олган мумтоз адибдир. Бир замонлар Киплинг Шарқ билан Ғарб ҳеч қачон туташмайди, деган

экан. У, балки, қайсидир маънода ҳақдир, лекин етти иқлимни муҳаббат, меҳру вафо, садоқат ва дўстлик ришталари ҳамиша бирлаштириб келган. Қодирий романлари башар фарзандларини худди шундай покиза туйғуларга чорловчи ўлмас даъватдир. Шу маънода Абдулла Қодирийни англаш – инсонийлик ва муҳаббатни танишдир.

Абдулла Орипов

* * *

Анвар қори: – Абдулла ака! Бир шеърингизда:

*Сизга юз минг жаннат бўлгайдир раво,
Балки, бундан кўпин бергандир Худо.
Шунча йил дўзахий кимсалар билан
Чидаб яшадингиз, Қодирий бобо!*

– деб Абдулла Қодирий бошидан кечирганларни шафқатсиз таърифлаганингиз бекоргамас! – Мен ҳам, устозим ҳам ёшликдан адабиёт мухлисимиз. Мухлис сифатида тунов кун битта ёзувчи ака билан тортишиб қолдик. Энди тарозининг тошини ўзингиз қўйиб берсангиз, Абдулла ака, Абдулла Қодирийга етадиган ёзувчи борми?

Даврага бир лаҳза сукут чўқди. Ҳаммамиз диққат билан устозга тикилдик. Абдулла аканинг кулимсиб турган юзларида алланечук хотиржамлик бор эди.

– Бир муддат аввал Данте ҳақида гап борганида қудуқни эсловдик, – деди ўша хотиржамлик билан. – Шу қудуққа ҳамма челақ ташлаб кўрди. Қудуқ ўша. Сув ўша. Челақ ўша. Қудуқдан сув тортувчилар ҳам бир-биридан кам эмас. Лекин Абдулла Қодирийга гавҳар чиқди! – Абдулла аканинг бундай образли ифодасини эшитиб ҳаммамиз бараварига қарсақ чалиб юбордик. Ҳамма ҳайрат ичра бир-бирига бош иргади. – Буни бошқача тасниф қилиш қийин, асли мана шу! – қатъий хитоб қилди Абдулла ака. – Бундай ҳолатларда бировнинг таланти баланд, бировники паст десак тўғри бўлмайди. Абдулла Қодирий элликка кирмай бу дунёни тарк этди. Мен хаёл қиламанки, агар умрига зомин бўлмаганларида, Робиндранатх Тагор сингари Шарқнинг сермахсул ижодкори бўлиб, яна қанча-қанча бебаҳо асарлар яратган, адабиёт ва миллатнинг юксалишига бундан-да беқиёс ҳиссалар қўшган бўларди. Абдулхамид Чўлпон: «Ўзбек онаси Абдулла Қодирий деганни юз йилда ҳам туғмайди»,

– деб бекорга айтмаган. Биринчи президентимиз фармони билан «Мустақиллик» орденининг берилиши ҳам бу буюк инсоннинг миллатимизга қилган хизматларига берилган юксак баҳодир.

– Ҳар нарсанинг кўзга ташланадиган ва ташланмайдиган томони бўлади, – деди Абдулла ака сўзида давом этиб. – Ўтирган иморатнинг ҳам пойдевори бор. «Ўткан кунлар»нинг пойдевори – Юсуфбек хожи. Юсуфбек хожи бўлмаганида, бу асар «Минг бир кеча» бўлиб қолар эди. Олимлар бундан ижтимоийлик ахтаришади, тарих ахтаришади. Эслайлик, роман «1264 хижрия, далв (бу ҳозирги январ – феврал ойларига тўғри келади) ойининг 17-си, қишқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теварақда шом азони эшитиладир...» деган сўзлар билан бошланади.

Тўғрими? Шунини олимларимизнинг бирови у ёққа тортади, бирови бу ёққа тортади. Тўғри, танқидчилар буни атайин қилмайди, кўпинча тушунмасликдан келиб чиқади. Масалан, Гёте 80 ёшдан ўтиб жон бераётганида атрофидагиларга: «Мана бу пардаларни суриб, деразани очиб қўйинглар», – деган. Шунини адабиётшунослар маҳкам ушлаб олиб: «Гёте умрининг сўнгги лаҳзаларида нима демоқчи?» – деб ҳалигача баҳслашишади. Бири у инсониятга тоза ҳаво керак демоқчи бўлган деса, бошқаси у башариятга ёруғлик, нур керак демоқчи дейишади. Менимча, у бор-йўғи сўнгги нафасда ҳаво етишмаганидан деразани очишни сўраган, холос. Шу сингари, ўзимизнинг адабиётшунослар ҳам Қодирийнинг ҳалиги гапларидан ҳайратга тушади. Нима, Абдулла Қодирий умрида азон эшитмаганми? Умуман, олимларнинг унга ишора қиляпти, бунга ишора қиляпти деган талқинлариниям тушуниш мумкин. Шўро мафкурачилари нимаки ёзсақ, сен бола кимга ишора қиляпсан деб қўрқитишган, юрагимизни олдириб қўйган эдик. Ўзим ҳам бундай қўрқинчли саволларга кўп бора дуч келганман. Охир бир кун чарчадим, шекилли, биттасига етмиш йил сўроқ қилдинг-кимга ёздинг бу шеърни деб, энди айтайми, манови энангга, манови отангга, қўясанми, йўқми? Ахир бу ижод, шеър, қайси бирингни абадийлаштириб чиқаман шеър ёзиб, дедим. Қодирий фалон кун, фалон вақт дейиш билан «Ўткан кунлар»нинг «Минг бир кеча» ёки бошқа халқ афсона-ривоятларидан фарқи бор деб алоҳида таъкидлапти. Фалон санада, тайин жойда бошланди бу воқеа. Агар «Бир бор экан, бир йўқ экан» ёки «Менинг эшитишимча»

деб бошласа, бояги эртагу маталлардан нима фарқи қоларди? Ҳамма гап ана шунда. Бу аниқ документ – ҳужжат сифатида бошланяпти.

Анвар қори: – Ишқий саргузаштлар бир баҳона...

Абдулла ака: – Баҳона десак унча тўғри келмас. Бу муҳаббат шунчаки муҳаббат эмас. Илоҳий! Адиб шарқона тарбия, қалбдаги бойлик илоҳий қудратга эғалигини уқтиряпти. Буни эртақдаги севишганлар деб бўлмайди.

Анвар қори: – Яна ўтмишнинг энг кир кунларидан мавзу танладим, дейди. Лекин романни ўқисангиз, ўша қора кунлардаги одамларни яхши кўриб қоласиз. Демак, энг ёмон кунларда ҳам бизнинг одамлар яхши бўлган.

Абдулла ака: – Жуда яхши илғабсиз, тақсир! Халқ инсофли. Масалан, ерда ётган бировнинг ҳамёнини олиб қўйнига урмайди. Ёлғон гапирмайди. Абдулла Қодирийнинг кейинги романи «Меҳробдан чаён»да битта ўлгудай хасис бор, Махдум, шуниям яхши кўриб кетасиз. Ҳеч ким ишонмайди шундай хасиснинг хонадонида Раънодай чиройли гул ўсганига. Худойим истаса, чолдеворда гул ўстиради.

Шарқ адабиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда одамларнинг ташқи гўзаллиги эмас, балки руҳий гўзаллиги акс эттирилади.

Анвар қори: – Топиб айтдингиз! Қаранг, Махдум қурмағур ўлардай хасис. Лекин жуда илмли, доно! Сен кулолнинг қизимассанки, лой ўйнасанг, хат бит, китоб ўқигин, дейди қизига. Яна бир жойда Махдумнинг хислатларига таъриф бераётиб унинг тушуми шаҳар мадрасасида дарсгўйлик қилиб, вақфни ўз чангалига олган бир мударриснинг тушумидан албатта кўп бўлишига қарамасдан, ҳарчанд тиришилса ҳам мақтаб бўлмайдиган хусусиятлар бор дейди-ю, санаб кетади: хасисликка ўхшаган ҳолат, тамагирлик каби одат, ичиқоралик сингари ҳаракат ва амсоли...

Абдулла Қодирийнинг энг улугъ фазилати, Абдулла ака, менимча, у кишининг бетакрор гўзал тилида, тилининг ўзбекона ва жозибаторлигида!

Абдулла ака: – Ҳақрост! Тил бобида Навоий ҳазратлари билан Қодирийга тенг келадигани кам.¹

¹ Сухбат Абдусаид Кўчимовнинг «Мен шоирман, истасанг шу» китобидан олинди.

* * *

Мен ҳар гал «Ўткан кунлар»ни мутолаа қилганимда ғафлатда, ҳайратда қолган улус манзарасини кўриб, инсон ҳуқуқларининг олий мақсад билан, дард билан ёзилганини кўриб, ўзбекона иймон-этиқодимни тозалайман. Ишонч билан айтиш керакки, Абдулла Қодирий қоронғу водийда қолган ҳалқимизга ёруғлик йўлини кўрсата олди.

Жўра қори Бўтакўз

* * *

У киши аччиқ ҳақиқат куйчиси, дин ва миллат камчиликларининг ислоҳотчиси эдилар. Бу йўлдаги меҳнат ва заҳматлар қаршисида собитқадамлик ила устувор, бундан ўзлари ҳам мағрур, балки миннатдор эдилар. Ўз роҳат-фароғатларини кўзламас, аксинча, ўзлари шамдек ёниб-куйсалар ҳам ўзгалар йўлини ёритиб беришни бахт деб билур эдилар. Ҳа, шу йўлда у киши қатағон қурбони ҳам бўлдилар. Бу мағлубият эмас, балки ғалаба эди. Зеро, Аллоҳнинг ўзи каломи шарифда: «Аллоҳ йўлида қурбон бўлганларни ўлик деб ҳисобламанг, улар Менинг ҳузуримда тирикдурлар ва Менинг неъматларимдан ризқланиб турурлар», – дея гувоҳлик беради.

Шайх Абдулазиз Мансур

* * *

Мен ўзбек адабиётшуносларини журналистик муаммоларни адабиётдан изламасликка, матбуот муаммосини адабиёт фазилатига йўймасликка, адабиётни, сўз санъати ва одамлар олами-ни тадқиқ этишга чорлаб, қайта-қайта «Ўткан кунлар»ни синчиклаб ўқишларини сўрайман. Ўзбек адибларининг эса, тасвир жилоларининг минг хиллигини илғай билмоқ, инсон дарди ва бахтининг миллион қирраларини кўра билишни ўрганмоқ учун ушбу шоҳ наср намунасини ўқишларини истардим.

Инсоннинг биринчи фожиаси нодонлик ва жоҳилликдир, мулоҳазасизлик ва ўз қилмишини баҳолай билмасликдир. Ўқиш идрокни кучайтиради, Сизга «Ўткан кунлар» сингари романлар мутолаасини тилайман...

Немислар Вертер ва Фаустлари қисматига куюнсалар, руслар Онегин ва Татьянага ғам чексалар, ўзбеклар Отабек ва Қумушлар учун жон чекадилар, Абдулла Қодирийлар учун фиғон чекадилар...

Дунё романчилиги ютуқлари даражасини назарда тутган ҳолда бир мулоҳазани айтгим келади: Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ўзбек адабиёти бахтига яратилган сўз санъати мўъжизаларидир. Жаҳон китобхони ўзбек адабиётининг насри ҳақида ана шу икки роман орқали тўғри тасаввур ҳосил эта олади. Ана шу маънода Жулқунбой ўзбек романини олам миқёсига чиқарган адибдир.

Ваҳоб Раҳмонов

* * *

Қодирийнинг деярли барча марғуб қаҳрамонлари худди ана шу тарзда – нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймода, илоҳий бир қаламнинг қудрати билан яратилганлар.

Абдулла Қодирий инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша, ор-номус, уят каби муқаддас туйғуларнинг одамзод қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган, бутун ижоди, бутун умри билан шу мақсад сари чорлаб ўтган улуғ санъаткор эди. Афсуски, энди андиша деган тушунчанинг кундан-кунга биздан узоқлашиб, орамиздан кўтарилиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Турмушимизда юз берган ва юз бераётган барча фожиаларнинг асосий сабабларидан бири ҳам, эҳтимол, шундадир.

Улуғ санъаткорларга ҳамиша башорат туйғуси ёр бўлади. Мумтоз ўзбек адиби Абдулла Қодирий ана шундай санъаткорлар сирасига киради.

Унинг ўлмас даҳосига мансуб асарларни эл аро машҳур ва севикли қилган фазилатлар бисёр. Тасвирдаги донишмандлик, нуруний ақл ва соддалик, андиша, ҳур фикр ва инсоний жозоба ёғдуси шу хил фазилатларнинг айрим белгилари, холос. Шу боис ҳам, мана, олтмиш йилдан ошибдики, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» китоблари халқ кўлидан тушмайди, авлоддан-авлодга, насллардан-наслларга суюклик, ардоқли бир маънавий мерос бўлиб келади. Ҳолбуки, бу олтмиш йиллик тарих мобайнида адабий қарашлар, санъат асари ҳақидаги тасаввурлар бизнинг жамиятимизда кам деганда олти юз мартабалаб ўзгаргандир...

Ижтимоий инқилоб, граждандар муҳорабаси, қулоқларни синф сифатида янчиш, маданий инқилоб жанги, ички душманларга қарши кураш... Ва бу ҳаракатларнинг барчасидан

пировард-натижа ўлароқ тўкилган дарё-дарё қон, топталган тақдирлар, чалкаш ва фожиали қисматлар, маданият ришта-ларининг узилиши, юз йиллик тарихий анъаналарнинг инкори, адашган авлод армони... Мана шунингдек маънавий аросат майдонида туриб ҳам юрагига шеър ишқи, тоза, муқаддас сўз муҳаббатини сиғдира оладиган киши қалбан қанчалар юксак, руҳан қанчалар некбин бўлиши лозим! Абдулла Қодирий ана шундай шароитда – сохта ва машъум адабий андозалар кўплаб ноёб истеъдод эгаларини синдириб-букиб, қул қила бошлаган бир пайтда адабий башорат билан майдонга чиқди: юрагида ўз замонасининг «Лайли ва Мажнун»лари, «Тоҳир ва Зухро»лари, «Баҳромгўр» ва «Чордарвеш»ларини яратиш заруратини англади. Давр тақозоси, унинг бешафқат бўрон ва алдамчи эпкинлари кўплаб қалам соҳибларини узоқдан мунаввар бўлиб кўринган, лекин охири берк кўчаларга бошлаб кетганида Абдулла Қодирий санъатни илоҳий бир мўъжиза деб билди, сўзга сиғинди, сўзни муқаддас ялов каби юксакка кўтарди.

Абдулла Қодирий дилидаги туйғу юракдан англаган бадиий эҳтиёж эди – у кашфиётчига айланди. Кўҳна ўзбек тарихининг, сокин, мудроқ қўрғонлар бағридаги сирли ҳаётнинг, муаззам ўрдалар қўйнида кечган фитна-фужурларнинг, қашшоқлар кулбасидаги соф, одми, ҳалол муносабатларнинг, жаҳондаги қайғули ишқ қиссаларидан бирининг, инсон руҳияти мураккаб ғалаёнларининг мислсиз кашфиётчисига айланди у.

Қодирийнинг донишманд ва ўткир нигоҳи ҳаёт ҳодисалари замирида ҳамиша шоирона, дарвешона бир маъно кўради. Ва ана шу бадиий маънони шоирона, дарвешона бир йўсинда – тенгсиз жозиба билан тасвир этиб беради. Мумтоз адибимизнинг ҳар сўзи, ҳар бир жумласидаги олам-олам ботиний маънолардан нозик ишоралар англаш ва улардан чексиз баҳра топиш қанчалар завқли.

Кўринадики, табиатан зарофатдан, шеъриятдан йироқроқ бўлган кимсалар юрагидаги милтиллаган эзгулик учқунларини ҳам аланга олдиришга моҳир бўлган Қодирий ўзининг суюкли, марғуб қаҳрамонлари сиймосини ҳамиша нурга, латофат ва нафосатга йўғириб тасвирлайди. Адибнинг сеҳрли қалами висол ва ҳижрон онларини ифода этганида, ўлим ва туғилиш лаҳзаларини баён қилганида, табиатнинг жаннатий манзараларини чизишга киришганида бамисоли булбул бўлиб сайрай бошлайди.

Киши баъзан кундалик икир-чикирлардан, ҳадеб қайта-қайта қураверишдан ҳам чарчар экан. Ана шундай кезларда унинг руҳи чинакам адабиётни, сўз санъатининг асл дурдоналарини соғинади. Не бахтки, тақдир ўзбек адабиёти манглайига ҳам оз бўлса-да, ана шундай асарларни битган...

Хайриддин Султонов

Мисол учун Кумушбиби билан Анна Каренина тақдирини олайлик. Икковлари ҳам гўзал, икковларида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам бу лобарларнинг ўлимлари баёни билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари бир хилми? Анна – оилали аёл, бегона эркакни севади. Оқибатда ўзини ҳалок қилади. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби – маъсума аёл. У эрига содиқ. Ҳатто уни кундошидан қизғанди. Балки қизғаниши, ишқнинг чегарасидан чиққани туфайли ўлим топгандир? Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши – Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай. Кумуш-Зайнаблар тақдирини Европа халқлари ҳаётидан излаб топиш мумкин эмас. Келинг, ўлимга доир икки баённи эслайлик:

«...яқиндагина ҳаёт жўш уриб турган, энди эса казарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди: соғ қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган: гўзал чеҳрасида, ярим юмуқ қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди: бу ифода уришиб қолишганда Вронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон бўласиз», деган ўша даҳшатли сўзини айтиб турганга ўхшарди...»

Бу тасвирни, Анна Каренинанинг фожиали ўлим топгани баёнини русларнинг дунё тан олган улуғ ёзувчиси Лев Толстой ёзган. Энди бу лавҳага эътибор берайлик-чи:

«...Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмиқ, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларни тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланган юзини кўрди ва манглайини босди...

– Ойим... Ойим! – деди Ҳожи. Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... кўзғалмоқчи бўлди.

– Кўзғалманг, ойим... кўзғалманг!

Кумушнинг кўз ёшиси чаккасидан оқиб тушиди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёштини артиб, бошини силади:

– Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга кўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Қусуб ётғач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди:

– Ойи... дада... сўнгра, бегим – деб ингради... Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кўзини юмди...»

Бу эса улуғимиз Абдулла Қодирийнинг тасвирлари. Ўлаётган икки жоннинг бу дунёдаги икки хил кўриниши. Ана энди бу икки баёндаги номларни ўзгартириб кўринг-чи, ўхшармикин. Нафис адабиётда миллийлик дегани ҳам айнан шу нуқтада кўринади.

Афсус шуки, нажотнинг ана шу ягона йўлидан юрилмади. Яқин ўтмишдаги бу ғофилликни адиб мазористон ҳолатига қиёслади ва Отабек тилидан «мазористонда «ҳайё ала фалаҳ» хитобини ким ҳам эшитар эди», деган тўхтама келди. Дарвоқе, қабристонда «Нажотга келинглар!» деб хитоб қилинса ким ҳам келарди... Тобелари бир-бирлари билан аҳил яшай олмаган жамият мазористон қабидир. Бу жамият аҳли гарчи тирик бўлиб кўринсалар-да, улар руҳан ўлиқдирлар. Ўтмиш воқеаларини таҳлил этган адибнинг хулосаси мана шу. Подшо зулмидан большевик зиндонига ўтиш даврида миллат гўё бир уйғонгандек бўлди-ю, сўнг яна ғафлат уйқусини давом эттирди. Отабекни қайғуга солган ноиттифоқлик миллатни яна зиндонбанд қилди. Ёзувчи бу жараёни ўз кўзлари билан кўрди, кўра туриб руҳи фарёд этди ва бу фарёд ёзилмиш асарларига кўчди. Отабек асар бошланишида тилга олган ўзаро низо балоси роман давомида ўз аксини топа борди. Ҳомиднинг қилиғидан тортиб, Азизбекнинг фитнасига қадар, барчаси миллатни, Ватанни хорлик ботқоғига ботирувчи омил экани ўз аксини топди. Абдулла Қодирий Отабек тилидан гапириб ғаразчиларни иш бошидан қувлаш, улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазилгани орзу қилган эди. Ўтмишдан то йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларига қадар етиб келган ғараз оқибатда миллат фахрларининг жонига қасд қилди.

Ёзувчининг буюклиги шундаки, йигирманчи йилларда бу ғараз, бу зулм оқимининг йўналишини кўра билди. Адибнинг

асарларида миллатни уйғотишга, бу қора оқимни тўхтатишга чақириқ бор эди. Афсуски бу хитоб ҳам Отабек айтмоқчи, мо- зористондаги «хайё алаф фалаҳ» сингари бўлди.

Тоҳир Малик

* * *

Қодирий романларида ҳам худди шундай. Шунга кўра мен Қодирий ва унинг романларини дунё адабиётларида ва умум- дунёвий нисбатларда Валтер Скотт ва унинг романлари ёнига қўйгим келади. Шарқона рангин ҳаёт, Шарқ одамлари, улар- нинг турфа муносабатлари, муомала йўсинлари, қалб тепкила- ри, одоб-ахлоқ доиралари, маданий даражалар, ўта нозик ҳис- сиётлари уммонлари ва шу уммонларнинг тинимсиз суратда мавжланиб, жимирлаб ётишларига кўра мен Қодирий ва унинг асарларини Шарқнинг ҳассос ва беҳад донишманд адиби, сер- хаёл Робиндранат Тагорга, унинг гўзал асарларига қиёслагим ва уларнинг ёнига қўйгим келади. Ўйлайманки, дунёнинг ин- сонлар ўртасида мавжуд даражавий нисбатлари бу билан бузи- либ-нетиб қолмагай. Тагор ва Қодирий – булар қанчалар яқин одамлар! Қанчалар ўхшаш сиймолар!

Қодирий халқимизнинг маъруф хотирасига ёд бўлиб кет- ган. Уни эртак каби шариллатиб ўқийдилар. Эсларида сақлаб юрадилар.

Қодирий миллий онга гўзаллик ва маърифат гавҳарлари қандай ва қайси йўллар билан кириб боришини беҳад теран англари ва биларди. У миллий маданий ҳаёт ва миллий маданий онгимизнинг жавҳари бўлиб етишган эди.

Иброҳим Ғафуров

* * *

Ўзбек характери

Агар мен олим бўлсам, «Абдулла Қодирий ижодида ўзбек характери» деган илмий иш ёзган бўлардим. Қодирий ижоди- ни уммон десак, характер яратиш ва айнан ўзбек халқининг феъл-атворини маҳорат билан тасвирлаш ушбу денгизни тўл- дирган катта дарёлардан биридир. Бу хусусият адибнинг кичик ҳажвий ҳикояларидан тортиб классик романларигача – деярли ҳамма асарларида кўринади.

Кумушбиби Отабекнинг иккинчи марта уйланишига ўзи розилик беради. Бу ҳам етмагандек эридан «талоқ хати» олади. Чексиз изтироб чекади. Аммо Отабекка муҳаббатини, садоқатини охиригача сақлаб қолади.

Ўйлаб кўринг, Европа ёки Америка ҳаётидан асар ёзилса, қайси аёл кундошига розилик беради? Устига-устак талоқ хати олганда ҳам чидайдми. Ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юбормайдими? Ё, бор-е, деб бошқа эр қилмайдими? Ёйинки, ақалли алам устида жазман орттирмайдими? Нима, Кумуш шу қадар «эси паст» ёки мутеми? Йўқ, унда анча-мунча одам тушуниши қийин бўлган муҳаббат, улкан садоқат бор. Қолаверса, шарқона, ўзбекона сабот бор. Одоб бор.

«Ўткан кунлар»нинг сўнгги, энг фожиали воқеаларини эслаб кўринг. (Мисолни сўзма-сўз кўчирмаётганим учун узр сўрайман. Гап моҳиятда.) Кумушбиби заҳарланган. Жон таслим қияпти. Отабек унинг бошида турибди. Шу пайт хонага Юсуфбек хожи киради. Кумушбиби шу ҳолатда ҳам ёнида эри тургани учун ийманади. «Дадам чақиряптилар», дейди уялиб.

Тасаввур қилинг, Европа ҳаётидан олинган истаган романда худди шундай ҳолат тасвирланган бўлсин. Қаҳрамонлар нима қилар эди? Албатта, бир-бирининг бағрига кирган, севувчи, эр севиклисини албатта, ўпган ва мен сени у дунёю бу дунё унутмайман, деб қасам ичган ва бу ҳаёт ва бадиий ҳақиқатга мос келган бўлур эди. Отабек билан Кумушбиби эса бундай қилолмайди. Қилмайди ҳам. Чунки уларнинг қонида шарқона ийманиш, уялиш деган тушунчалар бор. Ўзбек характери бор. Балки бу ҳолат Европа китобхонига ёқмас. Лекин, начора, Қодирий айнан ўзбек ҳаётини ёзган.

Қодирий ижодидан бундай мисолларни юзлаб, минглаб келтириш мумкин.

Агар мен олим бўлсам, Қодирийнинг тили ҳақида тадқиқотлар қилган бўлур эдим. Олим эмас, қаламқаш сифатида шуни айтишим мумкинки (устозларим, дўстларим, адиб укаларим мени кечирсинлар), гарчанд адабиётимизда тили образли, бийрон ёзувчи ва шоирлар етарли бўлса-да, ҳали ҳеч биримиз ўзбек тилининг ранг ва оҳанглари, жозиба ва колоритини Қодирий даражасида исботлай олганимиз йўқ!

...Катта, ёрқин истеъдод эгаларига ҳеч қачон осон бўлган эмас. Биласиз, ҳазрат Навоий гарчанд вазир бўлган, лекин ҳеч

қачон дориломон ҳаёт кечирмаган. (Бошқаларни-ку, қўяверинг!) Чинакам ижодкор учун эл дардига ҳамдард бўлишнинг ўзи катта юк. Устига-устак ҳасад деган бало ҳамиша соядек эргашиб юриши... Катта дарахтнинг эса сояси ҳам катта бўлади. Тўғри, Қодирийни замон кулфати бевақт ваҳшийларча ўлдирди. Сталинчиликнинг қўрқув салтанати халқнинг энг сеvimли фарзандини «халқ душмани» деб эълон қилди. Аммо Қодирийнинг шаҳид қони ўша пайтдаги НКВДчи қотилларнинг қўлигагина эмас, ўзимиздан чиққан ҳасадгўйларнинг этагига ҳам сачраган. Замон қутқуси Қодирийни етти қават ер тагига тикди. Халқ эса уни бошига кўтарди. Китобларини яшириб бўлса ҳам ўқиди. Аммо халқ уни ўлимдан асраб қололмади. Ижодкор сиғинадиган, ижодкор жони-жаҳонини бағишлайдиган халқ «сеvimли ўғлимиз қанақасига бизга душман бўлсин» деб оёққа қалққани йўқ! Эҳтимол, шундай қилинганида бегуноҳ қурбонлар камроқ бўлармиди?.. Бир-бирини ҳимоя қиладиган ўнта одамни маҳв этишдан кўра, бир-бирининг қисматига бепишанд қарайдиган ноаҳил мингта одамни йўқ қилиш осон.

Тилагим шуки, ҳасадгўйларнинг дасти кесилсин. Модомики, чинакам ижодкор халқ учун жони-жаҳонини беришга тайёр экан, халқ ҳам керак пайтда унга қалқон бўла олсин. Шунда буюк Абдулла Қодирийнинг безовта руҳи осойиш топади...

Ўтқир Ҳошимов

* * *

Абдулла Қодирий том маъноси ила сўз рассомидир. Сўз воситасида, сўздаги ранг, сўздаги бўёқлар орқали инсон руҳи ва ҳолат манзараларини чизишда Абдулла Қодирийнинг «панжасига панжа урмоқ» – бу ниҳоятда қийин, деярли мусобақа қилиб бўлмайдиган ҳунардир. Аммо шундай ёзувчи – мусаввир ҳам Раъно ҳусни-жамолининг мукамал тасвирини яратишда ўзини ожиз сезади ва «мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирмас, шу ўринда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар-қўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди» – дейди. Мен бу эътироф сўзларини қачон ўқимай, ҳар гал Анвар кўз олдимга келади. Бу гаплар, энг аввало, Анвар учун, Анварни ўйлаб айтилганга ўхшаб туюлаверади. Чунки ёзувчи ҳар қанча

уринмасин, Раънога Анвар нигоҳи билан қараб бўлмаслигини, Раънонинг мукамал расмини чизмоқ учун фақат Анвар бўлиш, фақат Анвар даражасида севиш зарурлигини билади.

Иброҳим Хаққулов

* * *

Чиндан ҳам Абдулла Қодирий жаҳон адабиётининг энг буюк вакиллари қаторидан жой олишга муносиб ёзувчи. У халқ орасида шўролар босқинига қадар ўзига хос тили, тасвир воситалари, ифода йўсини, ҳеч кимга ўхшамайдиган услуби билан тарихий роман ва Туркистоннинг ички ҳаёти воситасида ҳақиқий ўзбекнинг асл моҳиятини англатишда намуна бўла олган ёзувчи сифатида машҳурдир.

Менимча, Қодирийнинг буюклиги бундан ҳам муҳимроқ омил, яъни унинг нима ҳақда ёзиш зарурлигини тўғри белгилай олганида, деб ўйлайман. Қодирий ёзиш лозим деб ўйлаган ана шундай жиҳатлардан бири унинг инсон руҳий ҳолатини тасвирлашдаги самимиятида инъикос этган. У муҳаббат, нафрат, эътиқод каби умуминсоний туйғулар ҳеч қандай чеғара билмаслиги, улар бутун дунё халқларига хос хусусият эканлигини кўрсатмоқчи бўлган. Менимча, буюк адабиётнинг энг муҳим жиҳати ҳам мана шу туйғуларнинг гўзал тасвирларида акс этади.

Қодирий туркий, форсий ва ҳинд анъаналарида ҳам буюк ёзувчи сифатида намоён бўлади. Унинг асарларида биз дунёни кўра оламыз. Шу сабаб ҳам кимдир уни Истанбулда, яна биров Шерозда ва яна бири эса Ҳиндистонда билмаслиги мумкин эмас. У ягона туркий дунёни кейинчалик турли миллий давлатларга бўлиниб кетишига сабаб бўлувчи 1920–30 йиллар бўҳронидан огоҳлантиришга ҳаракат қилган. У фойдаланган тил барча Ўрта Осиё халқлари томонидан ўқилишга қулай бўлиб, тасвирлаган маданият ҳозирда Туркиядан то Уйғуристон ва Декан водийсигача бўлган ҳудудда амалда бўлган. Бу ушбу ҳудудда истиқомат қилган халқлар учун умумий маданият бўлиб, Ўрта ва Жанубий Осиё халқлари ушбу яхлитликни сақлаб қолишлари зарур, деб ўйлайман.

Марк Рииз, Америка Қўшма Штатлари

* * *

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Шоир Миртемир огир дардга чалиниб касалхонада ётганида, танқидчи Озод Шарафиддинов билан кўргани бордик. Миртемир домла бир оз ўзига келган, бироқ шифокорлар ҳали туришга рухсат бермаган экан. Биз хонага кирганимизда домланинг қўлларида «Ўткан кунлар» романи, ётган жойларида мутолаа билан машғул эканлар. Домла роман орасига хатчўп қўйиб, биз билан саломлашдилар ва китобга ишора қилиб: «Мўъжиза, нақ мўъжизанинг ўзи!» дедилар ва: «Бу галги мутолаа, балким юзинчисидир...» дея жилмайиб илова қилдилар. Маълум бўлдики, Миртемир домла касалхонада бир оз ўзига келиб биринчи сўрагани «Ўткан кунлар» романи бўлибди. Улкан шоирнинг оғир хасталик чоғида хаёлини, дилини ўзига мафтун этган, этолган, юзинчи бор ўқишга ярайдиган китоб ҳақиқатан ҳам, унинг ўз сўзи билан айтганда, мўъжиза!

Умарали Норматов

* * *

Абдулла Қодирийнинг қахрамонлари ўзимизнинг ерли халқдир. Ҳаёт тарзи, ташвишлари, орзу-интилишлари халқимизнинг руҳига том уйғундир. Асарда ўзбекнинг, туркистонлининг, Туркистоннинг руҳий-манавий олами бузилмасдан, бузмасдан акс эттирилган. Унинг ижодини суюмли қилиб турган кўринмас жозоба – сир шу ерда.

Бу асарлар халқ ўз ўтмишидан ҳали тўла узилмаган, шунинг учун ҳам адибларга ўтмишга қайтиб, иш кўриш анча қулай бўлган, ҳали адабиёт сохта ғоялар пойдеворига мажбуран ўтказиб улгурилмаган замонда ёзилиб қолгани фақат Абдулла Қодирийнинг эмас, бутун ўзбек халқининг бахтидир. Шу маънода Абдулла Қодирий шахси ва ижоди кейинги адибларга ўзига хос йўлчи юлдуздир, унга қараб ҳар ким ўзини ва йўлини тўғрилаб олса бўладиган бир маёқдир.

Буюк адибимизнинг иборасини бир оз ўзгартириб айтсак, бугун ҳар бир ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийга қайтиб иш кўрса, ниҳоятда хайрли бўлар эди. Нега деганда бугун бизнинг бошимизга халқимизнинг асл руҳига қайтиш жуда улкан муаммо бўлиб турибди. Абдулла Қодирий эса у руҳ билан туғилган, ўша руҳ ичида ўсган, яшаган ва теварагига ўша руҳ кўзи ила боққан, ўша руҳда туриб асарлар ёзган.

Бугун олтмиш-етмиш яшар чоллар йўқотган том миллийликка йигирма беш яшарлигидаёқ Абдулла Қодирий ҳеч бир зўриқмай эриша олгани шундан. Абдулла Қодирийдан ўрган-сак, суянсак, улги олсак арзийдиган томонларидан энг асосий-си шу деб биламан.

Бугун миллат ўзлигини ахтараётган бир паллада ҳар ким ўтган замонлардаги улуғларимиз қаторида тез-тез Абдулла Қодирийга, унинг асарларига, унинг маъно оламига қайтиб туриши шарт, деб ўйлайман. Қайтса, адибнинг сирли оламига кирса, янгилик сарқитлари ила кирлашган руҳларини «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»даги асл ёмби руҳларга ишқаб юқтириб, тозартиб олса, ота-боболарини таниса, улардан бегонасираш тугул, уларни севиб қолса, деб орзу қиламан. Айниқса миллатнинг ойдинлари, айниқса ёзувчилар...

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

* * *

Абдулла Қодирийнинг беназир романи адибдан «халқ душмани» «ёрлиғи» олиб ташлангандан кейин, яъни ўтган аср 50-йиллари сўнгида яна нашр этила бошлагач, мана шу ярим асрдан мўлроқ даврда адабиёт ва санъат аҳли томонидан неча-неча бора қайта идрок этиш, унинг бетакрор жозибаси, туганмас тароватини қайта-қайта кашф этиш учун не-не талқину тажрибаларга тортилмади. Роман ўз даврида катта адабий-маданий ва, таъбир жоиз бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳодисага айлангани каби, қайта тиклангандан кейин ҳам маданий-маърифий доираларда жиддий воқеа бўлди, маънавий ҳаётини давом эттирди. Ҳали-ҳануз турли авлод, айниқса, кекса ва ўрта ёш авлод учун маёқ, намуна ўлароқ безавол яшамоқда.

«Ўткан кунлар» романи ўзбек халқи маънавияти, турмуш тарзининг қомуси сифатида аллақачонлар умумэътироф топган том маънодаги миллий асардир. Навбатдаги вазифа ана шу «қомус»ни, «намуна»лик рутбасини кейинги ёш авлодларга во-рислик ўлароқ ўткармоқ, романнинг бор ифори, бўю тароватини улар қалбига, вужудига сингдирмоқ, фикр оқимини, фалсафий, сиёсий, маиший ва ҳоказо қарашларини фарзандларимиз онги, тафаккурига жойламоқ, асар – китоб баҳона қадриятга айланган қадриятларни асраб, давом эттирмоқдир.

Биз бугун Қодирий қаҳрамонларига, сўзига, фикрига, жозибасига, маданиятига, лафзу латофатига, ўгиту огоҳлантиришларига ва ҳоказо не-не фазилат-фасоҳатига зор, эҳтиёжмандмиз. Балки маънавий нажотимиз, бу тезкор, шафқатсиз ва беаёв глобал дунё «ўз турмуш тарзи, маданияти» (албатта, гайримаданияти), маишати билан ёпирилиб келаётган оммавий балою таҳдидларга қарши энг асосий қуролимиз асосан шудир. Яъни ўлмас бадий асар мисолидаги миллий қадриятлар, ҳаётбахш анъаналар, безавол ахлоқий мезонлар, билим, маърифат, юксак маданият ва маънавий баркамоллик йўлларимизни ёритувчи машъалдир.

Шуҳрат Ризаев

* * *

Матн:

«-1264-нчи ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш боткан, теварақдан шом азони эшитиладир...

Дарбозаси шарқи-жанубига қаратиб қурилган бу донғдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгалланганлар, саройдаги бир-икки ҳужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила тўла.

Сарой аҳли кундузги иш-кучларидан бўшаб ҳужраларига қайтқанлар, кўб ҳужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хахолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргудек.

Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамак бир ҳужра, анови ҳужраларга кийиз тўшалгани ҳолда, бу ҳужрада қип-қизил гилам, утталарда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларда қора чарог сасиғанда, бу ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда, энгил табиъатлик серчақчақ кишилар бўлганида бу ҳужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда: оғир табиатлик, улуғ гавдалиқ, кўркамак ва оқ юзлик, келишкан қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Бас, бу ҳужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан диққатни ўзига жалб этарлик эди. Қандоғдир бир хаёл ичида ўлтурғувчи бу йигит Тошканднинг машхур аёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли – Отабек».

Матндаги биринчи жумла бир неча содда гапдан ташкил топган мураккаб типдаги қўшма гап кўринишида шакллантирилган. Жумлада учта атов гап, иккита икки бош бўлакли гаплар иштирок этган (биринчи, иккинчи гаплар – атов гап; кейинги гаплар икки бош бўлакли гап). Жумладаги ҳамма гаплар жуда ихчам, содда тузилишда бўлиб, улар ўзаро оҳанг орқали боғланган, уюшиб келган. Санаш оҳанги билан берилишининг ўзиёқ таъсирчанликни ошириш билан бирга, ҳолатнинг аниқ, мантиқли ва тушунарли ифодасини таъминланган. Сананинг рақам билан ҳамда *ҳижрия* сўзи билан берилиши асарнинг тарихий эканлигини аниқ кўрсатиш учун хизмат қилдирилган. Бошқача тарзда бериш ҳеч мувофиқ эмас. Кейинги гапдаги *далв* сўзи ҳам ана шу мувофиқликни таъминлашга хизмат қилдирилган. Гапни *Бу кун (бугун) далв ойининг ўн еттинчисидир (ўн еттинчиси ҳисобланади)* тарзида тузиш ҳам мумкин эди. Бироқ бунда ихчамликка путур етади. Учинчи – *қишқи кунларнинг бири* гапининг шу тарзда бир бош бўлакли қилиб берилиши ҳам ана шу қисқаликни таъминлаш, уюшиқликнинг талабига мувофиқ шаклини сақлаш учун ҳамдир. Тўртинчи гап содда йиғиқ шаклда берилган (унинг *қуёш ботган пайти* қисми кесимдан иборат. Охириги гап содда ёйиқ гапнинг энг қисқа кўринишидадир.

Гап охиридаги *эшитиладир* кесими ўша давр тили учун меъёр ҳисобланган шаклда – *дир* аффикси билан берилади ва матнга қисман тарихийлик маъно қиррасини илова қилади. *Шом азони эшитиладир* бирикмаси таркибидаги *намози, бизга* каби бўлаклар туширилган (бошқа сўзлар ҳам бўлиши мумкин, масалан, *намози, учун, айтилган* сўзлари). Буларда ҳам ихчамлик ва шу орқали таъсирчанлик таъминланган. Жумла охирида уч нуқта (...) берилган бўлиб, бу пайтга алоқадор бошқа ҳолатлар ифодаси учун қўйилган. Ана шу ҳолатларда ишора қилиш вазифаси шу уч нуқтага юкланган ва тасвирни яна давом эттириш мумкинлигини билдиради, ўқувчини ўйлантиради, фикрлашга чорлайди. Олдинги гапларда от кесимларнинг берилиши билан чекланиш (*ҳижрия, ўн еттинчи, бири* кабилар) ўзини оқлаган – ихчам ифодани таъминлаган. Парчадаги кейинги жумла икки ёйиқ, уюшиқ бўлакли содда гапларнинг боғловчисиз, боғланишидан тузилган боғловчисиз қўшма гаплардир. Гап кесимлари *эгалаганлар* ва *тўла* сўзлари билан ифодаланган (феъл кесим+от кесим).

Биринчи гапда Тошканд, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари номларининг қайд этилиши бу шаҳарлар савдогарларининг Марғилон шаҳри билан савдо муносабатини алоҳида таъкидлашга хизмат қилдирилган. Кейинги гапдаги *истисно қилиш билан* бирикмаси *истисно қилганда* бирикмасига нисбатан бадийроқ чиққан (кўмакчили қурилма келишикли қурилмага нисбатан таъсирчан ва аниқроқ ифодалаш хусусиятига эга бўлади). *Бошқалари* сўзи отлаштирилган, яъни *бошқа ҳужралар* бирикмаси шу йўсин ихчамлаштирилган. *Мусофирлар билан* бирикмаси *мусофирлар* ила тарзида поэтиклаштириб берилган. Ёзувчи асар матнида *билан* кўмакчисини анча ўринларда *ила* шаклида берган. Бизнингча, мақсад бадийликни ошириш бўлгандек. *Тўла* кесимидан сўнг *эди* тўлиқсиз феълени қўллаш ҳам мумкин эди. Бироқ қисқаликка зиён бўлармикин? Матндаги *сарой аҳли* бирикмасида, аввало, қаратқич келишиги белгисиз қўлланган ва бу шундай бўлиши зарур эди – меъерий ҳолат, иккинчидан, бирикмада *саройда* яшовчи хизматчилар ва савдогарлар ҳам кўзда тутилган. Гапдаги «иш-кучларидан» қўлланиши ўзига хос бўлиб, жуфтлаб бериш орқали ёзувчи савдогарлар ва бошқа хизматчиларнинг асосий ишлари ва қўшимча юмушларини бўрттиришни назарда тутган.

Иш-кучлари таркибидаги *кучлари* сўзи ишдан ташқари бошқа юмушлар, ташвишлар маъносини ифодалаган.

Яшаш жойлари – хоналари маъносида *ҳужралари* сўзининг ишлатилиши ўша давр руҳига жуда мос келган – тарихийликни билдиради. *Қайтганлар* сўзи таркибидаги – *лар* қўшимчаси ўринли қўлланган. Матндаги *кечлик* (ҳозирги кунда *кечки* тарзида қўлланиши меъёрдир), *ош* (матнда, умуман, овқат маъносида қўлланган), *ила*, *машғул* сўзлари бошқа сўзларга мувофиқ қилиб танланган ёки шакллантирилган.

Сарой жонлиқ бирикмасидаги *жонлиқ* сўзининг қўлланиши ҳам *кечлик* сўзи қўлланишига мутаносиб тарзда берилган ва экспрессивлик учун хизмат қилади (ҳозирги кунда *кечки* ёки *жонли* тарзида қўлланиши меъёрдир). Гапнинг изоҳни ташкил этувчи *шақиллашиб сўзлашишлари*, *хаҳолаб кулишишлари* каби қўшилмалар таркибида ишлатилган – *ш* қўшимчаси биргалик-қўплик ҳамда, водийча, ҳурмат маъносини бўрттириш учун хизмат қилдирилган. Чунки бу сўзларни *шақиллаб*, *сўзлашлари*, *кулишлари* шаклларида берганда ҳам биргалик маъноси

ифодаланаверади. – *ш* қўшимчаси орттирилганда эса, асосий маънога ҳурмат маъно қирраси ҳам юкланади. Гап охирида ишлатилган *кўкка кўтаргудек* ибораси ўзига хос тарзда таъсирчанликни, образлиликни бўрттирган.

Кейинги жумла *саройнинг тўрида* бирикмаси *сарой тўрида* ёки *саройнинг тўрида*, *саройнинг юқори қисмида*, *юқорида*, *юқори томонида*, *тепа қисмида* каби шаклларда ҳам берилиши мумкин эди. Бироқ ёзувчи *саройнинг тўрида* шаклини маъқул кўрган. Чунки бу шаклда – *си* эгалик қўшимчаси ҳамда *қисмида* сўз шакли эллиптик ҳолатда берилиб, таъсирчанликни таъминлаган, сарой қисмига нисбатан ёзувчининг ижобий муносабати ифодаланган. Бу ўринда ҳам *бошқаларга* сўзи отлаштирилган ҳолда берилган ва унга *анови* сўзи зидлаштирилган, гап давомида *кийиз* сўзини кузатамиз (ҳозирги кунда *кигиз* шакли меъёр ҳисобланади). Берилган матндаги бир ҳолатда *тўшалгани* ҳолда қўшилмаси қўлланиб, кейинги тасвирда бу *ҳужрада қип-қизил гилам* гапи қайд этилиб, бу олмоши юқоридаги *бир ҳужра* қўшилмасидаги *бир* сўзи билан вазифавий синонимликни ҳосил қилган ҳамда *тўшалган* ёки *солинган* сўзи атайлаб туширилган (яъни, *қип-қизил гилам тўшалган* тарзида ҳам бериш мумкин эди).

Шундан сўнг уюшиқлик давом эттирилиб, *анови* сўзи *утталарда* сўзи билан алмаштирилган ва тил ранг-баранглигини таъминлаган. Ёзувчи *ановиларда кийиз тўшалган* қўшилмани *анови ҳужраларда кийиз тўшалган* шаклида ҳам берса бўлар эди. Лекин у бундай қилмади. *Анов* сўзини отлаштирамай қўлади, *утталарда* сўзини эса атайлаб отлаштиради (*ҳужра* сўзи туширилди). Шу тарзда *тўшалгани* ҳолда қўшилмаси ўрнида бўз кўрпалар кўрилган бўлса, бунда *ипак ва адас кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиғанда* бу *ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиъатли серчақчоқ кишилар бўлганида* бу *ҳужранинг эгаси* ҳам *бошқача яратилишда*: тарзида, *тўшалгани* ҳолда ўрнида баъзан ташлаб кетиш, баъзан эса *кўрилган бўлса* (шарт шакли) шаклини қўллаб алмаштириш, бу *ҳужрада* бирикмаси ўрнида бунда сўзининг ўзини қўллаш ёки бунда сўзига зид равишда *наригиларда* сўзига бу *ҳужрада* бирикмасини зидлаш, *ўзга ҳужраларда* бирикмасига бу *ҳужранинг* шаклини-да зидлаб бериш, *бўлганида* шарт шаклини ишлатиш (хуллас, *анови ҳужраларга* қўшилмасига бу *ҳужра* қўшилмаси, *утталарда*

олмоши қўлланган ўрнига унга бунда олмоши, наригиларда сўз шакли ўрнида бу ҳужрада, ўзга ҳужраларда бирикмаси ўрнида бу ҳужранинг сўз шакллари зидланишлари қиёсланиб, уйғунлаштириб, таъкидланиб кўрсатилган) кабилар асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаш билан бирга, унга алоҳида ритм-куй-оҳанг бағишлаган. *Кийиз сўзига қип-қизил гилам, бўз кўрпалар бирикмасига ипак ва адрас кўрпалар, қора чароғқа шам, енгил табиъатлик серчақчақ кишиларга оғир табиъатлик, улуғ гавдалик, кўркама ва оқ юзлик, келишкан қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган йигит* сифатлашлари зидланган. Шеърятдаги тазод санъати насрга кўчирилган каби.

Хуллас, матнда ҳар бир товуш, қўшимча, сўз, бирикма, гап турлари, уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақ, феълнинг нисбат ва бошқа шакллари олмошлар, сифат ва унинг даража шакллари, (от туркумига оид) турдош ва атоқли отлар, юклама, боғловчи кўмакчиларнинг ҳар бири ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ ишлатилган (*ила, билан, ва, ҳам, бас, қараганда, бири* каби сўзларнинг қўлланишига эътибор беринг), ҳар бир шакл, сўз шакл маълум бир аниқ вазифани бажарган.

Қўлланилиши мумкин бўлган бирликлардан энг мақсадга мувофиғи танлаб ишлатилган (*-дир* қўшимчасининг қўлланишиёқ буни исботлайди). Берилган матнда ортиқча сўз, жумла, бирикма йўқ. Такрор қўлланган сўзлардан ҳам бирортасини тушириб қолдириш мумкин эмас. Асарнинг (Абдулла Қодирий бадий асарларининг) барча қисмлари – тўлиқ матни, ҳеч бўлмаганда, юқоридаги тарзда таҳлил қилиб чиқилганидан кейингина Абдулла Қодирий асарларининг тили хусусида аниқ бир баҳони бериш имконияти туғилади. Албатта, бундай таҳлилларсиз ҳам ёзувчи асарлари тилига баҳо бериш мумкин. Бироқ бу баҳо нисбийлик характеридаги баҳодир. Ёзувчининг «Ўткан кунлар» романи тили ҳақидаги барча ижобий фикрлар, қанчалик асосли бўлмасин, ҳали қиёмига етказилиб айтилган фикрлар эмас, нисбий фикрлардир. Юқорида берилган таҳлиллар ҳам «Абдулла Қодирий ўз асарлари тилига жиддий эътибор билан қараган, у халқ тилини билган, унинг имкониятларидан маҳорат билан фойдаланишга ҳаракат қилган», – деган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади.

* * *

Севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг бадиий ва публицистик асарлари халқимиз маънавиятини, басиратини, доширманлигини, ҳаётга фалсафий қарашини, дўстга қадршунос, душманга меҳрпардоз эканлигини том маънода акс эттирувчи сўз маъданидан ясалган кўзгудир. Унинг «Ўткан кунлар» романи халқимизнинг ўтмишини танқидий ёритиб, келажакка катта фалсафий, сиёсий ва миллий манфаатдан келиб чиққан ҳолда назар ташлашга ўргатади.

**Сирожиддин Аҳмад,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
санъатшунос**

* * *

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА МАКТУБЛАР

Аросатлик дамларим

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик», дейдилар. Шунга кўра мактубимни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг қора дамлари бўлган кейинги «аросатлик замонлари»дан белгиладим.

Бундан чамаси ўн йиллар аввал лицейнинг биология-кимё йўналишида ўқиётган кезларим. «Ўткан кунлар» рўмонингизни илк бора ўшанда қўлимга олганман. Зўр иштиёқ билан китобни ўқишга киришдим. Таассуфлар бўлсинким, китобдаги «Отабек Юсуфбек Ҳожи ўғли» номли фаслининг ўзиёқ мени зериктирган. Маъзур тутгайсиз. Гўё сўзлар жўн жумлалардек туюлиб, мени ўзиға тортмаган. Тили ҳам мураккаб. Шу боис, муқовани ёпиб, китобни қайтариб топшириб юборғандим. Бунинг учун мени урушишға, койишға ҳаққингиз бор. Ҳақиқатда ўзбекнинг бўйи етган боласи учун «Ўткан кунлар»ни ўқимаслик уят. Йиллар ўтди. Адабиётга қизиқа бошладим. Такдирнинг иноятини қарангки, унга ҳақиқий меҳрим йигирма бешдан хатлаганимдан сўнг бошланяпти. Сиз эса бу ёшда аллақачон «Ўткан кунлар»ни ёза бошлагансиз...

Келажак адабиёти

Ойтғонингиздек, биз ҳам янги даврга оёқ қўйдиқ. Шундай экан, бас, ҳар бир йўсинда шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашяпмиз ва шунга ўхшаш рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Отабек – Кумуш»лари ва «Анвар – Раъно»лари билан танишдиришка ўзимизда мажбурият ҳис этишга чоғланяпмиз...

«Ўткан кунлар»га қайтиб

«Ўткан кунлар»ни шу кунларда ўқидим. Ҳеч ҳам зерикарлик эмас. Тили ҳам ширин. Хушомадга йўйманг-у, унинг «шева»си ўзбек адабий тилининг тамал тоши. Ўзбекистондаги-Туркистондаги турли хил элат авлодларини бирлаштириб турувчи тил.

Чиройлилигидан мактубни ҳам мазкур тилда битишга уриндим. Яқин-яқингача тенгдошларим орасида «Ўткан кунлар» ҳақида гап кетганда мавзунни бошқа ёққа буришга ё бўлмаса, суҳбатдан қочишга уринардим. Бугун эрса китобни ёшлигида-ёқ ўқиган дўстларим билан бемалол мулоҳаза юрита оляпман. Гўё энди уялмайдигандекман. Бироқ қанчалар аччиқ бўлмасин, донолар айтган ўша машҳур гапда жон бор: «Ўткан кунлар»ни уч хил ёшда ўқиган одамда у ўшанча таассурот қолдиради». Биринчисидан айрилганимга ўкинаман. Иккинчисига етказганига шуқр. Учунчиси – ҳамма биродарларимга насиб этсин.

Хотима

Кўнги қурғур нозик экан. Ўзингиз Кумушни ўлдириб қўйиб қандай йиғлаган бўлсангиз, мен ҳам ушбу битикларни ёзатуриб кўзларимда ёш қалқди. Қаранг, мақсад сиз ҳақингизда гаплашиш эрса-да, унга ўз ҳасратимни ҳам қўшдим. Ҳали мактубни қай манзил сари элтишни ҳам билмайман. Кечиринг: манзилнингизни топа олмаганим учун, китобингизни кеч ўқиганим учун, шу ёшимгача адабиётга жўялик нарса қўшмаганим учун...

Куюнчак мухлисингиз
Фозил ФАРҲОД

Мабодо «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг айрим ўринларига, (агар мумкин бўлса) бундаин диний талқиндан баъзи андишаларга борилса, жавоби ўзида. Асарларни нақадар ёқимли, ўқувчига яқин қилган омиллардан бири – ширали тил; кўнгилларни кўтаринки кайфиятга солган сабаб – диний рух; синчковлик ва ҳушёрликка ундовчи, яхшилик ва муомалага рағбатлантирувчи унсур – исломий одоб-ахлоқ; шиддат ва ҳаловат бахш этувчи нур – иймон. Зеро, шундай экан, динни ҳаётдан, адабиётдан ажратган ҳолда тушуниб бўлмайди. Қолаверса, сўзнинг ўзини Аллоҳ ато этса-ю, ундан яралган

«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»даги диний сифатларнинг қадрига етмасак, қандай бўларкин?

Баҳодир Мурод Али

* * *

Ривоят: Набира бобосидан: «Бу ҳаёт нима?», деб сўради. Бобо: «Азон ила намоз орасидир», дейди. «Бу нима деганингиз, бобожон? Умр шу қадар қисқами?»

«Ҳа, шу қадар қисқа, аммо бу азон ва намоз нима эканини биласанми?»

Албатта, набира бунинг маъносини билмас эди.

«Азон – бу намозсиз азондир, яъни одам туғилган пайтда қулоғига азон айтилади, бироқ намоз ўқилмайди.

Намоз – бу азонсиз намоздир, яъни инсон ўлганида жаноза намози ўқилади, аммо азон айтилмайди. Мен шуни назарда тутдим, тойчоғим!»

Ривоят мазмуни шундай ва негадур мен Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини, чексиз замон қаршисида бир неча сонияга ўхшаган инсон умрининг сувратини абадийлаштирган романни шу ривоят ичига жойлангандек кўраман.

«Ўткан кунлар» шакл эътибори билан ҳам, мазмун ва моҳият эътибори билан ҳам азон ва намоз оралигидаги микрооламнинг макросувратидир.

Баҳодир Карим

* * *

Абдулла Қодирийнинг «... қалам ўқлоғи ва кетмон бозори эмас», – деган сўзлари барча таҳририятларда ҳар куни эрталабдан қўлига қалам тутиб, қоралашга аҳд қилган бир журналист томонидан уч карра такрорланса ҳам ортиқчалик қилмайди.

...У ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳеч бир долзарб масала-муаммосига, она халқи тақдирига, янада фаровон, янада адолатли жамият барпо этиш масалаларига бефарқ-беэтибор қолмаган чинакам фидойи, чинакам зиёли фуқаро сифатида ўз қарашлари нуқтаи назарини очиқ-ойдин, ошкора матбуотда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Шоирона ташбех қўлланилганда у ўз жамияти ва ўз даврининг қалбига, юрагига айланган ва ана шуларнинг «ажри – мукофоти» сифатида эса...

Хушид Дустмуҳаммад

* * *

«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ўқиган ҳар бир ўзбек ўтмиш тарихимизда Отабеғу Кумуш, Анвару Раъно, Юсуфбек ҳожию Мирзакарим қутидор сингари ажиб фазилатли сиймолар бўлганидан, ўзи эса уларнинг авлоди эканидан фахр этмоғи, шубҳасиз.

Ана шундай қахрамонларни сеҳрли қалами билан тирилтириб, халқимизга ғурур бағишлаган Қодирий даҳосига ҳар қанча таъзим қилсак кам.

Эркин Аъзам

* * *

Адабиёт тарихида ёрқин из қолдирган истеъдодлар оз эмас. Лекин йўлбошловчи асосчилар ҳам ҳар доим бармоқ билан саноқли бўлган. Бунинг учун ижодкорга унинг фавқулодда қобилияти ва жузъий саъй-ҳаракатидан ташқари кулли идора – Яратган Эгамизнинг алоҳида хайрихоҳлиги сув билан ҳаводек зарур. Бу жуда катта ижодий потенциал билан ўз вақтида – тарихий-сиёсий, ижтимоий-психологик, эврилишлар кучоғида, жамият тубдан янгиланишларга ўта кучли эҳтиёж сезган замонда тугилиш деганидир. Шу маънода уларгача, эҳтимол, фақат Навоий бор эди. Кейин – Қодирий ва унинг сафдошлари дунёга келдилар. Абдулла Қодирий ижодкор сифатида бахти кулган адиб ва у ҳақли равишда янги давр ўзбек адабиётининг энг ёрқин йўлбошловчи-асосчиларидан ҳисобланади.

Улуғбек Ҳамдам

* * *

Миллатамиз тарихида жаҳоншумул улуғ сиймолар жуда кўп, аммо Қодирий «Ўткан кунлар» китобида биринчи бўлиб, хусусан Амир Темур жанобларига энг юксак унвон «доҳий» – деб таъриф бериб ўтадилар. Агар узоқ умр насиб этганида Абдулла Қодирий, албатта, ўша орзулаган романлари қаторида Соҳибқирон ҳақларида, фотиҳ мирзо Бобур ҳақида бетакрор асар ёзган бўлардилар, деб ўйлайман. Негаки улуғ адиб асарларидаги юксак миллий рух, тарихимизга бўлган чуқур эҳтиром шундан дарак бериб туради.

Бахтиёр Ҳайдаров

* * *

Муҳтарам адабиёт муҳибларига, ардоқли адибнинг азиз мухлисларига кичик бир хизмат қилиш ниятида Тангри таолодан мадад сўраган ҳолда иш бошлаган эдик. Алҳамдулиллаҳки, мукамал асарлар тўплами билан танишиб чиқдингиз. Расули Акрам алайҳиссалоту васалламнинг: «Инсонларга яхшилиқни ўргатиб, ўзини унутган киши инсонларга ёруғлик таратиб, ўзини эритган мум кабидир», деган ҳадисларининг исботини тарихда ўтган кўп алломалар қатори Абдулла Қодирийнинг мазмунга бой ҳаётларида ҳам кўрамиз. Шарафли ҳадисдаги: «Ким бировга бир нарса ўргатса, ундан ўрганиб, амал қилган одам савобича савоб олади», дейилган ҳикматга кўра, бу китобларни ўқишдан ва уқишдан, мағзини чақишдан ва амал қилишдан ҳосил бўлган савоблар улуг адибнинг пок руҳларига етиб боражак, деб Аллоҳдан умид қилиб, сизлар билан биргалиқда дуога қўл очамиз-да, миллат фаҳри Абдулла Қодирий ҳақларига, ул табаррук зотнинг аждодлари ва вафот этган авлодлари, устозлари ва шаҳид кетган ҳамкасблари ҳақларига дуолар қилишларингизни сўраймиз.


Фоний дунё азобларини кўп тотган миллат фидойиларини Аллоҳ таборак ва таоло боқий дунёда дўзах азобларидан асраб, жаннатда Ўзининг васлига етказсин. Аллоҳ ул фазилатли зотларнинг тавбаларини қабул этсин, билиб-билмай қилган гуноҳларини кечирсин. Жаннат ҳаволярида эркин нафас олиш саодатини насиб этсин.

Умидимиз шулки, адабиёт муҳиблари устоз адиблардан розидурлар, ҳақиқат йўлидан тоймаган, ватанпарварликлари учун миллат розилигига эришган ул табаррук зотлардан Аллоҳ рози бўлсин ва номаи аъмолларини ўнг қўлларидан олмоқликларини насиб этсин. Бизларга бебаҳо мерос қолдирган устозлар, хусусан, Абдулла Қодирий ҳазратлари бизлардан рози бўлсинлар.

«Аллоҳ олимдир, олимларни севадир» ҳикматига кўра Аллоҳ таоло ардоқли устозларимизга қиёматда муҳаббат назари билан қараб, шаҳиди аъло мартабасини бергай, барча шаҳид устозларни Ўзининг қарам ҳовлисида тўплагай ва уларга комил мукофот ато этгай! Омийн йа Роббил олабийн!

**СУРАТЛАРДА
ҚОЛГАН
ТАРИХ**

«Йиғинди гаплар» мақоласининг қўлёзма нусхаси



3

بولسا

که لاس ~~...~~ 24 تا شد هر یک یک آنگاه ~~...~~
بولسا بر قونیا ~~...~~ توش کیز ~~...~~

~~...~~ ادلاوگ ایشک بولسا-کو

~~...~~ نسته تنی - خیر که قیلک روز ناکلی

یا خوزور بیه ووز ~~...~~ کت قایردا ایسک بولکی

هر ~~...~~ خیر ~~...~~ ^{مک آده نفا} نسته ~~...~~ یا خوز

~~...~~ 979 ته ازیله آنا سیز زکتر گنه

گوده کاتنه ~~...~~ توغریسیدا ایسک. شوز امانده کی

آده لارغا عصب ~~...~~ حیران قالامه . ~~...~~

۴

بسم الله الرحمن الرحيم

خداوند منم که این کتاب است کتاب به غیر آنکه کوشش
 سبب بر کوشی کوره یا بتی ~~بسم الله الرحمن الرحيم~~
~~بسم الله الرحمن الرحيم~~
 عزت منک و جودت منک
 کوشش این کتاب تورعانه پیشک - بیلک ، نویه بیلک
 جهانگیر هم سرور منی بر منم معلوم ای منم - ایندی
 بر ملکیده بقده - کتاب کوشش ~~بسم الله الرحمن الرحيم~~ کوشش
 منکند هودوکلای هم بر کوشش کورک کینه را در ب
 بقده بر منم بک اوجانغا کا سا دولا یا کی
 ادرایا کوشش ~~بسم الله الرحمن الرحيم~~
 آت قاتر ~~بسم الله الرحمن الرحيم~~ آخذت قاتر

اگر قیام بر لا بولار تو! ~~تو~~ بولغان قورالغا

بارا ماناس - ~~منه قالمسا~~ مونداع ~~میدون~~ که بیلر ~~نیز~~

~~قافوسینی~~ جیکش ~~هوج~~ ~~نیز~~ ~~بیلر~~

~~منه~~ ~~منه~~ قاترغان ~~که~~ ~~بیلر~~ ~~نیز~~ ~~منه~~ ~~منه~~

~~منه~~ ~~منه~~ بولک ~~نیز~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

خار ~~منه~~ ~~منه~~ قورالغا ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

بیلر ~~منه~~ ~~منه~~ زیبا ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

~~منه~~ ~~منه~~ سیدر ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

بولغان ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

~~منه~~ ~~منه~~ اوران ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~ ~~منه~~

منه
منه
منه

۱۵

۱۸

~~بدرستی مثل کینه بود~~

زیبا لیس ^{سینه} زیبا ناله هیزلار دیک

توبه کایلا آلوده من قزلار دانه

آخوند بابا اوغلی کبی بیر کیرک

با ایلار دانه آلدوس بیر کیرک!

دیگر نه...

زیبا لیس، زنگ نه قیدک توپر که ز حاله به سه نیا هیزلار

ایمانی سؤسویب قارشی سیداعی هیزلارنی تهریم

توبه کایلا کونفان

حاقیر ادر و نه هیزلار هم تهریم - تهره لادغله تل آجید

نه کیم لیک آمانغا باش ادر ادر لانه...

که کمال بوده و در استغفار استناد می

یوقم آردند ^{تا روز} بیگانه کبریا صفای در خلوق یوق برات بود

استانار لیک که لک که در در لک آغز

تدبیر بار:

تد حکمتیک

سیله میسال بیرشد اوجون تد بیخی سه عو کاهه یا که لیلک

رومیه سیله موراجعه تا قبل اولتره مالک. میسالی خوددی

نه فسر و مونه که لکده ان ~~استغفار~~ نیست:

بینه هر کوفی خوداغا توقوز نه رتبه عاسی بولب اول

سه لک نه رتبه تد به استغفار که بتمهون. ~~استغفار~~ عیاشی

بولفانید

پایان استغفارم ~~م~~ دست ~~استغفار~~ ده لیک عیاشی

6

از در این

تالعات سینه هم جوده از ~~...~~ به سر آفرین ایتم ای تر مال:

~~... در آن دور که بودم قلعه ...~~

حقیقت ~~...~~ بودیم بولک ~~...~~ به برده ~~...~~ که رنگ

اگر ناراما سیدر، قولق بویاد قلعات ره سوا ~~...~~

در آن ~~...~~ سوا سیدر. از بوتلیفین ساقای آملک

باشقا عایان به لاس!

~~...~~ که در کیم رنگ نه و بیس

باشین بیس سینه بولساک این کلان عالم آنگنی

چوه دی! ~~...~~ حقیقت آلدیا بودی نیگش

~~...~~

نه و بدی ~~...~~ عاودا در

7

رونش اولم و ننگه ۱

۲۵
اوز ننگه قافلا

بیر اسطوفاقی مونا سبب تی بیلدیر و قافلا باشقا اسطوفاقار

هم یاسالار ایس ایدین ایستیرم. دهرم قیغیت مرمه لکته

اسطوفاقی موصفاج مرسه لکله کوبه ایدین. مرسه لک اوله خلاصه

عرق و سه به سیرت اسطوفاقی ~~موصفاج مرسه لکله کوبه ایدین~~

اسطوفاقی موصم و رر لکله قیل و ننگه اسطوفاقی سبب لکله


اسلوب و نه افاده اسطوفاقی اسطوفاقی کوبه ایدین اسطوفاقی قاسطوفاقی

قتل ...
 بن فاضل ...
 حاکم ...
 قتل ...
 مورث ...
 ادکل ...
 که کج ... لازم
 بو (۲۷۸)
 در مجلس ...
 در ...
 اسل ...

Бу фожиа Қизил сармоя ва истибдод ҳукуматининг ишчилар билан ваҳшиёна муомиласини қизил саҳифаларимиздан жонландирғанидек, ўзбек ишчи-деҳқон учун ўткан кунларни хотирлатиш йўлида энг яхши мутолаа китобидир. Босилиши, албатта, лозим.

Бу (270)нинг гўё давоми мақомида, интиқом мажлиси. Менга қолса бизнинг ишчи-деҳқонларга янгилик бериши учун 270нинг кетига тиркалиб босилсин, дер эдим.

Бу сатрлар «Йиғинди гаплар» мақоласининг сўнги орқа бетида илова тарзида ёзилган эди. Муаллифнинг дастхати сифатида эътиборингизга ҳавола этилди.



1926 йилдаги суд жараёнида Абдулла Қодирийнинг
ёзган аризаси ва унинг табибли


ТОШКАНД МУЗОФОТ ПРОКУРОРИГА

Махбус ва маъюб Абдулла Қодирийдан

ГПУда маним ишим кўрилиб, сен подлўг ясағансан деб, менга 116-нчи истатя берилган. Бунинг учун «Бон-бон» сарлавҳалик мақола орқасидағи аслида (босилсин) деб қўйилған резолютсияни кимлар тарафидандир менга қарши ёмон ният билан (босилмасин / М) деб «М» имзосини қалам билан ўчирилған ҳолда кўрсаткан эдилар. Бунда (босилмасин) сўзи ўчирилмасдан фақат (М) ёки (муҳаррир) сўзи ўчирилған эди. Бугун сизнинг терговчингиз келиб, тахминий шу резолютсияни менга кўрсатканида тепасидаги (босилмасин / М) резолютсиясини (босил / М) ҳолида кўрдим. Қуйида имзо ўчирилған бўлиб фақат (босил) сўзини охири резинка билан қирилиб ташланубдир.

Ҳолбуки, илгари менга кўрсатилған ўша оригиналнинг орқасида мундоғ эди: биринчи мартабада (босилмасин / М), энди босил / М, фақат босилнинг охири у биринчи мартаба кўрсатилган. Бу менга қарши сохта ёки сунъий тусдаги даражада ва изоҳот ёзиб, ГПУнинг терговчиси ўртоқ Агидуллинга топширған эдим. Кўпияси ўзимда сақланадир. Шу тўғрида сизга билдириб қўйишни мувофиқ кўрдим. Терговчингизга айтишга ўзимнинг ниҳоятда оғир ҳолда бўлған соғлиғимнинг йўқлиғи, яъни дармонсиз ва хотирамнинг барбодлиги сабаб бўлибдурким, буни терговчингиз ҳам иқрор қилса керак. Ўзининг ёнида мени дўхтир кўриб, ҳолимнинг ёмонлиғини айткан эдиким, наки буни ўртоқ терговчи ҳам ўз қулоғи билан эшитмиш.

Абдулла Қодирий. 11 IV.26 й.




Ўртоқ Сафарўф!

Сиз менга, молия ҳамда боғ мудирлиги учун бир ёш мутахассис топиш керак, деган эдингиз. Мана шу хат билан борғучи ўртоқ Тавалло (шоир)ни хизматка олсангиз, жуда ҳам ишларимиз жойида кетар эди. Бундан ташқари ўзи союзга ариза берган, эҳтимол қабул ҳам қилинган. Ўртоқ Мажидий ва бошқалар уни танийдилар.

Хурмат билан Абдулла Қодирий
4/VI 34 г.

Хўжамёровга қайтариб берингиз
Имзо: Сафаров

18/IX



Чет эл ёзувчиларининг асарларидан қилинган
 таржималар рўйхати



Тошкент шаҳар, Бешёғоч даҳа, Эшонгузар маҳалласидаги ҳовли.
1894 йилнинг баҳорида мана шу ҳовлида Абдулла Қодирий
туғилди. Шу ҳовлида «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»
романлари ёзилди



Рус-тузем мактабининг ўқувчилари



Рус-тузем мактабининг ўқитувчилари:

Алижон домла Ражаб ўғли – диний илмлардан, араб ва форс тилидан дарс берган, Леонид Дмитриевич Пудовкин – рус тили қоидаси, сўзлаш, хуснихат ва илми ҳисобдан дарс берган.



1912 йил. Абдулла Қодирий
мадраса талабаси



1922 йил. Абдулла Қодирий ўғли
Ҳабибулла билан



1925 йил. Абдулла Қодирий маҳалладоши Низомиддин мулла
Хусайн ўғли билан



1923 йил



1932 йил. Садриддий Айний ва Абдулла Қодирий Москвада,
Совет иттифоқи Ёзувчилар уюшмасининг
ташкилий комитети пленумида



1935 йил. (Ўнгдан) Шокир Сулаймон, Абдулла Қодирий,
Садриддин Айний, Гафур Гулом ва орқада тожик шоири
Абдусалом Деҳотий



1934 йил. (Ўтирганлар чапдан) Анқабой, Абдулла Қодирий, Раҳмат Мажидий, Акмал Икромов, Фафур Гулом, Отажон Ҳошимов ва бошқалар.



1935 йил. Оила даврасида. (Ўнғдан) Ўғли Ҳабибулла, қизи Назифа, ўғли Масъуд, Абдулла Қодирий, онаси Жосият биби, қизи Адиба, рафиқаси Раҳбарниса, қизи Аниса.



Рафикаси
Раḥбарниса
Расулмуḥаммадбой
қизи



Абдулла Қодирий-
нинг акаси –
Раḥимберди
Кодир ũғли



Абдулла Қодирий-
нинг укаси –
Қудратилла
Кодир ũғли



Маḥбусликда





МУҲАРРИР СЎНГСЎЗИ

Абдулла Қодирийнинг 5 жилдлик мукамал асарлар тўпламига муҳаррирлик қилиш “Info Capital Group” нашриёти раҳбари, олижаноб инсон Баҳодир Ҳусанов томонидан бизга юклатилгани, ростини айтсам, катта ишонч, масъулият, айти пайтда шарафли иш бўлди. Шу баҳона сеvimли адибимиз ижоди билан тўлиқ танишиш имконияти туғилди. Авваламбор, Абдулла Қодирий асарлари нашри устида шу чоққача ишлаган барча адабиётшунос олимлар, ноширлар, муҳаррирлар, мусахҳихлар, матбаачилар, тадқиқотчилар, мутаржимларга миннатдорчилик билдирамиз. Қолаверса, адибнинг набираси, тиниб-тинчимас Хондамир Қодирий саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. У билан яқиндан танишиш, китоблар таҳрири юзасидан 2016 йил ноябрь – 2017 йил июнь ойлари оралиғида муттасил маслаҳатлашиш, суҳбатлашиш, айрим масалаларга аниқлик киритиш, китобларнинг саводлилик даражасини ошириш юзасидан фикр алмашиш асносида сеvimли ёзувчимиз сирли оламига янада чуқурроқ кириб бордик. Абдулла Қодирий сиймоси ҳақидаги олдинги тасаввуримиз анча юзаки эканлиги ойдинлашди. Қарийб саккиз ой давом этган мутолаа ва таҳрир даври, муболағасиз, ҳаммамиз учун ҳам ўзига хос мактаб бўлди.

Аввал адибнинг асарлари бундай шаклда тўлиқ чоп этилган эмас эди. Ушбу мукамал асарлар тўплами Абдулла Қодирий ижоди ҳақида яхлит, тугал тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Асарларнинг ҳақиқий баҳосини вақт белгилайди. Тарихимизнинг энг мураккаб, қийин даврларида ҳам “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” бекитиқча уйларда, болохоналарда, ертўлаларда, пана жойларда шамчирок, ой ёруғида мутолаа қилинган. Эътиборингизга ҳавола этилган қўлингиздаги ушбу беш жилдлик асарлар ҳам доим севиб-севиб ўқилади, Қодирий сиймоси ва ижоди ҳақида ўлмас таассуротлар қолдиради, деган умиддамиз.

Мазкур беш жилдлик мукамал асарлар тўпламини чоп этиш ишида иштирок этган барча ҳамкасбларга ҳам миннатдорчилик изҳор этамиз.

Мундарижа

| | |
|--|----|
| Тикланган ҳақиқатнинг бадиий инъикоси | 5 |
| Ота ўғли | 6 |
| Абдулла Қодирий ижодида миллий қадрият | 8 |
| Муаллифдан | 23 |

I боб

| | |
|---------------------------------|-----|
| Бобом | 25 |
| Ўн икки болани ерга қўйиб... .. | 29 |
| Мактабда | 33 |
| Қодирий – приказчик | 38 |
| Биринчи қадам | 39 |
| Ижодий ўсиш | 41 |
| Инқилоб йилларида | 44 |
| Жулқунбой – матбуотчи | 52 |
| Москвада | 68 |
| Жулқунбой тўғрисида | 69 |
| Мушкул кунлар | 74 |
| Тахаллуслар | 104 |
| Калвак махзум... .. | 108 |
| Тошпўлат тажанг... .. | 114 |

II боб

| | |
|---|-----|
| «Помир тоғларидай пайдо бўлди...» «Қалами туғма эди...» | 118 |
| «Ўткан кунлар» | 126 |
| Сиз оёи эмассиз-ку? | 130 |
| Шаҳар ҳовлимиз, Қодирий ижодхонада | 133 |
| Ҳордиқ чоғларида | 137 |
| Боғда | 143 |
| Чорсу бозорида | 155 |
| Ўхшаб кетади | 164 |
| «Ўткан кунлар» китобхонлар қўлида | 168 |
| Хатлар, нашрлар, таржималар | 178 |
| Бўлаш – бўлаш. Шифо истаб | 183 |
| Танқидми, таҳқир? | 188 |

III боб

| | |
|-------------------------------|-----|
| «Меҳробдан чаён» | 194 |
| Образлар қаёқдан олинди | 201 |
| Туш | 206 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| Роман босилиб чиққандан сўнг | 209 |
| Саёҳат | 215 |
| Шийпон | 217 |
| Қодирий ширкат аъзоси | 221 |

IV боб

| | |
|---|-----|
| Янги асар тараддуди. Қонқусга қимизхўрликка | 228 |
| Алексей Толстой – меҳмонимиз | 237 |
| «Обид кетмон» | 242 |
| Охунбобоев билан учрашув | 253 |
| Максим Горький ҳузурида | 256 |
| Сўфизода, Ойбек, Садриддин Айний | 259 |
| «Сўзи ўзимизники». «Ўқиш-ўрганиш». Қодирий Қозон шаҳрида .. | 266 |

V боб

| | |
|---------------------------------|-----|
| «Амир Умархоннинг канизи» | 273 |
| «Намоз ўғри» | 295 |

VI боб

| | |
|--|-----|
| Хитой консули | 300 |
| Хасталик | 301 |
| Бўрон арафасида | 310 |
| Жосуслар уюшмаси | 312 |
| «Шу – увв!» этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди...» | 321 |
| Аёлдан чиққан эркак | 330 |
| Кўч-кўч фожиаси | 333 |
| Навбат бизга | 344 |
| Тергов | 346 |
| Лагерларда | 355 |
| Оилада | 380 |
| Сўнгсўз | 384 |
| Ўтганлар ёди | 394 |
| Бахтиёрлик надир? | 395 |
| Варрак ясаб берардилар | 397 |
| Қандай пул топасиз? | 398 |
| Ҳосил улашардилар | 399 |
| Қовоқнинг ўғриси бўлмайди | 400 |
| Ёғоч кўприк | 402 |
| Балиқ овида | 403 |
| Усмон тегирмончи | 405 |
| Дадамни безовта қилган жинлар | 406 |
| Бедана ови | 408 |

| | |
|--|-----|
| Лидия Соцердотова | 412 |
| Мени қизиктирган расмлар | 413 |
| Ваъда..... | 414 |
| Алломалар ибрати | 416 |
| Бизнинг директор имонли эди | 418 |
| Ёзувчилик касб саналмайди | 420 |
| Гулларнинг ошиғи эдилар | 421 |
| Тириклардан хабар олиш савоблидир..... | 423 |
| Саид Олимхоннинг гилами..... | 425 |
| Худоёрхоннинг васияти | 429 |
| Ўрта осиелик Лев Толстой | 434 |
| Яхши китоб – ақл қайроғи | 435 |
| Қарияларни кўзлаб ёзилган китоб | 440 |
| Олимхон ака хотиралари | 443 |
| Депутат билан учрашув..... | 446 |
| Карачи сафарида..... | 447 |
| Ўра..... | 448 |
| Абдулла акамнинг ўғитлари..... | 450 |
| Мен қулоқ бўлишдан қандай қутулдим?..... | 453 |
| Шийпондаги улфатчилик..... | 455 |
| «Бўйи баланд» келин ойим | 457 |
| Топилмаган сурат тарихи..... | 461 |
| Мискин домланинг кароматлари | 462 |
| Қора доғни эп билмайман..... | 464 |
| Улар тадбиркор кишилар эди | 466 |
| Масъулиятли адиб..... | 470 |
| Театрдаги учрашув | 474 |
| Гули раъно..... | 476 |
| Пахсачи Қосим ака..... | 478 |
| Абдулла Алавийникидаги ҳашар..... | 480 |
| Дадам билан видолашув | 484 |
| Отамнинг қабри қаерда?..... | 487 |
| Юмушнинг савобларидан бири | 492 |
| Кечмиш..... | 497 |
| Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас | 498 |
| Кумушбиби ноласи | 499 |
| «Ўткан кунлар» ёди..... | 500 |
| Юнус Мақсудий «Хазон бўлган тақдирлар» китобидан | 502 |
| Ориф Қосимов <i>Мардлик</i> | 509 |
| «Ўткан кунлар» тақдири..... | 510 |
| Мактаби бетакрор..... | 519 |
| Суратларда қолган тарих..... | 551 |
| Муҳаррир сўнгсўзи | 580 |

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Хотира роман

Нашрга тайёрловчи: *Хондамир Қодирий*

Муҳаррир: *Воҳид Умиров*

Бадиий муҳаррир: *Баҳриддин Бозоров*

Мусахҳих: *Тимур Азизов*

Саҳифаловчи: *Умид Раҳматов*

Техник муҳаррир: *Баҳодир Хусанов*

Лицензия рақами: АІ №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 30.01.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x90 1/16. Нашр тобоғи 36,5.

Шартли босма тобоғи 35,25. «PT Serif» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 101.

*Ушбу тўпламнинг чоп этилишида моддий ёрдам
кўрсатган қўқонлик тадбиркор Обиджон Ёрматовга
ва марғилонлик тадбиркор Маъруфхон Жабборовга
ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.*

Мазкур тўплам бўйича фикр-мулоҳазаларингизни
қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,

Тошкент ш., Лабзак кўч., 29/55.

Тел.: (+998 71) 241-3221, 241-0169.

Факс: (+998 71) 241-0173.

Электрон почта кутиси: *info@infocapital.uz*

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.



...Бола чоғларим эди. Куз кунларининг бирида дадам билан «Жин-кўча» орқали уйга қайтардик. Кўча кимсасиз, хазонлар тўкилган, боғ эгалари бирин-сирин шаҳарга кўчиб кета бошлаган чоғ эди. Катта бир ёнғоқ дарахти тагидан ўтарканмиз, анчагина мева тўкилиб ётганини кўрдим. Югуриб бориб ёнғоқларни териб ола бошладим ва чўнтакларимни тўлдириб, нарироқда мени кутиб турган дадам олдиларига бордим. Укиши:

– Қани, ёнғоқларни ол-чи, – дедилар. Мен ажабланиб ёнғоқларни чиқариб қўлларига тўкдим. Укиши ёнғоқлардан уч донасини ажратиб менга бердилар. Қолганини девордан ёнғоқ эгасининг боғига ташлаб юбордилар ва индамай йўлларида кетавердилар. Мен кейинда чопа-чопа борарканман, дадамнинг бу ишларидан ҳайрон бўлиб сўрардим:


– Ёнғоқларни нега ташлаб юбордингиз, ада?

– Бировники, – дедилар ва негадир менга тикилиб қараб қўйдилар...



«INFO CAPITAL
GROUP» нашриёти

ISBN 978-9943-5108-0-7



9 789943 510807